



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

3

1989


58-йил чиқиши

Бош редактор:
Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Саид АҲМАД
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Омон МУҲТОРОВ
(проза бўлими мудири)
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(бош редактор ўринбосари)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Муҳаммад СОЛИҲ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТЎЛА
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул секретарь)
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти



Гулчехра Нуруллаева

КЎНГЛИМ ШУНДАЙ БИР МУРОД ТИЛАР

Қайта қуриш

Юрардик нопок-ла шеърда олишиб,
Юрардик ҳақиқат, адолатга оч.

Қайта қуриш...

Сендан кўнгил ёришиб,
Ҳар бир ҳужайрага қайтди-ку ишонч.

Эътиқодим қайтди... Булутли осмон,
Уйладим, зум ўтмай бўлар мусаффо.
Шоҳсупага чиқар бегуноҳ виждон,
Шоҳсупага чиқар эл-юртга вафо.

Қайта қуриш...

Сенга тикиб жонимни,
Дедим: «Мен уники, уники буткул.»
Энди эса борим — хонумонимни
Чирпирак этгудай, ёндиргудай ул.

Қайта қуриш — оппоқ бедорликка зеб,
Имон-диёнатга берилган маснаб.
Қайта қуриш — ҳақ деб, ҳалолликни деб,
Хаста бўлган юрак, қақшаган асаб.

Қайта қуриш — йиллар таъқиб айлаган
Озод фикрларнинг даври даврони.
Қайта қуриш — фақат ўзин уйлаган
Нопок кимсаларнинг зимдан исёни.

Қиш кета қолмасдан, келолмай баҳор,
Кунлар файз-тинчини йўқотган тахлит,
Имонлилар бедор,
Имонсиз бедор,
Ватан — жанг майдони бўлмишдир яхлит.

Одамлар беибо сўз ила муштлаб,
Оларкан бир-бирин гирибонидан,
Қўрқаман: покдомон юрагин ушлаб,
Чиқиб кетмаса, деб, жанг майдонидан.

Тиловат қиламан: булутли осмон
Чақмоқлар сўнггида бўлсин мусаффо.
Шоҳсупага чиқсин бегуноҳ виждон,
Шоҳсупага чиқсин эл-юртга вафо.

* * *

Бир пас хаёлларга боғланиб турдим,
Турфа саволларга боғланиб турдим,
Не бўлар, ўзинг айт, онажон юртим? —
Шоир рост сўзини айтмасдан қўйса.

Бағрингни ёғийлар тўлдирмасмикин,
Меҳмон мезбонини ўлдирмасмикин,
Елгон юрт тўрида ўлтирмасмикин? —
Шоир рост сўзини айтмасдан қўйса.

Эркин фикрларни сириш ортар-ку,
Силлиқ рухсорларда тириш ортар-ку,
Имон-этиқодда чириш ортар-ку! —
Шоир рост сўзини айтмасдан қўйса,

Одам одамлигин қўяр унутиб,
Лойқа талотумни бўлмас тинитиб,
Соврилмоғи тайин, чархи дун йитиб, —
Шоир рост сўзини айтмасдан қўйса.

Минбар, китоблардан қилинг қувғинди,
Увол эрур унга ҳатто ювинди,
Майли, ғурбатларга бўлсин сиғинди, —
Шоир рост сўзини айтмасдан қўйса.

Ғурбат ҳам жирқаниб, атасин хоин,
Ундан дариф тутсин бир парча жойин,
Умрлик қисмати шу бўлсин доим, —
Шоир рост сўзини айтмасдан қўйса.

Яшноқ кўрай, дейман, юртим атласин,
Ҳар жилоси унинг рост шеър ёдласин,
Портлай қолсин замин, осмон портласин, —
Инсон рост сўзини айтмасдан қўйса!..

Учрашувлар

Учрашдик...
Нур эдинг,
Порлоқ нур эдинг.
Ун олти ёшингнинг хотамлигидан.
Қувондим,
Суратинг,
Ажиб суратинг
Хусну малоҳатга ватанлигидан.
Шу дафъа
Шеър туҳфа этсайди илҳом,
Унга «МУЪЖИЗА» деб қўярмидим ном?!.

Учрашдик...
Нигоҳинг не учун ерда?
Нечун чарақламас ҳуснинг қуёши?
Шўхликлар қаерда?
Сеҳр қаерда?
Нима учун эгик латофат боши?
Шу дафъа
Шеър тухфа этсайди илҳом,
Унга «ГУНОҲ» дея қўярмидим ном?!..

Учрашдик...
Сен — сўзсиз.
Мен ҳам сукутда.
Қора кўзда
Қора фарёдлар кўрдим.
Ўзингни маломат аталмиш дардда,
Ортингдан
Ҳуснингга сайёдлар кўрдим.
Шу дафъа
Шеър тухфа этсайди илҳом,
Унга «ТЕЗ ЁРДАМ» деб қўярмидим ном?!..

Учрашдик...
Сен эмас...
Ёдинг-ла ногоҳ...
Эсдалик — буйнингни сиққан дор қолди.
Улгурмаган эдим тез ёрдамга, оҳ...
Юрагимда армон,
Нола-зор қолди...
Шу дафъа
Шеър тухфа этса илҳомим,
«ЭЗГУЛИККА ШОШИЛ...» — дермидим номин?!.

Ватан

Менга оғриқмисан, оҳмисан менга,
Майли, қўшиқ билсин куйлагувчилар.
Нетайки, кўп бўлса сендай заминга
Куйгувчидан кўра куймагувчилар.

Менга аждодлардан каъбамисан, ё —
Мендан авлодларга ёнишлар — ўтлар...
Нетайки, бағрингдан жой топган рие
Она атай туриб, солса човутлар.

Сени ўйламаслик — буюк қотиллик!
Барчага бирдайин ҳожатбарорсан.
Пахта тераётган, қўллари тилик
Ўғлим суратига кириб борарсан.

Сенга қарайман-у, заҳматкаш Ватан,
Ўзимни кўмаман минг таъналарга.
Қора либос кийиб, тутайми мотам
Ўғлим эшитмаган Муқанналарга.

Гарчи сени куйлаб, гул, демоқ урф,
Истеҳзо кўринди, кўзингга боқсам.
Қуриётган Орол бошида туриб,
Сочларини ёйган қорақалпоқсан.

Айтгил, онажоним, кимлар буюрди:
«Хирмон кўтарганда сор рақам бўлгил!»
Истаганим: бўлгил Рустамлар юрти,
«Қора кўзим» бўлгил, «Шашмақом» бўлгил!

Ёзу қиш пахта деб қад буккан воҳам,
Тилаганим сенга — тақдир қуёши.
Майлига, мен учун оғриқ бўлсанг ҳам,
Омон бўл, омон бўл, кўзларим ёши!

Чингиз Айтматовга мактуб

Салом сизга, руҳий инқилоб,
Салом сизга, даҳо аллома.
Муҳибалар гарчи беҳисоб,
Журъат этдим битмоққа нома.

Утинаман: фахрдан денг сиз,
Кўзларимдан томар экан ёш.
Қувонч эрур, бахт эрур тенгсиз,
Буюкларга бўлмоқ замондош.

«Кунда» бўйлаб чаппар тўкилди,
Дилни эзган минг оғриқларим.
Тегрангиздан тутатгим келди
Мўйинкумнинг исириқларин.

Олатовнинг чиқиб бошига,
Тўрт тарафга солгим келди жар:
«Огоҳ бўлинг ҳасад тошига,
Чингизимиз асранг, одамлар!»

Ҳар юракка солиб мен изни,
Сўрай дедим қаридан, ёшдан:
«Сиз «Кунда»ни ўқидингизми,
Андак тиниб киндан, талошдан?»

Ҳақиқатнинг азми мукаммал
Бўлсин учун, эй замондошим,
Билармисиз; ошуфта аввал
Қўйсин экан кундага бошин.

Кўнглим шундай бир мурод тилар:
«Омон бўлсин қақнуслар жони.
Жасурликка бошлагай улар
Қўрқоқларга қолган дунёни».

Юрагимдан келади бир сас:
«Бундай фотиҳ бўлмовди сира.
Ўртанмасанг бўлар энди, бас,
Алпомишни кўрган Гулчехра!»

Ривоят

Жамол Камолга

Ўтган экан покдил одам,
Яккаш меҳр — ганж экан.
Бу қандайин телба олам:
Кўрганлари ранж экан.

Ранжин ютиб, одамларни
Тўғри йўлга соларкан.
Кўрганида пок дамларни,
Кўнгли қарсак чаларкан.

Ўзи емас, ўзгага ҳам
Едирмагай ҳаромни.
Шу боисдан талай одам
Йўқотибди оромни.

Сир бой бермас. Сиз, деб, падар,
Юкинаркан ноиблар.
Пойин ўпиб, ерга қадар
Букиларкан ноиблар.

Кулар экан феъли ювош:
«Бу — азалий хат, — деркан, —
Вақти келиб отарсан тош,
Сал секинроқ от», — деркан.

Ҳақгўйлиги худкашларнинг
Иззат-нафсин букибди.
Йиғиб келиб хор-хасларни,
Уст-бошидан тўкибди.

Ёзишибди шоҳга нома,
Телба атаб донони.
Дейишармиш: зўр ҳангома
Тутар энди дунёни.

Ишонибди чиппа шоҳ ҳам,
Ёзганлари рост, дебди.
Кўпчиликки эмас маҳрам,
Чиндан ақли паст, дебди.

Шоҳ фатвоси нокасларга
Беадад қўл келибди.
Беришибди эрк дастларга,
Ўлжалар мўл келибди.

Атроф куриб, хазинага
Тикишибди кўзларин.
Кўзни очиб... дор остида
Кўришибди ўзларин.

Оломонни ёриб чиқиб,
Калом айтмиш «девона»:
«Ҳоли шундоқ бўлар, кимки
Имонидан бегона.

...Уйланаман неча аср,
Неча йиллар берида:
Бўлди экан қандайин сир
Ул дононинг зорида?

Билсам ҳамки сизни бебош,
Ғамларингиз егандим.
Мана, қайтди сиз отган тош,
Секинроқ от, дегандим...»

Деган эди: «Секинроқ от!»
Демаганди: «Отма, бас!»
Одам аҳли, э воҳ, наҳот
Тош отмаса туролмас?!

Виждон

Рўпарамда кўринмас девор,
Ошиб ўтсам, бўлурман абгор.

Рўпарамда кўринмас довчи,
Сўзни, ҳатто кўзни терговчи.

Рўпарамда кўринмас парда,
Азоб бўлар, очсам агарда.

Девор, парда, терговчи, чизик...
Ўшаларни улуғлар кўшиқ.

Рўпарамда кўринмас чизик,
Босиб ўтсам, ҳаётим бузук.

Асирликда йўғу борлигим,
Шу асирлик — бахтиёрлигим.

САККИЗЛИКЛАР

* * *

Мен сиз каби кула олмасман,
Мен сиз каби чалмасман қарсак.
Маҳзунликнинг майдан мастман,
Эгнимда ҳам у бичган мурсак.

Тилимдадир қисмати тахир —
Фурсатларнинг оғриқ кезлари.
Нетай, нетай, нетайки, ахир,
Мен — ҳаётнинг дарднок кўзлари!

* * *

Меникисан, деб айтар тун,
Ором ваъда этади.
Меникисан, деб айтар кун,
Илҳом ваъда этади.

Нетай, ўзни бергим келмас
Тунга — ғафлат-мудроққа.
Илҳом эса ошно эмас
Афтодаҳол чарчоққа.

* * *

Курант бонг уради. Қарайман қўлга,
Кўраман соатим илдам қалбини.
Тўғрилайман уни, соламан йўлга,
Битта-битта санаб курант зарбини.

Яхшилар, яхшиям борсиз ҳаётда,
Курантим соати биламан сизни.
Ҳовлиқсам, тўхтасам ё қолсам ортада,
Тинглашга тушаман зарбларингизни.

* * *

Андухларим кўрарсан баҳам,
Ҳасратимдан юрагинг тилик.
Сенинг учун, билмагайман ҳам,
Қилиб эдим қандай яхшилиқ.

Бўлганинг чоғ мен учун ҳамдарад,
Эриб, ёшга тўлар бу дийда.
Гуноҳкорсан, десалар, фақат
Тиз чўккайман сенинг олдинда.

* * *

Қизим, қувонаман: танти табиат
Ажиб юрак ила сени сийламиш.
Сочдан тирноққача маъсума иффат,
Сочдан тирноққача меҳр, ийманиш...

Ҳайратли бир савол мени айлар шод,
Шириин бир ҳаяжон кўксимда зоҳир:
«Наҳот менга тегиш шундайин ижод?!
Наҳот меникидир шундай жавоҳир?!»


* * *

Айдар Осмоновга

Гапиринг!
Гапиринг!!
Гапиринг!!!
Элингизни ўйласангиз,
Тилингизни ўйласангиз,
Мен-чи...
Сизни англамасам,
Юзларимга тупуринг!

Яна аёлларга

Эй сиз бокиралар, эй сиз гулсанам,
Тинмаган жонларим, малоҳатларим,
Дунё қай бурчида яшасангиз ҳам,
Дунё устунисиз, зебо қадларим.
Севмак, севилмаклик — сизга қоида,
Сизни мўъжиза деб таниган очун.
Бир бош паст турасиз эркак ёнида,
Мағрур бошларини эгдирмоқ учун.
Олам яралмишки, ўтади улар
Нафис гўзалликнинг қарамоғига.
Овозингиз ипак. Боиси, дерлар,
Дўрилдоқ овозлар эримоғига.
Тийра кўз — «муштабид ҳоким»ларингиз
Мафтун нигоҳларни доғлаш учунмиш.
Бунча узун, десам, кокилларингиз,
Бекўним ҳисларни боғлаш учунмиш.
Қоматингиз шамшод. Одимлар майда —
Зор-зор кутсин учун одими йирик.
Қадамингиз етган, сиз бўлган жойда
Танти қувонч бўлар, нур бўлар тирик.
Ҳайқиргим келади: «Меҳри беназир,
Эй сурати латиф, сийрати латиф,
Замин нигоҳлари сизга мунтазир,
Замин оналигин кўйинг кўрсатиб.
Нейтрон даҳшатидан тўйгани учун,
Гўдак кулгусига шунчалар очким,
Дунё боқийлиги, ҳаловат-тинчин
Аёл асролмаса, асролмас ҳеч ким.



Суюн Шукуров

САЗОЙИ

Тарихий қисса

Турумтой Арк дарвозасига яқинлашганида Ёпиқ арава ёнида турган уч кишининг нима ҳақдадир тортишаётганини кўрди. У етиб борганида бир киши ғойиб бўлган эди. Қолган икки кишининг бири «Чилдухтарон»ни «оҳори тўкилмаган» гўзаллар билан тўлдириб, амирни хушнуд қилиб юрувчи қўшмачи хотин Хайри жаҳаннам экан. Ун гулидан бир гули очилмаган қизларни олиб келиб, «Чилдухтарон»га тақдим этгани учун халқ орасида «жаҳаннам» лақабига сазовор бўлган Хайри бугун ҳам бир хонадонга ўт қўйгани сезилиб турарди.

— Ҳа, овга чиқибсан-да? — деди аравага яқинлашган Турумтой.

Жаҳаннам ерга қаради ва қўрқа-писа жавоб берди:

— Камина ҳам бировга мутемиз-да, тақсир.

Турумтой аравага разм солди. Пиқ-пиқ йиғлаган қиз овози эшитилди.

— Қани, бугун қайси хонадонни хонавайрон қилдинг?!

— Тақсир, менинг хонадонимни! Она сути оғзидан кетмаган духтарчам-ни зўрлик билан тортиб олдилар! — деди қалтираб турган эркак киши кўзёшини артиб.

— Ўзингиз кимсиз?

— Ночор бир чилангарман...

У шошиб қолди. Нима дейишини билмай тутилди. «Бу одам улуғ киши бўлса керак, қўшмачи хотинга ўктам гапиряпти», деб ўйлаб, сўнаёзган умид чироғи қайта ёнди-да;— садағангиз кетай, қизимни халос этинг, ўлгунимча дуойи жонингизни қилай,— деди тиз чўкиб.

Турумтой сарой ичкарасига ишора қилиб, Хайридан сўради:

— Ким эди ҳозир кириб кетган?

Хайри қалтираб жавоб қайтарди:

— Туроб маҳрам.

— У нега ғойиб бўлди?

— Сиздан ҳайиқди чоғи.

— Жаҳаннам, она бўлиб кўрмагансан, йўқса бу юмушни қилмасдинг. Шу норасиданинг онасини қай аҳволга солиб келганингни ҳеч ўйлаб кўрдингми, а? Маофани изига қайтар, қизни жойига элт. Бордию, бундан амир хабар топса, жонингдан умидингни...— деди у ва белидаги қилич сопини ушлади.

Арава олдинда, унинг изидан чилангар бирпасда кўздан ғойиб бўлдилар...

Бир ҳафтадан сўнг, қабулхонада ўтирган таниш киши Турумтойга қуллуқ қилиб тиз чўкди.

— Туринг ўрнингиздан. Не юмуш билан келдингиз?
— Агар койинмасалар, ўзларига айтатурган икки оғиз каломим бор эди.
— Қани, кирайлик-чи,— деди Турумтой қабулхона ичкарасига юра туриб.— Утиринг,— ёнгинасидан жой кўрсатди Турумтой. У одам қимтиниб, пастроқда чўккалади.— Исму шарифингиз?

— Абдурайим...
— Абдурайим чилангар, денг?
— Ҳа, ҳазратим.
— Қалай, кўнглингиз тинчидими?
— Мингдан-минг тасанно, ҳазратим!
— Хизмат?
— Ҳазратим, хизмат йўқ. Қилган яхшилигингиз учун сизга ўла-ўлгуним-ча хизмат қилишга онт ичиб келдим. Биздек бандаларга паноҳ берган сиздек зот бўлмаса, Бухоронинг жаҳаннамдин фарқи қолмас эди.

— Ҳай, ҳай, Абдурайим, нархимизни кўп ошириб юбордингиз.
Турумтой бир бечоранинг бегуноҳ қизини «аждар» оғзидан олиб қолганидан севинди...

* * *

— Ҳой, калласини еган ясовул, кўзинг қаёқда? Танимаяпсанми? Олдини тўсма!

Ясовул Туроб маҳрамнинг таҳдидли сўзларидан сўнг аёлга кўз тикди.
— Бу кишининг товонидан тепасигача берк бўлса, қандай танийман, Туроб ака?

— Гап унда эмас, сенларга хотин зоти кўриндими, кўзларинг ўйнайди, жувонми, кампирми, юзини кўришга уринасанлар. Танимадингми, а? Яхшилаб таниб қўй — Хайринисо дейдилар. Бухорода билмаган киши йўқ, бу аёлни.

Чакаги тинмас, ўктам Туроб маҳрамдан ийманган ясовул аёлни ўтказиб юборди. Аёл тез-тез юриб, Туроб маҳрамнинг ёнида тўхтади.

— Қани, нега киритмадинг?
— Қушбеги қайириб жўнаттирди.
— Тушунтириб айтмадингми, ахир?
— У ажалнинг ўзи-ку.
— Ўзи қаёққа кетди?
— Менга айтармиди, отланди-да, жўнаб кетди. Энди нима қилдик? — деди Хайри.

— Бошқа қиз топасан-да. Лекин қушбегига дуч кела кўрма. Нақ каллангани сапчадай узади-я!

— Туробжон, бир маслаҳат бор.
— Хўш?
— Шаҳаншоҳга қушбегининг қизи ҳақида оғиз очасиз.
— Яъни?
— Нима бало, мунча овсар бўлмасангиз! Унинг ойдан ҳам сулув духтарчаси борлигини билмайсизми?

— Ҳа, ҳа, англадим. Лекин, совчиликка ўзинг борасан, деб қолса-чи?
— Иложингиз қанча!..

— Йўғ-э, унда мендан умид узавер. Қушбеги олдига боришдан кўра, ўз оёғим билан тўғри қабристонга кетганим маъқул эмасми?

— Бу юрак билан қандай кун кўриб юрибсиз? Қилганга қил, деганлар. «Йўқ» десангиз, амирга ўзим бораман.

Туроб маҳрам ўйлиниб қолди. «Бу шум аёл ҳеч нарсадан тоймайди. Амирдан оладиган нақд тангани шу аёлга бой бериб ўтирайми? Унда маҳрамлигим қаёқда қолди? Лекин қушбегиникига бориш — Азроилга рўпара бўлиш-ку!

— Нега ўйланасиз? Ўтган-кетганга томоша бўлиб тураверамизми?!
— Бўпти, сен боравер. Эрта-индин «ҳосил»ни ўрамыз.

Хайри жаҳаннам отган ўқининг мўлжалга текканига ишонч ҳосил қилди ва ҳамтовоғи Туробга далда берди:

— Шу ишни битиргунингизча қорамни кўрмайсиз, лекин олган «ҳосил»дан капсан беришни унутманг!

— Бирон жойда «гуллаб» қўйма...

Қўшмачилар икки ёққа ажралишди. Хайри жаҳаннам юраги таскин топиб уйига, Туроб маҳрам дами ичига тушиб ҳарам томон жўнади...

* * *

— Олампаноҳ, таъблари нохуш эмасми?

— Йўқ, нимаиди?

— Шикор қилсак, «оҳу гўшти»га иштаҳалари қалай?

Туроб маҳрамнинг қочириқ гаплари амирга аён эди. Амир мийиғида кулиб:

— Қайси «сахро»ни сайд қилмоқ истайсан? — деди.

— Сайёдингиз қушбеги хонадонида «диккак оҳу» борлигидан воқиф бўлмиш.

— Нозик майдон танлабсан. Чатоқ инсон, уддасидан чиқишингга шубҳам бор...

Амирнинг кўз олдига Турумтойнинг салоҳияти келди. Турумтой Ботирхон замонида ботирликда, паҳлавонликда шуҳрат қозонган. Агар жангга кириб наъра тортса, душманларга сичқон ини минг танга бўларди.

Бу воқеа ўттиз йил олдин содир бўлган эди. Ботирхон «валади зино» — Мадалихон устига юриш қилганида Турумтой ўнга яқин душман аскарлари орасида танҳо қолди. «Елғизнинг ёри худо!» — деб наъра тортди у ва душманларнинг беш-олтисини ер тишлатди, қолганлари қочиб қутулди. Жанг тугагач, Қўқон майдонида Бухоро аскарлари кучини синаш учун кураш ўтказилди. Уша беллашувда Турумтой саккиз паҳлавонни йиқитиб, амирликда қолиб деб топилди. Унинг шижоатли жангчи ва Бухоро полвони деб ном олиши подшоликкача бориб етди. «Фармони олий барчага маълум бўлғайким, Турумтой шу фурсатдан эътиборан Манғит амирлигининг муқарраб ус-султони¹ деб топилсин. Унга «Қўшин бошлиғи» ёрлиғи берилсин!

Насрулло бинни Амир Ҳайдар».

Музаффарни отаси вафотидан сўнг, оппоқ кигизга солиб тахтга кўтарган саккиз оқсоқолнинг бири Турумтой эди.

* * *

— Падари бузрукворимнинг фармойишини пучга чиқаришдан андиша қиламан. Аслида бу мўйсафидни жиним ёқтирмайди, Туроб! Узинг биласан, сен пиширган ош заҳар бўлса ҳам ичамиз-да,— кулди амир.

— Иншоолло иш ўнгидан келгай. Бугуноқ борурман.

Шу ҳафта ичида бокира қиз кучмаган амирнинг дили ёришди².

* * *

Турумтойнинг бошқа амалдорлардан фарқи шуки, у ишдан бўшагач, ўз-ўзини тафтиш қилар, салтанат манфаати учун эмас, фуқарога қандай наф келтираётганини бир-бир хаёлидан ўтказарди.

Бултур кузда бўлиб ўтган воқеа уни мудом қийнайди. Чунки ўшанда Файзи авлиёни ўлимдан сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Воқеанавис вазир келиб: «Файзи авлиё деган каззоб ўз тўдаси билан кеча тунда Самарқанд дарвозасида турган қоровулларнинг оёқ-қўлларини боғлаб оғзига латта тикибди-да, бир миршабни бўғизлаб кетипти», — деди.

— Аниқроқ айт-чи? — Турумтой унга тикилди.

— Айтдим-ку?

— Муддаоси не экан? Ўзи қаерлик?

— Суғут қишлоғидан эмиш. Муддаоси — қароқчилик-да!

— Бундан амир воқиф бўлдими?

— Йўқ, сизга айтаётибмиз.

¹ Муқарраб ус-султон — шоҳнинг энг яқин, ишончли кишиси.

² Амир Музаффар ҳар жума куни бир хотинини талоқ қилар ва бир қизни никоҳлаб оларди.

- Файзи авлиё эканини қайдан билдингиз?
- Соқчилар қароқчилардан бирини тутиб олибдилар.
- Қани, у?
- Ҳибсхонада. Калтак зарбидан беҳуш ётибди.

Турумтой ҳибсхонага борди. Улардай калтакланган бир одамнинг юзига совуқ сув сепиб, ҳушига келтиришди.

- Гапир, каззоб,— деди Турумтой унга.— Ҳамроҳларинг кимлар эди?
- Сиз кимсиз, тақсир? Мени Файзи авлиё йўлдан урди. Кечаси дўконларни таламоқчи эдик. Ишимиз юришмай, мен қўлга тушдим.

Ўттиз ёшлардаги бу йигит каллакесарлар даврасига фавқулодда қўшилиб қолгани, ўзи эса чиндан ҳам содда ва анойи эканини Турумтой фаҳмлади.

- Нега уларга қўшилдинг? Туппа-тузук дехқон кўринасан?

— Алданибман, бунинг устига кавшайдиган ҳеч нарсам йўқ, жўжабирдай жонмиз. Очдан ўлиб қолгандан кўра, шуларга қўшилганим яхши, деб ўйлабман.

- Миршабни нега ўлдирдиларинг?!

— Йўқ, тақсирим, бировни бир чертган банда эмасман. Ҳамюртларимиздан бири дод солмасин деб, бўғиб ўлдириб қўйди.

- Файзи авлиё қаерлик, қандай одам?

— Суғут қишлоғидан. Уям атайдан ўғирлик қилаётгани йўқ, ночорликдан. Олти-етти нарасида болалари, қари онаси бор. «Кўзим тиригида онамнинг очдан ўлганини кўришни истамайман. Ё шуларни тўйдирай, ёки дорга осилай», деб онт ичган...

Турумтой қишлоқларда қаҳатчилик бошлангани, одамлар очликдан қириляётгани, сабабчиси амир ва ўзи каби амалдорларнинг адолатсизлиги эканини ўйлаб, фикри ойдинлашди.

— Ўғирликдан бошқа юмуш қуриб кетганми? Ишлаб нон топишни ўйламай, нечун шунчалик қотилликка бордиларинг?!

— Ишламади деб ўйлайсизми? Йил бўйи тер тўкиб меҳнат қилсак, тақсир, унинг ҳузурни сизларники-ку!

«Ўлим олдида одамнинг тили узун бўлади, у ҳеч нарсадан тап тортмайди,— ўйлади Турумтой.— Ҳақиқатан, булар ишлайди, ҳузурини биз кўраемиз».

- Кундузлари Файзи авлиё қаерда яширинади? — ўғрига қаради у.

- Тақсирим, биз сирни айтмасликка онт ичганмиз!

- Демак, айтмайсан?!

- Йўқ, йўқ, ўлим бор — айтиш йўқ!

Хаёлга чўмган Турумтой амир олдига жўнади. «Ўғрининг гаплари ҳақ. Буни амирга айтсамми, айтмасамми? Айтсам, сўзсиз-сўроқсиз ўлдиради. Бечорани ўлдиришни кечиктиришни керак. Акс ҳолда уволига қоламан,— ўйлаб борарди у.— Қани, энди, иложи бўлсаю, маҳбусни бўшатиб, унга моддий ёрдам ҳам қилсам. Бу — мумкин эмас». Агар шундай қилса, ўзи ҳам Файзи авлиёга ҳамтовоқ бўлиши аниқ. «Наҳотки улусни сўриб ётган амирга ҳамнишинман, бегуноҳ одамларнинг очликдан қирилиб кетишига қачонгача томошабин бўлиб юравераман?! Бу гуноҳларни оқлашнинг имкони борми? Йўқ, ит эмган амирда адолатдан асар ҳам йўқ».

— Ассалому алайкум, давлатпаноҳ,— деди Турумтой саломхонада қовоғидан қор ёғиб ўтирган кулча юзли, бароқ қошли, кўзлари шокосадай амирга тавозе билан. Амир курсининг суянчиғини чангаллаб, ўйчан ўтирарди. У олти тўн устидан, янада савлатли кўриниш учун, жуда кенг қилиб тикилган еттинчи заррин тўнни ҳам кийиб олган. Унинг патак соқоли, мойлаб қўйилгандай юзини чандон кенг қилиб кўрсатарди. Амир салом олиш ўрнига бош ирғаб кўя қолди.

— Каззобларнинг қилган ишларини эшитдингизми, қўшбеги? — кўз ости билан синчков боқди у Турумтойга.

— Ҳа, амирим, эшитдим, ҳибсга олингани билан гаплашдим ҳам,— деди Турумтой ерга қараб.

- Хўш, хўш, не дейди у бадкирдор?

Амир Турумтойнинг содиқлигига ишонгани учун, ўғрини келтиринг, демади.

- Амирим, қароқчилиги рост, аммо очликдан қирилиб...

- Бир ўғрининг гапига ишониб, ҳали уларни оқламоқчисиз чоғи, а?!

Турумтой ўз хатосини тузатишга уриниб:

— Асло, шоҳим. Суҳбатда аниқлаганимни айтдим, холос,— деди.

— Файзи авлиёни бутун шериклари билан тутиб келишга навкар ҳозирлангиз! — деди амир дағаллик билан. — Ҳибсдаги эса сақлаб турилсин!

Турумтой ўйга толди. Ҳозирги суҳбатда амир билан иккиси ўртасида ноҳушлик пайдо бўлганини ҳис этди. «Бу алмисоқдан қолган Арк қанчалаб шоҳ ва амирларнинг ишратхонаси бўлиб келди. Не фалокатлар юз бермади бу қотиллик масканида. Қаллоблик, риёкорлик, хунрезлик излари қасрнинг ҳар бир ғишти, ҳар сиқим тупроғига сингиб кетган. Бу кўҳна равоқда ҳуда-беҳудага не-не азамат паҳлавонларнинг муборак қонлари тўкилди. Неча-неча маъсума қизларнинг номуслари поймол этилди... Хўш, Файзи авлиёни қароқчиликда айблаб тутиб келтирсам, унинг бошини жаллод кундасида чопилаётганига қараб туришга кўзларимнинг бардоши етармикин?! Қаерда қолади мендаги адолат? Бу аблаҳ амирга гап уқтириб бўлмаса. Йўқ, ҳамонки иложсизликдан, ўғирликни ихтиёр этган экан, қўлга олинмасдан илгари у билан рўбарў бўлишим даркор. Чиндан ҳам айби бўлмаса, қармоққа илинтиришни пайсалга солсам... Тутиб келишни кечиктирганим амирга билиниб қолса-чи?..»

Турумтой икки ўт орасида қолди. Ниҳоят, бир қарорга келиб, навкарлардан танлаб чақирди.

— Файзи бекорга «авлиё» лақабини олган эмас, — деди у. — Бу каззоб ўз қишлоғида эмас, бошқа, жуда узоқ жойга яширинади. Шунинг учун сизлар уни шаҳардан ахтаринг. Мен эса уларни чалғитиш учун Суғутга жўнайман. Шаҳардаги ҳар бир қадамни тафтиш қилингиз!

Шаҳарнинг ҳамма томониغا навкар жўнатилади. Турумтой эса ўзига яқин икки ишончли навкар билан Суғутга йўл олди.

Турумтойнинг йўлдошлари ўз бошлиқлари кетидан от йўрттириб боришарди. «Бу мияси айниган чол нега «қалтис ов»га чиқди? Яна, жуда озчиликмиз. Тўғри, аввалги Турумтой ботир бўлганида-ку, қўрқмасдик. Файзи авлиё ёки шунга ўхшаш қароқчилар бирдан ҳужум қилса-я?»

— Ҳой ботирлар, нега имиллайсизлар, қўрқаяпсизми ё? — сўраб қолди Турумтой дабдурустан.

— Йўғ-э, ўзимиз шундай...

— Бардам бўлинглар. Энди биз жангда шаҳид бўлиш ёшидан ўтганмиз. Йўлдошингиз кимлигини унутманг-а!

Навкарларга жон кирди. «Гаплари ҳақ. Қўлга тушиб қолсак ҳам сўрамай ўлдириб юбормас. Негаки, амирликданмиз».

Навқари «соҳибқирон»лар! — деди Турумтой уларнинг фикрларини пайқаб тургандай. Биз қуён тутиш учун эмас, аждар билан мусоф¹ қилишга боряпмиз. Унутмангизки, сафардан қайтганимизча, мени вазир, қушбеги тақсир, деб атамангиз. «Амак» деб мурожаат қилингиз. Бизнинг амалдорлигимиз аён бўлма-син, уқдингизми?

— Бош устига, тақсир, — дейишди навкарлар.

Йўловчилар, сиртдан қараганда, оддий бозорчилар ёки саёхатчиларга ўхшарди. Одми, қишлоқча кийинишган. Тутқич бермас тулпорларини эътиборга олмаса, кишининг унчалик диққатини тортмасди. Тиш-тирноқларигача қуролланганини эса бақамти келинмаса пайқаш қийин. Улар кечгача йўл юриб чарчадилар. 30—35 чақирим келадиган масофадан сўнг катта ариққа етиб тўхташди. Қўй боқиб юрган чўпондан:

— Бу Султонобод ариғими? — деб сўради Турумтой.

— Шундай, тақсир.

— Суғут қишлоғи қаерда?

— Шу ариқни ёқалаб кетасиз, Суғутгача яна 2—3 чақирим бор.

— Балли. Файзи авлиёни танирсиз, бўтам.

Чўпоннинг капалаги учди, ранги бўздай оқариб, тили калимага келмай қолди. «Булар ким бўлди экан? Унинг шерикларими? Файзининг ўзи бўлса-ку, зиён бермасди. Булар мени танимаса. Унгани нақд, деб қўйларимни ҳайдаб кетса-я». У таёғига суянганча серрайиб қолди. Турумтой буни сезиб, чўпонга майин гапирди:

¹ Мусоф — кураш, жанг.

— Биздан ҳадик олманг, сизга тегмаймиз, унинг шерикларимиз, анчайин, адашиб юрибмиз.

— Сирасини айтсам, билмайман,— унинг оғзига бошқа гап келмади ва шошганича қўйларини тескари томонга қувлай бошлади...

Сўғут оқсоқоли Мамашариф азиз меҳмонларни тавозе билан кутиб олди ва Файзи авлиё ҳақида тўлиқ маълумот берди. У Турумтой қушбегини таниган заҳоти оёқни қўлга олиб югурди, дастурхон тузади. Оқсоқолнинг айтишича, Файзи авлиё, 40—45 ёшларга кирган, айна кучга тўлган пайти экан. Мамашарифга ҳеч ёмонлик қилмабди. Бу раҳзан¹ тезроқ қўлга олинмаса, барибир ҳаёти хавф остида экан.

— Болалари борми?

— Етти-саккиздан кам эмас.

— Ота-онасичи?

— Отаси ўлиб кетган, майиб онаси бор.

— Камбағалми?

— Қип-қизил гўш! Супрасини қоқса, чанг чиқмайди.

— Ҳозир қаердалигини билмассиз?

— Қайдам. Уни ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Қачон қишлоққа келганини ҳеч бир жон кўрган эмас. Қай маҳал келиб онаси, болаларини кўриб кетармиш. Қўлга олмасалар, Аркка ўт қўйишдан ҳам тоймайди, бу баттол.

Турумтой жуда эҳтиёткорлик билан Файзи авлиё ҳақида тўлиқ маълумот олди. У ўзича шундай хулосага келди, Файзи авлиё ўғрилиқни бебошлик, аҳмоқлик, ё шўхликдан эмас, ҳаётдан тўйганидан қияпти. У ўлимини бўйнига олган, бугун бўлмаса эртага қўлга олинади. Ҳозир унинг онаси қай ҳолда экан? Ўғлидан умидини узгандир. Бечора она, фарзандининг қошига гард қўнса ҳам қанчалар изтиробга тушади. Ўғирлик қилсин, деб уни вояга етказдингми? Ўғлинг сени дафн этиш ўрнига, унинг ғариб мозори устида ўзинг зор қақшайсанми! Сенга ўхшаш мушфиқ оналар озми бу дунёи бебақода!..

Файзи авлиё бир ҳафтадан сўнг тутилди. Уни навкарлар «марди мардон» («мардлар марди») ўйинида қўлга туширишди. Бухоро бойваччалари яккама-якка уруш, бу урушда ким ғолиб чиқса, унга «тайёр» унвони бериш ўйинини ташкил этганди. «Тайёр»ларнинг энг юқори унвони «марди мардон» деб аталарди.

Файзи авлиё кечалари ўғирликда, кундузи «марди мардон»да иштирок этарди. Шу билан ўзини ниқоблаб юришни мўлжал қилган эди. У кундузи ясама мўйлов қўярди.

Файзи авлиёни минорадан ташлаб ўлдириш учун фармон берилди. Қатл вақтигача эса қушбеги ихтиёрига топширилди.

Турумтой унга бошдан-оёқ разм солди. Баланд бўйли, хушқомат, қора қошли бу йигитнинг кўзлари лочинники каби чақнар эди. Навкарлар роса дўппослашибди. Таёқ зарбидан қонамаган жойи йўқ. Унинг белида итпалаҳмон боғлоғлиқ. У бу палаҳмонни ёшлигидан белига боғлаб юрар, ҳар қандай мерган ҳам унинг олдида бармоқ тишлаб қоларди.

— Кўп кишиларга жабр қилдинг,— деди Турумтой.

— Мен жабрдийдаларга жабр қилдим.

— Муддаойинг не эди?

— Пул йиғиб аскар тўплаш, амирликка ўт қўйиш...

— Бу қўлингдан келармиди?

— Билмадим.

— Одамлар каби тинч яшасанг бўлмасмиди?

— Сен мени сўроқ қилиб ўтирма, амалдор. Мен ўлимга маҳкумман. Ўлганни тергаб ўтирмайдилар!

— Онанг бечорага раҳминг келмабди-да. Болаларинг ҳам етим қолади.

— Онамнинг бўлари бўлган. Болаларим эса, ўлмай одам бўлсалар, мен билан фахрланишади.

— Ўғрининг нимасидан фахрланади?

— Мен халойиққа эмас, амалдорларга қаршиман. Бирорта ғариб ёки камбағалга озор бермадим.

¹ Раҳзан — йўлтўсар

Турумтой Файзининг ҳимматига қойил қолди. Амал қўлида туриб, фуқарога бирор нафи тегмаганидан ўз-ўзидан жирканиб кетди.

— Мир қушбеги сиз бўлсангиз керак?

— Ҳўш?

— Сиз ҳақингизда яхши гаплар эшитганман.

— Яъни?

— Бизга ўхшашларга мадад қўлини чўзармиш, дейишган эди. Аммо бу гаплар уйдирмага ўхшаб қолди.

— Нечун?

— Биз қашшоқлар сизларнинг иноятингиз нари турсин, бир оғиз илиқ луқмангизга зормиз. Сизда эса бундан нишона ҳам кўринмаяпти.

Турумтой қатл майдони ёқасида турган бу кимсанинг ўлимдан заррача қўрқмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Файзи ҳамон ўзининг ўлимидан эмас, режасининг — бу режа умуман амалга ошиши мумкин бўлмаса ҳам — барбод бўлганидан афсусда эди. «Фуқаро орасида қандай инсонлар бор-а? Улар башарият манфаати йўлида ҳатто азиз фарзандларини ҳам ўйламайдилар».

— Ҳўш, сенингча, мен адолатли бўлсам нимани истардинг?

— Бу йўлга қадам босганимдаёқ ажал тўнини кийиб олганман. Надимларим ҳам амир қўлига тушиб, қатл қилинишидан қўрқаман. Ҳали томиримиз чуқур илдиэ отиб кетмаган. Бунинг устига, улар йўқ қилинсалар, биз билан бирга эзгу ниятларимиз кўмилиб кетади. Менга дуруст мулоқотда бўлишингиздан, яхшилик қилиш истагингиз борга ўхшайди. Агар шу рост бўлса, мени маҳв этиш билан кифояланилса. Бу қўлингиздан келадими?

Турумтой зукко одам эмасми, бу гапнинг маъносига тушунгандай бўлди.

— Сени авлиё деганларича бор экан. Бироқ сўз беролмайман. Чунки давлат ихтиёри менга боғлиқ эмас. Тахт соҳиби кимлиги эса ўзингга маълум.

— Ҳайронман, сиздай фуқаропарвар киши қандай қилиб саройда бош асраб юрибсиз?

— Музаффарга қолса, мени бир нафас ҳам қўймас эди. Насруллохоннинг: «Турумтой биз учун энг керакли одам, унга қўл тегизган киши салтанатнинг душманидир», деган гапини ҳамма билади. Шу боис мен жон сақлаб турибман. Ошқора жиноят қилиб қўймасам, менга жазо йўқ.

— Демак, сиз амирликда муқим амалдорсиз?

— Ундай эмас, кейинги йилларда мендан Музаффарнинг ихлоси қайтаётир. Негаки, баъзи фармонларига шубҳа қилаётганимни сезмоқда.

Файзи авлиё шуни англадики, Турумтой ҳам салтанатнинг сидқидил ишончи эмас.

— Сувга чўкаётган киши хасга ёпишаркан. Сиздан сўнгги илтимосим: жасадим кўчада қолиб кетмаса, бердириб юборсангиз...

Турумтой «қулт» этиб ютинди.

Қуёш анча кўтарилиб қолди. Алҳол жарчининг чинқироқ овози эшитилди.

— Оҳо-ҳо-ҳой! Аҳли шарифи Бухоро-о-о! Эшитмадим деманглар-р-р!

Бугун пешин номозидан сўнг, амиралмуслимин амир Музаффарнинг формони билан, бадкирдор ўғри ва қотил Файзи авлиё минорадан ташлаб ўлдирилади — ҳо-ой-ой!!!

Амирнинг ўнг томонида қушбеги, сўл тарафида Шайхулисом тиз чўкиб ўтиришар, номини айтмаган «ўғри» ва Файзи авлиёни қандай жазога тортиш устида суҳбат борарди.

— Қушбеги жаноблари! Исми номаълум муртад қандай жазога лойиқ? — амир хўмрайиб, ўнг тирсагига оғирлигини ташлади.

— Ихтиёр давлати ҳумоюннинг ўзларида.

— Ҳим-м-м!

Амир пинагини бузмай сўл тарафдаги суянчиқни чангаллаб:

— Шайхулисом? — деди.

— Сарвари салотиннинг ўзлари акбардурлар.

— Камина сизларни ижтимоонага илтифот қилмаганман! Таклифингизни айтингиз!

Ижтимоона — амалдорлар баъзи.

— Улим! — деди Шайхулисом. Амир қушбегига назар ташлади:

— Сиз нега жимиб қолдингиз? Ёки...

— Султоним, бечора қароқчиларга билмасдан қўшилган экан. Мўмин кишини ўлдириб юбора берсак...

— Ҳа, бундоқ денг. Бўшатиб юборган бўлманг, тагин!

— Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ! Уфрига ён босиш...

— Шайхулисом, битинг!

Қўллари қалтираган Шайхулисом амир фармонини ёзишга шошилди.

— Арқон бозорига! — деди амир тишларини қайраб. Унинг кўзлари касасидан чиққудай бўлиб, қушбегини ер билан яксон қилгандек, томоқ қириб қўйди. Қушбеги амирнинг нафратланганини билса ҳам, ҳаётида бир марта ҳақ фикрни айта олганидан мамнун эди. Бироқ бегуноҳ бир одамнинг жонини сақлаб қола олмаганидан қаттиқ афсусланди.

— Одам кушхонасига сарварлик қилишга қушбегининг хушлари йўқ. Кунда бул зот учун адолатсизлик майдони бўлиб кўринмоқдадир. Шу боис «арқон бозори» мутасаддилиги ясовулбошига юкланур. Номаълум қароқчи «арқон бозори»да бисмил этилганидин сўнг, Файзи раҳзан Минораи Калондин чирпирак қилинур...

Жарчининг овози кўкўпар минораларнинг қуйисидан юқорисига қараб чинқироқ илон каби ўрмалар, болохонали тиқилинч уйларнинг дарчаларида даҳшат билан акс-садо берарди.

Расталардаги дўкондорлар тош-тарозиларини чала-чулпа йиғиштириб Регистонга, «арқон бозори»га шошилиб боришарди. Регистон бирпасда одам билан лиқ тўлди.

— Ким экан бу шўри қисган банда? — деди нафасини зўрға олаётган бир бозорчи.

— Файзи авлиёнинг ҳамтабоғи эмиш, ҳозир кўрасиз,— бўйинини Арк дарвозаси томон чўзди ёнида турган дўкондор. Арк дарвозасида бир неча мирғазаб пайдо бўлди. Олдида чўччайма телпакли, ҳаммадан бир қарич баланд-дароз киши. У бугунги «тантана»нинг сарқори бўлганидан, ўзини тоғдек ҳис этар, гўё осмони фалакда учаётган қузғун каби мағрур эди.

— Ие, инкас ясовулбоши будас-ку.

— Нима деяпсиз тақсир, мен гапингизни илғамадим? — дея суйканди бозорчи.

— Анови, олдиндаги киши ясовулбоши, лекин қушбеги чиқиши керак эди-да...

— Ҳа, ҳа, энди фаҳмладим.

Кийимлари дабдала бўлиб кетган, калтак зарбидан тилинмаган жойи қолмаган ёш бир йигитни икки мирғазаб қўлтиқлаб келар, жабрдийданинг қадам босишга ҳам мажболи йўқ эди.

У ўзини қатлга олиб бораётганларини билгани учун шу қўйга тушганди. «Оҳ, ҳаёт, нақадар машаққатли бўлсанг ҳам шунчалар ширин, лаззатлисан!»

Маҳбуснинг изида бири калтак ушлаган, бири қилич ўйнатган, бири ханжар яланғочлаган уч киши — уч жаллод бошига ниқоб кийиб келар, кўзлари пўстак йиртиғидек тешикчада оловдек ёнарди.

«Арқон бозори» аталган жой Регистон майдонининг ғарбида эди. Ҳақиқатан у ерда арқон, ип, юган, айил каби нарсалар савдо қилинарди. Бу бозорнинг бир бурчагида чуқурлик бўлиб, унга ахлатлар ташланар эди.

Эргашиб бораётган оломон чуқурдан анча нарида тўхтади. Одамлар орасидаги ўзаро гаплар қулоққа чалинарди.

— Бечоранинг қўлларини олдига боғлабдими?

— Демак, сўйилади, агар сўйилмаса эди, қўллари орқасига боғланарди. Э-ҳа, кўра-кўра кўзларимиз қотиб кетган. Бухорода удум шундай.

— Калима келтир!

Ясовулбошининг буйруғига жавобан маҳбус кўзларини юмиб, бошини сарак-сарак қилди.

— Сен ўқиб юбор! — деди ясовулбоши бир мирғазабга.— Ҳаромни ўлдириб, ҳаром бўлмайдик.

Маҳбусни ўнг томонидан қўлтиқлаб турган мирғазаб калима келтирди. Ясовулбоши миршабга амир муҳри босилган фармонни узатди. Миршаб



Рассом Ф. Алимов

қоғозни юқорига-пастга кўтариб-тушириб, кўзига суртиб ўпди ва баланд овозда ўқиди:

— Файзи авлиёнинг бадкирдор надими, ўз номини айтишдан бош тортган қазоб, мана ин мурдасухан (мана бу ўликтил) ўғрилиқда, икки шабгард (тунги қоровул)ни ўлдириш иштирокида айбланади. У ўлим жазосига ҳукм қилинади!

Оломоң Файзи авлиёни ҳайдовчиларга эргашди. Кун пешин бўлган. Найза бўйи қадалган қуёш бор иссиғини қизиган Бухорога сочмоқда. Файзи авлиёнинг чехраси қуёш нурида ёришиб, кўзлари чироқдай ёнади. Бадани яланғоч. Гавдаси мирғазаблар орасида сарв дарахтидай адл, иштонбоғи устида доимий ҳамроҳи — палахмон маҳкам боғланган. Занжирбанд икки қўли кўксиди. Ана у Минораи Калон билан сўйлашиб турибди. Бугун минорадан «сакраш» навбати Файзи авлиёга...

Файзининг бамайлихотир қаққайиб туришида ўлимдан кўрқишнинг нишонаси ҳам сезилмас, ҳатто у кўпқаридан сўнг совитилган асов отдай мағрур эди.

— Баттол раҳзан (йўлтўсар),— деди ясовулбоши.— Арк томонга қараб таъзим қил, султонимиз салтанатига сажда келтир!

Халойиқ жим, гўё борлиқ музлаб қолгандай. Одамлар Файзи авлиёнинг сўзига муштоқ эдилар.

— Мардуми Бухоро! Мани ўғри деб айблашди. Бир жиҳат, ўғри деганлари ростдир! Лекин кимнинг молини ўғирладим, кимга раҳм қилдим? Мен ва шерикларим қишлоқдаги очликни кўриб, сабр косамиз тўлди. Чунки қорабўйиннинг уйига кирсангизу, супрасини қоқсангиз чанг чиқмайди. Қозонлар занглаб кетган; одамлар нон тугул аталага зор. Биз бойларни таладик. Тортиб олганимизни бечораларга улашиб юрдик. Келиб-келиб, амирни талашга киришганимизда тузоққа илиндик.

Унинг қолган гапларини эшитишнинг имкони бўлмади. Ноғора овози гум-бурладию, унинг сўзларини кўмиб кетди. Маҳбусни миноранинг ичкарисига судрашди.

Зум ўтмай майдонда ўндан ортиқ дарвиш пайдо бўлди. Улардан бири мунгли кўшиқ бошлади, бошқалари зикрга тушди:

Бу жаҳони бевафода кўп жафо
қилгон ўлим,
Ҳазрати одамни кўргил, ерга жо
қилгон ўлим.
Ҳеч киши золим ўлимни дастидин
топмас омон,
Барчага жаври ситамни жобажо
қилгон ўлим...

— Ҳой қаландар! Хонишингни тўхтат! — деб бақирди кимдир. Одамлар «гур» этиб майдоннинг бир тарафига югурди. Бир қоқсуяк кампир тўда орасида беҳуш ётарди. Муштипар Файзи авлиёнинг онаси экан. Қишлоқдан келтирилган шалоқ аравага она-боланинг жасадалари юкланди.

Ўлик ортилган аравани кўрган амир Музаффар дарчадан қараб хандон отиб кулди.

— Ҳа, қушбеги жаноблари, нечун рангингиз оқариб кетди? — деди Турумтойга қараб у.

— Аравадаги мурданинг бири онасиммиш, минора тагида жон берибди. Анавилар болалари экан, қип-қизил шўр етимлар. Тўнғичи ўн бир ёшда эмиш.

— Ҳа-а-а! Бундоқ денг? Каззобнинг болаларига ийиб кетдиларми?!

* * *

Турумтой бу довьюрак йигитга ёрдам қўлини чўза олмаганидан ўз-ўзини ҳеч кечиролмасди. Эсига олди дегунча кўзлари жиққа ёшга тўлади. Шу ҳолда эзилиб ўтирганида эшик тақиллаб қолди. У эшикни очиб, турқи совуқ Туроб маҳрамни кўрди. Туроб эчки соқолини диккайтириб, укки кўзларини дарвозага тикиб, қўл қовуштирганича турарди. Бу қўшмачининг ташрифи сабабига Турумтой тушунолмаб ҳайрон бўлди, эшикдан келгани ит қопмас деб, ичкарига таклиф қилди.

Туроб маҳрам, анчагача ўзини қўлга ололмаб, пешонасидан оққан терни си-дириш билан овора бўлди.

— Камина бир маъфу² юмуш бирла ҳузурингизга келгандим, — деди у ниҳоят узук-юлуқ овозда.

— Хўш, хўш, қандай юмуш эркан?

— Хонадонингизга ҳумо³ қуши соя солмоқда.

— Қани-қани, қулогим сизда.

— Бухорои шарифда азиз бошингиздан явми саодат⁴ кетмагай.

Турумтой унга қаттиқ тикилди:

— Муддаога кўчинг!

Қушбегининг бу қарашидан, гапни калта қил, деган маънони уққан Туроб маҳрам сесканиб кетди, қадалиб турган лочин кўзлар уни тешиб бормоқда эди. Маҳрам ерга қараганича гапнинг пўскалласини айтди:

— Тахт сарвари, соҳибуззамон амир Музаффар ушбу бадавлат хонадон-га шаръий домод⁵ бўлишни шахсан ўзлари муносиб кўрибдурлар.

— Их-х-х! — деб кўксини чангаллади Турумтой. «Домод» сўзи унинг юра-гига ханжардек қадалди. Кўз олдини қоп-қоронғи зулмат қоплади. Тепада осиглиқ турган ўз қиличи ўзининг боши устида ярақлаб кетгандай бўлди. Ўз ҳовлиси жаҳаннамга айланди. Утирган ўрни пулсирот⁶дай тебраниб кетди. Сов-чи жабройилу, амир азройил бўлиб кўринди кўзига.

¹ Дарча — амир томоша қиладиган эшикча.

² Маъфу — узрли.

³ Хумо — бахт қуши.

⁴ Явми саодат — саодатли кунлар.

⁵ Шаръий домод — қонуний кув.

⁶ Пулсирот — дўзахдаги қилкўприк.

Турумтойнинг ҳолати маҳрамни ваҳимага солди, нафасини ичига ютди. «Ҳозир Турумтой ёқамдан ушлаб чирпирак қилиб отадию, жасадим эгасиз қолади» деб ўйлади у.

— Вазири бузруквор, қайтаверайми? — дея олди холос. Чунки бошқа гапга ўрин йўқ эди.

— Йўлингиздан қолманг!! Амирнинг олдига ўзим бораман!.. Элчи билан совчига ўлим йўқ, деганлар, бўлмаса сеними... ювиндихўр!..

Туроб маҳрам қушбеги хонадонидан қандай чиққанини ҳам билмади. «Хўш, энди нима қилдим? Амирнинг олдига шумшайиб қайтиб борсаму, режамиз амалга ошмади десам. Ҳаддинг сиғмаса, нега катта гапирасан, деса, бу улуғ даргоҳдан қувилишим муқаррар». У бора-боргунча амирдан қутулиш чорасини ўйлаб, ичини ит тирнарди. Амир эрта-индин қучоғига келиб кирадиган пари-пайкарнинг ишқида маст бўлиб, ҳарамда оҳори тўкилмаган қават-қават тўшакда ағанаб ётарди.

— Давлатпаноҳ, — деди ҳадиксираган Туроб маҳрам ва бўсақадан тиззаси билан ошиб ўтиб, кафтлари билан икки қадамча эмаклаб борди. Унинг ёлворувчи кўзлари ўйнар, ияги қалтирар, калимага келмаган тили тутилганидан дудуқланарди. Туробнинг бу ҳолатини кўриб амирнинг чеҳраси тундлашди. «Қуруқ қайтибди» деб ўйлади ичида.

— Гуноҳимдан ўтинг, султоним... Мен совчиликка эмас, ўлимга борган эканман. Бу бебахт маҳрамингиздан ажралиб қолишингизга сал қолди. Қушбеги шунчалар қутуриб кетдики, қутулганимга минг шукр қилдим.

Амирнинг ҳафсаласи пир бўлди.

— Тур ўрнингдан, қорангни ўчир, ношуд! — деди маҳрамга.

Туроб маҳрам: — «Амирим, амирим», — деганича орқаси билан силжиб хонадан чиқди. У амирнинг: «жаллод!» деб чақирмаганидан хурсанд эди.

Амирга ҳамма гап аён бўлди. «Нима қилсам экан бу нонкўр қушбегини? Наҳотки гапим ерда қолса?!»

* * *

Турумтой дарвозани «шарақ» эткизиб ёпди ва муштини тугиб, ҳовлида кечгача уёқдан-буёққа айланиб юрди.

Эрининг бу ҳолати аёлни ҳайратга солди. «Ҳалиги меҳмон не мақсад билан келган, ҳатто дастурхонга ҳам қарамай кетиб қолди? Турқи кўп совуқ экан. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да...»

— Тинчликми, қўниш топмай қолдингиз?

Турумтой хотинига жавоб бермай, узоқ-узоқларга тикилиб тураверди. Қуёш ботиб борарди. Гўё уни охирги марта кўраётгандай.

Турумтой чуқур нафас олиб энтиқди. Ҳуши ўзига келиб қараса, номози аср қазо бўлибди, шом яқинлашибди. «Бухорода номози чала кишилар жазоланади-ку. Агар сезиб қолсалар нима бўлади? Жомега чиқиб, номозга қўшилишим керак-ку! Бир камим шу эди. Кўзга илинмас оддий ясовуллардан бўлсам-ку, майлиди, отнинг қашқасидай, бу иқлимда танимаган одам йўқ...»

— Ҳой мулозим, — деди у. — Имомга айтиб қўй, тобим қочиб турибди, шомни уйда ўқийман...

Салтанат ишлари билан бўлган қушбеги умр йўлдошига йиллар давомида эътибор қилмабди. «Соддадил, мусичадай, беозор, қалби пок аёл. Умр баҳори ўтиб, сочларига оралаган оқлар кексалиқдан нишона. Кексалиқни тан олмай иложинг йўқ. Ташлаган ҳар бир қадаминг гўрга томон бораверади, буни сезмайсан ҳам».

— Сизга не бўлди ўзи? Намозларни ҳам едингиз, гапирмайсиз ҳам.

— Э-э, хавотир олма, мени жин ҳам ургани йўқ. Уй суряпман.

— Йўқ, чол, бир нарсани мenden пинҳон тутаяпсизми дейман?

«Нима десам экан бу маъсума хотинга. Бор гапни айтиб қўйсам, ожиза кўтара олармикан? Йўқ, юраги тарс ёрилади. Ётиғи билан тушунтириш керак. Ёки индамай қўяқолайми? Бу ҳам бўлмайди. Кўзлари жавдираб, юрагини чангаллаб турибди. Бирор нарса деб кўндирмасам, тепамда тонггача ҳам тош қотиб тураверади. Оҳ, вафодорим! Ҳаётимнинг бирдан-бир тиргаги, не кунларга қолдик-а!»

Эр-хотиннинг орасида ўн ёш фарқ бор. Турумтой олтимиш етти, кампири эллик етти ёшни яшаб қўйди. Бир ёстиққа бош қўйганларига роппа-роса қирқ йил ўтибди-ю, бирор марта сан-манга бормапти. Лекин пешоналари шўр экан, тўбичоқдай икки ўғли манглайига сиғмади; тўнғичи Алиқул 14 ёшда чечакдан, ундан кичиги Камолиддин 12 ёшида кўкйўталдан кўз юмди. «Ушлаб қолгани» бирдан-бир қизи. Умри узоқ бўлсин, Моҳтоб ўн уч ёшга тўлди. Ота-онанинг эрмаги ҳам севинчи ҳам, таянчи ҳам шу маъсума қизчаси. Уни эпкиндан ҳам асраб, авайлаб келишади...

— Кампир-р, букун келган киши совчи эди.

«Совчи» сўзи чолнинг оғзидан қалтираб чиқди. Ҳалқумига бир нарса тикилгандай, «хиқ» этиб ютинди.

— Вой, шунча қийнамасангиз одамни, қизингизни сиздан тортиб олиб кетармиди. — Бўй етган қизни ким сўрамайди. Туф, туф, туф! — ўз-ўзини юпатди она, — юрагим ёрилаёзибди.

— Ай-й-й, бунча сайрамасанг, гапнинг буёғини эшит! Амир ўзига...

— Нима-нима, амир?!

— Ҳа, амир Музаффар!!

Аёл ғужанак бўлиб ўтириб қолди. Унинг хаёлида осмон гўмбази ўпирилиб тушди. Баҳайбат миноралар шаҳарнинг тор кўчаларини босиб қолди. У худди заҳарли илон чаққандек тўлғана туриб деди:

— Ахир совчига нима жавоб бердингиз?!

— Нима дердим, қайтардим.

— Яшшамагур амир!!! — фарёд қилди аёл муштарини ерга уриб.

— Билмадим, билмадим! — Турумтой ўрнидан туриб кетди. — Бу амир шу даражага етдики, ҳар ҳафтада хотинларидан биттасини талоқ қилиш, ўрнига янги қизга уйланишни ўзига одат қилиб олди.

Она телбаларча довдирай-довдирай қизи ётган хонага кетди. Моҳтоб ўринга ётиб, эндигина кўзи илинган экан. Қоп-қора сочлари ёстиққа сочилган, қийиқ қошлари камондек эгилган, буғдойранг кулча юзи липиллаб ёниб турган шам шуъласига басма-бас нур сочади.

Она қизнинг пешонасини қалтироқ кафтлари билан силади: «кўзимнинг нури, ҳаётимнинг суянчиғи. Эрта оқшом бу ётиш қайда сенга. Пешонанг шу қадар шўр бўлмаса?!»

Моҳтобнинг қулоғига биров шивирлагандай бўлди-да, қуралай кўзлари секин очилди:

— Ойи, тинчликми? — деди-ю, онасининг аҳволини кўриб кўрқиб кетди. Учиб ўрнидан турди.

— Ухлайвер, жоним, ухла, ҳеч нарса деётганим йўқ, ўзим.

Бироқ она ўзини тўтолмай, йиғлаб юборди. Қиз тамоман ҳайратга тушди, уйқудан асар ҳам қолмади.

— Ойи, нега йиғлайсиз?

— Йиғлаётганим йўқ, болам.

«Нима қилсам экан, айтсамми? Йўқ, юраги ёрилади». У қизини бир амаллаб юпатди-да, ухлатиб қўйди.

Турумтой ҳам, кампир ҳам кечаси билан ухламай чиқишди. Ҳовлисининг ҳамма бурчакларида жаллод ойболта ўқталиб тургандай, Хайри жаҳаннам билан Туроб маҳрам Моҳтобнинг сочларидан бураб судраётгандай эди.

— Кампир,— деди Турумтой тонг отгач, хотинига тикилиб.— Қайтиб учраша олмасак керак. Тирик қолсанг, Алиқул билан Камолиддиннинг қабрига чироқ ёқиб тургин. Мендан ризо бўлгин. Худо ярлақаса, Аркдан кетинглар. Бир кунларингни кўрарсилар. Элда яхши одамлар кўп. Бу зулматда яшашдан, саҳрода юриб очдан ўлган яхшироқ. Энди бизга бу «бўстон» ҳаром бўлди.

Мушфиқ кампир пешонасини Турумтойнинг кўксига қўйди.

— Ноумид бўлманг, олло таолонинг даргоҳи кенг.

— Моҳи, турақол болам, даданг билан видолаш.

Кечаси билан босинқираб, лабини учуқ босган қиз югуриб келиб отасининг тиззаларига ёпишди. Уйларида қандайдир фалокат юз берганини у сезган эди.

— Қиблагоҳим! — дея ўпкасини босолмай йиғлади қиз.

Қизчасини бағрига босган чолнинг томоғига нимадир тикилди.

— Нуридийдам, алвидо!..— деди-да, амир ҳузурига жўнади. Она-бола, Турумтойни сўнгги бор кўраётгандай, ортидан бўзлаб қолишди.

Амир Музаффар ўз хаёли билан банд. «Наҳот оҳу каби ҳуркак қизнинг васлига восил бўла олмади? Турумтойдай қишлоқи чол олдида мулзам бўлиб ўтирса? Нега?!»

— Ху-уху! — секин йўталди эрта тонгда намозга уйғотувчи ходим. Амир уйғонмади.

— Сарвари олам, тонг отди,— деди оҳиста. Амир у ёнидан-бу ёнига бир ағдарилди.

— Соҳибқирон, хобдин фориф бўлсинлар,— яна пичирлади ходим.

Бироқ амир ҳали-вери уйғонадиган эмас. Ходим энгашиб, амирнинг оёқларини сийпалади...

Амир кўринганда ҳамма Жомега тўпланган, унинг намозга чиқишини интизор кутишарди.

— Шиғовул, қушбеги қабулхонага чақирилсин! — деди амир намоздан сўнг ҳамма иш-ишига тарқаётганда таҳдидли овозда. Бу товуш саломхона томон келаётган Турумтойга аниқ эшитилди.

Турумтой Чорсу яқинига келганда қаторлашиб турган ясовулларга кўз қирини ташлади. Улар бўйи баравар найза ушлаган, қушбегига сал бош эгиб туришарди. Бу ҳолни кўрган Турумтой амирликда ўзининг нақадар улуғворлигини ҳис этди. Саломхонанинг пештоқиға осиб қўйилган қамчи унинг диққатини тортди. «Рустами дoston қамчиси», унинг дастаси бир газдан ортиқ, ўрими икки газ келади. Даста учига темир ҳалқа қоқилган. «Рустам деганлари шунчалик паҳлавон ўтган эканми-а?.. Бу ордонани қўлда тутиш учун нечоғлиқ панжалару, нақадар кучли билаклар керак? Амирлар авомни кўрқитиш мақсадида бунни «кўз-кўз» қилиб осиб қўйишган. Турумтой шу қамчини ҳар куни кўради. Лекин унга бугунгидай ваҳимали туюлмаган эди.

Тавба, бу «аждар ўлиги»га шу пайтгача эътибор қилмапти. Негадир, Турумтой унга ҳозир тикилиб қолди. «Алмисоқдан қолган шу қамчи балки бугун менинг бошимда ўйнар, елкамга тарс-турс урилганида, баданларим гупсардай шишар; арслондай гавдам мурдаға айланар; дарча ёнида ҳузур қилиб томоша қилаётган амирнинг қаҳ-қаҳаси Аркка садо берар»...

Турумтой саломда турган ясовуллар, шиғовуллар, ходимларнинг даврасидан ўтиб борар экан, ўз-ўзига кўнгил берди: «Эй Турумтой, бу дам сен учун ғаниматдир, қаддингни ростлаб ол! Қатл этсалар ҳам бош эгма, ботирлик номинг абадий қолсин!»

Эгнида адрас тўн, бошига катта салла қўндирган ясовулбоши ҳам:

— Ассалому алайкум, қушбеги жаноблари,— деди тавозе билан. «Бу говбош ҳали сирдан воқиф эмас шекилли», ўйлади Турумтой ва унга:

— Ваалайкум ассалом, ясовули саркор. Нағзми шумо, коратон бажоми?¹ — деди.

Турумтой чорсуга келиб, саломхонага юзланди. Ҳудайчи унга йўл берди. Саломхона эшиги ичкарасида икки шер ҳайкали, улар худди тирикдай, ҳозироқ ташланадигандай туюлди. Ундан сўнг Фуломгард² девори. Ганчдан ишланган, одам бўйидан баланд бу девор тахтада ўтирган амирни тўсиб турарди. Фуломгарддан ўтган киши тахтгача оралиқдаги 30—35 қадам йўлни эмаклаб босиши, қайтишда орқасига ўгирилмай, орқаси билан келиб Фуломгардга урилиши, шундан сўнггина бурилиб, эшикдан чиқиб кетиши керак.

Турумтой Фуломгарддан ўтиб ҳам тиз чўкмади, салгина қоматини эгиб, тахт сари юрди. Бу ҳол амир Музаффар тахтга ўтиргандан кейинги биринчи «ҳурматсизлик» эди.

— Ассалому алайкум, паноҳи давлат,— деган мутелик эса уни озгина инсофга келтирди, қизариб ўтирган амир ўзини босди, лекин саломга алик олмади.

Амир зеб-зийнатга ботган олтин курсида тирсақларини суянчиққа тираб

¹ Нағзми шумо, коратон бажоми? — яхшимисиз, ишлар жойидами?

² Фуломгард — қул бўлиб келгансан, қуллингича изинга қайт, маъносини билдирган.

ўтирарди. Бошида қимматбаҳо оқ достор. Достор тепасида лов ёниб турган тож. Патак соқоли тапирай бетини янада кенгайтириб кўрсатади. Шокосадек кўзлари косасидан чиққудай.

— Утиринг, вазири доно! — деди амир кўрслик билан ва пастга имо қилди.

Амирнинг ўнг томонида, Турумтойнинг ўрнида шайхулислом. У авваллари чап ёқда ўтиргучи эди. Сўл тарафда эса қозиул-қуззот¹ ястаниб ўтирибди. Қушбегининг жойида ўзини омонат деб ҳисоблаган шайхулислом Турумтой олдида хижолатдан бесаранжом. Шоҳ ёнидан қўним топган қозиул-қуззот шу ўтирган жойида муқим қолиш шарафига муяссар бўлиш шавқидан оғзини йиға олмас даражада хушнуд.

— Аҳволингиз нечук садри аъзам², кайфи шумо бажоми, салтанатда не мужда?³

— Алҳамдулиллоҳ, сояи давлатларида оллоҳ таоло ато этган ризқни териб еб, рўзигузаронлик қилмоқдамиз.

— Ҳм-м... Рўзигузаронлик эмиш. Зўравонлик денг! — олтин курсини ғичирлатди амир.

Турумтой савол назари билан амирга қаради. Амир рақибга навбат бермай давом этди:

— Каломи шарифда совчи бирла элчига ўлим йўқлигини билатуриб, совчини ўлдиришингизга оз қолибди. Бу зўравонлик эмасми?!

Турумтой англадики, амир унга қонуний тўхмат қилиб айбламоқчи.

— Сарвари ҳотам, — деди Турумтой бу амалдорлар олдида амирнинг ўзига айб юкламоқчи бўлиб. — Қизларингиздан ҳам ёш, она сути оғзидан кетмаган гўдакни ўзларига раво кўрганлари...

Гапнинг давомини айтишга тили бормади Турумтойнинг.

Амир фурсатни қўлга олди:

— Бу нима деганингиз?

Бу савол билан у, мусулмон динига кўра, тўққиз яшар қизларни эрга бериш мумкинлиги ва ўзининг қизларини орага қўшиш гуноҳ эканлигини уқтирмақчи эди. Турумтой ҳам бўш келмади ва Моҳтобнинг амир қизлари билан ўйнаб юриб маҳрам бўлиб кетганлигини уқтирмақчи бўлиб:

— У ҳам ўз фарзандингиз-ку, султоним, — деди.

— Ҳа-а-а! Шариатнинг қалтис жойидан тутишга уринасиз. Қурутдай қизга икки падар?! Кабутарингизни бизга ҳам фарзанд қилиб қўйдингиз-ку? Сиздан донолик эмас, доғулиликнинг бўйи анқийдир. Сиз анойи эмас, шайтонга ҳамтабақсиз! Сизга тўримиздан жой кўрсатиб, теппамизга кўтардик, яна қушбегилик амали... Эшак семирса эгасини тепар. Мана! — У гапини йўқотди, қовоқлари осилди, патак соқоли силкинди.

— Шавкатли амир, галаботур⁴ликка олинганимдан буён шу салтанат учун сидқидил хизмат қилишдан ўзга нарсани билмасман. Ётиш-туришим жанг майдони бўлган.

— Ўтмишингизни ҳақ сўзлайдурсиз, — дейишга мажбур бўлди ойни этак билан ёпиб бўлмаслигини тан олган амир.

Турумтой гапни илиб кетди:

— Шу тож-тахт деб тиззамгача қон кечдим. Ўттиз икки марта найза еб, ўн саккиз бора тўпга учдим, баданим тешилди. Қушбегилик амалини эса қиблагоҳингиз берган — тилаб олган эмасман.

Амир бу тадбирқорга жиловни ушлатиб қўйишдан чўчир, ташаббусни ўз қўлида сақлаб қолиш ва баттол чол билан тортишувга тезроқ чек қўйиш учун ошиқарди. Турумтой эса тобора ўктамлашиб, овози тўпнинг ўқидек отилиб чиқар, «томошабин» икки амалдор, тизгинни амир қўлидан тортиб олишга уринаётган қушбегига қараб, ҳайрат билан бармоқ тишлаб ўтиришарди.

— Манғит сулоласининг барқарорлиги учун бор қувватимни сарф этдим, умрим шу салтанатга гард бўлди. Қирқ йиллик хизматимга мукофот шуми?! Энди белимдан мадор кетганда «Чилдўхтарон»га фаррошлик қилайми?!!

Хўрлиги келиб, ўпкаси тўлган Турумтой ўзини йиғидан тўхтатиб қолди-ю,

¹ Қозиул-қуззот — бош қози.

² Садри аъзам — буюк вазир, бошлик.

³ Мужда — воқеалар, гаплар, хабар.

⁴ Галаботур — халқ орасидан саралаб олинган аскар.

беихтиёр отилиб чиққан икки томчи ёш нуроний соқоли узра юмалади. У яна нимадир дейишга уринди, бироқ тили айланмай, «қулт» этиб ютинди.

Ерга сингиб бораётган қозиул-қуззот қўлидаги тасбеҳнинг бир донасини «чирқ» эткизиб ағдарди; амирнинг мулзамлигига «жўр бўлган» шайхулислом томоғини қирди; тоқати тоқ бўлган амирнинг сабр косаси тўлди ва тортишувга яқун ясашни тезлаштирмоқ истаб деди:

— Бас! Харза¹ни калта қилинг? Мен сиздан маноқиб² сўраётганим йўқ! Сиз амалдорлар хайли³га ярашмайдурсиз! Уқдингизми? Ярошиғингиз чўлу биёбон, тап-тақир дашт! Фариштангиз эса маликалар тўдасига муносиб эмас. Ҳеч вақт ёвонда гул кўкармаган. Уша мастурангиз кошонада эмас, исқоти юлқундилар орасида юриб, бит теради, «қирт-қирт» бадан қашийди!

Шайхулислом Турумтой ҳақида хаёл сурарди: «Эй нодон чол, бир тирми-зак қиз деб, ҳам бойлик, ҳам амалдан ажраб қолибсан. Сенга ким қўйибди шаҳаншоҳ билан тирашишни, балки бугун дорга осиларсан».

Қозикалон ҳам бу «калтабин» чолнинг қайсарлиги учун афсус-надомат билан хомуш ўтирарди: «Эсини еб қўйган аҳмоқ! Фақат сенда борми арзанда духтарча. Бошингга қўнаётган давлат қушини «кишт-киштлаб» учирибсан! Энди ҳолингга маймунлар йиғлашини кўр! Сенинг ўрнингда бўлсам, ўз қўлларим билан сочидан сундраб келиб амирнинг қўйнига солиб қўярдим...»

— Ҳа, султоним, билиб турибман ер билан осмоннинг фарқини. Одамзод бино бўлгандан бери салотин⁴ бирла раият⁵нинг дастурхонлари бошқа-бошқа бўлган. Мен ўша раиятнинг чолоки⁶ дирман. Орангизга тушиб қолиб, бир табақдин хўрак еганим эса кўрлигимдан, густоҳлигимдан.

Амир Турумтойга қандай жазо беришни ўйлаб қолди. «Салтанатда бунинг обрўи чексиз. Ҳатто ўзим ҳам бу қашқирнинг машваратисиз бирор иш қилолган эмасман. Ҳар қайси гуноҳкорни жазолаш учун буну аралаштиришга мажбур эдим». Бир воқеа амирнинг ёдига тушди. Утган йили кузда, қозикалон буйруғи билан, соч-соқолларига оқ оралаган бир бандини келтиришди. Регистон томошабин билан лиқ тўлди. Икки ясовул бандини ўртага ҳайдаб чиқди-да, елкасидан босиб тиз чўктирди.

— Амирул-муслиминга таъзим қил! — деди қозикалон хумга йўталгандай тўнғиллаб.

Банди, таъзим қилиш эвазига гуноҳим енгиллашса керак, деб ўйлади ва ер бағирлаб эгилди.

— Отинг ким? — деди амир.

— Искандар, — титради банди.

— Қаерликсан?

— Зирабоддан.

— Касб-коринг?

— Фазлиддинбойнинг чўпонига чўлиқман.

— Закотни не учун бермадинг?

— Ахир, тақсирим...

— Тақсир деганинг нимаси?! Султони бокарам дегин, исқирт! — деди қозикалон.

— Авф этгайлар, авф этгайлар, султони бокарам.

— Сандиң закот бермаганинг боисини сўрамоқдалар, — фурсатдан фойдаланган қозикалон сўроқ қилишни ўзи давом эттириб кетди.

Шу пайт томошабинлар орасидан йиғи аралаш чинқириқ товуш эшитилди. Ун икки-ун уч ёшлардаги бир бола маҳбуснинг ўрнига жавоб берди:

— Қўйлар бизники эмас, Фазлиддинхўжа ҳазратники, — деди у қозикалонга илтижо билан.

Боланинг устида эскириб, увадаси чиқиб кетган чопон. Чопон отасиники бўлса керак, этаги ер супуриб турарди. Бунинг устига чопоннинг енги қирқиб ташланган, боланинг қуриган чўпдай қўллари унинг ичида қалтирарди.

— Мана булар отамни кўп урдилар, — деди у ясовулларни кўрсатиб.

¹ Харза — бекорчи сўз.

² Маноқиб — таржимаи ҳол.

³ Хайли — тўдаси, ораси.

⁴ Салотин — султонлар, ҳукмронлар.

⁵ Раият — фуқаро, камбағал, халқ.

⁶ Чолоки — вакили.

Регистон сув сепгандай жимжит бўлиб қолди. Қаҳри қаттиқ амалдорларнинг бошлари ерга эгилди. Амир Турумтойга қаради. Фурбатни пойлаб турган Турумтой қозикалонга юзланди:

— Мол бировники, ҳар қандай закотчининг гапига кўнаверсак одамларни ўзимиз қирамиз-ку? Булар керак-ку. Анави шўринг қурғурда нима айб?

Шунча оломон ўртасида ўз адолатини писанда қилиш учун амир қозикалонга бир қаради-да:

— Искандар озод қилинсин! — деди. Сўзи ўтмаган қозикалоннинг бўйни ичига кириб кетди.

— Бечоранинг ҳолини сўрайдиган ҳам бор экан, — деди Искандар ва Турумтойга таъзим қилди. — Илоё мартабангиз улуғ бўлсин, дунё тургунча туринг.

— Мартабаси улуғ бўлса, биздан тахтни олсалар керак, а?! — дея амир Искандарга қаҳр билан тикилди.

Турумтой дарҳол қуллуқ қилди:

— Бу шўринг қурғур азбаройи эсанкираб қолганидан, сизнинг марҳаматингиздан шод бўлганидан оғзига келганини гапириб юборди, тожи сарвар, — деди Турумтой амирни юпатиб.

Мақтовнинг қули бўлган амир ҳовуридан тушди:

— Майли, гуноҳидан ўтганимиз бўлсин.

Жонидан яна умид узган Искандарнинг кўнгли жойига тушиб, амирни қайта дуо қилди.

Бу ҳодисага халойиқ ҳайрон бўлди. Чунки Регистонга банди қилиб келтирилган киши ҳеч қачон жазосиз кетмаган эди.

Шу воқеадан кейин Турумтойнинг довуғи дoston бўлиб кетди. Ҳамма ерда уни «Доно вазир», «Одил қушбеги» деб аташарди. Бу гаплар тахтга ҳам келиб етди. Ўз шаънига айтилиши керак бўлган мақтов ва олқишлар Турумтойга оғиб кетгач, қушбеги кучли рақибга айланиб бораётганини амир етарлича тушунди.

«Нима қилиш керак? Қатл этишнинг иложи йўқ, ҳатто зиндонбанд қилиш ҳам тўғри эмас. Амир ўз қушбегисини қатл қилибди, зиндонга ташлабди, шундай вазирни ўлдириш қотиллик-ку, демайдимиз халойиқ? Шармандасини чиқариб сазойи қилиш, шаҳардан қувиш керак. Бу — энг маъқул жазо. Лекин қаерга? Узоққа. Бегона юртгами? Йўқ, бўлмайди, қўл остимиздан чиқиб кетса, эркинликдан ором топади. У ҳолда бу қари тулки, зукко эмасми, тарафдорлар тўплаб, амирликка қарши исён уюштиришдан ҳам тоймайди. Бу хунрездан ҳар нарсани кутиш мумкин».

— Шайхулислом, не жазо бермоқ даркор? — ўнг ёнига ўгирилди амир.

— Улим! — деб юборди ўз ширин хаёли билан маст бўлиб ўтирган Шайхулислом ва Турумтойнинг юзига тик қараёлмай, кўзини юмди.

— Сизнинг истагингиз? — Амир чапга, қозикалонга қаради.

— Ихтиёр ба шумо. Таклифи шумо ба мо ҳам маъқул, — дея бир кўзгалди қозикалон ва кўзларини пирпиратди.

Амир яна сукутга кетди. «Энг хароб жойга қувиш керак». Шаҳар ва қишлоқлар кўз олдидан бирин-кетин ўта бошлади. «Қарши — бўлмайди, Кармана — бўлмайди, Ғузор — бўлмайди. Ҳа, Чимга! Ўз қишлоғига борса, овуниб кетади, бузук фикрга ҳам бормайди. Мулки талон-торож қилинган, қўли калталикдан нон излаб, хор бўлиб ўлиб кетади».

— Жаноблар, ўлдириб юбориш жуда осон. Бироқ, ўлмай туриб жазосини тортсин, бу нонкўр. Ҳа, не бўлди, тилинг кесилгандек мум тишлаб қолдинг? — биринчи бор сенсиради амир Турумтойни.

Турумтой ҳам сенсирашни қирқ йиллардан бери илк бор эшитганидан, бир оз қизарди, лекин отасининг ўлиmidан хурсанд бўлиб оғзини йиғиштиролмаи тиржайган ўша амир-да бу; тахтга чиқиш маросимида оқ кигизда тик туришни уddалай олмасдан, бути осмондан келганда ҳам, уялиш ўрнига хандон отиб кулган эди. Мени сенсирашдан тойиб ўтирадимиз ҳозир. Бунинг устига, ўлимга ҳукм қилинаётган кишига сенсираш нима бўлибди?»

— Қўлингиздан келганини қилинг!

— О-о-о, кеккайган кўрс чол! Вазирлик дасторини қўй! У энди сенинг бошингга кенглик қиладур.

— Маңа, — дея бошидан дасторини, елкасидаги кимхоб тўнини ечиб ерга ташлади Турумтой ва ички ятак ҳамда чўччайма телпак билан қолди.

— Қозиул-қуззот, қалам бирла довотни олинг! Фармони олий шулдурким, такаббур, нонтепки Турумтойнинг мулки торож этилсун; рўзгор аҳли бирла қуввати Ислом — Бухоройи шарифдин сазойи қилиб чиқарулсун. Токи, мардуми Бухорога ибрат бўлғай! Бадарға қилиниб, ўз қишлоғи — Чимга жўнатилсун! Токи ўз оёғи бирла босган тупроғини ялағай! Хукми олий ҳозироқ ижро этилсун!

Хукми сабрсиз кутган мирғазаб ва сарбозлар мансаб ва шон-шуҳратдан маҳрум этилган Турумтойни лаҳзада қуршаб олдилар. Лекин «Туя гўшти учун ит тиши керак». Улар кечагина қушбеги нигоҳи тушса, зумда қорасини кўрсатмай қочувчи кишилар бўлгани учун Турумтойнинг қўлларини боғлашга ботина олмадилар. Бир-бирларига маъноли боқишиб, бўйнига тоғдек юк ортилган сазойининг орқасидан эргашдилар.

Турумтой охирги бор Фуломгард ёнидан ўтди. Фуломгард кўзига нураб бо-раётгандай омонат, унинг орқасидаги шер ҳайкаллар ўлик ит каби кўринди. Чорсуга чиқиб кетига бурилди. Рўстами дoston қамчиси ҳам ваҳимали эмас, кичрайиб қолгандай туюлди унинг назарида. Эрталаб юкиниб, салом берган ясовул энди ўзини билмасликка солиб, рўддайиб турарди.

Бир неча фурсатдан сўнг сарбозлар қуршовида Моҳтоб билан онаси ҳайдаб чиқилди. Бало-қазодай ёпирилган сарбоз ва навкарлар ҳовлини бирпасда шип-шийдон қилиб талади. Ҳатто Моҳи билан онасининг рўмолини ҳам тортиб олишди.

Ожизалар сочлари ёйилган бошларини қуйи солганларича сазойи тўхтатилган майдонга етишди. Ўзини унутган Моҳтоб отасига ташланди.

— Йиғлама, чашми қароғим, йиғлама, мана тирикман-ку.

— Худога шукр, барқи офатдан омон қолибсиз. Эгамнинг қайтиб бергани рост бўлсин, — кампир Турумтойга яқин келди, ўпкасини босолмай унсиз йиғлади.

Турумтой буларга кўнгил берса ҳам, аҳволини кўриб, ҳуши бошидан учди. Порлаб турган қуёш хиралашиб кўринди. Кўзи тиниб, Регистон чирпирак айланиб кетди. Бироқ бор матонатини йиғиб, ўзини тутди.

Икки ожиза сазойига тиркалди. Сарбоз ва мирғазаблар уларни қай тарафга ҳайдашни билмай, тўпчибошига қарашди.

— Ба суйи дарвозаи Қарши! — деб қичқирди тўпчибоши ва ўзи туркман отига қамчи бериб, олдинга ўтди. Турумтой дарчага охирги марта қаради. Амирнинг чақчайган кўзларига кўзларини уриштирди. Жарчи бақирғи тинмай эшитилиб турарди.

Дарвоза яқинига борганда Турумтой орқасига бурилди ва одамларга қаради:


— Эй, фуқаро! Вайрон дилимизни ёритиб, энг қаттиқ кунимизда ҳамдам бўлдингиз! Ҳимматингиз учун олдингизда бош эгаман! Тузингизни кўп едим, бироқ уни оқлай олмадим. Лоақал бирор ғарибнинг кулбаи вайронасига чироқ ёқиб, қора тунини ёрита олмадим!..

Қоматини тик тутиб, баланд овоз билан гапиргани шу ерда турган халойиқнинг дилига тигдай ботди. Ҳамма бошини эгди.

Турумтой одамлар билан қўл қовуштириб хайрлашди, ожизалар унсиз ви-долашдилар. Чуқур тин олган фуқаро узоқ сафарга юзланган карвонни анча жойгача кузатиб қўйди. Гўё Бухоро адолатининг таянч устуни қулаб тушди, унинг гумбурлаган овози кўзларни кўр, қулоқларни қар — ҳаммани гаранг қилиб қўйди. Бешафқат тақдир Минораи Калон билан бўйлашган Турумтойнинг қирқ йиллик чинор каби илдиз отиб кетган томирларини бир зарб билан юлиб, 35 тошлик йўл — Чимга томон чирпирак қилиб отди.

Қамаш

Барқи офат — бало чақмоғи.



Зулфия Мўминова

ХОТИРАДА НЕЧА СУВСИЗ СОЙ ҚОЛГАН

Файзулла Хўжаев

Бухоро!
Йиғладинг, кўз ёшларингда
Амирнинг ёз, қишлари оқди.
Гадолар қарғаган, очлар қарғаган
Аркони — лаш-лушлари оқди.
Кўзёшларинг билан артдинг
Тарихнинг қон теккан деворларини.
Қамчилар зарбидан, калтак зарбидан
Титраган хотири беморларини.
Арқда илтижолар қилди сулувлар:
Бешта ўғил кўрсайдим,
Тўртта ўғил кўрсайдим,
Битта ўғил кўрсайдим!..
Улар ўғил кўрмай ўлиб кетдилар.
Қўнғироқ тақилган, мунчоқ тақилган
Бешиклар — ҳушлари кетди улар-ла.
Чақалоқ кўтарган, йўрғак кўтарган
Доялар — тушлари кетди улар-ла.
Рухлари чирқираб айтди уларнинг:
Келинларинг ўғил кўрсин, Бухоро...
...Эслайсан, шам ёруғида
Қай кун ўғил кўрди савдогар бойнинг
Савдога беписанд боққан аёли.
Уша кун,
Қайғу ташийвериб оғриган йўлда
Араваларга суюнчи тегди.
Тиланчилик қилиб ҳориган қўлда
Тўрваларга суюнчи тегди.
Бухоро!
Сен унга аввалда кўп ишонмадинг,
У эса ишонди,
Умидинг зиндондан чиқади бир кун!
Ҳарам гиламини чангаллаб йиртар,
Узун сочлардаги узун нолалар.
Ишонди, лаззатхўр амирнинг
Чечаклар эзилган тўшагини
Суғуриб отар,

Кучли шамолларинг — етим болалар!
Олтин талашганлар тортқилаб йиртган
Этагингни эртақлар ташлаб кетолмас,
Ишонди, Бухоро абадий муқим,
Гумбазларни ҳеч ким бошлаб кетолмас!

* * *

Йиғламоқчи эмасдим, аммо йироқда,
Унинг дарчасида оҳ чекди ҳилол.
У ерда минг макру, нозу фироқ-ла,
Менинг суратимни йиртди бир аёл.
У ерга навбахор гуллари билан,
Муқаддас бир севги қўшиб сўйилган.
У ерга қисматнинг қўллари билан,
Мен қизнинг оқ бахти боғлаб қўйилган.
Турналардан жудо бу тунд чоғларда,
Хазонлар бир ғамгин қўшиқ бошлади.
Йиғламоқчи эмасдим, аммо боғларда,
Кузни сариқ дардлар ғажиб ташлади.

* * *

Агарда умримдан бир соат қолса,
Сенинг ҳузурингга кириб бораман...

Қулфу занжирларинг жаранглаб тушар,
Салом, бу — мен, дейман, эшикда туриб.
Рухинг дарёлари тошқиндан жушар,
Салом, бу — мен, дейсан, ўрнингдан туриб.

Бир соатлик умрим тўймайин боқсин,
Узун йўлларингга, йўлкаларингга.
Бир соатлик умрим сел бўлиб оқсин,
Сочинг орасида, елкаларингга.

Фақат сен сўрама мен нега келдим,
Ғийбат қашқирлари кўрганини ҳам.
Фақат мен айтмайин мен нега келдим,
Кимдир оғзи билан юрганини ҳам.

«Тушимда келганга ўхшайсан», дегин,
Кичик қўлларимни қўлингга олиб.
«Тушимда келганга ўхшайман», дейин,
Рўмолим пойингга тушсин сирғалиб.

Рўмол шитиридан уйғонсин шаҳар,
Ғийбатчи, қўлтиқда ўпка, югурсин.
Майли, бир соатда олғир кимсалар
Ўзин пок, мени кир, дея улгурсин.

Мен шунда турнага дўниб учаман:
Оқ пардек тўзғийман, тина олмайман.
Қўлингдан фалакка, кўкка кўчаман,
Оғир айланаман, қўна олмайман.

Термагин пат бўлиб тўзган ҳушингни,
Остонангда ётган рўмолни олгин.
Кунчиқар ёқларга кетган қушингни,
Исмин айтиб-айтиб қўл силтаб қолгин.

Ханжар аравакаш хотирасига

1

Булар аравамга чиқмайди, дейсиз,
Тўхтатинг, чиқаман, жон Ханжар бобо!
Негадир узоқдан кўринсангиз сиз,
Нимадир бағримга мих санчар, бобо!

Учириб ҳайдайсиз аравангизни,
Қочирим гаплардан ғолиб келгандай.
Мени, унча-мунча шеър ёзар қизни,
Аравада Тошкентдан олиб келгандай.

Мен шуни сезаман, сиз куйлаган дам,
Қўшилгум, дала-дашт яйраб қолади.
Сигир соққанлар ҳам, макка ўрган ҳам,
Бошини кўтариб қараб қолади.

«Ундан келар бало бошимга тушди,
Не савдолар Ханжар бошимга тушди.
Бориб айтинг ўшал қалами қошга,
Кўз ёшларим оқиб ошимга тушди.»

Куйлаймиз гоҳ якка, гоҳо жўр бўлиб,
Овуллар, ўтовлар яйраб қолади.
Йилқи ҳайдаган ҳам, қўй ҳайдаган ҳам,
Бошини кўтариб қараб қолади.

Қучоғимни очиб салқин елларга,
Мен ҳам аравада айланавергум.
Қадрдон йўлларга, азиз йўлларга
Арава изидай бойланавергум.

Куйлаймиз: «Гулёра, бевафо гулёр,
Сен кечдинг, сендан-а кечиб бўлмайди.
Гулёрахон, бўйларингдан гулёр,
Кўзёш оққан ошни ичиб бўлмайди.»

Кимдир салом бермай ўтар бобога,
Ўзи аравада туғилган асли.
Унутган, димоғи кезар ҳавода,
Аравада келин бўлгандир насли.

Бобо хафа бўлмас, боқади масрур,
Гинасин бошидан ошириб ташлар.
Барингиз саводли, хушрўйсиз, шукр,
Дея ўзи билган қўшиқни бошлар:

«Ундан келар бало қошимга тушди,
Не савдолар Ханжар бошимга тушди.
Бориб айтинг ўшал қалами қошга
Кўзёшларим оқиб ошимга тушди.»

Бобо севгилисин йўқотган кундан
Хотирада неча сувсиз сой қолган.
Панажой тополмай қоронғу тундан,
Дилига бекиниб куйган ой қолган.

Куйлайди: «Гулёра, бевафо гулёр,
Сен кечдинг, сендан-а кечиб бўлмайди.

Гулёраҳон, бўйларингдан гулёр,
Кўзёш оққан ошни ичиб бўлмайди.»

2

Қай кун қишлоққа бордим ой ўтиб,
Қўлимда жомадон, бетоқат ва жим.
Йўл бошида уни тургандим кутиб,
Кимдир шундай деди (эслолмайман ким):

«У киши оёғин узди тупроқдан,
Неки қайғусига ўзимиз чўмдик.
Айтсак келармидинг шунча узоқдан
Оддий аравакаш — ўзимиз кўмдик».

Нега келмас эканман, одаммасманми,
Дардларин кўшиққа санчар эди у?!
Азали кунларда ҳамдаммасманми,
Аравакаш бўлса ҳам ханжар эди у!

Чопдим чиқолмайин ҳеч ўйингиздан,
Арава изи қир-қиёда чопдим.
Ўша бурчакдаги ўйингизгача
Кўзёш билан чопдим, ёниқиб чопдим.

Гулёр, Ханжар бобо, гул бошингиздан,
Сиз кечган дунёдан кечиб бўлмайди.
Бир коса қўйишди ғам ошингиздан,
Кўзёш оққан ошни ичиб бўлмайди.



Иброҳим Фафуров

МАНСУРАЛАР

Абдуллатиф

Бу дарё ёқасига нега келдинг, Абдуллатиф?

Нимангни йўқотдинг? Нимангни унутдинг?

Биласан, дарёнинг сўл ёғи сеники. Дарёнинг сўл ёғи Балх.

Сенинг мулкинг. Отанг муҳрлаб берган бу мулки ободни сенга.

Дарёнинг ўнг ёқасига ўтмоққа ҳақинг йўқ. У томон Мовароуннаҳр.

Ҳазрат подшоҳ отанг Улуғбек Мирзо мулки.

Йигирма саккиз йил умр кўрдинг, Абдуллатиф. Тамоми ёшлик чоғларинг, гулдек умринг қардошларинг билан жангу жадалда; жанг-жадалдан фориг чоғларда эса оллоҳ кишилари ҳужраларида адаб суҳбатларида ўтди.

Уч ой яқинким, Жайхун бўйида кўр-кўшин тўкиб ётибсан.

Асад ўтди. Сунбула ўтди. Мезон кирди.

Мироншоҳни сенинг устинга гизлаб юборгач, ҳазрат подшоҳ отангдан тамом ноумид бўлдинг. «Бор, Балхни сенга бердим. Абдуллатиф мирзодан ўзинг ол».

Қанча бегуноҳ жонлар ҳалок бўлди шу боис. Қанча қонлар тўкилди.

Ҳеч чидолмайсан бу фитналарга. Мана, кўшин тортиб Жайхун ёқасига келдинг.

Йигитларинг бари жасур. Таптортмас. Жўмард. Бари худди ўзинг каби навқирон. Қони қизиқ. Ўзинг каби дўлвор. Доим жангга шай. Ана улар олишар сарғая бошлаган майсазорларда. Машқ қиларлар зўр бериб.

Кифт бермаслар бир-бирларига. Олов бўлиб кетарлар чавгон

ўйнаганларида. Ана, узун оғочлар кўтариб югурарлар. Сўнг оғоч учини ерга зарб билан уриб, ўзлари кўкка сакрарлар. Қийқарлар, ташланарлар гўё ёв қалъасига. Қиличбозлик авжга минар бир чеккада. Тирандозлик тўхтамас овлоқ адирда. Сен урушдан ҳам оғирроқ машқларни севасан, Абдуллатиф.

Танлари яйрайди машқларда йигитларингнинг. Ярақлайди офтобда яғринлари.

Сен ҳам уларнинг бирисан. Улар каби ҳарбу зарбнинг машқин оларсан бекларинг билан. Машқдан холи чоғлар арслон овлайдилар йигитларинг дарё бўйи тўқайларда.

Неча-неча бор Жайхуннинг ўнг ёқасига бостириб ўтдилар. Ғолиб бўлиб

қайтдилар подшоҳ отанг паҳлавонларин белин қайириб, ўлжалар олиб.
Тобора кучга тўляпти паҳлавонлар.

Улар сенга ишонарлар. Жонларин фидо қиларлар сенга. Сенинг дарвешлигинг, жасоратинг, сўзда устиворлигинг уларни ром қилган ўзига. Сенинг байту ғазалларинг тилларидан тушмас.

Кам кўрмаслар уларни ҳазрат Атоий ғазалларидан.

Атоий ғазали ҳам тобора шўх, тобора латиф, тобора лазиз.

Тобора тиниқ малакларнинг нигоҳи. Э-ҳа, ғоятда ҳайиқарлар улар сендан. Ҳайиқиб-ҳайиқиб севарлар.

Тийнати пок, қаҳри қаттиқ, сўзи кескир дерлар сени хешу ақраболаринг.

Кўҳна дарё ҳайқириб ётар подшоҳ отанг ва сенинг ўртангда,

Абдуллатиф. Сен худди дарё каби кучга тўлгансан,

Абдуллатиф. Шу дарё каби йўлинг тўсишларини асло истамайсан, Абдуллатиф.

Машқлар ва тинимсиз ўйлар маҳзун қилиб қўярлар сени. Дарё-ёқа шу

тепани нечукдир жуда севасан. Шу тепада тунлар мижжа қоқмай ўтирасан.

Тирмиз гумбазлари қорайиб кўринар дарёнинг у ёқасида.

Буралиб ҳиддат билан оқади бу туркнинг кўҳна дарёси. Кўксингни

тирнайди яна ғазал соғинчи. Маюс нигоҳингни оқизиб кетар дарё.

Отангнинг шавкатли чодир юксалиб кўринар у томонда. Улуғ кўшин

ёйилган кумтепаликларда. Сен самарқандликларнинг бу черикини енгининг

биласан. Бу кўшиннинг гарчи ҳайбати баланд, лекин илгарилардек ўзига

ишончи қолмаган. Боз устига Самарқанд нотинч. Беклар кўнгли алағда...

Лекин отага қарши урушмоқ оғир, оҳ нақадар оғир. Шарқдан, Ҳиндукушдан

шамол эсади. Телбаланинг уради юрак. Қабартирар кўксингни бу тоғ шамоли.

— Қайдан бу адоват? Қайдан бу адоватлар адовати — ота-ўғил адовати? —

тентирар Ҳиндукуш шамоли. Тепа атрофида айлангандай сенинг атрофингда

айланади шарқнинг сарин шамоли ва саволга тутар, саволга тутар сени.

Лабларинг нималарнидир пичирлайди, Абдуллатиф. Жавоб излайсан бу пок,

кўнимсиз шамол саволларига. Бу шамол сенинг ҳабибинг. Дўстинг у шамол.

У сени танийди. Дилингни тушунади. Чунки у ҳам сен каби телбаворий.

Сен каби ғурурли. Сен каби шафқатсиз. У сени танимасинми? У ахир

дунёнинг бошидан эсиб ўтган, замонлар, маконлар, борлиқ, йўқлик —

барини кўрган, барининг бошидан, пойидан ўтган. Билар яқин ва олис

келажакда нелар бўлишин. Фақат ҳеч ким тушунмайди унинг тилини.

Абдуллатиф сочларини тортқилайди Ҳиндукуш шамоли. Севиб шивирлайди

йигит қулоқларига сирли сўзларни:

— Ўтма, ўтма, Абдуллатиф, дарёнинг у ёқасига. Ўтма. Сенинг вақтинг

келмаган ҳали. Ўтма. Ўтма...

Абдуллатиф катта бошин силкитар. Қувгандай бу ғайбнинг товушин. Тикилар

куз осмонига.

— Лекин валиаҳд-чи? Қайси тузукда ёзилмиш ака тирик экан, уканинг

валиаҳд бўлури? Падар хоҳиши худо хоҳишидан зўрроқмики, шарманда

Азиз валиаҳд аталур Мовароуннаҳрга?

Оқшом уфқидан кўтарилган сариқ юлдуз шу-шу-лаб шивирлайди Абдуллатиф

қулоғига.

Аридай ғўнғиллар юлдуз

Буралиб-буралиб худди қовоқ ари кўк қаватларига зинғиллаб киради ва дам

зинғиллаб тушади юлдуз.

Ва охир ғўнғиллаб-ғўнғиллаб Абдуллатиф қулоғига кириб кетди Сарик

юлдуз.

Коинотнинг шавкатли Қўтоси

Коинотнинг шавкатли Аробасин

Фарбга томон тортиб боради

— Отамнинг юлдузлари... — шивирлайди Абдуллатиф. Ал-Жабборнинг энг қўрқинчли юлдузи — Байтул Жавзо им қоқади қонга тўлиб, худди уришқоқ хотин кўзлари.

— Араблар бу юлдузни Иблиснинг кўзи демишлар... — хабар берган қадимгилардан ҳазрат Беруний. Подшоҳ отамнинг қўллари бу юлдузларнинг

мақомларин янглишмай топган. Риёзатнинг амаллари-ла улук ҳисоб қилган. Ҳеч бир гумондан холи дерлар.— Абдуллатиф худ-беҳуд шундай деб шивирлайди-ю, ўзига доим бир нарса етмаганлиги, доим алланенидир соғиниб кўмсаганлигини шу тобда яна ҳис қилади. Ва бирдан топгандай бўлади шунча йиллардан бери нималарни кўмсаганлигини.— Бузрук отамнинг кўлларини соғиндим...— пичирлайди Абдуллатифнинг лаблари.— Лоақал, лоақал бир марта-бир марта бузругимнинг кўллари манглаймни силагандайди, оҳ...— Абдуллатиф ўксинади. Шунда ногоҳ ҳазрат Иброҳим Файзуллоҳ Атойининг байтлари ёдига тушади:

Фироқинда менга тасбиҳ бўлди,
Бу сўзим: оҳ, унутти, унутти!..

Ҳазин оҳи урилади бу сўзларнинг Абдуллатиф миясига ва улар қўшилиб кетар Ал-Жаббордан туриб ғўнғиллаётган, дам оқариб, дам сарғайиб, дам қон янглиғ бўзариб боқаётган юлдузнинг ўгитига:— Утма, ўтма, Абдуллатиф дарёнинг у бетига. Асло ўтма. Отанг бизни севган қадар сени севамиз. Утма, ўтма, Абдуллатиф дарёнинг у ёқасига. Сенинг вақтинг етмаган ҳали... Сенинг юлдузинг балқимаган ҳали. У коинотдан йўлга чиққан. Лекин етиб келмагандир шан юлдузлар манзилгоҳига... Мунажжимдир отанг. Ишонадир муфсид мунажжимлар сўзига...

— Кўлларингни бер, эй уришқоқ юлдуз... кўлларингни бер... етиб келмаган юлдузим ўрнига, Сарик юлдуз, менга ҳомийлик қилгил. Кўлларингни бер. Узат менга сарик нурларингни. Нарвон каби бу нурларнинг ясси йўлидан мен қошинга чиқайин. Фориғ бўлай ота, қадрдон, ёв элларнинг можаросидан. Фориғ бўлай мен ўзимдан. Қўлингни бер, эй Юлдуз... кўл... отам бузрукнинг кўли... пешонам...— Бир нарса эсига тушгандай сесканар Абдуллатиф. Ҳазрат пирнинг тунги осойиш суҳбатини эслайди.— Мусонинг кўли! Ниҳо келди: Қўлингни тик қўлтиғингга. Қўлтиғига тикди кўлини Мусо. Қўлингни ол қўлтиғингдан, Мусо. Кўлини олди қўлтиғидан Мусо. Оппоқ бўлиб чиқди кўли қўлтиғидан... Отам ҳазратларининг кўллари оқ бўлиб чиқармикин мабодо тиксалар қўлтиқларига? Оҳ, Мусонинг кўли... Мусонинг асоси... Ани изриб биасока алхажара...¹ Ота, сиз асонгизни кўкларга отдингиз. Не-не юлдузлар очилди кўзларингизга. Ундан сўнг у асонгизни тошга эмас, менинг бошимга отдингиз. Қонлар оқди менинг бошимдан. Мусо урганда асосини тошларга, тошлар бағридан фавворадай отилиб чиқди сувлар... Ғаддор, серғулув, қаҳрли, ҳар дамда эътиқодини ўзгартириб, бўяб, норози бўлиб турадиган оломон ичди-да, қонди. Яна, билмам, нечанчи бор, тавба қилдим. Сиз, ота, шавкатли хон бобом фарзанди, асо ўйнатасиз олам устида. Қардош устида. Бошлар ёрар, қонлар тўкар подшоҳ асоси. Асо — сизнинг қўлингизнинг давоми. Одамнинг калта кўли асо ушласа, узун бўлур ва киши умри анингдин азаллардан ҳазиндур... Неча замонларки, подшоҳ отам асоси ўйнар менинг бошимда. Ёзғураман; қутулолмайман. Дод дейман, қутулолмайман. Лекин отадан ёзғурмаким шоемудур. Йўк, абасдур, абасдур. Толе калтагим айланар бошимда. Кумуш қубба бир учида. Олтин найза яна бир учида. Дам найзаси санчилади жонимга. Дам чўнг қуббаси зарб уради бошимга. Бузрук отам, сизнинг асонгиз бу. Ана, ўйнар бошимда. Сизнинг асонгиз... Абдуллатиф кўз ўнгида подшоҳлик асоси ўйинга тушади. Чарх уриб айланади бошидан. Олам бошида айланади бу асо. Бани одамизод бошида айланади. Уларни кўз очиргани қўймайди. Айланади. Уради. Қонлар тўқади. Мамлакатлар устида, халқлар бошида ўйнайди бу Асо. Унинг машъум рақси замонлар оша давом этади. Бу рақсни Абдуллатиф анг-танг бўлиб кузатади. У таёқни қувмоқ, маҳв этмоқ бўлади. Лекин кулгили аҳволга тушади. Қийшанглайди. Алоҳол у ҳам бутун уринишлари фойдасиз эканлигини билиб, Асо билан бирга турли муқомлар қилиб рақсга мувосо қўшилиб кетади...

Лекин бирдан бу қийшанглашлар жонига тегиб, ўзидан қаттиқ норози

¹ Асонгни тошга ур!

бўлиб тўхтади Абдуллатиф. Яна оғир ўйга ботади. Ота исин соғинади Абдуллатиф. Отага сиғинолмаса, кимга ахир сиғинсин одам боласи! Шу пайт унинг қулоғида устоз шариф Иброҳим Файзуллоҳ ҳамиша қайтара турган сўзлари жаранглаб кетади:

— Подшоҳ ҳазратларининг илики Ихтиёриддин қалъасида хазинангизни тортиб олган бўлса, қўйингиз, куймангиз бунга ҳазратим. Яна сизникидир жами олам хазинаси... Отангизнинг қўллари Бодғиз жангида нусрат жилловини сизга эмас, Абдулазизга берган бўлса, койинманг ва куфр кетманг, ҳазратим. Унингдек зафарлар сизга лак-лак муяссар бўлмай, иншоолло. Бузрук отангизнинг қўллари сизни ўзларидан тамом узоқлаштирган бўлса, ноумид бўлмангизким, фитналар барҳам топмай. Юмшагай падарингиз дили ҳам. Сиз эл-улус меҳрини қозонинг. Бекор қилинг оғир солиқларни. Бўлмай давлатингиз зиёда...

— Оҳ, содда, дарвешваш устозим, пирим... — мийиғида кулимсирайди Абдуллатиф. — Нақадар соддасиз. Нақадар умидвор.

Шу тоб кимнингдир ипак қўллари чирмашади Абдуллатиф бўйнига. Иссиқ атир нафас урилар қулоғининг ортига. Муаттар гулларнинг исларини тўзгитади Шаркнинг шамоли. Қўл узатишга чўчиди бу қўлларга Абдуллатиф. Балки баногоҳ кимдир кузатиб турар гизли. Шамдек қотиб ўтирар тек. Бир мўй қимирламас Абдуллатиф юзида. Гулдай сўзларнинг япроқлари сочилар оёқлари остига:

— Унутмангиз, унутмангиз бу кун, ҳазратим...

Сўнг англашилмас журъатидан ҳадиксираб ел каби ғойиб бўлар ипак қўллар. Чодирлар томон элас-элас ҳилпираб учади фаришта.

Абдуллатиф нафис ҳаракатлари-ла учиб бораётган қизнинг қоматига маҳлиё бўлиб туради. Унинг чехраси бир зум ёришади. Олижаноб, мардона бир шуқуқ ўйнайди унинг кўркам юзида. Лекин зум ўтмай, бу чехрани яна оғир хаёлнинг шиддати қийнайди.

— Дарё, сен қари дарё, туркнинг телба дарёси. Мажнунимсан, пиримсан, устодим... Айт, ҳазрат подшоҳ отам билан жанг майдонига кирсам, нима дер эл, нима дер дўст, нима дер душман, нима дер таворих. Ота билан урушган енгса бўларми? Енгса, подшоҳ бўларми? Подшоҳ бўлса, қанча ўтирар унинг тахтида? Айт, дарё. Сен доно. Мен эса телба. Рост, менгина эмас, дунё телба. У югурар доим сароб нашидалар ортидан. Сароб роҳатларни кўзлар. Сен ҳам телба. Айт, нечун, нечун ёмон кўрар ул бузрук мани? Нечун афзал кўрадир Азизни? У сариқ мушук... баногоҳ чаккувчи чаён. Мудом бузар ота-ўғил орасин. Фосиқ...

Кеча яна Қорачол Самарқанддин келтирди хунук хабарлар: Азиз поймол этиб булғамиш кўп бекларнинг манкуҳаларин... завол етмиш подшоҳ хонадонига. Эл-улус норози. Йўк, йўк! Бўлмас, бўлмас бу қутурган мушукни бостирмай. Тирнаб ташлади у гўзал Мовароуннаҳрни. Подшоҳ беклари ғулувда. Эминлик йўқолди салтанатдан. Хиргоҳлар булганмоқда шаҳзода Азиз қадамларидан. Ҳолбуки, фолларга ишонар булар. Фолларга ишонарлар барча теурийзодалар. Улар фол излаб юрарлар. Фоллар уларни ҳалок айлаюр. Қизиқ, ундай десам, фоллар ростга ўхшаб кўринар. Измингни ўғирлар. Ҳоким бўлиб олар дилиннга. Қул қилиб олади сени фол. Локин фоллар фитналардир. Англамас шаҳзодалар. Улар бирлашсалар, енга олмас эди жаҳонда уларни кўп замон. Лекин бирлашолмаслар. Ўртада фоллар бор! Пирим айтди: Хизирхон Ҳиндистондан хат йўллаб огоҳ қилган эмиш отамни. Мавлоно Муҳаммад Аржангий ҳам тинмай шипшир эмиш отамнинг қулоғига:

— Сизнинг кушандангиз ўз ўғлингиз. Шу-шу-шу ўғлингиз кушандангиз. Эҳтиёт лозим. Яқин йўлатманг ани зинҳор. Сизни мусаҳҳар айлар бот-бот.

Хабар бердилар ориф ҳинду сеҳргарлари.

Отасининг таёғини Мавлоно Аржангий фолга ийлаб қориб бермиш: Айланади у фол таёғи бошимда.

Шу таёқни кўтариб боради қонга ботган қария. Бодхизда, Ҳиротда, Сир, Жайхун бўйларида етаклаб юради мени бу қип-қизил қари. Бурнидан оқар қон. Оғзидан оқар қон. Кўксидан оқар қон. Соқоли судралар қон балчиғида. Ўхшаб кетар чин бозингарларига. У таёқ ўйнайди. Унга бир қадам Ҳирот, Сигнок, Тарноб, Мозандарон, Машҳад, бир қадам Панипат, Ҳалаб... Судрайди мени ҳар қайга шу қари. Кўзлари чакноқ худди катта бобомдай. Ҳеч ким тик боқолмас бу кўзларга. Ҳар қандай вужудга солади ларза унинг қулоғигача чўзилган қийиқ кўзлари. Йўқ. Бу катта бобом ҳазратлари эмас. Куфр кетдим. У эди даҳо. Муқтадир. Қаҳҳор. Зулмкор ориф. Қаҳрли қаттол. Асло ўхшамас унга соқоли қон балчиғида судралган қари. Қўймас ҳолимга. Наҳот бу шаҳзодалар маъбудди. Мирзолар бути. Уруш толеи. Ҳали Абдурраҳим дутор чалганди, чалғиб кетдим куй шавқиға. Қари Наво элитди ҳушим. Куйган куй оралаб кўзимга кўринди. Абдурраҳимнинг дутори узун таёққа айланди. Дуторнинг қорни ҳам қонга тўлган эди. Пардалари қон. Таёқнинг учи қип-қизил самога тиралиб турарди. Йўқ бўлиб кетарди унинг учи қонга фарқ юлдузлар ичида. Мен телба бўлаётиман ростдан ҳам. Яна эсимга тушди. Қай кунни Қори Ноий най чалди тонглаб. Уртанди дилим. Ўшанда ҳам устод ўқиди янги бир сўлим ғазалин: «Алминнату лиллаҳ кўрдук юзунгизни...» Сел қилди жонимни най ҳам, сўзлар ҳам. Насиб бўлармикин менга ҳам айтмоқлик шунчалик ғазал. Ҳолим ошуфта. Сўнг бирдан алҳол

най ҳам, най ҳам, най ҳам, ё раб, таёққа айланди най ҳам...

Қори Ноий, дедим... Қори Ноий, дедим... сўнг билмайман, кетдим ҳушимдан. Най таёғи қип-қизил айланарди бошимдан...

Дарё нола қилар, шамол фарёд солар: дарахтлар қон ичган бу ўлкаларда. Қамишлар қон ичган бу соҳилларда...

Толе таъқиб қилар мени. Таъқиб қилар отам, бобом, қардошлар тўккан қонлар. Гуноҳнинг сувратидурман мен... вовайло Азиз ҳам. Моний сувратидурман ҳазин маконга ботган. Оталарнинг гуноҳи болаларга қолар азалдан... Менга қолганми бу поёнсиз қонлар юки, ё раб.

Оқшом қуюлди Жайхун бўйига.

Аржастондан меҳмон бўлиб келган созандалар Абдуллатиф қароргоҳига. Гулханлар баланд ўрлар самога. Қизил саллали, кўғирчокдек кийинган, мунчоқлар таққан Манзурхон эзиб камонча чалар йигитлар даврасида.

Оламни тутуди уста Дудий найининг жангари саси. Кўпириб кетар йигитлар бу жанговар нағмалардан. Шаҳд билан давра айланарлар чидамай куйнинг шахдига.

Ҳирқираб қон отилади най бўғзидан.

— Ким чинқириб чақирар мени? Наҳот дарё? Наҳот най? — ўртанар Абдуллатиф.— Йўқ, йўқ. Ҳой, ким бор? Чақир... чақиринглар устодни... чақиринглар шоир пиримни...— Унинг овозини эшитмас ҳеч ким. Аржастон удининг садоси оламни тўлдирар.

— Фолбинлар бостириб келмоқда. Саф-саф фолбинлар. Жаҳонни эгаллар фолбинлар. Қул қилар. Ўйнатар бозингар каби. Бузрук отам силар фолбинларнинг бошларини ва душман қилиб ўстирар фарзандларини...

Ҳолбуки, мен севаман ул бузрукворни, севаман байтларин, битикларин. Лек ўртада фол бор! Жайхун каби кутурган ваҳший фол! Енгиб бўлмас— фолни. Кучлидир фол ҳатто Худо каломидан ҳам! Астағфурилло! Кечир, эгам, куфримни. Лек ўртада фол бор! Кушандангиз ўғлингиз! Кушандангиз ўғлингиз! Таёққа айланди шу сўзлар гўдаклигимда, таёқ бўлиб қолади ҳамон тириклик даштларида. Мўлтони ғанимлар фол ясаб ташларлар мирзолар ўртасига. Уларнинг дастурхонлари, маишатлари фол билан тўлиб кетган. Ишонмаслар мирзолар ҳеч нарсага. Улар ишонарлар фақат фолларга. Эй хокдон дунё, қайга урай бошимни бу фоллардан!.. Тун яримлаган сайин Жайхун шиддатга минади.

Унинг овози коинотнинг саси каби эшитилади. Дарёнинг ўртаси қайнаб, оқ кўпиклар сочилади. Улкан балиқ отилиб чиқади.

Яна шалоплаб дарёга қулайди...

Абдуллатифга дарё ўртасидан кўк ридо кийган чол чолиб кетаётгандек туюлади. Абдуллатиф чолнинг дарё кўпикларида чопишини кўзларини катта-

катта очиб кузатади. Бошини қаттиқ силкийди. Аржастондан келган созандаларнинг машқлари авж пардаларга кўтарилади. Чол дарё узра чопиб, дарё бурилган ерда ғойиб бўлади. Шунда Жайхундан сас келади:
 — Ўтма, ўтма, Абдуллатиф, дарёнинг у ёқасига. Асло ўтма. Ўтма, ўтма...
 етган эмас сенинг вақтинг... кўтарилган эмас юлдузинг...
 Бу фақат овоз. Бу фақат куй. Жаңгари. Шафқатсиз. Абдуллатиф фақат овознигина эшитади. Сўзлар қайдан пайдо бўлади — билмайди. Жайхун ўктам, сирли садо беради.
 Эртаси тонгда Абдуллатиф яна дарё бўйига чиқди. Бугун отасининг ўнг қанотига босқун урсакми, дейди баҳодирлари. Лекин бу фикр ҳали қатъийлашмаган. У ҳамон кечаги ўйлар таъсиридан қутулолмаган. Лекин ўнг соҳил нимагадир кўзига бошқача кўринади. У билолмайди. Тикилиброк қарайди. Шунда у анг-танг бўлиб қолади. Мирзо Улуғбек кўшини қароргоҳни буткул тарк этган эди. Соҳил ҳувиллаб ётарди. Абдуллатифнинг юраги бирдан орқасига тортиб кетди. Бирдан тушунди ва дили ширин, ўйнаб кетди.
 — Қочмишлар, қочмишлар... — пичирлади у.
 Ҳаял ўтмай Абдуллатиф қароргоҳи тўққиз карнай, тўққиз сурнай, тўққиз табланинг нусратли овозига тўлди.
 Улкан соллар, кемалар аллақачон шай эди. Кўприклар тахт эди. Абдуллатиф кўшини Улуғбек мирзо тарк этган дарёнинг ўнг соҳилига ўта бошлади.
 Олдинда фақат уят юзқаролик бор эди.
 Олти ой деганда ота ҳам, фарзанд ҳам шаҳид бўлдилар.
 Икки дарё ораси неча замон тўзғиб ётди.
 Уртада фол бор.

Туркистон

Туркистондан қовун олдим. Олтин каби товланар пўсти.
 Неча-неча отелларда олиб юрдим Туркистон қовунини. Отеллар тўлиб кетди Туркистон қовунининг ифорига.
 Туркистоннинг иси таралсин-да оламга.
 Қайтар куни сўйдим Туркистон қовунини Адриатика бўйида.
 Туркистон заминининг барча лаззатларини шимган, эмган экан бу кичкина қовун, миқти зўрабор.
 Туркистон! Туркистон!
 Қирган эмас ерга Яссавий!
 Тўзган эмас унинг шеъри ҳам!
 Адриатика шуқуҳларин кўрганда, ўзимни тетик тутдим. Эслаб юрдим Яссавий бобомни.
 Юрагингда Яссавий турса, тушунарлироқ бўлар бугунги Европанинг мантики, усули, шуқуҳи.

Мариянинг боғи ва тахти

Қораденгизнинг ғарбий соҳилида румин маликаси Мария қурдирган боғни сайр қилдим.
 Сулувлар сулуви экан малика Мария.
 У мусулмонлар ва насронийлар бир жону бир тан бўлиб яшашларини жуда-жуда орзу қилган.
 Ўз шаън қасрининг ҳам ярмини мусулмон ва ярмини насоралар услуби билан қурдирган. Унинг мўъжаз қасри икки оламни бирлаштирган.
 Малика қаср атрофида, денгиз бўйида бир боғ барпо эттиким, қирган мусулмон ҳам, насроний ҳам ҳайратга тушади.

О, Мария боғининг файзи. Бунда ҳар бир гўша бир-бирдан гўзал ва бирини бири янада гўзалроқ қилиб кўрсатади. Биласизми, малика нималарни яхши кўраркан?

У жондан севаркан хумларни, ҳа-ҳа, хумларни ва кўзаларни. Шарқнинг кўп мамлакатларидан ғаройиб хумлар ва кўзалар келтириб, боғининг гўшаларига ўрнатган. Бу ерда хумларни тўхтовсиз қучиб олгингиз келади. Ва хум бўлгингиз келади. Мария денгиз бўйидаги улкан қояларни ўйдириб, тарашлатиб, улардан гулзорлар, гулдонлар ясаган. Боғнинг шаршаралари эса пари қизларнинг нафис сочлари каби ёйилиб ётади. Тошлар оралаб булоқлар милдирайди.

Малика қурдирган ажиб кўшқлар соҳилга келиб тўхтаган ва ором олаётган ғаройиб кемаларга ўхшайди.

Мариянинг тахтини ҳам кўрдим. У боғ чеккасидаги мўъжазгина черковда сақланади.

Мария денгиз бўйида тошдан йўниб, тахт, курсилар яساتган. Шу курсиларда жануб томонга термулиб ўтиришни севаркан.

Мария нималарни хаёл сурганлигини ҳис қилгим келди.

Сиздан сўрамай, ижозат олмай, осиеликка ярашмаган қизиқиш билан тош тахтингизга ўтирдим, Мария. Афв этинг.

Бағоят муздек эди курсингиз, Мария. Сиз унда қандай ўтиргансиз?

Атрофимга аланглаб қарайман. Бирдан фикрим йўқолиб қолди. Тахтга ўтирса, фикр йўқоларми, Мария? Ё фикри йўқолган тахтга ўтирарми, Мария?

Умуман, тахтда қандай ўтирадилар, Мария?

Бу тош тахтда ўтириб неча йил кўз ёш тўқдингиз. Ёшларингиздан денгиз яна ҳам шўридароқ бўлди.

Қаровсиз тахтингиз боғингизда мунғайиб туради.

Мен унда узоқ ўтиролмадим.

Тахтга ўзимни бегона сездим.

Энди бу тахтлар фақат афсона сўйламоққа ярайди.

Уларга ўтириш кулгили туюлади.

Мен энди англадим:

сиз бу тахт узра ўзингизни жуда ёлғиз сезгансиз.

Яхшиям мендан тахт қолмайди. Акс ҳолда, эринмаган ҳар ким унга ўтириб кўрган ва ҳамма кулган бўлар эди.

Тангаси тушса қарамас

Бир хонимнинг тангаси тушиб кетди Белграднинг кўчасида.

У ҳатто қайрилиб қарамади.

Тангангиз тушди-ку, дегандай ишора қилдим. Бизда танга тушса, албатта, қидириб топарлар ва эгилиб оларлар.

Хоним назокат-ла табассум қилдию ўтди-да, кетаверди. Ойбек домла кўрса, уни айтар эди албатта: — Ингичка гўзал...

Сўнг ҳашамдор бир магазинга кирдим, гарчи пулим йўқ. Кўз ўнгимда неча-неча одамларнинг тангаси тушди ногаҳон. Лекин, во ажабо, биронтаси қайрилиб қарамади тушган тангаларига.

Сўнг мен ҳам юртимга жўнар чоғимиз Сплит аэропорти қописида билинтирмай бир тангамни ерга ташлаб юбордим. Ва қарамай кетавердим орқамга. Ҳеч ким менга: ҳой биродар, танганг тушди, дея айтмади.

Ўзимдан ўзим хурсандман ҳалигача.

Ажаб қилдинг, дейман. Нима, сенинг тушиб қолар танганг йўқми Европанинг кўчаларида?

Ўзимга ўзим қашшоқ кўрингим келмайди.

Америкаликка кўрпата

Тузук йигит экан гидимиз. Анча билағон.
Ундоқ-бундоқ деб донолик қилади тинмай. Ўз ақлининг устунлигидан,
ўз фикрининг эркинлигидан бизга билинтирмайгина мақтанаверади.
Биз ундай. Мана, сизларда бундай. Бўлган экан Ўзбекистонда.
Маъкул келибди унга ўзбек чойхоналари. Бизнес қилса бўлади,
дейди. Лекин «дезинфекция» қилинмаган кўрпачалар. Гарчи улар
атласдан бўлса ҳам, аммо америкалик ўтирмас унда ҳеч қачон.
Ўла қолса ўтирмайди.
Биз шуларни ҳисобга олганмиз. Ҳар куни дезинфекциялаймиз
ҳамма нарсани. Ялтиратиб қўямиз. Оҳорлаб. Оппоқ қотириб.
Ҳар куни алмаштираемиз. Эринмаймиз.
Мен бўлсам, чойхоналарингизни модерн қилардим. Мослар эдим
дунёнинг барча одамларига. Маъза қилган бўларди унда ўтириб
япон ҳам, немис ҳам, малайзиялик ҳам.
Дунёнинг эътиборин тортса бўлур ўзбекининг чойхонасига. Кириб
бир пас ўтирса, маъза қилсин ҳар қандай одам...
Бизда ундай кенгчилик йўқ.
Сизда ҳамма нарса кўп. Ҳаммаси сочилиб ётар. Ҳосил оласиз.
Сочасиз. Нобуд бўлар ярмига яқини.
Бизда эса ҳар дона ҳисобда. Чунки ҳар дона дон вақт ва кучдан
бир улуш.
Ҳа, сизда ундоқ. Бизда мундоқ.
Оғриниб бўлса ҳам, унинг гапларига қулоқ тутаман.
Ўйлайман. Ҳисоблайман.
Етмас экан бизга ҳозирги Европанинг ҳар соҳага хос мантиғи.
Соғлом фикр. Сохталикларга нафрат.
Ҳозирги дунё мантиғи. Сингдирмасак бўлмас уни
томир-томирларимизга. Акс ҳолда, қийин бўлар эртага...

Аквариум

Тош шаҳар Дубровник. Хивага ўхшаб кетди кўзимга. Тош церковлар, тош
масжидлар қадимлардан қиларлар ҳикоя.
Аквариум анвойи.
Катта тошбақа ётибди кўм-кўк ҳовуз тагида.
Танга ташласангиз унинг қалқонига ва тангангиз туриб қолса
улкан қалқон устида» демак сиз бахтлисиз, демак сиз яна
қайтиб келарсиз гўзал Дубровникка. Кўрурсиз яна қадим турк
қалъаларин, мовий
Адриатика соҳилларини.
Ҳамма тўхтовсиз танга ташлар тошбақанинг устига. Тангалар
илинмайди. Тошбақанинг қалқони гарчи улкандир, лекин ғоят
силлиқ бўлиб кетган.
Қанча тангаларим бор эди. Барини ташладим шу ажойиб бахт
тимсоли тошбақанинг устига.
Тангаларим илинмади ҳеч.
Илинмади ҳеч.
— Мен ҳам ташлайми? — деди шоирим. — Мен ҳам ташлаб кўрайми?
У ташлади тангасини. Тангаси ярақ-юруқ этиб сувда, буралиб
ўйнаб, туриб қолди тошбақа қалқонининг нақ ўртасида.
— Ана бундай кўндирарлар тангани тошбақанинг устига, —
деди шоирим.
Бахтли одам нима қилса, афзал қилади.

Аммо мен...
юз йил ўтириб танга ташласам ҳам барибир тангам қўнмас
бахтли тошбақанинг аэропортига.
Барибир кассир тошбақага кетар чоғи раҳмат айтдим.
Шунча бизни кулдирди.
Умидларга тўлдирди.

Вестерн

Вестерн нималиги ҳақида чала-чулпа ўқиганман. Лекин ўзин
кўрмаганман. Даҳшатлар киноси дейишади.
Бугун отелда америка вестерни қўйилади.
Кечгача кутиб, кеч бўлгач, кассир йигитга узатдим икки минг
динор. Икки ярим минг динор экан кириш пули. Етмади беш юз
динорим. Атрофимда кўкрак
керишиб туришарди тирмизлик полвон йигитлар.
Кўкраклари керилган. Лекин беш юз динор йўқ.
Ва мен киролмайман американинг вестернига.
Яна билмай ўтаман вестерн қандай ва нима бўлишин.
Доим қўлинг калта чет элларда. Уйда эса пулинг йўқ эмас.
Бўшашиб чиқиб кетдим кўрфаз бўйига.
— Адриатика! Сен зангори! Сен — тенгсиз гўзал!
Сендан ортиқ томоша йўқ ўксинган дилга. Латифа айтиб берар
сербиялик дўстим:
— Араб шайхи дунёнинг энг машҳур, энг бадавлат кимсалари
дам оладиган Авлиё Стефания оролини бир ойга сотиб олибди.
Бир ярим минг доллар турар бир куни. Келган экан барча
хотинлари, бола-чақаси билан... Эллик хотини бор экан,
биласизми...
Мен билгим келмас афсонанинг давомин. Эшитганман Хилтон
отелларини... Сира бўлгим келмас ўша араб шайхидай.
Аммо вестерн. Қонхўр маймун.
Шаҳватпараст горилла.
Бор, кўрмасанг, кўрма!

Оворалик

Эзиб ёғяпти куз ёмғири. Мезон охири.
Оворагарчилик ойи.
Кўп куттирарлар сени. Овора қиларлар
яқинларинг,
уканг,
ўғлинг,
дўстларинг.
Афтидан, уларни ҳам кимлардир овора қилган, алдаган, вақтларин олган ва
тугамас ҳаммамизнинг бу оворагарчилигимиз. Москва аэропортида мезон ойи
охири тонггача ўтириб чиқдим. Ёнимда шоирим. Муҳлат туговди қўналғамизда.
Жунжикиб ўтирибман минглаб мен каби жунжикканлар орасида. Алам қилмас
менга бу аҳволим.
Алам қилар кўрсатганим меҳмонхона навбатчисига қизил шаҳодатномамни.
— Нима бўпти,— деди у ва кўрсатди менга узундан узоқ бир рўйхатни:—
Мана, кўринг ўзингиз, мана... йигирма етти Совет Иттифоқи Қаҳрамони кўчада
қолди. Жой йўқ ҳозир ҳатто уларга. Сиз-ку... бизга барибир... Жой йўқ!
— Нима қилайлик бўлмаса, қайда тунайлик бу кеча?
— Мен билмайман. Уйингизга кетинг, вассалом!
Нега, мен кўрсатдим унга жондан азиз гувоҳномамни. Аэропортда эса фақат

тик туриш мумкин. Утирасиз, агар омадингиз кулса. Уриндиқларда онтарилиб мизғишар минглаб одамлар. Бировлар чидамай таппа-таппа ташлар ўзларин совуқ плиталарга. Бир менми, ахир, бир шоиримми ахир. Ана, қанча одамлар... болалар,
қизлар,
чоллар,
аёллар гўзал, осуда.

Ҳаммалари таскин бериб бўлган ўзларига: бир кеча минг кеча бўлмас. Рўпарамда бир аёл, семириб кетган. Утирар иситгичда мудраб, қунишиб. Оёғи орасида жойлашган булдог ити, ҳайбатли, катта. Булдог мудрайди. Бошини олган панжалари орасига. Гоҳ кўзини очар. Енидан тинимсиз ўтаётган минглаб оёқларга хушсиз қарайди. Маъюс унинг кўзлари. Соат тунги учдан ошди. Булдог титрайди аёздан. Ташқари туман. Аччиқ рутубат. Қорайиб, тумтайиб кўринар ўрмонлар. Жонинг сиғмайди ҳеч қаерга. Булдогнинг эгаси итини ўзининг жун рўмоли билан яхшилаб ўраб қўяди. Ухлломаетган одамлар кўринарлар жуда хомуш, сўлим ва ожиз. Ит кузатиб ётади одамларнинг оёқларини. У ҳеч қачон шунчалар кўп, шунчалар турли оёқларни кўрмаган эди. Оёқлар унинг эсида қолди.

Одамнинг кўнгли

Одамнинг кўнгли ҳар хил бўлиб туради.
Бугун кираман деб, киролмадим Хусанбекнинг олдига.
Ҳозир хабар келди: эшитсам, бундай...
Кирган эдим ўткан куни кўргани —
Мудраб беҳол ўтирган экан.
Маъюс жилмайиб кўйди. Гапи эди жуда юзада.
Қизи бир олмани артди.
Ярмини менга берди. Ярмини отасига.
Гаплашиб ўтирдик.
Ўтиб кетибди умр.
Ҳеч ким қолмади қаторимиздан.
Атрофингдагилар кетса бирин-бирин ва сенгина қолсанг, худди яланғоч дарахтдай бўлиб қолар экансан. Ҳазар қилар ҳатто бошингга кўнгани қарға.
Қариб-қартайган одамнинг сўзлари илмилик.
Сен ахир эшитгансан-ку хайрлашаётган одамнинг сўзларин.
Мен қанча хайр сўзларин эшитдим.
Эшитдим виро сўзларин.
Қанча сўнги нафасларни тингладим.
Минг йил яшаганда ҳам, одамнинг умри — бир оғир хўрсиниш, холос.
Хайрлашаётган одам эҳтимол билмас. Лекин у сенга қолдирар охириги сўзларин.
Сенинг эсингда турсин бу охириги сўзлар. Унутма ва доим ўйла бу сўнги сўзларни. Сен меросхўрсан сўнги сўзларга. Юзингни ўғирма. Малол келмасин ва асти дема:
— Илмилик сўзларни нима қиламан?
Жуда кўп атрофда илмилик сўзлар. Аммо сен айтган илмилик сўзлар бошқа.
Улар ғоятда кўп.
Агар гурлаб турмаса. Шамолдек эсмаса. Бўрондек кўтарилмаса кўкларга.
Кўкрак кериб турмаса дамларда...
Бўлур бутун бир халқнинг ҳаёти илмилик.
Илмилик сўзлар,
илмилик муомала,
илмилик тавозе,
илмилик марҳамат,
илмилик журъат,
илмилик мадад.
Қанча илмилик сўзлар эшитдим.

Адо бўлмас юз йил тупуриб ташлаган билан.
Бирингни икки қилмас илмилик сўзлар.
Файзингни сақла, Раҳмон, сўнгги дамда ҳам...

Ўлка

Кўп нарсалар хунук кўринар кўзимга баъзан.

Узун йўлак,
саф тортиб турган одамлар,
тўнлар...

белбоғ,
маъюс узум,
маъюс дастурхон.

Бир тусдаги кўримсиз уйлар, ўлик қаққайган бинолар. Уларнинг томлари ашқол-дашқолларга тўлиб кетган. Оқиб ётар бурчаклар. Булар бари эзар руҳимни.

Ҳолбуки, шунча чиройли, шунча муқаддас яралган одам.

Нима қилар эдик ахир худди мўридай бурнимизнинг тешиги осмонга қараган бўлса? Нима қилар эдик ахир? Бундан ҳам хунук нарса бўлармиди? Лекин табиат бизни аяйди, раҳм қилади.

Гўзал қилиб яратади ҳамма аъзомизни сочдан тирноққача.

Дурбиндан қарасанг, жаннатдан ҳам чиройлироқ одамнинг ботини.

Нега унда хунук қилиб қурамыз уйларимизни, кўчалар, бинолар, боғларимизни? Эҳтимол, қалблар ҳам шу туссиз уйлар каби.

Атрофни хунук кўрганим,
кимнидир хунук кўрганим
боис —

ўзим ҳам ўзимга хунук кўрина бошлайман.

Хунук кўринар чиройли сўзлар, чиройли либослар, товусдай безаниб экранга чиқиб, чиройли мактублар йўллаётган шоира...

— Мен бугун ўзимни унитазга айланиб қолганимни сездим, дейди Кортасарнинг «Синф ўйини» («Сопалак») романи қаҳрамони. Тўйиб кетсанг дунёдан шундай бўлиб туюлармикин? Ҳеч нарсани тушунтиролмасанг ҳеч кимга, шундай бўлиб туюлармикин?

Мен англагандай бўлдим Кортасар қаҳрамонини:

у ҳам ўзига ўзи хунук кўриняпти, ахир.

Айлансанг

Оёғинг учида тик туриб
Минутига ўттиз уч маротаба айлансанг,
балки садо чиқар сендан,
куй чиқар сендан

Оёғинг учида тик туриб
минутига ўттиз уч маротаба айланолмасанг чапдан ўнгга —
кўксингга игна қадалиб тургани бекор —
садо чиқмас сендан,
куй ҳам чиқмайди сендан.

Мен чамаси, йигирма беш йил
Навоий кўчасининг ўртасида туриб,
ўртасида туриб икки трамвай йўлининг —
чапдан ўнгга қараб,
нақ оёғимнинг учида туриб,
ўттиз уч маротаба айланишга
хўп уриниб кўрганман.

Бағримга қадалиб турарди игна.

Замон ўтиб борарди ўн биринчи трамвай мисол.
 Худойим ёзганмикин менга куйини?
 Мен эса ортиқча тиришиб,
 ортиқча уриниб,
 терлаб-пишиб,
 сочларим ёпишиб манглайимга,
 айланишга уринар эдим ўттиз уч марта минутига.
 Энди ўттиз учинчи марта айланишга етганда,
 замон трамвайи ўтиб қоларди гулдираб ёнимдан
 ва менинг садоларим қўшилиб кетарди трамвайнинг гулдирашига.
 куй ўрнига гулдираш эшитиларди мендан.
 кечиринг,
 шу гулдираш,
 шу ғўлдираш
 ичида умрни ёқиб юбордим.
 Кечир мени, азиз диёрим,
 сени ҳеч қачон алишмайман ғўлдирашларга,
 тенг кўрмайман сени гулдирашларга.
 Фақат ёлғон гулдираш асли.
 Асли ғўлдирайди ёлғиз ёлғон.
 Неки ёлғон сўйладик, бари энди гулдирашларга айланди.
 Икки трамвайнинг ўртасида қолиб кетди куйларинг.
 Эшитиб кўрмас энди ҳеч ким сенинг пластинкангни.
 Ким ҳам севар эди дейсан,
 ким ҳам ўрганарди дейсан
 ғийқиллаган садоларни.
 Фақат бир раҳмдил филзабон қиз қидираш улар ичидан сени.
 Топ мени, топ мени, топ мени, топ мени —
 тиришиб ётадурман мен ҳамон...
 Худойим ёзганмикин менга куйини?

Иликсир

Шалпангқулоқ бўлсанг,
 сингиб кетар ерга иликсиринг.
 Етмиш бешинчи йилда ўриққа мингашиб кетган ток бошини ейдигандай
 узум солди.
 Баргидан кўп узуми.
 Шохларга осилиб ётар сарғиш чангга бурканиб.
 Еб тугатиб бўлмас бунча узумни.
 Нобуд бўлар узмасанг.
 Кўҳна бир хум ётарди қазноғимизда,
 отамдан, бобомдан, бобомнинг ҳам бобосидан қолган.
 Бари узумни эзиб қўлларим билан, шу хумга тўлатиб солдим.
 Сўнг суваб оғзини соғ тупроқ билан, кўйдим нақ офтобруёга.
 Қирқ кундан сўнг очдим хумни тамшаниб. Ўткир хушбўй ҳиди урилди
 димоғимга мусалласнинг.
 Лекин хум тўла эди.
 Энди озгина тагида дурда қолибдир.
 Шунча шарбат эски хум тагидан ерга сизиб ўтиб кетибдир.
 Ишониб бўлмас экан эски хумларга. Қорни катта. Ўзи басавлат.
 Ҳурматингни кўзгайди узоқроқдан қарасанг.
 Лекин шарбатингни ишона кўрма унга. Иликсир турмас эскирган хумларда.
 Шалпангқулоқ бўлсанг,
 сингиб кетар ерга иликсиринг.
 Шалпангқулоқ бўлсанг,

сен ҳосил олиб,
фойдасини кўрар кўкдаги қушлар.
кимёни тупроққа берганлар бой бўлмас,
содданинг боғи кўкармас.
Лекин сен ўйлаб кўрдингми,
муттасил кимиёни тупроққа бермоқ ила машғулсан.

Роҳат қиласан кимиёни тупроққа бериб.

Бонг урасан:

— Иқбол!

— Истикбол!

Мунча ўнқовсизсан,

мунча соддасан —

қачон тушунасан, ахир:

иликсирин бой берганга ёр бўлмас иқбол.

Соня

Соня эшигинг тагига гулчамбар кўтариб келган эди.
Сен эса эшиқни унинг юзига қарс этиб ёпдинг.

Райнер Мария Рильке
«Граф Вольф фон Калькройтга реквием».

Шом қоронғуси тушди.

Сизларни эсладим:

Дилором,

Дилфуза,

Мукаррам,

Бахшанда,

Сангча,

Ҳалима,

Дилором —

Сиз гулларнинг чангисиз энди.

Сизни танимас замондошларим,

танимас тарих,

танимас газеталар,

танимас шеърлар

бу етти гўзални.

Уларнинг биронтаси ҳам ўн олтига кирмаган эди.

Ўн бешга тўлмаган эди.

Ўн тўрт десам, юрагим қинидан отилиб кетар.

етти кўклам, етти жилға, етти сунбулим —

тиниқдан тиниқ. Ўт эмас, йўқ. Муздай мусаффо.

Ўн тўртта ўт бўлмаслар,

Ўн тўртта ёт бўлмаслар,

Ўн тўртта зот бўлмаслар,

Ўн тўртта бўлишар муздай мусаффо.

Ипак каби сарин,

сўлим,

таранг,

ажинсиз,

ғамсиз...

Бахшанда, Дилором, Дилором, Дилфуза, Ҳалима, Мукаррам, Сангча...

ҳали зиғирча ҳам хато қилмаган,

ҳали зиғирча ҳам ҳадик олмаган,

етти қиз ялла айтиб улгурмай юртида,

алла айтиб улгурмай юртида,

боғлардан узиб чиқмай бир қизил олма,

қирлардан термайин лола,

етти қиз —
Дилфуза,
Ҳалима,
Сангча,
Мукаррам,
Дилором,
Дилором,
Бахшанда —

отасининг сарвари,
онасининг гавҳари

бир зумда, бир зумда, бир зумда
ғойиб бўлди Қизил тепа йўлида —

Ҳалима,
Мукаррам,
Сангча,
Дилором,
Бахшанда,
Дилфуза,
Дилором —

Ҳалок бўлди говгум қоронғусида,
Бухоронинг йўлида.

Қизил дуррачалар ўраган бошларни учириб кетди КРАЗ.

Тор йўлда, чанг йўлда, танг йўлда, ганг йўлда
илиб кетди қизил дуррачаларни КРАЗнинг қаноти.

Думалади дуррали каллалар,
думалади оналарнинг лошлари,

Сангча,
Мукаррам,
Ҳалима,
Бахшанда,
Дилором,
Дилфуза,
Дилором —

қайтардилар теримдан. Қавс эди. Юлдузлар муздак.

На қўшиқ на хотира. Тумтайган, қорайган даладан етти қиз
қайтарди шом қоронғусида. Забонсиз эди дала.

Катталар чала.

Қаср қуриб беролмадингиз уларга, замондошларим,
асар ёзиб беролмадингиз уларга, замондошларим.

басир туриб беролмадингиз уларга, замондошларим.

Юрти бўлиб,

отаси бўлиб

ичимни таталар сўзлар, бу азиз номлар —

худди йўқолган қитъалар,

йўқолган қалъалар.

— Биз ўламиз мисоли ерга тўкилган сув каби, — хабар
берар одамзоднинг доно Китоби. — Бизни тўплаб бўлмайдимиз сўнгра.

Муҳаққақми қурбонликлар,

муҳаққақми лоқайдлик,

тўнглик,
гўллик,
жоҳиллик.

Ким бизга ҳақ қилди буларни.

ичингда бўлмаса сафолат,

четдан келиб маҳв этмас сени ўзга сафолат:

сени енгар ўз сафолатинг.

Йиғиб бўлмас экан тупроққа тўкилган сувни.

Оҳ зилол сувларим —

Халима,

Сангча

Дилфуза,

Бахшанда,

Дилором,

Дилором

Мукаррам.

Нима қурмоқчи эдик ўзи?
Шуни қурмоқчимидик ўзи?
Етти чимилдиқ қурилди Қизилтепада.
Етти қаср бузилди.
Етти куёв кирмади унга.
Етти келин чиқмади ундан.
Очилмади етти жаннат,

Етти ҳур —
етти чимилдиқ қурилди...

Шуни қурмоқчимидик ўзи?
Нима қурмоқчи эдик ўзи?

Доира

У сўйлар. Мен кутаман.

— Бизнинг олмаларимиз! Теп-текис силлиқ! Қуртламаган
бизнинг олмаларимиз! Озгина дориланган. Мазасин йўқотган
озгина, холос.

Политехник институт заллари. У сўйлар. Мен кутаман.

Дорилфунун заллари. У сўйлар. Мен кутаман.

Сўйлар қирқ йилдан бери

бир хилда,

бир тусда,

бир рангда,

товланар

бир тусда,

маймун бўлиб кетар

суюниб кичкина ҳақиқатлардан.

Шавққа минар, завқланар

бир тусда.

Бир тусли мунофиқ,

бир тусли маккор.

Муттаҳамга айланар сўйлаб-сўйлаб. Мен кутаман.

Замонлар ўтиб борар.

Ўзгарар сув ва ҳаво.

Ўзгарар тупроқ.


фақат у ўзгармас. Сўйлар бир тусда.

Маймунланар бир тусда.

У сўйлар. Мен кутаман.

Туганмасдек менинг сабрим.

Туганмасдек унинг макри.



Турсуной Содиқова

ТАБИАТ, ТЎЗИМ БЕР ТОҚАТЛАРИМГА

Фидойи халқим

Ўза чаноғига жонин жойлаган,
Жоним менинг, қошу қабоғим, халқим.
Майин шеърим билан силай кифтингни,
Меҳнаткаш, қўллари қадоғим, халқим.

Боласин бир четга ўтқазиб қўйиб,
Пахтасин елкада кўтарган халқим.
Ўдакдай эркалаб, минг-минг эгилиб,
Ҳар битта ўзани ўполган халқим.

Ором олишни-ю, ороланишни,
Қуш уйқу тушларга қўйганим, халқим.
Жаннатий ёзларда далам, ишим деб,
Тўйларин қишларга қўйганим, халқим.

Бир эмас, минг шоир бўлсам-да камдир,
Сенинг таърифингни битарга, халқим.
Бу кун қаддинг кўтар, мен тиз чўкайин
Қўлларингни тавоф этарга, халқим.

Табиатдан тилагим

Сен мени овутгил, табиат — қодир,
Овутгил, ўзимни босайин пича.
Менда бор ўғил-қиз ҳаммада бордир,
Ҳамма аёлда бор оналик бурчи!

Ё мени овутгил, ё қирқта жон бер,
Битта бош ечолмас мушкулларимни.
Ташвишлар лашқари синдираман дер,
Чарчоқ узаман дер мушкулларимни!

Жонимга жон қўшгин, қилгин мурувват,
Токи битта жонда боламни суяй.

Биридан тин топай, биридан қувват,
Биридан соғинай, биридан куяй!

Бир жонни ажратай хавотир учун,
Тўрт жон тўрт боламнинг ёнида юрсин.
Юрагим яшаркан Ер шарин қучиб,
Олдида бир жоним ухламай турсин!

Қирқ жон не?!
Мингта жон камдир санасам —
Аёлликнинг азоб, роҳатларига.
Яхшиси сабот бер, ўзимни босай,
Табиат, тўзим бер тоқатларимга.

Кўнглимнинг ҳади йўқ кенгликларига
Ўзим сиғмас эдим, сиғдирай энди!
Жонимнинг минг бўлак синиқларидан
Топайин ўзимни, қидирай энди!

Табиат, тўзим бер тоқатларимга!

Комилжон Отаниёзов хотирасига

«— Омон,

омон,

омо-о-н,

омон-эй,

омо-о-н!...» —

Деган садо келур қайлардан?
Фарёд оқур ўртабон ёмон
«Кўз» аталган аччиқ сойлардан!

Куйлар омон, гуллар ҳам омон,
Жонлар омон жами жойларда.
Омонликлар ичра йўқолган
Ҳофизимни топай қайлардан?

Тоқат деган деворлар
Вайрон бўлди, ҳофизим.
Торлар етим, оҳ-зорлар
Гирён бўлди, ҳофизим.

Хуморингиз чунон ёмон,
Ёмон бўлди, ҳофизим.
Сиз каби куйчи топмоқ
Гумон бўлди, ҳофизим.

Чуст дўппили, чинор қоматдан
Сурат қолди қорачиғимда.
Хоразмча забонли дарддан
Дардлар қолди дил санчиғимда.

Бул санчиғим, дедим, маним,
Қўяй уни бош устина.
Оғам, сизни берган элим
Кўзу қабоқ, қош устина.

Исмингизни ўйиб битай
Тошдайин бардош устина.
Куйчим, сизни қўйиб ўтай
Қалқиб келган ёш устина...

* * *

Қийғоч қоши қундуздайн
қора бўлган онам-а,
«Болам» дея, юрак-бағри
яра бўлган онам-а.

Онам юрса, йўлларида
гулу райҳон кўкарган.
Тоғ кўтармас ғамни онам
битта ўзи кўтарган.

Темир онам, толмасликни
энди менга ўргатинг.
Дарров синиб қолмасликни
энди менга ўргатинг.

Рўзғор деган ғор ичинда
темир-тирноқ тишим йўқ.
Оналикнинг савдоларин
сизча билар кишим йўқ...

Мард аёллар ичра марду,
сара бўлган онам-а,
Мардлик қила-қила бағри
яра бўлган онам-а!..

«Ишкомга бўйи етмаган»... ларга

Суюқларга илашди,
Қуюқларга эргашди.
Тенгим тоғдир, деб, тоққа
Тирноқ билан тирмашди.

Аммо тоғлар орланиб
Ерга уриб солдилар.
Боғлар ҳам малол олиб
Девор ўраб олдилар.

Алалохир ҳаёти
Бир кўлмакка айланди.
Энди бақадир оти,
Бақаларга бойланди.

Аммо лойқа ичра ҳам
Узин кўкда туяди.
— Чўнг тоғлар мендан қолган, —
Деб вақиллаб қўяди.


— Анов биллур булоқ ҳам,
Боғдаги сара гуллар —
Барчаси мендан қолган, —
Дея тинмай қуриллар.

Қуриллар шом-азонда,
Бўғзини лойга чайиб.
...Кун келар қилмай қанда,
Тонглар отар ажойиб.

Яшар қовушиб осмон,
Залворли тоғлар билан.
Боғ бўлар жаннатмакон
Ҳалол булоқлар билан.

Аммо кўлмак бор ҳануз,
Бордир ўшал бақаси.
— Ой ҳам мендан қолган, — дер,
Тинмайди вақ-вақаси.

Андижон.



Норқул Ҳайитқулов

ОСМОН ПИЁЛАСИ

Ҳикоя

Нормаматов кечаги почтани кўздан кечириб ўтирарди. Хонага обком бўлим мудирини Шокир Жўраев, область сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Йўлдош Алиевлар кириб келишди. Нормаматов уларга жой кўрсатди.

— Биз сиз билан жанжаллашгани келдик, — деди Жўраев тик турганича.

— Йўқ-э?..

— Жарқўрғондан нари ўтинг! — Жўраев бидиллаб кетди. — Сурхоннинг қуми кўриниб ётипти. Бир томчи ҳам сув йўқ. Деновликлар «Катта»га арз қилишпти. Сув топиб беринг, дейишибди. «Катта» ҳам уларнинг олдига тақ этказиб графинни кўйди. Бор сувим шу, деди...

Нормаматов бир зум ўйга толди, сўнг столни айланиб ўтиб, креслога чўкди.

— «Катта» тўғри қипти, — деди у ниҳоят. — Рост-да, сув чўнтагида бўлсайкан, оқизса-ворса! Ҳозир ҳаммамиз ишни йиғиштириб қўйганмиз. Одамлар сув сўрашаяпти. Буёқда Тўпалангга қараб йиғлагинг келади. Саёз тортиб қолган, тошлари сўппайиб ётипти. Пахтанинг эса, бўлари бўлган... Нима қилиш керак? Тезроқ омбор қурилса, шу аҳволга тушмасмидик.

— Муллажиринг бўлса, водниклар дарров қуриб ташлашади. Уша савил йўқ-да!.. — Жўраев гап тизгини бошқа томонга бурилганини сезиб, норозилигини яширолмади. — Шу дейман, Тилак Менглибоевич, жуда ғалати одатингиз бор-да! Биз нима деяпмиз-у, сиз нима деяпсиз? Ахир бу ерга сув омбори қурилишини муҳокама қилиш учун келганимиз йўқ. Деновликларга сув беринг!

— Қандай қилиб? Қаердан олиб?!

Нормаматов жим қолди. Кейин қоп-қора жингалак сочларини бармоқлари билан текислаган бўлди. Қалин қошлари керилди, бургутникидай йирик кўзлари Жўраевга қадалганди.

— Сув... Сув!... Сув, ана, Тўпалангда! Тўпаланг эса, битта.

— Айғиркўл-чи?

— Э, дарвоқе, — Нормаматов ўрнидан турди. — Айғиркўл...

— «Катта», икковинг борасан-да, кўлди дарёга очиб юборасан, деди.

«Дарёга очиб юборасан, деди... Қачон кўрдийкан уни? Айтган бўлса, тамом, Айғиркўл кетди... Кетади!... Йў-ўқ, кетмайди!!! Обком вакилига айтаман: мумкинмас, дейман. Бориб айтсин, Нормаматов қаршилиқ қилди, десин. Нима, қўрқадиган жойим борми?! Сўраса, дангалига: «Сизнинг фармойишингиз билан неча-неча тўқайларга ўт қўйдик. Бобою бобокалонларимиздан қолган тепаликларни текислаб юбордик. Энди навбат Айғиркўлга етдим!» дейман. Зўр келса, столни муштлар, бюрода муҳокама қилар, жазоям берар...»

Нормаматов Айғиркўлга бор-йўғи бир марта борганди. Шу биргина боришнинг ўзида кўлга боғланди-қолди. У ишдан асаблари чарчаб қайтганида тўрдаги ётоқхонасига ўтарди-да, кроватига чўзилар, кафтларини боши остига олиб, хаёлан ўша жаннати жой атрофида сайр қиларди. Шунча кўп гилмойини ўша кўлда кўрди. Лолалар, қизғалдоқлар. Яна нопармону жигарранг, оқу-кўк, сап-сарик, ним сарик, қорамтир-қизғиш гуллар... Оёқ босиб бўлмайди. Оламда неча хил бўёқ бўлса — ўша ерда, ундан кўл ранг олиб, товланиб туради... Ҳа, кўл ва унинг атрофидаги манзараларни хаёлидан ўтказарди-ю, ҳамма ташвишларини

унутарди. Зирқираб турган бошидаги оғриқ ҳам қаёққа кетганини билмасди. Кейин, бир якшанба шу сўлим гўшага бориб туришни кўнглига тугди. Аммо ёз ўтиб, куз келди. Мана, яна ёз бошланди — боргани йўқ. Ишдан боши чиқмади-микан? Бэ, бу — баҳона. Аниқроғи, режанинг йўқлигидан.

Ўтган қишда Ленинградга борди. Партия мактабида бирга ўқиган дўстини излаб топди. Бир кун ғарч-ғурч қор босиб, шаҳарни айланишди. Театрга кирдилар, цирк томошасини кўрдилар. Иккинчи куни шаҳардан ташқарига чиқиб кетишди. Дўстининг далабоғи ёнгинасида ўймоқдек кўлча бор экан. Бурғулаб музни ёрдилар, туйнукча очилди. Эҳ-ҳэ, бирми-икки дона балиқ баҳонасида кун бўйи суҳбатлашиб ўтиришди. Шунда Нормаматов дўстига: «Сени излаб юришган бўлса-я?» деди. Дўсти унинг бу гапига кулги билан жавоб берди: «Дам олиш куни-ку!... Нима, райком котибининг дам олишга ҳаққи йўқми? Балки, сизларда шунақадир. Навбатчи бу ерга келганимни билади...» Демак, ишлашни билган одам дам олишни ҳам, дам олиш жойларини асрашни ҳам билиши керак экан. Ҳа... Лекин, ҳозир нима қилсин? Таваккал, обком вакилларини Айғиркўлга олиб боради-да, «Биродарлар, шу... озгина сув билан Денов пахтаси қониб қолмайди-ку», дейди. Масалани жанжалга олиб бормади ҳал қилади. Шуларни хаёлидан ўтказаркан, у синиқ овозда гап қилди:

— Майли, бориб кўринглар.

— Борамиз ҳам, кўрамиз ҳам, — деди Жўраев. — Кетдик!

— Мошин борадими у ёқларга? — ҳалидан бери жим турган Алиев Нормаматовга қаради.

— Бормайди.

Нормаматов трубкани кўтарди ва аэропорт бошлигини топиб, вертолет сўради.

Тушга яқин улар тоғ ёнбағрига кўндилар. Алиевнинг оғзи очилганча қолган. Жўраев ҳаяжондан ўзи билан ўзи сўзлашади: «Бизда ҳам шундай жойлар бор экан-а!.. Водий тандирдек хилинг отиб ётибди-ю, бу ерда эса гуллар чаман. Эҳ-э, манави тутлар-чи? Меваси бармоқдек-а!!!»

Вакилларнинг атрофга суқланиб қарашлари, гоҳ ёнғоқ, гоҳо тут ва ўрикларининг танасига «қойил!» дегандек кафтлари билан шап-шап уриб қўйишлари Нормаматовга ёқиб тушди.

— Буларни ким эккан? — сўради Жўраев.

— Ўзи кўкарган.

— Йўғ-э?! — ажабланди Жўраев. — Унда тут, ўрик, ёнғоқ уруғи осмондан ёғилган эканда?

— Одамлар сайрга келишган, — Нормаматов қаршисидаги кишининг соддалигидан беихтиёр кулди. — Тамадди қилишган, дастўрхонда қолганларини эса тўкиб кетишган...

— Кейин кўкарган, денг?

— Қушлар ҳам уруғ тарқатади...

— Яхши, — Жўраев костюмини ечиб, бир четга ташлади. — Оҳ-оҳ, мана шу гуллар ичида бир чўзилай...

— Мазза-я!.. — деди озгина мизғиб олган Жўраев ўрнидан туриб, балиқларга нон ташларкан. — Болаликда пода боқардик. Ҳар ким ўз сигирини қирга ҳайдаб чиқарди. Майса тиззадан. Сигир бир қулоч жойнинг ўтидан тўярди. Кейин, қорнини кўтаролмай ётиб оларди. Шунда биз ҳам майса устига чўзилардик. Орадан қирқ йил ўтиб, болалигимга бир қайтибман... Аслида-ку, бу ерда зўр бир санатория очса бўларкан.

Манзарасини айтмайсизми? Сув қаердан келган, қандай қилиб тўпланган — ақл бовар қилмайди, — Нормаматов энтиқди. — Нақ осмон пиёласининг ўзи!..

— Яхши, ҳаммаси яхши, — Жўраев зангори осмон, гуллару ям-яшил дарахтлардан ранг олган сокин сувга ишора қилди. — Аммо ҳозирча бу кўл халққа хизмат қип турсин. Шу жойдан қулоқ очсак бўларкан. Тў-ўғри бориб, дарёга тушади. Нима дейсиз, Йўлдош Алиевич?

— У дарёмас, шу кўлнинг суви. Тоғни ёриб чиқаяпти, — деди Норматов таъби тирриқ бўлиб. — Тўпаланг гилмойисиям шу кўлдан тарқаган.

Жўраев унинг сўзларини эшитмагандек гапида давом этди:

— Йўлдош Алиевич, одамларингизга айтинг, бугуноқ етиб келишсин. Кетмон, бел, лўм етади. Сал ариқ очилса, бўлди, сувнинг, ўзи шовуллаб оқади.

Алиев истар-истамас бош ирғади.

Нормаматов нима деярини билмай муз ютгандай турарди. Вужудини совуқ тер қоплаган. Бир ёғи жим туриш ҳам жинойт.

— Нима деяпсизлар?! — лаблари титраб кетди унинг. — Бу кўл, биласизми, қачон пайдо бўлган? Билмайсиз! Менам билмайман. Аммо Искандар, Чингизхон, Бобур замонларидан борлигига имоним комил. Бироқ, — у кўрсаткич бармоғини ниш қилиб тепага ниқтади. — Ушалар ҳам қуритишни ўйламаганлар. Биз бўлсак... Йигирманчи асрда-я?.. Мен бунга йўл қўёлмайман!

— Оҳ-ҳо, ҳали гап бу ёқда денг? — Жўраев чирт этиб четга тупурди. — Ахир давлат пахта бер деяпти! Кўлни сўраётгани йўқ. Тушунмаяпман сизни, ўртоқ Нормаматов.

— Тушунмайсиз ҳам.

— Бўпти, «Катта»га очамиз деганидик, котиб кетмон тагига ётиб олди, деймиз. Бўптими?

— Айтинг, майли.

— Эртага хафа бўлиб юрманг тагин! Кетдик, Йўлдош Алиевич!

— Бир гап бор, Шокир ака, — деди Алиев Жўраев йўлга тушиши билан. — Мен сув мутахассисман. Кўл, кўп бўлса, йигирма гектарча чиқади. Суви ҳам ўзига яраша. Тўпаланга урвоғам бўлмайди.

— Мен сизни шу гап учун олиб келганмидим? Яшанг-э! «Катта» дарров ишонади, а? — туюқди Жўраев. — Ишонадиган одамми у? Биласиз-ку, ўзи келиб кўрса, расвоёмиз чиқади. Ҳай, кетдик!..

Учқовлон тўрсайишиб вертолётга чиқишди. Пўлат қуш ўрнидан қўзғалди. Нормаматов ойна оша пастга нигоҳ ташлади: паррак шамоли гуллар, майсаларни тортқилаб кўлга ёпирилар, сув юзи маржондек жимирларди. Вертолёт кўкка кўтарилганида ҳам, аэропортга келиб қўнганида ҳам сувнинг жимир-жибири, ҳадсиз-ҳисобсиз гулларнинг худди хайрлашаётгандек тебранишлари Нормаматовнинг кўз олдидан кетмади. «Наҳотки биз?! — У юрагига биров чангал солгандай қўлини беихтиёр кўксига қўйди. — Ахир, қанчадан-қанча дара, қишлоқларни яшнатиб турган шу кўлнинг суви-ку! Наҳот бир ховуч пахта деб атрофни жизғанак қилсак-а?!..»

Вертолёт аэропортга келиб қўнди.

Иссиқдан юрак ҳаприқади. Устига-устак чизилловуқларнинг бир зайлда чирллаши асабга тегади. Далаларда қимирлаган жон йўқ. Йироқда сароб. «Оҳ, Айғиркўл, Айғиркўл-а, ҳавонгдан озгина юборсанг-чи!.. — Нормаматов Жўраевга қаради! — Ҳозир машинасига ўтиради, тўғри обком котиби ёнига боради. Шундай-шундай дейди. Унинг эса, кўзига қон тўлади...»

— Биз кетамиз, — деди Жўраев аэропорт майдонидан чиқаётиб. — Очиб бўлмасакан, деймиз.

Бу сўзни Нормаматов кутмаганди. Бирдан чиройи очилди, юзига қон югурди.

— Раҳмат, Шокир Жўраевич!..

— Тўхтанг, — деди Жўраев ночор жилмайиб, — раҳматга ҳали эрта, «Катта» барибир келади. Кўрса, тамом — кўл йўқ. Кейин, учқовимизниям... партбилетимиз кетади. Тушунарлими?

Жўраев айтганидай бўлди. Ўша кечқурун Нормаматовнинг уй телефони уст-устига жиринглади. У трубкани кўтарди-ю, овозни таниди. Қаршиевнинг гапи қисқа бўлди:

— Эртага ўнда бораман! Аэропортда бўлинг!..

Нормаматовнинг ичига ғулғула тушиб, туни билан ухломлади. Минг бир хаёлга борди. Хаёл тўфонга ўхшаркан. Бир зарби тугай деганда тутундай бурқсиб иккинчиси пайдо бўлади, одамни шу қадар ўз домига тортади-ки, беихтиёр унинг изидан эргашиб кетаверасан. У нохуш хаёлларни қувиш учун неча бор жойидан туриб ҳовли айланди, ари уясидай гувиллаб турган бошини муздай сувда ювди. Бу ҳам етмагандай тун бўйи Қаршиев билан олишиб чиқди.

Энди кўзи илинган ҳам экан, соатнинг жирингидан чўчиб ўйғонди. Юз-қўлини ювди. Тошкент радиоси концерт бераётганди:

Ёр-ёр десам ул ёрим
Келармикан ёр-ёр,
Юракдаги дардларим
Кетармикан ёр-ёр...

Нормаматовнинг лаби ип торди.

— Хотин? — деди. Хотини келди-да, эшик рахига суянди. — Эшитаяпсанми? Зўр ашула-да!.. Қонга шундайгина сингиб кетади. Миямга тупроқ тўлғизилгандай эди, тиниқлашди-қолди. Ё бир ўйнайсанми?

Болалар ухлашаяпти.

— Ҳа энди, аста-аста-да. Эшикни ёпиб оламиз.

— Чой, мол-ҳол...

— Майли, ўйнамасанг, ўйнама. Энди мен ўйнайман. Мана, қара!..

У ўйинга тушиб, хотинини даврага чорлади. Хотини эса, кафти билан юзини яширди: «Вой, ўлай, кетдим-е». Шу бир неча лаҳзалик шўхлик тунги ғаним хаёллар оғушида бўлган Нормаматовнинг танини енгил қилиб юборди. У тамадди қилишдан олдин аэропорт бошлиғига телефон қилди.

— Бизга яна вертолётингиз керак бўп қолди. Биласизми, нима учун? Қаршиев келаяпти. Айғиркўлнинг сувини Тўпалангга ағдараман, деяпти. Ҳа рост... Вертолётим йўқ дейсизми? Нега? Тошкентдан рухсат керак?.. Яхши-ку!.. Унда ўзингиз тушунтирасиз.

Қаршиев айтган соатида етиб келди.

— Айтдингизми?

— Менам ҳозиргина келдим...

— Унда бошланг!

Улар аэропорт бошлиғи хонасига киришди.

— Вертолёт керак, — деди Қаршиев.

— Ҳозир, — аэропорт бошлиғи селектор тугмачасини босди ва қандайдир Горбуновни чақиртирди. Кўп ўтмай эшик очилиб, учувчи кириб келди. — Иван Петрович, бу киши обком котиби ўртоқ Қаршиев. Ўртоқ Нормаматов билан икковларини Айғиркўлга обorasиз.

— Рухсат борми?

— Кимдан? Қаердан? — Қаршиевнинг кўзи косасидан чиқиб кетгудек бўлди.

— Қаердан бўларди, Тошкентдан-да, — деди Горбунов ва қўшиб қўйди. — Ҳа, айтганча, бу киши Олий Советга депутат-ку! Москванинг рухсати керак.

— Рухсат пухсатнинг кераги йўқ.

— Унда мен учмайман.

— Э, сен!.. — Қаршиев забт билан ўрнидан турди. — Закон ўқийди-я!.. Пахта бўлмасин-чи, шу вертолётинг бўлармикин!..

— Бўлади, — деди Горбунов хотиржамлик билан, — Ҳў, қозоқлар... Пахта экишмайди, аммо вертолётлари бор.

— Бу ким ўзи?! — Қаршиев бақириб юборди. — Учувчимиш... Сен партия сиёсатига қаршисан... Кет, жўна!..

— Бақирманг-э!..

Горбунов чиқиб кетди. Хонага сокинлик чўккан, Қаршиев қаҳр-ғазабга тўла кўзларини ерга қадаб олганди. Унинг семиз бармоқларининг титраб турганидан юраги бежо ураётганини билиш мумкин эди. Аэропорт бошлиғи яхна чой узатди. Қаршиев юзини тескари бурди.

— Сендан чоймас, вертолёт сўраяпман!

— Бошқа йўқ... Фақат, шу Горбунов.

— Горбунов, Горбунов!.. Бирон ишни эплайсанларми, йўқми? Ёки ҳаммасини чайнаб бериш керакми? Душанбедан чақиринг!

— Улар бизга бермай қўйишган.

Топасиз, тамом!

Аэропорт бошлиғи елкасини қисди. Ташқарида одам тўпланиб қолибди. Нормаматов бирини таниди — айғиркўллик чол. Нима қилиб юрипти, бу ёқларди? Нормаматов аэропорт бошлиғига қараганди, нигоҳини ерга олди. Ҳаял ўтмай, ичкарига ўша чол, унинг изидан яна беш-олти серсоқол, басавлат кишилар олдинма-кетин салом бериб киришди.

— Катта бобо, биз сизди олдигизга отлангандик, деди чол сўзларини салмоқлаб, — йўлда бир одам, «Катта» самолётга қараб кетди, деди. Рост айтганакан, барака топгур.

— Хўш хизмат? — сўради Қаршиев жилмайишга ҳаракат қилиб.

Хизмат шуки, Айғиркўлга боргунча йигирма саккиз қишлоқ бор...

— Бўлди, тушунарли, — деди Қаршиев чолнинг гапини бўлиб. — Тегманг, дейсиз, шундайми? Илож йўқ, отахон. Ўзингиз ўйлаб кўринг, биз учун энг азиз нарса нима? Пахта! Шундайми? Пахта сув сўраяпти. Запас сув йўқ. Сизларам бир бағри кенглик қилинглар-да. Деҳқонларга раҳмларинг келсин. Уларни ризқи-ку пахта!..

Бизниям ризқимиз ўша кўл, — деди чол кўксини тутган оппоқ соқолини силаб. Айғиркўл боқади бизни. Агар очсангиз, обком бобо, кўпни бенасиб қиласиз. Жилғалар қурийди, булоқларди кўзи ёпилади...

— Илож қанча, отахон, илож...

— Обком бобо, гапди индаллоси, ёшимди яшаб, ошимди ошаб бўлдим, — чолнинг соқоли селкиллаб кетди. — Бир милтиғим бор. Як нил. Босмачидан ўлжа олганман. Бир донагина ўқи қолган. Уруш йили ўқлаганимча турипти. Шу, кўлни бўғзига ким кетмон урса, ямон бўлади...

Қаршиевнинг ранги докадек оқариб, тили калимага келмай қолди. Хаёлидан нима кечган бўлса, кечди. Нормаматов вазият тобора жиддийлашиб бо-раётганидан безовталанарди. «Начальник ишлапти-да», деб қўйди ўзича. Қаршиев бу қизиққон тоғ одамлари билан пачакилашиб ўтиришни ўзига маъқул кўрмай қўл силкиди.

— Бораверинглар, ўйлашиб кўрамиз.

Чол ўрнидан турди. Бошқалар ҳам раҳмат айтиб, чиқиб кетишди. Уларнинг изидан аэропорт бошлиғи ҳам чиқди. Хонада икки киши қолди. Қаршиев кулмоқчими ёки Нормаматовга захрини сочмоқчими — овозидан билиб бўлмасди. У буқаникидек семиз бўйнини Нормаматов томон чўзди-да, овозини тиши орасидан чиқариб, деди:

— Сен мени шунчям гўл деб ўйладингми? Бу масхаравозлигинг кетмайди. Топшириқни бажарасан. Сувни ўз кўлинг билан очасан. Очмаям кўр-чи!

— Сенсираманг, Абди Қаршиевич.


— Нима дей? Бошингни силайми? — Қаршиев машинасига бориб ўтирди. — Ҳайда!

— Кўл кетди энди, — Нормаматов аэропорт бошлиғига қаради ва ниманидир эслаб тетиклашди. — Тўхтанг, нега кетади? Айғиркўлликлар-чи! Ҳалиги отахон... Қўйишмайди. А, сиз-чи? Ё ўзингизни панага урасизми?

— Э, нималар деяпсиз, Тилак Менглибоевич? Мен, теги айғиркўлликман-ку! Ўша айтишган чол тус тоғам.

— Шундай демайсизми, биродар!..

Яйраб кетган Нормаматов узоқда бўй қўйган тоққа қаради. Ундаги энг чўнг чўққини излаб топди. Чамаси, шу топда Айғиркўл бутун гузаллиги билан унинг кўз олдига намоён бўларди...



Рўзи Қодирий

ЯШАШ ЗАВҚИ

КЕЗАР ЖОНДАЮ ТАНДА

Ильич

Гоҳо бир зарранинг буюк кучидан
 Ер юзи ларзага келиши мумкин.
 Бир нуқтадай ёнган нур ёғдусидан
 Жаҳон рўшноликка тўлиши мумкин.
 Ильич бир заррадир бутун башардан,
 Лек башарга озод қуёш бўлди у.
 Разолат, зулматни парчалаб бирдан,
 Дунёнинг чехрасин равшан қилди у.
 Порлоқ тақдир чўгин солди дилларга,
 Яловдор бир тусга кирди одамзод.
 Иқбол нури бўлди Ильич элларга,
 Сигиниб унга кўл берди одамзод!

Умидим

Умидим! —
 Олдимда порлар юлдузим,
 Имлайсан ҳамиша юксаклик томон.
 Сўнмас учқунинг-ла чақнайди кўзим,
 Ошар манзилларим кўраман аён.
 Истикбол уфқига интилдиргувчи,
 Ҳаётим турткиси,

умрим ҳамроҳи,

Яқин-йироғимни аниқ кўргувчи,
 Муддаоларимнинг ўткир нигоҳи, —
 Сенга иш, юракка қуюлур оташ,
 Ёлқинларинг билан жоним тобланар.
 Уртайсан,

кўнглимга кўндирмайсан ғаш,
 Жисмимда,
 руҳимда кўрларинг ёнар.

Гар сендан айрилсам, ўчгайман шу он,
Қоронғилашгуси ёруғ қисматим.
Силжишим, ривожим, равнақим яксон,
Тўхтагай одимим,

сўнгай рағбатим...

Курашга,

меҳнатга,

иждога ундар

Аҳд-паймон, саботим мужассам сенда.

Сен сабаб ҳеч куним ўтмас бесамар,

Яшаш завқи кезар жондаю танда.

Сен борсан —

мен борман, баландлашим бор,

Мададкордир сену менга ҳур Ватан.

Турғунликка қарши жанг қилиб такрор,

«Олға» оҳангида соз чертмакдаман.

Умидим! —

Олдимда порлар юлдузим,

Имлайсан доимо юксаклик томон.

Сўнмас учқунинг-ла чақнайди кўзим,

Ошар манзилларни кўраман аён.

Ойбек

Наздимда, беҳудуд уммонга ўхшар,

О, Ойбек, сиздаги ақл ва идрок.

Умрингиз мунаввар жаҳонга ўхшар,

Сўнмайсиз, заволдан узоқсиз, узоқ.

Куйладингиз кураш романтикасин,

Турфа хил оҳангда шеърятингиз

Жаранги тутди эрк, меҳнат дунёсин,

Умидлар улғайтди маҳоратингиз.

Достонларингизни қордингиз нурга,

Эш қилдингиз улуғ эътиқодни Сиз.

Ватанда яралган шаъну сурурга

Улкан ҳиссангизни қўшаолдингиз.

Устма-уст жавоҳир териб бордингиз,

Олмос истеъдодни айлаб намоён.

Олам юрагига кириб бордингиз,

Умрингиз кенгайди дунёмизсимон.

Ҳақиқат нурини ахтарганларга

Ҳамният, ҳамкураш, ҳамдам бўлдингиз.

Зулматга қарши жанг қизитганларга

Чин ибрат юлдузи бўлиб қолдингиз.

...Ҳамон кўз ўнгимда, ҳамон эсимда,

Ўгиту маслаҳат — сабоқларингиз.

Ғулувлар солганди жону жисмимга

Оташлар сачратган қароғларингиз.

Яловдорлигингиз ўчмас ҳеч қачон,

Улуғвор одамлар сарасидан сиз.

Сиздай зот дунёга кам келар чунон,


Бутун бир китоб-ку хислатларингиз.

Қалбингиз гулидан яралган боғлар

Бирини яратсам, қанийди устод! —

Ўчмасди иждодим ёққан маёқлар,

Кошкийди ўшанга етса истеъдод!



Марва Жалолиддинова

КЎЗА СИНДИ

Ҳикоя

Бугун Асаджоннинг туғилган куни. Ҳанифа ўрнидан вақтли туриб, уйини саранжом-саришта қила бошлади. Кечқурунга ўртоқларини меҳмонга чақиришган. Уйни йиғишти-ра туриб, Ҳанифа ётоқхонага мўралади.

— Комил ака, турунг! Эртага вақтлироқ боришим керак, деган эдингиз, — деди.

— Ҳозир, ҳозир тураман, — деди-ю, Комил чойшабни юзига тортиб, яна уйқуга кетди.

Эрталаб вақт айниқса тез ўтади. Аёл киши ишини нимадан бошлаб, нима билан туга-тишини билолмай қолади. Ҳанифа нонушта тайёрлади. Дастурхон ёзди. Асаджонни уй-ғотиб, ювинтирди, кийинтирди. Комил ҳамон донг қотиб ухларди. Ҳанифа унинг олдига борди.

— Туринг, адаси, нонуштангиз совуб қолди... Сира жонга тегмас экан-да, а? — зор-лаңди сўнг. — Нима зарил-а?

— Шуни айт, — уйқу аралаш унинг фикрига қўшилди Комил, — кони зиёнлигини ўзим ҳам биламан. Хўп, энди сира ичмаганим бўлсин.

— Кошқийди гапингизда турсангиз.

— Мана кўрасан. Шу бугун маош оладиган куним, ичмаслигимни исбот қиламан. Гап битта.

Ҳанифа Комилнинг сўзига астойдил ишонади. Бу сафар ҳам ишонди.

— Бугун ўғлингизнинг туғилган куни-я, адаси, — деди у Асаджонни етаклаётиб.

— Ие, шунақами? — ўрнидан сакраб турди Комил. — Унда бугун вақтида келаман! — Сенга-чи, ўғлим, миннамалар опкеламан, — деди у Асаджонни ачомлаб.

— Мабодо ишингиз чиқиб қолса, телефон қилиб қўйиш эсингиздан чиқмасин-а! — деди Ҳанифа.

— Ҳеч қандай ишим чиқмайди...

Кун ўтди.

Ҳанифа ишидан қайтаётганида боғчадан ўғлини олди. Мазали таомлар пиширди. Ноз-неъматлар билан дастурхонни безади. Асаджоннинг ўртоқларини чақиришди. Бир уй бола хурсанд; қий-чув қилиб яйрашади.

— Адамлар менга миннамалар олиб келиб берадилар, — дер эди Асаджон ўртоқ-ларига бошини сарак-сарак қилиб.

Аммо адасидан ҳадеганда дарак бўлавермади. Ўртоқлари кетгач, Асаджон адасини кута-кута ухлаб қолди. Ҳанифа эса, ҳамон телефон жиринглашига қулоқ тутар, кўзини эшикдан узмас эди. Қўли ишга, оғзи ошга бормайди. Чарчади. Бехосдан чуқур нафас олиб, уф тортди. Ўрнидан туриб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади...

Кунда шу аҳвол. Ярим тундан оққунча эрининг келишини пойлайди. Ҳурматини жойига қўйиб, кутиб олади. Ювинтириб, чой-пой ичириб, папалаб жойига ётқизади. Эрталаб эркалаб уйғотади. Комил эса «ҳозир, ҳозир тураман!» деганича каравотига михлангандай кўзини очолмай ухлаб қолаверади. Ҳанифа не-не орзулар билан бир ёстиққа бош қўйган эди-я. Назарида, энг бахтли оила уларники бўлиши керак эди. Чунки у пазандалиги, озодалиги, эпчиллиги, поклиги, одоблилиги билан оғизга тушганди. Ҳанифани ким олса ҳам бахтли бўлади, дейишарди уни кўрган-билганлар. Уни келин қиламан деганларнинг сон-саногги йўқ эди. Ҳанифа Комилни танлади. Унинг аҳволи эса, мана бу! Ҳанифа ўзидан ўтганини ўзи билади. Ҳол-аҳвол сўраганларнинг бирортасига ҳам ҳаётидан нолиган эмас. Ҳатто ота-онасига ҳам айтмайди аҳволини. Лекин отаси уларни зимдан кузатади. Нотинчлигини билади. Эзилади. «Қизим, арақ кирган уйдан ақл қоцади, эринг ичкиликка мукка тушган кўринади. Ақлинг борида...» деб ҳам кўрган. Лекин Ҳанифа оиласи шаънига гард юқтирган эмас. Ахир у ҳаётининг бугун бўлмаса эртага албатта яхшиланиб кетишига ишонади-да.

Комил ярим кечада келди. Унинг сочлари тўзғиган, боши калавланади, қўл-оёғи ўзи-

га бўйсунмайди. Деворга ишқаланаверганидан кийимлари ола-була бўлиб кетганди. Ҳанифанинг кўзларига ёш қуйилди. Нима қилиши, нима дейишини билолмайди. Бу орада Комил теп-текис ерда қоқилиб, йиқилиб тушди. Кимгадир мушт ўқталмоқчидай силтанди. Анчадан кейин ўзига келиб, ўрнидан турди.

— Кечирр, ойисси, ққиттакк оттишдикк, — дея Ҳанифага яқинлашди.

— Қўланса ҳидингиз ҳам бор бўлсин, — деди Ҳанифа. Сўнгра кўзлари ғилайлашиб, юзи салқиб, лаблари осилиб кетаётган Комилни енгидан ушлаб, ваннага етаклади.

Ювиниб, озода кийиниб, иссиққина чой ичиб ўтирган Комил ҳар битта сўзига урғу бериб гапирга бошлади.

— Ойиси, сен мендан хафа бўлма... Дардим ичимда. Адолатсизликлар қийнайди мени... Кетаман. Ишлолмайман. Бўшайман...

— Театрда ишлашни бир умр орзу қилгансиз-ку, ахир...

— Театрни жон-дилимдан яхши кўраман. Олдинлари ҳар битта артистга сажда қилишга тайёр эдим.

— Энди-чи?

— Ҳамма орзу-умидларим чиппакка чиқяпти.

— Нега?

— Ролни ўзим хоҳлаган, шу образни қойиллатиб яратишига кўзим етган артистга топшира олмасам, мен қандай режиссёрман? Гофурни, Жамилани қайси артистга бериш кераклигини сим қоқиб парторгга буюришибди. Буни зумда ҳамма билибдию мен ғафлатда қолибман. Жамила ролини кўксига қўша-қўша орденлар таққан Машкурахон опамиз ижро этишлари керакмиш!

— Вой, қанаққилиб? Ешлари ўтган-ку у кишининг?

Комил пешонасига бир уриб, ингради. Кўзларини юмганича хаёлга толди. У театрда бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир эслай бошлади. Артистлар сахнадагина эмас, ҳаётда ҳам артстик қилишаётган эди. Коллектив билан асар ўқилгач, бошланғич партия ташкилоти секретари Дилфузахон сўз олди, шошилмай гапирди: «Фикримча, Жамила ролини Машкурахон Ҳасановна ўйнасалар яхши бўларди. Бу анча масъулиятли роль. Шунинг учун уни тажрибали, истеъдодли актриса ижро этиши керак, деб ўйлайман. «Тўйиб сўт эмган мушукнинг боласидай мамнун қиёфадаги Машкурахон бу гапларни эшитиб ийиб кетди. Аста ўрнидан турди. Кулча юзида ясама мулойимлик, атрофга виқор билан боқиб: «Ишончларингизни оқлашга ҳаракат қиламан», деб розилик билдирди...

Комил Ҳанифани алламаҳалгача ёнида олиб ўтирди. Дарди тугайдиган эмасди.

— Куяман, куйиб кетяпман, — дерди Комил икки гапнинг бирида ва хотинининг кўзини шамғалат қилиб, барда турган ичкиликдан дам-бадам қуйиб ичарди.

— Ие, яна маст бўлиб қолдингизми? — ажабланди Ҳанифа унинг бирдан қизариб, бўзариб кетганини кўриб.

— Ким маст? Оғзингга қараб гапир! Ссенн қуйдингми мменгга? — калавланиб, зугум қила бошлади Комил унга.

— Афт-ангорингизни кўринг! Сабрим тугади. Ё ароқни денг, ё бизни! Ишингиз ҳам, улфатларингиз ҳам қирилиб кетса бўлмайдимми?

— Ундай, дема, ойиси! — салмоқ билан гапирди Комил. Бировга ўлим тилагандан кўра, ўзингга умр тила, яхши ният қил! Диққат бўлавериш ёмон нарса. Бундай очилиб, сочилиб юрганингни кўрмайман-а. Ҳамма нарсадан норози бўлаверасан.

— Ичмай келинг, қандайлигини кўрасиз.

— Шу спектаклдан қутулай... Наҳотки кампир хотин ёп-ёш қизни ўйнаса? Ахир бу... Э, барибир йўл қўймайман. Курашаман. Унвондор бўлса ўзига! Майли, тишимни-тишимга қўйиб бўлса ҳам у билан репитиция қиламан. Кимлигим, нималарга қодирлигимни кўрсатиб қўяман ҳали мен уларга!.. Вей, кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олишадия-ўзларини!.. Бу қанақа коллектив? Қорани оппоқ дейишдан ҳам тойишмайди-я! Ундоқ эмас, бундоқ, дейдиган азамат йўқ! Ҳамма ўзидан кўрқади. Йўқ, узидан эмас, Машкурадан кўрқади. Машкура дегани — унвонли аждарҳо! Лом деб оғиз очгани ямламасдан ютади. Ўзи ютади дейсанми? Йўқ. Унинг ноғорасига ўйнайдиган ялмоғизлар бор. Ўшалар ямлайди, ўшалар ютади. Бу кишим мусичага озор бермайдиган ювош, мулойим одам бўлиб кўринишга ҳаракат қиладилар. Юзларида доим ясама табассум — ниқоб. Ана шунақа!..

Ҳанифа гапга нуқта қўйилганидан севиниб ўрнидан турди. Вақт алламаҳал бўлганидан тезроқ ўрнига бориб ётмоқчи эди. Комил уни жойига ўтқазди.

— Кетма, жоним, бирпасгина ўтир, — ёлборди у хотинига. — Тўлиб-тошиб кетяпман ахир. Мен бу гапларни кимгадир айтишим керак-ку!.. Сендан бошқага айтолмайман. Чунки мени ҳеч ким тушунмайди. Ёлғиз сен тушунасан. Эшит... Аждарҳонинг унвонлари истеъдоди эвазига олинган дейсанми-а? Қаёқда. Катта лавозимдаги акахонларини хурсанд қила олгани учун қаторлашган бу унвонлар. Ҳа, нима деб ўтирибсан... У менга инсон сифатидагина эмас, артист сифатида ҳам ёқмайди. Заррача ёқмайди. У ҳақиқий артист эмас.

— Вой, нимага ундай дейсиз? — ажабланди Ҳанифа.

— Ҳозир тушунтираман. Образ яратганида жонини сираям койитмайди. Бу — бир.

Ҳаяжонли дақиқаларда ҳам кўзларининг ёнганини кўрмаганман. Бу — икки. Овози ясама — уч. Ҳаракатлари қалбаки — тўрт... У-чи, образ ҳолатини чиқаришдан ҳам олдин юзига ажин туширмаслик ҳақида кўпроқ ўйлайди... Қаҳрамони йиғлаши керак бўлса, залга орқасини қилиб, елкасини титратади, залга қараб турган бўлса, иягини қалтиратиб, кўзига дастрўмол тутади.

Ҳанифа Комилнинг гапларини эшитиб, анграйиб қолди.

— Наҳотки артистларнинг ҳаммаси шундай бўлса?

— Йўқ, йўқ. Асло. Саҳна фидойилари, ҳақиқий саҳна усталари жуда кўп. Улар ҳар битта образни изтироб билан яратадилар. Остонама-остона юриб, нишон орқасидан қувишга вақтлари ҳам йўқ. Нишон тиланиб юришни ор билишади ўзларига. Мана бундай қалбаки «юлдуз»лар ҳақиқий истеъдодларни юзага чиқармасликка уринишади. Сотқин театршуносларни ёллаб, ўзларини мақтатишади.

Театрдаги муҳитнинг нақадар оғирлигини тасаввур қилиб Ҳанифа ҳам эзилиб кетди. Эрининг ҳолига астойдил ачинди.

— Келинг, кўйинг, Комилжон ака, бошқа жойда ишлай қолинг. Ғалвасиям бошида қолсин!

— Ишдан бўшаш — осон йўли. Мен адолат учун курашаман. Йигирма-йигирма беш йиллаб театрда ҳалол ишлаб, ҳеч қанақа унвон олмаган ажойиб артистлар шаъни учун курашаман. Ҳақиқатни ахир бир кун юзага чиқариш керак-ку! Аждарҳога ўхшаганлар беш бармоғини баравар оғзига солишига йўл қўймаслик керак. Ноинсофда қатор ордену медаллар... Қандай юқори унвон таъсис этилса, дарҳол уники. Яна бир эмас, бир неча мартадан оладилар у киши нишон унвонларни. Тепадагиларга ҳам ҳайронсан. Гўё бошқа ижодкор йўлдек, нукул бир бор тақдирлангани яна тақдирлайверишади. Ундоқ эмас-да, ахир, э!.. Буларни кўриб, ўйлаб-ўйлаб, тағига етолмайман. Бошим қотади. Ҳаммаёқ жумбоқ. Муаммо. Ечимини топиш мушкул. Боши берк кўчага ўхшайди... Улганнинг кунидан ичаман. Шунда ҳамма нарса унут бўлгандай туюлади. Аммо, сен айтмоқчи, ўзимга зиён... Э, хотин, ҳеч нарсани билмайсан, айшини нодон суриб, кулфатни доно тортадир! — деб Комил курсига ўзини ташлади.

Комил адолат учун қаттиқ курашмоқчи эди. Курашиб ҳам кўрди. Бироқ бўлмади. Кучи етмади. Синди. Уни қўллаб-қувватлайдиган топилмади. Дўстлари қўрқоқлик қилишди. Тинчларини бузгилари келмади. У ёлғизланиб қолди. Шу сабабли аввалгидан ҳам кўпроқ ичадиган, аламини арақдан оладиган бўлди. Ҳанифанинг унга раҳми келарди, бироқ ёрдам беришга ожиз.

Бир куни Комил уйга келмади. Ҳанифа «ана келиб қоларлар, мана келиб қоларлар», деган хаёл билан тонг оттирди. Нима қилишни, кимдан суриштиришини билмай турганида телефон жиринглади. «Тинчликмикин?» Ҳанифанинг юраги орқасига тортиб кетди. Ҳушёрхонадан гапиришаётган эди. Комил учиб қолган экан, олиб кетишибди. Ҳанифа зудлик билан етиб борди.

— Эрингизни мажбурий равишда даволанишга юборайликми? — сўради ундан милиция ходими. — Комилбекни бундан олдин ҳам бир неча бор оғоҳлантирганмиз.

Ҳанифанинг кўнглидан талай гаплар ўтди. «Даволансалар-ку, ёмон бўлмас эди-я. Аммо ғанимлар севинсинми? Ишхоналарида шунча муаммо. Уни кўролмайдиганлар «Ажаб бўпти!» деб чапак чалиб юрсинми? Ота-онасининг қулоғига етса-чи бу гап. Унда нима бўлади? «Ана айтмабмидим?...» демайдимиз отаси. Ҳамма унга бармоғини бигиз қилиши турган гап.» Сочи тўзғиб, юзи салқиган Комил шу топда кўзига олабўжидай кўриниб турган бўлса-да, Ҳанифа унинг ёнини олди.

— Эрим ичмайди. Бу ерга адашиб келиб қолган. Энди сира тушмайди бу даргоҳга.

— Нимага ёнини оласиз? Пиянистада субут бўладими?.. Барибир ишончингизни оқлай олмайди. Барибир ўзингизга қийин, сингил, — деди милиция ходими унга ачиниб.

— Ўзига тан, — деди Ҳанифа қатъий, — рухсат беринг, олиб кетаман... Фақат илтимос, ишхонасига бу ҳақда индаманглар...

— Кўнглим беҳузур бўляпти-я, — деди Комил кўчага чиқишгандан кейин, — юрагим ҳам ёмон бўляпти.

— Кўпроқ ичинг, — деди Ҳанифа зарда қилиб.

— Сен менга ёмон гапирма, жон хотин, ростдан ҳам ғалати бўлиб кетяпман.

— Соатингиз қани? — деди Ҳанифа унинг кўлига қараб.

— Ие, ростанам, соат қани? — ҳайрон бўлди Комил ҳам.

— Эгингизни кўринг... юзингизни. Мўматалоқ бўлиб ётибдию ҳаммаёғингиз. Калтаклашдимиз?..

Комил индамади.

Ҳанифа уни таксига ўтқазиб, уйига олиб келди. Комилнинг мазаси қочгандан қочиб борарди. Ҳанифа уни ювинтириб, эгнини алмаштириб, ётқизди. Тегишли дори-дармонлар берган бўлди. Бироқ Комилнинг аҳволи оғирлашиб борарди. Ҳанифа «Тез ёрдам» чақирди.

— Йиқилиб тушганмиди? — деди доктор уни синчиклаб кўриб.

Ҳанифа бош ирғади.

— Мияси чайқалибди. Шифохонага олиб кетамиз.

Комил шифохонада икки ой ётди. Ҳанифа ҳар куни унинг олдига қатнарди: Ниҳоят, Комил тузалиб чиқди. Эр-хотин бир-бирларига меҳрибон бўлиб, иноқ, тотув яшаб бошлашди. Аммо осойишта турмуш узоққа бормади. Комил уйига шиша кўтариб келадиган ва оз-оздан ичадиган бўлди. «Озгина ича, дардни аритади», деб оқланарди у. Бориб-бориб олдинлари қанчадан ичиб юрган бўлса, яна шунча ича бошлади; маст-аласт улфатларини уйга бошлаб келиб, Ҳанифани меҳмон кутишга мажбур қиладиган бўлди. Бир уй одам баланд овозда гапириб, гўё қандайдир муаммоларни ҳал қилишар, баҳслашишар, Ҳанифа туни билан уларга хизмат қилар эди. «Кўчада юрганлари йўқ-ку, уйдлар-ку!» деб, бу қийинчиликка ҳам кўнди. Қараса, улфатлар ҳадларидан ошишяпти. Энди улар Ҳанифанинг олдига даҳанаки жанг қиладиган, қизишиб кетиб идиш-товоқларни синдирадиган, бир-бирлари билан муштлашадиган бўлишди. Дераза синдирилган куни Ҳанифа эрини койиди.

- Улфатларингизни йўқотинг! Қораларини кўрмай!
- Бир оғиз гапинг, — деди Комил, — сен нима десанг шу.
- Юрагингизни ишдан чиқаряпсиз... жигарингиз тоқай чидайди?
- Узим ҳам биламан. Эсим жойида. Сен хит бўлаверма.

Шундан сўнг улфатлар кўринишмади. Лекин орадан бир-икки кун ўтиб, Комил уйига яна кеч кела бошлади. «Фалончини учратдим, писмадончини кўриб қолдим. Пича ўтирдик. Шундай қилмасак бўлмасди. Узинг ҳамма нарсага тушунасан-ку, баъзи нозик масалалар фақат шундай пайтлардагина ечилади. Қовоғингдан қор ёғилмай қўя қолсин», дерди у. Ҳар сафар ишхонасидаги можароларни эслаганида:

— Аждарҳо ёшларни репитицияга яқин йўлатмаяпти! Портлатиб юбориш керак-эй, бунақа театрда аждарҳо-паждаҳолари билан бирга! — дер эди у аччиқ устида столни муштлаб.

Аммо бу билан ҳеч нарса ўзгармади, ҳаёт ҳамон ўша-ўша эди.

Ҳанифага оғир эди. Комилнинг бундай юришлари жон-жонидан ўтиб кетди. Бир кўнгли отасининг гапига кириб, ундан ажралмоқчи бўлди. Кейин ўйланиб қолди. «Мен кетсам, унинг ҳоли нима кечади?» У Комилни даволашга аҳд қилди. Бундай олганда Комил ёмон одам эмас. Ажойиб мутахассис. Иш кўзини билади. Кундуз кунлари нафсини тия олади. Фақат кеқкурунлари ўзига пича эрк беради-да. Қандай қилиб бўлмасин уни шу ёмон одатидан қайтариш керак. Комилни «Рухий касалликлар шифохонаси»га ётқизишди. Ҳанифа уни кўргани келганида панжара билан тўсилган онага кўзи тушди. Беморларнинг бири қаровотга чирмаб ташланган. Кўзларида ғазаб, овозининг борича сўкинар, бўкирар эди. Яна бири деворга бошини уриб ўзини-ўзи муштлайди... Комил кўришувга чиққанида хотини билан гаплашгиси ҳам келмади. Қаттиқ хафа эди.

— Бекордан-бекорга ҳам ётқизаверар экан-да... ахир бу жиннихона-ку! — деди ниҳоят изтироб билан. — Менда нима қасдинг бор? — Зум ўтганидан кейин у Ҳанифага ёлбора бошлади: — Бундан буён ичмайман, жон хотин! Ичкиликни ўйлаб чиқарганнинг падарига лаънат! Мени шарманда қилма! Кафилнингга олиб, чиқар. Сендан бир умрга миннатдор бўлардим. Йўқса... бу жиннилар орасида жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Агар соғлигим керак бўлса, айтганимни қил. Утинаман.

Ҳанифа ўзини унинг ўрнига қўйиб кўрди... Очигини айтганда, Ҳанифанинг ўзи ҳам истамасди Комилнинг шундай жойда ётишини. Эшитар қулоққа ҳам ёқимсиз-да ахир. «Эринг жиннихонада даволаняптими?» дейилиши одамга қанчалик оғир ботади. Ҳанифа бош врачнинг олдига кириб «Эримнинг бундан буён ичмаслигига ишонаман, кафолат берман» деб тилхат ёзди.

— Яна қайтиб келгундай бўлса, қабул қилмаймиз-а, — деди бош врач, — яхшилаб ўйлаб кўринг.

— Уйладим. Уйлаб қиялпман бу ишни, — деди қатъий Ҳанифа.

Шундай қилиб Ҳанифа ҳаётининг беғубор, тотли бўлишига ишониб, Комил акасини бошлаб уйига олиб келди. Комил аввалига сўзида турди. Ичмади. Ишидан келиб, уй юмушларига қарашди. Боласи билан банд бўлди.

— Гапнинг гапга қовушиши учун албатта ичкилик бўлиши шарт эмас экан-ку, — дея эди у ичкиси келмаётганига тан бериб.

Энди улар хонадонига қут, барака кирди; кунига ҳазил-мутойиба, қувноқ ханда эшитилади. Уйим, жойим, болам, эрим, деб ҳаёт нашъасини унутаётган Ҳанифанинг бағрига шабада теккандай бўлди. Катта, қора кўзларида севинч учкунлари чақнади. Қаддини ростлаб ўзига ярашиғлик кийимларни киядиган бўлди. Тилидан бол томар, Комил акасини ўтқазгани жой топилмасди; унга ёқадиган пишириқларни уйиб ташларди... Комил ортиқча ичгани учун шу пайтгача Ҳанифа у билан бирорта жойга меҳмонга боролмаган. Худди шу сабаб билан уйига ҳам ҳеч кимни таклиф этолмаганди. Ана энди эр-хотин башанг кийиниб, меҳмонга ҳам борадиган бўлишди. Комилнинг ичмаётганига ҳамма ҳайрон эди. Ҳанифа Комил ичмаган кунларни эринмасдан санади: роппа-роса етмиш тўрт кун ичмади. Маошини тўлалигича олиб келиб, Ҳанифага тутқизди. Аммо етмиш бешинчи кун...

Бу кун янги йил байрами эди. Театрда байрам шарафига катта йиғилиш бўлди.

Артистлар тақдирлана бошланди. Аммо улар орасида томошабин меҳрини қозонган ноёб артист — Зафаржоннинг исми ҳамон тилга олинмасди. «Неча галдан буён номзоди қўйилади-я, номардлар, нахотки бу сафар ҳам уни четлаб ўтишган бўлса» дея ижирғанарди Комил. Машкурахонга эса бу сафар ҳам унвон берилди. Комил бехосдан сўкиниб юборганини ўзи ҳам билолмай қолди. «Дод» дегиси келди. Алам ўтиб кетганидан ўтириб олиб ичди. Шу-шу бўлдию, тийила олмади. Яна аввалгидек кунига ича бошлади.

Бир куни Комил уйига қийшайиб кириб келди. У оёғида зўрға турарди. Ҳанифа унга бегона бир одамга қарагандай қараб қўйди. Энди унинг кўнгли Комилдан батамом совуганди, бир нарса дейишга мадори қолмаганди. Уйи ҳам, қалби ҳам ҳувиллаб бораётгандай эди.

— Ана, чойингиз. Ичаверинг. Мен ётаман. Безовта қилманг бизларни, — деди Ҳанифа совуққина.

Бу унинг исёни эди. Ҳанифа ўша заҳоти ётоқхонага кириб, астагина эшикни қулфлаб олди. Ширин уйқудаги нимжонгина Асаджоннинг ҳаловатини бузмаслик учун оёқ учида юриб, ўрнига чўзилди.

Комил ошхонада туртиниб-суртиниб, идиш-товоқларни тарақлатиб юрди. Хотини ёнидан кетиб қолгани алам қилиб, яна ва яна ичди арақни. Ҳанифанинг кўзи уйқуга илинганида Комил овози борича уни чақира бошлади:

— Ҳанифа, ҳой Ҳанифа! Ҳой, хотин! Ҳиқ!.. Ҳиқичоқ даис гапиртирмаяпти одамни. Кечирр... Сенга айтяпман, ҳей! Чой дамладим. Янгитдан дамладим. Келинглар, чой ичамиз. Мен битта ўзим овқатланиб ўрганмаганман. Бу ёққа кел. Гап бор...

Комил бу гапларни неча марталаб такрорлади. Тун қаърини ёриб ўтаётган бу овоз Ҳанифанинггина эмас, ҳатто қўни-қўшниларнинг ҳам ҳаловатини бузди. Маст эрининг хириллаган овозидан ваҳимага тушган Ҳанифанинг асаби қақшаб, аъзойи бадани титрарди. «Йўқ, энди бардошим тугади. Энди чидолмайман. Ажралганим бўлсин!» деб аҳд қилди ўзича. Бир маҳал Комил шиппагини судраб келиб, ётоқхона эшигини тортқилай бошлади.

— Оч эшикни!.. Нимага очмайсан? — дўқ қилди у.

Ҳанифа индайвермагач, Комилнинг жаҳли чиқди.

— Оч деяпман эшикни.... Қулоқ борми?.. Ҳой, мен кимман ахир?.. Ялпайиби ётаверасанми?.. Кутиб олмайсанми эрни?

Бу сафар ҳам ичкаридан садо чиқмагач, Комилнинг сабр косаси тўлди.

— Очасанми-йўқми? — деб бақирди.

Зум ўтиб, эшикни муштлай кетди. Оғзига келганини қайтармай бўралаб сўкинди.

— Сен ҳали мени билмас экансан! Шошмай тур-чи... Эшикни очмасмишлар... Кунингни кўрсатиб қўярман!

Комил эшикни зарб билан тепди. Нималар биландир қайирди. У қилиб-бу қилиб, ахири синдирди... Эшик гурс этиб полга тушди. Ҳанифа билан Асаджон ўринларидан сакраб туришди. Қилган ишининг қанчалик ноҳўялигини кўриб, Комилнинг кайфи учиб кетди.

— Бекинмаганларингда, шу эшик синмасди, — гуноҳни хотинига тўнкади у.

Хонага қалбни ғулғулага соладиган ёқимсиз сукунат чўқди.

— Неда тўполон тилияпчиз? — Асаджоннинг ингичка, баланд овози жимликни бузди.

У тунги узун қўйлагига оёқларини кериб, остонадаги отаси эмас, қандайдир шарпаннинг рўпарасида турарди гўё.

— Нималар деяпсан, тирмизак? — Комил улар томон яқинлаша бошлаганда Асаджон ниҳолгина гавдаси билан онасини пана қилди; унинг юзи ҳаяжондан ловуллар, йирик қора кўзларида болаларга хос бўлмаган жиддийлик акс этарди. Асаджон жон-жаҳди билан исён кўтарган, ўзини дунёдаги энг яқин киши — онажонисининг ҳимоясига отланганди. Адасининг йўғон билаклари, бесўнақай гавдасига разм солиб қўрқув ва нафрат тўла кўзларига тирқираб ёш келди; ожизлиги, алаmidан титраб, чирқираб дод солди:

— Онамга тегманг! Тетинг! Удманг!

Ҳозиргина важоҳати оламни бузаётган Комил ўғлининг бирдан ўзини ташлаб юборгани, оғзидан кўпик келгани, Ҳанифанинг ранги бўздай оқариб, унинг атрофида югургилаб қолганини кўриб сесканиб кетди... Индамай-нетмай эшикни тузатишга киришди. Бирпасдан сўнг тарақ-туруқ тугади. Ҳаммаёқ жимиб қолди. Эшик ҳеч нима бўлмагандай аввалги жойида тик турар, аммо Ҳанифанинг юраги соб бўлган, у тошдек қотиб қолган эди.

Шовқиндан қўрқиб, уйғониб кетган қўшнилари милиция чақириб, унинг келишини кутиб, Ҳанифаларникига бошлашиб киришганда, Комил уй юмушига уннаб, ўз кўнгида хотинининг оғирини енгил қилаётганди.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ. Ҳеч ким шовқин солгани йўқ... Ҳеч нарса гурсиллагани йўқ, — деди Комил киприк қоқмасдан.

— Кунига ичиб келиб, шовқин солади, — деди қўшнилardan бири, — эшитил-масаям гўрга эди.

— Тўғри айтяптилар қўшнимиз. Узи одамнинг оддийгина аксиргани ҳам эшити-ладию... Комилвой, қачон қарасанг, кўчадан йўлни илон изи қилиб келади... «Комил ака яна ичибдилар. Мана бундай қилиб келяптилар», деб масхара қилишади болалар.

Милиция ходими одамларнинг фикрини эшитиб бўлиб, Комилга юзланди:

— Мана бу қоғозни ушланг. Қаламни олинг. Ёзинг.

— Нимани ёзаман?

— Ҳозир айтаман. Район милиция бўлими бошлиғининг номига, денг тепасига. Ундан кейин, мен бундан буён сира ҳам ичмайман, оиламни, қўшниларимни безовта қилмайман, денг. Яна бирор марта ичадиган бўлсам, мажбурий равишда даволанишга розиман, деб қўшиб ҳам қўйинг.

Комил тилхат бермасликка шунча ҳаракат қилса ҳам бўлмади. Уни ўз ҳолига қўйишмади. Ахири у ичмаслик ва тўполон қилмаслик ҳақида тилхат ёзиб берди.

Жамоатчилик ўртага олгани учун Комил хотини билан шаҳар наркология диспан-серига боришга кўнди.

— Ахир бу ғирт шармандалик-ку, — хуноб бўлди Комил йўлда кетаётиб.

— Даволаниш шармандалик эмас, ичиб юриб, оиланинг, қўшниларнинг ҳаловатини бузиш, дилини оғритиш шармандалик, — деди Ҳанифа.



— Даволанишни истамайман мен. Ўзим ҳам ташлай оламан, кучим етади. Бор, ўзинг боравер! — деди Комил бирдан қўлини силтаб ва ўша куни кечаси ғирт масли-гидан уни икки одам қўлтиғидан ушлаб уйга олиб келди?

Ҳанифа шу кунгачаям ҳаёти яхши бўлиб кетишига ишонгани учун ўзини койиди. Ўтган умрига қаттиқ ачинди. Афсус, Комил ҳам, Комилнинг ҳаёти ҳам ўзгармади. Аҳвол ҳамон ўша... Туни билан мижжа қоқмади. Хайрият, бу сафар Комилнинг хар-хашаси оламни бузмади.

Тонг отди. Ҳанифа ўрнидан туриб, одатдагидай Комилни уйғотишга шайланди, аммо фикридан қайтди. Шунча йилдан буён уйғотгани етар. Энди бўлди. Ушалмаган орзусини лаънатлаб, кўзда ёши билан ишига отланди. Боласини кийинтирди. Нонушта қилишди. Комил ҳамон ётар, ишга борадиган одамга ўхшамас эди.

Ҳанифа кетаётиб бир нималарни ёзди-да, столга қўйди. Унда: «Комил ака! Оила-мизни тиклашга кўп уриндим. Бўлмади. Чарчадим. Энди ўзингиздан кўринг. Кўза синди. Сиз бизни демаркетингиз. Кетдик. Энди қайтиб келмаймиз... Асаджон, Ҳанифа», деб ёзилган эди.

Аммо Комил бу ёзувни ўқий олмади. У абадий уйқуга кетган эди.



Чори Аваз

СУҚМОҚДА

Баллада

Болаликнинг дунёси рангин,
Болаликнинг дунёси катта.
Болалар ҳар қандай ғаму кулфатни
Итқитиб, жилмайиб кета олади.

* * *

Мақтаб — ўн йил.
Ярмидан кўпи
Пахтазорда кечган —
Ягана, ўтоқ, терим.
Нимжон ғўзаларни юлиб бир пайтлар,
Пахтакорга шараф келтирган бўлсам,
Бугун мақтабдаги нимжон йилларим
Ягана қилмоққа турибман маҳкум.

Қайси бир йилимдан кечайин, айтинг?

Пахта — бу мен учун виждондек азиз,
Унга харж этилган умр мўътабар.
Илмсиз қайга ҳам бормоқлик мумкин,
Илмсиз Ватаннинг ҳоли не кечар?
Қўлларим қалтирар, чайқалади жон,
О, балки уларни юлмоқлик бекор!
Қайдаки бор экан ортиқча шафқат,
Унда ҳақ, адолат топади озор.
Юракда бошланар бир қатъий амал,
Шўрлик тўхтаб-тўхтаб ура бошлайди.
Ва у пахтазорда кечган йилларим
Ўн йиллик умримдан юлиб ташлайди.
Э воҳ, нима қилиб қўйдинг, юрагим,
Наҳотки бу амал шунча осондир?!

Биласан, ноўрин шафқатсизлик ҳам
Ортиқча шафқатдек кони зиендир.
Марҳум йилларимга бу фожи сири
Қандай англатаман, энди йўқ улар!
Қандай айтай,
Қалби кўрлар боис пахтазор
Ёш, илмга чанқоқ йилларга
Нарвон эмас, қабр бўлаётганин!
Мен бу йилларни ифтихоримиз
Юзига доғ тушираётган
Маънавий қашшоқлар салтанатини
Бузмоққа сафарбар этмоқчи эдим.
Сен шошдинг, юрагим! Не бўлди сенга?
Наҳотки сенга ҳам даркордир таълим?

* * *

Ўлтирибман марҳум йиллар қабрида,
Менга ҳамроҳ бўлган дамларин эслаб.
Мен учун:
Ўза — ботаника,
Ўғит — кимё,
Трактор — физика,
Ҳисобчи — алжабр эди у пайтлар.
Адабиёт, қайда эдинг сен?
О, шеърият — қўшиқ отаси,
Нечун сенга дучор келмадим экан?
Агар мен сезсайдим, сега олсайдим,
Япроқларнинг шивирлашини,
Бўлиқ кўсақларнинг шеър ёзишини,
Мактабдаги ўн йил ярмидан
Кечмоқликка маҳкум бўлмасдим.
Асло оралагим келмас бу боғда,
Аммо хотиралар қистовга олар.

Мен ўқидим... лекин бир куни,
Мактаб фаслин хаёлда кезиб,
Бир нарсани англадим —
Бўлар экан ўн йил ўқимасам ҳам.
Нимадир узилиб кетди кўксимдан
(О, марҳум йилларим, балки у сизсиз?!)
Ва ўзимни муаллақ сездим.
Гўёки умримнинг қирғоқларини
Туташтириб тургувчи кўприк
Қулаб тушди...
Баъзан ўтгим келар ўнг қирғоққа,
Зангор туйғуларим кўмсаб, соғиниб.
Аммо узоқ-узоқ тикиламану
Сокин, ғамгин ортга қайтаман.

* * *

Хайр, мактаб! Алвидо, мактаб!
Мени ўз бағрига ютмоқда ҳаёт.
Совуқдан чўчиган қушлар мисоли
Мен ҳам жанубимга қоқяпман қанот!..
Келдим. Ётоқхона. Формула. Қонун.
Ётоқдан китоблар ичига кўчдим.
Яшаш оғир эди китоб ичида,

Аммо топар эдим яшашга кучни.
Китобнинг ичидан етаклаб чиқса
Ҳар замонда табиий истак,
Кексайиб қолгандек сезардим ўзни.
Нимадир безовта этаверарди,
Менга меҳр қўйган кўринмас кучнинг
Нелигини билолмай қайта
Китобнинг ичига кириб кетардим.

Учтасидан ўтдим. Қисқарди манзил.
Тўртинчи довондан ланж, маъюс қайтдим.
Кейин китобларим қаршимга қўйиб:
Сўкиндим, йиғладим, лаънатлар айтдим.
Нимадир ўзини танитди шу кун,
Саводсизлик экан кўзлари чағир.
Йиғламади менга кўшилиб, лекин
Суратин кўзимга михлади тақдир.
Бу суратнинг «Сағри тери»дек
Тилсимини англадим минбаъд.
Тафовут шу икки орада —
Бу сурат терининг аксидир фақат.
Ўша куни сурат кафтдек тор эди.
Тун. Қишлоқ.
Одамларнинг гап қилишидан
Қўрқиб уйга йўл олган бола —
Уят чангалида қолган ор, номус.

* * *


Дўстим, йиллар бу — мен, йиллар бу — сенсан,
Кулфат келтирмасин биз бошган қадам.
Ўтмиш эшигини тақиллатсам мен
Зирқираб оғрийди ҳар гал хотирам...

Қишлоқ. Тун ярмидан оққан.
Сигара тутуни, ароқ ҳидидан
димикқан ва бўғриққан хона —
замоннинг йўқлиққа бадарға
этилган бир машъум парчаси.
Қартага бор қуввати билан
очкўзларча қадалган кўзлар —
кўршапалак мисол
зулматдан тириклик ахтарган зотлар.
Ўртада пул, кулдон, совиб қолган чой,
Ўттиз олти қарта айланар бетин.
Қалтироқ кўлларда ҳовучлайди жон,
Пул — тақдир бундаги эркаклар учун.
Пул каби ўртада айланар виждон.
Ўттиз олти қарта...
Ўттиз олти қарта...
Мен ҳам айланганман бир неча йиллар,
Бу тунги кемада бошларим гангиб.

Бир тун
(бу тун менга ҳаёт дарғаси),
кемамиз саҳнидан
манзилга кўз тикдим ўртаниб, қўмсаб.
Англадим, кемамиз тақдири аён.
Манзилгоҳ — йўқлик
ва ўзимни отдим денгизга.

Яна ҳамдард йўлчи илкимдан тутди,
Ул сирли суратга боқдим, кенгайган.
Суратнинг бошида бир тўда бола
пахтазорга сингиб кетмоқда.
Четида кўршапалак мисол
зулматдан тириклик ахтарган зотлар,
Ўртада пул, кулдон, совиб қолган чойдек
туман қўйнидаги қишлоқ тасвири.

¹ Бальзакнинг «Сағри тери тилсими» асаридagi сағри тери назарда тутилган.



«Йўл», «Борса келмас», «Хонадон» каби романлар, кўпгина ҳикоялар муаллифи, ёзувчи Жонрид Абдуллахонов олтинчи ёшга тўлди.

Кўп сонли журналхонлар номидан адабни қутлуғ ёши билан табриклар, унинг янги ҳикояларини диққатингизга ҳавола қиляпмиз.

Жонрид Абдуллахонов

ИККИ ҲИКОЯ

Ҳамқишлоқлар

Одамлар кетиб, бўшаб қолган хонада тик этган шарпа эшитилмас, телефонлар жирингламас, аммо уларнинг суҳбатлари тугай демасди.

— Об-бо, Расулжон-эй, — деди Комилжон, бир нафаслик орага тушган сукуватни бузиб. У дўстидан нигоҳини узолмасди, — унутмабсан-а, оғайни. Сени кўриб турганимга ишонгим келмаяпти.

— Қанақасига унутаё? Ҳаётингда содир бўлган кўп воқеаларни унутишинг мумкин-дир, аммо ёшлиқнинг энг ширин дамларини биргаликда ўтказган, қалбинг тагига яширинган эзгу тилакларинггача бир-бирингга айтиб, сўнги тийининггача ўртада баҳам кўрган қадрдонингни унутиб бўларканми?

— Қойил, ҳеч ўзгармабсан. Уша-ўшасан... Йўқ, хиёл тўлишибсан. Аммо қаримабсан ҳали.

— Қўйсанг-чи, дўстим, юзимдаги ажинларни кўрмайсанми? Баробар қарияпмиз, шунинг учун сезилмаётгандир.

Енгил кулишди.

— Ким билади... — деди Комилжон, ҳамон кўзлари яшнаб, — айтмоқчи, уйландингми ё ҳалигача сўққабошмисан?

— Бир қиз, икки ўғилчам бор. Каттаси тўққизга тўлди, иккинчи синфда. Ўзинг-чи? Комилжон шошиб соатига қаради.

— Ўҳ-ҳў, алламаҳал бўлиб қопти-ку... Юр! — Ўрндан кўзғалди у, — уйга борсанг, ҳаммасини ўз кўзинг билан кўрасан.

Улар Комилжон хизмат қилаётган райижроком биносидан чиқиб, серқатнов катта йўл ёқалаб кетишди. Расулжон дўсти яшаб турган ҳовлини тасаввур қилар экан, димоғига райҳон ҳиди уфургандай бўлди. Бир вақтлар бирга дарс тайёрлаш баҳонасида бот-бот уларникида қолиб кетар, атрофи паҳса девор билан қўршалган ҳовли ўртасидаги супада кечалари булутсиз осмонга тикилиб, чигирткаларнинг чириллаши, яқингинада тўлиб-тошиб сайраётган булбул навосига қулоқ солиб ётиш, боғма-боғ кезган шабада қанотига илашиб эсанг кимнингдир соф севги ҳақидаги қўшиғини тинглаш қанчалик гаштли туйиларди.

У пайтлар ниҳоятда шўх, ўйинқароқ эдилар. Аммо дарсларни ўзлаштиришда уларнинг олдига тушадигани бўлмасди. Айниқса, физика фанига бошқача меҳр қўйишганди. Дарсда олган билимлари етмаётгандай, бошларини қотирган қандайдир саволларга жавоб олиш ниятида ўқитувчиларини уйда ҳам холи қўйишмасди. Кейин ним қоронғи қазноққа кириб олиб, тажриба ўтказиш билан тунни ярим қилишарди. Қўшни Ҳожар холанинг мушугининг думига радио тўлқин ўтказгич боғлаб қўйиб, ҳамма ёқнинг тўс тўполонини чиқарганлари ҳам эсларида. Мушук қутириб кетиб, девордан-деворга сакраб овозининг борича миёвлаган, учраганга ташланган, ҳатто сигир-бузоқларнинг арқонларини узиб қочишгача сабабчи бўлганди. Ушанда болалар қий-чув кўтариб, ҳар ёққа югуришган, хотин-халажлар ваҳима кўтаришиб, айюҳаннос солишганди.

— Буни ким қилганини биламиз, — дея шанғиллаганди улардан бири, — анави иккита отабезоридан чиққан иш.

— Ҳа-да, ўша зумрашалардан бошқа ким қиларди. Уларнинг дастидан на парранда-даррандага кун бор, на маҳаллага! Тоза жонга тегишди-ку! Қачонгача чидаймиз? — дея бақиршиганди бошқалари.

Ҳақиқатан ҳам анча-мунча «хунар» кўрсатишиб, ҳаммага отнинг қашқасидай танилиб қолишган эди. Бир гал қуёш нури таъсирида сув қайнатмоқчи бўлишиб, колхоз молхонасини ёндириб юборишларига оз қолди. Яна бир кун кишлоқ клуби эшигини фотоэлемент ёрдамида ўзидан ўзи очилиб-ёпиладиган қилмоқчи бўлишди. Натижада эшик бутунлай ишдан чиқиб, кино кўргани келганлар икки соатча кўчада қолиб кетишди. Охири деразани бузиб киришга мажбур бўлдилар. Ўзиқайнар қозон туфайли ҳам камгина таъзирларини ейишмаган. Комилжон онасига темир ўчоқ ясаб беради. Ўчоққа қозон осиб, ошнинг зирваги маромига етиб қайнагунча ичкарига кириб кетган онаси қайтиб чиқса, қозон тагида бир дона ҳам чўғи қолмабди. Қозон вақирлаб қайнаётган эмиш. Ҳайрон бўлган она қозонга яқинлашар-яқинлашмас қичқириб юборади: капгири қўлидан чиқиб, анча нарига учиб тушади. Онанинг овозига қизлари, келинлари югуришиб келишади-да, воқеани кўриб қангу манг бўладилар. Утсиз-оловсиз қозон қайнаши улар учун ҳақиқий мўъжиза эди-да! Қозонга яқинлашишнинг иложи йўқ. Чунки, унда ток бор эди. Бу орада зирвакнинг суви тортилиб, қирмочга айлана бошлайди. Кўп ўтмай тутун буруқсайди, ўчоқ устига эгилган ўрик шохларнинг барглари-гача ипир-ипир қора қурумга беланади.

Аёлларнинг чувур-чувурини кузатиб кулишаётган Расулжон билан Комилжон яширинган ерларидан чиқишга мажбур бўладилар. Расулжон чаққон бориб, ўзлари ясаган қўлбола трансформаторни ўчоқдан олиб ташлайди. Аёллар баттар тутақишади. Бу бебош болаларнинг ҳамма қилмишларини бирма-бир санаб, жағлари тинмай, дакидашом беришда давом этадилар. Комилжон билан Расулжон ўзларини ҳимоя қилишни ўйлашмас, фақат бир нарсага, яъни бу ишни онанинг юрагини ёриш учун атайи қилишган, деган гапларга қўшилгилари келмайди. Хулласи калом, ўша оқшом бутун оила кечки овқатсиз қолишди. Комилжон онасидан қаттиқ таъзирини еди. Расулжон эса, сержаҳл отасининг калтаги остидан аранг қочиб қутилди.

Кейин икки «кашфиётчи» кишлоқнинг бир бурчагига бориб, эски оғилхона чалдиворида тун ярмидан оққанга қадар аламдийдалик билан бир-бирларига ҳасрат қилиб ўтиришди:

— Баттар бўлинглар, бизга нима, ҳўл ўтин, тезак тутатиб, умр ўтказавермайсизларми? — жиғибийрони чиқиб вайсайди Расулжон.

— Физикадан хабари йўқ бу оми кишлоқлар қизитиш аппарати нималигини қаёқдан билсин, — нолиди Комилжон. — Вақти келиб шундай пушаймон бўлишадими...

— Лекин унда фурсат ўтган бўлади.

— Тўғри айтасан, кейинги пушаймон ўзинга душман...

— Тарихдан маълум, — дўстини юпатган бўлди Расулжон, — янгилик яратган буюк кашфиётчиларни ҳеч қачон тан олишмаган. Галилей тақдири эсингдами?

— Ҳақ гапни айтгани учун Жордона Брунони ҳам ўтда ёқишган.

— Ҳа, қисматимиз бир-биримизникига жуда ўхшаб кетар экан, — хулоса чиқарди Расулжон.

Шундан кейин икковлари анчагина овуниб енгил тортишди.

Гап бора-бора эртанги кунги эзгу ниятларга тақалди. Комилжон олий ўқув юртини битиргач албатта кишлоққа қайтиб келишни, уни ҳар жиҳатдан юксак тараққий топган кишлоққа айлантиришни таклиф қилди. Бироқ Расулжоннинг нияти бошқача эди: ҳақиқий олим бўлиб етишиш учун чинакам фан ва техника ривож топган марказда яшаш керак. Узоқ тортишдилар. Ҳатто аразлашиб қолиш даражасигача боришди.

Институтни тамомлаганларидан кейин Расулжоннинг омади юришди-ю, ўз нияти бўйича аспирантурага қабул қилинди. Шу баҳона марказда қолиб кетди. Ҳозир кимсан — фан кандидати. Китоблар чоп этдирган. Номи газеталарда чиқиб туради. Ба-рибир туғилиб-ўсган кишлоғини соғиниб туради. Мана, ниҳоят келди.

Комилжон ҳам ўзгарган: жиддий тортиб, бир мунча салобатли бўлиб қолган. Районда кимсан — ижроком раиси. Уддабурон, серғайрат, одамшавандалиги билан катта-кичикнинг ҳурматига сазовор.

Расулжон ёнма-ён борар экан, атроф-теваракка суқланиб тикилар, ёшлик чоғлари ўтган кадрдон жойларни, майсазор ариқ бўйлари, боғ кўчаларни кўришга ошиқар, қидирар, юраги орзиқиб, ҳаяжони муддат сайин ортиб борарди. Бироқ у қидирганини тополмасди. Қаёққа қараманг, тўрт-беш қаватли бинолар, бир қолипда тушган раста-раста уйлар, кенг адил йўллар... Шаҳардан келиб, яна шаҳарга тушиб қолгандай ҳис қиласан ўзингни. Бу ўзгаришлар бир жиҳатдан ҳайратга солса, иккинчи жиҳатдан... Тўғриси, кишлоғининг бошқача қиёфаси кўнглига ўтиришмайди. Ахир артилган шишайдай беғубор осмон сари бўйи чўзган азамат теракларни, ўрикзорларни, ариқ бўйла-ридаги ялпизларни, сўлим боғлару илон изи дала йўлларини кўришга орзиқиб келган эди-ку! «Кишлоқдан тупроқ ҳиди анқиб турмаса, шаҳардан нима фарқи бор? Наҳотки,

шуни унутган бўлишса?.. Майли, бугунча меҳмонлик иззатимни сақлай, эртага бу ишларинг учун сен исполкомни бир доғламасам юрган эканман», — иягини сийпаб ҳам қўйди у.

Эшикни енглари калта, шушбичим тикилган атлас кўйлақдаги жувон очди. Расулжон уни кўрган заҳотиёқ ҳайратда қотди. Кейин кўзларини пирпиратиб:

— Нозимамисан? — дея сўради, — кўзларимга ишонмаяпман... Об-бо, сен-эй, сочларингга тол баргак тақиб мағрур юришларинг, мактабда қоши-кўзинг билан кимларнинг юрагига ўтлар қалаганларинг эсингдами? Қўнғироқдай овозинг бор эди, чиройли қўшиқ айтардинг... — Шундан кейин нимадир эсига тушгандай дам жувонга, дам муғамбирона кулиб турган дўстига савол назари билан қаради, — тўхта-тўхта, — деди яна жувонга, — тушунмаяпман, сен бу уйга қаёқдан келиб қолдинг?

— Ҳайронман, — кулиб туриб Расулжоннинг ҳазилини давом эттирди Комилжон ҳам, — ростдан ҳам қаёқдан келиб қолдйкин? Адашиб қолганга ўхшайди. Бу аёлни илгари танирмидинг? Мен ҳеч таниёлмаяпман.

Нозима хумор кўзларини сузиб Расулжонга қаради-да, нозик кесатиғ ила жавоб берди:

— Ҳамма сизга ўхшаган қатъиятсизмиди? Ҳар ишда дангаллик керак!

Бу луқмаси билан фақат икковларигагина маълум бўлган нималаргадир шаъма қилаётганини Расулжон дарров фаҳмлади. Фаҳмлади-ю, ногоҳ қизарди.

— Қара-я, қадди-бастинг ҳам ўша-ўша, — деди сўнг жувонни бошдан-оёқ кузатаркан. — Чиройинг ҳам бинойидай...

— Сизга шунақа кўринаётгандирман. Иккита болалик бўлган аёлнинг чиройи қолармиди?..

Жувон дастурхон ёзиб, уни ноз-неъматга тўлдира бошлади. Бу орада Расулжон равонга чиқди, пастак хонтахта атрофида чўнқайиб дарс тайёрлаётган бири етти, бири тўққиз ёшлардаги болалар билан тил топишиб чуғирлашиб олди. Комилжон эса, унинг қўлидан тортиб, уйини кўрсатишга тушди. Расулжон билган илгариги чор хари айвонли, даҳлиздан доим зах ҳиди анқиб турадиган, томи пастак, шифти вассажуфт, нимқоронғи кулбага асло ўхшамайди. Ойнаванд, равонли бино. Бирдан бирига ўтиладиган хоналар янгигина ремонтдан чиққан бўлса керак, деворларидан бўёқ ҳиди анқиб туради, ҳали анжомлар ҳам ўз ўрнини топмагандай. Шиша янглиғ ялтираган жавон тўла идиш-товоқлар, телевизорнинг сўнгги маркаси, шаффофдай тиниқ порлаган люстралар, ваннахона, ётоқхона... фақат ҳовли андак торайиб қолгандай: оғилхона ўрнида гараж, ойналаридо ой шуъласи акс этган шинам ошхона, ҳаммом. Бир вақтлар қўлбола трансформаторлари синовдан ўтказилган ўша темирўчоқ ўрнида газ печка. Атрофида гулу райхонлар силкиниб турадиган супа текисланиб, бетон ҳовуз қурилибди. Шинам шийпон шаклида кўтарилган темир сўриток остига кундузлари тангадай офтоб ҳам тушмаса керак. Лекин бу саришта кўриношлар Расулжон учун янгилик эмас, шунга ўхшашларни шаҳарда кўравериб кўзи тўйган. Шунинг учун Комилжон ортиқча мақтанчоқлиги билан дўстининг меъдасига тега бошлаганини сезди-да, ичида мулзам тортди.

— Кечирасан, буларнинг сенга қизиғи йўқлигини билмабман, — деди у, — сабр қил, эртага қишлоғимиздаги янги жойларни кўрсатаман. Ҳавас қилсанг арзийди...

Расулжоннинг шартаклиги тугиб, бир чақиб, аламимни олайми, деб ўйлади-ю, бироқ қандайдир огоҳлантирувчи ички куч шаштидан қайтарди. Сўзи бошқача чиқди:

— Кўрдим янгиликларингни!

— Қалай?

— Ҳаммаси яхши... Фақат... ўзим туғилиб ўсган қишлоғимни танимаяпман. Адашиб, бошқа ёққа келиб қолгандайман.

Комилжон унинг киноясини тушунмаганга олди.

— Адашганинг йўқ, дўстим, ўша қишлоқдасан. Аммо шунчалик ўзгариб кетдики, илгари бир келган одам, иккинчи бор келса, ҳақиқатан ҳам таниёлмай, ёқа ушлайди.

Шундан кейин Расулжон ўзини тутиб туролмай, ҳалигина нимани ўйлаган бўлса, ҳаммасини тўкиб солишга ўтди. У шунчалик ранжиб гапирардики, меҳмондалигини ҳам унутиб қўйди. Кўпдан бери аламини оладиган одамни тополмай юриб, ниҳоят уни учратди-ю, энди таъна тошларини ёғдириш билан ҳаловат топарди гўё.

Комилжон эса, унинг қизишаётганлиги боисини тушунмай ҳайрон бўлар, «менинг қишлоғимни топиб бер», дегандай хархаша кўтаришидан нуқул куларди.

— Мазох қиляпсанми, ҳиринг-ҳиринг куласан, холос? — Расулжон унга бўла баттар жаҳли чиқиб, еб қўйгудай тикилди.

— Йўқ, йўқ, азизим, беҳудага куйиб-ёнаётганингга куляпман, — уни дастурхон ёнига ўтказди Комилжон, — Қишлоққа келибсан-у, афтидан батафсил айланиб чиқмаганга ўхшайсан. Биз бош план асосида бутунлай янги типдаги маданий қишлоқ барпо қилганмиз. Буни икки оғиз сўз билан тушунтириш қийин. Ке, қўй, эртага кўрасан, бир бошдан кўрсатаман. Ҳа, азизим, қандай замонда яшаётганимизни яна бир карра билиб, кўриб қўй! Шундай жойларимиз борки, оғзинг очилиб, анграйиб қолмасанг — мен кафил. Сен илмгагина берилиб кетиб, бу ердаги ишлардан беҳабарсан ҳали.

Ҳа, ўша сен соғинган мафтункор водий, янги юзага келган боғларнинг меваларидан татиб кўрмай бу жойларнинг қиёфасини бус-бутун кўз олдинга келтиролмайсан. Мана шу Нозиманинг ўзи бош бўлиб бутун бир совхоз ташкил қилди. Учи-кети кўринмас боғлар яратди.

Расулжон қаршисидаги чой узатаётган жувоннинг кўзларига ялт этиб қаради. Бу кўзларда ажиб бир шуъла чақнаб турарди.

— Ҳаёт шунақа! — дея гап қотди Нозима ҳам. Буни қайси маънода айтганини Расулжон сезгирлик билан тушуниб олди.

«Ҳа, шунақа, — дея ўйга толди у, — лекин, бошқача ҳам бўлиши мумкин эди. Ўшанда қайсарлигим тутиб, инжиқлик қилмаганимда ҳаммаси бўлакча бўларди... Бошқа иложим йўқ эди-да! Ўқишга жўнашим керак эди. Сени шунча юр, деб қистадим, олий ўқув юртига жойлаб қўяман, ёнимда бўласан, ҳеч нимадан зориқтирмайман, деб ўйлагандим, кўнмадинг, «Дарахт ўз томиридан узоқ кетолмайди, мен шу жойда томир отганман, етти пуштимиз боғбон ўтган, шу касбни тарк этиб, кетиб қолсам катта гуноҳга қоламан, ахир ҳар ким ўз аҳдининг ҳоқони бўлиши керак-ку», дединг. Бу гапларингнинг тагига етмаганим ўшанда. Лекин буни тушуниш учун бир неча синов йилларини ўз бошимдан кечиришга тўғри келди. Ҳа, ҳалиги шаъманда жон бор, тўғри айтасан, менда қатъиятлик етишмади. Сендан кечирим сўраб, таъналарингга дош беришим керак эди, кечирардинг. Бундай қилмадим. Ўқиш йилларим икки энликки хат ёзиб юборишни ҳам ўйламадим, ўзимнинг қаерда, қандай яшаб, қандай ўй-хаёл билан юрганларимни билдиришга бўйним ёр бермади. Қанчалар изтиробга солдим сени, ранжитдим. Сен барига чидадинг. Пировард ҳижрон йилларини ортга улоқтириб, барча гина-кудуратларга хотима берганингни ҳам биламан. Сен ўзингнинг ҳақлигинг, мардоналигинг билан мағрурланишинг мумкин бугун. Бунга ҳаққинг бор. Мен эсам, сенга таъзим қиламан, таъзим... Дарвоқе, турмушинг ёмон эмасга ўхшайди. Эринг бебаҳо одам. Яхши биламан. Уни ҳам андак ранжитгандим. Кечирди чоғи. Сен ҳам кечир, ўтиниб сўрайман... Балким, менга текканингда бунчалик мамнунликка эришмасдинг, режаларинг рўёбга чиқа олмасди. Энди кимсан — машҳур боғбонсан...»

Расулжон аёлнинг юзига тўппа-тўғри боқишга ботинолмай, аста нигоҳини яширди. Комилжон эса ҳамон сўзлар, хотинининг қайси йили қандай орден олганигача қолдирмай оғиз тўлдириб мақтанар, кулар, Расулжон эса унга қулоқ соларди-ю, асли ўз хаёли дарёсига ғарқ эди...

Эртаси тонг билан икки дўст айлангани чиқиб кетдилар. Комилжоннинг айтганича бор экан, қуёшнинг алвон жилосига бурканган яшил кенгликлар яйратади, эркалайди кишини. Ўша эсдан чиқа бошлаган ширин дамлару, ўйинқароқ ёшликни қайта ёдга солади. Янги-янги орзулар уйғотади дилингда. Чор тараф ёп-ёруғ, севги сукунатидай мулоим, жилвагар, дилбар қиз табассумидай латофатли. Ҳар кўкатда гўзаллик бор, ҳар ниҳолда кўркамлик. Ҳар зарра гулгун яшнаб, кўзингни олади, ҳар қарич ер бахмал каби товланади.

— Кеча «қишлоғимни топиб бер», деб хархаша кўтардинг, — дея тушунтирди унга Комилжон, — ҳеч ким қишлоғингни алмаштириб қўйгани йўқ. Фақат қишлоқ марказинигина шаҳар типига қайта тикладик. Асли қишлоқ мана — қаршингда, дўстим. Янги жойда янгича қишлоқ яратдик.

Расулжон хилма-хиллик, айни пайтда бир-бирига жуда ўхшаш табиат кўркига тикилиб бораркан, қандайдир сабрсизлик ва тотли ҳаяжон вужудини чулғаб олаётганини сезар, қалбида эса доим денгиз узра қуондай отилиб кирган дайди шамол сингари нималардир жўш уради.

— Қалай? — дея писанда аралаш савол ҳам ташлаб кўяди Комилжон, яшил водийни иккига бўлиб ўтган учи-кети кўринмас адил йўл устида кетишаркан, — заҳарли илонлару беҳисоб калтакесаклар базм қурган жойлар эди, эсингдами?

— Тўхта, тўхта, бу ерлар қум тепалик эди шекилли?

— Тухум қўйсанг зум ўтмай пишадиган жазирама эди. Мана, ному нишон қолмади ўша чўғдай ёндиргувчи қумликдан. Нозима бошлиқ янги боғдорчилик совхозини қулоқ ёйди. Келган-кетганлар, нобоб тупроқда ҳам олтин ундиришнинг ҳадисини олибди, деб таърифини келтиришади. Манман деган олимниқидан қолишмайди мияси. Эшитишимизча, машҳур биологлардан бири Нозиманинг тажрибаси ҳақида китоб ёзиб, чоп этдираётган эмиш. Ишқилиб, ҳар кимнинг бирон нимага ихлоси бўлиши керак экан-да, Нозиманинг ихлоси даштга тушган. Боғдорчилик жони-дили.

Расулжон бу гапларни бошқача қабул қила бошлади. Гўё Комилжон ҳамон унга таъна қиларди. Сен қишлоғимизнинг бугунги кунини тасаввур қила олмадинг. Одамларимизнинг дилидаги эзгу истак, интилишлари билан ошно бўлгинг келмади. Худбинлик қилдинг. Фақат ўзингнигина манфаатингни кўзладинг. Ҳақиқий фан эса худди мана шундай жойларда раванқ топишини сезмадинг. Кўриб қўй энди, оғайни, одамларимизнинг матонати, маҳоратига ҳавас қилсанг арзийди, деяётгандай эди у.

Расулжон ичидан зил кетди.

— Ери каттами? — сўради алланечук хижолат чекиб.

— Уч минг гектар, — деди Комилжон ҳам унинг нима ҳақда сўраётганига тушуниб. — Бир ярим миллион ниҳол етказиб берадиган кўчатхонаси бор. Катта қадамга ўрганиб қолишди-да, одамларимиз. Район бўйича тағин етти минг гектарни мевазор қилиш мўлжали тузилган.

Машина равон йўлдан сокин дарё узра сузган қайиқ сингари аста борарди. Йўлга туташ раста-раста ишқомлар, хушқад ёш-ёш дарахтзорлар, янги-янги ҳовлилар... Тўсатдан шина шийпон томонда кимдир кўшиқ бошлади. Дилни қитиқловчи кўшиқнинг сўзлари содда, аммо жозибадор, мулоим бўлиб, бугунги меҳнат, эртанги бахт ва порлоқ кунлар ҳақида эди.

Оҳ, ўша кўзлар!..

— Бола-чақасини боқолмаган эркак бошига рўмол ўраб уйда ўтирсин! Кулолнинг кулфати мўлу тутгани сопол товоқ... Донғинг дунёга кетганиминан топганинг тирикчилигинга етмаса керилганинг бир чақа...

Қайнонамнинг гаплари биқин-биқинимдан ўтиб кетди. Қачонгача уриш-жанжал, машамшалар давом этади? Бунинг охири борми ҳеч? Бўлди, бас, бари жонимга тегди. Шунақа турмуш қургандан кўра...

Тоқатим тоқ бўлиб, хотинимга нигоҳ ташладим.

— Беҳуда гапларингизни қўйсангиз-чи, ойижон! — деди Саломат кутилмаганда менга бўлишиб. — Нимадан камчилмиз? Минг қатла шукрки, эгнимиз бут, бировдан қарзимиз йўқ, ейиш-ичишдан зориқмасак... Бундан ортиқ нима керак яна?!

— Ий-е, эрингнинг тарафини олясанми ҳали? Ҳой, билиб қўй, сандақа хотинлар ерда эмас, осмонда юриши керак! Ақли-фаросатингга балли-е! Уйингнинг шифтига осадиган тузуккина қандилинг йўқ ҳалигача. Ҳу анов тилла магазинчига теккан Муҳаррам деган ўртоғинг эсингдами, уйга кирсанг, оғзинг Қумқўрғонни дарвозасидай ланг очилиб қолади. То остонасигача гилам-а, лов-лов ёнишидан кўзинг қамашади. Анавини турмуш десанг дегудек. Ҳа, Худоёрхоннинг қизиям бунақанги яшамагандир, деб ўйлаб қоласан.

Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Жағимга эрк бердим. Оғзимга нима келса, қайтармай тўкиб солавердим. Узимни шунча қўлга оламан дейману, қани илож тополсам.

— Бас қилинг, агар ош-нонимиз ёқмай қолган бўлса, марҳамат, ана катта кўча! — гапларим оғзимдан отилиб чиқарди. — Мени тинч қўйинг! Ҳар қушнинг қаноти ўзига яраша, деганлар. Мен ҳам турмушимдан нолийдиган жойим йўқ, ҳайтовур!..

Қайнонам тахта бўлиб қотиб қолди. Кейин, тўсатдан йиғи бошлади.

— Ҳафтада бир келиб-кетишим ҳам кўп кўриндими сизларга? Елкамни чуқури кўрсин уйлариинги. Остоналарингни босмайман энди. Агар кун ора келиб-кетиб юрсамми эшик қолиб, тешиқдан ҳайдаркансизлар-да! Ҳой ноинсоф куёв, мен мияси айниган бўлмасам, нозаниндай қизгинамни сиздақа ношуқур бандага раво кўрармидим-а? Бўлди, маниям жоним ҳалқумимга кеп кетди. Шунча юзхотир қилиб, индамай юрганам етар. Ҳой, Саломат, кўтар кўч-кўронингни, болангни қўлингга ол, кетамиз. Минг қатла шукр, зол яхши — замон яхши, эрсиз ўтсанг ўтибсан, оч қолмайсан, яланғоч қолмайсан бу замонда!..

Бу хилдаги аччиқ-чучук таъналар биринчи бор бўлаётгани йўқ. Кўпдан бери аҳвол шу. Тўғри, мен ҳам ўзимни сутдай оппоқман демоқчимасман. Айбим бўлса бордир. Балки, шунинг учунми, уйимда тинчим йўқ, қурилишда ҳам ишим ўнгидан келмай, ўзимни қўярга жой тополмай қолганман. Қайданам бригадирликка ўтдим-у, қайданам бир тўп ишчига бошлиқ бўлиб олдим. Эрталабдан то кун қорайгунга қадар тиним нималигини билмайман. Оёғимга зил-замбилдай этигимни илиб олиб, лой кечиб, тупроқ тўзитиб кунига бир неча чақиримлаб йўл босаман. У идорага учрашим керак, бу идорага... Ундан уни сўраб заявка бераман, бундан буни сўраб... Талабномангни олганлар нуқул ваъдани катта қилишга усталар-у, ижросига келганда пайсалга солганлари солган. Сўра-сўра ҳам жонингга тегиб кетар экан баъзида. Бир ердан эндигина фишт ундирганингда, тахта йўқ, тахта топсанг, вақтида бетон етказиб беришмайди. Бунақада квартал топшириқлари у ёқда турсин, кундалик режангни ҳам уддасидан чиқишинг осонмас. Бошлиқлар ўзи билан ўзи овора. Дардингни кимга айтишни билмай бошинг қотади нуқул.

Прорабнинг кабинети ари уясининг ўзгинаси. Усталар, бригадирлар минг хил масала билан киришиб, Олой бозор очишади. Тортишув устига тортишув. Кошки ундан наф чиқса. Комиссия устига комиссия келиб, квартал планини нимага бажармадинг, ойлик планинг нега чала ярим, деб дилингни сиёҳ қилгани қилган. Бўл, бўл, отингни жадал қамчила, дея қисталанг қилувчиларнинг эса саноғи йўқ. Ишчилар вақтни беҳуда ўтказмасин деб бетон заводига, ундан кейин автобазага бўзчининг моксисидай қатнашинг билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бунақанги борди-келди, қуруққа чоп-чоп билан план бажариб бўларканми? Планинг меъёрига етмагандан кейин қўлга тегадиган маошининг ҳам чўғи оз, мукофот пули тўғрисида-ку, ўйламасанг ҳам бўлади. Хуллас, омадинг бир юришмагандан кейин

юришмас экан. Ана гап қаёқда. Уйдаги хархашаларнинг боиси худди шундан. Нафсиламрини айтганда-ку, қайнонамнинг хархашасида ҳам жон бор-а. Нимага десангиз, кўпдан рўзгор учун биронта дурустроқ, кўзга илинадиган нарса харид қилолмабмиз. Буни тан оламан. Албатта гап қримматбаҳо зеб-зийнат тўғрисида бораётгани йўқ, оддийгина, энг зарур буюмларни назарда тутиб гапиряпман.

Саломат ҳам икки ўт орасида қолгандай. Чамамда онасини ҳам, мени ҳам ранжитгиси келмайди. Лекин, ҳарқалай, она-она экан-да. Кўпроқ унга бўлишгиси келади. Ишқилиб, шу онаси туфайли мендан айниб кетиб қолмаса бас. Шу гап хаёлимга келган маҳал доим юрагим орқамга тортиб кетади. Ахир, севиб, синашта бўлиб олган биттао битта хотиним-да.

Хуллас, бугун эртароқ ўрнимдан турдим-у, нонушта ҳам қилмай эшикни тарақлатиб ёпганимча, кўчага отилдим.

— Қизини айнитса айнита қолсин, — деб юборибман дафъатан, — менга демаса уйга олиб бориб тумор қилиб тақиб юрсин бўйнига!

Ариза ёзиб, ишдан бўшашликка аҳд қилдим. Дунёда нима кўп—иш кўп. Буниси бўлмаса — бошқаси. Кўпдан Саъдулла деган собиқ курсдошим ҳам ўзи ишлаётган корхонага таклиф қилиб юрибди. Кўнсам кўна қоламан-да. Шунақа ғиди-бидилар-у, юрак сиқилди гаплар ичида ўлкам қирилиб нима азоб?

Идорага келиб, қўлимга қалам олдим-у, оппоқ қоғозга тикилганимча ўйлашиб қолдим. Бунақа аризани биринчи бор ёзаётганим йўқ-да. Аммо ҳеч қайсисини бирон кишига курсатган эмасман. Ё ишга берилиб кетаману, бошлиғимга учрашишга ҳам муддат тополмай қоламан, ё бирон бошқа нимадир баҳона бўлади-ю, ўзимдан ўзим ҳовримдан тушиб, ниятимдан тайта қоламан. Бирин-кетин ёзилган учта аризам чўнтагимда юра-юра йиртилиб, титилиб, тамом бўлган. Аммо бу сафар аҳдим қатъий. Бунисини охори тўкилмай эгасига тутқизаман, тамом, вассалом!

«Қурилиш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Обид Зокировга. Ариза...»

— Содиқ! — Салим сувоқчининг овози эшитилди ташқаридан, — ҳой, Содиқ!

— Нима дейсан? Қулоғим кар эмас-ку, мунча бақирмасанг?

— Обид акам чақириб кел, дедилар, бугун мажлислигини билмасмидинг? Ҳамма йиғилди-ю, битта сан йўқсан. Сансиз бошламай ўтирибмиз.

Дарвоқе, бугун мажлис бор-а? Соатимга қарадим. Бошлиғимиз кеч қолгани ёқтирмайди. Бугун унинг нутқини эшитамиз. Қани, нималар деркин? Ҳарқалай, бизларни аяб қўймас. Кам чиққларимизни бирма-бир санаб, пўстагимизни тоза қоқса керак. У шунақа, ҳеч кимни юзхоти қилмайди. Дўстим эди, акам эди, укам эди-ю, деб ўтирмай таъзирини бераверади. Уни қўлловчилар ҳам топила қолади дарров. Бирин-кетин сўзга чиқишиб, гапга парҳеш беришни ўрнига қўйишади. Унақаларни, айниқса, Салим ёқтирмайди. Савол беравериб, жиғига тегади тоза. Аммо ўзини бўйнидан боғлаб ҳам минбарга олиб чиқолмайсиз. «Биз даҳанаки жангларга унча йўқроқмиз», деб бир четда илжайиб ўтираверади.

Бу сафар қутилмаган воқеа содир бўлди. У ўрнимдан сакраб турди-да, шахдам юриб, минбарга чиқди. Бирдан шунақани гапириб кетдики, бошлиғимизгача оғзини ланг очтириб қўйди. Нафсиламрини айтганда, ҳеч ким ундан бунчалик дадил гапларни кутмаган эди. «Бизларни кечаги ютуқлар қониқтирмайди бугун. Вазиятни ўзгартиришимиз керак. Бунинг учун тўсқинлик қилувчилар бор... У етмайди, бу етмайди... Бизлар эса ана шу етишмовчиликлар туфайли араванинг кейинги ғилдираги бўлиб, судралиб юрибмиз. Бу шармандалик-ку?!» Балли азамат, ҳақ гапни айтдинг, яшшавор, деб юборибман. Шунақа ҳамманинг дилидаги гапларни эшитсанг жонинг қиради-да. Хуллас, Салимнинг сўзга чиқиши мажлисга бошқача руҳ киритиб юборди. Ҳеч қачон бунақанги ўтмасди мажлисимиз. Шу аснода баданимга совуқ сув теккандай сакраб тушдим. Салим қурмагур энди мени мўлжалга олиб тош отмоқда шекилли? Ҳой, инсоф борми сенда? Салкам ўн йиллик қадрдонмиз-а. Унинг айтишича, қурилишни пайсалга солганим етмагандай қурилиш майдонини от бозорига айлантириб юборган эмишман. Ортиқча ашқол-дашқол, қанақадир синган, чириган қурилиш материаллари, чала-ярим бетонлар, темир-терсақлар дастидан оёқ қўйгани жой қолмаган эмиш. «Тўғри, тан бераман, аммо асосий ишдан қўлим бўшаб, атроф-теваракка қарашининг звини қилолмай қолган бўлсам, нима қилай?» деб юборибман тўсатдан. Гурр кулги кўтарилди. Лавлагим чиқиб, ўтирган ўрнимга бир қарич чўкиб кетгандай бўлдим.

Мажлисдан кейин бошлиғимиз ҳузурига чақириб, танбеҳ бера бошлади.

— Содиқжон, ҳамма гапни эшитдингиз, — деди у негадир овозига мулоимлик бериб, — тўғри хулоса чиқариб олгандирсиз деб ўйлайман. Фақат сизнигина эмас, бизларни ҳам авра-астаримизни ағдариб, дўппослашди. Энди ишни жадал йўлга қўйиб, қадимизни тиклаб олмасак бўлмайди. Министрликдагилар ҳам ғилай қарайдиган бўлиб қолишган бизларга. Қарс икки қўлдан, деганларидай камчилик биздаям, сиздаям бор. Вақтида шикоятларингизга қулоқ солиб, қўллаб-қўлтиқлашни унутиб қўйдик. Натижада қуриққа чопаверишларингиз кўпайиб, тинкангизни қуритди. Келинг, бундан буёқ ҳам-жиҳат, бир ёқадан бош чиқариб иш унумини ошириш борасида жон куйдирайлик...

Унинг гаплари мени таажубга солди. Аввало у ҳеч қачон мен билан бунчалик очикчасига гаплашмасди, иккинчидан, унинг кўзларида менинг қобилиятимга нисбатан шунчалик ишонч порлаганини кўрмаган эдим. Эллик ёшлардан ошиб қолган, ишбилармон, доим казо-казолар билан мулоқотда бўладиган одам эндигина йигирма икки баҳорни кўрган ёш устага дилини очиши, мажлисдаги танқидларни тан олиши менга бошқача таъсир қилди.

Унинг фикрига қўшилиб, беихтиёр қувватлаб ҳам юборибман. Ваъдалар устига ваъда беришни ҳам ўрнига қўйдим. Ҳатто қўлига ариза тутқазилгани ҳам паққос унутиб қўйибман. Ташқарига чиққанимдан кейин, ий-е, бу ёғи қизиқ бўлди-ку, деб ўйлаиб қолдим. Ваъда беришдан олдин ўртада кўндаланг турган қатор муаммоларни ҳал қилиб олиш зарур эмасмиди? Ана холос, пишида гилос, дея пешонамга шап этиб ўрдим. Бироқ сўздан қайтиш — номардлик энди. Бўлар иш бўлди, қолгандан гапир, деганлар. Бўш келмасликка астойдил аҳд қилдим.

Биз ҳунар-техника билим юрти талабалари учун ўқув корпуслари қурмоқдамиз. Ҳадемай қўлдан чиқиши керак эди. Бўлмади. Муддат тугаган. Фурсатни қўлдан бой бериб қўйганмиз. Мен ҳам, ишчиларим ҳам бир бўлиб ўпкамизни қўлтиқлаганимиз билан ишимиз ривож топмасди. Чунки, бошдан режа пухта бўлмаганидан кейин қолган ишга қор ёғаверар экан. Мана энди маррани қувиб етиш амримаҳол. Бунинг устига мажлисдаги гаплар ўлганнинг устига чиқиб тепган билан баробар бўлди. Қурилиш майдони ундоқ, қурилиш майдони бундоқ... Оғиз тўлдириб гапиравериш осон-да... Ишчи кучи етмай, икки оёғимизни бир этикка тиқиб қолганимиз етмагандай, тевараник тартибга солиш ташвиши ҳам бормиди? Эҳ, Салим, Салим, ётган илоннинг бошини кўзгаб нима қилардинг-а? Дўстингдан топ, деб шунга айтсалар керак-да!

Эрталаб у билан юзма-юз келиб қолдим.

— Салим, гап келгандан отангни ҳам аяма деганлари ҳақ эканда-а? — бир чимчилаб олгим келди уни, — инсоннинг яшашдан мақсади нима?

— Бекорчи валдур-вулдурунгни қўй, оғайни, — деди у ҳам бўш келмай, — унақа фалсафий сафсаталарга йўқроқлигимни биласан-ку, азалдан.

Шундай деди-ю, шартта бурилиб кетиб қолди. Вой, анойи-ей, деб ўйладим ичимда. Унинг гапига дабдурустан жавоб топиб беролмаганим учун ўзимга алам қилди. Турган еримда қимир этмай орқасидан анграиб, қараб қолавердим. Лавлагим чиқиб кетди. Майли, фурсатини топсам, бошлаб таъзирини бериб қўярман ҳали. Акс ҳолда ҳаддидан ошиб кетадиганга ўхшайди.

Шу кунги ишим ҳам кўнгилдагидай юришмади. Бунинг устига уйдаги машмашалар эсимга тушди-ю, дилим баттар хижил тортди. Ишқилиб, Саломат онасининг сўзига кириб, кетиб қолмаган бўлсин-да. Ташвишим яна ортди. Тушлик қилиш баҳонаси билан уйга келдим. Тагин бояги-боягидай қайнонам жағи-жағига тегмай вайсашга тушди. Яна чиқиб кетдим. Автобусда борар эканман, бир мўйсафиднинг ҳамроҳига айтиб ўтирган гапларини эшитиб қолдим: «Бурунгилар бу дунё беш кунлик, деб бежиз айтишмас экан. Утган умрнинг қадрига етмабмиз. Қани қайтариб бўлса уни. Икки кам саксонга кирибман. Кечагина мана бу боладай эдим-а!» У «мана бу боладай эдим», деб мени кўрсатаётган экан. Қаранг-а, ҳали ҳам бола эканман. Наҳотки, дейман ўзимга-ўзим. Яна хаёлга бериламан.

Ишга келгач Салимни қидирдим.

— Ҳўш, фалсафа ёқмас, нима ёқади сенга? — тилимга келган саволим шу бўлди. У тагин бўш келмади:

— Амалий иш ёқади!

Вой, донишманди тушмагур-эй, бало чиқиб қолди-ку бу. Кеча минбар олдида туриб ногора қоқишларини кўринг-у, бугун бизга амалий ишдан дарс бермоқчи бўлганларига пул беринг.

— Бошлиқ нима деди? — шошиб сўради кейин.

— Нима дерди. Ишни жадаллаштириш керак, деди. Бинони тезроқ битказиб топширмасак, эл-юрт олдида ёмонотлик бўлганимиз қолармиш...

— Тўғри айтибди. Сен нима дединг?

— Ваъдани катта берворибман яна. Аммо...

Салим сўзимни бўлди:

— Нимаси «аммо»?

— Аҳволимизга тушуниб туриб сўрайсан-а. Ургилдим сендақа бемаҳал қичқарадиган жўжаҳўроздан. Минбарга чиқсанг кекиртагингни чўзиб, нотиқликни ўрнига қўядиган бўлиб кетяпсан жуда!..

Салим қўл силтаб узоқлашаётган ерида таққа тўхтади. Кўзларимга тик боқиб туриб, ачитиб-ачитиб олди. Унинг гаплари жаҳлимни чиқариш ўрнига негадир кулгимни қистатди. Шу алпозда аста бўшашиб, жаҳлимдан тушганимни ҳам сезмабман. Ҳа, у шунча одам. Бировга маслаҳат беришни ҳам ўрнига қўяди. Қўлидан келса, ёрдамни аямайди. Жаҳли чиқса борми... Қўйинг, мен айтмай, сиз эшитманг. Шунинг учун ундан чўчиброқ тураман. Ҳозир аламинми оладиган бирон маънилироқ сўз тилимга келавермаганлигининг боиси ҳам шундан.

Эсимда: ўтган йили унинг масаласи ўртоқлик судида кўрилган эди. Ваъдасини бажармаган автобаза директорини болохонадор қилиб сўккани учун устидан шикоят тушган экан. Судга ҳамма қатнашди. Аммо биронтаси на Салимни, на директорни ҳамма қилаолди. Ишчиларнинг бари худди оғизларига талқон солиб олгандай лом-мим демай ўтираверишди. Пировард ўрни-ўрниларидан жимгина туриб, чиқиб кетишди. Салим эса, бундан қаттиқ мулзам тортди чамамда. Борди-ю, одамлар сўзга чиқиб, Салимнинг қилмишларини қоралаб, директорнинг ёнини олишганда унга бунчалик таъсир қилмаган бўларди. Бир неча кунгача бошини кўтаролмай юрди. Кейин ўзини қосиб олди-да, мажлисда ҳам залнинг бирон бурчига тикилиб, илжайиб ўтирадиган бўлди. Бировга қаттиқроқ гапириб юборишдан чўчиётгандай, нуқул юмшоқ муомала қилишга уринади. Фақат кечаги мажлисда ўзини тутиб туролмади. Мана, ҳозир ҳам аламини ичига ютиб, лабини бир оз қисганча дўстимга нима билан кўмаклашсам бўларкин, деган назарда боқарди.

— Хотиржам бўл, — деди кейин бирдан, — сўзингнинг устидан чиқасан, албат-та чиқасан!

— Қанақасига? Ахир...

— Сен қоришма, бетоннинг пайдан бўл, бу ёғи менга...

Шу куни бахтимга қоришмалар вақтида кела бошлади. Бетон ҳам етарли бўлди. Афтидан бошлиғимиз «мажлисдан тўғри хулоса чиқариб», астойдил ишга киришган кўринади. Яна бир кун ўтгач бетон заводидан қайтиб келсам, қурилиш майдонини бошига кўтариб оркестр марш чалмоқда. Атроф одамларга тўлиб кетган. Янги-янги жомакор кийган ёш-ялангнинг қўли-қўлига тегмайди. Ишчиларимнинг айримлари уларга иш ўргатиб, йўл-йўриқ кўрсатишмоқда. Биров сочилган тупроқ аралаш қумларни тўплаб замбилга солади, биров фиш парчаларини бир ерга йиғади. Турнақатор бўлиб тизилганлар эса арматурлари титилган чала-ярим, ишдан чиққан темир-бетон, темир-терсақларни бир-бирларига узатиб, қурилиш майдонидан четга уюшмоқда. Салим ҳам улар ичида у ёқ-бу ёққа зир югуриб, кимгадир нимадир деб маслаҳат беради, имо-ишоралар-ла буйруқ қилади. Оркестр эса гўмбурлаб, ер-кўкни ларзага солмоқда.

— Бу нимаси? — сўрадим Салимнинг олдидан қаршилаб чиқиб.

— Буми? Бу — оркестр!

— Кўриб турибман оркестрлигини. Лекин, бунчалик тантананинг сабабини тушунолмапман.

— Билим юртига бориб, раҳбарларига ўқтирдим, — ётиғи билан тушунтира бошлади у, — шундоқ-шундоқ ўртоқлар, дедим. Янги бино сизлар учун зарурми, зарур, дедим. Тезроқ битиб, ишга тушишини истайсизларми, дедим. Модомики, шундай экан, марҳамат қилиб, ёрдам беринглар, дедим. Аввалига бошлари қотиб, ҳайрон бўлишди. Кейин мунозарага тушиб кетишди. Охири маслаҳат бир ердан чиқиб, «келинлар, ёрдам берсақ, бера қолайлик. Бино қанча тез битса — ўзимизга яхши. Унда ўзимиз яшаймиз, ўзимиз ўқиймиз», дейишди. Шу холос. Қурувчилик ҳунарига ихлосмандлари ишчиларингга кўмаклашиб, амалий тажрибаларини бойитишга киришиб кетишган. Бошқалари атрофни тартибга солишмоқда. Оркестр эса... ўзинг кўриб турганингдай — гўмбур! Ҳамжиҳат киришилган хайрли ишга яхши куй мадад бағишлайди-да, ахир.

Унинг оғзи қулоғида эди. Кўзлари эса яхши бунёдкор яхши ташаббускор ҳам бўла билиши керак, деяётгандай чакнарди.

Дарвоқе, оркестр куй чалиб турганда ишлашнинг гашти бўлакча бўлар экан. Ишчиларим шунақанги ғайрат кўрсатишар эдики, ҳатто куннинг қандай кеч бўлганини ҳам сезмай қолишди. Кайфиятлари ҳам чоғ. Ҳар куни соат неча бўлганини суриштиравериб, оғзи толадиганларгача қурилишни ҳадеганда тарк этгилари келмаётганга ўхшарди. Сўнгги икки ҳафта мобайнида шу вазият ўзгармаса марра бизники энди.

Ўзим ҳам уйга алламаҳалда қайтдим. Йўлда қўшнилариимдан бири учраб қолди: Содиқжон, Саломатхонингиз чемадон кўтариб онаси билан вокзалга кетгандай бўлудди-ку? Нечук сиз кузатгани чиқмабсиз ё хабарингиз бўлмадимми?

— Мен ишдан келяпман, — дея олдим, юрагим яна орқамга тортиб кетди. — Оббо, қайнонам тушмагур-эй, охири ниятига етибди-да.

Оёқ-қўлим бўшашиб, беихтиёр орқамга қайтдим. Саломат кетиб, ҳувиллаб қолган уйга киргим келмади. Кўчада андак тентираб, ҳовримни босмоқчи бўлдим. Рўҳиятим ниҳоятда тушиб кетган, ичимга чироқ ёқсангиз ёримайдиган вазиятдаман. Бир кўнглим, бор-э, деб прорабхонага кириб ётаверай, озроқ мизғисам энгил тортарман, деб ўйладим. Бироқ эртага-чи? Яна прорабхонага бораманми? Бунақада дайдилашиб кетаман-ку?

Эҳ, Саломат, Саломат, дейман нуқул, наҳотки, гулдай турмушимиз, тонгдай беғубор муҳаббатимизга хиёнат қилган бўлсанг? Қандай ҳад қилолдинг бунга, айт, азизам!..

Ишчилар шаҳарчаси узра тун қаро парда тортиб келарди. Дераза ойналаридан ёғилаётган қуюқ нургина атрофга новвотранг шуъла ёярди. Аммо менинг юрагимгина ёришай демасди. Кимга ҳасратимни айтиб, кўнгил бўшатишимни билмайман. Фақат кўк узра жовдираган юлдузларгина менга ҳамдардлик билдираётгандай лип-лип кўз қисиб, имо-ишора қиладилар...

Хаёл билан бўлиб қайси кўчаларга кирдим, қайси кўчалардан чиқдим. Қайси дарахт остида узоқ-узоқ тин олиб, турли фикрларга толмадим. Юра-юра, ниҳоят бош кўтарсам, ўз уйим қаршисида турибман. Шу вақт кўзларимга ишонмай бақрайиб қолдим. Катта-катта ойнали деразалардан кўча томон қуюқ ёғду қуйилиб турарди. Шоша-пиша яқинлашиб, эшикни зарб билан очганим маҳал... Кутилмаган ҳол: ўғлим, ҳа, менинг ўғилгинам ширингина каравотчасида тинчгина ором олиб уйқуни урмоқда. Ошхона томондан эса кимнингдир шарпаси эшитилади. Стол устида ликопча ёпиб қўйилган бир коса овқат билан сочиққа ўроғлиқ бир чойнак чой. Хушбўй таом ҳиди димоқни қитиқлаб, иштаҳа очади. Йўлакда нимагадир урилиб кетдим. Менинг шовқинимдан чўчиб Саломат югуриб чиқди. Уни чўчитиб юборганимдан хижолат тортдим. Шошиб қолганимдан кечирим сўраш ҳам эсимга келмабди. Буни сезган Саломат:

— Ҳечқиси йўқ,— деди мулозимгина жилмайиб,— сал паришонроқ кўринасизми? — ҳол сўраган бўлди, кейин,— чарчабсиз шекилли? Ишингиз оғир-да... Овқатингизни сузиб қўйганимга анча бўлди. Ана келарсиз, мана келарсиз, деб кутиб ўтириб, эндигина ошхонага ўтгандим. Овқатингизни иситиб бераман ҳозир,— деди.

— Мен бўлсам сани...

— Хотиним мендан кечиб, кетиб қолди, деб ўйлабмидингиз?

Вой, қурмагур-эй, сизди-я! Хийла зийрак аёл-да!..

— Онамдан хафа бўлманг, — мени юпатишга ўтди у, — одам қаригандан кейин шунақа инжиқроқ бўлиб қоларкан. Унча-мунча ортиқча гаплар ҳам ёқинқирамай қолади шекилли. Илгари ҳеч бунақамасдилар-у... Вокзалга чиқиб, кузатиб келдим. Ҳаммасини ётиғи билан тушунтирдим. Тушундилар. Бир оз ўсал тортгандай ҳам бўлдилар. Кечиринг...

— Ҳечқиси йўқ, — дедим мен ҳам, — ўзимдан ҳам ўтди. Бехосдан тутаб, дағал гапириб қўядиган одатим борлигини биласан-ку?

— Ишларингиз қалай?

Ишим билан қизиқаяпти. Нимадан бошлай? Ҳаммасини бир четдан таърифлаб бераймикин унга? Мажлисда еган танбеҳларим, Салимнинг ташаббуси, оркестр...

— Ёмон эмас, — дея қисқагина жавоб қилдим. — Яхши... Энди жуда яхши бўлади...

Аризам хусусида оғиз очмадим. Тўғриси, ишдан бўшаш фикри миямга келганини ўйласам ўзимдан-ўзим уялиб кетаман. Шундай яхши ишимни, шунақанги одамларни ташлаб қаёққа ҳам борардим?! Дарахт бир жойда кўкаради, дейдилар. Мен ҳам шу ерда илдиз отиб қолдим, шу ерда кўкараман.

Бирдан Саломатнинг менга тикилиб тургани диққатимни тортди. Унинг кўзларига қарайдим. Оҳ, бу бир вақтлар юрак-бағримга ўт қўйиб, ёшлигимни забт этган қоп-қора кўзлар... Унда ҳар сафар янги бир олам кўргандай бўламан. Шу кўзларнинг бир зумлик боқиши бир умрга тенг, адоқсиз ҳузур-ҳаловат бахш этади назаримда. Дунёнинг бор ташвишларини паққос унутаман. Гўдакдай яйраб-яшнаб кетаман. Ё менгагина шундай туйилармикин? Сиз ҳам хотинингизнинг ана шундай меҳр-шафқат билан тикилган кўзларига боққанмисиз? Жуда ажойиб-а?..



Севара Вафо

ШАБНАМДАЙ БУ ОЛАМ, ДАРДИМ СИҒДИРМАС

Сутдай ёруғ тунлар

Шундай илиғ тунлар бўларми ухлаб?
Қизил отлар уфқларга чекингай.
Тандир чўғи йилтирайдир осмонда,
Қишлоқ туни беланчақларда тингай.

Шундай танти тунлар бўларми ухлаб?
Ёнарқурт қоронғи хонанг ёритар.
Кампир кўсак чувар жойнамозида,
Сайрайди дарчангда дон кутиб каптар.

Шундай ойдин тунлар бўларми ухлаб?
Деҳқон ўз соясин танимаган тун.
Эгатда боласин излаган келин
Ёйиқ сочларидай кечалар узун...

Сутдай ёруғ тунлар бўларми ухлаб?
Севгилинг кўкрагин ёритадир ой.
Ёстикда қоладир қирқ ўрим иси —
Сутчелак овози... Сойда кишнар той...

Шундай сархуш тунлар бўларми ухлаб?
Ҳаводан кумушранг тангалар тушар.
Пастак уй томида олим болалар,
Тутилиши зарур Ойни кутишар...

«Бедил ҳайратлари» туркумидан

1

Дунёнинг юпундир, одамларинг кўр,
Гуноҳлар гуллайдир ҳавасларингдан.
Адолат меваси кеч кузада ғўр,
Кузги боғлар ёнгай нафасларингдан.

Севара Вафо бошқаларга тақлид қилмайди. Унинг ёлғон гапи йўқ. Ёлғон ҳақиқат ҳақиқий шеърятга ёт эканлигини у яхши тушунади. Ҳақиқий шеърятнинг Ватани битта — Ҳақиқат эканини у чуқур ҳис этади. Шу маънода бу шоира Ватан излаб юрмайди. Ватансиз шеърят хиёнатнинг ўзидир. У ўз сўзи, ўз кўзи, ўз дунёқараши билан шеърят эҳромига кириб келяпти. Ватан — унинг шеърятида, руҳиятида, чақмоқларида, гулдиракларида, бинафшаларида, ёмғирларида, «Музликларни ёриб, чатнаб чиққан бойчечаклари»да кўринади. Севара Вафонинг шеърларида ўткир фалсафий ақл, теран туйғулар билан уйғунлашиб кетади: «Яралар битади — оғриқлар мангу...» Севара Вафо манзилларда тўхтаб қолмай, Ватан саҳроларидан, Ватан кенгликларидан, Ватан битикларидан ўз руҳини изламоғига ишонамиз.

Рауф ПАРФИ

Кўмиб юборилган минг йиллик орзу,
Ҳар кўклам кўз очар ёқутлаб гулда,
Андишали эрни атасанг кўрқув
Қушдай учиб кетгай устивор қўлдан.

Йўқса ханжаридан томар қизил сув —
Ювилган яроғин соларкан қинга,
Бармоқларин изи тортиб борар ув —
«Тош отиб бўлмагай сўқир, юпунга!..»

2

Қадимий осмонни ютса тутунлар,
Кўпиргай жунунлик қизиган қонда,
Қуёш фарёдидан қорайса тунлар —
Барака қўл силтаб кетса сув, нондан,

Заминда биргина оч шоқол қолиб,
Осмон йиртқиқларин асраб зиёндан,
Турналар овози ғалаён солиб
Сузган чоғ дайди ўқ қайтса осмондан...

Бирдан тилга киргай масъуд япроқлар,
Кароматли қўшиқ куйлаб ўша пайт,
Давра қуриб кўкда пичирлар тоғлар:
«Дунё кезган Орол, ўз кулбангга қайт...»

3

Она кўкрак тутар кўкалдошларга,
Ортгани оқадир далалар бўйлаб,
Илиқ сут жон берар зойил тошларга,
Кўмилган ҳар бир тош турадир сўйлаб.

Кетмонга урилган тошни эшитдим,
Эшитдим қаттиқ ер тагидан шивир:
«Мен она сутидан яралган эдим,
Тош қотиб йиғлайман пойингда ҳозир».

Қарғиш теккан бола асли бедаво,
Қарғиш теккан бола кўзи қонли ёш,
Уни имон қадар оғритар ҳаво,
Куйдириб юборар ичини қуёш.

Она кўкрак тутар кўкалдошларга,
Уроқлар ювилар, мовий далалар.
Эй дунё, айланиб борма тошларга —
Сут ва бол исидан сархуш қоялар...

* * *

Келмас тасодифдан чинқирди руҳинг,
Юрагингнинг қизил хиноларида...
Кўзларинг музини синдирди руҳинг,
Куз унсиз йиғлайди остоналарда.

Ҳазонлар ўпади маъюс даричанг,
У яна азобдай сени соғингай.
Сен тунлар йиғлайсан тоза, кўнгилчанг,
Ўзга бир дийдорга руҳинг сиғингай.

* * *

Ям-яшил тош, бахмал харсанг устига,
Қизиган бошимни қўйиб ухладим.
Ўттиз йил туш кўриб, уйғондим сувсаб,
Тошга илдиз отиб кетибдир қаддим...

Қаншарда оғир тош — тошбақа каби
Бораман руҳимни куйдирар бир Сўз,
Шу Сўз имиллайдир тошнинг тагида,
Барханлар суврати — ўн саккиз минг кўз...

Мажнун нафаслар

1

Мени кутқаз, Севгим, руҳимни кутқаз,
Шабнамдай бу Олам, дардим сиғдирмас.
Мени кутқаз, Севгим, руҳимни кутқаз,
Кўзим шишасини юз ғам синдирмас...

Бор бахт кўзим очгай — йўқотиш ғами...
Бой бериб Севгимни абад топгайман.
Қандай эди Сувнинг, Бугдойнинг таъми,
Гуноҳкор тупроқдан этак ёпгайман?!

2

Қонаб турган шиғил тутни қучганча,
Шу дарахтга сингиб бўлгайман ғойиб,
Руҳим-эй булбулим тикка учганча —
Тобутга атиргул ташлайсан ёйиб...

Пойингда зор, ҳусн сўрамайман, Ой,
Фақат бор доғларинг қолганин олгин.
Ярим офат бўлгай бокира чирой,
Палагимга чидам гулларин солгин.

Имон қалдирғочин юбор қошимга,
Оғир тунларида бирга йиғлашай.
Кўзимдан тўртта ёш тушса ошимга —
Дўзахий бир олов ютмоқликка шай...

3


Осмондай Севгимни қўйдинг қаритиб,
Кўзингдан томган тўрт муз тоғин ўпай.
Ўзга олов сени олмас эритиб,
Илкис нигоҳингда сой бўлиб ўтай.

Ўпиб танимассан бир кун алпингни,
Хиёнат кўксида кулиб ўлтирар.
Тоза руҳ қувилган муздай қалбингни —
Қора қўлқопларим бўғиб ўлдирар...

4

Соғинч бўлиб ёмғир ёғгай,
Ўпилмаган остонанга.
Қўл тегмаган қаро сочинг
Қўйдинг боғлаб-эй хонингга.
Минг кун тониб чин бахтингдан,
Бир «ёмонга» сиғингайсан.

Ўтилмаган остоналар
Ҳасад қилгай гул тананга.
Армон бўлиб ёмғир ёғгай,
Соғинч сачрар остонанга...



Дарёсини НУҚОТГАН ҚИРҒОҚ

Роман¹

УЧИНЧИ ҚИСМ

Жайхун дегани жойи хун маъносида
бўлса эҳтимол. Хун қон ва қасосдир.
Асқад МУХТОР

40

Ганжани ишга қабул қилишди. Аминов кўнмаган эди, Анисимов уни қайириб ташлади. «Ўғирлик ё ғарлик қилган эмас, ўз номусини ҳимоя этаман деб жабрланган. Виждонли йигит. Каллали инженер. Аввалги ишлаган ўрнига — инженерликка ўтказилсин».

Бошлиқ балин ўринбосар ўртасидаги бу суҳбатдан Ганжа беҳабар эди. Анисимов чақиртириб, бўлди энди, ишланг деганида аввалги ўрнига ўтишга рози бўлмади. Рабочий бўлиб ишлайман, инженерлик менга тўғри келмайди, деди. Тўппа-тўғри келади, деб Анисимов буйруққа имзо чекди.

— Дарё чўкиб қолди. Омборларда сув кам. ГЭСни ишлатишга ҳам етмайди. Қасноқдан иш бошлайсиз. Хандақларда анча сув тўпланиб қолган. Йўл очиб, шуни омборга чиқазиб олишимиз керак. Кеча чўтга солиб кўрдим, роппа-роса бир миллиард куб сув хандақларда ётибди. Бу ёқда одамлар томчи сувга зор. Шу бугуноқ ишга киришинг.

Анисимов бу йиллар ичида анча ўзгарибди. Сўзлари қатъий, жўяли. Аминовнинг шохини синдирган бўлса керакки, ўзини чин хўжайин ҳис қиляпти.

Ганжа аввал тўғонга борди. У кетганида ишлар чала-ярим эди. Тўғон ҳам, котлован ҳам, ГЭС ҳам битказилибди. Қизил шапкали жиддий қоровуллар тўғонни қўриқлашяпти. Хўжжатингни минг жойидан кўради. Шиорлар, паннолар, неон чироқлари кўзни олади. Ҳашамда ўлчов йўқ, бироқ сув ўлчовли. Котлован ярим қозон оқ шўрвадай аста биқирлайди. Тўғонга келиб пишқириб урилаётган дарё йўқ, унинг сатҳи паст. Кучи суғуриб олинган полвондай хоҳишсиз; юзи кўкимтир.

«Духновнинг айтгани келибди-да, — хўрсиниб ўйлади Ганжа. — Шундай бўлиши айтилган эди-ку. Қулоқ соладиган одам бўлмади. Энди бунга ким жавоб беради? Аминовми, унинг суянч тоғи бўлиб келган Болтабековми? Улар тегирмондан бутун чиқиб келган одамлар, яна чиқишади. Табиатни айблашади. Қор ёғмади. Ҳарорат паст бўлди. Сув камчил ва ҳоказо. Табиатни шу ҳолга солганлар кимлар?»

¹ Охири. Боши ўтган сонларда.

Муздубатга борганида Ганжанинг юраги тузоққа тушган қушдай типирчилади.

Ганжа дамба четидаги юпқа тош устига ўтирди. Сувга тикилди. Унинг кўзлари сув остидаги конни кўриб қолгандай, бирданига чарақлади. Кон аввалгидай одамлар билан гавжум эди. Қозоқ дузчилар саёҳатчилар атрофида парвона, оқ-оппоқ уюмлар орасидан бошларигина кўриниб турган, дардига шифо ис-таб тузга чўмилиб ётганлар устига тинмай шўр сув сепадилар. Кон сайлига келганлар орасида Қурбон ака ҳам, Қумрихон ҳам бор.

Ногаҳон Қумрихоннинг сўзлари эшитилгандай бўлди: «Ғор жа қиёматакан. Қоп-қоронғи. Бирам ваҳималики... Нари ёғи Марвдан чиқармиш. Шу ростми?» Ганжа ўз овозини ҳам эшитди: «Билмадим... Қумри, мен билан ғорнинг охиригача боришга розимисан?» «Ҳа». «Зимистон-ку, кўрқмайсанми?» «Кўрқмайман. Чунки ёнимда Сиз бўласиз-да». «Йўлда мени чаён-паён чақса-чи?» «Вой, нега чақаркан? Нафасингизни иссиқ қилинг».

Ўзини чаён чақишини Ганжа ўшанда билган экан-да. Лекин уни чаққан чаён захридан Қумрихон ўлди. Обод ҳам...

Ганжа сув остидаги конни кўрмаслик учун кўзларини юмди. Барибир хаёллар уни ғарқ этди. Яна эски гирдобларга олиб кетди. Ўша машъум кун кўз олди-га келди. Беихтиёр ўрнидан туриб кетди... Қувиш керак хаёлларни, қувиш керак. Акс ҳолда яшаш қийин. Ганжа сувга қарашга юраги бетламай, узоқларга кўз ташлади. Барибир оёғи остидаги сув омборини кўрди. Бу гал туз кони кўринмади. Кўкимтир сув эринибгина тебранар эди.

Ганжа эгри-бугри қамишлар теварагидан ўсиб чиққан харсанг устига ўтирди. Яна эсига Қурбон ака тушди. Туздан чиқиб икковлон шу харсанг устида ўтиришган эди, ўз саргузаштларини Қурбон ака унга шу ерда айтган эди. Унинг ҳоли не кечди экан? Ўз ҳасратлари билан бўлиб, Қурбон акадан хабар ҳам ололмади. Ганжа пастга тикилди. Кўм-кўк сув бир текис жимирлаб ётибди. Конни босиб, ўз қаърида яшириб ётган бу сувнинг бир қисмини Ойбулоққа олиш мумкин эмасми? Духнов Ойбулоқнинг сувини икки ҳисса ошириш мумкин, деган эди-ку. Агар шундай қилинса, Маздубат юки енгиллашади. Унга дамба қуриб туз конини чегаралаб олиш мумкин бўлади, кон тирилади. Ганжа сўзсиз дамба қуриш керак, деган фикрда тўхтаб, қушдай енгил бўлиб ўрнидан турди. Шу бугуноқ Маздубат лойиҳаси устида иш бошлашга аҳд этиб, Қисноққа йўл олди.

Конни қайта ҳаётга қайтариш ҳақидаги фикр унга гўё қанот бағишлаган эди. У чўқир тошлар устида юриб эмас, мисли дара узра учаётгандай юраги тошиб бораркан, ўзи хаёлан кўтарилган юксакликдан бутун Дулдулсой кўзга беш бармоқдай аниқ-равшан кўринди. Ана, Қисноқ, Ўзан сув омборлари. Қисноқда даярли сув йўқ. Ўзанинг тиниқ суви бир маромда тўғон сари йўналмоқда. Буни кўриб Ганжанинг хаёлига яна бир фикр келди. Ўзанинг суви Қисноққа олинса-чи? Насос станцияси қурилиб, сув Қисноққа олинса-да, унга қулф-калит қилинса, Ўзан ўзининг ҳақиқий ўзанлигига қайтади, сув тагида ётган тўқайга офтоб тегади, у ҳам қайта тирилади, сатҳи пасайган дарёдан лойқа сув келади. Ўзан лойиҳасини ҳам ишлаш керак, тезроқ ишлаш даркор. Тўғри, Маздубат ва Ўзанга қуриладиган иншоотларга анча маблағ керак бўлади. Аниқ таклифлар билан кирилса йўқ дейишмас, унинг қайтими беҳисоб-ку.

Ганжа узоқ йиллик мусибатлар остида эзилган жисму жонида илиқ бир ҳаловат сезди. Бир вақтлар бўлганидек, олам чексиз гўзалликка айланди. Яқин орада унинг кўрки яна-да ошади, тўқай яна яшил либосга бурканади, унда яна қушлар базм қуради, яна кон одамларни бағрига чорлайди.

Кўнгли бир олам орзу-умидларга тўлган Ганжа ҳали Анисимов берган топшириқни бажариш учун Қисноққа келди. Уни кутиб турган қурувчилар билан бирин-кетин қўл бериб омонлашди. Қисноққа кўз ташлади. Анисимов айтганидай, хандақларда сув тўпланиб қолган, уларга йўл очилса, омбор анча тўлишиб қолади. Ишни чеккадаги хандақдан бошлашди. Хандақ билан сув ораси тахминан икки юз метрча келади. Омбор тошганида тўлиб қолган хандақ энди сувни қайтариб бермаяпти. Фақат қазиб олиш мумкин. Бульдозер ва экскаваторлар ишга киришди.

Ганжа ишдан кеч қайтди. Қораянтоққа боришга вақти ҳам, мажоли ҳам қолмади. Шаҳардаги уйида қолди. Онда-сонда Анор хола келиб артиб-супуриб кетишини ҳисобга олмаганда, Анвар таътилга чиққанидан бери уй қулфлоглик

турарди. Уйда қолишга қолди-ю, кўнгли алланечук бўлаверди. Чой кўйди. Хувиллаб ётган меҳмонхонага ўтди. Диванга чўкди. Сўнгги кечада Қумрихон ўзини шу диванга ташлаган эди. Ҳадиксираб ётган эди. Ганжа беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Шкафга яқин борди. Ундаги кўзани кўриб энтикди. Авайлаб қўлига олди. Чанг-ғуборини артди. Қумранг кўзанинг дарз кетган жойларида оқ-сарик доғлар пайдо бўлибди. Қиртепа портлатилганидан сўнг кўзани Ганжа чуқурликдан олган, уйига келтириб, ювиб-артиб шкаф устига кўйган эди. Бир оз дарз кетган демаса, кечагина уста қўлидан чиққандай оҳорли. Унинг ишланганига балки минг йил бўлгандир, балки ундан ҳам кўпроқ!

Ушанда, Қиртепа портлатилмасидан олдин, қадимий хум ва кўзаларни кўриб Қурбон ака қанчалар қувонган эди. Ўтмишимизнинг янги қирралари очилдиган бўлди, деган эди. Аммо Аминов Қиртепани портлатиб юборди-ю, хум ва кўзаларнинг кули кўкка совурилди, ўтмишнинг тирик бир парчаси ўлди.

«Қизиқ, портлаб осмонга учган хум бўлаклари бошқа қолиб нега Аминовнинг ўғлини олиб кетди? Қиртепа ўчини Аминовдан олдими?»

Ганжа хаёл оғушида чойнак-пиёлани ювиб-артди. Чой дамлаб, чойнакнинг устига сочиқ ташлаб кўйди. Ётоққа кирди. Трюмони чанг босибди. Тумбочканинг устини бармоғи билан чизди. Йўғон чизиқ пайдо бўлди. Ошхонага кириб латтани олиб чиқди. Чангни артди.

Қумрихон кундалик ёзгучи эди. Уша кўк муқовали дафтари қаерда қолди экан? Унга ўзи ҳақида, бошқалар ҳақида ёзган бўлиши керак. Бошқа нимани ҳам ёзарди. Уша дафтарни топиш керак, албатта топиш керак. Ана унда кўп нарса очилади. Ўз-ўзидан очилади.

Ганжа тумбочка тортмасини очди. Сарғайган, буклоғлик қоғозга кўзи тушди. Олиб очди. Қумрихоннинг қўли, юраги жиз этди. Пала-партиш ёзилган хатни ўқий бошлади. Кўзларига ишонмади. Такрор ўқиди: «Обод акада айб йўқ. Ҳамма айб менда. Мени алдашди. Бриллиант узук билан сирғани қайтариб беринглар. Бошига урсин. Қумри».

Ганжа бошини чангаллаб ўзини катга ташлади. Демак, Ободда айб йўқ. Қамоқда Ганжанинг юрагини кемирган тахмин тўғри бўлиб чиқди. Чаён чаққан кишидай Ганжа инграб юборди. Бегуноҳ дўстининг кўксига пичоқ урган одамдан ҳам бебахтроқ киши бормикан бу дунёда?! Рашк устида хотинининг ўлимига зомин бўлган эрдан ҳам малъунроқ кимса бормикан?!. Лекин ўшанда Қумрихон бор гапни айтганида эди, икки умр хазон бўлмасди. Ганжанинг ҳаёти мажруҳ этилмаган бўларди. Ганжа хатни яна кўлига олди. «Бриллиант узук ва сирғани қайтариб беринглар. Бошига урсин». Узук ва сирғани Қумрихонга ким берган, уларни энди кимга қайтариб бериш керак?

Ганжанинг хаёлига Аминов келди. Ҳа, тақинчоқларнинг эгаси шу Аминов. Бошқа ким ҳам бўлиши мумкин. Доғули Аминов... Ганжа катни мажақлаб ташлағудай, икки ён тахтасини қулочи билан эзди. Худди қисувга тушган одам суюгидек, кат қисирлади. «Эҳ, Қумри, Қумри. Рақиб тузоғига илинганингни нега билмадинг? Билгач, нега яширдинг, нега мени ёрдамга чақирмадинг? Қўрқдингми? Ахир, сен кўрқоқ эмасдинг-ку! Нега бегуноҳ бир йигитга тўхмат қилдинг? Мени шунга мажбур қилишди деб ёзибсан. Қандай тилқисқилигинг бор эди. Узук билан сирғами?»

Ганжанинг рўбарўсида яна Аминов пайдо бўлди. У гўё катга яқинлашиб келарди. Ганжа сапчиб ўрнидан турди. Кат ёнида ҳеч ким кўринмади. Қаёққа ғойиб бўлди Аминов?! Энди уни тиз чўктирмаса, бу ҳаётдан Ганжанинг кўзи очиқ кетади.

Ёдгор Ҳамрони хафа қилганини эшитиб, Болтабеков Исроил раисни жеркди. Исроил ўзини оқламоқчи бўлди.

— Чорраҳада от пойлатиб турмасин, дедим-да.

— Бунга айтаётганим йўқ. Олдингизга бош эгиб келган одамни нега хафа қиласиз? Асарини-ку, яксон этибсиз, кўнглини ҳам топтаганингиз нимаси?

Исроил раис Болтабековни тушунмай қолди. Аввалги бир суҳбатида ижодкор борки, тирноқ остидан кир излайди, улардан эҳтиёт бўлинг, деган эди. Энди бўлса... Ўзи доим шоир Мавсумийга илтифот кўрсатади. Илтифоти эл

кўзи учун бўлса, нега Ёдгор Ҳамрони ҳимоя қилаяпти? Улар ўртасидаги суҳбатни биров эшитиб тургани йўқ-ку. Ё деворда ҳам қулоқ бор деб ўзини эҳтиёт қиляптими?

— Ҳайкалтарошни шу бугуноқ топиб, ундан кечирим сўранг.

— Султон ака...

— Уйига боринг. Кўнглини кўтаринг. Қуруқ қўл билан борманг. Кейин менга учранг. Тушуниклими?

Исроил раис ҳеч нарсани тушунмаган бўлса ҳам бош ирғади.

Болтабековни кузатиб юборгач, ишларини тезроқ юмалоқ-ёстиқ қилиб, ҳайкалтарошнинг уйига борди. Исроил раисни остонасида кўриб, Ёдгор Ҳамро шошиб қолди. Уйига ўз оёғи билан келган ижроқўмни ўтқазгани жой тополмасди.

— Ёдгорбой, ука, ўшанда сени хафа қилиб қўйдим.

— Йўға-ай.

Ҳайкалтарошнинг ялтоқилигини кўрган Исроил раис Болтабековнинг ундан кечирим сўранг, деганини ўйлаб ичида кулди.

— Хўш, топшириқ бажарилай деб қолдимиз?

— Шу-шу. Бажарилди.

— Боракалло.

— МТСга биринчи келган тракторнинг макетини ишладим. Чорраҳага ўша тракторни ўрнатасан...

— Идеянг ёмон эмас. Хўпми. Аммо биз трактор ишлаб чиқармаймиз-ку?

— Ноумид шайтон, Исроил ака. Бугун бўлмаса, эртага ишлаб чиқарармиз. Қолаверса, Тошкент трактор чиқаряпти...

— Тагин ўйла, Ёдгорбой. Чуқурроқ ўйла, хўпми. Ёдгорбой, сенга бир сарупо ҳада қилай дедим.

— Йўға-ай. Менга-я?

— Ҳа, сенга. Сенга бўлмайдими кимга бўларди. Шоперни чақир. Опкесин.

— Исроил раис импорт костюмни ҳайкалтарошга кийгизди. У оғзи қулоғига етиб, ҳар дамда раҳмат дерди...

Болтабеков буни эшитиб, секингина, яхши, деб қўйди. Дала ишлари, чорваннинг аҳволини суриштирди. Топшириқлар берди. Кабинетдан идора ҳовлисига чиқишди. Икки томони ҳамиша баҳор — гултожихўроз, райҳонлар билан қопланган йўлакда бесўз бориб-келиб юришди. Муҳим бир гап айтилишини раис ҳис этди. Болтабеков бирон сирли гап айтмоқчи бўлса, телефондан йироқ мана шу йўлакка чиқар, сайр қилиб юрган алпозда гапини айтиб оларди.

Анча юришгач, Болтабеков дилини ёрди. Раиснинг бутун жисми қулоққа айланди.

Шу куниёқ Исроил раис Ёдгор Ҳамрони Ижроқўмнинг меҳмонхонасига олдиртирди. Яхшилаб зиёфат қилди. Ҳайкалтарош талтайиб кетди. Оғзининг таноби қочди.

— Узинг тузук одамсан, Ёдгорбой ука. Хўпми. Лекин оғзинг бўш. Ичингда гап турмайди, деб эшитаман.

— Узунқулоқ гапларга ишонманг, раис ака. Менга айтилган гап қумга сеппилган сув.

— Ундай бўлса яхши. Сўзингга ишонаман. Жуда муҳим бир гап бор. Лекин иккаламиздан бошқа одам билмаслиги шарт. Хўпми. Сир сақлай олсанг, бўсанг олтиндан бўлади. Оғзингдан гулласанг, ростини айтмай, бошинг кетади.

Ёдгор Ҳамро сир сақлашга қасам ичди. Ҳайкалтарошнинг онти бутунлигига ишонгач, Исроил раис мақсадга кўчди. Машҳур одамнинг номини тилга олди.

— Шу кишини биласан.

— Уни ким билмайди.

— Яхши. Эса унга бир совға ишлайсан.

Ёдгор Ҳамро жонланди. Исроил раиснинг кўзларига диққат билан тикилди. Раис сирли оҳангда деди:

— «Олтин тўғон» деган бир скульптура яратасан.

Ёдгор Ҳамро талмовсиради. Исроил раис шошилмай мақсадни тушунтирди. Ёдгор Ҳамро гапга тушунди. Раиснинг семиз қўлига қўлини берди.

Ижроқўм меҳмонхонасидан чиқиб, уйига йўналаркан ўйга толди. Олтин тўғон... Буларнинг ўйлаб топган нарсасини қаранг. Тоза олтиндан ишлатмоқчи-я!

Шунча олтинни қаердан олишаркин? Бойлик деганинг дарёдай оқиб турган экан-да. Мана, нима учун мансабга интилишади. Амал курсига миниб олиш-гач, умр бўйи олтин ўйнаб юришади. Пора беришнинг йулини топишганини айтмайсизми. Дулдулсойдай буюк қурилишнинг макети ўша буюк одамнинг уйида турса қандай ярашади. Кўрган одамнинг қойил қолмай иложи йўқ. Унинг соф олтиндан ишланганини биров ўйлаб ўтирибдими...

Едгор Ҳамронинг оёғи чуқурга тушиб салқиб кетди. Тўхтаб, туфлисининг боғичини тортиброқ бойлади. Йўлида давом этди. Яна ўйга берилди. Дўстандани кўп душман. Одамнинг изида одам. Олтин тўғон макет-қолипни ишлаётганим-ни биров сезиб қолса нима бўлади. Нақ отишади-я! Аммо орқамда шундай зўр таянчларим турганида нимадан қўрқаман. Улар менинг устимдан қуш ҳам учиришмайди. Бу совға битказилиб, хўжайинга етказилгач, Исроил раиснинг ҳам, бошқасининг ҳам мартабаси яна бир поғона ошиши турган гап. Шундан кейин биров ғиринг деб кўрсинчи.

Едгор Ҳамро яна туртилиб кетди. Бу гал оёғи қаттиқроқ лат ебди, икки-уч одим ҳаққалади. Олажак улушини, қўлига кирадиган жаранг-журинг олтинлар-ни ўйлаб, оғриқни ҳам унутди-да, дадил-дадил юриб кетди.

42

Юрагинг тошиб кўксингга сиғмай қолса, ҳаволаниб кетсанг, қабристонга бор, ундаги мунг ва ҳазинликни кўриб, ҳовуринг босилади. Агар руҳинг чўкиб кетса, дарёга бор, унинг асов мавжларини кўриб кўксинг тоғдай кўтарилади. Бу халқ нақлининг маъноси қанчалар теран. Аммо дарёга бориб руҳнинг кўтарилиши... Тўғри, азал-азал шундай бўлган, дарё руҳга қанот берган. Лекин энди Амударёга руҳинг тушганида эмас, балки юрагинг тошиб, босар-тусарингни билмай қолганинда борганинг маъқул. Дарёнинг маҳзунлигини, тўлқинларни бой бериб, мунғайиб қолганини кўриб, тизгинини йўқотиб қўйган туйғуларинг сокин тортади, ўзингга келасан, одамларнинг бешафқатлигини ҳис этиб сергак тортасан. Руҳинг чилпарчин бўлади.

Синиққан руҳига мададни Ганжа фақат Хивадан излайди. Асрий миноралар, нилий гумбазларни кўриб, кўнглидаги ғуборлар тугуни биров ёзилгандек бўлади, оний ҳисларининг тўкинчилиги, ўз дарёлигини ҳеч қачон йўқотмайдиган ҳаётнинг боқийлигини туйиб, ўй ва хаёллари равшан тортади.

Ҳозир ҳам худди шундай бўлди. Ичонқальанинг бош дарвозаси — Отадарвозадан ўтиб, Мадаминхон мадрасаси билан Кўҳна Арк оралиғидаги кўчага кирганиданоқ руҳиятида енгиллик сезди. Борлиғини эзиб келган кўзга кўринмас тош елкасидан тушиб кетгандай бўлди. Зиёратга келган одамларга қўшилганча, ўктам қадам ташлаб тўғрига юрди. Қалтаминор ёнидан чапга — Кўҳна Арк дарвозаси томонга бурилди. Дарвозага етмай зиндон олдида тўхтади. Зиндоннинг одам зўрға сиғиб ўтадиган пастак эшигига кўз ташлади. Кўпи билан беш-олти маҳбус сиғадиган зиндонда кўзни қўрқитадиган ҳеч қандай маҳобат кўрмади. Унинг олдидаги қатл майдони супуриб-сидирилган, худди сайлгоҳни эслатади. Кунчиқарда нақшиндор Феруз мадрасаси, кунботарда Кўҳна Арк. Ганжа Арк ичидан ўтиб қалъа деворига яқинлашди. Қалъа юқорисида Оқ шайх бобо тепалиги бутун салобати билан кўриниб турар, деворга тирмашганча кимлар тепага кўтарилиб боришар, кимлар у ердан тушиб келишар эди.

Деворларнинг кўчган жойларидан зиёратчилар «зинапоя» ясаб олган тирқишдан тирмаша-тирмаша Ганжа тепага кўтарилди. Бир арава бемалол юра оладиган паҳса саҳнада нафасини ростлаб турди-да, девор устидан юриб Оқ шайх бобо қароргоҳига кирди. Қароргоҳнинг шаҳарга қараган томони усти очик, деворлари эскирган бўлса-да, пишиқ. Ичида ажнабий сайёҳлар чуғурлашиб, худди кафтдагидек кўриниб турган Ичонқальани «чирқ-чирқ» суратга олишгани-олишган эди.

Оқ шайх бобо қалъанинг энг баланд нуқтаси. Ундан бутун шаҳар, қалъа ташқарисидаги қишлоқлар, қум этагига жойлашган Сайёдхон боғи, ундаги уч қаватли хон Чодираси бемалол кўринади.

Ана, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси. Гумбаз куз осмонидай рангин. Олтин қуббаси узра оппоқ каптарлар оҳиста-оҳиста қанот қоқади. Уктам сарв янглиф

кўкка бўй чўзган Ислон хўжа минораси қуёшнинг заррин нурларига ювиниб-таранган. Хиванинг пир меъморлари ҳозиргина унга сайқал бериб, сўнгги нуқтани қўйиб тушгандай тоза ва оҳорли.

Минорага яқин Шерғозихон, Оллоқулихон мадрасалари, Тошқовли, Карвонсарой олди сайёҳлар ва зиёратчилар билан гавжум. Турли-туман мадраса, минораларни оралаб ўтган кўчалар Карвонсарой олдида туташади. Одамлар оқими унинг олд дарвозасидан кириб, ҳадемай нариёғидан — бозордан чиқиб расталар ораллиғидаги харидорлар сафига қўшилиб кетади. Телпак бозори, қуш бозори, баззолар, қовун бозори, мисгарлар, кулоллар, ширапазларнинг дўконлари бир-бирига уланиб кетган. Уларнинг орасида фақат Хиванинг машҳур балиқхоналари кўринмайди. Бу ерга келган одам бирров бозорга кириб, ундаги балиқхонадан тамадди қилмаса, ўзини Хивага борган деб ҳисобламас эди.

«Ичонқалъани ўраб олган қалин пахса девор, унинг қулоч етмас кунгуралари, нақшиндор дарвозалари йилларнинг шамолларига кўксини тутганча ҳамон мағрур турибди. Инсон қўли билан яратилган шу ёдгорликлар барча офатларга дош беради-ю, инсоннинг ўзи нега сал шамолга эгилади, нега у ўзи яратган бинолардай чидамли, ўзи қурган миноралардай саботли эмас?! — Оқ шайх бобо тепалигидан шаҳарни кузатаркан, Ганжа шу ҳақда ўйларди. — Одам зоти ўзи яратган юксакликлардан пастга тушиб кетмаслиги керак. Чор-атроф аниқ-равшан кўриниб турган баландлик, мана шу Оқ шайх бобо отлиғ юксаклик уники, унинг ўзиники. Тақдир бўронларида урилиб-қоқилганлар шу юксакликни ёдда тутишлари, унга талпинишлари, унга яна чиқиб олишлари керак...»

Ганжа юрагида қувват сезди. Асрий салобат ва буюклик олдида ўзининг дардлари майда ва ўткинчи бўлиб кўринди. У пахса «зинапоялар»дан аста пастга тушиб гавжум кўчаларга кириб кетганидан сўнг ҳам Оқ шайх бобо бахш этган ёруғ туйғу юрагини тарк этмади.

Қумрихон ёзиб қолдирган хатни топиб олганидан кейин Ганжа кўк муқовали дафтарни узоқ ахтарди. Аммо сазъ-ҳаракатлари зое кетди. Дафтар топилмади. Уша бир энлик хатнинг топилганига ҳам шукр қилди. Узича кўп режа тузди. Энди у аввалгидек шартта бир қарорга келолмас, етти ўлчаб бир кес қабилида иш тута бошлаган эдики, бунга уни кўп жиҳатдан қамоқда кечган йиллар ўргатди. Чекист Олимжон Одилов билан бўлган мулоқотлар... Адлия ходимлари орасида ҳам пихини ёрганлар кўплиги ҳақида у айтган гаплар ва келтирган мисоллар... Дарвоқе, Олимжон ака ярим йилча олдин Боғистонга ишга келибди. Ганжа уни излаб топишга қарор қилди. Шу орада Қурбон аканинг оғирлашиб қолганини эшитди. У-бу нарса олиб уйига кўргани борди.

Негадир Қурбон акага ерга жой қилишган, икки қават бахмал тўшак устида оқ сурпга ўралиб ётарди. Ганжани кўриб бошини ёстиқдан хиёл кўтарди. Ганжа энгашиб омонлашди. Қурбон аканинг қўли қоқсуяк бўлиб қолганини кўриб ичи ачиди. Утган гал келганида бунчалик эмасди. Ғам-ғусса кемириб, адои тамом қилибди.

— Ҳақиқат бор деб юрардим, энди бунга гумон қиламан, ўғлим.

— Ҳали ҳаммаси яхши бўлади.

— Шуни кўриб кетсам армоним йўқ эди.

— Гумонингиз кимдан, Қурбон ака?

Қурбон ака бошидан ўтган воқеаларни яна эслади шекилли, узоқ индамай ётди. Ҳансиради. Ганжа унга ёстиқ ёнидаги яхна чойдан қўйиб узатди. Ёстигини кўтариброқ қўйди. Қурбон ака қийинчилик билан чойдан ҳўплади.

— Тузоқни Исроил раис қурди, албатта.

— Қора шарпа ҳақида гапирган эдингиз. Милиция келишидан олдин келингиз уни уйингиздан чиқиб кетаётганида кўрган экан. Шу ким бўлиши мумкин.

— Бу ҳақда кўп ўйладим. Хаёлим айланиб келиб ҳар гал қўшнимизда тўхтайверади. Раиснинг ялоғини ялаб юрганлардан бири шу Қулжон эди.

— Йилқичи Қулжон ака-я?

— Ҳа. Унда имон йўқ.

— Ораларингдан бирон гап ўтганмиди?

— Йўқ. Раиснинг амри билан иш тутган-да.

— Текширтириб аниқласа бўлмасмикан?

— Сен у ёқда эдинг. Хабаринг йўқ. Ҳақиқатни очаман деб жонимда жон қолмади. Фойдаси бўлмади. Ёпди-ёпди қилишди.

— Энди замон ўзгаряпти, Қурбон ака.

— Замон ўзгаргани билан органда ҳам, ундан юқорида ҳам ҳали ўша каз-зоблар ўтиришибди. Улар бор экан, эзгулик бўлмайди.

Ганжа Одилов ҳақида гапириб берди. Унинг Боғистонга, органга ишга келганини айтди. Қурбон аканинг жонсиз юзида барибир ўзгариш сезилмади. Унинг органга, одамларга ишонмай қўйгани кўриниб турарди. Бир оздан сўнг Қурбон ака деди:

— Уни ҳам аллақачон қўлга олиб қўйишгандир.

Ганжа эътироз билдирди.

— Сен буларни билмайсан, ўғлим, — Қурбон ака оғир нафас олди. — Ҳар қандай тўғри одамни ҳам йўлдан уришади. Тағларида амал курсиси, қўллари тўла жарақ-жарақ пул...

Ҳаммадан йхлоси қайтган кишини бирон нарсага ишонтириш қийин. У муттаҳамларнинг тузоқларига илинавериб, ҳақ гапни айтгани учун таъқиб ва азоб-уқубатларга дучор бўлавериб, замонга ҳам, унинг казо-казоларига ҳам шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолган. У шу тахлит дунёдан ўтиб кетмаслиги керак. У бизнинг кунларда ҳам ҳақиқат рўёбга чиқиши мумкинлигини кўрсин, мансабдор қаллоблар, уларнинг ҳамтовоқлари эл-юрт нафратига учраганларини кўрсин. Унинг ҳам елкасига офтоб тегсин. Ганжа шу йўлда нимаики қилиш керак бўлса, иккиланмай бажаради. Биринчи навбатда Қулжонни фош этиш керак.

Ичига чўкиб кетган кўзларини Қурбон ака Ганжага тикди. Ганжа унинг муҳим бир гап айтмоқчи эканини сездди.

— Ўғлим, Зариф укангни ўйлайман. Бошини икки қилишим керак эди. Бу аҳволда...

— Бунинг нимасини ўйлайсиз. Қанақа хизмат бўлса ўзимиздан ортмайди.

— Тўғрику-я, лекин... Янгангнинг гапига қараганда қизнинг ота-онаси норози эмиш.

Болаларнинг дарё бўйидаги ўша муштлашувидан кейин Зариф ва Гулсорани Ганжа ётоқхонагача кузатиб қўйган эди. Улар кейинчалик ҳам икки-уч марта учрашдилар. Аминовнинг ўғли ҳалок бўлганидан сўнг Зариф изтироб чекди. Сен нега эзиласан, деди Гулсора, сенга у қасд билан келган экан, тош ўзига тегди. Ганжага қизнинг дадиллиги, мустақиллиги ёққан эди. Орадан йиллар ўтиб улар ўқишни битказишди, ҳозир Дулдулсойда ишлашмоқда. Бир-бирини севишса, уларга қаршилик қилиб бўладими, Гулсора қаршиликка бўйсунадиган қиз эканми? Шулар ҳақида ўйлаб Ганжа Қурбон акага деди:

— Гап Гулсорада, ота-онаси рози бўлмай қайга борарди. Лекин у савдогарлар кўп хиралик қилишлари ҳам мумкин. Айниқса ойиси Олтиной пул деса ўзини томдан ташлайдиганлардан.

— У қурумсоқларнинг нимасига қизимни бераман, депти ойиси. Қизини ёғлироқ жойга сотмоқчи шекилли.

— Қисинманг, Қурбон ака. Хўп десангиз, Зарифбой билан ўзим гаплашай. Гулсоранинг ҳам фикрини биламиз. Кейин шунга қараб иш тутамиз-да.

— Ўзинг не ташвишларда юрибсан...

Ҳечқиси йўқ, Қурбон ака. Бизнинг кўчамиздан ҳам мана тўйнинг ҳиди келяпти-ку, ахир.

Беморни толиқтириб қўймаслик учун Ганжа қўзғалди. Эртага яна келарман, деди. Қурбон аканинг кўзларида умид учқуни кўрингандай бўлди. Ганжа беморнинг олдидан енгил тортиб чиқди. Қўшни ҳовли ёнидан ўтаётди, дарвоза олдида қўймаланаётган кишини кўриб қолди. Бу Қулжон эди. Унинг қошига қандай қилиб борганини Ганжа ўзи сезмай қолди.

Бандидан қайтган йигитнинг кутилмагандаги ташрифи уй эгасини чўчитди. Хавфни сезиб бўйинини ичига олган типратикондек гужранди. Ганжа буларнинг ҳаммасини пайқади. Уни юмшатиш, гумон ва ҳадикни ўртадан олиб ташлаш мақсадида кулумсираб қўлини чўзди:

— Ассалому алайкум, Қулжон ака.

— Кел.

— Таклиф қилмасангиз ҳам келдим.

Уй эгаси меҳмонни ичкари киритгиси йўқ эди. Кели устида турган дастурхоннинг бир чеккасини очди. Ганжа нондан тотиб, дастурхонни ёпди. Оёқ устида туриб гаплашдилар.

— Бува раҳматлик...

— Ҳа шундай бўлди. Ажал қистади уни. Йўқса кўп айтдим.

— Отларни ўйлаган-да.

— Ўйлаган билан қўлидан нима келарди. Ана отларга қўшилиб ўзи ҳам кетди.

— Жасадини топиш керак эди.

— Ким билади қайси тўронғига илашиб қолди. Асли ажали тўқайдан экан. Бир марта қутқазишган эди, иккинчисида бўлмади.

— Раҳматлик бутун қишлоқнинг буваси эди. Бирон ёдгорлик ҳам қолмади.

Ганжанинг овозидаги андуҳдан кўнглидаги муз эридимиз ёки ўтган кунларни эслаб илидимиз, Қулжоннинг юзидан совуқлик кўтарилди. Ганжа бу пайтда ўз режаси устида ўйлар эди. Мақсадини Олимжон Одилвосиз амалга оширолмайдими, албатта. Аммо унинг олдига бориб Қулжон ҳақида гапириш учун бирон асосга эга бўлиш лозим. Қулжоннинг бармоқ излари олинса-чи? Мабодо Қурбон аканинг уйдан топилган қора халтадан ўз вақтида бармоқ излари олинган ва сақланган бўлса, иш осон кўчади. Олимжон ака бирпасда Қулжон ҳақидаги шубҳани аниқлатиб бериши мумкин. Хўш, қандай қилиб Қулжоннинг қўлидан бирон нарсани олса бўлади. Чеккада ётган эски арава филдираги ва унинг ёнидаги узангини Ганжа дарвозадан кирганидаёқ кўрган эди. Уша узангини сўраб олса-чи? Қулжон бунга қандай тушунаркан? Пайт пойлаб Ганжа узангини тилади.

— Ниманга ярайди?

— Кўпдан эски нарсаларни йиғиб юраман. қиртепадан битта кўза ҳам олиб қўйганман. қизиқиш-да, Қулжон ака, ҳозирги тилда хобби.

— Ҳамиша ажаб ишларнинг бошида юрасан-да ўзингам.

Қулжон чанг босиб ётган узангини олди. Чангини пуфлади. Енги билан артди. Уни биринчи кўрган кишидек қўлида айлантириб томоша қилди. Занг босган демаса, узанги яп-янги эди.

— Узанги — от билан узанги, йўқса қуруқ темир. Ма, олақол.

Ганжа уни четидан ушлаб олди. Авайлаб рўмолга ўради. Хайрлашаётганида Қулжоннинг кўзларига қаради. У узангини сўраб олгани Қулжонга малол келдими, йўқми, шуни билмоқчи эди. Қулжоннинг кўзида ҳадик кўринмади.

Анисимовни яхши биладиганлар кўзларига ишонмай қолишди. У бир юз саксон градусга ўзгарди. Феълидаги муқимсизлик кайфияти ўрнини қатъият ва жўмардлик эгаллади. Аминовнинг раъйига қараб иш тутиб келган одам уни назар-писанд қилмай қўйди. Иссиғи ҳам, совуғи ҳам бўлмаган бош инженерни бўшатиб, ўрнига Искандаровни тайинлади. Қурилиш-монтаж бошқармаларининг бошлиқларини бирин-кетин алмаштира бошлади.

Уйқубосди мажлисларга барҳам берилди. Дулдулсойни Ўрта Осиёдаги энг катта қурилиш деб оғиз кўпиртиришларга чек қўйилди. Бир-икки жойда Анисимовнинг ўзи қурилишда ортиқча дабдабага йўл қўйдик деб айтди. Ганжа Қиличевнинг ёнини олиб гапирди. Туз кони ва тўқайни беҳуда бой бердик, деди. Уларни қайта тиклаш ҳақида Қиличев кўтарган ташаббусни қўллаб-қувватлади. Лойқа сув келтиришга шундай катта қизиқиш ва қатъият билан киришдики, Узан лойиҳаси смета ҳужжатларини тайёрлаш устида куну тун иш олиб борилди. Қисқа вақт ичида мутахассислар икки марта марказга командировка қилинди. Йирик ва тажрибали мутахассислар, лойиҳачилар маслаҳатга чақирилди.

Одамлар Анисимовдаги бу ўзгаришни икки нарсага йўйдилар. Биринчиси, у юқорида маҳкамроқ бир таянч топди, шунга орқа қилиб исён кўтаряпти, иккинчиси, кўчманчилиги тутаётир, бошқа жойдаги амалга ном чиқариб кетмоқчи.

Бундан бўлак нуқтаи назарлар ҳам йўқ эмас. Аминов тарафдорлари уни телбага чиқазишди, ўз бошини ўзи кундага қўймоқда, тез орада кунга биттади, дейишди. Дулдулсой шўхратининг кундан-кун сўниб, ерларни шўр босаётгани-

дан куйиниб юрган одамлар Анисимовда пайдо бўлган ғайрат-шижоатдан далда олишди.

Анисимовдаги ўзгаришга оддий бир ноҳақлик туртки бўлди, деган нуқтаи назар ҳам йўқ эмас. Дулдулсой гидроиншоотининг қуриб битказилиши сув энг тақчил бўлган пайтга тўғри келди. Сув омборлари деярли қуриб қолди. Колхоз-совхозлардаги ишларга путур етди. Қақраган далаларни зах сувлар билан суғора бошладилар. Дулдулсой қурилгач, сув сероб бўлади, фалон минг гектар янги ер суғорилади, деган гаплар шамолга совурилди. Шундай бир пайтда Аминов гидроиншоотни тантанали очиш маросимига тайёргарликни бошлаб юборди. Зўр тўю томоша бўлишини овоза қилиб, бемаврид ноғора чала бошлади. Хўжаликларга сув етказиб беролмаётганидан изтиробга тушиб, ич-этини еб юрган Анисимов буни кўриб тутақиб кетди. Ҳозир қанақа тантана бўлиши мумкин? Аминов ўртага Болтабековни солди (аслида бу Болтабековнинг топшириғи билан бўлаётган ишлар эди). Болтабеков, тантанали маросим аллақачон планлаштириб қўйилган, бу ҳақда иккинчи фикрнинг бўлиши мумкин эмас, деб чўрт кесди.

Анисимов сим орқали тўғри Москвага чиқди. Вазиятни тушунтирди. Тантанали маросим ўтказилмайдиган бўлди. Аминов, одатдагидек, Болтабековнинг ҳузурига югурди. Болтабеков бу гал Анисимовга ҳеч нима демади. У бошқа нозик усул қўллаган, Анисимовни қўғирчоққа айлантириб қўйишга қасд қилган эди.

Шундан кейинги ҳамма ишлар Аминов орқали бажариладиган бўлиб қолди. Анисимовга бирон масала юзасидан мурожаат этишмайди, уни биров бормисан-йўқмисан демайди. Балки ана шу вазият Анисимовни чегарадан чиқариб юборгандир...

Искандаров билан Ганжа унинг кабинетига кириб келишганида Анисимов Дулдулсойнинг девордаги харитасига тикилиб турар, гўё уни биринчи кўраётган одамдек яшил, сариқ, қизил нуқта ва чизиқларга синчковлик билан боқарди.

— Тўғри ўйлабсиз, — деди Ганжага уларни харита олдига таклиф қилиб. — Маздубатдан Ойбулоққа бир миллиард куб сув олса бўлади. Шундан сўнг Маздубатнинг ичига дамба қуриб, туз конини чегириб оласиз. Айтганингиздек, Ўзан ва Қисноқни ҳам «биродарлаштириш», биринчисининг юкини иккинчисига олиш мумкин. Қарабсизки, тўқай ёруғ дунёга чиқади.

Улар ён томондаги стол атрофига ўтиришгач, Анисимов Ганжанинг кўзига тик қараганча деди:

— Гапнинг пўскалласини айтганда, биз, тўғрироғи, мен ўз хатоларимни тўғриламоқчиман. Иншоотнинг нотўғри қурилишига ўзим йўл қўйиб бердим. Энди уни ўзим тузатиб, гуноҳларимни ювмоқчиман.

— Утган гап-у, Иван Александрович, — деди Ганжа оҳиста, — нега ўшанда фойдали таклифларни қўлаб юбормадингиз?

— Бунинг сабаблари кўп, Ганжа Қиличевич. Авваламбор, Духнов кеч уйғонди. У лойиҳасини кўтариб келганида, ҳукуматга хат йўллаганида қурилиш бошланиб кетган эди. Иккалангиз ҳам мутахассис йигитларсиз, қурилишни тўхтатиб, бошқатдан бошлаш нималигини яхши биласизлар: Қолаверса... У пайтдаги вазият ҳозиргидан бутунлай фарқ қиларди, гапирганинг фойдаси йўқ эди.

— Ҳар қандай шароитда ҳам бошқарма бошлиғининг сўзи ҳал қилувчи роль ўйнайди.

— Энди, ҳозир шундай, — бошлиқни ноқулай вазиятдан чиқармоқчи бўлди Искандаров. — У пайтда эса...

— Ганжа Қиличевич ҳақ, — унинг сўзини бўлди Анисимов, — гап менга боғлиқ эди. Ўзимни оқламоқчи эмасман. Журъатсизлик қилдим шекилли...

— Хатони тузатишнинг кечи йўқ, дейишади.

— Ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани тузук, денг?

— Иван Александрович, журъатсизлик қилдим дейсизу, барибир, сиз мард одамсиз.

Искандаровнинг бу ширин гапи Анисимовга лаганбардорликдай туюлди.

— Утган ишга салават, — деди бу мавзуга чек қўйиб. — Хўш, хат тайёр бўлдими?

Искандаров юпқа яшил муқовали папкасидан икки варақ тўла хатни олиб, Анисимов олдига қўйди. Иван Александрович уни диққат билан ўқиб чиқди. Бу-

лади, деди, министр бу хатга албатта эътибор беради. Анисимов хатга имзо чекди. Искандаровга бериб, ҳозироқ жўнатинг, деди. Туз кони ва тўқайни қайта тиклаш, Боғистонга лойқа сув келтириш ҳақидаги бу хат зудлик билан министр номига юборилди.

Шундан кейин илгариги миш-мишларга янгилари қўшилди. Анисимовнинг ўзгариб кетиши сабаблари ҳақида ким қандай фол очса очаверсин-у, аслида косанинг тагида нимкоса бор, буни Иван Александровичнинг ўзидан бўлак ҳеч ким билмасди. Москвада Духнов Ямандан қайтиб келаётган эмиш, министр ўринбосари бўлса керак, деган гапнинг учи чиқиб қолган, буни «билгич» ўртоқларидан бири Анисимовга етказганди.

Шу гап чин бўлиб чиқса, Анисимовга ҳамма йўллар тақа-тақ бекилиши мумкинки, бунинг олдини олиш учун ҳаракатни «хатоларни тузатиш»дан бошлашга тўғри келарди.

44

Буванинг ўлимидан сўнг Сотим кўп куйиб-пишди. Бува қишлоқнинг кад-худоси эди. Ёш бўлсин, кекса бўлсин, билимсиз ё донишманд бўлсин, Буванинг олдидан кесиб ўтмас эди. Етмиш хўнарли, қалби ҳикматга тўла бу одамнинг отлар билан бирга сувга фарқ бўлгани ҳақидаги хабар бутун қишлоқни оёққа турғизди. Тўқайни сувга бостирганларни, отларни қишлоқдан ҳайдаб юборгани, Буванинг ўлимига зомин бўлганларни бутун халқ қарғади. Отларни тутиб келтириш учун Бувани тўқайга юборганида бундай хунук ҳол юз беришини Сотим қаёқдан билибди.

Одамлар Кийиктўқай ўрнида пайдо бўлган сув омборига қайиқларда тўп-тўп бўлиб киришди. Узун-узун таёқлар билан сув остидаги дарахтларни уриб-силкитиб кўришди. Гумон қилинган жойларга шўнғиб, узоқ ахтаришди. Сотим Боғистонга одам юбориб, сувга чўкканларни қўтқариш жамиятидан мутахассисларни олдирди. Ғаввослар бир неча кун ахтарсаларда, фойдаси бўлмади.

Сотим Буванинг уйига бориб, Момони юпатди. Каму кўстидан хабар олди. Маъракаларини ўтказишга бош бўлди. Қилинган ишлардан таскин топиш ўрнига борган сайин эзилди. Буванинг ўлимига ёлғиз сабабчи қилиб одамлар уни кўрсатадиган, унга ёмон кўз билан қарайдиган бўлиб туюлаверди.

Пахтанинг ўрнига ҳам шоли эктирди. Тўғри, худди кутганидек, шоли кўпайди. Лекин одамлар унга раҳмат айтганлари йўқ. Аксинча, ундан норози бўлдилар. Негаки, боғлари қуриди, уйлари нуради. Хуллас, раислик унга яхшилик келтирмади.

Раиснинг қишлоқ активлари билан ҳам ораси бузилди. Қўл остидаги одамлар уни менсимай қўйдилар. Терслиги учун бухгалтерни алмаштирди. Ишдан кетаётиб бухгалтер уни саводсиз деб ҳақоратлади. Аслини олганда, бухгалтер ҳақ. Сотимда савод нима қилсин. Ўзи оддий экскаваторчидан раисликка кўтарилган одам, бухгалтерия ишини қаёқдан билсин. Лекин билмайман деб аралашмаса ҳам бўлмайди-да, унда раислиги қаёқда қолди. Аралашди. Бухгалтер хафа бўлди. Кейин босиқлик билан раисга ҳисоб-китобни тушунтирди. Сотим унинг сўзларини эшитгани билан дебитор-кредитор деганларининг мағзини чақолмади. Барибир ўзини билимдонга ўхшатиб кўрсатишга уринди. Оқибатда обрўси кетди.

Лекин шуларга у айбдорми? Мени раисликка кўтаринг, деб бировдан илтимос қилибдими? Йўқ деганига қўймай курсига ўтқазиб кетишди. Ақли етганича ишлади. Рулни қайси томонга қараб буришни билмагандан кейин нима қилсин? Айб уни раисликка кўтарганларда.

Раисликнинг мужмал ташвишларидан безор бўлиб, экскаваторини соғиниб, бир кун ариза ёзди-да, тўғри райкомга борди. Райком саркотиби бу гапни бир айтдингиз, бошқа гапирманг, Болтабеков эшитса нима деган одам бўламиз, деб уни койиб, кабинетидан мулзам қилиб чиқарди.

Сотим ишдан бутунлай совиди. Кимсасиз чўлда адашиб қолган одамдай гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга юриб кўрди. Тўғри йўлни тополмади. Кўнгли остин-устун бўлиб юрганида уни Исроил раис чақиртириб қолди. Сотимнинг кайфиятидан беҳабар эканми, келажагинг порлоқ, деди. Сўнг бир гап айтди...

Исроил раиснинг ўша гапидан — мана, неча кундирки, Сотим ўзига келол-

майди. Ўзича наҳотки деб қўяди. «Гапнинг рости, аҳмоқ эканман, — дейди. — Бировга айтадиган гап бўлса ҳам кошки эди. Дил ёриб ўзгача гапиролмасанг, ичингга сиғдиролмасанг... Искандарнинг шохи бор, деб қудуққа беҳудага қич-қирмаган эканлар. Ҳозирги кунларда қудуққа ҳам қичқириб бўлмайди. Кетингда юзта искович...»

Сотим уйига вақтидан эртароқ қайтди. Хотини, болалари билан гаплашмади. Ўзини таппа кўрпачага ташлади. Болаларни киритма деб хотинига буюрди. Коньяк билан газагини опкел, деди. Хотини унинг авзойини кўриб, бир нима дейишдан чўчиди, айтганларини муҳайё қилиб, оёқ учида меҳмонхонадан чиқиб, эшикни зичлади. Сотим холодильникда муздай бўлиб турган шаробни пиёлага қуйиб, симириб ичди. Кўнгли равшан тортди. Яна битта ичди. Бодрингни қарсиллатиб тишлади. Ичи ёнди. Тани исиди. Кайфияти кўтарилди.

Худди шу пайтда Ганжа кириб келди. Сотим хурсанд бўлди. Уни жини суярди. Бирга ишлаган пайтларида ҳам жуда яқин эдилар. Ганжанинг бошига иш тушганида Сотим унга қайишди. Онасининг ҳолидан хабар олиб турди. Қамоқдан қайтгач, бориб кўзойдин қилди. Энди ўз ёғига ўзи қовурилиб ўтирганида бу жўмард йигитнинг кириб келиши айна муддао бўлди.

Бир пиёла чойдан кейин коньяк қуйилди. Ганжа ичмас эди. Бироқ ҳозир ич-маса, Сотим билан тиллашиши гумон. Тиллашиш эса жуда ҳам зарур. Атайлаб шунга келган.

Бир-бирига яхши тилаклар изҳор этиб ичдилар. Бир сукут пайтида Ганжа:

— Сотим оға, Қиртепа портлатилиб, Аминовнинг боласи ҳалок бўлгани, бир неча бола яраланганида сиз ҳам, мен ҳам қанча куюнган эдик, эсингиздами? — деди.

— Бўлмасам-чи. Қиртепани портлатганлар сувдан қуруқ чиқишди. Жавобгар бўлиш ўрнига Аминов қаҳрамонга айланди.

— Тўғри. У пайтда шундай бўлди. Лекин энди вазият ўзгарди. Энди ҳақиқатни очиб ташласа бўлади.

— Шунча йил ўтгандан сўнг-а?

— Нима қипти. Ҳақиқатни очишнинг эрта-кечи бўлмайди.

— Қандай қилиб очасиз?

— Шу жумбоқни деб сизнинг уйингизга келиб ўтирибман, Сотим оға. Бечора болаларнинг бири ўлди, бошқалари мажруҳ бўлиб қолди. Ҳақиқат жойида қарор топсин-да.

Ҳақиқат ҳақидага сўз кайфи ошиб қолган Сотимнинг қитиқ патига тегди. Пиёлаларни тўлдириб қўйди. Ичдилар. Гап ҳақиқатни оёқости қилаётганлар устига кўчди. Аввал Аминов, сўнг Исроил раис, ҳатто Болтабековнинг «куракда турмайдиган ишлари»ни бири олиб, бири қўйиб роса гапиришди. Шу жойга келганда Сотим яқинда Исроил раис унга айтган гапни тўкиб солди.

— Гапнинг рости... Мен олтинни қаёқдан оламан? Умрим бино бўлиб олтинга ишим тушган бола эмасман. Гапнинг рости... Вой, каззоблар-эй!

— Олтиндан ишланиши керак эканми ўша макет?

— Ҳамма бало шунда-да. Юз фоиз олтиндан ишланаркан. Олтин ўзи бор эмиш, озгина етмай турган эмиш савил. Озгина дегани камида йигирма минг туради. Гапнинг рости... Шуни мен топиб беришим керак эмиш, мен!

Сотим яна пиёлаларга қўйди. Чирпитиб қўйди.

Одам боласи қизиқ, энг донишманди ҳам неча йил яшаса, шунча йил ўрғанади, уқади, барибир гоҳ-гоҳ ўзининг хомлигини сезиб туради. Қоқилмайин деб қанча авайланмасин, барибир қадами бирдамас-бирда чакки тушиб кетади. Ганжанинг ҳам баъзан ўйламай иш қилиб қўйиши бор-да. Неча панд еса-да, шу касали қолмади-қолмади. Йўқса момо билан онасини Қурбон акалар номидан Олтинойларникига совчиликка юборган бўлармиди.

Ўзича бунга пухта ҳозирлик кўрди. Зариф билан, Гулсора билан гаплашди. Бир-бирини жондан ортиқ севишларини кўрди. Совчиликдан гап кетганида Гулсора қаршилиқ кўрсатмади. «Йигит билан қиз рози, Қурбон ака, янга рози, бир рози бўлмаган Гулсоранинг ота-онасим, улар ҳам кўнишади, нима, қизини Зарифдан ортиққа берадим. Қўлида гулдек ҳунари бор, ақли-ҳуши бутун. Беришади. Бирданга хўп дейишмайди, албатта. Қизи борнинг нози бор-да».

Шу фикрда Ганжа уларникига совчилар юборди-ю, қилмишига пушаймон бўлди, анчагача ичини ит тирнаб юрди.

— Тенг-тенги билан, тезак — қопи билан, — дебди Олтиной.

— Узингизни босинг, Олтиной. Авваламбор Қурбонжон сиз айтган одамлардан эмас. Қолаверса... қизингизнинг кўнгли...

— Э, кўнгли билан биргўр бўлсин, жувонмарг. Мен у яшшамагурга кўнгли нималигини кўрсатиб қўяман. Йўқ-йўқ, бу гапни бир айтдингиз, бошқа эшитмай. Момонинг зардаси қайнаб:

— Нима деяпсиз, ундай замон ўтиб кетган, энди инон-ихтиёр ёшларнинг ўзида, — деган экан, Олтиной бобиллаб берибди:

— Замон бошқа эмиш-а. Шундай экан, ўзингиз қиз топиб беринг ўша рўдаполарга. Менинг исқиртларга берадиган қизим йўқ. Осилсам баланд дорга осиламан деган-да, қурумсоқлар...

Олтиной шаллақилик қилиб, совчиларни уйдан ҳайдагандай чиқарибди. Шу куниёқ Дулдулсойга келиб, қизини алдаб-авраб уйига олиб борибди-да, тўрт девор ичига қамаб, устидан қулфлаб қўйибди.

Энди нима қилиш керак? Боши қотган Ганжа қурувчилар ётоқхонасига борди. Гулсора келмадимикан? Эшик олдида Зариф турарди.

— Келмадимми?

Зариф бош чайқади. У ҳайкалдай қимир этмай тураверди. Ким билади, Гулсорани ойиси олиб кетганидан бери оёқ устидадир, оғзига туз солмагандир. — Юр,— деди Ганжа,— соҳилга борамиз. Дарё киши дардини олади. Ҳақиқатан ҳам соҳилда нажот бордек, Зариф беихтиёр Ганжага эргашди.

— Булар ўткинчи гаплар, ука. Ёмонидан асрасин.

Зариф бошини осилтирганча унга қулоқ солиб борди.

— Энг муҳими бир-бирингни севасанлар. Қолган ҳаммаси турмушнинг икир-чикирлари. Севишганлар ҳеч қачон енгилгина висолга етишган эмаслар. Масалан, Отабекни ол. Ёки мана Анварни...

— У пайтда бойлар бўлган, муштумзўрлар бўлган, — оғир хўрсинди Зариф. — Ҳозир-чи?..

— Ҳозир муштумзўрлар йўқ дейсанми. Ҳозирги муштумзўрларнинг аввалгиларидан фарқи шуки, булар галстук тақиб олишган, чўнтақларида диплом, яна неча қизил билетлар, кандидатлик, докторлик гувоҳномалари... Мана, Гулсоранинг ота-онаси бой бўлмай ким? Олтин-кумуши аввалги бойларникидан кам деб ўйлайсанми?

— Бирда Гулсора айтган эди. Уйда ҳам олтин сотармиш ойиси.

Ганжанинг миясига бир нарса тақ этиб урилгандай бўлди. Уйда ҳам олтин сотармиш... Мана ким таъминляпти Исроил раисларни олтин билан. Зарифнинг ўзига тикилиб турганини кўриб хаёлини йиғиштириб олди, суҳбатда давом эттириб унга деди:

— Ана кўрдингми. Беҳисоб бойлик уни қутуртирмай нима қилади.

— У минг қутургани билан... биз...

— Тўғри, у сизларни нима қила оларди.

— Биз... бирга бўлолмасак, бирга ўлмоқчимиз, бир пайтнинг ўзида.

— Жинни бўлдингми, Зариф?

— Гулсора ҳам, мен ҳам... шунга қасам ичганмиз.

— Ана холос. Кучимиз заҳар ичишга етади де ҳали. Бу энг ожиз одамларнинг иши билсанг, ука.

Олисан туйқис товуш келди: «Зариф!» Зариф орқасига қайрилиб шаҳар томон қаради. Гулсора! Улар томон қиз чопиб келарди.

— Гулсора!

Қизнинг сочлари тўзғиған, кўзининг ёши юзини юварди. Ганжа юпатмоқчи бўлди. Гулсора баттар хўнграб йиғлади.

— Қочиб келдингми? — сўради Ганжа ғамхўрлик билан. Гулсора кўзларини артаркан, бош ирғади.

Зариф нима дейишини, нима қилишини билмас эди.

— Энди сира ҳам... бормайман, — деди Гулсора қатъий.

— Ҳар қалай отанг-онанг, — Ганжа катталарга хос насиҳат оҳангида тунтирмоқчи бўлди, — қаттиқ турсанг, ётиғи билан бор гапни айтсанг, балки кўнишар.

Гулсоранинг кўзларидан яна ёш қуюлиб келди:

— Менинг отам ҳам, онам ҳам йўқ. Улар менга бегона...

Гулсора йиғлаб кўнглини бўшатиб олмагунча Ганжа унга ортиқ бир сўз демади. Зариф-ку, тамом лол эди.

Гулсора ўзига келгач, Ганжа унга яна таскин бермоқчи бўлди:

— Биз ҳам озмунча қийинчилик кўрмадик, синглим. Қумрихон аянгнинг йиғлаганини аммо ҳеч кўрмаганман.

Гулсора жим турди-турди-да, мутлақо кутилмаган гапни айтди:

— Уйимизга бир куни келган эди Қумрихон ая. Аминов билан.

Ганжанинг ичидан яна одатдаги титроқ келди. Гулсора гўё ўзи гуноҳкордай ерга қараганча давом этди:

— Ойим қутичани очиб уларга тақинчоқларни кўрсатди. Қумрихон ая битта сирға билан узукни танлаб олди...

Ганжа ҳеч нима демас, зўр бериб ўзини босишга уринар, икки ёшнинг севги изтироблари бир ёқда қолиб, ўз ҳасрати олов олиб кетишидан чўчир эди.

Орага оғир жимлик чўкди. Учовининг араваси ҳам боши берк кўчага кириб қолган эди.

46

Боғистонга келгач, якшанба куни бўлса-да, Ганжа тўппа-тўғри гужум тагидаги идорага борди. Бу ерда авваллари сершоҳ гужумлар бир-бирига тармашиб ўсиб ётгани учун идоранинг номини ҳамон Гужум таги, дейишади. Гужум таги биноси салқин ва баҳаво кунларни қўмсагандай маъюс. «Дулдулсойдан чиққан зах бу ерга ҳам етиб келибди-да, — ўйлади Ганжа зинапоядан кўтариларкан. — Гужумларнинг илдизини кемирибди, бу ялмоғизнинг олдида ғов бос-маса, бутун Боғистонни қурилади».

Эшикдан кираверишдаги сим билан қопланган дераза орқасида ўтирган лейтенант формасидаги йигит Ганжа билан совуқроқ гаплашди. Хужжатларини узоқ текширди. Ташрифи боисини қайта-қайта суриштирди. Одилов билан яқинлигига иқрор бўлгач, уй адресини берди.

Навбатчи йигит кўрсатган томонга юраркан, Ганжа ҳордиқ куни безовта қилсам қандай бўларкан, бошқа вақтда келсаммикан, деган хаёлга борди. Аммо Олимжон аканинг одамшавандалигини ўйлаб, тагин учрашувни кечиктириш мумкин эмаслиги туфайли қадамини тезлатди.

Катта йўлнинг кунчиқар томонига тушган янги иморатларнинг орасидан кўк эшикли уйни топиб, кўнғироқ тугмасини босди. Ҳовлида шип-шип оёқ товуши эшитилди. Эшик очилди. Ганжа ҳангу манг бўлиб қолди. Унинг қаршисида поездда бир пайтлар учраган қизил кўйлакли қиз турарди. Унинг ҳам кўзлари катта очилган, кутилмаган меҳмон ташрифидан ҳайратга тушган эди. Ганжа сўзини йўқотди. Қиз дадилланди.

— Вой, келинг, келинг, киринг ичкарига.

— Мен... кечирасиз, Олимжон аканинг уйлари шуми?

— Ҳа. Адам керакмидила? Уйда. Кириг, марҳамат.

— Раҳмат. Дулдулсойдан Қиличев келибди, деб қўйсангиз.

— Хўп-хўп. Аввал ичкарига киринг. Айтгандай, ўшанда яхши етиб олдингизми:

— Раҳмат. Ўзларингиз-чи?

— Яхши. Юринг, ҳозир чақираман.

Қиз купеда ўзини қандай эркин тутган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай, оддий ва самимий эди. Олимжон аканинг қизи экан-да. Тасодифни қаранг. Аммо қизнинг ойиси ўшанда уни хушламаган эди. Ҳозир кўрса ҳойнаҳой яна бурнини жийирар.

Ойнаванд хонадан кўйлаги тугмаларини қадаганича кулумсираб Олимжон ака чиқди. Унинг очиқ чеҳраси, мулойим кўзлари хурсандлигини ошкор этиб турарди.

— Э, мулла Ганжа, келсинлар, келсинлар.

Одилов меҳмонга илтифот кўрсатиб, уни ичкарига бошлади. Олд томони ойна деворли шинамгина хонада хонтахта атрофига ўтирдилар. Мезбон ундан ҳол-аҳвол сўрагач, ошхона томонга бурилиб, қизим, чойингни опке, деди. Меҳмонга, мана, биз ҳам ётибмиз юртингизда, дея кулди.

— Яхши-да. Кечирасиз, Олимжон ака, дам олиш куни безовта қилдим.
— Ҳечқиси йўқ. Мана, биргаллашиб дам оламиз. Хўш, уёқлар тугадими энди?

— Тугади. Яқинда эски жойимда иш бошладим.

Қиз дастурхон ёзди. Тақсимчада майиз, данак, ёнғоқ келтирди.

— Буёғи яхши бўлади. Ҳаёт нима, турмуш нима, кўрдингиз. Оқ-қорани танидингиз. Бошингиз тошга тегди. Яшашнинг қадрига етасиз, тўғри айтдимми?

— Тўғри, Олимжон ака. Яшашнинг қадрини тушунаману лекин...

Қиз чой келтирди. Ўзи ҳам ўтирди. Чойни қайтарди.

— Қизим — Моҳира, — меҳмонга уни таништирди уй соҳиби.

— Буёқла билан битта купеда келганмиз, ада.

— Э, эски қадрдонмиз, дегин.

— Аммо исмларини ҳалиям билмайман.

— Буёқ Ганжа Қиличев, Дулдулсойдан. Колонияда танишганмиз. Бир кўргилик билан тушган-да, бўлмасам ўзи зўр йигит.

Олимжон аканинг самимий мулозамати, қизнинг очиқ ва дилкаш муомаласи Ганжага анча дадиллик бағишлади. Моҳира чой қуйиб узатди-да, хонадан чиқди.

— Ўшанда колонияда ҳақ гапни айтган экансиз. Олимжон ака. Мени қамоққа тикқан воқеанинг тагида бошқа гап бор экан. Мен бўлсам...

У бошини эгиб чуқур хўрсинди. Қумрихоннинг хатини топганидан, Гулсоранинг тақинчоқлар ҳақидаги гапидан буён юрагини бурдалаб келаётган туғён кўзларига нам бўлиб чиқди. Рўмолчасини олиб киприklarини артди.

— Ешлик — ғўрлик дегани шу, Ганжа.

— Меники ғўрлик эмас, кўрлик бўлган экан. Яқинда тасодифан Қумрихоннинг хатини топиб олдим.

— Қанақа хат?

Ганжа чўнтагидан хатни олиб Одиловга узатди. Қўли қалтираб кетганини мезбон сезди. Уни юпатган бўлди. Кўзойнагини тақиб, хатни синчиклаб ўқиди. Ганжага қараб бошини чайқади.

— Хат қаерда экан?

— Трюмо тортмасида. Ўшанда мени уйга киритмасдан тўппа-тўғри олиб кетишганди. Тўс-тўполонда трюмо тортмасини ким ҳам очиб қарарди. Ётаверган хат.

— Да. Обод ўлиб кетган йигитми?

— Ҳа.

— Узук билан сирға ҳақидаги гап...

Ганжа гулли рўмолчага ўралган узук ва сирғани очиб, хонтахта устига қўйди. Бриллиант жило бериб товланди. Одилов уни қўлига олиб узоқ томоша қилди.

— Қаердан олган эдинглар?

— Буни биз олмаганмиз.

— Хатда, қайтариб беринглар, дейилган-ку?

Ганжа Гулсоранинг гапларини Одиловга айтиб берди.

— Да, — ўйга толди Одилов, — демак, бу Аминовга тегишли.

— Шундай бўлиб чиқади.

Улар узоқ суҳбатлашдилар. Гулсоранинг ота-онаси ҳақидаги гап Одиловни айниқса қизиқтириб қолди.

— Да. Демак, олтин сотади?

— Қизининг гапи шу.

— Қиз бола ёлғон гапирмайди. Ундан кўп нарсани билиб олса бўларкан.

Одилов Ганжага бир неча маслаҳатлар берди. Ганжа диққат билан қулоқ солиб, тушунмаган жойларини сўраб, зарур нарсаларни аниқлаб олди. Сўнгра Қурбон ака бошига тушган мусибатдан гап очди. Одилов воқеани берилиб эшитди. Ганжа Қулжоннинг уйдан узанги олиб келганини ҳам айтди.

— Қулжоннинг бармоқ излари керак бўларми деб... Бошқа қулай нарса тополмадим.

— Да. Турмада ётиб юрист бўлиб кетибсиз. Балли.

— Олимжон ака, яна бир гап. Тўғон қурилиши вақтида Қиртепа порт-

латилган эди. Жуда кўп хум ва кўзаларнинг кули кўкка совурилди. Энг ёмони — бир бола нобуд бўлди, бир нечаси яраланди.

— Вожаб, нега шундай бўлди?

— Техника қоидалари бузилганидан, хавфсизликка риоя қилинмаганидан. Лекин буниям ёпиб келишяпти.

— Очиш керак.

— Жиноятчи ўз боласи ҳалок бўлганини рўқач қилиши мумкин.

— Ким у?

— Аминов-да.

— Ҳалок бўлган унинг ўғлимиди? Хўш, Аминовнинг жинояти нимада? Ганжа бўлган воқеани гапириб берди. Сўнгра Аминов ўзини қаҳрамон ҳис этиб юрганини айтди.

— Қанақа қаҳрамон, — Одиловнинг қалбида нафрат уйғонгани кўриниб турарди, — ўз ўғлини ўз қўли билан ўлдирган жаллод-ку у. Бошқаларни ҳам мажруҳ қилган. Қаҳрамон эмиш...

— Шу масала кўтарилса, вақт ўтмадимикан, Олимжон ака?

— Шу пайтгача одамлар нега жим юришганига ҳайронман.

— Жим юришгани йўқ. Лекин шикоятларини ҳеч ким инobatга олмаса, нима қилишсин?

— Бошқатдан кўтаришсин, кўрайлик-чи, ким уни хаспўшламоқчи бўларкан. Ганжа Қиличев топиб келган. учинчи гап Одиловдек тажрибали чекистни ҳам шошилтириб қўйди. Олтин тўғон...

— Сотим ўша сўралган олтинни топиб бермоқчи эканми?

— Қайда. Сўзлаганда оғзидан ўт чиқяпти.

— Да. Олтинни Исроил раис сўраган дедингиз. Лекин бу битта шу Исроилнинг иши бўлмаса керак?

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Бурҳоновга бу совғани Исроил раис беролмайди-ку.

— Да, да. Инженерликни йиғиштириб, бизга ишга ўтсангиз ҳам бўлар экан, Ганжа Қиличевич.

— Э, кўйинг, менинг ишим сув билан...

Моҳира буғи чиқиб турган шўрва олиб кирди. Қизнинг ойиси кўринмаётганидан Ганжа ҳам бир оз ҳайрон, ҳам хурсанд эди.

— Хўжайка Тошкетга кетувди. Эртага келади. Бизни мана Моҳира боқиб турибди. Буям эрта-индин ўқишга кетади.

Ганжанинг кўз олдига қамоқдан чиққан куни, чойхона, Одиловни, унинг қизини ёмонлаб гапирган бақалоқ келди. Қизини ажратиб юборганман, деб эди. Наҳотки Моҳира... Ёки Одиловнинг бошқа қизи ҳам борми?

— Таътил ҳам бирпасда ўтди-кетди, — деди Моҳира дадаси ёнига чўккалаб. — Яна ўқиш, яна имтиҳон.

— Ёмонми?

Моҳира жавоб бериш ўрнига очилиб кулди. Кулаётиб Ганжага қаради. Кўзини узмай турди. Ганжа буни сезмаганга олиб, Олимжон акага деди:

— Ҳаёт ўзи бошдан-оёқ имтиҳон экан.

— Да. Одам буни қанчалик эрта тушунса, шунчалик яхши.

Ганжа бу гапни ўзига олди. Дарҳақиқат, у ҳаётни кеч тушунди, жуда кеч тушунди.

Ганжани кузатаркан, Одилов яна олтин тўғон ҳақидаги гапга қайтди.

— Уни қайси скульптор ишлаши мумкин-а?..

Анисимов кабинетида инфаркт бўлди. Оёққа туриб кетиши қийин, дейишди шифокорлар. Аминов, вақтинча бўлса ҳам, бошлиқ курсисига ўтирди-ю, ишни Ганжага ҳужумдан бошлади. Маҳаллий комитет аъзоларини унинг уйига юборди. Улар тўрт хонали уйда икки жон ўтирибди, уйни бўшатиб берсин, битта хонали бошқа квартирага ўтсин, деган мазмунда акт тузиб келишди. Ганжа қамоқдалик пайтида ҳам Аминов уйни олишга уринган, лекин Бува Анисимовнинг олдига келган, кўпчилик ўртага тушиб, жойни Ганжанинг номида қолдиришган эди. Энди Бува ҳалок бўлган, Анисимов касал, Аминовга тўғаноқ

бўладиган одам йўқ, ўзи хон, кўланкаси майдон, қаёққа қўлини узатса етади.

Сўнгсиз армон ўтида қовурилиб юрган Ганжа уйни топшириш ҳақидаги гапни эшитиб, аввалига парво қилмади. Уй можароси унинг ҳасратлари олдида денгиздан томчидек бир гап эди. Олса олар берган уйини, ётиб-туришга битта ковак топилиб қолар. Лекин онасининг кўзёшлари уни ўйлатиб қўйди.

— Эл-юрт олдида бу хўрлик ҳам бормиди! Ўтирган уйдан чиқарибди, деган иснодга қандай чидаймиз? Уйнинг куйгур Аминовнинг сенга тош отишдан бошқа иши йўқми? Ё сен унинг арпасини хом ўрибмидинг?

Бошини қўйи солиб ўтирган Ганжага онасининг сўнги гапи қаттиқ таъсир қилди. Рост-да, Аминовнинг олдида унинг қандай айби бор? Тўқайни, туз конини сақлаб қолишга уринишдан бўлак унга ёқмайдиган нима иш қилди? Севимли хотинини йўлдан адаштирди, икки инсон ҳаётдан кўз юмди. Болалар етим қолди.

— Ҳеч қаёққа кўчмаймиз, болам. Шундай уйда ўтиришга сенинг ҳаққинг бор.

— Яхши, эна, кўчмаймиз.

Ганжа шу гапни маҳалла комитетиға ҳам айтди. Икки кундан кейин комитет аъзолари мажлисга тўпландилар. Ганжа ҳам чақирилди. Аминов комитет аъзоси сифатида раис ёнидаги стулда анчагача гапга аралашмай, гўё бу ишга дахли йўқдай, мажлиснинг боришини кузатиб ўтирди.

— Бизда уй жон бошига берилади, — деди комитет раиси, қилтириқ собиқ бухгалтер. — Сиз бўлсангиз, ўртоқ Қиличев, муштдай болангиз билан тўрт хонали уйни эгаллаб ўтирибсиз, Қонун-қондани тушунган одам, уйни ўз ихтиёрингиз билан топширишингиз керак эди...

— Уғлим, яна қизим, энам ҳам бор.

— Қизингиз кетиб қолган, энангиз қишлоқда, ўзининг данғиллама уйда туради. Шаҳарда пропискада йўқ.

— Қизимни яқинда опкеламан, — аламини аранг ичига ютиб жавоб берди Ганжа. — Энам ҳам биз билан бирга бўладилар.

— Нақдидан гапиринг, Қиличев, бу мажлис, насия гап кетмайди.

— Нақдими, насиями, бор гап шу. Уй ўзимники, уни ҳеч кимга бермайман.

— Уй ўзимники дейсиз, отангиздан қолганми?

— Отамга тил теккизманг. Уйни ўз меҳнатларим эвазига олганман. У меники, вассалом.

Аминов жаҳл билан ўрнидан турди.

— Меҳнатлари эвазига олган эмиш уйни... Одам ўлдирган бундай қон-хўрга умуман уй берилмаслиги керак.

Аминов столни қарс эттириб урди. Ганжа ўзини босолмади. Хонадан отилиб чиқиб кетди.

Орадан бир неча кун ўтди. Кечки пайт эди. Бўсағада ЖЭК бошлиғи билан милиционер пайдо бўлди. Гап нимада эканини англаб, Ганжа уларни ичкарига таклиф этмади. Ўзи уларнинг олдига вазминлик билан чиқиб эшикни ёпди.

— Мана горисполкомнинг қарори, — деди ЖЭК бошлиғи қўлидаги қоғозга ишора қилиб, — бу уй бошқа одамга берилди. Микрорайондаги бир хонали квартирага кўчиб ўтишингиз мумкин. Икки куннинг ичида уйни бўшатинг.

— Жанжалнинг фойдаси йўқ, — милиционер ЖЭК бошлиғининг сўзини илиб кетди. — Мабодо қонунга бўйсунмайдиган бўлсангиз...

— Йўқол! — қичқирди Ганжа ЖЭК бошлиғига. Милиционернинг сўзи оғзида қолди.

Ганжанинг кўзи қонга тўлганини кўриб ЖЭК бошлиғи аввал милиционернинг орқасига ўтиб олди, сўнгра уни тортқилаб кетишга шошилтирди. Милиционер бир нима демоқчи эди, уни гапиргани қўймади. Горисполком қарорини почта қутиси устига ташлаб, улар кетишди. Ганжа эшик олдида қанча турганини билмайди. Ўзига келганида ҳаммаёқни қоп-қора тун қоплаб олганини кўрди. Уйга кирди. Диванга чўқди.

«Нега одам қадри бунчалик оёқости бўлиб кетди? Одам кўчада ётган

хасдай, уни ўтган махлуқ ҳам босқилайди, қайтган махлуқ ҳам. Ҳамкасб ҳамкасбни қадрламаса, ўғил отани менсимаса, кўшни кўшнини ғажиб, еб ташлашга тайёр бўлса, бу қанақа ҳаёт энди? ЖЭК бошлиғи билан милиционер йигитча бу уйда одам яшаётганини, улар одам билан гаплашишлари зарурлигини унутганлари учун ҳам горисполком қарорини кўтариб, дағдаға қилиб келишди. Горисполкомнинг шундай қарор чиқаришга ҳақи борми? Нега мени лоақал бир марта чақириб, фикримни сўрашмайди? Еки горисполкомдагилар ҳам одамни одам деб билмайдиган бўлиб қолганми? Одам қадрсизланган жойдан қут-барака кетади, ўртадан ҳамият кўтарилади, диёнат, имон яқсон бўлади, умрдек буюк неъмат ўз маъносини йўқотади. Одам қадрсизланган жойда иш орқага кетади, омад деган нарса анқонинг уруғи бўлиб қолади, меҳр-оқибатга, севги-муҳаббатга ўрин қолмайди. Бу қанақа ҳаёт, қаёққа қараб боряпмиз ўзи? Аминов одамга қулга қарагандай қарайди-я. Истаса уй берармиш, истаса қайтариб олармиш. Уй-жойларни ким унга хатлаб берган? Бу ўзи қайси буржуйдан қолишади? Олтин олиб, олтин сотаётган ҳаромхўр. Агар давлатнинг жойига шу муттаҳам хўжайин бўладиган бўлса, мен бундай уйда туришдан ҳазар қиламан. Олсин-да, хоҳлаган ўғрисига берсин».

Ганжа шошилиб ўрнидан турди, апил-тапил кийинди, кўчага чиқди. Тун алламаҳал бўлиб қолган, кўча-кўйдан одам оёғи узилган эди. У тўғри Қораянтоққа қараб йўл олди.

Пиёдага бир ярим-икки соатлик йўлни у қирқ минутлар чамасида босиб ўтди. Ўз ҳовлиларига беш-ўн қадам қолганида одимини секинлатди. Эшик олдига келиб, нафасини ростлаб анча турди. Энаси билан ўғли ҳойнаҳой ширин уйқу оғушида ётишибди. Уларни уйғотиб нима қилади, мабодо уйғотгудай бўлса, уларга нима дейди? Кўч-кўронни опкеламан, уйдан ҳайдаб чиқаришяпти деб қай тил билан айтади? Кўчиб келинғач, Анварнинг ўқиши нима бўлади? У Дулдулсойда рус мактабида ўқиётган эди, қишлоқда қийналиб қолмасмикан? Қийналмайди. Ўзбек бўлатуриб, ўзбекча ўқишга қийналадимми?

Шуларни ўйлаб кўшнилари Давлатназарнинг уйи томон юрди. Яқинда Гулдор кемани дарё бўйидан оғринмай келтириб берган эди. Бу гал ҳам йўқ демас. Аммо ярим кечада ўз ишинг билан бировни безовта қилиш ўринлими? У бор-эй, деб сўкиб юборса нима деган одам бўлади. Эртага келса-чи?

Йўқ. У кундуз куни кўчолмайди, юклари машинага ортилаётганини, катта кўча бўйлаб грузовойда ўз юртидан қувилган одамдай шумшайиб бораётганини, бу шармандали ишни одамлар томоша қилиб туришини истамайди... Ганжа Давлатназарнинг эшигини қоқди.

48

Ўзининг эллик ёшини нишонлашга Аминов узоқ тайёргарлик кўрди. Тантанали кечага келадиганларнинг рўйхатини алоҳида, сўзга чиқадиганларнинг рўйхатини алоҳида тузди. Узоқдан келадиганлардан рўйхатга биринчи бўлиб министрни ёзди. Москвадан, Ленинграддан, Тошкент, Самарқанд ва Ўшдан казо-казоларни қоғознинг ўнг томонига, қолганларни чап томонига қайд этди. Уч-тўрт энг яқинлари ичидан Исроил раисни танлади, косагул бўлади деб тагини қизил қалам билан чизиб қўйди. Сўзни қотиради. Утиришга жон киритади. Одамни мақташга уста, ўзи ҳам билмайдиган юзта хислатини айтиб беради. Сўзга юморни едириб юборади.

Боғистонга юборилган одам таклиф қоғозини уч хил рангда бостириб келди. Қизил, кўк ва пушти ранг таклифномага алоҳида салобат бағишлаган эди. Биринчи бетнинг ярмини юбилярнинг сурати, иккинчи бетни таржимаи ҳоли, учинчисини тантанали кеча ҳақидаги билдириш эгаллади.

Ҳаёт йўлини Аминовнинг ўзи ёзди. Сарлавҳасини аввалига «Дулдулсой иншоотининг яратувчиси» деб қўйган эди, кейинчалик унга «бири» деган сўзни қўшди, «яратувчиларидан бири», ана энди катта хўжайинга малол келмайди, деди ўзича.

Таржимаи ҳолда иш фаолиятини ўн беш ёшидан бошлаган деб ёзди-ю, калласига шу фикр нега келганига ҳайрон қолди. Сўнгра ўзи-ўзини оқлаган

бўлди. Ёшлигида отасига ёрдам берган-ку, бу — фаолият бўлмай нима?

Санъаткорларни Тошкентдан олдиришга қарор қилди. Телевизорга тез-тез чиқиб турадиган, раққосаси чиройли ашулачига бир ой олдин одам юборди. Фалон минг бўлса ҳам розилигини олмасдан қайтма, деди.

Тантанали мажлис ўтадиган шаҳар кинотеатри биносида томошалар тўхтатилиб, зал анчагача ремонт қилинди. Базмни ўз уйида ўтказадиган бўлди, кўчанинг асфальтидан бошлаб то туалетгача сайқал берилди. Хуллас, юбилейга ҳамма нарса барвақт муҳайё этилди.

Болтабековнинг олдига маслаҳатга борганида мукофот масаласи ҳам тилга олинган, олий орденга ҳужжатлар тайёрланиб, тегишли жойга юборилган эди. Туғилган куни радио ва телевизорда, газеталарда эълон қилинаркан. Тантана икки кун ўтказиладиган бўлди. Эртага тўй деган куни Болтабеков, Исроил раис рафиқалари билан «тор доира»да ўтиришади, эртасига ҳамма учун дастурхон ёзилади, унда ҳам бу кишилар бўладилар, албатта.

Бугун юбилейнинг биринчи «тор доира»си. Белгиланган вақтдан ярим соат олдин Исроил раис рафиқаси билан келди. Юбиляр рафиқаси билан уларга пешвоз чиқди. Шофёр бола катта ўроғлик гилам, бошқа совға-саломларни ташиб бўлгунича улар ҳовлида гаплашиб турдилар. Исроил раиснинг хотини ҳусндор, баланд буйли, оқ юзли аёл эди. У бежирим оёқларини бир-бир босиб, тилла тақинчоқларини ялтиратиб Аминовнинг хотини олдига келди, уни катта тўй билан қутлади. Унинг олдида Аминовнинг пакана хотини яна-да паканароқ ва хунукроқ бўлиб кўринди.

Аминовнинг ўзи хотиннинг шунақасини атай танлаб уйланган. Унингча, хотин хунукроқ бўлгани тузук. Эркаклар кўз олайтирмайди, командировкаларга бамайлихотир кетади. Ҳуснга нон ботириб ейилмайди. Чиройли аёл керак бўлса истаган вақтда топилади, қаерга борсанг атрофинг тўла гўзаллар...

Ичкарига кириб, креслоларга омонат ястанганча чақчақлашиб ўтирдилар. Базм учун ясатилган алоҳида стол устидаги ҳарир дока Болтабеков келганидан кейин олиниши ўз-ўзидан маълум эди.

Исроил раиснинг хотини пиёлага қуйилган чойни ичиб, «ўз дугонаси» олдига, нариги хонага чиқди. Эркаклар ёлғиз қолишгач, Исроил раис костюмини ечиб қўйиб, яйраб чуқур нафас олди-да:

— Менга қаранг, ҳой, Ғани Аминович, ҳечам элликка кирганга ўхшамайсиз-а, худди уйланаман деб турган йигитнинг ўзисиз, хўпми, нима бало дорининг зўридан топдингизми? — деди кўнгилочди суҳбатга майл кўрсатиб.

Улар қийқиришиб кулишдилар.

— Дорига ҳали кунимиз қолгани йўқ, раис бува, — деди Аминов овозини пасайтириб, — дорини ичадиганлар ичаверсинлар. Белимиз бақувват, унчамунчани қийқиртириб юборишга кучимиз етади.

Ҳазил-ҳузул орасида Аминов ҳадеб соатига қараб қўярди. Болтабеков нега кечикяптилар?

— Жуда секретний иш тутадиган бўлиб кетдингиз-да, Ғани Аминович, тасдиққа бориб-келибсиз деган миш-мишлар қулоққа чалиняпти. Маҳаллий ҳокимият бундоқ четлаб ўтилмасин-да, энди. Жуда хафа бўламиз. Хўпми.

— Сиздан яширадиган гап йўқ, раис бува. Ҳали тасдиққа борганимизча йўқ. Аммо-лекин яқин кунларда бориб қолсак ҳам ажаб эмас.

— Анисимовнинг ўрнига сиздан бўлак муносиб кандидатура йўқ.

— Билган одамнинг садағаси кетсанг арзийди.

Аминов ўз гапига ўзи кулди. Исроил раис кулмади. Юбилярга яна савол берди.

— Тўйболани орден билан табрикласак бўладими?

— Табрик эртага, раис бува, эрталаб газеталарда чиқиб қолар.

— Морак бўлсин. Менга қолса, шу дарёни тўсганингизнинг ўзига сизни герой қилиб юборардим.

Киноя билан айтилган бу гапни Аминов жиддийга олди.

— Ўзингиз ҳам билсангиз керак, савил қолгур қойдаси бор экан-да, аввал орден, кейин...

— Майли-майли, — унинг сўзини бўлди раис, — геройлик қочмайди. Агар манави бошлаган ишимиз ўнгидан келиб, олтин тўғон эсон-омон эгасига топширилса борми, мукофот ўзи излаб келаверади.

Улар ён-атрофга қараб олиб, шивирлашиб гаплашишга ўтдилар.

Аминовни телефонга чақиришди. Болтабеков бўлса керак, деб шошиб бориб трубкани олди. Телефон Ушдан экан, таклиф қилинган ошнаси юбилей билан узундан-узоқ табриклар, узрли сабаб билан тўйга келолмаслигини айтди. «Уш-ку, майли-я, — трубкани қўяркан ўйлади Аминов, — нега Болтабековдан ҳамон дарак йўқ?»

Катта меҳмонни яна анча кутишди. Сўнгра Исроил раис «ҳадди сиғиб» унинг ишхонасига кўнғироқ қилди. Навбатчи, йўқлар, деди. Сўнгра уйига сим қоқишди. Ҳеч ким жавоб бермади. Демак, йўлдалар, келяптилар!

Алламаҳалгача ҳарир дока дастурхон устидан олинмади. Барча ва ҳамма нарса — Тошкентдан келган чиройли раққосали ашулачи ҳам, кўча бошидан тортиб ўчоқ бошигача қатор тизилган хизматдагилар ҳам, турли-туман нознеъмат, таомлар, алоҳида-алоҳида тугиб қўйилган қулинг ўргилсин совғалар ҳам битта кишига — Болтабековга мунтазир эди. Аммо қанча кутмасинлар, Болтабеков келмади. Кўнғироқ ҳам қилмади. Ҳатто хотинини-да, юбормади.

Эртасига турасолиб Аминов радио қулоғини буради. Сўнги ахборотлар газета обзори эшитди. Фармон ҳақида ҳеч нарса дейилмади. Шофёрни почтага юбориб, ҳозиргина келган газеталарни олдириди. Уларда ҳам фармон йўқ эди. Аминов саросимага тушди. Узоқ-яқиндан келган меҳмонларни кутишни ишончли одамларга тайинлаб, Боғистонга жўнади.

Болтабеков кабинетида экан. Аммо ёрдамчиси ҳозир жуда бандлар деб ҳузурига киргани қўймади. Ҳамиша илиқ кутиб оладиган ёрдамчининг бу муомаласи Аминовнинг ярасига туз сепди. Лекин сир бой бергани йўқ. Ёрдамчини юмшатиш ниятида ўз юбилейидан гап очиб, аввал тўйга таклиф этди, сўнгра Болтабековга учрашиш жуда ҳам зарурлигини қайта-қайта айтиб, ялиниб-ёлворди. Ёрдамчи хира пашшани қувгандай қўлини силкитди-да, зарда билан шефнинг кабинетига кириб кетди. Минг банд бўлгандаям йўқ демас, эски кадрдон, сирдош бўлатуриб, бир-икки минутлик қабулни раво кўрмайдими. Шу ҳаёлда турган Аминов кабинет эшиги очилиши билан ўқ ёрдамчига тикилди. Унинг турқи аввалгидан ҳам совуқроқ эди.

— Айтдим-ку, қабул қилмайдилар, — деди у қош-қовоғини уйиб, — юбилейга шошилмасин, дедилар.

Аминов яшин теккандек қорайиб кетди. Шошилмасин дегани нимаси, ҳаммаёққа таклифномалар жўнатилган, меҳмонларнинг олди кела бошлади-ку! У беихтиёр кабинетга қараб талпинди. Аммо ёрдамчининг совуқ нигоҳи уни тўхтатиб қолди. Ноилож орқасига қайтди.

Ҳамиша ишонган тоғининг кабинетига навбатсиз кириб-чиқиб юрадиган одамга жуда алам қилар экан. Аминов йиғламоқдан бери бўлиб бинодан чиқди. Уни тўй кайфиятида кулиб кутиб турган шофёрини, нега куйдирган калладай тиржаясан, деб жеркди.

Йўлда ўйлай-ўйлай боши тарс ёрилай деди. Болтабековнинг бу қилиғини қандай тушунса бўлади? Кеча зиёфатга келишга ваъда берган одам бугун нега бунчалик ўзгарган? Бунда бир сир йўқмикан? Нима бўлгандаям Болтабеков очигини айтиб, унга бор гапни тушунтириб қўйиши керак эди. Офат келадиган бўлса олди олинарди. Қанақа офат бўлиши мумкин? Хавф-хатар нимадалигини аниқ билмаса ҳам Аминов жиддий бир кор-ҳол юз берганини ҳис этиб, юраги бежо ура бошлади. Дулдулсойга келиб янги гап эшитди. Искандаров шошилинч Тошкентга учибди. Ҳойнаҳой тасдиққа бўлса керак.

Тўй азага айланди.

...«Хизмат»даги кишилардан бири Болтабековга янги гап топиб келди:

— Орган Аминовнинг кетига одам қўйган.

— Хўш?

«Хизмат»даги одам ёндафтарини очди.

— Ўтган куни, ундан олдинги кун ва кеча икки номаълум киши Аминовни изанлаб¹ юрди.

¹ Изанлаб — изини олиб.

- Қанақа одамлар?
- Иккови ҳам оддий кийимда, лекин чекистлар экани аниқ.
- Қаёқдан билдинг?
- Қадам олишлари, хатти-ҳаракатларидан. Силлиқ, ҳамма нарсага кўз-қулоқ ҳарбий одамлар...

Бу пинҳона суҳбат Болтабеков Аминовнинг уйига зиёфатга бориши керак бўлган куни эрталаб бўлди. «Ўзи бир асради, — деб қўйди Болтабеков маълумотчи чиқиб кетгач, — расво бўлишга сал қолди».

Шунинг учун зиёфатдан оёғини тортди, кўнғироқ ҳам қилмади (Аминовнинг телефони назоратда бўлиши мумкин), ўз уйининг шаҳар телефонини узиб қўйди (Аминов телефон қилиб қолса эшитишади). Аминов келганида қабул қилмаганининг боиси ҳам шу. Унинг келишини билиб, олдиндан ёрдамчисига топшириқ ҳам (мени банд деб айт) бериб қўйган эди. Аминовнинг кетида ростдан ҳам орган одами бўлса (маълумот кетирган одам ҳеч янглишган эмас), унинг кабинетга кирганини албатта билишади ва гап-сўзларини ёзиб олишлари аниқ.

Аминовнинг назоратга олинганидан Болтабековнинг бундай чўчиб қолиши бесабаб эмас, албатта. Бошқа олди-бердиси уёқда тураверсин-у, «олтин тўғон»нинг ўзига қўшган улушини Аминов оғзидан гулласа иши пачава, ҳамма кетади. Болтабековнинг ўзи ҳам. Тўғри, Болтабеков ўлимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ, деб туриб олиши мумкин, аммо ипнинг давоми Исроилга ва ҳайкалта-рошга бориб тақалса, улар ҳам Аминов сўзини тасдиқлашса, унда сиртмоқдан қочиб қутулишнинг иложи бўлмайди.

Аслида-ку, олтин тўғон ҳақидаги гапнинг ўзи қалтис, уни чакки кўтарди. Биров унга шу макетни ишлатиб бергин деганмиди? Бурҳоновнинг кўнглини овламоқчи бўлган эди-да. Агар Бурҳонов шу совғани олса (олиши аниқ эди), унда Болтабеков ўла-ўлгунча эрка бўлиб юрарди.

Нахотки Аминов шубҳага йўл берган бўлса? Пишиқ-пухталиқда унга тенг келадигани йўқ эди-ку. Сир девори қайси жойидан дарз кетди? Зудлик билан хатарнинг олдини олиш керак. Аввало Аминов билан орган ҳақиқатан ҳам қизиққанми-йўқми, шунинг тагига етиш зарур. Буни ким билиши мумкин? Фақат органнинг ўзи. Одиловни чақириб суҳбатлашса-чи? У шубҳага бормасмикан? Бормаслиги керак. Ахир, барча кадрлар ҳақида сўраб-суриштиришга Болтабековнинг ҳақи бор-ку.

У ёрдамчисига айтиб Одиловни чақиртирди.

50

Мажоли етмаса-да, меҳмон кўнгли учун Қурбон ака тикланиб ўтирди. Орқасидаги иккита қизил болишга белини берди. Ёстиқ қатидан оҳорли дўпписини олиб кийди. Иложи бўлса, келганга юз сарифини ҳам кўрсатмоқчи эмас эди. Начора.

Келин олдига қўйиб кетган чойнакдаги чойни Искандаров иккита пиёлага қўйиб, биринчисини беморга тутди. Қурбон ака ориқ ва қонсиз қўлига пиёлани олди. Совутиб ўтирди.

— Яқин кунларда йиғилмоқчи эдик, — деди Искандаров қўлидаги пиёладан кўзини олмай. — Аминов масаласида.

Қурбон ака йўталди. Тўшак четидаги сочиқни олиб, ғубор бўлмаса-да, оғиз-бурнини артди.

— Аминов устомон одам. Тегирмондан бутун чиқади.

— Шу пайтгача чиқиб келган. Энди чиқолмайди.

— Нега шу қарорга келдингиз?

— Устунларининг тагига сув кетяпти.

— Унинг томири кўп. Сувда кўпроқ кўкаради.

— Кўкаргани қўймаймиз.

Искандаровнинг сўнги гапидан Қурбон аканинг юпқариб, қуруқшаб қолган лабида истехзо пайдо бўлди. Кўнглидагини яшириб ўтирмади.

— Сизнинг ҳам оғзингиз ботир. Аслида ўзингиздан қўрқасиз.

Бу гап Искандаровнинг ҳамиятига тегди. Тагига босиб ўтирган оёғини узатди. Қўлига суяниб ўтирди. Қурбон ака сўзини давом эттирди.

— Қиртепа портлатилганида... Айбдорларни фош этиш ўрнига оғзингизга талқон солиб олдингиз.

— Сиз ҳамма гапдан ҳам хабардор эмассиз-да. Айбдорларни аниқлаган-миз, фикримизни айтганмиз. Лекин уларни юқоридагилар ҳимоя қилди-да. Катта қурилишда бунақа гаплар бўлиб туради, дейишди.

— Сиз хўп деб кетавердингиз. Шу сизга ярашадиган ишмиди?

— Ярашмайдиган ишлар озмунча бўлмаган. Давр шундай эди.

— Давр ёмон эмас эди. Қўрқоқлигимиз ёмон эди. Катталар олдида бўйин эгишимиз ёмон эди. Бу касалдан ҳали ҳам фориг бўлмадик. У бизга бешикдан теккан шекилли.

Гарчанд Қурбон ака биз деб гапирса ҳам бари гап ўзига қаратилганини Искандаров тушуниб ўтирарди. Умрида кўп азиятлар чеккан бу кишининг қаттиқ-қурум гаплари қанчалик ҳақиқат бўлмасин, ҳозир таъналарига чидаш, вазият ўзгарганига, адолат тикланиб бораётганига уни ишонтириш зарур эди.

— Жудаям сиз айтганчалик эмас, Қурбон ака. Ҳақиқат эгилгани билан...

— Синаркан, — унинг сўзини бўлди мезбон, — ҳақиқат синмайди деганларнинг бири мен эдим. Адашган эканман. Синаркан. Ун жойидан синаркан. Парча-парча бўлиб кетаркан.

Қурбон ака қаттиқ йўталди. Елкалари силкиниб-силкиниб кетди. Юзи бўғриқди. Нафаси етмай оғзини очди. Кўз остларидаги салқи янада осилди. Искандаровнинг унга раҳми келди. Кўнгил сўраш учун келиб, уни ўртаб юборганига ачинди. Юпатмоқчи бўлиб деди:

— Тезора ҳақиқат қарор топади. Ёмонлар жазосини олади.

— Ишонмайман.

Белидаги ёстиқни ўзига тортмоқчи бўлиб, Қурбон ака қўлини орқага чўзди. Эплай олмади. Искандаров ёстиқни тиклаб қўйди. Қурбон ака нафасини ростлади.

— Мен одамларга, қишлоғимизга яхшилик қилмоқчи бўлдим. Кўзбўямачилик бўлмасин, ҳалол ишлайлик, дедим. Шу бир оғиз гапимга...

— Зўравонлар кўп эди-да.

— Ҳозир-чи? Ҳозир озми? Авваламбор, ўша нокаслар ялло қилиб юришибди. Янги чиққан раҳбарлар эса улардан улги олишяпти.

«Янги чиққан раҳбар» деганда Искандаров қизарди. Юзи шолғом бўлиб кетди.

— Сиз қазирманг. Мен бор гапни айтяпман. Сиз мана мени ҳимоя қилмоқчи бўлиб уймга келиб ўтирибсиз. Сиз мени ўз манфаатингизга путур етмаса ҳимоя этасиз. Путур етишини билдингизми, тамом, қўлни ювиб қўлтиққа ура-сиз. Биламан мен сиз раҳбарларни...

Бошига бир нарса гурс этиб тушгандай Искандаровнинг кўз олди жимирлашди. Рўполчасини чап, ўнг чўнтагидан ахтарди. Юз-кўзини артди. Ўзини ўнглаб олди. Қурбон акани шу ҳолга олиб келган кишиларни ўйлади. Бу бечора тўғри айтяпти. Раҳбарларга ишонч қолдимми...

— Қурбон ака... майли, менга ишонманг. Ҳақиқатнинг тагига етмоқчи бўлаётганлар аслида ёшлар... Ёшларга-ку, ишонарсиз?

Қурбон ака саволга жавоб бермади. Искандаров тушунтиришга ўтди.

— Гулсора Ҳожиева деган бўёқчи қиз ишлайди. Қурилиш билим юртини битказиб келган. Шу қиз юқорига хат ёзган. Зарифбой билан бирга ўқиган экан.

Қурбон ака ялт этиб Искандаровга қаради. Пешонасини ишқади. Гулсора! Қурбон ака уни келин қилиш орзусида эканини Искандаров билмайди-да. Аммо қизнинг ойиси... Қурбон аканинг нафаси қисилди. Искандаров унинг чойини янгилади.

Дунёнинг ишлари... шу экан, — қийналиб-қийналиб деди Қурбон ака. Узоқ давом этган жимликни Искандаров бузди:

— Хатга юзга яқин ёшлар қўл қўйган. Офатнинг сабабчисини топиб беринг, дейишяпти. Узоқ текширдик. Ҳаммаси аниқланди. Буёғидан кўнглингиз хотиржам бўлсин.

Қурбон ака енгил тортгандай, чехраси сал очилди.

— Ёшлар ҳали ҳузурингизга келадилар.

Қурбон ака Искандаровнинг бошқарма бошлиғи бўлганидан беҳабар эди.

— Ешлар...— деди ишончсизлик билан Искандаровга.— Улар одатда бир нарсага бел боғлашса, ҳеч кимдан тап тортмайдилар. Аммо раҳбарлар уларга эрк беришармикан, уларнинг йўлларига тузоқ қуришмасмикан?

Искандаров мийиғида кулди.

Бу йигитда дадиллик пайдо бўлганидан Қурбон ака қувонди. Сочлари тўкилиб кетган бошини силади. Чуқур нафас олди.

51

Ганжа уйдан чиқарилганида ҳамма унга қайишди. Уйдан чиқиб бекор қилдингиз, оға, дейишди кўплар. Осмоннинг устунни қўлингда бўлса ташлаб юбор, деб ўлтиравермайсизми? Бургага аччиқ қилиб кўрпани ўтга беришнинг нима ҳожати бор эди.

Кўнгил сўраб Қораянтоққа келганлар ҳам кўп бўлди. Баъзилар келишадими-ю, уйдан гап очолмай, яхши сўзлар билан кайфиятини кўтариб кетишади. Айримлари уйга кириб келишданоқ бу ишни қилганларни бошлаб сўкишади. Ай, шу Аминовнинг қизини...

Ганжа қишлоқдан ишга велосипедда қатнай бошлаган эди. Уни йўлда — изда кўрганлар бош ирғаб илик саломлашишар, кўнгиллари ачиганини Ганжа сезиб турарди. Қишлоқдаги ва шаҳардаги таниш-билишларнинг Ганжага бу тариқа қайишишлари унга бир ҳисобдан далда берса, иккинчи томондан ўнғайсизлик келтирарди. Одамлар кўзига мунғайган болага ўхшаб кўринишдан чўчиб, ўзини қўлга олишга уринар, кўпда бу қўлидан келмай қолар, шундай пайтларда юраги тарс ёрилгудай ўзини қўярга жой тополмасди.

Шофёр йигит Жумагалди кечқурун кириб келганида Ганжанинг кўнгли ўз-ўзидан ғаш бўлиб ўтирган эди. Энасининг ҳам, ўғлининг ҳам сўзлари қўлоғига ёқмай, томоғига бир нарса тикилгандай нафаси оғирлашиб, бошини аллақандай туман босаётган эди. Жумагалди бир нима ўйламасин деб унга очиқ чеҳра билан кулиб боқди. Ичкарига таклиф қилиб, олдига дастурхон ёзди.

СМУда дастлаб иш бошлаган кунларидаёқ дўстлашиб қолган ҳалол ва очиқ бу йигитни Ганжа ўзига яқин тутарди, у билан чақчақлашишни хуш кўрарди. Бошига иш тушган пайтларида айрим ҳамкасбларига ўхшаб, Жумагалди ундан қўл тортгани йўқ, салом-алик, борди-келди узилмади.

Аммо Ганжа қамоқдан қайтиб келгач, Жумагалдини илк кўргандаёқ унинг ғалати боққанини сезди. Кўзларида қандайдир ўкинч бор эди. Тузук сўрашмай ҳам, ишни баҳона қилиб, тезгина кетиб қолганди. Сўнг ҳам шундай бўлди. Ўзини олиб қочаверди. Балки Ганжани ўтириб келган одам деб...

Наҳотки энди бу йигит кўнгил сўрагани келди? Е бошқа бир гап бормикан? Чой узатаркан, Ганжа унги синчковлик билан боқди. Жумагалдининг кўзлари ўшандагидай нотинч эди.

— Хуш келдинг, жўра. Қани, нондан ол.

Жумагалди «жўра» сўзини эшитиб бир қўзғалиб қўйди. Шундоқ ҳам инграб турган кўнгил торини бир сўз бўзлатиб юборди. Жўра... Мен бу сўзга лойиқ эмасман!

Буни ичида айтдими, тилига чиқаздими, Жумагалди билолмай қолди. Ганжага тик қаради. Унинг кўзида нафрат кўрингандай бўлди. Айтиш керак. Ортиқ яширишнинг ҳожати йўқ. Етар.

— Мени жўра деддинг, раҳмат. Лекин...

— Лекиннинг нимаси. Жўра бўлмай кимсан? Жўранинг шохи бўладими? Жумагалди бошини қуйи эгди. Кўз ўнгидан ўша воқеа ўтди.

...Бошқарма идораси қурилиш билан гараж ўртасидаги йўл бўйида жойлашган. Уч қаватли бу бионинг юқори хоналарида ҳар тун чироқлар алламаҳалгача ёниб туради. Самосвалини гаражга ҳайдаб ўтаётганида Жумагалди унинг чироқларига бир кўз ташлаб қўяди. Кундузи қурилишларда юрган раҳбарлар кечқурунлари ўтириб ишлашса керак-да. Лекин ўша куни, Жумагалдининг сезиб қолишича, бу ердаги раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам тунда фақат ишлаш учун кабинетини очиб ўтирмас экан.

Кузовдаги сўнги бетонни ағдаргач, Жумагалди машинасини гаражга ҳайдади. Чор-атроф тим қоронғи, йўл-изда одам кўринмас, одатдаги тун жимжитлиги ҳукмрон эди. Бу жимликни Жумагалдининг машинаси бузиб, йўлни ва ён-атрофни ёритганча ўйдим-чуқурларга тушиб-чиқиб борарди.

Бош
қаватда
нинг хо
хонаси
магалди
либ чиқ
мадир
жилдир
оширди
кела бо
сакраб
ди. Сар
шаҳдам
нага чи
Ни
эшикни
мудир
айтиш
ичкари
—
Кў
шини
бўйини
шарф
паслад
М
кетиб
бўлган
идора
бор. Е
ди? Не
қилган
шиб к
қимли
К
—
син.
—
У
лариг
—
И
гапни
ёмон
тушу
эди.
—
айти
раве
Кўп
хон

Бошқарма идорасининг чироқлари кўринди. Биринчи қаватда битта, учинчи қаватда иккита хона деразаларидан нур сочилиб турарди. Пастдагиси қоровулнинг хонаси, тепадаги иккита чироқ, Жумагалди адашмаса, Аминовнинг қабулхонаси ва кабинетиники эди. Бино олдидаги йўлдан бепарво ўтиб бораётган Жумагалди бирданига идора эшигининг очилганини ва ундан қандайдир аёл отилиб чиққанини кўриб қолди. Аёл машина томон югуриб кела бошлади ва у нимадир деб қичқирди. Жумагалди тормозни босди. Машинасини аста орқага жилдирди. Кабина томон халлослаб келаётган Қумрихонни кўргач, тезликни оширди. Шу пайтда идорадан бир киши югуриб чиқди ва у ҳам машина томон кела бошлади. Бу ким бўлди экан, деб Жумагалди кабина эшигини очиб, ерга сакраб тушди. Келаётган одам негадир таққа тўхтади. Жумагалди тикилиб қаради. Саросимага тушиб турган одам Аминов эди. У кескин орқасига бурилди ва шахдам юриб идора томон кета бошлади. Бу пайтда Қумрихон сўрамаёқ кабинага чиқиб ўтириб олган эди.

Нималар содир бўлаётганига Жумагалди тушунмай қолди. Кабинага чиқиб эшикни зарб билан ёпди. Қумрихон пиқ-пиқ йиғлай бошлади. Ижроқўм бўлим мудирини бу ҳолда кўришни хаёлига ҳам келтирмаган Жумагалди бирон сўз айтишга ботинолмамай машинасини юргизди. Идора томон қараб қўйди. Аминов ичкарига кириб кетган эди. Тавба, нималар бўляпти ўзи?

— Илтимос... уйга... обориб қўйинг.

Қумрихон бу сўзларни тутила-тутила зўрға айтди. Жумагалди у томон бошини бурди. Қумрихоннинг сочлари тўзғиган, дурраси энсасига очилиб тушган, бўйинлари очиқ, шарфи қўлида, ҳадеб уни ғижимлар эди. Қумрихон апил-тапил шарфини бўйнига ўради, кўйлагининг уёқ-буёғини тўғрилаб, тугмаларни пайпаслади.

Машина зулматни ёриб, пасту-баланд йўлдан сакраб-сакраб шитоб билан кетиб бораркан, Жумагалдининг кўзи олдиндаю хаёлида кутилмаганда содир бўлган воқеа муҳрланган эди. Қумрихон шаҳарнинг олдинги аёлларидан. Катта идоранинг масъул ходими. Эри меҳнаткаш, ажойиб йигит. Гулдай болалари бор. Бемаҳалда бу аёл идорада нима қилиб юрибди? Нега бинодан қочиб чиқди? Нега уни Аминов қувлади? Аминов ҳам масъул одам. Наҳотки у тажовуз қилган бўлса... Аминовни хотинбоз дейишарди. Секретари Ира билан дон олишиб юрганини кўришган. Энди Аминов келиб-келиб оилали шундай аёлга шилқимлик қиладими?

Қумрихоннинг сўник овози унинг хаёлини бўлди.

— Биламан, Ганжа акам билан ораларинг яқин. Илтимос, у киши... билмасин.

— Нимани?

— Идорадан чиққанимни, машинангизга тушганимни.

Жумагалди ортиқ ҳеч нарса сўрамади. Ҳар ким ўз хаёли билан бўлди. Уйларига яқинлашганда Қумрихон машинани тўхтатишни сўради.

— Буёғига ўзим кетаман. Уша илтимос. Бировга айтиб юрманг.

Иккинчи бор айтилганда бу гап Жумагалдига қаттиқ ботди. Нима, унинг шу гапни ташишдан бўлак юмуши йўқми? Ўзи гап ташувчи вайсақиларни жинидан ёмон кўради. Лекин бу гапни Ганжага айтиш ниҳоятда зарур эканини у кейин тушунди. Билганида кеч бўлган эди. Лекин, барибир, кўрганларини айтиши шарт эди. Айтолмади.

Орадан шунча йил ўтгандан кейин мана энди ёрилди. Воқеани бир бошдан айтиб берди. Жумагалди сўзини тугатди. Ганжа чурқ этмай, қаддини букиб ўтирaverди.

— Буни ўша пайтда айтишим керак эди, — жимликни бузди Жумагалди. Ганжа ҳамон ерга қараганча деди:

— Қўрқдингми?

— Кимдан?

— Аминовдан. У сени ўлдиртириб юбориши мумкин эди.

— Мен Аминовдан эмас, масалани чигаллаштириб юборишдан кўрқдим.

Кўпроқ сени ўйладим...

— Мени ўйлаганингда ҳеч бўлмаса судга келардинг. Менимас, Қумрихоннинг шаънини ҳимоя қилган бўлардинг. Ахир, унда айб йўқ экан-ку.

— Лекин сенинг ҳолинг не кечарди? Улдирган одаминг бегуноҳ, бунга қандай чидардинг? Икки бегуноҳ одамнинг хуни...

— Ҳа, мени ўйлабсан-у, ўша икки бегуноҳ руҳнинг бадном бўлишини ўйлабсан... Мен ҳам содиқ дўстини ўлдирган, ҳам хотинининг ўлимига зомин бўлган бебахт одамман.

Ганжа сўнги сўзни айтиб тутилиб қолди. У бирданига ўрнидан туриб кетди. Жумагалдининг тепасига келди. Ҳансираганча сўради:

— Тўғрисини айт, Жумагалди. Қумрихон идорадан ростдан ҳам қочиб чиққанмиди? Аминов унинг орқасидан югурганини ўз кўзинг билан кўрдингми?

— Қумрихоннинг қочганини, Аминовнинг қувлаганини ўз кўзим билан кўрдим.

— Қумрихон нега қочган деб ўйлайсан? Эҳтимол кеч қолганидан шошиб чиққандир?

— Шошган одам ҳолати билан тажовузга учраган одамнинг важоҳатини ажратиш қийинми?

— Тажовуз... Аминов унга тажовуз қилган деб ўйлайсанми? Ахир, Обод босқинчилик қилди, деб ўз оғзидан айтган менга хотиним.

— Бунда бир сир борга ўхшайди.

— Сирнинг ҳам падарига лаънат.

— Уз этингни ўзинг еб юрганингни биламан, Ганжа оға. Энди аламларинг ўн чандон ошиши аён. Олдин гуноҳкорларни жазоладим, деб ўйлардинг. Энди бўлса...

— Тўғри айтасан, дўстим, энди менинг яшашим мушкул. Ўзим учун энг яқин бўлган икки кишимнинг хуни менинг бўйнимда. Уни кўтариб юриш осон эмас. Аммо уларнинг бегуноҳ эканликларини эл олдида исботлаш керак ҳали.

— Ҳа, бу осон гапмас.

— Сен айтганларингдан тонмайсанми?

— Ҳеч қачон.

Улар хўроз икки қичқиргунча гаплашиб ўтирдилар. Ганжа Жумагалдини олиб қолмоқчи бўлди. У кўнмади. Меҳмонни кузатиб қўйганидан сўнг Ганжанинг кўнглида тутаётган ўт бирданига ловуллаб кетди.

52

Гулли рўмолчадаги тақинчоқларни Ганжа Олтинойга тутди.

— Буни сиз сотганмисиз?

Олтиной сирға билан узукни кўзига яқин олиб борди.

— Йўқ. Бунақасини биринчи кўриб туришим.

— Тузукроқ қараб олинг, балки ҳаммаси эсингизга тушар.

— Бу нима деганингиз? Кўрган бўлсам кўрдим дейишга кўрқаманми?

— Ҳа, кўрқасиз. Чунки буни сиз Аминовга яширинча пуллагансиз, шапкаси билан.

— Аминовга? Етти ухлаб тушимга кирмаган гап. Йўқ, йўқ, буни бир айтдингиз, бошқа айтманг.

— Айтман. Яна шуни ҳам айтаманки, Аминовга сиз бундан бир дона эмас, балки иккитасини сотгансиз.

Олтинойнинг кўнглига ғулғула тушгани кўзида акс этди, йилтираб кетди. Вақт ўтказмай Ганжа уни саросимага солмоқчи бўлди.

— Аминов буни сотиб олгани уйингизга ёлғиз ўзи келмаган.

Мабодо Олтиной ким билан келган деб сўраса, Ганжа Қумрихоннинг номи қандай қилиб тилга оларди? Дами ичига тушди шекилли, сўрамади. Уни бўшашди деб ўйлаб Ганжа адашган экан. Олтиной бирданига бобиллаб, жанжал кўтарди.

— Менинг уйимга ким келган, ким билан келган, нима ишингиз бор? Ким кўп, меникига келиб-кетадиган кўп, мен сизга улар ҳақида ҳисоб беришим керакми? Сиз ўзи кимсиз, мени тергайсиз? Уйимга келиб олиб, мени сўроққа тутишга нима ҳаққингиз бор? Нима ҳаққингиз бор деяпман?

— Уйингизга ким келиб, ким кетиши мени қизиқтирмайди. Айтинг, мана шу тақинчоқларни Аминовга сиз сотганмисиз?

— Йўқ, йўқ, йўқ. Сизга юз марта айтишим керакми битта гапни. Ё ўзбекча гапга тушунмайсизми?

— Мен-ку, ҳаммасига тушуниб турибман. Лекин сиз...

— Қилмаган ишимни қилдим десам тушунган бўламанми? Оламда нима кўп, магазин кўп, савдогар кўп, олибсотар кўп. Олган биров, сотган биров, келиб-келиб емаган сомсанинг ҳақини мен тўлашим керакми?

Ганжа Гулсорани ўртага солмоқчи эмас эди, лекин бу хотин билан далилсиз тортишиш бефойда эканини билиб, соҳилда қиз айтган гапларни такрорлади. Олтиной жим туриб эшитди, аслида у «ҳамма гапдан хабардор бу офат»га қандай жавоб қайтариш устида ўйларди. Айтар сўзини топгач, Ганжага дўқ урди:

— Мушздай боланинг гапига ишониб, уялмай-нетмай устимга келиб ўтирибсизми, а? У жувонмарг қорнини тўйганини билмайди-ю, кимга нима сотганимни биладимиз? Мен унинг тилларини кесиб оламан, қўлимга бир тушсин яшшамагур...

Ганжа совуққонлик билан деди:

— Қизингизни яхши билмас экансиз. Гулсора ёлғон гапирадиган қизлардан эмас. Сўзимга ишонмасангиз деб, мана, менга кўрган-билганларини ёзиб ҳам берди.

Ганжа чўнтагидан Гулсоранинг қўли билан ёзилган бир варақ қоғоз олди. Олтиной унга кўз қирини ташлади. Қизининг дастхатини таниса ҳам бўш келмасликка уринди.

— Сиз уни алдаб, кўрқитиб ёздириб олгансиз буни. Биламиз бундай усулларни... Устомонлигингиз менга кетмайди. Сиздақаларни кўп кўрганман. Кўрқадиган жойим йўқ, истаган жойингизга бораверинг, осмоннинг устунни кўлингизда бўлса ташлаб юборинг.

Ганжа ўз бисотидаги охириги «далил»ни келтирди. Сотим Сафоевдан эшитганларини ўзи кўргандай қилиб гапирди.

— Хўп, сиз айтгандай қизингизни кўрқитиб ёздирган бўлай. Лекин Исроил раис мендан кўрқади деб ўйлайсизми?

Исроилнинг номини эшитиб Олтиной маккорона кўзини пирпиратди. Ганжа давом этди:

— Сиз яхши биласиз, у на пайғамбардан, на худодан кўрқадиган одам. Бу билан нима демоқчисиз дегандай, Олтиной Ганжага тикилди.

— Исроил раис бировдан кўрқадиган одам бўлса, — деди Ганжа, — сиздан олтин сотиб олганини ошкора айтармиди?..

Олтиной яна кўзларини пирпиратди. Узини ҳайрон қолган, ҳайратга тушган одам қилиб кўрсатмоқчи бўлди:

— Кимга айтди? Нима деди?

— Кимга айтганининг аҳамияти йўқ. Керакли жойда билиб қоларсиз... Нима деганини эса сизга айтдим. Яна такрор айтаман, сиз унга олтин сотгансиз. Олтиной бу гал ўзини гўлликка олди.

— Мен-а? Тавба...

— Ҳа, сиз. Ҳақиқий тавбани ҳали айтасиз, тез кунда айтасиз, ҳа.

— Мени кўрқитманг, менда олтин йўқ, аввал ҳам бўлмаган, ҳеч кимга ҳеч нарса сотмаганман.

— Гапираверасиз-да. Лекин далиллардан қочиб қаёққа ҳам борардингиз? Олтиной Ганжага савол назари билан қаради.

— Мен макетни кўзда тутяпман, — деди Ганжа, — «Олтин тўғон» макетини... Исроил раис олтинни шунга деб олган, сизнинг ўзингиз ҳам озмунча улуш қўшмадингизми, ахир...

Олтинойнинг кўзи олдинига бирдан ўқрайди, кейин бирданига мунғайди.

Ганжа уни қўлга туширганини билиб, олтин можаросини бир дам тўхтатди-да, яна тақинчоқлар ҳақидаги гапга қайтди.

Олтиной йиғлай бошлади.

Эртами-кечми бу учрашув содир бўлиши керак эди. Ганжа дўстига пичоқ ўқталишдан олдин кўзини каттароқ очиб, теваарак-атрофига ҳушёр боққанида балки бу учрашув ўшандаёқ рўй берган бўларди. Лекин у пайтларда Ганжа очик кўр бўлган экан, дўст киму душман ким, буни англашга ақли калталиқ қилган экан.

Кечиккан учрашув мана ниҳоят юз берди. Маздубат билан Қисноқ ўртасидаги кимсасиз тақирда улар бир-бирларига рўбарў келдилар. Тўғрироғи — биринчиси иккинчисининг йўлини пойлаб турган эди, машина кўриниши билан у велосипедини йўлга кўндаланг қилиб қўйди.

Аминовнинг ўзи рулда эди, машинасини тўхтатди. Утирган жойида Ганжага ғазаб билан тикилди. Ганжа унинг машинадан тушишини пойлаб турди. Олишув ёмон бўлишини ўйлаб, Аминов ўрнидан кўзгалди. Қуёш уфққа юмалаб тушмоқда эди. Чор-атрофда жон аломати йўқ.

— Қароқчига ўхшаб йўлимни тўсишдан мақсадинг не?

Аминовнинг бирданига сенсирашга ўтганини Ганжа кўрққан олдин мушт кўтарар, деб тушунди. У ҳам сенсиради:

— Бекорга ким сенинг йўлингни пойлайди?

— Гапинг бўлса тезроқ айт, сен билан ади-бади қилиб ўтиришга вақтим йўқ.

Ганжа қўйнига қўл тикди. Пичоғини олса керак деб, Аминов бир қадам орқага тисарилди. Ганжа чўнтагидан қутичани чиқариб очди, бриллиант кўзли узук билан сирға ярқираб кетди. Аминов гап нимадалигини тушунди. Тақинчоқларга қарамасликка уринди. Ганжа унга яқин келди.

— Ма. Ол.

Аминов ҳақоратланган киши қиёфасига кирди.

— Майнавозчиликни бас қил.

— Майнавозчилик менинг қўлимдан келмайди. Майнавоз деб мана сени айтса бўлади. Буни... менинг хотинимга не мақсадда берган эдинг?

Аминов қўлга тушганини сезди. Лекин сиртига сув юқтирмаслик учун пўписа қилди:

— Сен... ҳали мени тергов қилмоқчимисан? Мени-я? Эсингдан чиқарма, мен Аминов бўламан.

— Ҳа, сен Аминовсан. Буни ит ҳам, бит ҳам билади.

Ганжа унга яна-да яқинроқ келди. Қуёш уфққа юмалаб борарди. Тақинчоқларни Ганжа машинага қараб отди.

— Энди буларни бошқа ўйнашингга обориб бер.

Ганжа жаҳл билан чўнтагидан қоғозларни олди.

— Манави... хотинимнинг ёзиб қолдирган хати, манави бўлса... олтин дўконининг накладнойи. Узук билан сирғани қайси числода сотиб олганингни исботлайдиган ҳужжат.

Аминов буларни рад этолмаслигини билиб шаллақиликка ўтди:

— Тўхмат. Фирт ёлғон. Хатни ўзинг уюштиргансан. Накладной фиктивний. Бу уйдирмаларингни бориб онангга айтасан.

Аминов шундай деди-ю, югургилаб бориб машинаси эшигига қўл чўзди. Худди шуни кутиб тургандай Ганжа унга қараб югурди, машина эшигини қарс эттириб ёпди. Аминов силтаниб кетди, газикнинг орқа ғилдирагига оёғи урилиб, эшигига суянди. Воқеа бунчаликка бориб етади деб ўйламаган эди. Бу ерда икковидан бўлак жон зоти йўқ, бу девдай йигит бўлса...

Шуларни ўйлаб Аминов бошқача йўл тутмоқчи бўлди.

— Тўхта. Муштга зўр беришнинг оқибати нима бўлишини бир марта кўрдинг. Яна қамалиб кетмайин десанг, эс-ҳушингни йиғ. Кел, машинага ўтир. Олтин дўконига борамиз. Юзлашамиз. Агар буни ҳақиқатан ҳам мен олганимни ва сенинг хотинингга берганимни исбот этса, унда ихтиёринг, не десанг турибман. Юр, ҳозироқ борамиз.

— Бу номеринг ўтмайди. Сотувчининг тушунтириш хати мана менинг чўнтагимда турибди. Сен бу узук-сирғадан биттамас, балки иккитасини сотиб олгансан. Иккинчисини кимга обориб берганингни ҳам аллақачон исботланган. Яхшиси, айбингни бўйнингга ол. Агар қилмишларингни тан олмасанг, билиб қўй, бу ердан сени омон юбормайман.

Аминов билдики, бу гап яхшиликча тугамайди. Кейин нега бу боланингни дўқ-пўписаларидан ҳайиқиши керак. Дўппи тор келса, нозик жойига битта тепиб, машинага чиқиб олиш мумкин-ку. Аминов ўзида куч-ғайрат сезиб, рақибга ғазабини сочди.

— Йўлни бўшат!

— Бўшатмайман. Қилмишингга энди жавоб берасан. Сен мени хотиним-

дан, дўстимдан жудо қилдинг. Мени турмада чиритмоқчи бўлдинг. Энди сенга ўзим кўрсатиб қўяман, бировга қасд қанақа бўлишини...

У Аминовнинг ёқасига ёпишди. Аминов унинг қўлига шундай зарб билан урдик. Ганжа гандираклаб кетди. Аминов унга ўшқирди:

— Ҳайвон. Эси паст, кўрнамак!

Аминов уни бўғизлаб ташламоқчидай енгини шимарди. Ганжа ўзини тутиб олиб қаддини ростлади.

— Сен чорифғини унутган итвачча, тузликқа тупурган тентак! — қичқирди Аминов жазавага тушиб.— Хотинингни етаклаб, бурнинг сувини тортиб келганинда ўзингни ҳам, хотинингни ҳам тузук ўринларга жойлаштирган ким? Ҳаял ўтмай, ҳали ўлдирган қурвақанг бўлмаса-да, сенга жой олиб берган ким?

Рақибига ташланмоқчи бўлиб, қулай пайт пойлаган полвондай, Аминов ҳурпайди. Душманини дор остига келтириб, ўз кўнглидаги бор гапни айтиб олишга жазм этган аламзада кишидай нописандлик билан сўзида давом этди.

— Сен, ҳайвон, яхшиликка қандай жавоб қайтардинг? Раҳмат айтиш, менинг қанотимга кириш ўрнига сен тентак... — Аминовнинг нафаси бўғизга тик қилди. Хириллаб гапира бошлади. — Сен, тентак, Духновнинг путига кирдинг, мияси айниган райпочи билан тил бириктириб, менинг режаларимни барбод қилмоқчи бўлдинг. Узларингни кон ва тўқайни сақлаб қолувчи ҳомийлар қилиб кўрсатиш учун менинг илдизимни қирқмоқчи бўлдинглар. Лекин менинг илдизим маҳкамлигини ўйламадинглар. Менга кўтарган болталарингни ўзларингнинг бўйинларингга тўғрилаб қайтардим.

Аминовни бўғиб ўлдиришга тайёр турган Ганжа унинг бу гапларини эшитиб хушёр тортди. Индамай қақишга одатланган бу илон тилга кирибдими, майли, гапирсин. Ганжа совуққонлик билан деди:

— Кон билан тўқайни йўқотиб нима орттирддинг? Ерларни шўр босганини, боғлар қуриганини, бутун бошли бир қирғоқ айқириб турган ўз дарёсини йўқотиб қўйганини кўр кўзларинг кўрмаяптими?

Аминов баттар тутатди.

— Сен айтган нарсаларни эмас, йўқ, бу гаплар ўткинчи, мен ҳозир бутунлай бошқа нарсаларни кўриб турибман. Дулдулсойга тош отганларнинг бошлари ёрилмадими? Духнов юртдан йироқда дарбадар, ҳали унинг ўлиги шу ёқларда қолади, Обод деганингни жони жаҳаннамда, болалари етим, сенинг бўлса ҳолингга маймунлар йиғлайди. Уша саволни мен сенга беришим керак, сен менга қарши курашиб нима орттирддинг?

— Эгилган ҳақиқатни синди деб ўйлама. У сингани йўқ. У синмайди. Тўғри, сен одамларнинг бошини единг. Лекин шу билан сен ўзингни ғолиб санайсанми? Сенинг , сенга ўхшаганларнинг касри элга урди. Боғистон ўз гужумларидан, конларидан, танти дарёсидан айрилди. Сенлар учун бундан ҳам шармандалироқ мағлубият бўлиши мумкинми? — Ганжа нафасини ростлади. — Мен фўрлик қилиб сен қурган тузоққа илиндим. Менинг бу хатоим қимматга тушди. Аммо, сен, эски тулки, шунча одамнинг бошига етганинг билан гердаишдан уялмайсан. Тавқи лаънатни бўйингга осиб юришдан ор этмайсан. Сенда тирноқча ор-номус бўлганида эркак билан эркакчасига олишардинг, хотинимнинг қўли билан ўт қовламаган бўлардинг. Мен-ку, сенга ёв эканман, сенинг ишларингга халал берган эканман, лекин хотинимда нима гуноҳ? Уни ўйинга киритганинг, эл кўзига шарманда қилиб, ёш умрига зомин бўлганингни, афсуски, кеч англадим. Энди бор ярамасликларинг учун жавоб беришинг керак. Ё айбларингни бўйингга оласан ё...

— Гўдак, — унинг сўзини бўлиб қичқирди Аминов. — Хотининг ўзини осиб ўлдирса, мен айбдорманми? Билмас эдингми, хотининг ўзи...

Шу ерга келганда Ганжа чидаб туролмади. Унинг қаншарига шундай тунширдик, Аминов гуп этиб чалқанчасига йиқилди. Лекин мушукка ўхшаб ўридан сакраб турди. Устига бостириб келаётган рақибига жон-жаҳди билан ташланди. Ганжа нозик жойига тепки еб, их, деганча ўтириб қолди. Аминов унинг орқасига, кўксига уст-устига тепди. Ҳаллослаб машинаси томон юрди. Ё бирон темирни олиб, Ганжанинг бошига туширмоқчи бўлдими, ёки рақибининг саракланганидан фойдаланиб қочиб кетмоқчи бўлдими, шошиб машина эшигини оча бошлади. Аммо Ганжа гандираклаганча келиб унинг оёғига ёпишди, тортиб йиқитди-да, устига миниб олди.

Қурбон Салаевнинг аллақачон ёпиб ташланган ишини қайта ўрганиш жараёнида кўпгина чигал жумбоқлар очилди. Қора дори пакетидан ўша пайтда олинган қўл излари билан Ганжа келтирган узангидаги излар бир бўлиб чиқди. Бу нарса кўп муаммоларни ечиш калити эдики, Одилов ундан усталик билан фойдаланди.

Ўша пайтда Салаев иши билан милиция капитани Назаров шуғулланган эди...

...Назаров жиғибийрон бўлиб юрган пайтларда унга Салаев иши топширилди. Терговчининг куюнишига сабаб у очган бир неча жиноий ишларнинг босди-босди қилингани эди.

Салаев иши «қорала» деган кўрсатма билан бошланди. Салаев районни булғаб ўтирган ярамас одам, деди милиция бўлимнинг бошлиғи Раҳмонов. Раҳбарларнинг кўзини очирмай хат ёзгани-ёзган. Уни тезроқ даф қилинг.

Бу топшириқ Назаровнинг ярасига чертиш эди, албатта. Бу оғриқ кейин яна зўрайди. Милиция ертўласида Салаев билан юзма-юз учрашиб, уни илк бор тергов қилгандаёқ Назаров бу жиноят уюштирилганини тўйди. Топшириққа қасдма-қасдига воқеани обдан текширишга киришди. Пакетдаги бармоқ изларини суратга олдирди. Бу излар Салаевники эмаслигини экспертиза тасдиқлади. Бундан хабар топган милиция бошлиғи терговчига зуғум қилди. Аммо Назаров унинг раъйига юрмади. Олишув ана шундан бошланди ва бирданига кескин тус олди.

Масалани узил-кесил бирёқлик қилишга, терговчини ё эгиб олиш ёки йўқотишга қарор қилган бошлиқ синалган услубларни ишга сола бошлади. Унинг энг севган услубларидан бири рақибнинг тилини қисик қилиб қўйиш эди. Назаровнинг оиласида келишмовчилик чиққанини, ўртага иккинчи аёл аралашганини у сезиб юрарди. Нима қилиб бўлса ҳам Назаровни қўлга туширишга жазм этди ва буни амалга оширишнинг мудҳиш режасини тузди.

Орадан кўп ҳам ўтгани йўқ. Кечқурун соат ўнларда Назаров ўзининг «Москвич»ида қум тарафдан қайтиб келаётган эди. Намозшомда туша бошлаган туман қуюқлашиб, борлиқни ўз пардасига буткул ўраб олган эди. Машина чироғи бу қат-қат пардани ёришга ҳарчанд уринмасин, ўн қадамдан нарини кўз илғаши амримаҳол эди. Қишлоқ ичидаги йўллардан урина-сурина Дулдулсой — Отақўрғон йўлига чиқиб олгач, Назаров сал енгил тортди. Ҳарна магистраль йўл, чеккадан аста кетаверса ҳеч нима қилмас.

Назаровнинг ҳамроҳи — кутилмаганда унинг ҳаётига кириб келган иккинчи аёл рулдаги кишисини чалғитмаслик учунми миқ этмас, орқа ўриндикда бўшашиб ўтирганча, тумандан кўзини олмас эди. Қумдан чиққандаёқ қишлоқ йўлида уларга эргашган юк машинаси ҳамон кетма-кет келар, бундан Назаров баттар асабийлашарди.

Отақўрғонга ўн километрча қолганида кўприкдан тушиб йўл торайган жойда орқадаги машина уни қувиб ўта бошлади. Аммо у қувиб ўтай деганда тезликни бирданига пасайтириб, «Москвич»га тиралиб келди. Шу пайт Назаров ўзи томон келаётган эшакаравани кўриб қолди. У жуда ҳам яқин қолган эди. Рулни ўннга бурай деса ёнма-ён келаётган машина, чапга бурай деса заҳкаш, Назаров бирон нарсага улгурмаёқ арава билан юзма-юз тўқнашди. Эшак ҳуркиб ўзини четга урди. Назаров апил-тапил тормозни босган бўлса ҳам машинаси қулаётган аравага бориб урилди. Чайқалиб тўхтади. Арава устидаги одами билан заҳкашга ағанади. Юк машинаси зумда кўздан ғойиб бўлди.

Назаровга ҳам, ҳамроҳига ҳам ҳеч нима бўлмади. Назаров заҳкашга тушиб, арава тагида қолган чалажон қарияни инқиллай-инқиллай кўтариб чиқди ва бир амаллаб машинасига олди. Район касалхонасига етар-етмас қария жон берди.

Эртасига эрталаб раймилиция биноси Назаровнинг кабинетида узилган ўқдан ларзага келди. Навбатчи старшина кабинетга қараб югурди. Назаров столга қийшайганча қониға беланиб ётарди.

Унутилаётган бу воқеа Одиловни жиддий ўйлатиб қўйди. Салаевни йўқотиш пайида бўлган кишилар бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмаган эканлар-да. Милиция бошлиғи кимларнинг изми билан бу қабиҳликка борди? Қулжон деган

оддий отбоқар кимларнинг буйруғи билан Салаевнинг уйига қорадорини кири-тиб ташлади? Бу саволларга жавоб топиш учун биринчи навбатда ўша от-боқарни тергаш керак, албатта.

Салаев ва Назаров иши билан боғлиқ ҳужжатларни кўздан кечиришкан, Одилов Отақўрғондаги жиноятлар илдизи жуда чуқур кетганини англади. У ковланса, табиийки, кўп нарсалар очилади. Ганжа Қиличев ва унинг дўсти, оила-сини қуритган нарсани ҳам ўша ковланадиган жойдан ахтаришга тўғри келади.

Одилов «дело»ни кўздан кечириб бўлгач, стол чеккасига суриб қўйди. Уринбосарини чақиртирмоқчи бўлганида телефон жиринглади. Қизи Моҳира-нинг овозини эшитиб кўнгли ёришди. У шунчаки соғинганидан кўнғироқ қилиб-ди. Қизи билан гаплашиб бўлгач, Одиловнинг кўнғлига қандайдир ғашлик чўк-ди. Балки қизининг товуши синиқроқ чиққанидан шундай бўлгандир. Моҳира-нинг кўнгли ҳам ғуссага тўла. Сиртидан кулиб туради-ю, ичи тўла армон. Ёш бошига кулфат орттирди. Биринчи курсдаёқ муҳаббат билан оила қуриб, сал ўтмай ажрашиб кетган ёшгина қизнинг тақдири ота-онани оғир ўйларга гириф-тор этган эди.

Ички телефонда ўринбосарининг овози эшитилди. Унинг сўзларини тинг-лаб бўлгач, айтинг, олиб киришсин, деди.

Бирпасдан кейин эшик очилиб, лейтенант-соқчи кеча кечқурун Аминовни ўлдирмоқчи бўлган йигит — Ганжа Қиличевни олиб кирди. Отақўрғондаги иш-лар билан шахсан Одиловнинг ўзи шуғулланаётгани учун қўлга тушган йигитни тўппа-тўғри унга рўбарў қилишган эди.

55

Бошқарма клубига одам сиғмайди. Ёшларнинг хати ҳаммада қизиқиш уйғотгани, текшириш нима билан тугаши одамларни ўйлатиб, ҳаяжонга солаёт-гани залнинг нафас олишидан маълум эди. Пашша учса эшитилади. Йиғилиш-ни Исқандаров олиб борди. Одамларга яқин биринчи қаторда Аминов, «Взривпром» ходими, СМУларнинг раҳбарлари, кейин қурувчилар, шофёрлар, тракторчи-лар, ёшлар ўтирибди. Ганжа ўртароқдаги қаторда, Гулсоранинг ёнидаги бўш ўринга жойлашганди. Унинг ёнида билим юрти ўқитувчиси Асадов ўтирди. Исқандаров текшириш якунлари ҳақида ахборот берди.

— Ҳалокат сабаблари олдин ҳам текширилган. Кўп фактлар аниқланган бўлишига қарамай, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолган эди.

Аминов гапнинг бундай дангал бошланишидан саросимага тушди. Нотиқ-нинг оғзига уриб қўймоқчи ҳам бўлди, аммо тилини тийди.

— Ўша пайтда кўп нарсалар хаспўшлаб кетилган, — давом этди Исқандаров. — Ҳалокат содир бўлган жойлар — котлован ҳам, Қиртепа ҳам сув омбори остида қолиб кетди. Лекин ўша пайтнинг харитаси, мана, бизнинг қўлимиз-да.

Исқандаров дераза ёнидаги тахтага харитани илиб қўйишни сўради. Бар-моқлари билан чизиқларни кўрсатиб воқеани тушунтирди.

— Манави котлован. Буниси эса Қиртепа. Қоида бўйича портлатиш ишлари уч юз эллик квадрат метр радиус ичида ўтказилиши керак. Шу радиусда ҳеч қанақа объект қолдирилмаслиги лозим эди. Аввало, бу масофа уч юз эллик метр чиқмайди. Қолаверса, шу радиус ичида — котлованда ўқувчиларнинг вагон-уйчалари жойлаштирилган. Шу икки сабабга биноан фожиа юз берди. Комиссия буни жиноий иш деб ҳисоблайди.

— Савол берсак мумкинми?

Сўроғига жавоб кутмасдан Аминов ўтирган жойида сўради:

— Портлатувчилар, техника хавфсизлиги ходимлари нима дейишди, улар қаёққа қарашган?

— Буни ўзлари айтиб беришар, — хотиржам жавоб берди Исқандаров.

— Радиус ярим метр кам ё кўп бўлиши мумкин, — деди портлатувчи корейс йигит. — Ўша пайтда икки оёғимизни битта этикка тиқишди. Митинг-га икки кун қолди, бир кун қолди деб тепамизда қамчи ўйнатишди. Лекин асо-сий гап ўша метрларда эмас. Асосий гап, ўртоқлар, котлованга вагон-уйчалар-нинг жойлаштирилганида.

— Қарши чиқинг эди, дод солинг эди, кўчирмагунча портлатманг эди.

— Ҳа, кўнгилчанлик қилдик. Буйруғингизга тескари боролмадик, ҳурма-тингизни тутдик. Бу бизнинг айбимиз, — сўзини тугатди ўксик овозда инженер.

Асадов кўл кўтарди. Рухсат олгач, турган жойида гап бошлади. Олд қатордагилар ўгирилиб қарашди.

— Мен билим юрти ўқитувчисиман. Яраланган болалар менинг группам-да эди. Ушанда мен вагон-уйчаларни тепага жойлаштирайлик, дедим. Котло-ванда мингта иш кетаётган эди. Ҳаммаёқ кабель, ҳаммаёқ труба. Болалар бу-нинг ичида ётолмайди, хавфли дедим. Гапимни тинглайдиган одам бўлмади.

— Кимнинг номига арзнома ёздингиз? — типирчилаб сўради Аминов.

— Арзнома ёзмадим. Оғзаки айтдим. Сизга.

— Ана шунақа, сизлар оғзакига устасизлар.

Залда ғала-ғовур кўтарилди. Искандаров ўрнидан турди. Аллақандай қо-ғозларни титкилади. Биттасини олиб юқори кўтарди.

— Мана буйруқдан кўчирма, ўртоқлар. Ҳозир буни сизларга ўқиб бера-ман. Лекин, аввало шуни айтайки, биласизлар, ўша пайтда мен комсомол таш-килотининг секретари эдим. Ҳеч қаёққа кетганим йўқ эди, шу ерда, воқеа содир бўлган жойда эдим. Фалокатда менинг ҳам айбим йўқ эмас. Воқеанинг олдини олиш лозим эди. «Взривпром» ходимлари ҳам, техника хавфсизлиги инженер-лари ҳам айбдордирлар. Ҳеч ким жазодан қочаётгани йўқ. Лекин асосий нуқ-сон нимада? Бу ерда айтилганидек, вагон-уйчаларнинг котлованга жойлашти-рилганида.

У нафасини ростлаб, бирпас жим турди. Сўнг Аминовга юзланди.

— Эсингизда бўлса, Ғани Аминович, ўшанда иккаламининг ўртамизда қаттиқ гап қочган эди. Мен, вагон-уйчаларни котлованга қурмаймиз, дедим. Сиз, қурамыз, дедингиз. Митингга вақт оз қолди, болаларни қатнаиб юришга вақтимиз йўқ, ишнинг тепасида ётишсин, дедингиз. Биз яна қаршилиқ қилдик. Сиз ўчакишгандай буйруқ чиқариб, эълонлар тахтасига илиб қўйдирдингиз. Мана ўша буйруқ.

Искандаров буйруқни ўқиб эшиттирди. Зал сеҳрлангандай жим бўлиб қол-ди. Аминов бошини қуйи эгди. Искандаров залга қараб деди:

— Бир савол туғилади. Ўртоқ Искандаров, бу масалани ўша пайтда нега кўтармадингиз, деб мендан сўрашингиз мумкин. Ушанда ҳам масалани ҳозир-гидай дангал қўйганмиз. Буйруқни кўтариб керакли жойга борганмиз ҳам. Ле-кин фойдаси бўлмаган, ўртоқлар.

— Менга сўз беринг.

Ҳамма овоз чиққан томонга ўгирилди. Гулсора дадил юриб, президиум столи ёнига келди. Залга тик қаради. Зариф ўтирган жойида ҳаяжонланар, қулоғи Гулсоранинг оғзида эди. Гулсора шарт-шарт гапирди.

— Мен ҳалок бўлган бола — ўртоқ Аминовнинг ўғли билан юзма-юз ик-ки марта учрашганман, холос. У ҳақда нима ҳам дейиш мумкин... Лекин гап ҳозир бошқа нарса устида. Гарчи тирик қолган бўлса ҳам, бир неча бола оғир жароҳатланди. Яқинда биттасини қўлтиқтаёқда кўрдим... Бир нарсага тушун-майман. Нега шу пайтгача ҳеч ким бунга жавоб бермайди. Хатда ҳам айтган эдим, яна айтаман, айбдорлар жавобгарликка тортилсин.

Кимдир қарсак чалди. Унга бошқалар ҳам қўшилди. Зал гумбурлаб кетди. Гулсора дик-дик юриб ўрнига бориб ўтирди.

Оёғи тагидаги замин нураб бораётганини кўриб, Аминов ўрнидан ирғиб турди-да, залга дағдаға қилди:

— Бу нима, мажлиси ё театри? Мени... бошқарма бошлиғининг ўрин-босарини... бундай қилишга ҳақларинг борми? — У Искандаровга ташланди. — Сиз, ўртоқ Искандаров, кеча бошқармага бошлиқ бўлиб, ишни мени обрўсиз-лантиришдан бошламоқчимисиз? Йўқ, бунақаси кетмайди. — Аминов оёқлари-ни керди. — Авваламбор, сизнинг эмас, менинг болам ҳалок бўлган. Дод сол-сам, мен дод солишим керак эмасми? — У рўмолчаси билан кўзини артган бўлди. Одамларга таъсир ўтказиш мақсадида, хўрсиниб-хўрсиниб гапир-ди. — Камол... мактабни битказаетган эди. У ҳам ирригатор бўлмоқчи эди. Лекин... Аммо ўртоқлар, мен шундай бўлсин дебманми?

— Сиз ўғлингизнинг котлованга келишидан беҳабар бўлгансиз, — деди кимдир орқароқ қатордан. Унга бошқаси қўшиб қўйди:

— Агар билганида борми...

Аминов энгашиб курсидан шляпасини олди. Одамларга қараб қичқирди:

— Ҳақларинг йўқ. Менинг обрўйимни тўкишга ҳақларинг йўқ. Бу томошани ташкил этганлар ҳали қилмишларига жавоб берадилар. Керакли жойда буни гаплашамиз.

У жаҳл билан шляпасини бошига қўндирди. Шу пайтгача ўзини босиб ўтирган Ганжа тезроқ сўз олишга қарор қилди. Аммо Одидовнинг ҳозирча ҳеч қанақа ҳаракат қилмаслик ҳақидаги маслаҳатини эслаб, яна иккиланиб қолди. Аммо айтадиганини ҳозир айтмаса, кейин кеч бўлади-ку. Фақат болалар фалокатининггина эмас, балки Қумрихоннинг ҳам, Ободнинг ҳам ўлимга шу одам зомин бўлганини халойиқ билиши керак. Ганжанинг айби нимадалигини ҳам, майли, одамлар билсинлар. Ноҳақ икки одамнинг ёстиғини қуритганини ҳозир ўз оғзи билан айтади. Ғам-ҳасратини ичига солиб, сарғайиб сомон бўлиб юрганидан кўра борини айтгани, одамларга дардини тўкиб солгани дуруст. Ҳа, ҳақиқатни билсин одамлар. Қумрихоннинг ойиси ҳам, Ободнинг оиласи ҳам биратўла исноддан қутулсин. Майли, Ганжани айблашсин. Аммо Аминовнинг авра-астарини ҳам билиб қўйишсин-да.

Бетига чарм қоплаб олган бу одам ўша муштлашувдан кейин ҳам, гўё ҳеч нима бўлмагандай, пинагини бузмайди. Ушанда Ганжа уни бўғиб ўлдиришига сал қолган эди. Мабода аллақаёқдан бегона машина ва нотаниш икки йигит келиб қолмаганида ҳозир бу муттаҳам кўзини лўқ қилиб ўтирмаган бўларди.

Ганжа шу хаёллар билан ўрнидан энди турмоқчи бўлганида орқадан овоз келди.

— Менга сўз беринг.

Ганжа ўгирилиб қаради. Жумагалди қаторларни оралаб тез-тез юриб келарди. Ганжа ҳайрон бўлди. Мажлисда у кўринмаган эди. Эҳтимол кечикиброқ келгандир. Уша гапларни айтишга чоғланганмикан? Ҳа, у ҳозир бор гапни айтади. Уз гарданидаги оғир юкдан у ҳам халос бўлиши керак-ку, ахир.

Жумагалди президиум столига яқинлашганида Аминов бўшашиб ўрнига ўтирди. Бошидан шляпасини олди.

56

Қутилмаганда Қулжоннинг кириб келиши Қурбон акани таажжубга солди. Бу тулки ҳол сўргани кирмайди, албатта. Ҳамиша ўз манфаатининг орқасидан юрадиган киши бирон нарса ундириш пайида бўлмаса, бировнинг эшигини очмайди. Аммо бемор одамдан нима ҳам тама қилиши мумкин?

Қорадори жанжалидан аввал ҳам улар эш эмас эдилар. Қўшни бўлгани билан оралари ер билан осмондек узоқ эди. Бир Қурбон ака билан эмас, ҳам-қишлоқларининг биронтаси билан ҳам унинг моши пишган эмас.

Бувани тўқайга ташлаб ўзи қочиб келганидан кейин-ку, бутун қишлоқ ундан юз ўгирди. Қулжон жўрттага шундай қилган, деган гаплар ҳам тарқади. Маздубат ғори олдидаги тўполондан сўнг катталар ундан ўч олмоқчи бўлишган экан. Йўқса тўқайга сув қўйиш олдидан Бувани уёққа юборишармиди. Биратўла қутулайлик, дейишган-да. Билишадикки, Бува отларни ҳалокатга ташлаб келмайди.

Беномус Қулжон бўлса эл-юрт кўзига кўринишдан уялиш ўрнига айбни нуқул ўлган одамнинг устига юклайди. Узини-ўзи ўлдирди, отларни қувиб бало бормиди, ўжар-да, ўзим биламан деб керилишнинг оқибати шу!

Қурбон аканинг мўйини тик қиладиган яна бир нарса Қулжоннинг катталарга лаганбардорлиги эди. Исроил раиснинг атрофини супургани-супурган, худди ҳисобчига ўхшаб, идорадан бери келмайди. «Йилқичисан, сенга раиснинг кетида пишириб қўйибдим, отингни боқсанг-чи, эй, даюс». Тилини қичитиб юрган бу сўзларни Қурбон ака кўп марта ичига ютган. Лекин у гапирмагани билан Қулжон ҳаммасини сезиб юрган бўлиши керак. Қурбон Салаевнинг ичидаги ҳамиша юзида бўлар, қўшнисининг нафратини кўриб, Қулжоннинг ҳам чехрасини ғазаб алангаси қопларди.

«Бу ҳақиқатчи ўзи ким? — ўйларди Қулжон, — худди академикларга ўхшаб керилгани-керилган, ҳамма нарсадан қусур қидиради. На каттани писанд қилади, на кичикни. Ҳамма ҳаромхўру, гўё ёлғиз бу киши ҳалол. Тарихчи деган

ётмайдими тарихини ўқитиб. Тарих-да бир ёқда қолиб кетиб, нуқул бугунги одамларга ёпишади — чиранги.¹ Шунга қўшни бўлиш пешонамга ёзилмаганида соясидан етти чақирим нари юрардимку-я...»

Аммо қайсар муаллимни минг ёмон кўргани билан ҳозир унинг олдида эшилиб туришга мажбур. Шундай қилмаса бўлмайди. Ҳозир унинг ҳаёт-мамоти ўлим тўшагида ётган мана шу тўнғбўйин одамнинг қўлида. Кеча Қулжон Боғистонга бориб, гужум тагидаги идорада роса терга ботди. Терговчи ҳамма гапдан хабардор шекилли, Қулжоннинг эсини чиқазаетди. Қорадорини Қурбоннинг уйига қандай қилиб киритиб ташлаган бўлса, шундайлигича айтиб берди. Қулжон бўйнига олмади, албатта. Буни сенга ким топширди деб ҳар қанча қистовга олишмасин, барибир айтмади. Лекин айтмаганига қўйишармиди. Ростини айтмай иложи ҳам йўқ-да. Дорини бировнинг уйига ташлаш, ахир, ўзидан чиққан гап эмас-ку. Ўзида қорадори нима қилсин. Исроил раис қўлига тутқазди, шумоёқнинг уйига киритиб ташла, деди. Тўғри, қорадори билан бирга мўмай ақча ҳам берди. Қулжон бир ёғи шунга учиб, иккинчи томони қайсар қўшнисининг кўзини жойига тушириб қўйиш ниятида унинг уйига пусиб кирди. Ҳозирча бу ҳақда оғиз очиб бўлмайдию (Исроил раис тилини суғуриб олар), аммо лекин...

Қўшнидан ҳол сўргани кирган бўлиб, шу андишалар билан Қулжон бемор тўшагига яқин кўрпачага чўккалади. Мулойимлик билан кўнгил сўраган бўлди. Унга илашган дардни қарғади. Шундай касаллардан кўпчилиги тузалиб кетганини айтди. Охири бахайр бўлсин, деди. Аста-секин гапни шу кунларда ўзининг жуда ҳам қийналиб юрганига бурди.

— Манам қариб қолдим, домла. Бурнимни қисса жоним чиқай дейди. Улиб қоламанми деб ваҳм босади.

Қурбон ака бу одамни қандай қилиб ер кўтариб юрганига ҳайрон бўларди. Энди бу ҳам охиратини ўйлай бошлабдими? Аммо косанинг тагида нимкоса бўлиши керакдир-ов. Қани, сўзлайверсин-чи.

— Ваҳм босди дегунча ўйга толаман, домла. Хаёлимга ҳар хил гаплар келади. Рози-ризоликни ўйлайман. Бегуноҳ парвардигор.

Қурбон аканинг устидаги кўрпа оғирлашди. Ҳали Қулжон кирганида саломлашмайин деб қўлини кўрпа остига олган эди, иссиқлаганидан чиқазиб ёстиққа тиради.

— Кўзимнинг ўнгига қилкўприк келади, домла. Утолмайманми, деб кўрқаман. Умримда битта гуноҳ иш қилиб қўйганман. Сизнинг олдингизда...

Бу нобакор ростдан ҳам тавба-тазарру қилгани келганми ёки галдаги шум ниятини амалга ошириш ғамидами? Аслида-ку, бу одам — бир кўғирчоқ, ким мурватини бураса ликиллайверади. Буни ликиллатиб юрганлар яна не мақсадни кўзлаётган эканлар? Тинч ўлгани ҳам қўйишмайди бу алвастилар. Қурбон аканинг нафас олиши қийинлашди. Упкасининг шиғиллаши баландроқ эшитилди.

— Ушанда, домла, бир емас п... ни еб эдим. Шайтон мени йўлдан оздирди. Кўрпа худди тошга ўхшаб Қурбон аканинг борлигини эза бошлади. Сочикни олиб юзини, бўйнини артди. Кўрпани пастроқ тушириб, кўксини шамоллатган бўлди.

— Домла, оёғингизга йиқилиб келдим. Мени энди бор қиладиган ҳам сиз, йўқ қиладиган ҳам сиз.

Мана гап қаерда. Бекорга тилёғламалик қилмайди бу туллак. Нима бўлди экан? Ё Ганжанинг айтгани келиб, буларнинг миси чиқдимикан? Қурбон ака бошини ёстиқдан кўтариб, қўлига тиради.

— Мендан нима истайсан?

— Бир парча қоғоз, домла. Қулжонга даъво-жанжалим йўқ деб бир энлик қоғозга ёзиб берсангиз бўлди.

Қурбон аканинг яна нафаси сиқди. Упкасининг шиғиллаши хонани тутди. Кучи етганида-ку, туриб оғзига туширган бўларди-я, аммо на илож, бедаво дард...

Қулжоннинг ўзига тама билан боқиб турганини кўриб Қурбон ака баттар тутақди. Наҳотки бу эшакмия ростдан ҳам тилхат ундиргани келган? Бу тоифа

¹ Чиранги — қайсар, жанжалкаш.

одамларда тамиз бўлмайди. Тамизсиздан ҳар нарсани кутиш мумкин. Қўрқоқлик бетамизнинг қонига сингган бўлади. Қўрқоқнинг пластилидан нима фарқи бор. Ҳар кимнинг қўлида ҳар хил шаклга киради. Манави ҳам Исроилнинг қўлидан менинг пешонамга тош бўлиб отилди. Энди менинг уйимда Исроилни сотишга тайёр, ўзини ҳалимдан юмшоқ қилиб кўрсатиш учун жони ҳалак. Э, туф, сенга...

— Домла.

— Бас қил. Мени... домла, дема. Устозингга ишлат бу сўзни.

Қулжон тилини тишлади. Номи айтилмаса ҳам ким ҳақида гап кетаётгани маълум эди.

— У сени... мажбур қилдимми?

— Йўқ.

— Пул бердимми?

Қулжон индамади.

— Қанча олдинг хизматингга? Болаларингни ҳаром билан боқишдан ор қилмадингми? Менинг боламнинг кўзёшидан кўрқмадингми?

Қулжон яхшилик билан иш битказишдан умидини узди. Домла деб турган одам туйқус зуғумга ўтди.

— Болангнинг кўзёшига мен зомин бўлибманми? Уйингга пакетни мен ташламасам, бошқа биров ташларди. Буйруқчи буюради, кунликчи югуради. Кучинг етса, буйруқчи билан олиш.

Одам ҳам бу даража тез ўзгарадимми? Ҳозиргина қимтиниб турган нокас...

— Кунликчиман дегин. Сотқинлигингни билар эдим. Лекин бориб турган лақма ҳам экансан. Билмасанг, билиб қўй, қонун олдида биринчи жавобгар сенсан. Пакетни сен киритиб ташлагансан. Буйруқчи эмиш. У сенинг қўлинг билан ўт қовлаган, биринчи бўлиб сен куясан.

— Йўқ. Куйиш керак бўлса аввал у куяди.

Гўё оловнинг беаёв тиллари борлигини ўраб олаётгандай Қулжон ғужанак бўлди. На у, на бу сўзлади. Охири Қулжон ўзига-ўзи гапирган алфозда деди:

— Бехуда қамалиб кетадиган аҳмоқ йўқ. Ҳаммасини айтиб бераман...

Шундай дедию, ўйга толди. Шу пайтда терговчига ёрилишдан олдин Исроил раисга учрашишни, шу бугун, ҳозироқ бориб учрашишни кўнглидан ўт-казаётган эди. Жиноятга йўллаган одам энди қутқариб қолсин. Мабодо сени қайда кўрдим дейдиган бўлса, унда Қулжон бор гапни терговчига айтади. Ана унда жарга ёлғиз қуламайди. Исроил раисни ҳам тортади.

Қулжон ўрнидан турди. Кетаётиб Қурбон акага охириги захрини сочди:


— Уладиган касалнинг тезроқ ўлгани тузук.

У чиқиб кетди. Унинг сочган захри мажруҳ қилиш ўрнига Қурбон акага қандайдир куч бағишлади. Кўнглига аллақандай нурли бир қувват инди. Шукр, деди ўзича. Келинни чақириб чой сўради. Масаллиғинг бўлса, ош қил, деди.

Неча вақтдан бери оғзига туз солмай ётган қайнотасининг бу сўздан кейин келин ўчоқ бошига югурди. Хайрият!

Қурбон ака тикланди. Бир қўлини тўшакка, иккинчисини деворга тираб, оёққа қалқди. Аввал бир-икки марта шундай қилганида боши айланиб, йиқилган эди. Ҳозир боши айланмади. Аста-аста девор ёқалаб шкафга яқинлашди. Кўпдан бери қўл тегмаган оқ кўйлагини, ҳаворанг камзулини амаллаб кийиб олди. Ҳассага таяниб эшикка йўналди. Кўчага қадам қўйиши билан юзида офтобнинг иссиғини туйди. Осмонга тикилди. Кўк юзи шишадек артилган; қуёш сахийлик билан борлиққа нур таратмоқда. Қурбон ака ариқ бўйидаги теракларга кўз югуртди. Анча бўй тортиб, йўғонлашиб қолган теракларнинг шилдир-шилдир баргларида шуъла ўйнади. Уй олдида ястанган пахта даласининг нарёғидаги йўлдан машиналар, велосипедлар, пиёдалар у ёқдан-бу ёққа ўтишяпти. Моторларнинг гуриллаши, дупур-дупур ҳаёт анчадан бери кўча юзини кўрмаган Қурбон акани энтиктириб юборди. У деворга суяниб, эҳтиёткорлик билан тўнкага ўтирди.

— Ҳакам бор экан, — ўйларди Қурбон ака атрофни кузатаркан, — қасос ҳақ экан. Қулжоннинг оёғимга йиқилганини кўрдим, Аминовнинг мажлисда шарманда бўлганини эшитдим, энди ўлсам армоним йўқ. Исроил раиснинг ҳам, бошқа казо-казоларнинг ҳам тагига сув кетди. Аёвсиз гирдоб энди уларни омон қўймайди.



Қурбон ака Ганжани кўргиси келди. Аминовни ҳам, Қулжонни ҳам фош қилган асли шу йигит эмасми? Иродаси пўлатдан маҳкам экан. Ўзини қўлга олди, душманларини енгиб, тиз чўктирди. Бошида шунча ташвишу тағин бемор ётган иложсиз одамнинг ғамини ейди. Уни бадном қилганларнинг пайини қирқади. Бошинг тошдан экан, баракалло, ўғлим?

Қурбон ака кун ботгунча эшик олдида ўтирди. Уни кўрган қўни-қўшнилар, йўлдан ўтган таниш-билишлар яхши гаплар айтиб кўнглини кўтардилар.

Шу кеча Қурбон аканинг димоғига таом ҳиди ўтиришди. Очиқиб палов еди. Бола-чақалари билан ҳазиллашиб, чақчақлашиб ўтирди. Тунги ором нималигини унутган киприкларига шу оқшом уйқу инди. Бир ёнбошида ухлади.

Эртасига эрталаб молларга ўт ўргани отизга чиққан келин янги гап топиб келди.

— Қулжон отбоқар тунда ўзини-ўзи сўйибди.

«Бу — Исроилнинг иши, — ўйлади Қурбон ака. — Қўрқоқ ҳеч қачон ўзини-ўзи сўёлмайди».

57

Вовуллаган итлар тинчиди. Машина, трактор, мотоцикл саси ҳам, оёқ саси ҳам тинди. Битта дераза — раиснинг ётоғи деразасидан бошқа Қораянтоқдаги барча уйларда чироқ ўчди. Сотим ухлаш учун китоб ўқиб ётар, лекин на китобга тушунар, на кўзига уйқу қўнар эди. Кўзи китобдаю хаёли Исроил раис айтган гапда, шу билан боғлиқ нохуш ҳисларда, ҳаётини ўраб олаётган турли-туман тўрларда эди.

Китобни ёнбошидаги пастак столга қўйди. Унг томонга айланиб, тирсагига чеккасини босди. Кўзини юмди. Уйқу қаёқда. Қўшни хонадан ўғилчасининг йиғлагани эшитилди. Ойиси кўкрак берди шекилли, тинди. Бирпас ўтмай яна йиғлади. Ойиси алла айта бошлади. Улар олдинлари бир ёстиқда ётишарди. Мана шу кенжа ўғилча туғилгач, кўрпа-тўшак айри бўлди. Гап болада ҳам эмас. Хотини эрининг тинчини ўйлади. Бошида ғалва кўп, чарчаб келади, дамини олсин, дейди.

Дам олиш борми? Авваллари қандай яхши эди. Экскаваторни гуруллашиб ишлатарди. Тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оларди. Кўнглининг қуртини ўлдириб ишларди. Кучқурун уйда бола-чақа билан бир қоп ёнғоқ бўлиб ўтирарди. Ҳар битта мўйигача дам оларди. Боши ёстиққа тегиши билан уйқуга кетарди. Тонг билан қушдай енгил уйғонарди. Уйғонарди-ю, хотинини бағрига босарди. Бошқа хонага чиқиб кўрсин-чи. Эҳ, қандай яхши эди. На йўқни йўндириш азоби, на катталарнинг зуғуми, на вакиллар ва комиссияларнинг дашноми, на халқнинг таънаю надомати, на нозик меҳмонлар олдида эгилиш, минг тусга кириш машаққати... Дунёда бундай азоблар борлигини аввал у хаёлига ҳам келтирмаган экан. Раис бўлдию, ҳаммаси ўзининг бошига тушди.

Раис бўлиб элга қандай нафи тегди? Қандай боғ яратди, қандай бино қурди? Колхозчининг рўзғорига нима берди? Айтарли ҳеч нарса. Аксинча ишлар орқага кетди. Олдин бозорга мева-чева чиқариб сотиб келаётган колхозчи бугун уни харид қилиш учун ўзи бозорга югуради. Сотим шундай бўлишини истабдими? Колхоз учун, колхозчи учун кечаю кундуз ишлашга тайёр эмасми? Тайёр. Бажонидил ишлайди. Лекин нима қилишни, ишни нимадан бошлашни билмайди. Боши гаранг. Нега шу раисликка рози бўла қолди? Болтабековнинг сўзини ерда қолдиролмади, гапнинг рости. Йўқ, бўлмайди, деб дангал айтишга юзи чидамади.

Унинг қўлидан иш келиш-келмаслигини Болтабеков билмасмиди? Билган бўлиши керак. Экскаваторни бошқариш бошқа-ю, колхозни бошқариш бошқа эканини ҳеч ким билмаганида ҳам Болтабеков билади. Билса, нега уни раис қилди? Исроил раис орқали уни ўйинга киритиш, ундан фойдаланиш учунми?

Сотим чап ёнига ағдарилиб ётди. Ёдига бирданига Бува келди. У тўқайга юборган Бува. Жасади ҳали-ҳануз сувнинг тагида ётган Бува... Йўқ. Бас. Ётар. Раислик унинг иши эмас экан. Унинг иши экскаваторчилик. Тонг отсин, тўппа-тўғри Исроил раиснинг олдига аризасини кўтариб боради. Ё райкомга борсинми? Йўқ, райижроқўмга боради. Исроил раис Болтабековнинг райондаги қўли. Райком ҳам шу қўлда. Тўппа-тўғри Исроилнинг олдига боради. Тонг отсин!

Худди шу пайтда Отақўрғондаги кўчаларнинг бирида ҳам чироқ ёниқ эди. Ёдгор Ҳамро деразасидаги шуъла уй эгаси уйқусини йўқотганидан далолат бериб, уч-тўрт қадам кўча саҳнини ғира-шира ёритиб турарди. Неча тундирки, аҳвол шу. Ёдгор Ҳамро уйида чироқ то тонггача бир зайлда ёниб туради. Мабо-до остона ҳатлаб ичкарига киргудек бўлсангиз (бунинг иложи йўқ, эшиклар зич тамбаланган). Ёдгор Ҳамрони бежо ҳолатда кўрган бўлардингиз. У тиқ этган то-вушдан учиб тушади, қалин парда туширилган деразага олазарак қараб-қараб қўяди, худди биров устига бостириб келаётгандай.

Оғзи бурмали қизил халтача боғичини ечганида Ёдгор Ҳамронинг ичига қалтироқ кирди. У умри бино бўлиб олтинни кўрмаган эди. Энди бирданига шунча ялт-ялт тилла дончалари унинг кўлида, бурмали халтачада турибди, ахир. Ҳазилакам гапми. Пулга айлантирганда бунинг қанча бўлишини ўйласа ўтакаси ёрилади кишининг. Ёдгор Ҳамро халтача оғзини очди, ликобчага тўн-карди. Олтин жаранглаб туша бошлади. Бу Ёдгор Ҳамрога шундай қаттиқ эши-тилдики, қулоғи ёрилгудек бўлиб, юраги гупиллаб халтачанинг оғзини хиппа бўғди. Каловланиб ўрнидан турди. Дераза олдида борди. Ташқарига қулоқ, тут-ди. Қандайдир одамнинг нафас олаётгани эшитилгандай бўлди. Жони ҳалқуми-га келди. «Ё бу ўғри, — ўйлади у дами ичига тушиб, — ё органнинг одами. Мен-да олтин борлигини сезиб қолишган». У пардани шарт-шурт очиб, кўчага қара-ди. Зим-зиё тун. Ҳеч нарсани кўриб бўлмади. Апил-тапил пардани ёпди. Кўр-пача устига чўккалади. Ҳайкалдек қотди. Анчадан кейин ўзига келиб, олтиннинг қолганини ликобчага тўкди. Хона баттар ёришиб кетди. Ташқарида турган одам ҳойнаҳой ҳаммасини кўрди. Ёдгор Ҳамро деразага орқа ўгирди. Ликбочадаги олтинни қолипга солди. Қўллари қалтиради.

Нимадир шитирлади. Ёдгор Ҳамро ток ургандай сапчиди. Дик этиб ўрнидан турди. Қаерда, нима шитирлади? Яқиндами, узоқдами? Яқинда бўлса керак. Демак, дераза ортида одам бор. Дераза ортидаги одам... Ким у?

Шошганча Ёдгор Ҳамро қолип ва ликобча устини сочиқ билан ёпди. Гўё со-чиқ тагидан ҳам тилла кўриниб қоладигандай кўрпача четини қайириб сочиқ устига ташлади. Дераза олдида келиб ташқарига қулоқ тутди. Бировнинг нафас олишини эшитди. Ҳа-ҳа, аниқ эшитди. Тез бориб электр тугмачасини чирқ этти-риб босди. Уй ичи зимистонга айланди. Оёқ учида дераза олдида борди. Парда-нинг бир четини кўтариб кўчага тикилди. Қуюқ ва даҳшатли қоронғилик. Таш-қари ҳам, ичкари ҳам.

Ёдгор Ҳамро тусмоллаб бориб катга ётди. Кийими билан чўзилди. Миясини таҳлика пармалади. Қулоғи шанғиллади. Узоқларда от кишнагандай бўлди. Бу-ванинг Ғирковигини эслади. Қандай яхши даврлар эди. Учар отларга ёдгорлик яратгандаги қувончлари, Ғирковик монументининг чорраҳага ўрнатилган куни қалбини энтиктирган ҳислар қандай тоза, қандай беғубор эди. Дили обод, ўй-лари ёруғ, ҳеч кимдан, ҳеч нимадан ҳадиғи йўқ, илҳом қушининг парвозидан маст, элнинг назарида эди. Эндичи. Отлар сувга ғарқ бўлди. Чорраҳадаги Ғир-ковикни йиқиб-улоқтириб ташлашди. Ижодини топтаган одамлар билан кура-шиш ўрнига уларнинг қулига айланиб, буйруқларини бажариб, қоронғу хужра-сида юрагини ҳовучлаб ўтирибди. Кўчага чиқишга кўрқади, уйда хотиржам ўтиролмайди, бу тиллалар ёнидан бир қадам нари жилолмайди. Овоз чиқариб гапиролмайди — деворнинг қулоғи бор, чўкични қолипга қаттиқроқ уролмай-ди — дераза ортида шубҳали кимсалар пойлаб турибди. Қандай, шай-тон йўлдан уриб шу ишга рози бўлақолди? Мўмай пул ишлаш истаги уни йўлдан оздирдимми? Унга ваъда қилинган пулни бошқа рассомлар, ҳайкалтарошлар ўн йилда ҳам ишлаб тополмаслигини ўйлаб, шунга қизиқдимми? Тан олиш керак, қизиқди. Қачонгача қисиниб-қимтиниб яшайман, дунёда қолган умримни яйраб ўтказай, деб ўйлади. Лекин калта ўйлаган экан, ёмон адашган экан. Қип-қизил ўғрининг иши-ку бу! Қачон биров ўлдириб кетишини ё қачон қамалишини бил-маса. Бу ўргимчак тўридан қутулиб чиқишнинг иложи борми? Узр, хато қилган эканман, бу ишингизни эплай олмадим, деб Исроил раисга бориб айтса-чи? У албатта кўнмайди. Совғани битказишга мажбур қилади. Шунда ҳам айтганига юрмаса-чи? Майли, нима ҳам қилдик деб балки бурмали халтачани олар, балки уни астагина чиқазиб ҳам юборар кабинетидан. Лекин... Тирик қўйишадими? Ахир, у энди олтинфурушларнинг шериги, миллионерларнинг ҳамтовоғига айланиб қолди-ку!

Дераза ортида кимдир йўталди. Буни Ёдгор Ҳамро ўз қулоғи билан эшитди. Эшитди-ю, борлиғи музлади. Афтодаҳол ўрнидан турди. Ўзини тилланинг устига ташлади. Биров келиб қўлидан тортиб олаётгандай кўкраги билан босиб ётди. Мабодо қароқчилар кириб, тиллаларни олиб кетишса, Исроил раис бунга ишонадими? Ишониб бўпти! Ёдгор Ҳамронинг терисини шилиб, пўстига сомон тикади. Ёдгор Ҳамро қалт-қалт титради. Деразага тикилди. Эшикка тикилди. Ваҳшатнинг рўй беришини кутиб, игна ютган итдек кучаниб, ер билан бир бўлиб ётди. Худо, ўзинг асра, деб пичирлади. Ўзича яна бирнималар деди.

Дераза орқасидаги кимса пишиллади. Уйни ўраб олишган, деди ичида Ёдгор Ҳамро. Агар омон-эсон тонг отса борми, тўппа-тўғри ижроқўмга боради, оғзи бурмали халтачани эгасига топширади. Олса ҳам топширади, олмаса ҳам. Ўлдирса ҳам қайтариб беради. Бундай ҳаётдан ўлим афзал!

Одилов ипни узун ташлаган эди. Назоратга олинган кишиларга барча йўлларни очиб қўйди. Ҳар бир қадами ҳисобга олинаётганини улар билмасликлари шарт эди. Шундай бўлди ҳам. Ҳамтовоқлар бир-бирлари билан бемалол олдиберди қилавердилар. Уларнинг орасидаги икки кишига Одиловнинг муносабати бошқача эди.

Сотим Сафоевни Ганжа икки ўт ўртасида қоврилаётган одам деб таърифлаганидан сўнг Одилов зимдан уни узоқ текширди. Маълумотлар Ганжанинг ҳақ эканини кўрсатарди. Ҳақиқатан ҳам Сафоев тўғриси ўз, соддадил йигит экан. У муғамбир кишиларнинг қопқонига жуда осон илинган. Амал бериш, ўстириш баҳонасида уни соғин сигирга айлантормоқчи бўлишган. Аммо бу экскаваторчи, меҳнаткаш йигитнинг тархи тоза эканини ҳисобга олишмаган.

Исроил раис томонидан қистовга олинганида Сафоев исён кўтаради, деб ўйлаганлар ҳам бўлди чекистлар орасида. Бу фикрда жон бор эди, албатта. Негаки, Сафоев амалга қизиқмайди. Пул кабоби эмас. Бор-э, деб этагини қоқиб раисчилигини ташлаб кетиши ҳам мумкин. Бироқ Одилов бундай бўлишга унчалик ишонмайди. Чунки Исроил раиснинг қўлида Сафоевнинг бўйинини қисиб қўядиган битта сиртмоқ бор. Уни ҳали ишлатганича йўқ. Гап марра-маррага келганида ишлатиши аниқ. Бу сиртмоқ Буванинг ўлими эди. Аслида Бувани тўқайга юбортирган Исроил раиснинг ўзи. Ҳалокат рўй беришини билиб, ўзидан кейинги раисни эл олдида назардан тушириш, тилини қисиб қилиб қўйиш ниятида уни шунга ундади. Энди истаган пайтда Сафоевни думидан босиш мумкин. Сафоев жавобгарликдан кўрқиб уларнинг ноғорасига ўйнарманкан? Бир нарса дейиш қийин. Буни вақт кўрсатади. Кўрайлик-чи, нима бўларкан.

Сотимга қараганда Ёдгор Ҳамрода нотайинлик аниқроқ кўринади. Умуман истеъдодли бўлган бу расомдаги асосий қусур ҳам шу нотайинлик эди. У пулга ўч. Шуҳратга ишқибоз. Ўзидан кучлироқ одамдан ҳайиқади. Қўрқоқлиги уни қурбон қилиши мумкин. Лекин ўзининг фош бўлишидан кўрқиб туйғуси уни бу йўлдан қайтишга мажбур қилиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Бу ҳол рўй берадиган бўлса, уни омон қўйишмаслиги тайин. Чунки у истаган пайтда сирни фош этади.

Қулжон отбоқар билан худди шундай бўлди-ку. Ўша куни Қурбон Салаевнинг уйидан чиқиб тўғри Исроил раиснинг олдига борди. Исроил раис унинг оғзини искаб кўрса терговчига айтиб қўядиган. Шу кеча раис уни саранжом қилдирди. Бунга сира ҳам йўл қўйиб бўлмас эди. Бир чекистнинг лоқайдлиги туфайли шундай бўлди. Қулжон орқали кўп нарса очиларди. Бироқ унинг кимлар томонидан ўлдирилгани аллақачон исботланган. Буни фақат қотилларнинг ўзлари билишмайди. Ҳозирча билмаганлари маъқул.

Тонг отар-отмас Одилов оператив ходимларни кабинетидан тўплади. Тун қандай ўтганлиги ҳақидаги ахборотлар тингланди. Айтилдики, Ёдгор Ҳамро олтинларни олиб эрта билан ижроқўмга боради. Сафоев ҳам ижроқўмга бориш тараддудини кўряпти.

Исроил раис, Аминов ҳақидаги маълумотлар эшитилганидан кейин Одилов раҳбарлигидаги оператив группа Отақўрғонга қараб йўлга чиқди.

¹Пул кабоби — пул учун ўзини ўтга-чўққа урадиган.

...Исроил раис одатдагидек ишга вақтли келди. Кечқурун тайёрлаб қўйилган ҳужжатлар билан танишди. Бир неча қарорга имзо чекди. 07 га қўнғироқ қилди, колхозларни уланг, деди. Бирин-кетин раислар билан гаплаша бошлади. Қораянтоқнинг раисини телефончи қиз тополмади.

Исроил раиснинг жини кўзиди. Бу Сафоев деганига одам тушунмай қолдику. На жойида ўтиради, на айтилган ишни қиёмига етказди. Уша... олтинни ҳалигача келтиргани йўқ-а. Сен бола қараб тур...

Бу пайтда Сотим Сафоев ижроқўмга кириб келмоқда эди. У зинапоядан иккинчи қаватга кўтарилди. Ижроқўм раисининг қабулхонасига кириб ҳайрон бўлди. Қабулхонага биринчи келдим деб ўйлаган эди, тўрт киши навбат кутаётган экан. Биринчи бўлиб Ёдгор Ҳамро ўтирарди. Бошқаларини Сафоев танимади. Уларни қабулхона соҳиби — ёшгина эпчил йигит ҳам танимади. Отақўрғонлик одамларга ўхшашмасди.

— Қаердансизлар, шошилинч бўлса, айтай, кира қолинглар, — деди нота-ниш кишиларга қабулхона секретари.

— Раҳмат, — деди уларнинг бири, Ёдгор Ҳамронинг ёнида ўтиргани, — навбат билан кираверамиз.

Ёдгор Ҳамро унга кўз қирини ташлади. Нафас олиши... Нотаниш бу одам тунда дераза орқасида йўталган кимсага ўхшаб пишилларди. Ёдгор Ҳамро ғаш бўла бошлади.

Йигитча ичкари кириб тезгина чиқди. Ёдгор Ҳамрони кабинетга киритиб юборди. Сал ўтмай нотаниш киши ўрнидан турди. Йигитчадан сўрамаёқ кабинет эшигини шаҳд билан очиб ичкари кирди. Уни кўриб Исроил раиснинг эсхонаси чиқай деди:

— Олимжон Одилович!

Ёдгор Ҳамро нима қилишини билмай бир раисга, бир Одиловга жавдираб қарарди. Аммо на унда, на Исроил раисда ўша айтилган оғзи бурмали халтача бор эди.

Одилов ўйланиб қолди...

59

Исроил раиснинг феълени яхши билганидан Раҳмонов ўз кабинетидан жилмади. Раис ё зудлик билан қўнғироқ қилади, ёки уни ҳузурига чақиртиради. Утакаси ёрилган Ёдгор Ҳамро аллақачон Исроил раисга бориб дийдиё қилган бўлса ажаб эмас.

Тонгда бўлиб ўтган воқеани эшитиб раис Раҳмоновга тишини қайрайди, албатта. Лекин Раҳмонов бор гапни унга тушунтиради. Ёдгор Ҳамро қўлидаги олтинларни Раҳмонов олмаса, Одиловнинг одамлари оларди. Ана унда... Шунинг учун ҳам бугун тонг оқариши олдидан Раҳмонов Ёдгор Ҳамронинг уйига кириб борди ва ундан бурмали халтачани тортиб олди. Милицияга устингиздан ариза тушди дейиши биланоқ ҳайкалтарош тилдан қолди.

Исроил раисни, Аминовларни, ундан юқоридагиларни деб Раҳмонов ўзини «ўтга урди». Буни раис тушуниши керак. Раҳмонов шу тахлит ўйлар, раиснинг қўнғироқ қилишини кутар эди. Бироқ Исроил раис бирданига, худди ёмғирдан кейин бодраб чиққан замбуруғдай, унинг кабинетида пайдо бўлди. Раиснинг ҳаяжондан титраётганини Раҳмонов сезди. Ўзининг кечинмаси ҳам уникидан кам эмас эди.

— Бу не қилиқ, майор? — ўтирмасиданоқ ҳовлиқиб сўради Исроил раис.

— Нимани назарда тутяптилар?

Раҳмоновнинг бу «артист»лиги раиснинг кўнглидаги хавфни кучайтирди. Ҳали бу ҳўкиз қилмишидан тонса-я? Ёдгор Ҳамронинг уйига ёлғиз ўзи борган, олган-берганни кўрган одам йўқ.

— Ҳайкалтарошни нега ундай қилдингиз? — қўрққанидан раиснинг шашти сал пасайди.

— Э, у менга раҳмат десин. Агар мен шундай қилмаганимда у ҳозир турмада ўтирган бўларди.

Раиснинг кўнгли бир оз таскин топди: тонгани йўқ...

— Шундай экан, нега бир оғиз менга айтақолмадингиз? — гина қилди раис.

— Кўққисдан шундай қилишга тўғри келди. Бемаҳалда...

— Хўш, нима гаплигини балки энди айтарсиз? — креслога ўрнашиб ўтирди Исроил раис. Раҳмонов бориб эшикни маҳкамроқ зичлади. Радиони ишлатиб қўйди. Нозик гап кетаётганида радиони гапиртириб қўйишни у Исроил раисга ҳам ўргатган эди. Сўзни ёзиб олишолмайди...

— Ҳайкалтарошингиз у ер-бу ерда алжираб қўйган шекилли, — дея у оғзига папирос қистирди. Тўппончага ўхшаш зажигалкадан чирқ эттириб ўт чиқарди. — Оқшом уйининг олдида Одиловнинг одамларини учратиб қолдим.

Исроил раиснинг кўнглидаги хавотир қўрқувга айланди:

— Вой, исковучлар-эй...

— Қўлга тушса, бирпасда ҳайкалтарошга ҳамма гапни айттиришади. Эсинг борида этагингни ёп дегандай, шартта уйига боришга тўғри келди. Сезиб қолишса, ўғирликни очдик деймиз, сезишмаса...

— Сезишмайди, — бир қарорга келган фолбиндай қатъий деди Исроил раис, — сиз биров сезадиган иш қилармидингиз...

— Сиз Одиловни билмайсиз. Ёпиқ сейфга қараб ичидаги нарсани айтиб беради.

Исроил раис Одиловнинг ҳозиргина ижроқўм биносидан чиқиб кетганини айтмади. Майорнинг сейф ҳақидаги гапидан сўнг бурчакда турган темир сандиққа кўзи билан ишора қилди.

— Унда эмасми... олганингиз?

— Унга қўйиб ақлимни ебманми? Мана бу ерда турибди, — кўкрагига урди Раҳмонов.

— Энди уни нима қилмоқчисиз?

— Иштиёр сизда, раис бува. Ўзингиз дарға бўлгач...

Гапнинг бундай ўз фойдасига кўчаётганидан Исроил раис хурсанд бўлди. Юзига жиддий тус бериб деди:

— Макет нима бўлди деб Болтабеков кеча яна сўради. Уни тезгина битказдириб, қўлига топширмасак бўлмайди.

— Шу шалвираган ҳайкалтарош ишлайдими?

— Бошқа пишиғи бор. Сиз... уни менга беринг.

— Хўп бўлади, мана ҳозир, — Раҳмонов ялтироқ тугмаларини ечиб, чўнтагидан бурмали халтачани олиб Исроилга берди.

Халтачани пайпаслаб кўриб Исроил раиснинг ранги оқарди.

— Ярми ҳам йўқ-ку бунда?

— Бергани шу ҳайкалтарошни.

— Йўғ-аай?

— Нима, сиз мени...

— Қани, Берди Раҳмонович, — унинг сўзини бўлди раис, — барини буёққа чиқаринг. Бўлинг, бўлинг.

— Ҳазиллашяпсизми, раис, — бу гал «бува»сини тушириб қолдирди Раҳмонов, — менинг билан эмас, чўтни ўртага қўйиб олиб ҳайкалтарошингиз билан ҳисоблашинг.

— Ҳайкалтарошнинг боши иккимас. Уни биламан.

— Демак, битта билмаганингиз мен эканман, нима ҳам қилардик, шўримиз-да.

— Сизни ҳам биламан, Раҳмонов, беш бармоғимдай биламан. Билганим учун ҳам сиздан ҳамма олтинни талаб қиляпман. Яхшиликча беринг, Берди Раҳмонович, бунинг ҳисоби Болтабековнинг ўзида...

— Айтинг, мени дорига осаверсин, ўша Болтабековингиз.

Бу унинг олтинни ўлсам ҳам бермайман, дегани эди. Исроил раис ҳозирча берганини олишга мажбур бўлди. Бурмали халтачани қўйнига солиб, Раҳмоновнинг кўзларига синовчан қараб турди-да:

— Дўстларга хиёнат қилиш яхши эмас, Берди Раҳмонович, — деди, — сиз бизларни эмас, йўқ, фақат ўзингизни, ўз ҳамёнингизни ўйлаб, ҳайкалтарошнинг қўлидан буни босқинчилик билан тортиб олгансиз, ҳа. Лекин олдининг бердиси бор, буни унутманг.

Раҳмонов жавоб қайтариш ўрнига қаддини ростлаб ғоз турди. Ичида «ҳап, сеними» деб Исроил раис кабинетдан чиқди-ю, қўлтиғидан тарвузи тушди. Эрталаб ижроқўмга «ташриф буюрган йигитлар» бу ерда унга юзма-юз келишди.

Исроил раис ўзини бепарво кўрсатмоқчи бўлиб, салобат билан аста-аста ташқари йўналди.

Машинасига чиқиб, изини кузатди. Уша йигитлардан иккитаси тол тагида турган қора «Волга»га ўтиришди. Ҳайда, деди шофёрига улардан кўзини олмай. Орқадаги машина ҳам уларнинг кетидан юрди.

«Йигитлар чамамда тўртовлон эди, — ўзича пичирлади Исроил раис, — иккови, мана, орқада келяпти, қолган икки киши... тушуникли (Болтабековнинг сўзини такрорлади), ҳойнаҳой улар Раҳмоновга киришди...»

Бир нима деяптими деб шофёр орқа ўриндикда ўтирган хўжайинни кўзгудан кузатди. Унинг лаблари қимирлар, оғзидан аллақандай товушлар чиқар, лекин нима деяётганини англаб бўлмас, кўзи муттасил орқасида эди. Вожаб?!

60

Аминовнинг уйидаги телефон жиринглади. Трубкани унинг хотини олди. Нотаниш бир киши Болтабеков бугун чет элга жўнаб кетаётганини, барча раҳбарлар уни узатишга тўпланишини хабар қилиб, Ғани акамларга айтинг, у киши ҳам ана шу эътиборли одамлар рўйхатида борлар, деди. Аминовнинг хотини бирон нарсани сўраб улгурмаёқ телефон узилиб қолди. Бу пайтда Аминов уйида эмас эди. Тезора хотини уни топиб, бу муҳим хабарни етказди.

Болтабековнинг кетиши аниқ бўлибди-да. Эл оғзида яқинлардан бери шу гап юриб эди. Болтабеков чет элга ишга кетармиш, мартабаси янада ошармиш... Демак, одамлар билиб гапирган эканлар-да. Аммо кўнғироқ қилган ким бўлди экан? Балки Болтабековнинг ёрдамчисидир. Қандай қилиб Аминов уларнинг ёдига тушақолдйкин? Аминовнинг туғилган кунига келмаган одам уни аэропортга таклиф қилиши қизиқ. Эҳтимол кетаётиб, ўша гуноҳини ювмоқчи бўлгандир. Бориш керак.

Аминов аэропортга кўнғироқ қилиб, самолёт Москвага соат нечада кетишини билгач, Боғистонга қараб машинасини шамолдек елдирди. Бу янгилик унинг миясини бутунлай ишғол қилиб олган эди.

Болтабековнинг чет элга ишга кетиши ҳарҳолда яхшилик аломати. Авваламбор, чет элга ундай-бундай одамни ишга сира ҳам юборишмайди. Таржимаи ҳолини мингта жойидан текширишади. Бувасининг буваси эгри йўталган бўлсаям, тамом. Болтабековдан ишқал топишолмаган. Ўзиям орқасини тозалаб юрадиган одам-да. Бўлмаса нима ишларни қилмади бу Болтабеков. Битта Аминовнинг ўзидан олгани неча минг бўлдию... Боғистонда Аминовга ўхшаганлар озмунчами? Агар ҳар биттасидан тахминан шунчадан олган бўлса, бу неча миллион бўлиб кетади. Шуларнинг ҳаммасини ҳазм қилиб, бунинг устига обрў билан чет элга ишга кетаётган экан, бу унинг устаси фаранглиги эмасми?

Аммо-лекин Болтабековнинг усталиги қимматга тушяпти. Яқинда мана Исроил раис билан Раҳмоновни, Олтиной ва Едгор Ҳамрони ҳибсга олишди. Кутилмаганда ҳаммаси бир соат ичида қўлга тушди-қўйди. Улар қўлга тушди-ю, гапнинг рости, Аминовнинг тиззаси қалтиради. Чунки Исроил раис терговда исканжага олинса, ўша олтинларнинг бир қисмини Аминов берганини айтади. Исканжага тушмаса ҳам айтади бу ичиқора. Ана унда...

Аслида-ку, «Олтин тўғон» идеяси Болтабековнинг ўзидан чиқмаганида ким ҳам ҳайкалтарошга олтин элтиб берарди. Уларни ўтга ташлаган шу Болтабеков бўлади. Қилар ишни қилиб, мана энди ўзлари чет элга кетяптилар. Э, балли.

Аммо Исроил раис Болтабековни сотса, ана унда кўрасиз томошани. Ё шунда ҳам Болтабеков тегирмондан бутун чиқармикан? Тухмат дейди-қўяди-да. Катта одам, сўзига ишонишади. Лекин тузукроқ текширишса борми, унинг миси чиқади. Аммо шундай бўладиган бўлса раҳбарларнинг тенг ярмини, шу жумладан Аминовнинг ўзини ҳам...

Аминовнинг юраги ўйноқлади. Машина чуқурчага бир тушиб-чиқди. Аминов рулни ўнгариб, машинани яна равон юргизди. Яна хаёл олиб қочди. Яна қўрқув босди. Ўзи кейинги пайтларда ҳамма нарсадан хавотирланадиган бўлиб қолган. Бунга асли кетма-кет содир бўлаётган кўнгилсиз воқеалар сабаб. Бу, Ганжа дегани-ку, бир офат чиқди. Камсуқум, қўй оғзидан чўп олмайдиган бола бунақа қасоскорлик қилади деб кимнинг хаёлига келган эди. Лекин камсуқум бўлгани билан ўша пайтларда Аминовнинг йўлида кўндаланг турган ҳам эди-да. Уни йўлдан олиб ташлаш керак эди. Олиб ташлади. Қумри сабаб...

Аминов ўша вақтдаги бўлган гапларни эслади.

Қумрихон Боғистонга боргани машина сўраб кўнғироқ қилди. Тайёр машина йўқ эди. Аминов илтимосни бажаролмади. Бир амаллаб етиб олсангиз, машинани орқангиздан Боғистонга юбораман, деди. Қумрихон рози бўлмади. Бошқа машина топиб кетди.

Қумрихоннинг кўнғлидаги бу гинани чиқазиб ташлаш учун иш охирида унга кўнғироқ қилди. Ҳозиргина Боғистондан келиб турган экан. Аминов уни ўз кабинетига таклиф қилди. Нега бўларди, мажлисингизнинг яхши ўтганинию менинг гуноҳимни ювамиз.

Қумрихон кабинетга келди. Аминов стол безади. Қумрихонга қадаҳ тутди. У ичмади. Аламидан Аминов уст-устига ичди. Авзойи бузилди. «Ноз-фироғингданг ўргилдим, — деди ичида, — кўнғлингда бўлмаса нега келасан, нега ҳамisha жилпанглаб гаплашасан, нега қимматбаҳо совға оласан...»

Аминов яна ичди. Назарида Қумрихон ювош тортгандай бўлди. Бу Аминовга дадиллик бағишлади. Ва у бирданига... Қумрихонга ташланди. Юзидан, кўзидан, лабларидан ўпа бошлади. Қумрихон жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатди. Жувон типирчиллагани сайин Аминовнинг шашти юқорилаб бораверди. Бўйинларига, кўкрагига оғиз урди.

Кутилмаган тарсакидан Аминов ўзига келди. Шимини кўтариб, камарини бойлади.

Қумрихон ўз бўйни ва кўкрагидаги тиш изларини кўриб пиқ-пиқ йиғлади. Уйга не юз билан бораман деб дод солди. Аминов ундан баланд келиш учун, буни мен қилмаганман, Боғистонга сени ким олиб борган бўлса, шу қилган деб дўқ урди. Боғистонга уни Обод олиб борган эди. Лекин у...

Қумрихон Аминовнинг кабинетидан қочиб чиқди. Аминов унинг орқасидан йўлгача келди. Шу пайт самосвал кўринди. Жумагалди экан. Аминов ўзини па-нага олди. Барибир Жумагалди уни кўрди.

Машинада келаётиб Қумрихон эрига нима деб жавоб беришини кўп ўйлаган, албатта. Лекин бир қарорга келолмаган. Аминовни айтса бўлмайди. Гапирмасликнинг иложи йўқ, эри гапиртирмай қўймайди. Жаҳл устида Қумрихоннинг оғзидан Ободнинг исми чиқиб кетиши фожиага олиб келдики, бу Аминов учун айни муддао эди.

Нега беайб одамга Қумрихон тўхмат қилди? Бунга сабаб эҳтимол Аминовнинг ўргатгани бўлгандир. Ганжани ёлғизлатиб қўйиш керак эди. Бунинг учун Ободни унга қарши қўйиш лозим. Қандай қилиб? Бунинг йўллари кўп эди, албатта. Лекин энг ишончлиси Ганжани рашк ўтига ташлаш эдики, бунга унинг хотини ўзи кўп жиҳатдан мос ҳам келарди. Қумрихоннинг сал юраксизлиги, сўзга илиқ-малиги ҳам йўқ эмас эди-да...

Аммо яқиндаги йиғилишда Жумагалди айтган гаплар ҳаммасидан ошиб тушди. Бўйинга олинмагани билан одамлар айб кимда эканлигини билишди. Аминов деганда зал ижирғанди, буни сезмаслик мумкин эмас эди. Қиртепаннинг портлатилиши ҳам бошга бало бўлди. Тан олиш керак, ўша пайтда шошқалоқлик қилди. Узиям митинг яқинлашиб қолган эди-да. Котлованда ўқувчиларнинг жойлаштирилгани ҳам жиноят эди, албатта. Лекин ўшанда Бурҳоновнинг ўзлари келади деб турилганда, буёғини ким ўйлабди. Энди ҳаммаси учун жавоб беришга тўғри келади. Ганжадан, Жумагалдидан, яна кимдан хафа бўлсанг бўлу аммо барини ўзингдан кўр, Аминов, не қилсанг, ўзингга ўзинг қилдинг.

Шу хаёллар билан Аминов аэропортга етиб келди. Машинасини майдончадаги автоқўналғада қолдириб, депутатлар хонасига келди. У ерда Болтабеков хотини билан, Болтабековнинг ёрдамчиси, ўнтача одам оёқ-усти ўзаро суҳбатлашиб туришарди. Аминовнинг қулоғига пленум деган сўз чалинди. Демак, ҳозиргина ташкилий пленум бўлиб, Болтабеков лавозимидан олингану тўғри аэропортга келишган.

Болтабековнинг кўзи Аминовга тушди. Негадир у аввалгидек илиқ боқмади. Билинар-билинамас бошини ирғадию кўзини олиб қочди. Шундан кейин Аминов у билан бориб саломлашишга журъат этолмай, бирпас гарангсиб турди. Дикторнинг овози эшитилди: Боғистон — Москва самолётига учиш эълон қилинди. Болтабеков ва унинг атрофидагилар учиш майдонига йўналдилар. Аминов ҳам чиқди. Лоақал трапнинг олдида хайрлашарман деб ўйлади.

Самолётга чиқаётганда Болтабеков атрофга мунгли боқди. Депутатлар хо-

насиға, аэровокзалға тикилиб қаради. У яқин-йироқдан кўзини узолмай мунгайиб турди. Нима гап ўзи, у чет элга ишга кетаётган одамга сира ҳам ўхшамас эди. Хотини билан иккаласини уч нотаниш йигит ўраб туришар, ёнларидан бир қадам ҳам жилишмас эди.

Аминов хайрлашгани трап томон бораётганида худди Болтабековнинг ўраб турган йигитларга ўхшаш икки киши унинг йўлини тўсди. Ва... бирданига қўлига кишан солди. Талвасага тушган Аминов ҳимоя истаб Болтабековга қаради. Болтабеков ўзини кўрмаганга олди ва хотини билан самолётга чиқа бошлади.

Унинг қўлида ҳам кишанга ўхшаш бир нарса кўриниб кетди. Аминов ҳаммасига тушунди. Йигитлар уни ёпиқ машинага бошлашди. Орқада Одилов келарди.

61

Қасосдан сўнг юрак совийди дердилар. Ганжанинг юраги совимади. Қайтанга ўт-олов бўлиб ёнди. Кураш чоғида полвон ўтган-кетганини билмаганидек, у аминовлар билан олишувда жонидаги оғриқларини унутган экан. Кураш ниҳосига етиб, рақибларининг кураги ерга текканидан кейин армони ушалгандай бўлдию бироқ алами зўрайди, ичидаги дардлари юзага чиқди. Юзидаги иссиқлик ўрнини хазон япроғи янглиғ сариғлик эгаллай бошлади.

Курашнинг иккинчи кўри — ўзи билан ўзи олишуви бошлангач, Ганжа Ақл билан Юракнинг бир-бирига қарама-қарши эканлигини англади.

Аввал Ақл тилга кирди: «Ўзингни ўзинг еб адои тамом этма, Ганжа. Ҳаётда адашган бир сенми? Бир сенми ўз қўли билан ўз бахтини барбод берган? Сендан олдин ҳам сендайлар бўлган. Ўз дўстини, ака-укасини, ҳатто онасини ўлдирганларни бу замин оз кўрганми? Сен дўстингни қасддан ўлдирдинг, Асоссиэ қасддан. Адашиб, жаҳл устида унга пичоқ урдинг. Хотинингни тўронғига сен осганинг йўқ. Ўзини-ўзи осган. Бу — унинг иродасизлиги. Сен оппоқсан демоқчи эмасман. Адашишнинг ўзи жиноят. Жиноятингга яраша жазоингни олдинг. Шунча йил ўтириб келдинг. Бўлар энди. Бошингни кўтар. Ҳаётингни бошқатдан бошла. Ҳали навқирон йигитсан. Бутун ҳаётинг олдингда. Тур ўрнингдан!»

Ганжа Ақлига бўйсунай деганида Юраги бутунлай бошқача гапларни айтди: «Сени хун урган. Бир эмас, икки кишининг, бегуноҳларнинг хуни урган. Ҳали шу кунгача хун урган одамларнинг биронтаси яшаб кетган эмас. Сен ҳам яшолмайсан. Хун урганларни биров ўлдирмайди. Хуннинг ўзи шарқ этиб гирдобига олиб, бўғиб ўлдиради. Шуни кутиб, одамлар кўзига мадда бўлиб кун ўтказиба, яшаб-яшамай, ўлиб-ўлмаи юришдан ор этмайсанми? Хуннинг фарқ этишини кутма, ўзингни унинг гирдобига ташла. Тур ўрнингдан!»

Юрак измига кирайин деб Ганжа ўрнидан турганида эшик тақиллади. Даҳлизда Анор холанинг ковуши шипиллади. У ким биландир гаплашди. Омонлашди. Бир оздан сўнг Ганжанинг хонасига кирди.

— Жуманиёз почтачи.

Она қўлидаги конвертни ўғлига узатди.

— Сенга келибди, ўғлим.

Ганжа хатни паришон олди. Она ўғлининг ночор аҳволига чидолмай, бошини ҳам қилиб хонадан чиқди.

Онанинг қўлидан олган конвертга Ганжа анчадан кейин кўз ташлади. М. Одиловдан. Моҳирами? У нега хат ёзаркан? Ганжа конвертни очди. Дафтар бетларига чиройли дастхат билан ёзилган мактубни Ганжа хушламай ўқий бошлади.

«Ганжа ака! Хатимни олиб ҳайрон бўларсиз. Ҳаётда атиги икки мартагина (у ҳам тасодифан) учрашган одамга сир айтиш албатта, ҳар кимда ҳам таажужбуйғотади. Лекин мен Сизни негадир узоқ йиллардан бери биладигандайман. Гўё эсимни таниганимдан бери Сизни биламан.

Яқинда дадамлар менга Сиз тўғрингизда узоқ гапириб бердилар. Кўп жабр кўрган пишиқ йигит дедилар. у киши ҳали бировни бунақа мақтаганларини эшитмаганман. Сиз шунга лойиқсиз, Ганжа ака!...»

Ганжа ўз гуноҳларини ўлчашга тош-тарози тополмай жонига суиқасд этишни ўйлаётган бир паллада бундай мақтов сўзларни ўқиши уни баттар эзди. Моҳира масхара қилаётгандай туюлди унга. Кўнгли тўла ғашлик билан хатни ўқишда давом этди.

«...Мен ҳам Сизга ўхшасам дейман. Мен ҳам худди Сизга ўхшаб қийинчиликларни енгиб, маломат тошларини ёғдирганларни шармандаи шармисор этиб, ёш умримни топтаган беномус кимсани тавбасига таянтирсам дейман. Сизга ўхшаб...»

Ганжа хатдан кўзини олди. Илоҳо, ҳеч ким менга ўхшамасин. Ҳеч ким мен тушган кунларга тушмасин. Ҳеч ким менингдек ёру дўстидан айрилмасин. Ҳеч ким, ҳеч ким!

Ганжанинг кўзи ёшга тўлди. Совуқ сувга юз-кўзини чайди. Бошини сарак-сарак қилиб яна хатни ўқиди.

«...Сизнинг бошингизга қанча оғир савдолар тушган. Лекин ҳаммасини енгиб чиқибсиз. Дадамлар айтдиларки, катта жиноятчилар гуруҳини Сиз фош этибсиз. Сув омборида йўл қўйилган хатоликларни ҳам тузатаётган экансиз. Сизга офарин дейишдан бўлак сўз тилимга келмайди.

Қани энди менда ҳам Сизникидай ирода бўлса. Қани энди менда ҳам Сизникидай ўткир ақл ва кенг юрак бўлса. Мен йўл бошидаёқ қоқилган, ўзини ўнглаб олишга ҳамон куч тополмаётган нотавон бир жувонман.

Ички сирларимни Сиз билан ўртоқлашаётганим учун мени енгилтакликда айбламанг. Сиздай кўп офатларга дуч келган кучли одамга дилимни ёришдан ор этмайман.

Шу пайтгача Сизга кўп хатлар битган эдим. Аммо юрак бетлаб биронтасини ҳам юборган эмасман. Қўлингиздагиси хатларимнинг эҳтимол юзинчисидир. Уша хатларнинг ўзи бир китоб. Тортган азобларимнинг ўзи бир дўзах».

Хатни ўқир экан, Ганжанинг кўнглидаги ҳазинлик ғазабга айланди. Алдов. Тузоқ. Падарига минг лаънат ҳаммасининг. Наҳотки дунё фақат алдовга қурилган? Одамлар наҳотки алдовсиз кун кўролмайдилар? Ҳеч бўлмаганда кулиб турган шу студент қиз бахтли деб ўйлаган эдим. Уни ҳам алдашибди. Уни ҳам бахтиқаро этишибди.

Бағри бутун одам бормикан?!

62

Катта йўлдан қабристон кўриниб туради. Пахса девор билан ўраб олинган. То дарвозасигача йўл асфальт қилинган бўлса-да, Ганжа анча нарида машинадан тушди. Уст-бошдаги ғуборни қоқди. Йўл чеккасидан қабристонга қараб юрди.

Дарвозадан кириб, арава сиққулик йўлдан Найсонбува ёдгорлиги ёнидан ўтди. Таъмирлаш ишлари тугабди. Бино пештоқидаги ёзувлар, нақшинкор лавҳаларга сайқал берилибди. Мақбаранинг олди-орқаси супурилган, йўлкаларга сув сепилган. Тор йўлдан Ганжа чапга бурилди-ю, маълум оқ қабрга кўзи тушди. Бошини этганча унга қараб юрди. Борди. Суратга тикилди. Кўнгли вайрон бўлди. Бошини эгди. Икки ғўлага қоқиб қўйилган тахта ўриндиққа ўтирди. Тирсагини тиззасига тиради. Қадди дол бўлди. Сурат... Ганжа ерга қараб ўтирса-да, суратни кўриб турар, ўзига термिलाётган бир жуфт кўздаги илтижо, меҳр ва қаҳр қоришиб, мисли бир ўқдай юрагига қадалиб келаётганини ҳис этар эди. У Ганжани ҳар галгидек яна сўроққа тутди:

— Гуноҳингдан кечишимни истаб келдингми яна?

— Йўқ. Гуноҳим оғир. Ундан кеч деб сўрашга ҳаққим йўқ.

— Елғон. Гуноҳдан қутулмоқни истайсан. Шунинг учун келгансан. Авваллари елғон гапирмас эдинг. Ўзгариб кетибсан.

— Ўзгарганим рост. Ҳаёт ўзининг кўзига тик қарашга ўргатди. Лекин сенинг кўзингга қарай олмайман. Қаерга борсам мени таъқиб этади кўзларинг. Сўроққа тутади. Тергайди. Ўз айбини сўрайди. Жавоб топиб беролмайман. Айбинг йўқ, айб менинг ўзимда, менинг кўрлигимда, дейман. Ҳозир ҳам, мана, сўроғингга жавоб беришдан тилим ожиз. Билмаган эканмиз, тузоққа тушган эканмиз, чоҳга тушган эканмиз, Обод!

— Биз деб гапирма. Тузоққа тушган бўлсанг, сен тушгансан. Елғиз сен...

— Ҳа-ҳа. Мен. Мен. Елғиз мен тушганман. Унинг домига сени тортганимни кейин билдим. Айтдим-ку, кўзим кўр экан.

— Кўзинг очилган бўлса, энди хато қилма.

— Хом сут эмган банда деб мени айтса бўлади. Бўлмаса, бировга пичоқ ўқталган одамни одам санамасдим. Ўшанда рашк ўти жисму жонимни куйди-

раётган эди-да. Эс-хушимни тамом йўқотган эдим. Бир чеккаси айб Қумрихондан ҳам ўтди. У сени номусимга тажовуз қилди деб айтмаганида...

— Хотининг тўтиқушнинг ўзгинаси бўлиб қолганини сезмабмидинг? Йиғилишларда нуқул Аминовнинг сўзини такрорларди. Унингда унинг сўзларини такрорламасди деб айтоласанми? Айтолмайсан. Аминов уни тўтиқушга айлан-тирганини ҳамма биларди.

— Шуни билар экансан, нега бир оғиз шипшитиб қўймадинг?

— Бунақа нарсаларни шипшитмайдилар. Узинг билишинг керак эди.

— Қумрихоннинг тез амалга миниши, Аминов билан Тошкентга командировкага кетиши мени таажжубга солган эди. Мен хотинимга ҳам ишонардим, ҳам қалбимни шубҳа ханжари кескилар эди. Аммо Қумрихон сенинг исмингни тилга олганида буни биров ўргатган деган хаёл миямга келмаган. Улай агар.

— Ҳаммани ўзингга ўхшаган софдил деб билан экансан-да?

— Одамларга ишонмай қандай яшаб бўлади?

— Ишон-у, ўзингга ҳушёр бўл. Амалпарастларга фақат лақмалар ишонишади. Аминов эса бориб турган амалпараст. Амал учун онасини ҳам сотади-ганлардан.

— Амали бўлса бор эди...

— Чиндан ҳам соддадилсан. У Анисимовнинг ўрнини, ундан ҳам юқори-роқни кўзларди.

— Кўзлаган билан юқорига чиқолмасди. Калтабин эди-ку.

— Юқорида калтабинлар йўқми?

— Аминовга ўхшагани бўлмаса керак. Яна билмадим. Айтгандай, ҳар гал сендан бир нарсани сўрай дейман-у, сира журъат этолмайман. Ҳозир ўрни келганида айт-чи, ўшанда Қумрихоннинг кабинетида сен нега кулган эдинг?

— Мен ўшанда кулиб эдимми?

— Ҳа: Хонага киришинг билан Қумрихонга боқиб кулган эдинг. У ҳам сенга кулумсираган эди. Бу ҳақоратга мен чидолмадим.

— Кулган-кулмаганимни эслолмайман. Мабодо кулган бўлсам, сенинг бемаъни рашкингдан кулгандирман. Ахир, хотинингни келиб-келиб мендан кунклайсанми? Мендан-а? Бир партада ўтириб ўқиган дўстингдан-а?!

— Шундай бўлди, Обод, нетай, шундай бўлди. Болаликда қандай беғубор орзуларимиз бор эди-я! Эсингдами, бир куни болхоз оталарни кўриб, уларнинг елдек учишларини кўриб, чавандоз бўлишга аҳд қилган эдик.

— Сен Дулдулга ишқибоз бўлган эдинг.

— Мелиқушга. Мелиқуш ҳам, бошқа отлар ҳам сув остида қолиб нобуд бўлган. Отларни қутқазаман, деб Бувамиз ҳам ҳалок бўлганлар. Мен буни қамоқдан келиб эшитдим. Анчагача ўзимга келолмай юрдим.

— Агар сен билан биз шу ерда бўлганимизда тўқайни сувга бостирилмас эдилар. Бува ҳам, отлар ҳам нобуд бўлмас эди. Бизни йўқотиб, шу қотилликка борганлар.

— Мен боис...

Сурат бунга жавобан ҳеч нима демади. Ганжа тахта устида узоқ ўтирди. Суратни яна гапга солмоқчи бўлди. Лекин у индамади. Бу унинг кет дегани эди. Ганжа кўзғалди.

Келган йўли билан қайтиб Найсонбува ёдгорлиги қаршисида тўхтади. Қоровул ота билан омонлашиб, ичкари кирди. Хонақодан ўтиб, ёрма қопули мақба-рага қадам қўйди. Найсонбуванинг ганч билан ишланган сағанаси олдида бош эгди.

Бани Қораянтоқнинг бобокалони, ҳикмат ва дониш соҳиби, абадул-абад номи дилларда барҳаёт Буважон!

Сен балоларни даф этишга, ёмонларни жазолаш, яхшиларга лутфу қарам кўрсатишга қодирсан. Бир замонлар очлик ва юпунликка маҳкум этилган қораянтоқликларнинг жонига сен оро киргансан. Минг отни жиловлатиб, ҳамюртларинг қўлига тутқазгансан. Шу отлар туёғидан борлиқ ларзага келиб, мудроқ ерлар уйғониб, Қораянтоқнинг бахти кулганини авлод-авлодлар унутмаяжаклар.

Буважон! Гуноҳкорни жазолаш ҳам афв этмоқ ҳам, адашган кимсаларга йўл кўрсатмоқ ҳам Сенга хос хислатдир. Фақат афвингни эмас, балки берган жазоингни ҳам қораянтоқликлар ўзлари учун саодат деб қабул қилиб келган-

лар. Мен қораянтоқликман. Сен менинг ҳам улў бобокалонимсан. Бугун Сенинг ҳузурингга бош эгиб келдим, ўзинг мадад бер, Буважон!

Сен дунёда дўстан азиз киши йўқ деб қораянтоқликларни дўстликка, ҳам-жиҳатликка, оғизбирликка даъват этгансан. Сенинг васиятингга амал қилганлар бахт ва саодатга мушарраф бўлдилар. Мен дўстлик гулларини ўстирмақ ўрнига уни ўз кўлим билан хазон этдим. Қораянтоқ шаънига, унинг Сен васият этиб қолдирган муқаддас удумларига доғ тушириб қўйдим.

Сен дунёда ёрдан мушфиқ киши йўқ деб қораянтоқликларни муҳаббат чашмаларидан баҳра олишга, оилани муқаддас билишга, ёрни қадрлаш ва бошга кўтаришга даъват этгансан. Сенинг васиятингга амал қилганлар муҳаббатнинг ширин оғушларига, гулдан тоза оила қурмоқ, саодатманд фарзандлар ўстирмақ, уларнинг жамоли ва камолидан баҳра олмоқ, уларнинг бахту тахтига суянмоқ шарафига муяссар бўлдилар. Мен ёрни бошга кўтармоқ ўрнига, муҳаббатнинг беғубор чашмасидан дил чанқоқларини қондирмоқ ўрнига унга тош отган, сенга набира аталиш бахтига номуносиб бўлган одамман.

Сенинг ҳузурингга мадад истаб келдим, Буважон! Гуноҳимни афв эт, кўнглимни қоплаб ётган қора булутларни тарқат, умрим биносини қайта бошдан мунаввар қил. Қўлимдан қочирган отимни — бахтимни менга қайтар, Буважон!

63

Анор хола бу гал қаттиқ туриб олди: «Ғуломжон аканг ўғлини уйлантиради-ю, сен бормайсанми, уят бўлади-я. Минг қилса-да, қариндошмиз. Яхши ёмон кунда борди-келди қилмаган қариндошнинг етти ёт бегонадан нима фарқи бор? Иккиланма, ўғлим, тўйга бор, турақол!»

Хуллас, эна қўймади, Ганжа Мўйноққа — Ғуломжон аканинг яхши кунига етиб борайин деб йўлга равона бўлди. Поездга тушди, Кўнғиротга бориб автобусга ўтирди. Мўйноққа яқинлашган сайин қинидан чиқай деб юраги гуп-гуп ураверди. Амударё ўзани қуриб, икки саҳро — Қорақум ва Қизилқум бирлашиб бораётганини кўрганда хўрсинди, денгиз ташлаб кетган ерларнинг оқариб, шўрланиб ётганига кўзи тушганида ўксинди, бир пайтлар сувда чайқалиб, қирғоқдаги қозиқларни қўпориб, арқонларни узиб кетаман деб турган кемаларнинг саҳрода мунғайиб ётганига гувоҳ бўлганида ингранди. Шундай кайфиятда тўйга етиб борди.

Уртада ҳамма нарса бисёр бўлгани билан даврага нимадир етишмас, бундай пайтларда бўладиган хушчақчақ руҳ, тўёна кайфият кўринмагандай эди. Балки Ганжанинг руҳи сўлғинлигидан унга шундай туюлаётгандир. Ундай деса... тўйбоши — башанг кийинган йигит микрофонни оғзига яқин келтириб қанча шеър ўқимасин, қанча баландпарвоз гапларни айтмасин, даврадагилар унга қулоқ солишмасди. Жомсўз айтувчиларнинг сўзлари расмий, ясама, ашула ҳам, рақс ҳам шундай рангсиз, руҳсиз. Йўқса тўй уй олдидаги кенг майдонда ўтапти, қанча ўйнаб-куламан десанг бемалол, от чопса, кураш тушса ҳам бўладиган.

Куёв билан келин аммо бир-бирига мос кўринади. Бўйлари бўйларига тенг, Zufаржон полвон йигит, келин тўлин ойдан сулув, ишқилиб бахтли бўлишсин. Ғуломжон ака даврада бирпас ўтиргандай бўлади, сўнгра ичкарига кириб анчагача кўринмай кетади, меҳмон кутади, меҳмон узатади, хуллас, тўйда бўладиган югур-югур, бош қашишга қўли тегмайди. Ташвишдан бўлса керак, юзи бўғриқиб кетган, кўзлари ҳорғин, хаёли паришон, бир гапни икки-уч такрорлайди.

Ғуломжон акани кузатаркан, Ганжа ҳайрон бўлади. Якка-ягона ўғлини уйлантираётган одам ҳам шундай бўладими? На ўзида руҳ бор, на тўйида файз.

Синиқликнинг сабабини Ганжа тўй тарқаганидан кейин билди. Келин-куёв гўшангага кириб, қариндош-уруғлар танҳо қолишгач, Ғуломжон ака Ганжани ичкари бошлади. Даҳлиздан ўтиб меҳмонхонага киришди. Дастурхон атрофида икки-уч хотин ўтирар, уларнинг диққат-эътибори чамаси дераза ёнига қўйилган каравотда, ундаги аёлда эди. Каравотдаги аёл ҳозиргина тўй ўтган майдонга ўгирилиб ётганидан унинг юзи кўринмас эди. Ғуломжон ака унга оҳиста мурожаат этди:

— Комилахон, қаранг, тўйга ким келган.

Комила ая? Шунча қайтибдим, шунча озиб-тўзиб кетибдим? Епирай!

Ая аста ёстиқдан бошини кўтарди, қараб-қараб турди-да:

— Ганжамисан? — деди бўғиқ овозда ва ҳансираб йўталди.

— Ҳа, мен, ая, тўйлар морак бўлсин!

— Раҳмат. Тўйни ҳам кўрдим. Шукр!

Ая Ғуломжон акага юзланди.

— Қаранг-а, кеча булар хаёлимдан ўтган эди. Қумрихонни тушимда кўрибман. Сўқоқда юрган эмишмиз, лола сайлида...

Дастурхон атрофидаги аёллар эркакларга ўрин бўшатишди.

— Тўйга келишингни билардим, — деди ая чехраси очилиб. — Йўлингни пойладим. Ҳайрон бўлма, негалигини айтаман ҳали.

Мўйноқда Комила аяни кўраман деб Ганжа сира ҳам ўйламаган эди. Тағин бундай, тўшак билан бир бўлиб ётган ҳолатда. Ғуломжон ака ўшанда, Қораянтоққа борганида аянгсиз яшолмайман деган эди. Улар ростдан ҳам қайта қўшилишганми ё аяни тўйга таклиф қилиб олиб келишганми? Қачон касалга чалинган, қоқсуяк бўлиб қолибди-я, бечора, дарди шунақа бедавомикан?

Ганжанинг миясида айланаётган саволларни сезгандай Ғуломжон ака кулиб, ҳазил аралаш гап бошлади.

— Ешликда берган кўнгил ажралмас бало бўлур, деганларича бор экан, жиян. Аянгдан айри кунларимни кун санамайман. Узим бу ерда-ю, кўзим, кўлоғим Тошкентда эди. Охири чидолмадим. Нима қилай, оёғига бош уриб бордим, жиян. Иккидан бири, ё бугун Мўйноққа юрасан, ҳаётимизни бошқатдан бошлаймиз, ё мени шу ерда ўлдирасан, деб туриб олдим. Масалани шунақа кўндаланг қилиб қўйдим. Қонимга қолишдан кўрқди, бошқатдан чимилдиққа кирди аянг, жиян.

Ая мийғида кулди. Ғуломжон ака жиддий тортди.

— Аммо-лекин Мўйноқнинг об-ҳавоси аянгга тўғри келмаяпти. Бизни деб бу ерга келди-ю...

— Кўйинг, дадаси, ҳаводанми, тақдирданми, ким билади, — деди ая эрини ҳам, ўзини ҳам юпатган бўлиб. — Тошкентда яшаб оёқдан қолаётганлар озми?

Ғуломжон ака оғир сўлиш олди. Сўнг Ганжага тушунтирди:

— Келганида, бундан ярим йилча олдин, соппа-соғ эди. Сўйлаб ҳам, куйлаб ҳам ҳоримасди. Бирдан нафаси бўғила бошлади.

— Бу еримизнинг ҳавоси ўзи бузилган-да, — ачиниш билан қўшиб қўйди Ганжа. Комила ая унинг гапини маъқуллади.

— Фақат сувимас, ҳавосиям шўр. Шамол шўр бўлади деб ҳеч ўйламаган эдим. Упкангга шағ-шағ туз бўлиб босилади. Ачитиб эзаверади, эзаверади.

— Бу Оролнинг қуриётганидан бўлса керак, — бир аяга, бир Ғуломжон акага кўз ташлади Ганжа, — соғ одам қолмади ҳисоб.

— Тўй, тўй деб мана тўй ҳам ўтди. Энди, жиян, аянгни асрашимиз керак. Тошкентга кўчмоқчимиз.

Ташқаридан кимдир Ғуломжон акани чақирди. Суҳбат узилди.

— Мана шу деразадан тўйни кузатиб ётдим, — деди ая Ғуломжон ака чиқиб кетгач. — Зуфаржонни куёв сарупосида кўрдим. Энди армоним йўқ. Майли, буёғи нима бўлса бўлар...

— Яхши бўлиб кетасиз, ая. Тошкентга борсангиз яна аввалгидек овозингиз очилиб кетади, мана, мени айтди дейсиз.

Ая жилмайди. Юзида истеҳзо кўринди. Сўнг у мискинлик билан алмашди.

— Мени қўявер. Узингдан гапир, ука. Кўп гапларни Ғуломжон аканг айтиб берди. Қумрихоннинг дафтарини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Кутилмаган ишлар...

— Шундай бўлиб қолди... Дафтар дедингизми, ая?

— Ҳа. Дафтар... Тошкентга келганида Қумрихон гапириб берган эди. Кундалик ёзаётганини. Кейин уни менга юборган эди.

Ганжа ўрнидан туриб кетганини ўзи билмай қолди.

Ганжа уни тонггача ўқиди. Тугатиб яна бошидан бошлайверди. Ақли ҳеч бовар қилмас эди. Наҳотки Қумрихоннинг кўнглида шунча гапи бўлган. Шунча можаро. Разолат. Ганжа дафтардаги ҳар бир сўзни ёд ола бошлади.

КўНГЛИМ ДАФТАРИ

Тўйимизнинг ўтганига бир ҳафта бўлди. Ҳамон уйимиздан меҳмон аримайди. Бечора қайнобамнинг оёғида оёқ қолмади. Эрталабдан то ярим оқшомгача елиб югургани-югурган. Мен хизмат қилмоқчи бўлсам сира ҳам кўнмайдилар. Тилларига ҳам бир тушунсам, бир тушунмай қоламан.

Тўйнинг эртасига ҳовлини супурмоқчи бўлсам «сирма-қизим» деб апил-тапил кўлимдан супургини олдилар. Сўзларига тушунмадим. Ёмон бир иш қилиб қўйдим шекилли, деб кўрқдим. Ганжа акага айтсам аввал кулдилар, сўнгра тушунтириб бердилар. Сирма деб айтгани супурма дегани экан.

Қораянтоқда қайнобани бийи (биби) ёки эна дейишаркан. На унисига, на бунисига тилим келишади. Сўзлашадиган пайт келганида балки эна дерман. Шу нисбатан осонроқ.

Сўзлашадиган пайт дейишимнинг маъноси шуки, келин то бир-икки бола туғмагунича қайнота-қайноба билан гаплашмас экан-да. Савол берилса имо-ишора билан жавоб қайтараркан. Бу қадимдан келаётган удум бўлиб, қораянтоқликлар унга ҳамон амал қилишади. Тагида бир маъноси бордирки, шундай қилишар.

Бир ҳисобдан менга шу ўнғай. Бир нима дейишса жимгина қулоқ соламан. Менинг эса уларга сўзим йўқ. Нимани ҳам гаплашардим. Қандай гапим бўлса, мана ёнимда Ганжа ака, унга айтавераман-да. Лекин у киши кўпроқ тинглашни хуш кўрадилар. Узлари ҳам камдан-кам гапирадилар. «Ҳа, йўқ», «бўлади, бўлмайди»га ўхшаш уч-тўрт сўзни айтишга усталар. Худди тўтиқушдай.

Институтда ўқиб юрганимизда бу унчалик билинмас эди. Ён-атрофим тўла одам. Гоҳ униси, гоҳ буниси билан чуғур-чуғур гаплашиб кетаверар — яқин дугоналар топиб оларман.

* * *

Шундай қилиб, ишни бошлаб ҳам юбордим. Ёрдамчи корхоналар комбинатида. Инженерман. Комбинат қурилишга ҳар хил маҳсулотлар етказиб беради. Миҳдан тортиб, цемент, ёғоч, тайёр блоklarгача. Иш кўп. Завод ва цехлар кундузу кеча тинимсиз ишлайди. Анча вақтим инженерлик ҳисоб-китобларига кетади. Лекин ишим қизиқарли. Узимга ёқади.

Ҳаммасидан ҳам яхшиси, комбинатнинг одамлари. Бари меҳнаткаш, очиқ, бир-бирига ғамхўр, тиниб-тинчимайдиган, ҳазил-мутойибага ўч, ҳалол, ҳикматли кишилар.

Кун оша комбинатга Аминов келиб турадилар. Одамлар билан жуда жиддий гаплашадилар, ишни қаттиқ талаб қиладилар.

Янги ходим бўлганим учун бўлса керак, менга илтифот кўрсатадилар. Мен буни илк бор қабулига кирганимдаёқ сезган эдим. Мен билан жуда илиқ, самимий гаплашган эдилар. Лекин кўзини олмай қараб туришлари ғалати кўринган эди...

Комбинатга келганларида ундай қарамадилар. Ишга кўникиб кетяпсизми, қийинмасми, деб сўрайдилар. Нима ёрдам керак бўлса, тўппа-тўғри менинг ўзимга айтаверинг, дейдилар.

Қандай меҳрибон, ғамхўр раҳбар бу Ғани Аминович, а. Бошларида шунча иш, шунча ташвиш-у, менингдай янги ходимга ёрдам беришга ҳам вақт топадилар. Ҳалигача комбинатга келганларида кабинетимга кирмай кетган эмаслар. Қани энди ҳамма раҳбарлар ҳам шу Аминовдай бўлишса. Қайдам!

Ганжа акам СМУ-1да ишляптилар. Ҳар жиҳатдан хурсанд кўринадилар. Ишга шод-хуррам кетадилар, уйга қувониб кириб келадилар. Эримнинг хурсандлигига хурсандлик қўшолган кунимни бахтли кун деб ҳисоблайман.

Биз бир-биримизга жуда ҳам мосмиз. Бир-биримиз учун яратилгандай-миз. Сал бўлса ҳам эримдан айри тушишни тасаввур қилолмайман.

Ушбу сатрларни ёзяману, кўзларим эшикда. Бугун негадир кеч қоляптилар. Мажлис-пажлис бўлдимикан? Ё яна шу ўртоқлари Обод ака келиб, бирёққа

олиб кетдимикан? У киши жуда ҳам ғалати эканлар. Нуқул сув ҳақида, Орол ҳақида гапирдилар. Бўлар-бўлмас ишга ўзини ураверадиганга ўхшайди.

Менинча одам типирчиламай хотиржам, бемалол, яйраб-яшаши керак. Дунёнинг ташвишлари адо бўлармиди. Уларни ҳал қилишга бир-икки одамнинг кучи етармиди. Узингни бил, тинчгина маза қилиб яша. Мен, масалан, худди ана шундай яшамоқчиман.

* * *

Аминов чақиртирган эканлар, бордим. Кабинетга кириб боришим билан ўринларидан туриб, қўл бериб кўришдилар. Мендай янги, ёш ходимга шунча илтифот. Ҳали айтарлик иш қилмаган бўлсам. Ҳали мени тузукроқ танимайдилар ҳам-ку. Кутилмаган ҳурмат-эътиборни кўриб, довдираб қолибман шекилли, Аминов ҳеч тортинманг, бемалол ўтиринг, деб бир пиёла чой қуйиб бердилар.

Ишдан, ундан-бундан енгил-елпи, жавоб берса ҳам, бермаса ҳам бўлаверадиган бир-иккита нарсани сўрадилар. Боғистоннинг об-ҳавосига кўникяпсизми, дедилар. Ҳа, деб қўяқолдим. Бошқа нима ҳам дейман.

Аминов Боғистон, жумладан Дулдулсой ҳақида гапирдилар. Боғистонликлар умуман яхши одамлар, деб уларнинг фазилатларини санаб бердилар. Лекин уларнинг ичида ёмон одамлар ҳам борлигини айтиб, менга ҳушёр бўлишни тайинладилар. Агар битта-яримтаси мени хафа қилаётган бўлса, Аминовнинг ўзлари ҳимоя этар эмишлар.

— Мен ёшларни, айниқса сизга ўхшаган умидли қизларни яхши кўраман. Нима ёрдам керак бўлса, бемалол, сира ҳам тортинмасдан айтаверинг, — дедилар.

Яхши кўраман, деган сўзга алоҳида урғу берганларини сездим. Худди йигит қизга муҳаббат изҳор қилган оҳангда айтилганга ўхшаб кетди. Балки менга шундай туюлгандир. Аминов давом этдилар:

— Биринчи кўришдаёқ Сизнинг... беғуборлигингизни ҳис этган эдим.

— Раҳмат. Мени жуда мақтаб юборяпсиз.

— Бор гапни айтяпман, Қумрихон. Одамнинг қандайлигини юз-кўзидан билса бўлади. Сизнинг юз-кўзингиз...

Шундай деб анча жим қолдилар. Кўзимни ердан олмасам ҳам менга тикилиб ўтирганларини кўрдим. Балки мени текшираётгандирлар, деб ўйладим. Ҳар бир раҳбар ўз қўл остида ишлайдиган ходимларни яқиндан билиши керакмасми. Аммо Аминов кутилмаган саволни бердилар:

— Шахсий бир нарсани сўрасам майлими?

— ...

— Эрингиз билан севиб турмуш қурганмисиз?

Шолғомдай қизариб кетган бўлсам керак, Аминов кулдилар.

— Сўзларимга ҳайрон бўлманг, — дедилар. — Шундай ўзим... бир сўрадим. Билиб қўйиш учун.

Жавобни кутмай сўзни бошқа томонга бурдилар. Жиддий тортиб дедилар:

— Биласиз, Қумрихон, ёш хотин-қиз кадрларга эътибор катта. Сизларни тарбиялашимиз, ўстиришимиз керак.

Мен нима дейишимни билолмай қолдим.

— Демоқчиманки, сизни назарга олиб қўйдим. Кўриб турибман, келажагингиз порлоқ. Сиздан умидим катта.

— Раҳмат.

— Аммо... Гап шу ерда қолсин. Тўғри гапни ҳам эгри тушунадиганлар кўп Дулдулсойда. Оғзингизга маҳкам бўлинг.

Аминовнинг сўнги гаплари ғашимга теғди. Мени ким деб ўйлаптилар. Буйруқ оҳангидаги насиҳат... Аммо хафа бўлганимни билдирмадим.

— Гапимни ҳатто эрингиз ҳам билмагани тузук. Уртамизда бўладиган гапларни фақат сиз билингу, мен...

Нима бало, ўртамизда фақат иккимизгина билишимиз керак бўлган қандай гап бўлиши мумкин. Нималарга шама қияптилар?!

— Сўзимга хафа бўлдингизми?

— Йўқ, нега энди...

— Яшанг. Хафа бўлмаслигингизни билардим. Вақти-вақти билан сизни бу ерга чақиртириб турсам... майлими?

— Иш бўлса...

— Иш кўп, Қумрихон. Ҳали сиз билан шундай ишларни қиламизки, ҳозир буни тасаввур ҳам этолмайсиз.

Тўғри айтдилар. Нима иш қилишимизни мен тасаввур этолмайман. Ҳозир ҳам ўйлаяпман. Менга ортиқча ишонаётган бўлсалар керак. Катта вазифаларни елкамга юклаб қўйсалар қўлимдан келармикан? Қайдам!

* * *

Уйимизга Обод ака бугун яна келди. Унинг ҳар келиши тиниётган сувни лойқатиш деган гап. Ҳар гал дунёнинг бор ташвишини бошлаб келади. Бўлмагур режалар билан Ганжа аканинг бошини гаранг қилади. У жавраб-жавраб кетади-ю, бу кишим бўлсалар кечаси билан мижжа қоқмай, уҳ тортиб ётадилар.

Бугун гап яна ўша туз кони ҳақида бўлди. «Уни сувга бостирмоқчилар... йўқотиб юбормоқчилар... Дамба қурамыз... сақлаб қоламиз...» ва ҳоказо ва ҳоказо.

Шу туз конидан бошқа ташвишларинг йўқми, дейман ичимда. Ундан сенларга нима фойдаю нима зарар. Ундан кўра ўзларингни, ўз уйларингни ўйла-санглар бўлмайдимми?

Обод ака райпода ишлайдими, идорасини, уйини билсин, нима қилади аллақандай конларга бурнини тиқиб. Бу ҳам камлик қилгандай нуқул Орол ҳақида сасийди. Оролни шу киши қутқазиб қолармиш. Уз калласини айнишидан сақлаб қолсин аввал...

Ганжа ака ўша доводирга қўшилиб, уй-рўзғор ҳақида сира ҳам ўйламай қўйдилар. Уйда нима бор, нима йўқ, хотин нима қилди, бу ҳақда ўйлаш қайда, билганлари туз кони, тўқай, Орол.

Тўғри, Орол керак. Мен ҳам ирригаторман, тушунаман. Лекин катта идораларда унинг ташвишини тортиши керак бўлган, катта-катта маошларни олиб ўтирган одамлар бор. Ана ўшалар бош қотирсин, ишласин. Жарақ-жарақ пулларни улар олиб, нега бошқалар жиғибийрон бўлиб, уларнинг иши ҳақида ташвиш чекишлари керак экан. Ташвиш чекишнинг фойдаси бўлса гўрға эди.

Ўз уйим, ўлан тўшагим деган гап ҳақ-рост. Мана, бизнинг уйни олайлик. Дулдулсой, биз ишлайдиган жой билан уйнинг ораси олти-етти километр келади. На автобус қатнайди, на бирон уловимиз бор. Тонгни тирмалаб йўлга чиқамиз, бирон йўловчи машина учраб қолса, хўп, бўлмаса яёв ишга қатнаймиз. Шаҳарда эса бирин-кетин ўйлар қурилиб битказиляпти. Шу яқин кунларнинг ўзида неча одамлар ҳовли тўйлари ўтказишди.

Неча айтдим Ганжа акага, боринг, илтимос қилинг, деб. Пинакларини ҳам бузмайдилар. Бу иш билан энди ўзим шуғулланишим керакка ўхшайди. Нима ёрдам керак бўлса, бемалол келаверинг, деган эди-ку, ахир, Аминов. Балки шу кишининг олдларига борарман. Аввал Ганжа акага яна бир эслатиб кўрай-чи. Шунда ҳам бўлмаса... унда ўзим биламан нима қилишни.

* * *

Кеча нотаниш бир бола ийманибгина кабинетимга кириб келди. Қўлида оппоқ қоғозга авайлаб ўралган гулдаста. Қумрихон опа сиз бўласизми, деб сўради. Ҳа, дедим, гап нимадалигини тушунолмайд. Бола гулдастани менга узатди.

— Гани акам бериб юборди. Сизга деб. Олинг.

Нима қилишимни билолмай қолдим. Аминовнинг кутилмагандаги бу илтифоти мени ҳақиқатан ҳам доводиратиб қўйган эди. Нега, қайси яқинлигимиз учун, қанақа баҳона бор? Бу саволларга жавоб тополмай қийналиб турганимда телефон жиринглаб қолди. Бир қўлимда гул (бола аллақачон зип этиб чиқиб кетган эди), трубкани кўтардим: Аминов!

У мени куёшли кун билан табриклади. Умрингиз ҳам ҳамиша худди мана шу нурли кундай чароғон бўлсин, деди. Ўзингиз қўлингиздаги гулдай доим очилиб юринг.

Тавба, буни қандай тушунмоқ керак? Кечадан бери ўйлайвериш бошим қотди. Умуман олганда аёлга гул тақдим этилиши ёқимли нарса. Лекин... гул юборувчининг шунга ҳаққи бўлиши керак эмасми? Аминовнинг бундай қилишга

ҳадди сиғадими? Дўстлигимиз, бирон яқинлигимиз бўлмаса, бошимда эрим бўлса. У эшитиб қолса нима бўлади?!

Аввалига жаҳлим чиқди. Аминовга қўнғироқ қилиб гулини рад этмоқчи ҳам бўлдим. Аммо ҳозиргина телефонда ҳеч нима деёлмаганимни ўйлаб иккила-ниб қолдим. Нима, гулингизни олиб кетинг, дейманми. Бу маданиятсизлик-нинг ўзгинаси-ку. Аммо маданиятлиман, деб бегона эркакдан гул олишим... Қоғозга ўроғлигича гулдаста стол устидан анча ётди.

Бўлар иш бўлди деб гулдастани очдим. Вой! Мунча ҳам чиройли...

* * *

Қишлоқдан шаҳарга, янги уйга кўчиб ўтдик. Уй кенг, баҳаво, дарёга яқин, катта йўлнинг шундоқ бўйида жойлашган. Экса-тикса бўладиган томорқа ери, унинг адоғида у-бу нарса учун бўлма, мол сақлашга мўлжалланган бостирма, хуллас ҳамма шароит бор. Гараж қуриб олиш учун майдонча ҳам қолдирилган.

Аммо қани уларни бежайдиган ўтли-шудли эркак. Томорқаю гаражга йўл бўлсин, ҳали уйга тўшайдиган тузукроқ бир полосимиз ҳам йўқ. Бу кишимнинг бўлса бор куч-ғайратлари оиламиз учун бир тийинлик фойдаси бўлмаган нарсаларга — Дулдулсой қурилишини тўхтатиш, янгитдан бутунлай бошқача қилиб қурдириш учун олишувга сарф бўлмоқда. Биринчидан, бошланиб кетган қурилишни ким ҳам тўхтатарди. Иккинчидан, борингки, бу кишимнинг айтгани ҳам бўлсин, дейлик. Хўш, ундан нима ютамиз, маошимиз ошадими, биров ма сенга деб бирон нарса келтириб берадими? Мен бўлсам иккиқат, яқинда отпуссага чиқадиғанман. Яхши кун бўлса, икки-уч одамнинг олдидан ўтишга ҳам қўлимиз калталиқ қилади.

Ганжа акамнинг ўзларига қолса, сира ҳам бу йўлга кирмас эдилар. Уларни йўлдан оздирган шу елим одам — Обод деган хаёлпараст. Тузуккина ишлаб юрган одамни ғиди-биди қилиб катталарга қарши қўйди. Ўзининг тинчу ҳаловати йўқлиги гўрга, бировнинг оромини бузганига ўлайми!...

Энам, гапнинг очиғи, яхши хотин. Бунақа заҳматкаш аёлни шу пайтгача кўрган эмасман. Тонг-саҳардан куймаланади, кун бўйи оёқ устиди, ярим тунда ҳам нимадир қилиб юрган бўлади. Ҳамма нарсага ақли етади. Лекин ўғлига бирон марта ундоқ қилма, бундоқ қил, деганини эшитган эмасман. Балки бу ўғлини ўта яхши кўрганидандир. Лекин... ўлсин яхши кўриш шунақа бўлса!..

Бу кишимни тергайдиган оталари бўлганида ҳам майли эди. Оталари шундай бемехр одам эканки, ўғлим борми-йўқми, демайди-я. Тўғри, ўғлини ёшлигидан синглисига асранди қилиб берган, лекин бу киши барибир унинг зурёди-ку!

Ганжа акам иш деб мендан совуб боряпти. Иш шу тахлитда кетаверса, те-зора кўрпа-тўшакни айрим қилиб олсалар ҳам ажабмас. У кишимга хотин керакмайди, туз кони керак, тўқай керак...

Бу янги уйнинг бўлса, фақатгина калитини олишга бордилар. Уй қандай берилди, бунга ким сабабчи, ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Яхшиям бу ҳаётда бошқаларга ёрдам қўлини чўзаётган, кучли, саховатли одамлар, суянч тоғлари бор. Яқингинада Ғани акамлар менга қўнғироқ қилиб, қандайдир сюрприз ҳақида гапирган эдилар. Энди билсам уйлик бўлдингиз, деганлари экан. Буни Ганжа акамга айтмадим. Барибир тўғри тушунмайдилар. Мен бўлсам Аминовнинг ёрдамини беғараз деб биламан.

* * *

Бунинг отини КУНДАЛИК дедим-у, қалам-қоғозга ҳар куни вақт қайда. Анча танаффусдан кейин бугун кундаликни юритишга яна имкон топганимдан хурсандман.

Бу орада Раъно туғилди. Анча касалманд бўлиб ўсди. Бир йилча қўлимдан тушмади десам муболаға бўлмас. Мана энди сал ўзига келиб боғчага борди. Ишга тушиб кетдим. Бўлим бошлиғи этиб тайинлашди. Партком секретарлигига сайлашди. Куни кеча Тошкентга, кенгашга бориб келдик.

Гапнинг очиғи, Тошкентни жа соғинган эдим. Кенг хиёбонлар, гавжум кўчалар, кино, театрлар... Қадрдон институтим шу ерда, домлаларим шу ерда, ту-тинган опам — суюкли Комила ая шу ердалар, ахир!

Дарвоқе, Комила ая. Мен ундан санъатни, санъат орқали ҳаётни, ҳақиқий одамларни, гўзалликни севишни ўргандим. Узинг ҳам ёниб-порлаб яша, дейдилар ая, ўзгаларни ҳам ёндиришга, ўзгаларнинг ҳам қалбига учқун ташлашга интил. Ҳаёт сенга бир марта берилган. Шунинг ёдингдан чиқарма. Ҳаётнинг ҳар бир дақиқасидан лаззатлана олишни ўрган. Уксиб яшама, гуркираб яша, очиқ чеҳра, очиқ дил билан ўйнаб-кулиб, ўзинг истаган барча муродларингга етиб яша. Қалбингдан асло муҳаббат аримасин. Севгисиз ўтган кунингни кун дема. Узингни шундай зебо, шундай ўктам тутгилки, сени севсинлар. Сени севмасликнинг иложи бўлмасин...

Самолётда кетяпмизу, қулоғимда аянинг сўзлари. Шаҳри азимга тезроқ етишга, ая дийдорини кўришга талпинаман. Биз учовлон — Аминов, Ткаченко ва мен самолётга чиққанамизда икки эркак киши ўзлари алоҳида ўтиришса керак, деб ўйловдим. Йўқ, Аминов менинг ёнимга ўтирди. Ткаченко орқада, қаердадир қолиб кетди. Оғзидан ҳаммиша арақ ҳиди анқиб турадиган бу одамдан нарироқ бўлганим тузук, албатта. Аммо Аминовнинг ёнма-ён ўтириши... ундан негадир бир оз тортинаман. Балки раҳбар бўлгани учундир, балки салобати босар.

Ишда жиддий юрганлари билан Ғани ака жуда дилкаш ҳамсуҳбат эканлар. Шундай ширин-ширин гапирадиларки, худди одамнинг жони дейсиз. Ғани аканинг гаплари Комила аянинг айтганларига тўппа-тўғри келади. Булар ҳам ҳаётнинг қадрига етиб, севиб-севилиб яшаш керак, дейдилар.

Суҳбат билан Тошкентга қандай етиб келганимизни ҳам билмай қолибман. «Тошкент» меҳмонхонасидан жой олишган экан. Мен у ерда туришга кўнмадим. Комила аянинг уйда тураман, дедим. Унинг номини эшитиб, Аминовнинг кўзлари ёниб кетди. Уша машҳур артистка сизга ая бўладиларми, дедилар ва ўзлари мени кузатиб боражакларини айтдилар. Йўқ деёлмадим. Қандай қилиб борманг дейман. Хафа бўлмайдиларми.

Ғани ака меҳмонхона олдига келиб тўхтаган «Волга» эгасига пул бериб, то кетгунимизгача биз билан бирла бўласан, дедилар. Шофёр хўппа семиз ёш йигит, бу ҳимматингизга боғлиқ, ака, дея пулни ҳафсала билан чўнтагига солиб қўйди.

Машинани тўғри Чорсу бозорига ҳайдатдилар. Шофёр иккови бозорга кириб кетишди. Мен машинага қоровул бўлиб қолдим. Бирпасда шофёр йигит пилдираганча икки даста гул келтириб менга тутқазди-да, яна шошиб бозорга кетди. Ун-ўн беш минут ичида йигит машинага уч марта қоғоз халталарни тўлдириб келди. Семиз бўлса ҳам чаққон, ўтдай экан қурғур. Тошкентлик-да.

Кутилмаганда бизни ўз остоналарида кўриб, аянинг рақсга тушиб кетишларига сал қолди. Менинг хурсандчилигим-ку, на ер, на осмонга сиғарди. Худди балиқ сувга киргандай бўлди. Аминов ҳам бу сувда тез сузиб кетдилар. Опага жуда маъқул тушдилар. Ая уни «ўз кишиси» қилиб олди.

Ўлтириш шундай кўнгилли бўлибдики, бирортамиз тонг отганини сезмай қолибмиз. Мижжа қоқмай, тўғри кенгашга кетганмиз.

Тошкентда бор-йўғи уч кун бўлдигу, худди бир ой курортда дам олган кишидай энгил тортидим. Ғани ака ая иккаламизни ресторанга, кинога, битта қадрдон дўстларининг уйига меҳмонга олиб бордилар. Уша шофёр хизматда бўлди. Ғани ака тур десалар туради, ўтир десалар ўтиради. Ё тавба!

Ая Ғани акани меҳмонхонага умуман юбормадилар. Битта хонанинг калитини қўлларига бердилар. Ая иккаламиз битта хонада ётиб-турдик. Ткаченко бўлса бир марта ҳам кўринмади. Кенгашга ҳам бормади. Нуқул ичиб ётган эмиш.

Мен аяга анчадан бери кундалик ёзаётганимни айтдим. Ая қизиқиб қолдилар. Менга ё ўзинг ўқиб берасан ёки бўлмасам, почта орқали юборасан. Танишиб чиққач, ўзингга қайтараман, дедилар.

Ғани ака аяни Дулдулсойга меҳмонга таклиф этдилар. Ая келишга ваъда бердилар. Буларнинг ҳаммаси яхши. Аминов ўзини жентельменларча тутди. Бегона эркак билан бегона аёл ўртасида одатда бўладиган чизиққа оёқ босмади. Лекин ёмони шуки, мен унга... ўрганиб қоляпман. Шу ҳақда ўйласам юрагим орқамга тортиб кетади.

* * *

Тошкентдан қайтиб келганимизга ўн кун бўлди. Келасолиб ишга чиқдим. Ғани ака телефон қилиб қолсалар деб, айтarli кабинетдан чиққаним йўқ. Тошкентга боришимиздан аввал тез-тез телефон қилиб турардилар. Кўнгилли сафардан кейин ҳар куни кўнғироқ қилсалар керак, деб ўйлагандим. Лекин мана ўн кун бўлдики, лом-мим демайдилар. Ёки мендан бирон хатолик ўтдимикан?!

Ўйлаб ўйимнинг тагига етолмайман. Қандай қалтис иш қилиб қўйган бўляшим мумкин. Худди кино лентасидай сафарни бошидан то охиригача хаёлдан ўтказаман. Айбимни ҳеч тополмайман. Балки ҳеч қанақа сабаби йўқдир, ўзлари кўнғироқ қилишни, гаплашишни хоҳламаётгандирлар.

Нафсиламрини айтганда, хафа бўлишга менинг ҳақим борми? Мен унга кимман? Оддий ходим. Оилали бир аёл. Унинг ҳам ўз иши, лавозими, ташвишлари, оиласи бор. Бир ҳисобдан кўнғироқ қилмаётгани тузук. Нима кераги бор... Лекин шунча қуюқ сўхбатлардан кейин лоақал сим орқали қалайсиз, дейилиши керакмасмиди?!

Тоқатим тоқ бўлганидан бугун ўзим кўнғироқ қилдим. «Алло, эшитаман», дедилар. Овозлари жаранглаб эшитилди. Демак, кайфиятлари аъло. Демак, Тошкентдаги мулозиматларнинг бари пуч. Нафасим бўғзимга келди. Гапиролмадим. Трубкани жойига қўйдим.

Нималар бўляпти? Нега шунча изтироб чекапман? Нега Аминовнинг бир оғиз сўзига зор бўлиб ўтирибман? Ё ростданам унга ўрганиб қолдимми? Мен, оилали аёл-а? Лекин сим қоқишлар, гул тақдим этишлар, турли эҳтиромларга унинг ўзи ўргатиб қўймадимми? Шундай бўлишига кўникиб қолмадимми? Эндиги жимжитлик шунинг учун оғир ботаётгани йўқми?

Изтиробларимнинг боиси бундан кўра чуқурроқ бўлса-чи? Кўнглимда менга бош бермайдиган кўр туйғулар исён кўтараётган бўлмасин, тагин? Йўқ, йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас. Ундай бўлишининг сира ҳам кераги йўқ. Лекин... нега кўнғироқ қилмаяпти?!

* * *

Хаёлпараст (Обод) бу кишимни жинни қилмасалар деб қўрқаман. Бу ерда бошлаган ғавғолари етмаганидай энди Москвага кетишяпти. Шундай узоқ юртга боришнинг ўзи бўладими? Инженернинг маоши билан бозорга бориб келолмайсан-у...

Шундай бир иш қилиш керакки, оқибатда Хаёлпараст бизникига қадам босмайдиган бўлсин. Қандай иш, уни ким қилади! Бунга ақлим етмайди. Аммо уни Ганжа акадан узоқлаштириш зарурлигини яхши биламан. Хаёлпараст ордан гумдон бўлса, Ганжа аканинг қулоғи тинчийди, хаёли, кучи бўлмағур нарсаларга бўлинмайди. Бу менинг фикрим эмас, Ғани ака шундай дедилар. Тошкентда, Комила опаларнинг уйида. Яна айтдиларки, қозонга яқин юрсанг, қораси юқади.

Ганжа акага қандай касаллик юққан бўлса, шу Хаёлпарастдан юқди. Бўлмағур, битмайдиган ишларнинг кетида юриш ҳам касаллик. Ёмон касаллик. Одамнинг вақтини, асабини, соғлигини ейди. Адои тамом қилади. Ганжа ака худди шундай бўляптилар-ку. Озиб-тўзиб кетдилар. Кундуз ишларида, тунда уйқуларида ҳаловат йўқ. Шу ҳам ҳаёт бўлдимми?..

Минг айтган билан бу кишим тушунмайдилар. Битта тўғри йўл — Ғани ака айтганларидек, икковини (Ганжа билан Обод) бир-биридан узоқлаштириш. Аммо буни қандай амалга оширса бўлади? Ҳайронман. Бунинг йўлини балки Ғани ака биларлар. Балки эмас, аниқ. У киши билмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Лекин кўнғироқ ҳам қилмаяптилар, кўриниш ҳам бермаяптилар. Нега? Уф!

* * *

Қизиқ бўлди. Ишхонамга Аминовнинг шофёри келди. У аввал келмас эди, биринчи келиши. Хўжайин сизни йўқлаяптилар, шунга келдим, юрақолинг, деди.

Битта кўнғироғига илҳақ бўлиб ўтирганимданми, қаёққа борамиз, нега, деб сўрамаёқ машинасига чиқибман.

Отақўрғонга, нотаниш бир уй олдига бориб машина тўхтади. Тушақолинг,

деди шофёр, хўжайин шу ердалар. Кирдим. Битта хушрўйгина аёл (кейин билсам, дўкончи Олтиной экан) билан чой ичиб ўтирибдилар Ғани ака... Мана, қаерларда юрибдилар, мана, нима учун қораларини ҳам кўрсатмаяптилар!

Бу рашкми? Балки. Хурмат қилган кишингни қизғанасан, албатта. Юрагим алланечук бўлиб кетди. Лекин уй соҳибаси, айниқса Ғани аканинг илиқ, самимий муомаласидан гумонларим бирпасда тарқади-кетди.

Чой ичган, овқат еган бўлдик. Гап орасида Олтиной аллақандай тақинчоқларни тилга олди. Жа мақтади. Олиб чиқинг, минг эшитгандан бир кўрайлик, деди Ғани ака.

Олтиной дегани товусга ўхшаб шошилмасдан товланиб юргувчи экан, муқом билан кетиб, худди шундай муқом билан чиройли қутичани олиб келди. Авайлаб очди. Вой! Мунча ҳам чиройли...

— Сирға ҳам, узук ҳам асл бриллиант.

Қўлма-қўл олишиб томоша қилдик. Қараб кўзинг тўймайди. Ғани ака баҳосини сўрадилар. Эшитиб ақлим шошди. Қимматбаҳо тақинчоқ, аммо қанча турса ҳам арзийди. Ғани ака узук билан сирғани қутичага солиб, менга тутдилар.

— Бу сизга. Олинг-олинг. Мендан эсдалик.

— Менга? Эсдалик?

— Ҳа. Сизга бу жудаям ярашади.

— Раҳмат. Аммо мен буни ололмайман.

— Ғанижон акам ҳамма-ҳаммагаям совға беравермайдилар, — менга насихатомуз деди Олтиной. — Бунинг қадрига етишингиз керак, Қумрихон. Олинг, тўйларга тақиш насиб этсин.

Минг айтганлари билан мен совғани олмадим. Майли, деди Ғани ака, ҳозирча мана шу ерда туратурсин. У қутичани кўрпача устига қўйди.

Ёшгина қизча (Олтинойнинг қизи бўлса керак) овқат келтириб тезгина чиқиб кетди. Олтинойнинг ўзи кўзача кўтариб кирди. Ўзимиз тайёрлаган мусаллас, бир хўплам ичсангиз танингиз яйрайди, деди.

Йўқ, деганимга қўйишмай менга ҳам ичказишди... Кейин Олтиной аллақайга йўқ бўлиб кетди. Мусаллас одамнинг кайфиятини кўтараркан. Худди осмону фалакда парвоз қилиб юрган қушчадай енгил, хуррам бўлиб қолибман. Мен учяпману теграмда ҳаммаёқ гир-гир айланади...

Бу кеча бўлган эди. Бугун эрталаб сумкамни очиб қарасам... ўша қутича ялтиллаб турибди. Яширин сумкамга солиб қўйишганми ё ўзим олдимми? Олган бўлсам эслашим керак эди. Эслолмадим. Демак, Ғани ака яширинча сумкага ташлаб қўйганлар. Энди нима қилишим керак? Обориб берайми? Ғани аканинг яна кўнгли оғрийди-да. Олиб қолсам... Ганжа акага нима деб тушунтираман? Унинг юзига қандай қарайман?!

Томоғимга йиғи келди. Кўзимга ёш тўлди. Ўзимни каравотга ташладим. Кўзёшларимдан ёстиқ ҳўл бўлди. Қичқириб йиғладим. Ўкириб йиғладим. Ойи, ойижон, деб йиғладим...

* * *

Тўсатдан Боғистонга мажлисга чақиришди. (Ижроқўмга ишга ўтганимдан бери бунақа мажлисларга тез-тез бориб тураман.) Машинам йўқ эди. Айтилган вақтда етиб бормасам бўлмайди. Зудлик билан машина топаш керак. Уёқ-буёққа кўнғироқ қилиб кўрдим, бўлмади. Хаёлимга негадир Хаёлпараст келди. Кўнғироқ қилдим. Бор экан. Илтимосимга кўнди.

Йўл-йўлакай ўйлаб кетдим. Хаёлпарастни-ку, жинимдан баттар ёмон кўраман, нега унга сим қоқдим? Балки у мени ўшанда қалтис вазиятдан қутқазиб қолгани учун ўзимга яқин олгандирман. Тақинчоқни сотиб олишимга Обод ака ёрдам берди деб ёлғонлаганимда у мен томон бўлганди, ахир. Лекин шундай бўлса ҳам Хаёлпарастда ўчим бор менинг. Ганжа акани бемаъни олишувларга тортгани учун, оиламизнинг тинчини бузгани учун мен ундан қасд олишим керак!

Боғистонга етиб боргач, раҳмат, кетаверинг, дедим. У кутиб тураман, деди. Мажлисдан чиқиб қарасам, ҳақиқатан ҳам турибди. Қайтдик. Йўл бўйи на у бир оғиз гапирди, на мен. Биламан, у мени хушламайди. Бир гал сизнинг дунёқарашингиз бошқа, деб ўзи айтган эди. Тўғри, менинг дунёқарашим буниқидан бош-

қа. Бу куйиб-куйиб ўтиб кетади. То ўла-ўлгунича боши ғалвадан чиқмайди. Бунинг касрига бола-чақаси қолади. Менга бундай ҳаётнинг кераги йўқ. Мен ЯША-ШИМ керак.

Хаёлпараст ҳозиргина мени идорага элтиб ташлаб кетди. Ушбу сатрларни ёзаётганимда Аминов қўнғироқ қилди. Кабинетимга келинг, гап бор, деяпти. Борай-чи, нима гап экан.

* * *

Бари нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Ҳаётим фожиага айланиб боряпти. Фақат менингни ҳаётим эмас, Ганжа аканинг ҳам, Хаёлпарастнинг ҳам, бола-чақаларнинг ҳам турмушига заҳар қуйилди. Уни ким қуйди? Мен. Менинг қўлим билан Аминов. Бундай дейишимнинг сабаблари бор.

Келиб-кетинг деганидан кейин кеча Аминовнинг кабинетида бордим. Иш вақти аллақачон тугаган, идорада ўзидан бўлак бирон кимса йўқ эди. Олдига киришданоқ кайфи борлигини сездим. Кўзлари қизарган, оғзидан арақ, пиёз ҳиди анқиб турарди. Диван олдига пастқам стол қўйилган, унга дастурхон ёзилган, кабинетмас, худди меҳмонхонага ўхшарди.

Мени диванга ўтиришга таклиф қилди. Холодильникдан арақ, сув, помидор, бодринг олди. Келиб ёнимга ўтирди. Икки қадаҳни тўлдириб биттасини менга тутди. Ичмайман дедим. Ичасан деб туриб олди. Атайлаб шунга чақирдингизми, деб сўрадим жаҳлим чиқиб. Ҳа, бу оқшом иккаламиз бир ичамиз, деди.

Мен қўлини қайтарганимдан кейин Аминов кетма-кет иккала қадаҳни ҳам сипқорди. Яна қадаҳларни тўлғазди. Ичасанми ё ўзим ичаверайми, деб сўради. Ичмайман, дедим. Ҳақиқатан ичгим йўқ эди. Уша Олтинойнинг уйидаги ўтиришдан кейин ичимликдан ҳам, Аминовдан ҳам жирканадиган бўлиб қолган эдим. Чунки у энг разил усулни қўллаган, маст қилиб менинг номусимни оёқости этган эди.

Энди яна ўша усулни қўлламоқчи бўлди. Мен ичмадим. Ўзи уст-устига ичаверди. Масала чигаллашиб бораверганидан кейин кетаман деб даст ўрнимдан турдим. Кетмайсан деб менга ташланди. Қўлимни қайириб диванга ўтқазди. Ва... ҳаммаёғимдан тишлай бошлади. Кўзлари қонга тўлиб, йиртқич ҳайвонга айланиб кетган эди. Менинг хўрлигим келди. Йиғлаб юбордим. У юмшаш ўрнига ўзини йўқотиб баттар жазавага тушди. Қоним қайнаб юз-кўзи аралаш туширавердим. Ўзига келиб тўхтади. Шундан фойдаланиб кабинетдан қочиб чиқдим. Орқамдан қувлади. Бахтимга юк машинаси келиб қолди, мени уйимга элтиб қўйди.

Кечадан бери уйимиздан қон оқади. Бўйнимдаги изларни Ганжа ака кўриб қолди. Ким қилди бунга деб ҳарчанд сўрамасин, айтмадим. Ярадор шерга ўхшайди, еб ташлаш учун рақибни ахтаради, тополмай ўкиради. Бор азобини менга беради. Дашномига чидолмай, ёлғон тўқишга мажбур бўлдим.

Нега шундай қилдим? Авваламбор, Аминовнинг номини тилга олиш мумкин эмас, уни шу заҳотиёқ топиб чавақлаб ташларди. Ганжа аканинг ўзи ҳурмат қиладиган, эътиқод қўйган битта одамнинг номи айтилса балки гап фожиагача бормас. Юз кўрмас бўлиб кетишар. Мен эса ҳар қандай азоби бўлсам чидайман.

Ўйлай-ўйлай бегуноҳ бир одамни — Ободни қоралашга журъат этдим. Ганжа ака пичоғини кўтариб чиқиб кетгани билан ҳар қалай дўстининг жонига қасд этмас. У гуноҳи йўқлигини айтади, албатта. Мабодо уни мен билан юзлаштиргудек бўлса...

Етти ухлаб тушимга кирмаган ишлар содир бўлди. Агар Ганжа ака масалани ошкор қилиб юборса, эл-юрт кўзига қандай қараймиз? Ўзи айтганидай, Ганжа ака қандай бош кўтариб юрадию, мен ҳамкасбларим, ижроқўм ходимлари олдида неча пуллик хотин бўламан?!

Биринчи навбатда Обод мени лаънатлашини биламан. Бегуноҳ одамни айблаш менга осонми? Бошқа иложим қолмаганидан шундай қилдим. Агар ўлма-сам, вақти-соати келиб, ҳаммасини ўзига тушунтириб берарман, олдида тиз чўкиб. ундан кечирим сўрарман.

Назаримда ҳозир иккала оила — бизники ва Ободнинг оиласи, жар ёқаси-

да турибди. Омон қоламизми ёки жарга қулаб кетамизми, айтиш қийин. Лекин бизларни жар ёқасига келтириб қўйган одам, ҳеч нарса кўрмагандай, ҳозир уйда бемалол нонушта қилиб ўтиргандир. Вақт келар, у ҳам жазосини олар, биздан кўрмаса бошқадан кўрар. Жиллақурмаса, табиатнинг ўзи жазолар.
ҚУМРИХОН.

* * *

КОМИЛА АЯГА. Қадрли ва муҳтарам аяжон! Мен «Дафтарим» ҳақида гапириб берганимда Сиз уни ўқиб чиқишга хоҳиш билдирган эдингиз. Берган сўзимга кўра Сизга уни жўнатяпман.

Аяжон! Сиз менга яхшиликлар қилдингиз. Ҳаммаси учун раҳмат! Айниқса Тошкентга сўнги борганимда Сиздан жуда кўп сийловлар кўрдим. Фақат уйингизнинг тўригинамас, балки юрагингизнинг тўри ҳам менга очиқ эдики, бунинг учун сизга дилдан таъзим этаман.

Фақат бир нарсадан, Аминовни даргоҳингизга бошлаб борганимдан пушаймонман, мен уни чин инсон, ҳақиқий раҳбар деб билганман, шунинг учун ҳам ҳаддим сиғиб Сизга рўбарў қилганман. Уни бир кўришдаёқ ўзингиз ҳам ёқтириб қолган эдингиз. Одамни билиш қийин экан-да. Оласи ичида бўларкан.

У менинг ҳаётимни мажруҳ қилди. Энди ўйлаб қарасам жуда усталик билан, аста-аста мени ўз домига тортиб келган экан. Мен унинг фирибгарлигини ғамхўрлик деб ўйлабман.

У жуда ҳам разил режалар тузган, икки ёш билагон йигитни — менинг эрим билан унинг дўстини йўқотиш пайига тушган экан. Ўзларини енгишга кучи етмагач, мени ишга солган экан бу қабих одам. Мен унинг айтганларини бажараман деб икки дўстни қирпичоқ қилиб қўйдим, аяжон. Ўз бошимни ҳам кундага қўяпман.

Мен энди уни Яго деб айтишим мумкин. Шум ниятлари йўлида бошқаларни қурбон қилишга тайёр турган одамдан хавфлироқ махлуқ бўлмаса керак.

Аяжон, яна бир нарса ҳақида айтмоқчиман. Сиз менга қисиниб-қимтинмай яйраб яша, дунёга бир марта келгансан, армонинг қолмасин, деб нега айтгансиз? Мен бу сўзларингизни бошқача тушунганимни энди англадим. Ҳаётнинг ҳузур-ҳаловати қуюқ ўтиришларда, шоҳона базмларда, ясан-тусан, зебу зийнатда деб билган одамнинг пешонаси шўр бўларкан. Яйраб-яшашнинг маъноси ҳалоллик, бировга қарам бўлмаслик, соғлом, мазмунли умр кечириш эканки, мен уни кеч тушундим.

Адашдим. Истардимки, бошқалар, ёш-ёш гўзал қизлар адашмасинлар, худбин «раҳбарлар»нинг, нодон бойваччаларнинг ялтироқ сўзларига учмасинлар, домига тушмасинлар.

Ва охирги гап. Сиз ажойиб, тенгсиз санъаткорсиз. Сиздан, аяжон, ягона илтимосим шуки, вафо ва садоқат ҳақида битта қўшиқ яратинг. Шундай зўр қўшиқ бўлсинки, уни тинглаганлар вафоли ва садоқатли бўлсинлар, дўстларини, ёрларини янада қаттиқроқ севадиган, янада қаттиқроқ қадрлайдиган, эъзозлайдиган бўлсинлар. Вафосизлар эса вафо бўстонларига қайтсинлар. Уни шундай айтингки, (бу Сизнинг қўлингиздан келади) юракларга беғубор, оппоқ шуълалар ёғилсин, ўлик диллар ҳам тирилсинлар.

Шу қўшиққа менинг дилим муштоқ. Афсуски, кўзим кеч очилди.

Салом билан
Сизнинг Қумрихон.

* * *

ОЙИМГА. Мушфиқ ва меҳрибон ойижоним. Ўз ташвишлари билан бўлиб Сизни унутган, беақл, адашган қизингизни маъзур тутинг.

Сиз, дадамлар иккалангиз не-не орзу-умидлар билан мени узоқ бир ўлкага, бегона юртга келин қилиб узатган, бошинг омон бўлсин, эринг билан қўша қари дея менга оқ фотиҳа берган эдингизлар.

Мен куёвингизга кўнгил қўйганим, уни деб бу юртларга келиб қолганимдан пушаймон эмасман. Бу ерга келиб рўзғорлик, ўғиллик-қизлик бўлдим, ишхонамда қўлимдан келганича ишладим. Фақат бир нарсадан кўнглим хижил, у

ҳам бўлса, сизларга хизмат этолмадим, қариган чоғларингизда кунларингизга ярай олмадим.

Ойижон, Сизни, дадамларни, опа-сингилларимни, қариндош-уруғларни жуда-жуда соғиндим. Сизларнинг бир оғиз илиқ сўзингизга дилим зор, дийдорларингизга кўзим интизор. Қийналган, разил одамларнинг макр-ҳийлаларига дуч келган пайтларимда Сизларни ўйлайман, Сизларнинг ёдингиз юрагимга малҳам бўлади. Шаҳримизни, унинг сўлим гулларини, шарқироқ ариқларини, содда, мулоим, кенг феълли кишиларини, уларнинг меҳрларини қўмсайман. Энди қайта кўриш насиб этмас, деб қўрқаман, холос.

Билишимча, Ойижон, кеча куёвингиз кўнғироқ қилиб бир келиб-кетинглар, деб Сизларни бу ерга чақирган. Мабодо келиб, тўйнинг, шодликнинг устидан эмас, балки бебахтлик ва азанинг устидан чиқсангизлар фалакни қарғамаслигингизни сўрайман. Мени бу юртга келтирган фалак эмас, балки севгимдир, менинг бошимга кулфатлар ёғдирган фалак эмас, менинг ерга чакки тушган қадамларим, кечириб бўлмас хатоларимдир.

Ойижон! Мабодо менга бир гап бўлгудай бўлса, куёвингизни айбламагайсиз, унинг бунда заррача ҳам айби йўқ. Ҳаммасига ўзим, фақат ўзим айбдорман. Ганжа ака олижаноб одам. Элим-юртим дейдиган заҳматкаш, ҳалол, тўғ-рисўз, беғубор инсон.

Афсус, минг афсуслар бўлсинки, оғир ишларда мен унга елкадош, маслакдош бўлолмадим. Унга мадад бериш ўрнига баъзан таъналар қилдим, ёлғизлатиб қўйдим. Оқибатда ўзим ёлғизланиб қолдим, ўзимнинг бошимга таъналар ёғилди.

Айтганингизда унчалик ишонмас эдим, ойижон, ҳаётда ёмон одамлар кўп экан. Улар ўзларини яхши қилиб кўрсатар эканлар, соддадил ёшларни алдар эканлар. Лекин уларнинг ҳам додини бергувчилар топилар. Менинг учун ўғлим, қизим ёвузлардан ўч олишларига ишонаман.

Мен ўз болаларимдан умид қилаётиб, Сизни ўйлайман, ойижон. Сиз ҳам бир вақтлар менинг бешигим устида алла айтиб, фарзандингизга бахт тилаган, унга умид боғлагансиз-ку. Умидингизни оқлай олмаганим, менинг ўзим билан кетаётгани ўтли армонимдир.

Соғ бўлинг, ойижон! Дадамларга, акамларга, сингилларимга салом айтинг!
Қизингиз Қумри.

* * *

ДАФТАРГА СЎНГСЎЗ ЎРНИДА:

Мен бу ерда ўт ёқсам,
Фарғонада тутуни.
Бу дунёда бормикан
Юрак-бағри бутуни!
Бу дунёда бор бўлса
Юрак-бағри бутуни —
Қоғоздан ўчоқ ясаб,
Гулдан қилай ўтинни...

65

Зайнаб ая кўча-кўйга чиқмай қўйди. Қўни-қўшниларнинг таскин сўзлари кўнглини овутиш ўрнига ярасига туз сепарди. Қизининг ўзини-ўзи осгани Шаҳристонда ҳам кўп миш-мишларга сабаб бўлган эдики, бу аянинг қулоғига ҳар етганида юрак-бағри тилка-пора бўларди. Буни юзига солганлар ҳам бўлди. Ая қизини оқлашдан, оила шаънини ҳимоя этишдан ожиз эди.

Элнинг оғзига элак тутиб бўлармиди. Эл бир нарсанинг шамолини сезмасин. Сездими, тамом, тебранмай турган теракларнинг бошини ўзи қимирлатиб юборади. Бу ерда эса яширадиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Қизининг нобуд бўлгани рост, унинг ўйнашини ўлдириб, куёвининг қамалиб кетгани рост. Шундай бўлгач, дардни ичга ютишдан бўлак чора борми?

Баъзи хеш-ақраболар куёвни қип-қизил жаллодга чиқариб, ер уриб қарғанлариди ая ҳеч нима демасди-ю, ичида уни эмас, балки ўзи туққан қизини айбларди. Тани моматалоқ этилган хотинини, уни шундай шарманда қилган

беномусни қайси эр кечиради? Аммо ая икки нарсага қўшилмас эди. Биринчиси — куёвининг одам ўлдириши, иккинчиси — қизининг ўз жонига қасд этиши. Шунинг ўрнига ажрашиб кетишса бўлмасмиди, умр-умр юз кўришмас бўлиб кетишса бўлмасмиди...

Яқинда Боғистондан келган хат аянинг ярасини янада газак олдирди. Собиқ эр ўз хатида қамоқдан қайтганини, тез кунларда Шаҳристонга келиб қолишини хабар қилган эдики, ая буни сира-сира истамас эди. Аввало элнинг ёпилай деган оғзи яна очилади. Қолаверса, Ганжа қизи Раънони олиб кетиши — аяни суюкли набираси, охирги илинжидан жудо этиши мумкин. Агар набирасини унинг бағридан юлиб олишадиган бўлишса, қариган чоғида унинг ҳоли не кечади?

Ая шуларни ўйлаб оқ уриб ўтирганида Ганжа Анваржонни етаклаб кириб келди. Ганжанинг юзида (ая кутган) совуқлик аломати йўқ эди. Бу аянинг ҳам кўнглини юмшатди. У набирасини бағрига босди. Кўз ёшлари дув-дув тўкилди. Анвар ётсираб унинг қучоғидан чиқмоқчи бўлар, аммо ая қўйиб юборай демасди. Ганжа Зайнаб аяни қузатди. Сочлари қув оқарган, тишлари дув тўкилган, териси суягига ёпишган. Бундан етти-саккиз йил олдин гурсиллаб, очилиб-сочилиб юрган ая муштдек кампирга айланиб қолибди. Ганжа хўрсинди.

Тўрхалта кўтариб Раъно келди. У бўй тортиб тўлишибди. Кўзлари, қарашлари, туришлари худди ойсининг ўзгинаси. Дадасини, укасини кўргач, қизнинг юзи лов қизарди. Қандайдир куч дадасининг бағрига отилишдан уни сақлаб тургандек эди. Ганжа қизига яқин келди.

— Қизим!

Ноқулай вазиятдан уларни ая чиқарди.

— Дадангга салом бер, қизим.

Нима қилишини билмай турган қизча салом деганча беихтиёр дадасини қучди. Хонага илиқлик ёйилди.

Дастурхон ёзилиб, наридан-бери чой ичилгач, Раъно укасини етаклаб боққа олиб чиқди. Ая иккови ёлғиз қолишгач, Ганжа деди:

— Ая... дадам раҳматлик...

— Ҳа, тақдир экан, раҳматлик бўлдилар.

— Мен боис кўп азиятлар чекдилар.

Сен уни ажалидан беш кун олдин ўлдирдинг, дейишдан ая ўзини зўрға тийди. Бунинг ўрнига:

— Тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди, — деди изтироб билан. Сўнг аста сўради:

— Узинг омон-эсон қутулиб келдингми?

— Турмадан қутулганим билан, ая, азобдан қутулолмаяпман.

Ая бир сўз демади. Ганжа қимтиниб ўтирди-да, охири ёрилди:

— Бир ният билан келувдим, ая.

Раъно ҳақида гап қўзғалади, деб аянинг кўнглидаги ғашлик ортди. Лекин Ганжа кутилмаган гапни айтди:

— Қумрихоннинг хотирасига маҳаллага ош берсам дегандим.

Ая ўйланиб қолди. Ганжа унинг сўзини кутарди.

— Ҳамма ошларини берганмиз, — деди ая йиғидан ўзини зўрға тийиб.

— У пайтда мен йўқ эдим, ая. Кеч бўлсаям эл олдида тўн кийиб, белимга қийиқ бойлаб турай.

— Орадан шунча йил ўтиб кетди. Дардни қўзғаб нима қиласан?!

— Фикрингизни билиб турибман, ая. Эл сени кўргани кўзи йўқ, демоқчисиз. Нима бўғандаям, мен элнинг олдидан ўтишим керак.

Ая кўзини артди. Бир оздан сўнг қатъий оҳангда деди:

— Йўқ. Кераги йўқ. Утимни тозалама.

— Шунчасига чидадингиз, ая, илтимос, бунгаям чиданг. Кўнглимдаги ниятимни бажарай. Йўқ деманг.

Шунчасига чидадингиз... Бу гап аянинг ёдига кўп нарсаларни солди. Ушанда Ганжа кўнғироқ қилиб, келиб-кетинг деганида Матқобил ака билан биргалашиб Дулдулсойга етиб боришди. Не кўз билан кўришсинки, уйда икки норасида бола бувисининг пинжида қон йиғлаб ўтирар, Қумрихоннинг жасади эса дарё бўйидаги тўронғида осилганча турарди. Қораянтоқликларнинг удумига кўра гуноҳга ботиб жонига суиқасд этган жувон жасадини туққанларидан бошқа одам ололмас экан. Улар Шаҳристондан поездда инқиллаб боргунларича жасад

дарахт бошида тураверган. Буни кўриб Матқобил ака жинни бўлаёзди, аянинг оҳ-доди осмону фалакка чиқди. Жасадни қутига жойлаб, Боғистонга олиб бордилар. У ердан самолётда Тошкентга, Тошкентдан Шаҳристонга келтиргунларича қора қонлари оғизларидан келди. Энди бу... ош бераман, деб келиб ўтирибди.

— Ая, бир ҳақиқатни одамлар билишлари керак.

— Ушанда одамлар ҳамма гапни билиб олганлар.

— Ҳақиқатни билишмайди одамлар. Ая, мениям, Қумрихонниям алдашган, тузоққа туширишган экан.

— Тушунмадим...

Ганжа бор гапни аяга қандай тушунтиради. Қумрихоннинг дафтарга ўз кўли билан ёзиб қолдирган иқрорини билса ая қандай аҳволга тушади. Бундан кўра Ганжа барча оғирликни ўз гарданига олгани, қариб, адои-тамом бўлган шу муштипар онага қолган беш кунлик умрида одамлар кўзига тик қарай билиш ҳуқуқини бергани тузук эмасми, ўзи атайлаб шунинг учун келганмасмиди, ахир? Узоқ сукутдан кейин Ганжа гапни давом эттирди:

— Уша ўлган йигит гуноҳқормас экан. Қисқаси, ая, айб мендан ўтган.

Аянинг исноддан сарғайиб сомон бўлиб кетган юзига қизиллик югургандай бўлди. Овози титраганча деди:

— Сен буни... қаёқдан билдинг?

— Турмадан келганимдан кейин узоқ текширдим, ая. Одамлар билан гаплашдим. Хўжжатларни йиғдим. Хулласи калом, масаланинг тагига етдим.

Ая йиғлади. Ҳисоб йиғлади. Ор-номус тоғи остида қолиб дол бўлган қадди силкиниб-силкиниб тоғни ағдаргандай енгил тортди. Шунданмикан, Ганжани койимади, унга таъна тошларини отмади. Балки андуҳ аралаш юмшоқлик билан деди:

— Майли, маҳалла олдидан ўтаман десанг ўтақол...

66

Узан ва Қисноқ сув омборлари туташган жойда одамлар тўп бўлди. Қурувчилардан ташқари бу ерда элнинг кадхудолари, Дулдулсой ва Қораянтоқ оқсоқоллари, турли ташкилотларнинг вакиллари, ёшлар бор эди. Майдонга ўрнатилган оёқли микрофон олдида ҳаваскорлар ашула айтмоқдалар. Сариқ хилвирак кўйлак, белни қисиб турадиган нимча кийиб олган уч қиз даврада гир айланиб рақс тушмоқда. Микрофонга яқин жойда Искандаров, юқоридан келган меҳмонлар, сал берироқда Ганжа, бошқа инженерлар концерт томоша қилиб, тантананинг очилишини кутиб туришибди.

Узоқдан мотор саслари эшитилди. Бир оздан сўнг самосваллар кетма-кет чанг кўтариб келишди. Машиналар сафини Жумагалди бошқариб келарди. Машиналар қирғоққа яқинлашиб, одамлар тўпидан сал нарида тўхташди. Ашула тугагач, Искандаров йиғинни очди.

— Жуда ҳам қувончли воқеа муносабати билан бу ерга тўпландик. Узоқ кутган орзумиз ушалди. Сиз кўриб турган мана шу Қисноқнинг охири ва Узаннинг бошида сув ўтказиш иншооти билан насос станцияси қурилиши бошланмоқда.

Искандаров қурилишларнинг аҳамиятини айтгач, лойиҳа муаллифи — Ганжа Қиличевга сўз берди. Ганжа оддийгина қилиб:

— Айрим одамлар ҳайрон бўлишлари ҳам мумкин, — деб бошлади сўзини. — Қурадиган иншоотларимиз унча катта эмас-у, тантана ҳаддан зиёд зўр. Бир қарашда бу кулгилидай туюлади. Лекин масаланинг асосий томонини унутмаслик керак. Мана шу қурилишлар биткач, Узан сув омборининг юқини Қисноқ ўз елкасига олади. Бу дегани — дарё қайта туғилади, тўқай тирилади, ерларимизга худди аввалгидек лойқа сув келади дегани, ўртоқлар.

Ганжанинг сўзларидан сўнг одамлар орасида жонланиш пайдо бўлди. Фарштали бир мўйсафид ҳассасини ёнида турган ёш йигитга тутқазиб, аста микрофон олдига келди.

— Дарёни тўсиш олдидан ҳам худди мана шундай йиғин бўлган эди. Лекин биз — қариялар унда қатнашганимиз йўқ эди. Бўлмаса, таклиф қилишди, икки оғиз гапиринг деб шипшитиб ҳам қўйишди. Аммо биз йиғинга боришдан ор-

ландик. Чунки дарёнинг тўсилишида хатоликлар кўп эди-да. Утган ишга саваб, дейдилар. Икки сув омбори ўртасига тушадиган бу қурилишлар ўсимликларга жон киритади, касалга чалинган ерларимизни соғайтиради. Бунинг савобига не етсин, ўғилларим!

Шу қисқа маърузадан сўнг Жумагалди машинасини юргизди. Йиғилганлар унга йўл бердилар. Машина қирғоқдаги белгигача борди-да, бурилиб устидаги харсанг тошларни сувга ағдарди. Тўрт томонга сув сачради. Тўрт тарафни қийқирик тутди. Бошқа машиналар ҳам юкларини бўшатдилар. Шу тариқа орзиқиб кутилган қурилиш бошланиб кетди.

Тарқалаётган одамлар орасида Моҳира кўрингандай бўлди. Йўғ-э, деди ўзича Ганжа, бу ерда у нима қилади? Ганжа тикилиб қаради. Моҳира! У Ганжа томон шахдам кела бошлади.

— Салом, Ганжа ака. Чин дилдан табриклайман.

— Моҳирахон?

— Ҳа, мен. Қаердан пайдо бўлдийкин деб ҳайрон қоляпсизми?

— Йўқ. Нега энди...

— Кеча уйга келувдим. Дулдулсойни кўрай деб буёққа ўтсам... нақ тўйнинг устидан чиқиб қопман.

— Тўймасу...

— Тўйдан бунинг нима фарқи бор? Дарё қайта тирилса, ўрмон қайта тирилса, ер қайта тирилса, бундан ортиқ хурсандчилик бўларканми?!

Ганжа Моҳиранинг кўзлари ўзига ўткир тикилаётганини сезди ва ўнғайсизланиб, нигоҳини олиб қочди. Ганжа яна сездики, унинг гапиргиси келяпти.

— Моҳирахон...

— Узр. Ишингизга халақит бердим шекилли. Мен ҳали шўтта бўламан. Балки учрашиб ҳам қолармиз.

Дарҳақиқат, Ганжа ишдан қайтаётганида улар «учрашиб қолдилар». Вагонда илк бор учраган қизил кўйлакли қиз...

— ГЭСга бораётувдим, ҳамроҳлик қилмайсизми?

— Майли...

Кўп йиллардан бери Ганжанинг пешонасида ўрнашиб олган тугун бугун эрталаб сал ёйилгандек бўлди-ю, қандайдир енгил шабада кўнглини оралади. Шу шабада Моҳира билан бўлаётган учрашувга ҳам майинлик бағишлади.

— Диплом ишим ГЭСдан. Шунинг учун сизларнинг ГЭСни бир кўрай дедим.

— ГЭС денг. Яхши тема олибсиз.

— Кўп ишланган-де.

— Ишланганда нима? Ҳар ким масалага ўзича ёндашади.

— Энергетик ҳам кўп экан, нуқтаи назар ҳам.

— Энергетикларнинг кўпайгани яхши.

— Нур кўпайсин. Энергетик борини ишлатади.

— Борини тўғри ишлатса нур кўпаяди-да.

— Сизлар билан олишиш осонмас.

Моҳира нозланиб кулди.

— Айтганча, хатимни олдингизми?

— Олдим.

— Нега жавоб қайтармадингиз?

— ...

— Мен шунча умид билан ёзсаму..

— Узр. Жавоб ёзгудек ҳолдамас эдим.

— Энди-чи?

— ...

— Ганжа ака...

— Қизиқ бир нарса. Мадад сўраётиб сиз ўзингиз менга мадад бергансиз, ўшанда.

— Мен-а? Қандай қилиб?

— Яшашдан безган эдим. Яшамоқчимас эдим. Хатингизни олдим, ўйлаиб қолдим. Сиз мени иродали одам деб атаган экансиз. Иродасизлик қилишдан уялдим. Иродам борлигига ишондим.

— Мен эса ўзимга ишонмайман, Ганжа ака. Мен... мададга муҳтожман.

Улар ГЭСга келиб қолдилар. Аммо бинода қоровулдан бўлак одам йўқ эди.
— Хабарларинг йўқми? ГЭС неча кундан бери ишламайди. Сув отеткага чиқмаяпти-да.

Моҳира ҳайрон бўлди. Зарур отеткага сув чиқмайдиган бўлса нега бу маҳобатли ГЭСни қуришган?

Ганжа ачинди. Бир кун келиб шундай бўлиши вақтида айтилган эди-ку. Қани энди бунинг учун ким жавоб беради?

— Менинг ўзи ҳечқатда омадим юришмайди, — ўзини койиди Моҳира.
— Ундай деманг.

Улар орқага қайтдилар. Йўл-йўлакай Моҳира Ганжага дил дафттарини очди.

— Бир алдам-қалдамнинг ўғли экан. Дадамни қўлга олиш учун мени...

— Э, одамлар бойлик орттириш учун нималар қилишмайди.

— Дардимни айтиб сизни ҳам эзиб юбордим. Ўзингизники етмагандай.

Улар автовокзалга етганларида Моҳира кулганча деди:

— Буёққа келишимда дадамла Ганжа акангни кўрсанг меҳмонга чақир, бизникига келсин девдилар.

— Раҳмат. Дадангиз менга кўп яхшиликлар қилдилар.

— Раҳматни борганда ўзларига айтасиз. Эртага келақолинг.

— Узр, эртага боролмайман.

— Бўлмасам, индинга келинг.

— Кўрамиз.

— Хайр, бўлмасам. Автобус ҳозир жўнайди чоғи.

— Яхши боринг.

Моҳира автобусга чиқди. Ганжа орқасига қайтди.

Нега келди Моҳира? ГЭСни кўриш учунми? Бунга ўхшамайди. Нега хат ёзди, нега бегона одам демай, дардларини тўкиб соляпти?

Ганжанинг кўз ўнгига қизи Раъно, ўғли Анвар келди. Автобусда хомуш кетаётган Моҳиранинг овози қулоғига чалингандай бўлди.

— Ўғил-қизингиз бўлса нима қипти?

— Нима қипти эмиш. Мен энди улар учун яшашим керак.

— Ўзингиз учун-чи? Ўзингиз учун қачон яшайсиз?

Моҳира билан ортиқ баҳсга кирмаслик учун Ганжа уни хаёлидан қувмоқчи бўлди. У кетмади.

— Қачон яшайсиз? Қачон? Ё дунёга икки марта келмоқчимисиз?

— Мен бир марта севганман, Моҳира. Икки дунё менга шунинг куюги етади.

— Мен ҳам умримда бир марта севяпман. Илк бор севги нималигини бил-япман. Мен нима қилай? Айтинг, нима қилай? Ё менинг севишга ҳаққим йўқми?

Ганжа қадамини тезлатди. Негадир бирдан ўгирилиб автовокзалга қаради. Автобус ҳали жилмаган, Моҳира ҳали кетмаган эди.

Кўпдан бери кун бундай исимаган эди. Дарёдан келиб турадиган эпкинни гармсел соҳилдан сиқиб чиқарди. Ўзи ҳоқими мутлақ бўлиб, ҳавога оғзидан сон-саноксиз учқунларни пуркади. Бу ўт нафасига дош беролмай, тик қиёқлар сўлиди. Оёқяланг тўп тепаётган болалар товонлари куйганидан сакраб-сакраб чопдилар. Деҳқонлар бел ва кетмонларини дала бошида қолдириб, қаерда соя бўлса, ўзларини шу ерга урдилар. Узун соялар калта тортди. Ялаза¹ гўшалар ҳам дим бўлди.

Тўқсонни, юзни уриб қўйган қариялар ҳайратдан тавба деб, ёшларга дедилар: шамолсиз қирғоқни биз тугул, бизнинг ота-боболаримиз ҳам кўрган эмаслар. Қирғоқ эпкин бериб турадиган дарёсини йўқотди, манглайига битган ризқ-рўзини бой берди, оғзидагини олдирди. Охири бахайр бўлсин ишқилиб...

Офтоб тигини кўтарган шундай лоҳас кунда Ганжа гулдор кемани дарёга туширди. Қораянтоқлик уста аввалги ҳолига келтириб берган кема саккиз йилдан сўнг яна сув кўрди.

Ганжа уст-устига таёв босди. Тўлқинсиз ювош сувга белигача кирган кема

¹ Ялаза — тўрт томони очик, шамолга пешкаш жой.

худди соҳилда қовжиратиб, охири сувга ташланган балиқдай ўйноқлаб суза кетди. Ганжа таёвга дам бермади. Гўё унда алами бордай, сувга чўлп-чўлп ура-верди. Кема зириллаб қолди.

Дулдулсойнинг икки-уч қаватли бинолари ортда қолмоқда эди. Кема шитоб билан юқорига — дарё тўсилиб тўғон қурилган жойга қараб борарди. Ганжа жиққа хўл бўлган кўйлагини ечди. Унинг ўзи билан баданини артди. Яна зарб билан сувга таёв босди. Авваллари таёв дарё тубига гоҳ етиб, гоҳ етмай қоларди. Кўпинча дарё таёвни бўйламасди. Энди сувга урилган заҳоти таёв қаттиққа бориб тегади. Дарёнинг чуқурлиги, салобати суви билан экан. Саёз ариқдан фарқи қолмабди-ку, бечоранинг.

Ушанда дарё қандай тошқин эди-я! Шаҳристондан келган меҳмонлар пароходда, Ганжа билан Қумрихон мана шу Гулдор кемада тўй куни сайрга чиқишганида тўлқинлар қанақа асов ва бевош эдилар. Бир-бирини қувиб ўйнашаётган тўлқинлар узра севги кўшиқлари шўх-шўх таралар эди. Улар Шамолли кўналғасидан то тўқайгача кўнғир мавжларга маҳлиё бўлиб боришмаганмиди?

Ганжанинг хаёли бўлинди. Ўғли Анвар соҳил бўйлаб югуриб келар, тинмай нимадир деб қичқирар эди. Ганжа кемани қирғоққа ҳайдади. Нима гап экан?

— Мактабдан келсам... бувим йиғлаб ўтирган эканлар.

— Нега?

— Сизни дарёга кетди деб.

— Дарёга кетсам нима қилибди? Нима дедилар сенга?

— Дарров чоп, дадангни олдига бор, дедилар.

Ганжа энасининг кўнглини билади. Эна хавотирда. Ганжа ўзини бир нима қилиб кўймасин деб кўрқади. Ҳозир ҳам шу хаёлда набирасини бу ёққа жўнатган. Эҳ, эна, эна! Ҳеч бўлмаганда қариганда заррача ёруғлик кўрсангиз эди. Мен ўғил бўлиб ташвишдан бўлак нима етказдим Сизга?

— Дада, қаёққа борамиз?

Дарвоқе, Ганжа ўзи қаёққа бормоқчи эди? Ҳеч қаёққа. Ўзи шундоқ, Гулдор кемани сувга солгиси келди. Тўйлари бўлиб ўтган кунда ёлғиз кезгиси келди дарёда. Ўғлига бу ҳақда гапириб бероладими, ёш бола кулиб юрмайдими? Шунинг учун унга бошқача жавоб қилди.

— Қаёққа бўларди, шундай кетаверамиз, — у тўғон томонни кўрсатди.

— У ёқ берк-ку, дада?

— Ҳа. Тўғри айтасан. Олдимиз берк. Шунини ўйламабман. Бўлмасам, пастга қараб кетамиз. Қайтанга яхши. Кема оқим билан ўзи кетаверади.

— Ўзи кетаверса биз нима қиламиз?

— Нима қилардик. Атрофни томоша қиламиз. Иккаламиз гурунглашамиз.

Анвар қувониб кетди. Камгап дадаси гурунглашамиз деб ҳеч қачон айтган эмас. Анвар кеманинг бурнига жойлашиб олди. Тўй куни Қумрихон ўтирган жойга...

Кема пастга қараб жилди.

— Бу суратларни ким ясаган, дада? — гул билан булбулни кўрсатиб сўради Анвар.

— Буларними? Буванг ясаганлар.

Анварнинг ҳайрон бўлгани кўриниб турарди. Бувасининг сурат чизганини кўрган эмас? «Бува? Қайси бувам?» Ганжа ўғлига жавоб берди.

— Қораянтоқнинг буваси. Каттаю кичик ҳамманинг буваси бўлади. У киши раҳматлик бўлдилар.

Бола раҳматлик деганни тушунмади шекилли, бошқа гапга ўтди.

— Бу сочми, дада? — кема бурнидаги икки қора толага ишора қилди.

— Ҳа, соч. Дарёнинг пири бўлган. Ҳубби деган. Унинг Энаси ҳам жуда оқила бўлган. Бу соч ўша Энакики бўлади.

Ганжа ўғлига Ҳубби ҳақидаги ривоятни айтиб берди. Ўғли уни қизиқиш билан эшитди-да, охирида сўради:

— Осмон Маликаси энди Ҳуббини ҳеч қачон кўйиб юбормайдими?

— Нега кўйиб юбормас экан. Ҳуббининг ўзи дарёга қайтмаяпти. Маликанинг қошида бўлгиси келади-да.

Улар тўронғи тўғрисига келиб қолдилар. Қумрихон ўзини осган ўша тўронғи..

Ганжа кемани қирғоққа олиб келди. Ота-бола соҳилга чиқдилар.

— Бўлдими шу? Бошқа сузмаймизми?
— Сузамиз. Бирпас мана шу ерда дам оламиз-да, кейин яна кемага тушамиз.

Кеманинг занжирини Ганжа сув бўйидаги юлғунга ўраб қўйди. Ўғлини тўронғи тагига бошлаб борди. Ерга тўронғининг бир тутамгина сояси тушиб турарди. Анвар ўзини сояга олди. Ойиси осилган тўронғи сояси...

Ганжанинг кўйлаги кемада қолган эди. Шимини ҳам ечди.

— Сен сояда бирпас дамнингни ол. Мен чўмилиб чиқаман.

— Мен ҳам чўмиламан.

Анвар соядан чиқиб дадасининг олдига келди.

— Дада, қаранг, кемамиз оқиб кетяпти.

Юлғун занжирни қўйиб юборганидан, кема оқиб кета бошлаган эди.

— Тутинг, дада.

Ганжа шошиб юлғун томон юрди. Занжир аллақачон сувга тушиб, кема соҳилдан узилганини кўриб тўхтади. Анвар йиғламоқдан бери бўлиб деди:

— Дада... кемага ўзим борай. Шўнғийману, дарров занжиридан ушлаб оламан.

— Қўявер, ўғлим. Кетаверсин.

— Шундоқ яхши кема-я? Дада!

Ганжа ўғлининг елкасидан кучди. Қўли ўғлидаю кўзи оқиб кетаётган кемада. Кема аста-секин оқим билан дарёнинг ўртасига чиқди. Сувга гоҳ кўндаланг бўлиб, гоҳ орқаси билан лўнк-лўнк оқиб кетаверди. Оролча авлиёни, Шамолли кўнимжойини ортда қолдирди. Борган сайин кичрайиб, сувда қалқиётган ғулага ўхшаб бир кўриниб, бир кўринмай кетаверди.

Дарё бориб туташган уфқ булутсиз, ғуборсиз, жуда ҳам тоза эди. Гўё у кемани бағрига чорлаётгандай, феруза рангда товланиб-жилоланиб ётарди. Кема уфққа яқинлашди. Унга етгач, чайқалишдан тўхтади. Кўзга бир ташланди-да, уфқ бағрига кириб, унинг покиза оғушига сингиб кетди.

— Ана энди, ўғлим, чўмилсак бўлади.

Шундай дедию, Ганжа тўронғига яқин харсангтош устидан сувга калла урди. Анвар дадасининг қаердан чиқишини ўйлаб, яқин-йироққа кўз югуртириб турди. Ҳеч қаерда дадасининг боши кўринмас эди. Анвар сувга қараб қичқирди:

— Дада!

Дарёдан садо чиқмади. Бола соҳил бўйлаб югурди.

— Қаердасиз, дада?!

Ўғлининг овози қулоғига кирдими, Ганжа зарб билан бошини лойдан силтаб тортди. (У дарёга шўнғигандаёқ боши бориб балчиқ лойга теккан эди.)

Урина-сурина сув юзасига чиққан Ганжа соҳилда йиғлаб турган ўғлини кўргач, охирги кучини сарфлаб унга талпинди.

ХОТИМА

Дулдулсой қурувчилари овга чиқишди. Кунботар чоғида саҳрога етиб келишди. Учта вездеход кетма-кет барханлардан ошиб, ёвшанларни, исириқларни босиб-янчиб, Бўриётоғи саксовулларига келиб тўхтади. Тўрт томони баланд барханлар билан ўраб олинган пастқам жойда овчилар иккита йиғма уйча қурдилар. Осма қозон-ўчоқларини ўрнатдилар. Бирров тамадди қилдилар-да, кийимларини алмаштирдилар. Ўқдонларини белларига бойладилар. Қўшоғиз, бешотар милтиқларни ўқладилар.

Ҳар битта машина кузовига учтадан овчи чиқди. Шофёрлар ёнига ҳам биттадан ўтиришди. Барча қурол-аслаҳалар жанговар ҳолатга келтирилди. Зулмат янада қуюқлашгач, машиналар гуруллаб, жангга кираётган танклардек шитоб билан юриб кетишди. Палаткалар ёнида куймаланаётган ошпазлар қулларини силкишиб, уларга омад тилаб қолишди. Ов қонли¹, деб бақирди.

Машиналар уч қатор бўлиб, чироқларини порлатиб, жимжит саҳрони могоулдиракдек қалдиратиб, баравар олға юришди. Эни ва узунаси ярим километрдан зиёд масофага офтоб тушгандек ҳаммаёқ чароғон, кучли мотор товушларидан чўчиган жониворлар патирлаб қочмоқчи бўлишар, аммо чироқ-

¹ Ов қонли — ов бароридан келсин.

лардан кўзлари тиниб, тақа-тақ тўхтаб қолишар, машиналардан узилган ўқларга учиб, таппа-таппа йиқилишарди.

Куён, сулгун, жайронларга кузовлар тўлаборди. Кутганларидан ҳам зиёда ўлжани қўлга киритган овчилар соат учларда орқага қайтишни кўзлаб бораётганларида чап қўлдаги машина фараси узоқдаги барханлар устини ёритиб юборди-да, жонҳолатда қочаётган жонивор кўзга ташланди. Машиналар тезлиги оширилди.

Аввал уни жайрон деб ўйлашди. Яқинроқ қувиб боришгач, унинг жайрондан катта эканлигини кўриб, ёввойи от бўлса керак, деб тахмин қилишди. Ора қисқарди. Мўйловли овчи кўзини қисиб тикилиб турди-да, той-ку, бу, деди шеригига. У адашмаган эди. Отилмасин, деб бақирди катта овчи. Тириклайин тутиб оламиз.

Унг қўлдаги машина, қанот пайдо қилгандай, силтаниб елакетди. У барханларни тасир-тусир босиб ўтди, прожекторини тойчоққа йўналтирди. Бусиз ҳам кўзи ер кўрмай қочаётган тойчоқ кучли нур таъсирида йўлини йўқотди. Нима қилишини билмай орқасига ўгирилди. Уткир чироқлардан кўзлари қамашиб, ҳеч нарсани кўролмади қолди. Машиналар уни ўраб олишди. Устига овчилар ташланди. Саксовул тагига йиқиб, оёғига тушов урдилар. Кузовга отиб юбордилар. Тойчоқ қони оқиб ётган куёнлар ва жайронлар устига бориб тушди. Овчилар туннинг бундай серўлжа ва пинҳона кечаётганидан хурсанд бўлишиб, Бўриётоғига қайтдилар. Тонготар маишат бошланди.

Овчиларнинг саҳродан ёввойи тойчоқ тутиб келганлари ҳақидаги хабар эртасигаёқ Дулдулсойга тарқади. Бу гап Қораянтоққа ҳам етиб борди.

Бу пайтда қораянтоқликлар Буванинг қирқини ўтказган эдилар. Узан сув омборига кирган балиқчилар юзада қалқиб ётган мурдага дуч келиб, уни қирғоққа олиб чиқишгач, қораянтоқликлар шу бечора Бува бўлса керак, деб қишлоққа олиб келишган, Момо эрини таниб оқ кийинган, бир парча суяк бўлиб қолган шўрлик чол Найсонбува ёнига дафн этилган эди. У сув юзига қалқиб чиққан жойдан кўп ўтмай отларнинг ўлиги ҳам топилди. Минг отларнинг, учар дулдулларнинг энг сўнги наслига қораянтоқликлар алвидо айтдилар.

Саҳродан тойчоқ топилганини эшитиб Момо йигитларни овчилар қошига юборди. Бува унга Мелиқуш ва Қандим, уларнинг тойчоғи Маржон ҳақида гапириб берган эди-да. «Демак, Маржон тирик экан, — деди Момо. — Неча сўм бўлсаям овчилардан сотиб оласизлар, пулини ўзим тўлайман.»

Йигитлар овчиларни рози қилиб тойчоқни олишди. Ўзи ҳам овчилар тойчоқни сўймоқчи бўлиб туришган экан. Ўт ҳам емасмиш, сув ҳам ичмасмиш. Одамни кўрди дегунча жазавага тушармиш. На қамчидан кўрқади, на ходадан ҳайиқади бу, деди овчилар. Ҳечқиси йўқ, дедилар йигитлар, ўзимиз қўлга ўргатиб оламиз. Улар бу иш осон эмаслигини кейин билишди.

Тўқайда туғилиб, саҳрода улғайган Маржон на қишлоқни билади, на одамни. Улардан, кўчалардан ҳатлаб қочмоқчи бўлади. Одамларни ўзига ёв билади. Олдидан келса тишлайди, орқасидан келса тепади. Энг уста йилқичилар ҳам унга яқин йўлай олмадилар. Момо фермага келди. Темир панжарага қаммаб қўйилган тойчоқни кўриб, «ваҳ-эй, жонивор-эй», деб юборди. Тойчоқ унга қарамади.

— Бунинг оти Маржон, — деди Момо йилқичига. — Учар отларнинг бирдан-бир тирик қолган уруғи шу. Бувангиз шуларни деб ўлиб кетди.

Момо йилқичига кўп насиҳатлар қилди. Буни ўзим парваришлайман, деди. Найсонбуванинг, Бувангизнинг руҳлари шод бўлсин.

Маржон ўзини панжарага урди. Тепасида жўнгирлашиб турган икки одамга еб ташлагудек бўлиб қаради. Жонзотларнинг ичида унинг энг ёмон кўргани аслида ана шу икки оёқлиси эди. У одам зотини кам кўрган эса-да, унинг йиртқичлигини яхши билиб қолган эди. Чироқли машиналардаги икки оёқлилардан бу икки оёқлиларнинг нима фарқи бор...

Энди ҳамма умид Момодан эди. У Бувадан ўрганганларини ишга сололадими, дунёда отларнинг дўстлари, яхши одамлар ҳам борлигини Маржонга тунтири оладими, йўқми? Агар у Маржонни қўлга ўргата олса, у учар отлар уруғини давом эттиради, чиройли қулунлар туғиб беради, одамларга кўмакдош бўлади. Момо панжарага яқинлашди. Маржон ўзини тўрт томонга урди.

Момо куруқшаб қолган кўкрагини панжарага теккизди. Маржоннинг бурун катаклари кенгайди.

— Ке, жоним, ўзим сенга сут бераман, — деди Момо Маржоннинг бир оз тинчиганини кўриб.

Момо унга қўлини чўзди. Тойчоқ уни саҳродаги овчи қўли деб билди шекилли, бирданига типирчилаб кўкка сапчиди.

Момо жиғибийрон бўлди. Қани, Бува бўлса эди! Бу аламли йиғини эшитиб, Анор хола уҳ тортди; қани, Ганжа болам тузала қолса эди!

Бу фиғон Бувани сувдан топишган кундагидек қонли фиғон эди. Боласи бошининг қора лойга кўмилиб, пешонаси қонаганини кўрган Она дарёни саёзлатганларга қирғин келсин, деб кўкка қилган ноладек оловли эди. Энди икки она учар отларни ўлдирганларни ер уриб қарғайди.

Осмонда бир тўп қушлар кўринди. Улар саҳрода Маржонни йўқотиб қўйиб, бу ерга излаб келишган шекилли, ферма устида гир айлана бошлашди. Чуғурлашиб пастлаб учдилар. Баланд кўтарилдилар. Яна пастга, панжара устига яқинлашдилар. Маржон уларни кўриб, кўкка қараб кишнаб юборди. Балки бу Маржоннинг биринчи кишнашидир.

Қушлар панжара узра уча-уча баланд кўтарилдилар. Яна келган томонларига — саҳрога қараб учдилар. Маржон қушларга қўшилайин деб талпинди. Кишнамоқчи бўлиб, овози чиқмади. Олд оёқлари билан ерни кураб ташлади. Панжарани қўшоёқлаб тепди. Лекин қушлар қайтмадилар. Буни кўриб, юраги вайрон бўлиб турган Момо кўкка қараб илтижо этди: қайтинг, қушлар!

Қушлар Момони эшитишмади ёки эшитишса ҳам сўзларига парво қилишмади. Нима қилишини, қушларни қандай Қораянтоққа қайтаришини билолмай ҳайрон бўлиб турган Момонинг кўзи ферма сари ймиллаб келаётган Ганжага, унинг ёнидаги йигит билан қизга тушди. Улар келиб иззат-ҳурмат билан Момога салом бердилар. Ганжанинг манглайи танғилган, қўлида ҳасса, худди уруш майдонидан чиқиб келаётган ярадор аскардай юзи синиқ эди.

— Уғлим, омон-эсон оёққа туриб кетдингми?

— Раҳмат, Момо. Мана, Зариф билан Гулсора қўярда-қўймай етаклаб бўлса ҳам бу ерга олиб келишди.

Момо кечагина тўйи бўлиб ўтган келин билан куёвга оқ фотиҳа берди.

— Қўша қаринглар, болаларим. Бир-бирингни севиб, қадрлаб, ардоқлаб яшанглар. Дунёдаги бор яхшиликларни кўриш, илоё, сизларга насиб этсин.

Момо уларни темир панжарага яқин олиб борди. Тойчоқни кўрсатиб деди:

— Маржон мана шу бўлади, болаларим. Уни ўзларингга ўргатиб олинглар. Уни қушлар севади. Маржон одамларга эш бўлиб, ўйноқлаб кишнаган кунни Қораянтоққа қушлар яна қайтиб келади!

Тойчоққа меҳр ва ҳайрат билан термилиб турган келин-куёв бир томонида, кўнглида илинж пайдо бўлган Момо иккинчи томонида, Ганжа вужудида қувват сезиб, қўлини ҳассадан олди-да, Зарифнинг елкасига қўйди. Зариф унинг кўзларига боқди. Қорачиғида ёшми, учқунми, алланима йилтираганини кўрди. Уни чўккан дилнинг бехос тошқини деб билди Зариф.

Маржон панжара ёнида турган одамлар томон қарамас, қушларни йўқотиб бийрон ўртанар, саҳро томондан бирон товушга умид боғлаб қулоғини диккайтирар, қанотли дўстларининг чуғур-чуғурини қўмсар эди...

1986—1988 йил



ПОКЛИК ТИЛАЙМАН ЮРАГИНГИЗГА

Авлиёхон Шукруллаев

* * *

Эртага узун Кун бор.
Тонгдан оқшом қадар чўзилиб ётар.
Бошида чўнқайган куёш эркалаб,
Тилло қабоклардан ўпиб уйғотар.

Бу Кун узоқ ваъдалар берди,
Мени бахтли этмоқлик ҳақда.

Сен келмадинг. Минг бор семириб,
Минг бор озди шўрлик уятдан.

Шомда ечди либосларини,
Сўнг хўрсинди узундан-узун.
Сўзининг устидан чиқмади, энди
Ўзини ўлдириб қутулади Кун!

Музей деворлари ҳақида шеър

Ҳамманинг нигоҳи бизга қоқилган,
Деб ўйлар суради деворлар ҳар кун.
Мақтана бошлашар ўз тилларида,
Томошабинларни ҳайдаб кетгач тун.

Дераза йиғади қанотларини,
Эшик тортинмасдан кулаверади.
Деворларнинг қисқа тушларида ҳам
Кўзлар, фақат кўзлар гуллайверади.

Улар ҳеч тан олмас. Кўз-кўз этишар
Узларин ялтироқ баданларини.
Нигоҳлар силайди, кўкракларига
Санчилган расмлар — медалларини...

Деворлар ўзича ўйлайверади.

* * *

У бор овоз билан айтмоқчи эди,
Бўғзига тикилиб қолган сўзларни.
Юз-хотир қилдими, ўйланиб қолди,
Кўргач шафқат сўраб боққан кўзларни.

Гапирмоқчи эди. Бирдан узун қўл
Силаб қўймоқ учун етди манглайга.
Ҳар қалай, бу унга кўринди маъқул,
Тили ҳам ёпишиб, қолди танглайга.

Энди гапирмайди. Сокин дарёдай
Умри секин-секин оқаверади.
Вазифасин тамом унутган тили,
Уни ўлгунича боқаверади!

Ленинобод.

Актёр монологи

«Хатто ролда ёмон бўлиш оғир.
Қийналаман».

Бир актёр сўзи.

Бугун сахнадамас, гримсиз, шундай,
Дўстлар, юрагимни сизга ёраман.
Мана, неча йилки, истаб-истамай,
Юрагимга қарши бораман.

Мени толиқтирар,
Ҳолдан тойдирар,
Изтиробга солар,
Қийнар беомон —
Жирканч қиёфага кирмоқ муттасил,
Яшамоқ сахнада бўлиб энг ёмон.

Юрагим жуда кўп талафот кўрди,
Унда қотиб қолди лахта-лахта қон.
Мен Абдулатифман —
Нурни маҳв этган,
Менга нафрат билан қарар оломон.

Кўзимга кўринар қонга бўялган
Отам боши — қуёш.
Лаънатлар ҳамон
Авлодлар.
То ҳануз юзларим қаро,
Тош отар бошимга келажақ замон.

Хиёнат, маккорлик қилишим керак
Дўстимга, Ягодек қалтис, нозик он.
Зирқираб кетади хужайраларим,
Отелло макримдан таслим қилгач жон.

Йигирманчи йиллар...
Менман «кўрбоши»...
Одамлар қаҳримдан топмаган омон.
Бўри панжасидай мудҳиш қўлларим,
Эзулик бўйнига чўзилар ҳамон.

...Тўймас, бу очофат нафс бозорида,
Қуртларга ем бўлди мендаги виждон.
Балки, кўргандирсиз мени қайдадир,
Мансаб курсисида бамисоли хон.

...Ҳар сафар юракка қарши боришим
Сизни қайтарарми юрагингизга?
Агар шундай бўлса,
Кафилман доим
Оловдай гуркираб юрагингизга!

Агар шундай бўлса,
Кафилман сўзсиз,
Оз, эмас, кўп эмас,
Кирасиз юзга.
Аввало, мен қуёш улуғворлигин
Ва поклик тилайман юрагингизга!

Гарчи мен сахнада салбий кимсаман,
Бари бир бу ҳолат қалбим яралар.
Юрагим ёрилса бир кун,
Шунда ҳам,
Сизни эзуликка чорлаб ёрилар!

Андижон.

Рифат Гумеров

* * *

Заминдаги ҳаёт шу ўзи:
Оқар сувдай ўтадир кунлар.
Қора, бир хил сўзларин чўзиб,
Қулоғимга шивирлар тунлар...

Айшим суриб, қўшиқ айтарман,
Ўз-ўзимдан кулиб ўтарман:

— Ҳеч ким мангу яшамас бунда,
Қарор йўқдир кунда ва тунда...

Вақти келиб, мен ҳам ўларман,
Юлдуз бўлиб кўкда куларман.
Наслим саҳар гулларин узар,
Ялангоёқ ўтлоқда кезар...

Ҳаёт йўли

Кимдир бунда олға бошлар,
хур машъала кўтарар.
Ким қонсираб писиб турар,
кимдир бунда тўқар қон.
Ким ҳақиқат деб курашар,
кимлар халқ деб ўтарлар
Кимдир юрар фариштадай,
азроилдай олар жон...

Дилнинг уйғониши

Жаҳл билан гилам қоқаман,
Атроф тўлар чангу ғуборга.
Жисмим ғуборига боқаман:

Мен тўзонга қориб юборган
Дил уйғонар...
Гилам қоқаман.

Русчадан Тоҳир ҚАҲҲОР таржималари.

Малик Эгамов

Сувчи

Кетмонига кийгиздириб дўпписини,
Ой чўнқайган сувга юзин чайиб олди.
Белбоғдан нон,
Термосдаги чойдан тўйиб,
Ёнбошлади,
Бир нафасда ухлаб қолди.

Оёғида — офтоб урган лойли этик,
Тегиб турар шундоққина ғўзасига.
Олтин балиқ каби ой ҳам ялт-юлт этиб,
Жилдирайди пайкалларнинг орасидан.

Тол тагида машинасин очик қолган
Эшигидан Қодир Махсум ўқир ғазал.
Ёз оқшомин меҳнатдан сўнг нашидаси,
Тансиқбоев хаёлидек ажиб ҳал-ҳал...

Сувчи ухлар,
Шудринг кўнар кўрпасига,
Катта оғиз қурбақалар тинчиб қолди.
Ой ҳам ботди теракларнинг орқасига,
Баданини жунжиктириб ел кўзгалди.

Кўзларига қамалганча юлдуз, осмон,
Мўйловлари — саҳар ели талошида,
Йиғмасини ғижирлатмай ухлар ҳамон,
Шундоққина меҳнатининг ёнбошида...

Ҳамон

Ким йиғиб яшайди, кимдир совуриб,
Биров хомлай ютар, биров қовуриб.

Ҳамла қилар кимдир, кимдир ҳимоя,
Ким соя, ким доя, ким пиллапоя.

Ким юзга қирса-да, емай қўяди,

Бировлар ўн саккиз ёшда тўяди.

Тўй кўрар эшматлар, Тошмат — мотамда,
Алилар паст бўлар, валилар — томда.

Бири кам дунё бу, ҳамон бўлмас юз,
Беҳисоб имкон бор, бири йўқ хануз...

Бекобод.

Қидир

(халқона)

Бу оламда чин дўст қидир,
Душман ўзи топилур.
Чин дўст бўлса, дардларингга
Дармон ўзи топилур.

Бу оламда шодлик изла,
Ғам-андухнинг ўзи бор.
Одамларга поклик иста,
Нопок, макруҳ ўзи бор.

Бу оламда кенглик қидир,
Тор жой, ахир, ўзи бор.
Сен доимо тенглик қидир,
Тенгсизликлар ҳам бисёр...

Не қидирсанг қидиргин-у,
Демагин сен: «Бўлди-кеч...»
Аммо ўз юртинг каби
Ўзга юрт қидирма ҳеч!

Тақа

«Болтиқ бўйи илҳомлари» туркумидан

Эстониянинг Пярну шаҳрида бир кўҳна уй бор.
Унинг эшиги пештоқида узоқ тарих гувоҳи —
тақа турибди. Айтишларича, уни кўрган киши
ҳар қандай орзусига эришар экан.

Орзуга эришиш шундай осон бўлса,
Оламни кезардим тақани олиб.
Йўлларда кўп ҳориб, гул каби сўлсам
Қийналсам даҳшатлар ичида қолиб,

Очликдан мадорим қуриса ҳатто,
Судралиб юрсам ҳам саҳрою чўлда,
Қолсам ҳам музликда, қолсам ҳам ўтда,
Қолсам ҳам буронда, қолсам ҳам селда,

Денгизда қийнаса пўртана, долға,
Не-не азоб билан олсам ҳам нафас,
Интилар эдим мен фақат олға, олға!
Қайдадир бировлар кутиб турса бас.

Юрардим туну кун ва ойдин тонгда,
Бошим узра мағрур кўтариб уни.
Кирандим эринмай ҳар хонадонга,
Кунига минг марта бурсам ҳам йўлни.

Лозимкан, тақани Қуёшнинг, Ойнинг
Енига элтардим елиб...
Чин сўзим!
Шундай қилайинми, одамлар, айтинг?!
Сиз учун тақага айлангум ўзим!

Самарқанд.

Борардим ҳаттоки энг узоқ юртга,
Мақсадим бўларди мен учун қанот.
Кўрсатиб тақани болага, қартга,
Қувончдан қувватим ортарди бот-бот.

Ғамли нигоҳларга кўрсатар эдим —
Қурисин уларда кўз ёшин изи.
Тақани баландроқ кўтарар эдим,
Мадорим камайиб, чўксам ҳам ўзим.

Неча ой тўшакда мажолсиз ётган
Хастанинг олдида ошиқар эдим.
Ҳақиқат йўлида курашган, ёнган
Йигитнинг кўзига тик боқар эдим.

Фарзандсиз онага, етимга, тулга...
Кўрсатар эдим мен тақани такрор.
Мен тагин чиқардим тақа-ла йўлга,
Десалар, қайдадир кутувчилар бор...

Эргаш Ёндош

Манзара

Ноз-неъматини йиғиб олинди,
Енгиллатдик гўё зил юкин. —
Бурчин ўтаб бўлган чол, энди,
Боғ айланиб юрипти секин.

Баҳрин очмас бетартиб дунё,
Хазонларга термулар ҳайрон.
Яп-яланғоч дарахтлар гўё —
Қароқчилар талаган карвон.

Кўзи тушар кўкка тўсатдан
(Шодлик излаб боқар ҳойнаҳой):
Елғиз ўғлин жангга кузатган
Она янглиғ хомуш сузар ой...
Сафарига нуқта қўяр чол,
Қолмапти, деб, бизга қилар иш.

Қор учкунлар тўзитиб, хушҳол,
Оқ тулпорда кириб келар қиш...

* * *

(ҳазил)

Содда эдим ўсмирликда ҳам,
Кам тортмадим соддалик дардин.
Чиройлироқ қизларни кўрсам,
Мафтун бўлиб кетаверардим.

Дейишарди: — Ишинг келсин ўнг,
Боқ, танлайвер, измингда бизлар! —
Аввал роса лақиллатиб, сўнг
Қаҳ-қаҳлашар ҳолимга қизлар...

Кейин бирин раҳми келгандек,
Деди, бахтли қилурман ўзим!
Ўқиб одам бўлайлик андак,
Учрашармиз, ёр бўлса тўзим.

Урта мактаб битди шу зайл,
Ҳар ким ҳар ён кетди ўқишга.
Кўпларимиз, ўтказиб беш йил,
Диплом олиб, қайтишдик ишга.

Тўй ҳам ўтди у санам билан,
Шукур, толе учмади тоққа!
Илк шом, тагин тантана билан
Сўз берди у бахтли қилмоққа.

Йигирма йил ўтган орадан,
Икки қиз, бир ўғилга бошмиз.
Аҳил бўлсак бир кун жудаям,
Бир кун икков гуручу тошмиз...

Уйда бўлар вақти унинг кам,
Жалб этилган масъулроқ ишга.
Йигирма йил ўтган бўлса ҳам,
Қўли тегмас бахтли қилишга.

Умр — арслон қувлаган оҳу,
Икки-уч йил айтгулик гапмас.
Пенсияга чиқиб олса у,
Бахтли бўлиб қолсам, ажабмас.

Наманган

Ўқтамхон Холдорова

* * *

Этак боғлаб келди Сентябрь,
Тиниқ тортган кунлар қошига.
Эгатлардан этак тўлдириб,
Чиқиб келар тугун бошида.

Далаларнинг қочди уйқуси,
Тунда оппоқ тилаклар ёнди.
Табрик этиб ҳар бир ғўзани,
Шамолларнинг меҳри боғланди.

Чаноқларда деҳқон нафаси,
Ғайратлари билмайди адоқ.
Ризкин терар пайкал оралаб,
Ўзбекистон қўллари қадоқ.

* * *

Сизни кўриб эриди қорлар,
Қарғаларнинг саслари тинди.
Куйган шохча — киприк устига
Соғинчимнинг қушлари кўнди.

Бу қушчалар кулар энтикиб,
Севинчидан тошиб сайрайди.
Ичган тахир изтиробларин,
Гўзал томчиларда қайрайди.

Наманган

Ҳирот

Сарҳадларга тўш урар, Ҳирот,
Сен томондан эсган шаббода,
Келиб ўзбек ерига бот-бот,
Боғларидан симирар бода.

Тупроғига аста босиб лаб,
Кезар юртим гулзорларини.
Тонг саҳарда кетар ўғирлаб
Лолаларнинг ифорларини.

Сўрамасдан ризо — ижозат,
Сармаст бўлар гуллар ҳидидан,
Шоирига меҳру муҳаббат
Олиб қайтар она юртидан.

Қия очиқ турар умрбод,
Буюк шоир қалбин парчаси.
Ётар сенинг бағрингда, Ҳирот,
Ўзбек қалбин битта парчаси.

* * *

Шунча кўпки, бизда чўл, ёбон,
Бағрин олов ётар маҳв этиб.
Посбон — улар, ёвлар келган он
Шаштларини қайтарар ютиб.

Шунча кўпки, бизда тоғу тош,
Маҳкам оёқ тираган ерга.
Посбон — улар, ёв кўтарса бош,
Жангга кирар биз билан бирга.

Қайсарлик

Қайсар бўлган экан Абдулла Қаҳҳор,
Туриб олар экан сўзида маҳкам.
Бахтдир эътиқодни тутмоқ барқарор,
Устозга ўхшасак қани бизлар ҳам.

Шираю салмоқ кам бизнинг сўзларда,
Бирор иш қилмадик раҳмат айтарлик.
Қатъият етишмас, ахир, бизларда,
Бизларда етишмас ҳали қайсарлик!

Тошкент.

Нусрат Абдусаломов

Жонкуяр

Бир гўзал ишқида мендек
Қанча ошиқ жон куяр,
Майли, ошиқ аҳли куйсин,
Кўрса бор инсон куяр.
Бир гўзалнинг йўлларида
Мен гадогурман ва лек,
Сувратини кўрса гарчи,
Шоҳу навқар, хон куяр.
Қошлариким бунча қора
Дер эдим, сўнг ўйласам,
Кўзларининг оташидин
Қошию мужгон куяр.
Қора зулфин бўйларига
Мен хумор ўлдим десам,

Рашк этибму сочларидан,
Тўлғаниб райҳон куяр.
Ёр юзин бурганмикин ё
Нозланиб осмон сари,
Оразин ҳажрида унсиз
Субҳидам чўлпон куяр.
Ул само саҳнида чўлпон
Бир кичик нукта эрур,
Гар назар солса нигорим
Беҳудуд осмон куяр.
Қанча дилни куйдириб ул,
Лек ўзи куймас сира,
Дейдиларким асли, Нусрат,
Дилбаримни жонкуяр.

Қувонч

Бўлди ногоҳ менга зебо
Ёр каби ошно қувонч,
Бўлмаса ёр менга ошно,
Не учун пайдо қувонч.

Мен қувонгайман ҳамиша
Дилрабо ёр нозидан,
Покиза қалбимга чунки,
Солгай истиғно қувонч.

Мен қувонмайму кўриб
Раъно нигорим оразин,
Қай кўнгилга солмагай, айт,
Боғ аро раъно қувонч.
Ул пари суҳбатга чорлар,
Мен дегум «бош устига»,
Қилдим орзу, суҳбатимдан
Топса деб жоно қувонч.

Ёр қувончим келмаса гоҳ
Ки қониб май сипқорай,
Етказар кўнглимга чунки,
Бир қадах саҳбо қувонч.
Ортиқ эрмас, молу дунё
Мен учун ёр васлидан,
Бахш этар, Нусрат, нигорим
Менга бир дунё қувонч.

Андижон

Неъмат Иброҳимов

Султонобод ҳақида шеър

Бу юксак тоғларда қоядай қадим,
Содда ва жангари хаёллар яшар.
Тинчликни аллага қўшиб куйловчи,
Қўшиқдай маъсума аёллар яшар.

Бунда яшайдилар, толиқиш билмай,
Меҳнатдан ёрилиб, қабарган қўллар.
Бунда яшайдилар, водийдан чиқиб
Қишлоқ боғларига йўл солган йўллар.

Булоқлар яшайди, боғлар яшайди,
Мағрур, ибтидоий бу дўнгликларда.
Мевасин узатиб, меҳрин узатиб,
Пахта етиштирган кўк кенгликларга.

Қизлар яшайдилар сулув, соҳира,
Юзларин менгзатиб анорларига.
Йигитлар яшайди меҳри дарёдай,
Келбати ўхшайди чинорларига.

Чоллар яшар бунда; бедана эмас,
Тулпорлар ўйнатиб улоқларида.
Жасорат ҳақида ривоят куйиб,
Ешларнинг «гап кирмас» қулоқларига.

Шуниси яхшики, ёлғон яшамас,
Хиёнат яшамас бу адирларда.
Чунки, бир-бирини ғийбат қилмоқ-чун
«Қўллари бўшамас» баҳодирларнинг.

Лавҳа

Нурли ҳамал ойида бирдан
Чўққиларда эрийди қорлар.
Рангонтоғнинг ўнгуриларидан
Эниб келар қора тулпорлар.

Шанғиллаган жарчилар ўктам,
Одамларни улоққа чорлар.

Заминданми ва ёки аршдан
Пайдо бўлар қора тулпорлар.

Йигитларни кузатар сордай
Кўкрагини ғоз тутган чоллар.
Тоғ бағрида ўприлган ғордай
Энаверар қора тулпорлар...

Ленинобод.

Асомиддин Темиров

Қуёш

Эркин Воҳидов ғазалига муҳаммас

Бир боқиб ёр ишқига мубтало бўлсин қуёш,
Нур эмиб гул чехрасидин серзиё бўлсин қуёш,
Завқ олиб руҳсоридин бахти кушо бўлсин қуёш,
Дилбарим ҳуснига кўкда маҳлиё бўлсин қуёш,
Маҳлиё эрмас, кўйида бир гадо бўлсин қуёш.

Юзга тортса ёр ниқоб, мендек дилафгор йиғласин,
Айта олмай дарди дил такрору такрор йиғласин,
Йиғласин, кун йиғласин, ҳам тунда бедор йиғласин,
Кўрмаса бир дам жамолин мен каби зор йиғласин,
Абр ичига беркиниб, мотамсаро бўлсин қуёш.

Қайтадан бир рав кўрай деб, чашми гирён юрсин ул,
Ўз йўлини тарк этиб сўнг, ёр томонга бурсин ул,
Кўзларидан нур эмибон, коинотда турсин ул,
Гар ҳавас қилса нигорим ҳуснига барқ урсин ул,
Рашки келса, куйсину ёнсин, адо бўлсин қуёш.

Қоп-қора зулмат заминни босган эрди, отди тонг,
Тун қоронғусин тўсиб, нур денгизига ботди тонг,
Ухласин деб сарвиноз, ўз хонасида ётди тонг,
Ул кеча ёр васлига етдим деганда отди тонг,
Қилди дилдордан жудо, юзи қаро бўлсин қуёш.

Севги зўр ёнғин эрурким, барча қалбга ўт қалар,
Ёндирар ҳам, куйдирар ҳам, муз юракка тафт солар,
Тафтига тоқат қилолмай шоҳу султон танг қолар,
Дейдилар: ишқ оташидан офтоб ҳам тафт олар,
Гар исинмоқ истаса, қалбимга жо бўлсин қуёш.

Телба айлар ишқ ўти, дилга солгай ғам-алам,
Шоҳ эрур ишқ, одамизод қоматин қилгуси ҳам,
Севги мадҳин нуктадонлар қанча ёзса, шунча кам,
Бор ишончим, бир кунни ёнгай қуёш қутб узра ҳам,
Муз юракларга ва лекин нораво бўлсин қуёш.

Гулга тўлсин бор жаҳон, доғ кўрмасин ер парчаси,
Тинч-омон бўлсин муқаррар элу юртлар барчаси,
Яшнасин, барқ урсину сўлмасин ишқ ғунчаси,
Сўнмасин олам чироғи, тинмасин нур чашмаси,
То муҳаббат умридек умри бақо бўлсин қуёш.

Сурхондарё


Бахшулла Ражаб

* * *

Умр кичрайиб борар Вақтнинг қошида,
Вақт ютаверар соғлик, юракни.
Фақат эзгу орзу-армонларни,
Муҳаббат, Ҳақиқат, Виждон ўтини
ютиб, чайнаб, бўғиб ташлашга
кучи етмас бечора Вақтнинг.

Бундан ҳам улкан ожизлик борми?

Бухоро



ОРОЛ БЎЛМАСА, БИЗ ҲАМ БЎЛМАЙМИЗ

Давра суҳбати

Урта Осиёдаги энг катта сув ҳавзаси бўлган Орол денгизининг қуриб бораётганлиги кўпдан бери жамоатчиликнинг диққат марказида турибди. У бугунги кунимизнинг энг долзарб, энг ўтқир муаммоси бўлиб қолди. Бу табиийдир, албатта. Турғунлик даврининг, экономикада волонтаристик сиёсатнинг қурбони бўлган Орол денгизисиз регион истиқболлини умуман тасаввур этиб бўлмайди.

Мамлакатимизда тобора кенг қулоқ ёйиб бораётган қайта қуриш бу муаммони ҳал этиш учун кураш бошлашга шароит яратди. Жамоатчилик Орол ҳақидаги ҳақиқатни баралла айтиш, экологик фалокатнинг олдини олиш йўлларини излаш имконига эга бўлди. Мана, бугун биз бунинг дастлабки самарасини кўриб турибмиз. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Орол денгизи районида экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, унинг ҳавзасида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларни муҳофаза қилишни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Эндиликда қуруқ гап-сўздан амалий ишга ўтиш, барча меҳнаткашларни ана шу муҳим муаммони тубдан ҳал этишга сафарбар қилиш пайти келди. Бу нарса ўтган йил октябр ойида Нукусда бўлиб ўтган, Орол тўғрисидаги қарорни бажариш соҳасидаги вазифаларни белгилаб берган республика партия хўжалик активлари йиғилишида ҳам таъкидлаб ўтилди. Шу муосабат билан «Шарқ юлдузи» редакцияси ва республика Ёзувчилар союзи қошидаги Оролни қутқариш комитети ҳамкорликда давра суҳбати ўтказдилар. Асосан Орол тўғрисидаги ҳукумат қарори муҳокама-сига бағишланган бу давра суҳбатида республика Ёзувчилар союзи қошидаги Оролни қутқариш комитети раиси П. Шермуҳамедов, ВАСХНИЛ Урта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси институти директори, академик С. Н. Усмонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти кафедра мудири, геология-минерология фанлари доктори С. Ш. Мирзаев, ЎзССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, физика-математика фанлари доктори Ф. Ф. Умаров, республика Ёзувчилар союздан Е. Е. Березиков, Урта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори А. А. Хоназаров, «Орол-88» экспедицияси қатнашчиси, врач М. Салаев, Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири Г. С. Ҳожибоева, география фанлари кандидати Б. Қамолов, ёзувчи ва шоирлар Ж. Камол, Г. Нуруллаева, Ю. Ковалев ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар. Қўйида шу давра суҳбатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

П. Шермуҳамедов. Қадрли ўртоқлар! Бугун биз бу ерга КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Орол денгизи районида экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, унинг ҳавзасида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларни муҳофаза қилишни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорини муҳокама қилиш учун тўпландик. Сизларга маълумки, шу қарор эълон қилиниши муносабати билан ўтган йил 8 октябрда Нукус шаҳрида республика партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб, унда мазкур қарорни бажариш бўйича Ўзбекистон ССР партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди. Бугун биз жамоат вакиллари иштирокида Орол тўғрисидаги қарорнинг ҳар бир банди тўғрисида жиддий гаплашиб олишимиз керак. Орол бўйича ҳукумат комиссиясининг раиси Ю. А. Израэль ўтган йил 12 сентябрда «Правда» газетаси муҳбири билан қилган суҳбатида шундай деди: «Биз ишимиз тўғрисида кенг ахборот беришдан онгли равишда қочдик». Бу давр руҳидаги гап эмас. Менимча, регионнинг бу кескин муаммосини ошқора муҳокама қилиш, бир-бирига зид фикрларни тинглаш керак эди. Қанча кўп хилма-хил фикрлар айтилса, оқиллона қарор қабул қилиш учун шунча кўп имконият юзага келарди.

Қарорда 1990 йилдан Оролга 23 кубокилометр ҳажмида сув берилади; кейин унинг миқдори йилига 11 кубокилометрга чиқарилади дейилган. Агар ҳақиқатда шундай бўлса, бу Орол тамом бўлади, деган сўздир. Биз бунга рози бўлмаймиз. Бу йил Орол 23 кубокилометрга яқин сув олди. Денгиздан эса йилига 30—35 кубокилометр сув буғланыпти. Қарорни қабул қилишдан аввал уни умумхалқ муҳокамасига қўйиш керак эди. Ахир бутун Урта Осиё регионининг тақдири Орол тақдири билан бевосита боғлиқ-ку. Ҳозир ким ютди? Сув хўжалиги министрлиги ютди, бюрократия ютди.

Гарчи қарорнинг айрим бандлари бизни қаноатлантирмас ҳам, буни Оролни қутқариш йўлидаги жиддий қадам деб баҳолаш керак. Нима учун? Чунки, мазкур қарор чиққунга қадар Сув хўжалиги министрлиги ва бошқа айрим маҳкамалар Орол бўйидаги экологик фалокатни умуман тан олишга ётгани йўқ эди. Эндиликда эса экологик фалокат рўй берганлигини, одамлар ўлаётганлигини бутун жамоатчилик тан оляпти.

Лекин қарор чиққани муаммо ҳал бўлди дегани эмас. Унинг ҳар бир банди бажарилиши учун кураш олиб бориш керак. Эҳтимол, республика Ёзувчилар союзи қошида қарорнинг бажарилишини назорат қиладиган жамоатчилик комиссияси ташкил этиш керакдир. Қарорнинг жуда яхши бандлари бор, лекин юқорида таъкидлаб ўтганимдек, баҳсли бандлари ҳам бор.

Ўрта Осиё шароитида монокультура муаммосини ҳал этмасдан туриб, Орол муаммосини ҳам, ичимлик сув муаммосини ҳам ҳал этиб бўлмайди. Алмашлаб экиш системасини жорий этиш ҳақида кўп гапиряпмиз. Амалда эса ўзгариш сезилмаяпти. Шунинг учун бугунги давра суҳбатимизда масаланинг мана шу томонларига эътибор беришингизни илтимос қиламан.

С. Усмонов. Мен бу ерда бироз мавзудан четга чиқмоқчиман. Табиатга нотўғри муносабатда бўлмаслик кераклиги, балки унинг қонуниятларини билиш зарурлиги ҳақида гапирмоқчиман. Утган йил октябрь бошида эълон қилинган оби-ҳаво маълумотида ойнинг ўртасида ёмғир, қор ёғади, дейилган эди. Мен эса халқ методларидан фойдаланиб — ойнинг жойлашувини, дарахларнинг ҳолатини кузатиб, октябрь ойи яхши келишини, деҳқонларга қулай бўлишини билдим. Аслида ҳам ўйлаганимдек бўлди. Халқ методлари асосида йилларнинг қандай келишини ҳам тахминан айтиш мумкин. Мен кейинги юз йилдаги оби-ҳавони таҳлил қилиб шундай фикрга келдим. Масалан; балиқ йилида ёғингарчилик кўп бўлади ва у ҳар ўн икки йилда такрорланиб туради. Бундан шундай хулоса чиқадики, биз табиатга қўпол аралашмаслигимиз, аксинча унинг қонун-қоидаларини ўрганиб, турмушда фойдаланишимиз керак. Биз эса бундай қилмадик, табиатни ўз хоҳишимизга бўйсиндирмоқчи бўлдик. Оқибатда экологик фалокат рўй берди. Энди бу хатони тузатиш осон бўлмайди. Айрим кишилар тўғонларни портлатиб, сув омборларидаги сувларни Оролга оқишини таклиф этишяпти. Тўғонни бузиш қийин иш эмас. Аммо кейин қандай яшаймиз? Рўй берган экологик фалокатнинг иқтисодий асоси ҳам бор. Регионда аҳоли тез кўлаймоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши эса аҳоли ўсишига мувофиқ эмас. Ҳозир Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон республикалари аҳоли жон бошига иттифоқдагидан қарийб икки баравар кам озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаряптилар.

Айтмоқчиманки, Орол муаммоси мураккаб иқтисодий масалалар билан узвий боғлиқдир. Биз Орол бўйида деҳқончиликни илмий ташкил этишимиз ва унинг тинмай юксалиб боришини таъминлашимиз керак. Мен ҳамиша бир масала устида ўйлайман: Орол инсон учунми ёки инсон Орол учунми? Албатта, ҳамма «Орол инсон учун» шиори остига имзо чекади. Аслида ҳаммаси хатолик бўлиб қиқди, ерларимизнинг унумдорлиги пасайиб кетди, экологик вазият ёмонлашди, Орол бўйидаги ерларнинг ҳозирги унумдорлиги билан қишлоқ хўжалигида қутилган натижага эришиш қийин. Аввал «касалманд» ерларимизни соғайтиришимиз керак. Кейин у бизни боқishi ва Оролга ҳам сув оқиши керак.

Матбуотда ҳар бир республика ўзини-ўзи гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаши керак, деб кўп ёзилмоқда. Биз ҳам ҳозир қаёққа бормайлик, ўзингизни-ўзингиз таъминланг дейишади. Институтимиз мутахассисларининг ҳисобича, агар республика ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ўтадиган бўлса, биринчи навбатда ерларнинг унумдорлигини яхшилашимиз керак. Ана шунда 2000 йилга бориб ўзимизни-ўзимиз пахта, гўшт, сут маҳсулотлари билан тўла таъминлайдиган бўламиз. Лекин бундай шароитда республикадан ташқарига бир тонна ҳам пахта чиқаришнинг имкони бўлмайди. Демак, бундай вариант на илмий, на назарий, на амалий жиҳатдан муҳокама қилиш учун яроқсиздир. Ҳозирги замонда меҳнат тақсимоти деган нарса бор. Бусиз инсониятнинг олға ҳаракатини тасаввур этиш мумкин эмас. Бу миллатлараро, республикалараро, регионлараро меҳнат тақсимотидир. Халқ ибораси билан айтганда, мандан — угина, сендан — бугина. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон пахта етиштиришга ихтисослашган. Биз ҳозир пахта бериб, қозғон билан таъминланаяпмиз. Нонни қанча керак бўлса, шунча беришяпти. Сўнги даврда республика Бутуниттифоқ фондидан 4,8 миллион тонна ғалла оляпти. Шундан 3,9 миллион тоннаси озиқ-овқат, 0,9 миллион тоннаси ел учун мўлжалланган. Нонни беришяпти, энди гўшт ва сут ҳам керак-ку. Шу ерда муаммо пайдо бўлди. Мамлакат жон бошига 60 килограмм, Ўзбекистон эса 30 килограмм гўшт истеъмол қиляпти. Шундан 20 килограммининг республиканинг ўзи ишлаб чиқаряпти, 10 килограммининг беришади.

Мен беҳудага гапни пахтадан бошлаганим йўқ. Маҳсулот етказиб бериш бўйича ўзаро мажбуриятлар бор. Бу мажбурият нон бўйича бажарилляпти, лекин гўшт, сут бўйича бажарилмаяпти. Мен иттифоқ Госпланида, бошқа марказий ташкилотларда бўлиб: «Нега республикамиз мажбуриятда белгиланган маҳсулотни олмайти?» деб сўрадим. Улар эса: «Содда бўлманг, биродар, қаердан оламиз? Ҳозир мамлакат чет элдан 8 миллиард сўмлик гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар сотиб оляпти. Яна сотиб олсак нима билан тўлаймиз?» дейишди. 8 миллиард сўм — газ, нефть, ёғоч ва бошқа қимматли хом ашё маҳсулотларини сотиш эвазига топилаётган пулди. Агар биз бу пулга чет элдан илғор технологияни сотиб олсак, халқ хўжалигимизни янада тараққий этишига хизмат қилдирган бўлардик. Биз эса табиий бойликларини сотиб, овқат оляпмиз. Бу бойликлар эса фақат бизга эмас, келажак авлодларга ҳам қарашлидир.

Хўш, республика аҳолисини гўшт, сут маҳсулотлари билан таъминлаш аросатда экан, бу муаммони ҳал этиш учун нима қилиш керак? Биринчи навбатда пахта етиштиришни 4 миллион тоннага тушириш керак. Шунда ҳозирги 2 миллион 100 минг гектарга эмас, балки 1,5 миллион гектарга пахта экилади. Қолган ерларга беда экилади. Шундай қилинса, алмашлаб экиш системасини тўла жорий этиш, ерларнинг унумдорлигини ошириш, чорвачиликни ривожлантириш, энг муҳими, Орол учун сувни тежаш имконияти юзга келади. Ҳозир бу масалалар қизгин муҳокама қилиняпти.

Луқма. Қаерда?

С. Усмонов. Москвада. Агар бу структура қабул қилинса, бугунги кун учун 4-4,5 миллион тонна пахта етарли бўлади. Маълум йиллар мобайнида шундай турса, барча майдонларда алмашлаб экиш системаси тўла жорий этилгач, пахта ҳосилдорлиги ортади. Шунда 2000 йилга бориб 5

миллион тонна пахта етиштиришни планлаштирсак бўлади. Агар ҳозир шундай қилмасак, 2000 йилга бориб, гарчи план 6 миллион тонна қилиб белгилансада, аслида 5 миллион тонна ҳам пахта тайёрлаб бўлмайди.

Яна бир масала. Биз пахта нархини белгилашда нуқсонларга йўл қўйганмиз. Мана, ҳозир ҳам-ма жойда оила пудрати жорий этиляпти. Фарғона водийси шароитида ҳар бир оилага бир гектардан ортиқ ер бериб бўлмайди, акс ҳолда ярим одам ишсиз қолади. Бир оила гектаридан 30 центнер ҳосил олса, 1700—1800 сўм даромад қилади. Бир оилада 5—6 киши меҳнат қилса, йилига ҳар бир ишловчи ўртача 250—300 сўм ҳақ олади. Бундай шароитда пахтанинг нархини оширишдан бошқа илож йўқ. Шунинг учун ҳам институтимиз коллективи аҳволни ҳар томонлама таҳлил қилиб, 1989 йилда пахта нархини камида 35 процент ошириш масаласини қўймоқда. У ерда эса бизни тушуниш-маяпти.

Луқма. Қаерда?

С. Усмонов. Пул берадиган, план белгиланадиган жойда. Умуман ҳозир мамлакатда нарх-наво ни ислоҳ қилишга тайёргарлик кўришяпти. Бу тadbир 1990 йилда амалга оширилиши керак. Келгуси беш йилликдан тўғри баҳолар билан иш юритилади. Нега «тўғри баҳолар» деяпмиз? Биринчи мисол. Чорвачилик маҳсулотларини бир баҳода сотиб олинадида, бошқа баҳода аҳолига сотилади. Давлат чакана нарх учун аҳолига ёнидан 67—68 миллиард сўм тўлайди. Бизда квартира ҳақи ҳам кам. У квартирага кетаётган ижтимоий-меҳнат харажатларига мувофиқ эмас. Буни нормал ҳол деб бўлмайди. Экономикадаги энг оғир масала — нарх белгилашдир. Бу борада жиддий хатоларга йўл қўйилган, уни тузатиш керак.

Мен яна бир муаммо ҳақида гапирмоқчиман. Октябр революциясидан бери ўтган етмиш йил мобайнида қалби, вужуди билан деҳқон бўлган кишилар бизда камайиб кетди. Кўпчилик кишилар колхоз ва совхозларда худди мардикорга ўхшаб ишлайдилар, ер ҳақида сидқидилдан қайғурмайдилар. Езувчи И. Васильев ўз асарларида бу муаммони яхши очиб бераяпти. Шунинг учун ҳам бизда ҳозир оила пудрати, ижарачиликка катта эътибор бериляпти. Баъзи кишилар эса буни капитализмга қайтиш деб баҳоляптилар. Бу нотўғри фикр. Хусусий мулкка кенг йўл очиб берилган шароитдагина капитализм тикланиши мумкин. Бизда эса ер ва корхоналар давлатга қарашлидир. Уни ижарага бериляпти, исталган пайтда қайтариб олиш мумкин. Бизда ижтимоий мулк жуда катта миқдорни ташкил этади. Шунинг учун хавфсирашга ўрин йўқ.

Жамиятимиз олдида муаммолар пайдо бўлди. Нима қилиб бўлса ҳам бу муаммоларни ҳал этиш керак. Мамлакатимиз тарихини бир эслайлик. Зарур бўлганда Ленин Брест сулҳини тузган. Кейин НЭПни амалга оширдик. Агар шундай қилмасак, очлик туфайли революция ҳалокатга учарди. Эндиликда биз қандай қилиб бўлса ҳам Озиқ-овқат программасини бажаришимиз керак. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Ахир, социализм доимий етишмовчилик, доимий навбатда туриш деган сўз эмас-ку.

Яқинда Венгрияда бўлдим. Бутун мамлакатни айланиб ҳаяжонланиб кетдим. Улардаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан ўзимиздаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини солиштирдим. Ун миллион аҳолиси бўлган мамлакатда 15 миллион тонна ёки жон бошига 1,5 тоннадан ғалла етиштирилади. Бизда эса жон бошига етиштирилаётган ғалла бир тоннага ҳам етмайди. Венгер дўстларимиз ҳар гектардан 50 центнердан ғалла олишяпти. Бизда ҳар гектардан олинаётган ғалла ҳосили аранг 16—17 центнерни ташкил этмоқда. Венгриядаги жон бошига етиштирилаётган чорвачилик маҳсулоти ҳам биздагидан икки баравар зиёд. Масалан, бизда ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сўт 2000 литрни, уларда эса 6000 литрни ташкил этади. Венгрия капиталистик дунёга ўзининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотаётган биринчи социалистик мамлакатдир. Мен у ерда чинакам деҳқонларни кўрдим, улар эрта тонгдан кун ботгунича тинмай меҳнат қилишади. Ҳаммаси ўз касбига берилган кишилар.

Сўзимнинг охирида шуни яна таъкидлашни истайманки, Орол муаммоси мураккаб иқтисодий масалалар билан узвий боғлиқдир. Бу масалада барча экономика институтларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш керак. Иқтисодчилар ҳам ўз фаолиятларини қайта қуришлари лозим.

Савол. Ҳозир пахтанинг бир килограммига 70 тийин ҳақ берилади. Агар унинг нархи 30 тийин оширилса, 1 сўм бўлади. Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида бу республикамиз учун фойдали бўладими?

С. Усмонов. Агар пахтанинг нархи 30 процент оширилса фойдали бўлади, пахтакорлар даромади мамлакат қишлоқ хўжалиги ходимлари даромадига етади. Рентабеллик даражаси эса 45 процентни ташкил этади. Агар бизда пахта 4 миллион тоннага туширилса, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни икки-уч баравар, боғдорчилик маҳсулотларини эса тўрт-беш баравар кўпайтириш мумкин бўлади.

С. Мирзаев. Мен Орол тўғрисидаги қарорга ўз муносабатимни билдирмоқчиман. Мазкур қарор, аввало бизнинг — жамоатчиликнинг ҳаракати билан дунёга келди. Эндиликда гап биз уни қандай қабул қилишимизга ва ҳаётга қандай жорий этишимизга боғлиқ.

Яқинда СССР Соғлиқни сақлаш министри сўзлаб, шундай гапни айтди. Мамлакатда барча қарорларнинг фақат ўн процентигина амалга ошар экан. Демак, фойдали иш коэффициенти 10 процент. Хўш, бу ҳолда қарорларнинг баҳоси қанча бўлади? Агар Орол тўғрисидаги қарорнинг қисмати ҳам шундай бўладиган бўлса, Орол билан ҳозирги видолашиб қўйганимиз маъқул.

Шу муносабат билан комитетимиз олдида жиддий вазифа пайдо бўлади. Бу ерда ҳамма гап бутун жамоатчиликни оёққа тургаза олишимизга, қарорнинг бажарилиши устидан жамоат назоратини йўлга қўя билишимизга боғлиқ. Имкониятдан фойдаланиб шуни айтмоқчиманки, қарор эълон қилинган куннинг эртасига мен республика радиоси мухбирига интервью бериб шундай дедим: «Агар биз бу қарорни реал шароитни ҳисобга олмай бажарадиган бўлсак, Орол ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат қолмайди, Орол ўлади!» Шундан кейин менга қўнғироқлар бўлди, сиз республика манфаатларига зид сиёсат юргизасиз, экономикаимизни ривожлантиришга қарши чиқяпсиз дейишди.

Ўртоқлар, сизлар мени бир гражданин сифатида, шу табиий муҳитда яшайтган инсон сифатида тўғри тушунасиз, деб ўйлайман. Мен табиий муҳитнинг мусаффолиги учун курашяпман, экономикаимизнинг бир тармоғи манфаатларини эмас, умумий манфаатларимизни ўйлаяпман. Агар биз

ҳозир Оролни асраб қолмасак, жамоат манфаатларини, табиий муҳитни қаттиқ туриб ҳимоя қилмасак, эртага турмушда ҳеч нарсани планлаштиришининг ҳам ҳолати қолмайди, ҳаммаёқ хонавайрон бўлади.

Мазкур қарордан келиб чиқадиған умумий ҳулосалар барчага маълум. Агар мен қарорни таърифлашда янглишсам, сиз тузатишингиз мумкин. Қани, Орол бўйидаги экологик муҳитни денгизни сақламаған ҳолда тиклаш мумкинлигига ким мени ишонтира олади? Агар биз мувозанатни қарорда белгиланған йўсинда тиклайдиган бўлсак, ҳеч нарсага эришолмаймиз. Мувозанат ҳалокатли йўсинда бузилапти. Уни Орол сатҳини сақлагандагина тиклаш мумкин.

Орол сатҳининг экологик мувозанатини тиклаш мумкин бўлған даражаси қандай? Буни ҳали ҳеч ким асослагани йўқ. Лекин шу нарса маълумки, унинг сатҳи қанча паст бўлса, шунча ёмон. Шунинг учун ҳам биз қарорда сўз юритилған мақбул даражани аниқлаб, уни тиклашга ҳаракат қилишимиз керак. Денгизнинг эски акваториясини тиклаш ҳақида сўз юритишга эса кеч бўлиб қолди.

Луқма. Нега кеч бўлиб қолди?

С. Мирзаев. Ҳозир тушунтираман. Ҳозир Оролда ҳар йили 30—35 кубокилометр сув буғланыпти. Шу кунгача 500 кубокилометр сувини йўқотди. Денгизга 1987 йили тушған сув эса 8 кубокилометрдан сал кўпроқ бўлди. Биз денгизга тушадиган сувни 1991—35 кубокилометрга етказиш учун ҳаракат қиляпмиз. Бу демак, денгизнинг ҳозирги даражасини сақлаб қолиш учун ҳам дарҳол сувнинг буғланиш структурасини ва экин майдонлари структурасини ўзгартиришимиз керак. Агар Оролнинг эски сатҳини тиклаш масаласини кўядиган бўлсак, мазкур қарордан келиб чиқадиған бўлсак, бу амалга ошириб бўмайдиған вазифадир. Қарорда 1991 йилда Оролга ва унинг дельтасига Сирдарё ва Амударё 8,7 кубокилометр сув беради дейилған. Бу сувнинг асосий қисми денгизга етиб бормайди, дельтани тиклаш учун сарфланади. Яна шу сув ҳисобидан денгизнинг табиий соҳилидан анча олисда ботқоқзор зона ташкил этишмоқчи. Равшан бўляптики, қарор аслида денгизга сув тушишини истисно қилади. Орол ўрнида қадимги ҳажмидан ўн баравар кичкина шўр кўл ҳосил бўлади.

Оролни қўтқариш комитети Сув хўжалиги министрлигидан ва бошқа дахлдор ташкилотлардан сувдан фойдаланишга муносабатларини тубдан ўзгартиришни талаб қилди. Ўтган йили Амударёдан Оролга оққан сув 50 процентни ташкил этди. Орол 1982 йилда 10 миллиард куба, ўтган йили эса 23 миллион куба сув олди. Агар бир гидрогеологик йилни оладиган бўлсак, денгизга Амударёнинг ўзидан 30 кубокилометр сув оқиши мумкин. Яна Сирдарё бор. 1987 йилдан бери Сирдарё Оролга тўрт кубокилометр сув берди. Мана сизга 34 кубокилометр сув. Афсуски, бу масала ҳеч бир ҳужжатда таҳлил қилинмайди. Жамоатчиликка биринчи навбатда шуну ўқтириш керакки, Амударё ва Сирдарёда резервлар бор. Лекин бу қўшимча сувлар сўғориш тармоқларига оқизилапти.

Сувнинг хўжайини эса иккита. Сув хўжалиги министрлиги бор, яна унинг устидан турадиған сувдан фойдаланиш бошқармаси бор. Эндиликда Амударё ва Сирдарё бошқармаларини тузишди. Сувни истеъмол қиладиган эса Агросаноатдир. Икки ташкилотнинг планлаштириш методи икки хил. Сув хўжалиги министрлиги истеъмолни гидромодулга қараб планлаштиради. Ҳар гектар ер етти-саккиз марта сўғорилиши кўзда тутилади. Агросаноат эса сўғоришнинг шу режимига риоя қилишдан манфаатдор. Бир қарашда ҳар икки томон ҳам сўғоришни камайтиришга интилаётгандай туюлади. Аслида эса ундай эмас. Газетада ёзилған бир фактни келтираман. Сув хўжалиги министрлиги мелиорация системаларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи газета муҳбири билан суҳбатда сув сарфини 15 процент камайтиради деди. Сув хўжалиги министрлиги эса сув беришни кўпайтирилгани учун мукофот олади. Ўтган йили сув йиғишни ўн беш процентга кўпайтиришди. Бу планга нисбатан! Агросаноат эса етказиб берилған сувнинг 68 процентидан фойдаланади. Агар ҳозир бундай хўжасизликка чек қўймасак, ҳеч бир ўзгаришга эришолмаймиз.

Иккинчиси, пахта монокультураси масаласида. Мен қилмоқ хўжалик соҳасидаги бир йирик иқтисодчидан: «Мамлакатда пахтага бўлған эҳтиёжнинг илмий асосланған ҳажми борми?» деб сўрадим. У «Йўқ» деди. Кўраяспизми, мамлакатга қанча пахта зарурлигини ҳеч ким билмайди. Уни орқа-олдига қарамай сотаверишга ўрганиб қолишган.

Биз ҳаммага, шу жумладан, республика Агросаноати бошлиғи Жўрабековга ҳам савол бердик: ўзбеклар, қорақалпоқ ёки қозоқларнинг шоликорилик билан шуғулланишлари шартми? Бу саволимизга ҳам ҳеч ким жавоб бера олмади. Бир гектар майдондаги шоли шунча майдондаги макка-жўхориға нисбатан беш баравар кўп сув ичади. Агар биз Орол бўйидаги шолзорлар ўрнига беда, маккажўхори эксак, Оролга талай миқдорда қўшимча сув оқарди, ерли халқ яна ўзининг азалий касби — чорвачилик билан шуғулланиш имкониятига эга бўларди. Бу ҳеч бир қўшимча маблағ сарфлашни талаб этмайдиган резервларимиздир. Ҳозир Орол бўйида шоликор хўжаликларнинг кўпчилиги қарздордир. Чунки, шолидан олинаётған даромад ҳаражатини қопламапти.

Бизга реконструкция ишларини амалга оширсак, 10 миллиард куба сув бўшайди, дейишяпти. Бу жамоатчиликни алдашдан бошқа нарса эмас. 10 миллиард куба сувга эга бўлиш учун республикада 20 йил реконструкция ишларини амалга ошириш керак...

Луқма. Бу муддатда Орол қуриб тамом бўлади.

С. Мирзаев. Бу Сув хўжалиги министрлиги учун аини муддао бўлади. Оролни қўтқариш комитетининг шу пайтгача бўлған барча йиғилишларида Сув хўжалиги министрлиги вакиллари иштирок этишарди. Бугун эса улар йўқ. Нега? Чунки, улар ўзларига маъқул келған қарорга эга бўлишди, энди ҳамма нарсага тупуришади.

Луқма. Эҳтимол, улар бугун бу ерда йиғилиш бўлишини билишмагандир?

С. Мирзаев. Нега билишмайди, аъло даражада билишади. Уртоқлар, сиз билан бизни Оролни қўтқариш истаги бирлаштириб турибди. Мазкур қарор эса ҳамма нарсани чалкаштиради. Илгари тадбирлар белгиланади дейилганди. Аслида ҳеч нарса қилингани йўқ. Эндиликда бутун халқ бир ёқадан бош чиқариб курашсагина Оролни қўтқариш мумкин.

Луқма. Аниқ нима иш қилиш керак деб ўйлайсиз?

С. Мирзаев. Иркутскда қилинаётған ишни биз ҳам қилишимиз керак. У ерда ўтган йил октябрь ойдан бери Байкални қўтқариш бўйича барча лойиҳаларни текширувдан ўтказадиган жамоат экспертизаси ишлай бошлади, бу ҳақда Иркутск обкомининг биринчи секретари Бутуниттифоқ радиосидан гапирди. Нега биз шундай қила олмаймиз?

Якнда мен республика Фанлар академияси тайёрлаган, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган материал билан танишдим. Академия тутаётган йўлга амал қилинадиган бўлса, Оролни сақлаб бўлмайди.

Луқма. Улар нима қилишяпти?

С. Мирзаев. Республика Госпланида «Фан-техника тараққиётининг комплекс программаси» экспертиза қилиняпти.

Луқма. Унга ким бошчилик қияпти?

С. Мирзаев. Академиклар Зиёдуллаев, Лебедев имзо чекишган. Материал Госпланда ётибди. Мен президентга шахсан мурожаат этиб: «Сиз Оролни қутқариш тарафдоримсиз ёки йўқми?» дедим. У ўйланиб туриб: «Ҳали бизда экология фалсафаси яратилмаган», деди.

Луқма. Энди нима қилиш керак?

С. Мирзаев. Экспертиза ташкил этиш керак.

Савол. Қандай ташкил этиш керак?

С. Мирзаев. Одамлар қилишяпти-ю. Иккинчи масала. Бизга Орол бўйида сув муаммолари ва экология институти ташкил этиаяпмиз дейишяпти. Шундай савол туғилади: Орол бўйидаги экология муаммоларини шу ҳавзадаги сув муаммолари экологиясисиз ҳал этиб бўладими? Йўқ. Шундай бўлгач, ҳеч қандай марказ бўлмаган, мутахассис олимлар бўлмаган жойда академиянинг институтини ташкил этишдан нима фойда?

Луқма. Бу алдамчиликдан бошқа нарса эмас.

С. Мирзаев. Уртоқлар, биз дарҳол ҳукумат ташкилотларига чиқиб, бу масаладаги ўз таклифларимизни айтишимиз керак.

П. Шермухамедов. «Орол —88» экспедицияси Тошкентда бўлганида республика Сув ҳўжалиги министрлигида, САНИИРИДа, Агросаноатда бўлиб, улардан Оролга даҳлдор маълумотларни олишди ва бу масалада алдамчилик билан шуғулланаётганликларини аниқлашди. Бундан ташқари экологик вазиятни бузиш билан боғлиқ бошқа ҳайратомуз фактлар ҳам аниқланди.

Савол. Уртоқ Мирзаев, айтинг-чи, Орол бўйича ҳукумат комиссияси Сув ҳўжалиги министрлиги вакиллари билан иборат қилиб тузилганлиги тўғри бўлдим? Қарор лойиҳасини аслида табиатни ҳам, шароитни ҳам билмайдиган мана шу ўртоқлар тайёрлашган-ку.

С. Мирзаев. Орол бўйича ҳукумат комиссияси тузилганлиги тўғри иш бўлди. Лекин бу комиссияга Ўзбекистондан кирган кишилар масаладан яхши хабардор эмас эдилар. Оқибатда комиссия тўплаган материаллар 1987 йил 29—30 сентябрда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Фанлар академиялари вакиллари иштирокида муҳокама қилинганда ҳеч ким ҳеч қандай эътироз билдирмаган. Бу комиссия раиси Израэлнинг нутқидан билиниб турибди.

Е. Березиков. Уртоқлар, биз бугун юзага келган реал вазиятдан келиб чиқиб иш қилишимиз керак. Мен экономика, экология талабларидан келиб чиқиб, Оролни қутқариш программасини ишлаб чиқишга киришишни таклиф этаман. Оролни қутқариш комитети қошида аввало сув ҳўжалиги, Агросаноат, экономика бўйича комиссиялар ташкил этиш керак.

Луқма. Бунинг нима зарурати бор?

Е. Березиков. Агар биз аниқ илмий программага эга бўлмасак, ҳеч қачон Оролни қутқара олмаймиз. Жамоатчилик асосида ташкил этиладиган бу комиссияларга шу соҳаларни чуқур биладиган кишилар кириши керак. Оролни қутқариш комитети таклиф этаётган пахта, сабзавот, мева, гўшт, сут ҳажми қай даражада мақсадга мувофиқ эканлигини, шундай шароитда Оролга қанча сув оқиши мумкинлигини аниқлаш ва илмий жиҳатдан муҳокама қилиш керак. Яъни баланси қандай сақлаш мумкинлигини аниқлаш керак. Агар шундай ҳужжатимиз бўлмаса, қуруқ гапдан нарига ўтолмаймиз, бизни мот қилиб қўяверишади, Орол эса қурийдди. Бу комиссиялар дарҳол иш бошлаб, экология, сув ресурслари бўйича ҳужжат тайёрлаши, бунда мамлакат, республика ва энг муҳими, халқ манфаатлари ҳисобга олиниши керак. Бу ҳажжатлар матбуотда эълон қилиниши лозим. Оролни қутқариш комитетининг ўз газетаси бўлса, у жилла курса, ўн кунда бир марта район газетаси форматида рус ва ўзбек тилларида чиқиб турса яхши бўларди. Бу нима учун зарур? Биз газета нусхаларини мамлакатимизнинг Москва, Ленинград, Киев сингари марказий шаҳарларига юбориб турардик, у ердаги илғор фикрли кишилар ҳаракатимиздан огоҳ бўлиб, бизни қўллаб-қувватлашарди. Бизга Бутуниттфоқ аудиторияси керак, у бизга ҳамиша ёрдам берган, бундан кейин ҳам ёрдам беради, деб ўйлайман.

Жамол Камол. Мен Усмоновнинг нутқини тинглаб ҳайрон бўляпман. Бир тонна карамга давлат 500 сўм тўлайди. Бир тонна пахтага ҳам 700 сўм тўланади. Буни адолатдан деб бўладими, ахир?

Нега биз ўзимизни-ўзимиз маҳсулот билан таъминлай олмаёпмиз? Чунки, монокультурага берилиб кетганмиз, эндиликда хатони тўғрил, пахтачилик билан оқилонга шуғулланиш қийин бўлаяпти, Орол қуриаяпти. Нима учун қуриаяпти? Ҳаммаёқ пахтазор бўлиб кетганлиги учун қуриаяпти.

Нега Грузияда, Арманистонда одамлар биздан яхши яшайди? Чунки у ерда ҳақиқий иқтисодчилар бор. Бизда эса турғунлик йилларида республикани ҳақиқий муттаҳамлар бошқарди. Орол турғунлик даврининг қурбони бўлди. Янги қарорнинг ҳам бирон-бир нафи бўлиши дарғумон. Орол бўлмаса, бутун Ўрта Осиё тамом бўлади.

Н. Худойберганов. Орол тўғрисидаги қарор муҳокама қилинаётганлиги яхши. Оролга ёрдам бериш керак. Қандай ёрдам бериш керак? Афсуски, мазкур қарорнинг, бу ерда ўртоқлар жуда тўғри таъкидлаб ўтишганидек, ҳеч қандай нафи бўлмайди. Израэль мухбирлар билан бир суҳбатда «ҳеч нарсани ўзгартирмасдан Оролни сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз» деди. Ҳеч нарсани ўзгартирмай Оролни қандай қилиб сақлаб қолиш мумкин? Израэль «концепция ишлаб чиқиб, шу асосда иш олиб бориш керак» деди. Биз нима қила олишимиз мумкин? Кўп гапиришимиз, бақиришимиз мумкин, лекин таъқидимиз тегишли жойга етиб бормайди. Айтмоқчиманки, комитет ўзича ишлаяпти, унга эса ҳуқуқий асос керак. Жамоатчиликни кўзғаш керак. Лекин ўз органимиз бўлмаса жамоатчиликни қандай кўзғаймиз? Қарор қабул қилинди-ю, лекин унинг лойиҳасини муҳокама қилиш учун имкон беришмади. Жамол Камол тўғри айтди, мазкур қарор турғунлик даврининг қароридир. Мен худди Эстониядагидек экологик фронт ташкил этилишини таклиф этаман.

Уртоқлар, биз Озиқ-овқат программаси ҳақида гапираяпмиз. Уни Оролсиз қандай бажариш мумкин? Унлаб муаммоларимиз Оролга бориб туташяпти. Болалар ўлимининг кўплиги, аёлларнинг ўз-ўзини ёқиши — ҳаммаси шу муаммо билан боғлиқ. Биз фақат болалар эмас, балки барча ёшдаги кишилар ўлими бўйича юқори ўринни эгаллаймиз. Муаммони ҳал этиш учун ер ва сувнинг ягона хўжайини бўлмоғи керак. Ҳозир эса Сув хўжалиги министрлиги буёққа тортса, Агросаноат уёққа тортади. Бу аҳволда денгизни қутқариб бўлмайди.

Ғ. Умаров. Бу ерда босма ортқан зарурлиги ҳақида гапиришди. Бу таклифни мен ҳам қўллаб-қувватлайман. Газетанинг номи «Орол fronti» бўлиши керак. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарори эълон қилиниши билан хотиржамликка берилиш ярамайди. Оролни қутқариш комитети қарорга қўшимчалар киритиши лозим. Комитет жамоатчилик асосида ишлаяпти.

Е. Березиков. Комитет ҳозир бир неча миллион сўмлик фондга эга.

Ғ. Умаров. Пахта нархини ўзгартириш тўғрисидаги таклиф жуда ўринли. Агар ҳозир пахта экилаётган майдонларнинг 30—35 процентига картошка эксак пахтадан фойдали бўлур эди. Хўш, нега биз пахта экаётганлигимиз учун зарар кўришимиз керак? Пахтага сарфланадиган меҳнат картошкага сарфланадиган меҳнатдан ўн барабар кўп. К. Маркснинг «Нарх сарфланган меҳнат билан белгиладиган» деган қондаси қайда қолади? Агар пахтанинг нархи оширилмаса, меҳнатни ташкил этишнинг оила пудрати усули ҳам, ижарачилик усули ҳам фойда бермайди.

Б. Камолов. АКШнинг Колорадо штатида сувдаги минераллар миқдори ҳар литрида бир граммга етганлиги аниқланганида, бу миллий фалокат деб эълон қилинди ва бунинг олдини олиш бўйича барча чора-тадбирлар кўрилди. «Правда Востока»да ўтган йил 16 декабрда эълон қилинган экологик обзорда ёзилишича, ҳозир Амударё сувидаги турли хил минераллар миқдори литрига 27—28 граммга етибди. Булар турли хил хлоридлар, пестицидлардир. Лекин бизда ҳамма хотиржам юрибди.

Республика Фанлар академиясида бўлган кенгашда шундай дейилди: «Агар Қорақалпоғистон АССР суверен давлат бўлиб, биз унга 60 кубокилометр сувни бермаганимизда, халқаро жанжал пайдо бўлиши мўқарар эди». Аммо биз ўз мамлакатимизнинг онгли граждандаримиз-ку. Орол бўйидаги одамлар ҳаёти учун зарур бўлган 60 кубокилометр сувни бермасликка ҳаққимиз йўқ. Бунга имкониятимиз борми ёки йўқми? Менимча бор. Мен бу борадаги ҳисоб-китобларимни тегишли жойларга тақдим этганман. Сув хўжалиги министрлигида ва бошқа жойларда қараб чиқилади дейишган. Менинг таклифим қарор лойиҳасига ҳам илова қилиниб, иттифоқдош республикаларга юборилган. Мени фақат Тожикистонга қақаришди, у ерда ўз ҳисоб-китобларим ҳақида гапириб бердим. Лекин қарорда менинг таклифларим инobatга олинмади. Чунки КПСС Марказий Комитетида ҳам, СССР Министрлар Советида ҳам бу масала билан бевосита сувчилар шуғулланишяпти. Улар ўз манфаатларига зид иш қилишармиди.

Энди иқтисодий ҳисоб-китобларга тўхтайлик. Мен иқтисодчи эмасман, шунинг учун янглишмоғим мумкин. Ўн биринчи беш йилликда мелиорация ишлари учун 7 миллиард 762 миллион сўм ёки ҳар йил учун 1,5 миллиард сўмдан ажратилди. Қишлоқ хўжалиги фонди эса 12 миллиард сўмни ташкил этди. Аслида илгари олиб келинган ҳосилни етиштириш учун йилига қўшимча 2,5 миллиард сўмдан сарфланади. Лекин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ўсмади. Бошқача айтганда, сарфланган капитал маблағ фойда бермади. Эндиликда янги қарор бўйича ўн беш йилда 30 миллиард сўм сарфланиши керак. Бу вақт мобайнида Орол қуриб тамом бўлади.

Пахта — икки дарё сувининг асосий қисмини ютаётган экиндр. Аини пахта туфайли Орол ҳалок бўлаяпти.

Кўп йиллардирки, республика дотация ҳисобига яшяпти. Фақат 1988 йилда Ўзбекистоннинг марказий бюджетдан олган дотацияси 1,8 миллиард сўмни ташкил этди. Бунда оборот солиғи ҳисобга олинмаяпти. Бу маблағ хом ашё қаерда ишланса, уша ерда қолади. Республика Фанлар академиясида бўлган кенгашда иқтисод фанлари доктори Богданов Ўзбекистонни энг емаҳқур регион деб атади. Ўзбекистон ўзини-ўзи боқолмаётган эмиш. Юридик фанлари доктори Литвинованинг «Литературный Киргизистан» журналининг 1988 йил 6-сонида босилган мақоласида ҳам мана шунга ҳамоҳанг фикрлар айтилган. Мақолада қуйидаги сатрларни ўқиб мумкин: «...Шу нарса мақсадга мувофиқки, иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий фаолиятини интернационал алоқаларни чўқурлаштириш ва шу билан бирга ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ўз харажатларини ўзи қоплаш принциплари асосига қуриш мақсадга мувофиқдир. Бу боқимандалик миқёсларини кескин камайтириш ва мамлакатнинг бир қатор регионларидаги ортиқча меҳнат ресурсларини тўла жалб этиш имконини берарди.» Ёки бошқа бир мисол: «Таажубланарли жойи шундаки, бу республикалар (Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон) ўз бюджетларига оборот солиғини (бюджет даромадларининг асосий манбаини) ва аҳолидан олинадиган даромад солиғини йил сайин тўлиқ олишади. Бундан ташқари улар Бутуниттифоқ бюджетидан дотация олишади, яъни мунтазам ишлаб чиқараётганларига нисбатан кўп истеъмол қилишяпти.» Бу сатрлар 1987 йил октябрь ойида матбуотда эълон қилинган «Бюджет тўғрисидаги қонун»дан олинган. Мақолада яна шундай сатрлар бор:

1. «Иттифоқ бюджетида дотация тўрған ёки унга жуда оз маблағ ажратаётган республикалардаги аҳоли салмоғи ўсиши, бир томондан иттифоқ бюджетининг асосий қисмини ҳосил қилаётган республикалар аҳолиси салмоғининг камайиби кетишига, иккинчи томондан СССР бюджетидagi тангликнинг кучайишига олиб келади.

2. СССРда оз миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган республикалар аҳолиси салмоғининг қишлоқ аҳолиси салмоғига нисбатан ўсиши ва асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқараётган республикалар қишлоқ аҳолиси мутлақ миқдорининг камайиши, Озиқ-овқат программасининг бажарилишини мураккаблаштириши мумкин.

3. Аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлган республикаларнинг салмоғи ўсиши ва аҳолисидан саноатдаги ишчилар синфи шаклланаётган республикалар аҳолиси салмоғи камайиши, ССР Иттифоқининг социал-иқтисодий тараққиётини мураккаблаштириши мумкин.

4. Экономика ва фаннинг мураккаб соҳаларида ишлаш тажрибасига эга бўлган миллатлар салмоғи камайиши ва бундай тажрибага етарли эга бўлмаган миллатлар салмоғи ўсиши, Фан-техника тараққиётини мураккаблаштиришга қодирдир.

5. Кўпроқ ҳарбий-тарихий тажрибаси билан ажралиб турадиган миллатларнинг салмоғи камайиши ҳарбий-стратегик ваазифаларнинг бажарилишини мураккаблаштириши мумкин». Бу гапларнинг ҳаммаси Литвинованинг мақоласида бор. Уни ўқиб тўлқинланмаслик ва ғазабланмаслик мумкин эмас. «Қишлоқ ҳақиқати», «Правда Востока» газеталари мазкур мақолага қарши чиқишлар қилишди.

Луқма. Бу аёл қаерда ишлайди?

Б. Камолов. Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими.

Луқма. Унга муносаб жавоб бериш керак.

Б. Камолов. Бу аёл маълум даражада ҳақ. Биз ўз-ўзимизни боқолмаяпмиз. Бизда ишлаб чиқариш ривожланмаяпти, ўз хом ашёмизни ўзимиз қайта ишлаш имконига эга эмасмиз. Техник-иқтисодий жиҳатдан қолюқ халқ бўлиб қолаяпмиз. Умуман ҳар жиҳатдан орқадамиз.

Луқма. Бунга ким айбдор?

Б. Камолов. Шу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси айбдор. Биз йигирма-ўттиз йил лом-лим демай юрдик, муаммоларимизни кўриб кўрмасликка олдик. Юқоридан берилган субъектив қарорларни бажаришни қонун деб ҳисобладик.

С. Мирзаев. Н. А. Муҳитдинов шу масалаларни қўйгани учун уни Президиум аъзолигидан чиқаришган.

Б. Камолов. Биз пахта экспорт қилаётганлигимиз билан ўзимизни ўзимиз овутиб юрибмиз. Аслида 700 минг тонна пахта экспорт қилиб, чет эл валютасида 270 миллион сўм даромад қилаяпмиз. Пестицидлар сотиб олиш учун эса 1987 йилда мамлакатимиз 500 миллион сўм чет эл валютасини сарфлади. Бу пестицидларнинг асосий қисми Урта Осиё республикаларида ишлатилади. Бу ЮНЕСКОнинг маълумотларидир.

Республикада аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш бир қанча кўрсаткичлар бўйича камайиб кетди ва гўшт, сут ҳамда тухум истеъмол қилиш даражаси Умумиттифоқ ўртача даражасидан деярли икки баравар орқада қолмоқда. Иттифоқдаги ва Ўзбекистондаги ва борадаги нисбат куйидагича: нон: 130 кг — 172 кг; гўшт: 60 кг — 29 кг; сут маҳсулотлари: 250 кг — 165 кг; картошка: 45 кг — 22 кг; сабзавот: 142 кг — 93 кг. Илгари мевалар ўлкаси бўлган республикамиз аҳолиси ҳозир иттифоқ миқёсидаги кўрсаткичнинг 42 проценти миқдорида мева истеъмол қилмоқда. Бошқа зарур маҳсулотлар етишмаётганлиги сабабли нонни кўпроқ истеъмол қилишга тўғри келаяпти.

Бизда аҳолини боқиш ва Оролни тўлғаиш учун сув етарли. Бунинг учун фақат пахта етиштиришни 3 миллион тоннага тушириш керак. Иттифоқ бюджет комиссияси раиси сессияда сўзлаб: «Иттифоқда пахта майдонларини 20-30 процентга камайтирса бўлади, бунга пахта толасидан ип олишни такомиллаштириш орқали эришиш мумкин», деди. Ҳозир мамлакатимизда ҳар бир киши ҳисобига 27 метрдан газлама ишлаб чиқарилаяпти. Бу дунёдаги ривожланган мамлакатлардаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар юқори.

А. Пўлатов. Бунинг сабаби шуки, биз синтетик материаллардан самарали фойдаланишни ҳамон ўрганиб олганимиз йўқ. Масалан, шина саноатимизни олайлик. Бу соҳа бир олам пахта толасини сарфлайди. Фарб мамлакатлари эса шина ишлаб чиқаришда аллақачоноқ синтетик толадан фойдаланишга ўтишган. Биз ҳамон ипгазламадан қоп тайёрлаб юрибмиз. Оқибатда магазинларимизда ипгазлама буюмлар анқонинг уруғи бўлиб қолаяпти. Зиғир толаси нима эканлигини унутиб юборганимизга анча вақт бўлди. У кўрпа-тўшак учун ажойиб материалларни кўриб олганмиз.

Биз ҳаракатимизда муваффақиятга эришиш учун программага эга бўлишимиз керак. Худди партия программаси сингари, унда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар белгиланиши керак. Пахта тейайдиган технологияни пропаганда қилишни ҳам кучайтириш зарур. Мамлакатга пахта сув ва ҳаводай зарур бўлган даврларда биз ўзимизнинг ҳузур-ҳаловатимиздан кечиб бўлса ҳам, бу вазифани бажаришга ҳаракат қилдик. Эндиликда биз айнан пахта монокультураси туфайли ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан ноқулай вазиятга тушиб қолдик. Шундай бўлгач, қардошларимиз интернационализм принципларига содиқ бўлсалар, бизга қийин бўлган ҳозирги шароитда пахта кўпроқ ишлатиш ҳақида қайғурсинлар. Республика Давлат табиатни муҳофаза қилиш комитети Оролни қутқариш бўйича амалга ошираётган ишлар ҳам жамоатчилик назоратида бўлиши лозим.

П. Шермуҳамедов. Бу комитет бизга ёрдам бермаяпти. Мен буни шахсан ўртоқ Нишонова маълум қилмоқчиман.

А. Пўлатов. Республика табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитети ва республика Сув хўжалиги министрлиги коллегия ййғилишларида Оролни қутқариш комитети вакиллари иштирок этишсин. Оролни қутқариш комитетига ҳақ олиб ишлайдиган юксак малакали юрист керак.

Г. Нуруллаева. Ҳозир ўлкамиз экологик фалокатни бошдан кечираяпти. Бу фалокатни катта зилзила ёки Чернобилдаги фожа билан қиёслаш мумкин. Лекин жамоатчилик нимагадир хотиржам. Нега бундай бўлаяпти? Нега халқ оёққа турмаяпти? Мен шунга ҳайронман. Оқибатда Оролни қутқариш масаласи бу ишга дахлдор бўлган ташкилотларнинггина иши бўлиб қолаяпти. Уларнинг фаолияти эса, сиртдан қараганда, турган жойида югураётган одамнинг ҳаракатини эслатади. Газеталарни ўқисангиз, гўёки нималардир қилинаётганга ўхшайди. Аслида эса ҳеч гапдан дарак йўқ. Орол сатҳи ой сайин пасайиб бораёпти. Мен бу ерда сўзлаган нотикларнинг фикрларига қўшиламан, Орол тўғрисидаги қарор қўшимча бандлар билан тўлдирилиши керак.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон дотацияда ўтирган эмиш. Бу қанақаси ахир?! Халқ эртаю-кеч бетиним меҳнат қилса-да, яна қарзга яшаса. Бу масалага ҳам равшанлик киритиш керак.

Г. Ҳожибоева. Мен Березиковнинг таклифига қўшиламан. Оролни қутқариш комитетига малакали мутахассисларни жалб этиш лозим. Шундай қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Ягона экологик фронт ташкил этиш кераклиги ҳақидаги фикр ҳам яхши. Бу фақат илмий ходимларнинг эмас, балки ишчи ва хизматчилар, студент ёшлар, барча жамоат вакилларининг ягона ҳаракати бўлиши керак.

Яқинда экологик омилларни тадқиқ этиш лабораторияси ташкил этилди. Бу масалада бизга Мутал Ҳошимович Холмуҳамедов, Расул Ғуломович Ғуломов яқиндан ёрдам беришди. Биз ҳар бир бошлаган ишимизни охирига етказишга ўрганишимиз керак. Шу жиҳатдан Бўстонлик ибратли иш бўлди. Уни ҳимоя қила олдик. Катта қийинчиликлар билан бўлса ҳам ғалабага эришдик. Айни пайтда курашдаги тажрибамиз ҳам ортди.

Мен академик Усмоновнинг нутқини эътиборсиз қолдирилмайман. Мен врачман, аёллар меҳнатини тадқиқ қиламан. Уртоқ Усмонов бу ерда эрта тонгдан кун ботгунча меҳнат қиладиган венгер деҳқонлари ҳақида гапирди. Ғўёки, шунинг учун уларда меҳнат унумдорлиги юқори эмиш. Кечирасиз, мен пахта териш машиналарини бошқарадиган аёллар меҳнатини ўрганганман. Соғлом, гунгурсдай аёлларнинг кун охирига борганида оғизларидаги нонни чайнаб ютишга мадорлари қолмайди. Бундай гапларни гапирмаслик керак, ўзбек деҳқонини ранжитиб қўйишимиз мумкин... Усмоновнинг гапидан шундай маъно чиқаяптики, биз яхши ишламаганимиз учун ночор ҳаёт кечираётган эканмиз. Аслида ундай эмас-ку, бизнинг колхозчилар ҳам эрта саҳардан кун ботгунча меҳнат қиладилар-ку. Бу ҳақда менда етарли фактлар, рақамлар бор, исталган киши билан баҳслашмоғим мумкин. Фақат битта фарқи шуки, бизнинг одамлар эрта саҳардан кун ботгунча пестицидлар таъсирида ишлашади.

Ҳозир ўзбек деҳқони йилга саккиз килограмм гўшт емоқда. Бу аслида қаҳатчилик-ку! Шундай қилиш керакки, ўзбек деҳқони ўзини ва оиласини етарли озиқ-овқат билан таъминлаш имконига эга бўлсин. Фақат шундагина инсоннинг ақлий ва жисмоний тақомили ҳақида сўз юритиш мумкин.

Ҳозир оила пудрати ҳақида кўп гап бўляпти. Албатта, бу ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор усулидир. Лекин бу усул Ўзбекистон шароитида қандай жорий этилаяпти? Мен бу ҳақда ўйлаганимда, кўз ўнгимга бола-чақаси билан эрта саҳардан кун ботгунча пестицидлар таъсирида меҳнат қиладиган деҳқон оилалари келади. Утган йил август ойида қонунчиликда ўзгаришлар бўлиши ҳақида гап бўлганди. Ҳомиладор аёлларнинг пестицидлар таъсирида ишлаши тақиқланган. Оила пудрати шароитида уларнинг меҳнатдаги иштирокини қандай қилиб чекласа бўлади? Бунда кичик ёшдаги болалар меҳнатидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Мен бошқа бир усулни таклиф этолмайман. Лекин оила пудрати масаласи ҳал этилаётганда мана шу жиҳатлари ҳисобга олинмасмикан, деб ташвишланыяпман.

А. Хоназаров. Галина Сергеевна, нутқингиз учун катта раҳмат! Чет элларда ҳам ўғитдан фойдаланилади. Лекин у ерда химиявий ўғитдан эмас, балки маҳаллий ўғитдан фойдаланилади. Масалан, Жазоирни олайлик, бу ерда қишлоқ ҳўжалигида химиявий ўғит умуман ишлатилмайди.

Орол тўғрисидаги қарор масаланинг барча жиҳатларини қамраб олган эмас. Орол ва Орол бўйида фалокатли аҳвол содир бўлган экан, денгиз тубини дарахтзорга айлантириш чорасини кўриш керак эди. Агар денгиз ўзани ўсимлик билан қопланмаса, Қорақалпоғистон ерлари ишдан чиқаверади. Ҳозирча бу ерда дапқир-дапқир қум-туз бўронлари бўлиб турибди. Узанни химик воситалар билан маҳкамлаш таклиф этилаяпти, буни зарарсиз деб бўлмайди. Бу ишга киришишдан аввал бу борада жаҳонда тўпланган тажрибани ўрганиш керак. Ҳозир Амударё дельтасидаги тўқайзорлар гоят жадал қуриб бораёпти. Эҳтимол, бу ерда катта қўриқхона ташкил этишни таклиф этсак маъқулдир. Бу Орол бўйи табиати учун фойдали бўлади. Яна бир таклиф. Ҳаракатимизга уруш ва меҳнат ветеранларини жалб этишимиз керак. Сафимизда обрўли кексалар бўлишса, ҳар қандай партия ва давлат ташкилотига бемалол кириб боришимиз мумкин бўлади. Эҳтимол, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарори асосида республика қарорини чиқариш, бунда ҳозир айтилаётган таклифларни инobatга олиш мумкин бўлар.

Е. Березиков. Сиз жамоатчилик асосида Бўстонликдаги миллий парк лойиҳасини тайёрлаб беролмасизми?

А. Хоназаров. Бу ишни қилиш мумкин.

Ю. Ковалев. Биз қарорнинг асл нусхаси билан таниш эмасмиз. Менимча қарорнинг асл нусхаси ва Сув ҳўжалиги министрлигининг таклифлари билан танишиб, бу ерда айтилаётган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, оқилона бир ҳужжат тайёрлаш ва республика ҳамда иттифоқдаги исталган ташкилотга бориш керак. Бу менинг умумий мулоҳазаларимдир.

Бу ерда комитетимиз ходимларининг бир қисмига маош тўланадиган қилиш ҳақида таклифлар бўлди. Олдиндан айтايки, бундай қилмаймиз. Биз ҳатто айрим майда-чуйда ҳаражатларни ҳам ўз ёнимиздан қилаямиз ёки Ёзувчилар союзидан маблағ олаямиз. Буни қаранг, ўртоқлар, Орол фондида болалар 1—2 сўмдан юборишяпти, оиласи бюджетини қисқартириш эвазига ишчилар ўз улушларини қўшишяпти. Биз бу пулларни бюрократик аппарат тузиш учун сарфласак тўғри бўлмайди. Умуман бизга мунтазам ўтириб ишлайдиган бир-икки киши керак.

Е. Березиков. Эҳтимол, Ёзувчилар союзи бирон-бир имкониятини топар.

Луқма. Орол фондидаги пул нимага сарflanади?

Ю. Ковалев. Оролни қўтқариш лойиҳаси бўлиши керак. Бу — биринчи вазифа. Кейин яна кўрамаиз. Лекин аппаратни сақлаш учун сарфламаймиз.

М. Салаев. Турғунлик йилларида иложи борича кўпроқ пахта етиштириш асосий мақсад қилиб қўйилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Минг-минг гектарлаб янги ерлар ўзлаштирилаверди, каналлар қазилаверди. Лекин ерларнинг захини қочирадиган дренажлар қуришга, оқава сувлар оқадиган зовурлар қазिशга эътибор берилмади. Натижада сувларнинг асосий қисми тупроққа сингиб, ер ости сувларининг сатҳи кўтарилиб кетди, катта-катта майдонларни шўр босди. Масалан, илгари Янгиер шаҳрида ер ости сувлари олти-етти метр чуқурликда бўларди. Ҳозир ерни 1,5—2 метр қазисангиз сув чиқади. Шўр босган далаларни ювиш учун ишлатилган сувлар Амударё ва Сирдарёга оқизилляпти. Натижада мазкур дарёлар сувидида минерал тузлар миқдори бирнеча баравар ортиб кетди. Орол эса сувсизликдан ҳалокатга юз тутиб, одамларнинг соғлиғига чанг солаяпти. Қуриган денгиз тубидан йилга ўртача 71 миллион тоннагача чанг ва туз кўтарилиб, 500 километр радиусда атрофга учиб бориб тушмоқда. Натижада тупроқдаги шўр баттар кўпаймоқда. Учаётган тузлар таркибиде қишлоқ ҳўжалигида ишлатилаётган барча минерал ўғитлар ва захарли химикатлар бор. Шамол элтиб келаётган тузлар таъсирида Қорақалпоғистон Автоном республикаси, Хоразм, Қизил ўрда, Тошовуз областларидаги кўм-кўк боғлар қуриб, ҳазон бўлаяпти. Биз яқинда «Орол-88»

эспедицияси билан мана шу областларда бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Дехқонлар дарё суви билан суғорилган сабзавот ва полиз экинлари тез қуриб қолаётганлигини айтишди. Минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар кўп ишлатилиши натижасида тупроқ таркиби, меваларнинг тами бузилмоқда, аҳоли ўртасида турли хил касалликлар кўпаймоқда.

Кизил Урда, Қорақалпоғистон область болалар шифохоналари, Хоразм область Гурлан районидида болалар шифохонаси врачлари билан суҳбатлашиб, улар қийин шароитда ишлаётганларига гувоҳ бўлдик. Қарийб барча врачлар сув шўрлаб кетганлигидан, шифохоналарда замонавий диагностика аппаратлари етишмаслигидан шикоят қилишди. Оқибатда улар бемор дардига тўғри диагноз қўйишга қийналишапти. Кўпгина врачларнинг фикрича, ҳозир янги бир касаллик пайдо бўлганга ўхшайди: гўдаклар нормал ҳолда туғилган бўлса ҳам ичи кета бошлайди. Анализ натижасида касаллик чақирувчи микроблар топилмапти. Ҳар қанча ҳаракат қилишса ҳам, гўдаклар туғруқхонанинг ўзидан нобуд бўлишапти. Сўнги даврда ёшлар ўртасида туғма порок, ревматизм, буйрак касали ва бўғинларга туз йиғилиши дардлари кўпайди. Буларнинг ҳаммасига ичимлик сувнинг ифлослиги сабаб бўляпти. Орол бўйидаги шаҳарларда водопровлаштириш даражаси 40—60 процентни, қишлоқларда эса 6-20 процентни ташкил этади. Туркманистоннинг оналар ва болалар соғлиғини сақлаш илмий-тадқиқот институти ходимлари текшириш ўтказиб, Краснодарск ва Тошовуз областларидаги болалар ўлимини қиёслашди. Тошовуз областидаги болалар ўлими Краснодарск областидагига нисбатан уч баравар юқори. Аслида икки областнинг социал шароити бир-бирига яқин. Фарқи шундаки, Краснодарск областида пахта экилмайди. Демак, пахта экиладиган районларда минерал ўғитлар ва заҳарли химикатларнинг кўп ишлатилиши болалар ўлими даражаси юқорилигининг асосий сабабларидан биридир.

Мазкур институт ходимлари Ашхобод районида 368 болани медицина кўригидан ўтказишганда, шулардан фақат 3 нафар бола соғломлиги аниқланди, қолганлари турли хил касалликларга чалинишган. Яна бир мисол. Бухоро область Ёғиздун районидида медицинанинг турли соҳалари бўйича мутахассис бўлган бир гуруҳ врачлар 485 кишини медицина кўригидан ўтказишди. Шундан 168 кишининг турли касалликларга чалинганлиги аниқланди. Ёки Хоразм областини олайлик. 1987 йилдаги ҳисоб бўйича бу областда ҳар минг нафар аҳолидан 135,1 нафарига бемор сифатида диспансерга йўлланма берилди. Шундан 97,8 нафари ўн тўрт ёшгача бўлган болалардир. Хоразм областнинг Гурлан районида ёз ойлари болалар ўлими ҳар минг бола ҳисобига 100 нафарга етган пайтлар бўляпти. Орол бўйидаги туғиш мумкин бўлган аёлларнинг 80 фоизи камқонли касалига мубтало бўлишган. Ҳамма жойда врачлар болалар ўлими ва сариқ касал кўпчилигини тавқидлашди. Бундан ташқари ошқозон-ичак касалликлари, қизил ўнғач раки, сил касалликлари ҳам тез кўпайиб бораёпти. Бунинг биринчи сабаби Орол денгизининг қуриши бўлса, иккинчи сабаби минерал ўғитлар ва заҳарли химикатларнинг ортиқча ишлатилишидир. Мен ўтган йил октябр ойида Туркманистон ақушер ва гинекологларининг I съездида қатнашдим. Унда сўзлаган нотиқлар, агар бугун пахта далаларига заҳарли химикатлар сепиш тўхтатилмаса, бутун Урта Осиё халқларининг яқин йилларда қирилиб кетиши хавфи бор дейишди. Фақат дарё сувлари эмас, балки ер ости сувлари таркибида ҳам заҳар бор.

Мен имкониятдан фойдаланиб, республикамизнинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилмоқчиман: Биродарлар, ичадиган сувимизни заҳарламанг! Чунки пахта баргини қуриган, ҳашоратларни ўлдирган заҳарли доривор ҳайвонни, одамни ҳам ўлдиради! Сувни тежаб сарфланг, ортиқчаси Оролда оқсин! Оролни асрасак, ўз соғлиғимизни асраган бўламиз. Соғлом экологик муҳитни юзага келтириш ошқорачи кураш олиб боришни тақозо этади. Бусиз бирон-бир натижага эришиб бўлмайди. Буни бир дақиқа ҳам унутмайлик.

П. Шермухамедов. Мен бир муҳим фактни сизларга маълум қилмоқчиман. «Орол-88» экспедицияси аъзолари орасида врачлар, ирригаторлар, мелиораторлар, социологлар ва бошқа касб эгалари бор эди. Улар Урта Осиёнинг барча республикаларида бўлишиб, Сув ҳўжалиги министрлиги ва САНИРИнинг кўпгина камчиликларини аниқлашди. Шулар асосида ўртоқ М. С. Горбачевга хат ёзилди. Шу хат асосида маълум чора-тадбирлар белгиланса керак, деб умид қиламан.

Мен Оролни қутқариш комитети ишлари билан сўнги пайтда Урта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг кўпгина жойларида бўлдим. Орол ва Орол бўйининг тақдирини тўғрисида турли тоифадаги кишилар билан суҳбатлашдим. Яширмайман, турли хил, ҳатто бир-бирига зид фикр-мулоҳазаларни ҳам айтишди. Масалан, Туркманистонда: «Тўғри... тўғри... Оролни қутқариш керак... Лекин Қорақум каналига тегманглар, Зеил сув омборини ва Тошовуз каналини қуришимизга халақит берманглар. Аввало Аму-Бухоро каналини тартибга келтириб олинглар, унда оқаётган сувнинг эллик фоизи исроф бўляпти-ку.» дейишди.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетида бўлган қабулда тожикистонлик дўстларимиз Оролни қутқариш учун қўлларидан келганча ҳаракат қилиб, сувдан омилкорлик билан фойдаланаётганликларини айтишди. Аммо бу республикада айрим жойларда Амударё суви булғанаёпти, дарёда электростанциялар қуриляпти. Биз тожик дўстларимизга буни эслатганимизда, улар қарши савол беришди: «Нега Ўзбекистонда кўпгина ифлос зовур сувлари Амударёга оқизилляпти?»

Олмаотада ҳам бўлиб, Қозоғистоннинг раҳбар ходимлари билан суҳбатлашдим. Улар ҳам Оролни қутқариш тарафдори. Лекин қозоқ қардошлар аввал Ўзбекистон пахта майдонларини камайтирсин, кейин биз шозилорларимизни камайтирамай, дейишди. Хуллас, ҳамманинг ўз манфаатлари бор. Мана шу нарса умумий муаммонинг ҳал этилишига халақит бераёпти. Худди буюк рус ёзувчиси Крилов «Оққуш, чўртан балиқ ва қисқичбақа» масалини кечагина ёзганга ўхшайди. Шундай шароитда марказдаги айрим газеталар томонлар тутган позицияларнинг яқинлашувига ёрдам бериш ўрнига шов-шув бўладиган материаллар кетидан қувиб, гўёки, Ўзбекистондаги ҳар бир пахтакорни қўшиб ёзувчи ва порахўрга чиқаришга ҳаракат қиляпти. Ахир, оддий меҳнаткашлар қўшиб ёзиш билан шуғулланишмаган-ку. Аксинча, қўшиб ёзиш узоқ йиллар мобайнида монокультуранинг зўрлаб жорий этилиши натижаси бўлди. Қолаверса, Орол ҳам мана шу нотўғри сиёсатнинг қурбони бўлди.

Орол тўғрисидаги қарорда белгиланган тадбирлар ўз-ўзидан амалга ошмайди. Мовий Оролни эгаларига қайтарш учун ҳамма жойда тўла иш ва сўз бйрилигига эришиш керак.

Табиатга ва одамларга меҳр-шафқат туйғуси билан амалга оширилаётган бу вазифадан ҳам олижанобрoқ иш борми? Наҳотки бунга қарши кишилар бўлса? Минг афсуски, бундай кишилар бор. Булар Сув хўжалиги министрлиги ва унинг сон-санoқсиз ташкилотларидаги «табиати бўйсиндиришга аҳд қилган» кишилардир. Улар «Оролнинг чиройли ўлими» тўғрисидаги эски орзуларидан ҳамон қайтганлари йўқ. Тошкентда бу борада Урта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти ишлаб чиқариш бирлашмаси (САНИРИ) бош деректори В. А. Духовний зўр бераяпти. У Оролнинг ўлимини ҳам, Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Урта Осиёга олиб келишни ҳам батамом қонуний ҳодиса, деб исботлашга ҳаракат қилаяпти. Оролни қутқариш тўғрисидаги гап-сўзларни эса қуруқ сафсата деб ҳисобляпти. Бу одамдан бошқача муносабатни кутиш бемаъниликдир. Чунки САНИИРИга узоқ вақтдан бери бошчилик қилаётган ва «Главсредазирсвохозстрой» бошқармасининг раҳбарларидан бўлган айнан шу одам «табиатга ҳужум»нинг ва Орол ҳалокатининг айбдорларидан биридир.

Мана, қўлимизда «Орол бўйлаб» телефильмининг дастлабки кўриги протоколи» деб аталган ҳужжат турибди. Унинг остига 1983 йил 24 ноябрь, деб ёзиб қўйилган. Бу «кўриқда» режиссёр Ш. Мирҳабибовдан ташқари, Ўзбекистон Давлат радиоси ва телевидениеси ходимлари, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сув хўжалиги бўлими мудир В. И. Сускин, ўша пайтдаги Мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Ҳ. Жўрабеков, «Средазгипроводхлопок» институти директори В. И. Антонов, Мелиорация ва сув хўжалиги министри ўринбосари Д. И. Афонин иштирок этишган. Ушанда фильм кўриги бўлди-ю, муҳокамаси бўлмади, бунинг ўрнига зарур фильмни суратга олишга дахлдор бўлган кишиларни қоралаб кетишди. Айтилган сўзлар ўша давр руҳида бўлди. Қуйидаги саволлар берилди: «Бу фильмга ким буюртма берган?» «Муаллифи ким?» Билдирган фикрлари қуйидагича:

Антонов В. И. — «Бу фильмни бу ҳолида кўрсатиб бўлмайди... Унда баҳс йўқ, аммо Орол ўлаяпти, деган хулоса бор. Жуда ошириб юборилган.»

Жўрабеков И. Ҳ. — «Фильмни кўрсатиб бўлмайди. Орол тўғрисида бундай кўз ёши қилиш ярамайди... Бу ерда Орол фожиаси жуда ваҳимали қилиб юборилган. Оролнинг тақдири бундан йигирма йил аввал ҳал этилган. Ёки суғориш бўлсин, ёки балиқчилик бўлсин дейилган...»

Антонов В. И. — «Фильм бошида харобалар кўрсатилган. Гўё цивилизация йўқ бўлаяпти дейсиз. Фильмни қуйидаги мазмунда суратга олиш мумкин эди: Орол ўлаяпти, лекин бунинг эвазига нималарга эга бўлдик?»

Афонин Д. И. — «Бу фильмнинг муаллифи ким? Нега уни бундай мазмунда олди? Боши берк кўчага кириб қолинганлиги кўрсатилган. Денгизни сақлаб бўлмайди. Бу ҳалокатнинг самараси қандай бўлганлигини кўрсатиш керак.»

Сускин В. И. — «Англияда чиқадиган бир журнал «Коммунистлар Оролни ҳалокатга йўлиқтиришди» деган сарлавҳа билан мақола берди. ФРГ киноматографистлари Орол тўғрисида фильм олишга рухсат сўрашди. Биз рухсат бермадик. Нима зарурати бор? Улар суғориш учун сарфланаётган сувлар одамларга қандай фаровонлик келтираётганлигини кўрсатишармиди? Мана, сиз ҳам фильм ишлаб, буни кўрсатмасиз. Менда ҳам савол пайдо бўлаяпти: фильмни ким буюртирган? Бу ерда ўртоқлар тўғри таъкидлашди, нега Оролнинг ҳалокатини реклама қилишимиз керак?»


Бу ерда ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ. Бугунги кунда Оролнинг ҳалокати одамларга «қандай фаровонлик келтирганлиги» кўпчиликага аён.

Бугунги кунда қарор қабул қилингани ҳали муаммо ҳал бўлди, дегани эмас. Биз шуни унутмаслигимиз керакки, Орол бўйининг экология, санитария ва хўжалик шароитларини Орол денгизининг ҳеч бўлмаса ҳозирги сатҳини сақлаб қолмасдан тиклаш мумкин эмас. Биз бу масалада Қорақалпоғистон АССР олимлари билан ҳамфикрмиз. Эндиликда табиатни асраш билан боғлиқ бир қатор аниқ техник, иқтисодий ва ташкилий тадбирларни дарҳол амалга ошириш пайти келди. Акс ҳолда тадқиқотчилар яқдиллик билан билдираётган фикрга қараганда, денгизнинг қуриш оқибатлари атроф муҳит, одамлар ва экономикага оғир зарба бўлиб тушиши мумкин. Бу эса ўз навбатида регионда янада кенг миқёсдаги салбий ҳодисаларни келтириб чиқаради. Шуни унутмаслик керакки, Оролнинг экологик жиҳатдан йўл қўйилиши мумкин бўлган сатҳи ҳали илмий жиҳатдан аниқланмаган. Лекин унинг сатҳи пасайиши билан боғлиқ салбий ҳодисалар ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам қарордаги: «Орол теварағидаги районларда бузилган экология мувозанатини тиклаш, региондаги табиий муҳит ҳолатига ва иқлим шароитига жиддий таъсир қиладиган табиат объекти сифатида Орол денгизини (акваторияси камайгани ҳолда) сақлаб қолиш...» ҳақидаги сўзлар мана шу фаол позициядан таърифланиши керак. Яъни бу сўзларни денгизнинг ҳозирги сатҳини сақлаш учун курашга даъват деб тушуниш зарур. Бу қонданнинг инкор этилиши ва денгизнинг янада қуриши ва юзаси кичрайишига йўл қўйилиши, бузилган экологик мувозанат тикланишига имкон бермасликдан ташқари, аҳволнинг умумий ҳолатини ўнглаб бўлмайдиган қилиб қўяди.

Орол сатҳини +40 метрда сақлаш расман эмас, амалда зарур. Бу биздан монокультурани тугатишни ва сувни тежаб сарфлашни тақозо этади. Келинг, биргаликда қарорда белгиланган вазифаларни ортиги билан бажаришга, денгизда оқаётган сувни контроль рақамларда кўрсатилганидан кўпроқ бўлишига эришайлик. Уйлайманки, бу ишни амалга ошириш мумкин ва бунинг учун бизга ҳеч ким дашном бермайди. Оролга бундан буён қандай сув оқади, у қадимғидай шифобахш сув ҳавзаси бўладими ёки заҳарли химикатлар, пестицидлар оқизиладиган ўрага айланадими? Биз бу масалага бефарқ қарай олмаймиз. Чунки айнан мана шу ҳодиса Орол бўйида болалар ва аёллар ўлими кескин ўсишига сабаб бўлаяпти. Демак, биз монокультурага қарши кураш ва сувдан омилкорлик билан фойдаланишдан ташқари, Орол атрофидаги «кимёвий фалокатга» ҳам эътиборни сусайтирмаслигимиз керак.

Орол бўйича муҳим ҳужжат қабул қилинган ҳозирги шароитда фикрлар ва ҳаракатлар бирлиги бошланиши лозим.

Ушбу давра сўхбатининг қалам ҳақи Орол фондига ўтказилади.



ВОҚЕА БЎЛГАН НУТҚ

РЕДАКЦИЯДАН

1956 йилда Сталин йўқ, лекин сталинизм мавжуд эди. Шу йили бўлган партия XX съездида сталинизмга ўнғарилмайдиган зарба берилди. Лекин у ҳали тағ-томири билан тугатилмаганди. Сабаби, Сталиннинг қилмишлари қорландию, аммо халқ хўжалигини бошқаришнинг у яратган маъмурий-бўйруқбозлик усули қолаверди. Нагжидада мамлакатда Хрушчев шахсига сўнгиниш, Брежнев шахсига сўнгиниш пайдо бўлди. Ўзбекистонда юзага келган рашидовчилик сталинизмнинг турғунлик йилларидаги хунук кўринишларидан бўлди. Бугунги кунда бу салбий ҳодиса моддий ва маънавий ҳаётимизга қай даражада зарар етказганлиги кўпчиликка маълум.

Республикаимиздаги соф виждонли кишилар рашидовчиликка қарши у энди пайдо бўлган замонлардаёқ бош кўтаргандилар. Улар қувғинлар ва таъқибларга қарамай, жамиятимизда илдиз отаётган салбий ҳодисалар — хушомадгўйлик, вазифасини суиистеъмол қилиш, қалбакичиликка қарши мардона курашдилар. Шулардан бири, Тошкент обкомининг собиқ ходими, кекса партия аъзоси, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани Вали Усмоновдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ В. Анишчев 1988 йил 3 ноябрда «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган мақоласида таъкидлаганидек, «у 1964 йилда область партия конференциясида Рашидов кек сақловчи, танқидни бўғувчи ва мунофиқларнинг ҳомийси деб очиқдан очиқ айтди. В. У. Усмонов бунинг учун кўп нарса йўқотди».

Қадимги Римда Спартак бошчилигидаги кўзғолончилар Красс армиясига қарши жангда мағлубиятга учрашаётганда, кўзғолончилар бошлиғидан унинг ёнидаги бир сафдоши сўрабди: «Нега биз енгилаямиз?» Шунда Спартак қўйидагича жавоб қилган экан: «Чунки, озодликни ҳамма истамайди-ку, лекин озодлик учун курашиб қурбон бўлишни ҳамма истамайди-да».

Бундан икки минг йил аввал Римда бўлган қуллар кўзғолонини ўйлаганда ва қўйида берилган нутқ ва унинг тафсилоти билан танишганда, киши беихтиёр бу кўҳна заминда ноҳақлик билан ҳақиқатнинг кураши мангу эканлигини, аммо эртами-кечми ҳақиқат ғалаба қилишини ўйлайди. Яна турғунлик йилларидаги жамиятимизда юзага келган биқик вазият нега узокқа чўзилган, деган саволга жавоб топандай бўламиз: чунки ўша пайтда Вали Усмоновдай кишилар кам бўлган-да, дегингиз келади. Лекин, ўша даврда бундай кишилар оз бўлса-да бор эди. Йиллар ўтган сайин уларнинг сафи ортиб борди ва биз бугунги қайта қуриш замонига етиб келдик.

Қўйида Вали Усмоновнинг 1964 йил 25 декабрда Тошкент область партия конференциясида сўзлаган нутқи билан танишсиз.

Делегат ўртоқлар! Пойтахт областимиз меҳнаткашлари ўз партия ташкилоти раҳбарлигида, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кўмагида, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг бўлажак қирқ йиллик юбилейидан илҳомланиб, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги план ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминладилар. Булар ҳақида ўртоқ Абдураззоқов ўз докладида батафсил гапирди.

Мен партия кадрларини тўғри тарбиялашга тааллуқли баъзи бир масалаларга тўхталишни истайман. Ўртоқлар, Совет Иттифоқининг барча коммунистлари ва совет халқи томонидан яқдиллик билан маъқулланган КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1964 йил) Пленуми қарорлари Ленин васиятига, йўл қўйилган хатоларни дадил ва ошқо-ра очиб ташлаш, хатолардан ўрганиш, уларни тузатиш ва бартараф этиш бўйича тадбирлар белгилаш талабига тўла жавоб беради. Марказий Комитет Пленуми қарори партиямизнинг обрўси, унинг ленинча принципааллиги, унинг бирлиги ва жипслиги ўсганлигини тасдиқлайди. Партиямиз бу ленинча принципга амал қилиб, ўз фаолиятидаги хато ва камчиликларни дангал очиб ташлаб, ошқо-ра танқид қилади ва қатъият билан бартараф этади.

Партия XX съезди қарорларига мувофиқ равишда шахсга сиғиниш оқибатларига қарши кураш олиб борилаётган шароитда, барча салбий жиҳатлари билан, Хрушчев шахсига сиғиниш пайдо бўлганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бунинг учун Хрушчевнинг шахсий сифатлари билан боғлиқ субъектив омиллардан ташқари, яна қандай шароит ва сабаблар бор эди?

Ўртоқ Хрушчев ўн йилдан ортиқ КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Совети Раиси лавозимларида туриб, ўз нутқларида Ленин васиятларини ҳаётга тадбиқ этиш тўғрисида бетиним гапирди, ўзини ленинчи ҳисоблади, дунёда тинчлик учун курашнинг байроқдори деб билди. Бундай шароитда Коммунистик партия ва Совет давлати қўлга киритган барча ютуқларни унинг номи билан боғлай бошлашди. Бу ҳам етмагандек, уни — Хрушчевни турли йўллар билан кўқларга кўтара бошладилар. Бу ишда ўртоқ Рашидов алоҳида, «буюк» роль ўйнади. У ҳар нутқида Хрушчевнинг номини ўн-ўн икки марта тилга олиб, Совет Ўзбекистони экономика ва маданиятни ривожлантиришда қўлга киритган ютуқларни унинг номи билан боғлади. Агар мажозий ифодалаш мумкин бўлса, у Хрушчевга худого сиғингандек сиғинди.

Гапларим асосиз бўлмаслиги учун, ўртоқ Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари бўлиб ишлаган даврида сўзлаган ва матбуотда эълон қилинган айрим нутқларини эслашга рухсат беринг. Бу нутқларида у Хрушчев олдида кўнглини айнитадиган даражада лаганбардорлик ва хушмадгўйлик қилган, бу одамни кўқларга кўтарган, гўёки, усиз совет ерида ҳаёт бўлмайдигандек. Бу ҳам етмагандек, гўё Совет Ўзбекистонининг бутун гуллаб-яшнаши бевосита Хрушчевнинг номи билан боғлиқ эмиш. Ўртоқлар, ахир бу мамлакат олдида турган барча энг мураккаб масалаларни Октябрь революциясидан бери социализм ва коммунизм манфаатлари йўлида ҳал этиб келаётган буюк партиямиз ва Совет ҳукуматига тўхмат-ку.

Менимча, қуйидаги факт ўртоқ Рашидовнинг нотўғри хулқ-атвориغا яхши мисол бўла олади. У КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1959 йил) Пленумидаги нутқида шундай деган: «Синалган ва содиқ ленинчи, партия Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Никита Сергеевич мамлакатимизнинг бошқа халқлари сингари, ўзбек халқига ҳам улкан эътибор берапти ва кишини тўлқинлантирадиган ғамхўрликлар кўрсатапти». Кетидан у яна шундай дейди: «Ўзбекистон партия ташкилоти, барча меҳнаткашлари сизга, кадрли Никита Сергеевич, чин қалбдан катта, самимий ўзбек раҳматини йўллайди».

Ўртоқ Рашидов партиямизнинг XXII съездида Хрушчевни ҳаётдаги чуқур жараёнларни ажойиб билимдони, доно, мард ва қатъиятли деб алқаб, шундай деган: «Ўзбекистон халқлари Никита Сергеевични чин қалбдан, чин юракдан ўзларининг энг яқин, кадрли дўстлари ва севимли устозлари деб биладилар». Менимча, ўртоқ Рашидовнинг бу сўзларига ортиқча шарҳнинг ҳожати йўқ. Лекин қуйидаги фикрни таъкидлаш мумкин: ўртоқ Рашидов шуни билсинки, биз коммунистлар учун кадрли ва севимли устоз вазифасини ҳамиша буюк Ленин ва у яратган Коммунистик партия ўтаган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўртоқлар, шу муносабат билан, шу йил 17 октябрда бўлиб ўтган Тошкент область ва шаҳар партия активи ййғилишида ўртоқ Рашидов КПСС Марказий Комитети Октябр Пленуми яқунлари бўйича қилган докладни эслайлик. Бу докладда у шундай деди: «Ўртоқ Хрушчев партия XX съездида, КПСС Марказий Комитети топшириғига биноан «Сталин шахсига сиғиниш ва унинг оқибатлари тўғрисида» жуда одилона доклад қилди. Бироқ, у съездан кейинок, дарҳол партия ҳаётининг ленинча нормаларини буза бошлади. У партия томонидан қабул қилинган умумий йўлни назар-писанд қилмай қўйди, КПСС Марказий Комитети Президиуми, унинг аъзолари ролини назар-писанд қилмай қўйди. Марказий Комитет Президиуми аъзоларини ва бошқа масъул ўртоқларни қувғин қилди, маъмуриятчилик билан шуғулланди. У ҳеч ким билан ҳисоблашмади, атрофига лаганбардорларни, мансабпарастларни ва қабиҳ шахсларни тўплади. Хрушчевнинг атрофидаги одамлар партия ва халқдан узоқ эдилар. Бу ишимизга қаттиқ таъсир кўрсатди. Унинг бир нутқи иккинчисидан ер билан осмонча фарқ қиларди. У ўзини ўзи рад этарди. Партия ва давлат ишлари, айниқса кадрлар масаласи унинг оиласида, оила аъзолари билан бамаслаҳат ҳал этиларди. Ҳеч бир одам ўз ўртоқларини Хрушчев сингари ҳақоратламаган. У ўзини дунёда яққаю-яғонаман, деб биларди. Ўзини қишлоқ

хўжалиги соҳасида худоман, дерди, фанда ҳеч вақони тушунмасди, бу борада маъмуриятчилик қилавериб, ҳамма нарсани чалкаштириб юборди. Ўртоқ Хрушчевнинг феъли жуда тажовузкордир. У жуда тажовузкор одам...» ва бошқалар.

Ўртоқлар, гарчи бу сўзларни ўртоқ Рашидов айтган бўлса ҳам, лекин бу Марказий Комитет Президиуми ва КПСС Марказий Комитетининг фикри ва қароридир. У буларни фақат тўтидек такрорлади. Мен мана шу юксак минбарда туриб шунга амин бўламанки, ўртоқ Рашидов Хрушчев лавозимидан бўшатишга қалбани рози эмас. Агар у рози бўлганида, КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари асосида ўз хулқ-атворини таҳлил қилиб кўрарди. Хрушчев йўл кўйган хатолар ўртоқ Рашидовнинг ўзида ҳам оз эмас, мен куйида бу ҳақда гапираман. Марказий Комитетнинг октябрь Пленуми бўлиб ўтганига уч ой бўлаяпти, аммо у лом-лим демаяпти. Бу ҳам етмагандек, ўзини фаришта қилиб кўрсатишга ҳаракат қилаяпти. Йўқ, партия аъзосининг бундай хулқ-атворини партия кечиролмайди. Ўртоқ Рашидов, тушунинг ахир, сизнинг Хрушчевга нисбатан лаганбардорлигингизни ва хушомадгўйлигингизни матбуот орқали бутун партия, бутун совет халқи билган. Сиз буюк партиямиз ва Совет ҳукуматини, Хрушчевни кўкларга кўтариб мақтаганчалик мақтамагансиз.

Ўртоқ Рашидов ўз нутқларида Хрушчевга мардлик, революцион миқёс ва чуқурлик, донолик, узокни кўра билиш каби ленинча сифатларни мунтазам тиркаб келди, буларнинг ҳаммасини қисқа нутқда санаб ўтиш қийин. Наҳотки, эндиликда ўртоқ Рашидов буларнинг ҳаммасини унутди, у ҳозир Хрушчев ҳақида мутлақо тескарисини гапираяпти.

Мана сизга мисол. Тошкент саноат ва қишлоқ обкомининг шу йил 24 ноябрда бўлган кўшма пленумидаги докладида ўртоқ Рашидов шундай деди: «...партия қурилишидаги пухта ўйланмаган экспериментлар сўзсиз салбий оқибатларга олиб боради. Ташкилий қайта қуриш масалаларини ҳал этишда субъективизмга, шошма-шошарликка йўл кўйиб бўлмайди, маълум эҳтиёткорлик, тўпланган тажрибани ҳар томонлама ҳисобга олиш ва кўзда тутилаётган ўзгаришларнинг барча ижобий ва салбий жиҳатларини объектив баҳолаш талаб этилади.

Ўртоқ Хрушчев бу шак-шубҳасиз ҳақиқатларни кўпинча назар-писанд қилмади, — у турли-туман қайта қуришлар, ўзгартиришлар, шубҳали янгиликлар билан ҳаддан ташқари кўп қизиқди». Шундан кейин у: «Ўйланган бу қайта қуриш КПСС Уставига, партия ташкилотининг амалда синалган ташкилий қурилиши принципига зид эди», дейди.

Шу муносабат билан, ўртоқ Рашидов КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1962 йил) Пленумида нималар деганини эслатишга руҳат беринг: «Ўртоқ Хрушчевнинг доклади партия қурилиши масалалари, коммунистик жамият қуриш муаммолари чуқур ва революцион шижоат билан ишлаб чиқилиши жиҳатидан, ижодий марксизм-ленинизмнинг чинакам намунаси, илмий коммунизм назариясининг ривожлантирилишига қўшилган янги ажойиб ҳиссадир».

Ўртоқ Рашидов Хрушчевнинг докладыни, илмий коммунизм назариясининг ривожлантирилишига қўшилган янги, ажойиб ҳисса деганини ва ҳозир бу йўлни КПСС Уставига зид йўл деб кескин танқид қилаётганлигини билладими? Шундай катта партия ходими бирдан бир юз саксон градусга ўзгартирилиб ва одамлардан ҳеч бир уялмай, улар олдида бири иккинчисидан ер билан осмонча фарқ қиладиган нутқлар сўзласа ғалати бўлар экан. Мен буни тингловчиларни таҳқирлаш, деб биламан. Сиз ўртоқ Рашидов, бундай хулқ-атворингиз билан Ленин партиясининг ҳар бир чинакам аъзоси учун қимматли бўлган ленинча йўлга хиёнат қилаяпти, партияга панд бераёпсиз.

Ўртоқ Рашидов партия активи йиғилишида айтишча, Хрушчев Мирзачўл менинг номим билан аталсин, деганмиш. У эса бунга қарши чиққан эмиш. Албатта, Хрушчев мансабларидан кетганидан кейин у ҳақда ҳар нарсани гапириш мумкин. Биз фактларга мурожаат қилиб, қуйидагиларни айтишимиз мумкин. Ўртоқ Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1963 йил февраль ойида бўлган пленумида совет пахтачилигидаги йирик ўзгаришларни Хрушчевнинг хизмати қилиб кўрсатишга ҳаракат қилиб: «Бу ўзгаришларнинг ҳаммаси ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг номи билан боғлиқ», деди. Хўш, энди қайси ривоятга ишонсак бўлади? Мирзачўл номи билан аталишини Хрушчев сўраганми ёки ўртоқ Рашидовнинг ўзи лаганбардорларча нутқлари билан Мирзачўл Хрушчев номи билан аталиши учун замин ҳозирлаганми? Кўпроқ Рашидовнинг ўзи шунга интилган бўлса керак.

Булар ҳаммаси менга шундай дейишга асос берадики, ўртоқ Рашидов ўзининг Хрушчевга нисбатан лаганбардорчиликлари ва хушомадгўйликлари тўғрисида Ўзбекистон партия ташкилотига гапириб бериши шарт ва лозим эди, буни партия кадрлари унинг нотўғри хулқ-атворидан тўғри сабоқ чиқариб олишлари учун қилиши керак эди. Ленин унинг бу ҳақда ҳеч гапиргиси йўқ. Бу мени, партия аъзоси сифатида ташвишлантираяпти, унинг бу ишидан уялламаман. Унга катта ишонч билдирилган, у эса, партия тўғрисида буюк ташкилотчи ва жалб этувчи куч сифатида, мамлакатимизда коммунизм қурилишининг етакчиси сифатида гапириш ўрнига, партия ролини пасайтириб, барча ютуқларни Хрушчев номи билан боғлаяпти. Мен ғоят жиддийлик билан айтманки, ўртоқ Рашидов Хрушчевни кўкларга кўтаришда Совет Иттифоқидаги оддий

коммунистлар ва раҳбар ходимлар орасида биринчи ўринни эгалайди. Шунинг учун ҳам мен юқорида ўртоқ Рашидов Хрущевни кўнгилни айнитадиган даражада мактади, дедим. Булар ҳаммаси унинг айтган сўзлари билан боғлиқ хатоларидир.

Эндиликда унинг айрим амалий хатти-ҳаракатларини олиб кўрайлик, буларда ҳам у жуда нохуш таассурот қолдиради. Сўзим асосиз бўлмаслиги учун, келинг, улардан баъзи бирларини эслайлик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари бўлгач, у ўзининг «Бўрондан кучли» романига Ленин мукофоти берилиши учун бир неча марта расман ҳаракат қилди. Унга бу мукофотни беришмади. Унинг томонидан бу масалани қўйилиши нокамтарликдир, иккинчи томондан, унга мукофот берилмаганлиги ёзувчи сифатидаги баҳосини кўрсатади.

Ўртоқ Рашидов барча ютуқларни Хрущев номи билан боғлаб, марксизм-ленинизм назариясини ҳали етарли эгалламаганлигини кўрсатди. Ҳа, ўртоқлар, менинг бундай дейишга асосим бор. У бу билан партиянинг ролини пасайтирди. Буни куйидаги яққол мисол ҳам тасдиқлайди. Ўртоқ Рашидов Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг қирқ йиллик юбилейга бағишлаб, Хрущевнинг Урта Осиёда бўлиши тўғрисида китоб ёзди. Бу китобни Хрущевнинг нутқларидан олинган цитаталар, унинг Урта Осиёда бўлиши билан боғлиқ фотосуратлар билан безади. Хрущев тўғрисида кўп ҳамду-санолар айтди. Мана сизга лаганбардорлик ва хушомадгўйликнинг классик намунаси. Нашриёт бу китобни тайёрлаш ва босиб чиқариш учун ўн минглаб сўм сарфлаб, Хрущев лавозимидан кетганидан сўнг уларнинг ҳаммасини йўқ қилишга мажбур бўлди. Шу муносабат билан, юбилейга чиқарилиши планлаштирилган кўпгина бошқа китоблар босилмай қолди. Кўриб турибсизки, Рашидов маддоҳлик қилиб, боши берк кўчага кириб қолди.

Хрущевни кўпларга кўтариш орқали у шахсий мақсадларни кўзларди. Унинг қабиҳ мақсадининг исботи бўлиб куйидаги мисол хизмат қилиши мумкин. Ўртоқ Рашидов О. Алимовга нисбатан қандай муносабатда бўлганлиги барчага маълум, бу одамни у Ўзбекистон Компартияси XVI съезди олдида яшириб қўйди, унга съезд ишида иштирок этиш имконини бермади. Ахир О. Алимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзоси, республика Министрлар Совети Раиси, съезд делегати эдику. Бу партия ҳаётида ҳеч бўлмаган ҳодиса. Бу ўзравонликнинг ҳақиқий сабаблари партия активига ҳамон номаълум. Буни ленинча метод деб бўладими? Йўқ, ўртоқлар! Бу партия ва совет демократиясини кўпол равишда бузишдир. Бу чинакам ўзравонликдир. Агар ўртоқ Алимов ўз фаолиятида ва хулқ-атворида камчилик ва нуқсонларга йўл қўйган бўлса, ўз мавқеига номуносиб ишлар қилган бўлса, нега бу ҳақда республика коммунистларига ўз вақтида ошқора айтилмайди, унинг мисолида бошқаларни тарбияланмайди? Менимча, ўртоқ Алимовнинг республика Министрлар Совети Раиси бўлиб ишлаши, кўпроқ Рашидовнинг ўзига ёқмаган. Фақат угина ўзи билан биргаликда ишлаётган коммунистга нисбатан шундай фирромларча муносабатда бўлаолади. Бунда ўртоқ Рашидов Хрущев билан яқинлигидан фойдаланди, у орқали съезд арафасида ўртоқ Алимовни яшириб қўйишга муваффақ бўлди. Бундай хатти-ҳаракатлар ўртоқ Рашидовни безайдими? Йўқ, албатта! Ўртоқ Рашидов фақат Алимовга нисбатан эмас, балки республикадаги бошқа кўпгина партия ва давлат кадрларига нисбатан ҳам худди шундай муносабатда бўлган. Мен ўз сўзларимга жавоб бераман, шунинг учун бу ҳақда тўла ошқора йўсинда гапираяпман. Аминманки, КПСС Марказий Комитети бу ўзравонликни, партия қонунларини бузиш ҳолларини ўрганади ва зарур чоралар кўради.

Ўртоқ Рашидов қассоскор, танқидни бўғувчи одам ва танқидни бўғувчилар, партия интизомини бузувчилар ва риекорларнинг ҳомиисидир.

Ўртоқлар, Хрущевда мавжуд булган барча хато ва камчиликлар, ўртоқ Рашидовнинг фаолияти ва хулқ-атворида ҳам бор. Лекин партия аъзоси сифатида мени шу нарса таажжублантиради ва ҳайрон қолдирадики, у бу ҳақда гапирмаяпти ва лом-лим демаяпти. Шу сабабли мен янада ишончлироқ бўлсин учун, уларнинг айримларига тўхтаб ўтаман.

Ўртоқ Рашидов кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни ленинча принципга биноан эмас, балки қариндошлигига, ҳамюртлигига (масалан, Н. Ж. Худойбердиев — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари, С. Рашидов — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети қошидаги Партия ва давлат контроли комитети ташкилий бўлими мудир), ошно-оғайниликка қараб танлаяпти, атрофига лаганбардорлар ва хушомадгўйларни, риекорларни тўплаб олган.

Ўртоқ Рашидов партия ва давлатдаги юксак мавқеидан фойдаланиб, ўзининг укалари ва қариндошларига ҳомийлик қилаяпти. Шулардан бири ўртоқ Саҳоб Рашидов республика прокурорининг ўринбосари бўлиб ишлаётганида, барча қулайликлари бўлган коммунал квартираси бўлишига қарамай, бир неча ой мобайнида данғиллама уй қуриб олди. У шохона уй қурганлиги тўғрисида шикоят тушганида, уни ҳимоя қилиш учун антиқа йўл тутишди — у қурган уйини маҳаллий Советга топширди. Бироқ у бу уйда яшайверди, коммунал квартирасини эса, совет давлатининг турар жой майдони бериш тўғрисидаги қонунларига хилоф равишда, укасига берди. Буларнинг ҳаммаси ўртоқ Рашидовга маълум ва уни безамайди, у халқнинг кўзи ўнгида партияни алдаяпти.

Уртоқ Рашидов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси бўлиб ишлаган пайтида юз минглаб сўмлаб сайлов маблағларининг қонунга хилоф равишда тўланишига йўл қўйган. Унинг бу ишлари ҳамон ўз баҳосини олмаяпти.

Уртоқ Рашидовнинг Хрущевга ёқиш учун уриниши шу даражага етдики, унинг республика юбилейига келишига тайёргарлик кўриб, сайр-томоша қилиши учун, кўриқхона томон янги, катта йўл қурдирди, шу мақсадда бошқа муҳим халқ хўжалиги объектларида банд бўлган маблағлар ва техникани жалб этди. Уртоқ Рашидов КПСС Марказий Комитети декабрь (1959 йил) Пленумида минбардан туриб, «Тошкентдаги ва республикамизнинг бошқа шаҳарларидаги корхоналар инженер ва техник ходимларининг катта группаси киевликлар ташаббусига амал қилиб, колхозларда доимий ишлаш учун жўнаб кетдилар», деди. Шуниси диққатга сазоворки, у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси томонидан шу масала бўйича қабул қилинган қарорда ўртоқ Соатовнинг — ўз қариндошининг фамилиясини биринчи ташаббускор сифатида кўрсатиб, уни колхозга юбормай, Тошкентда олиб қолди, қулай квартира билан таъминлади. Уртоқ Рашидовнинг бундай ярамас хатти-ҳаракатлари ва қилмишлари ҳужжатларда акс этган, уларни ўчириб ташлаб ҳам бўлмайди, тарихдан йўқотиб ҳам бўлмайди.

Мен шуни айтишим керакки, ўртоқ Рашидов ўз докладларида, нутқларида республика коммунистларини шаффофдек тоза, ҳақиқатгўй, самимий бўлишга, одамлар онгидаги ўтмиш сарқитларига қарши тинмай курашишга чақиради. Аслида эса, юқорида айтилганлардан маълум бўлаяптики, у бундай сўзларни айтиш учун маънавий ҳуқуққа эга эмас, фақат расмий ҳуқуққа эга, чунки бошқа коммунистлар олдида қўяётган талабларига унинг ўзи амал қилмайди. У буюк Ленин партияси аъзоси деган номга муносиб эмас.

Хрущев даврида ўртоқ Рашидовнинг димоғи кўтарилиб кетди, у партия қонунлари билан ҳисоблашмай қўйди. Димоғдор одамнинг аҳволи эса, В. И. Ленин таърифича, «жуда аҳмоқона, шармандали ва кулгилидир». Ленин хатога йўл қўйсанг тан ол, уларни тузатиш учун чора-тадбирлар белгила, деган. Рашидов эса Ильич васиятларини унутди, шунинг учун уни носамимий инсон, деб аташга асосим бор. Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб айтаманки, бундан буён бу одамга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Биринчи секретари лавозимини ишониб бўлмайди.

Делегат ўртоқлар! Мен сизларга танаффусда нима бўлганлигини маълум қилишим керак. Мен бугун биринчи бўлиб гапириш учун конференция президиумига хат чиқардим. Танаффус пайтида ўртоқ Рашидов ва бошқа баъзи ўртоқлар мени ҳузурларига чақириб, гапирмасликка кўндирмоқчи бўлишди. Уртоқ Абдураззоқов обком номидан сўзлади, эндиликда сизнинг нутқ сўзлашингизга ҳожат қолмади, дейишди. Сиз бизга нутқингиз текстини беринг, биз уни қараб чиқамиз, дейишди. Бу факт ўртоқ Рашидов раҳбар сифатида умри тугаганлигини, партия қурилиши соҳасида саводсиз одам эканлигини кўрсатади.

Шунга қатъий ишонч билдиришга рухсат берингки, бизнинг пойтахт партия ташкилотимиз КПСС ва Ўзбекистон партия ташкилотининг жанговар отряди сифатида, танқид ва ўз-ўзини танқидни янада кенг қулоқ ёйдириш асосида ўз жанговарлигини ошириб, 1964 йилда қўлга киритган муваффақиятларини мустаҳкамлайди.

25 йилдан сўн

Вали Усмоновнинг уй адресини, телефон номерини топишда бизга Тошкент об-ласть уруш ва меҳнат ветеранлари бўлими ходимлари ёрдам беришди. Бу одамга қўнғироқ қилиб, учрашиш ниятимиз борлигини айтганимизда эса бажонидил рози бўлди.

Эртаси куни келишилган вақтда журнал редакциясига ҳассага таянган бир мўйсафид кириб келиб, ўзининг Вали Усмонов эканлигини айтди. Унинг ранг-рўйидан ҳаёти осон бўлмаганлиги, бошидан кўп савдолар ўтганлиги шундоққина билиниб турарди. Мўйсафид билан танишиб, батафсил суҳбатлашгач, бунга қаноат ҳосил қилдик.

Вали Усмонов 1917 йилда Тошкентда туғилган. Урушдан аввал тўқимачилик техникумини битирган. 1940 йилда ҳарбий хизматга кетиб, урушнинг бошидан охиригача қатнашган, артиллерия қисмида взвод командири бўлган. Ленинград қамали азобларини бошдан кечирган, қамал ёриб ўтилишидан икки кун аввал партия сафига ўтган.

1945 йилда Кенигсберг шаҳри учун жанг муваффақиятли тугагач, у хизмат қилган қисмни япон милитаристларига қарши урушга жўнатишади. Валижон ака Узоқ Шарқдаги урушда ҳам бошидан охиригача қатнашиб, 1946 йилда Ўзбекистонга қайтади.

Кейин у партия ишларида ишлади, Москвадаги олий партия мактабини битирди. Тошкент шаҳридаги собиқ Сталин район партия комитети секретари, Тошкент шаҳар партия комитети партиявий-ташкилий бўлими мудири, Бекобод шаҳар партия комитети, Киров район партия комитети биринчи секретари, область партия комитети партиявий-ташкилий бўлими мудири ўринбосари лавозимларида хизмат қилди. Унинг кўкрагида учта жанговар орден, иккита Ҳурмат Белгиси ордени, бир нечта медаллар, тўққизинчи беш йиллик зарбдори нишонлари бор.

Валижон ака билан суҳбатлашиб ўтириб, мавзуни унинг учун унутилмас бўлиб қолган ўша конференцияга бурамыз.

— **Тошкент область XIII партия конференцияси қаерда бўлган! Залда ўтирган делегатлар нутқингизни қандай кутиб олишди!**

— Бу конференция 1964 йил 25 декабрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида бўлган. Ушанда бу зал янги қуриб битказилганди. Бошламасига бу ерда Тошкент область партия конференцияси бўлган. Конференцияда 832 делегатдан ташқари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг Рашидов бошчилигидаги аъзолари, республиканинг бошқа раҳбар ходимлари ҳам қатнашган.

Нутқимни бошлаганимда зал сув қуйгандай жим бўлиб қолди, залда пашша учса билинарди. Мен кўп йиғинларда бўлганман, лекин бунақа сукунатни кўрмаганман. Нутқим ўн беш минутга мўлжалланганди, аслида ийгирма етти минут давом этди. Сабаби, беш марта гулдурос қарсак билан бўлинди. «Уртоқ Рашидов шуни билсинки, биз коммунистлар учун қадрли ва сеvimли устоз вазифасини ҳамиша буюк Ленин ва у яратган Коммунистик партия ўтаган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади», деган сўзларни айтганимда залда беш минут гулдурос қарсак бўлди.

Нутқимни тамом қилишим билан бирдан, кутилмаганда, раислик қилувчи танаффус эълон қилди. Бу танаффус узоққа чўзилди. Табиийки, менга қарши сўз айтидиган одамларни тайёрлашди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, шу танаффус пайтида кулуарда айланаб юрганимда ёнимга ўша пайтда Тошкент область Совети ижроия комитети раиси бўлиб ишлайдиган Эркин Шайхов келди. Биз бу одам билан яхши таниш эдик, бир-биримизни ҳурмат қилардик. У Бўка райкомида биринчи секретарь бўлиб ишлаган пайтда, мен Киров райкомида биринчи секретарь эдим. Ушанда икки район ўртасида оталиқ алоқалари бўйича шартнома тузгандик.

Шайхов секин қўлтиғимдан олди-да:

— Валижон ака, нутқингизни диққат билан эшитдим,— деди. Унинг менга ачинаётганлиги афтидан билиниб турарди. — Барча гапларингиз тўғри, барчаси жўяли. Лекин Рашидов наҳанг-ку, сизни икки ямлаб ютади-ку! Нутқингиз сал бемавридроқ бўлди. Хозир ҳам бўлса кеч эмас, сўз олиб, кечирим сўранг,— деди.

— Иўқ, Эркинжон, мен бу ишни ҳар томонлама ўйлаб қилдим. Бундан буён менга осон бўлмаслигини яхши биламан. Бошга тушганини кўраман, мен ундан кечирим сўрамайман.

— Ундай бўлса, ихтиёрингиз.

Танаффус тугаб, конференция давом этди. Лекин президиумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолари, бошқа бир қатор масъул ўртоқлар йўқ эди. Афтидан, Рашидов ва унинг лаганбардорлари кенгаши ҳали тугамаганди. Улар икки делегат сўзлаганидан кейингина жойларига келиб ўтиришди. Менга қарши, Рашидовни ёқлаб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси Насриддинова, Урта Осие темир йўллари бошқармаси бошлиғи Қодиров гапирди. Масалан, Насриддинова: «Усмоновнинг нутқи бошдан оёқ қўпол, бетакаллуф, ҳақоратомуз бўлди», деди. Қодиров эса «Усмонов томонидан соғлом танқид эмас, балки ҳужум бўлди...» деди. Лекин бу нотикларнинг иккиси ҳам нутқимда келтирилган фактларни инкор этишолмади. Насриддинова ҳатто қисман тасдиқлади.

Рашидов ҳам музокарада сузлаганида менинг нутқимга ўз муносабатини билдирди. «Бу ерда менинг шаънимга кескин танқид бўлди. Бу танқидни тўғри деб биламан. Албатта, менинг характеримда кўп камчиликлар бор, ишимиздаги камчиликлар ҳам талайгина. Мен бу камчиликларимни тугатишга ҳаракат қиламан», деди.

Тошкент обкомининг янги состави сайланаётганда Калинин районидаги Свердлов номли колхоз раиси Жўраев, Тошкент шаҳридаги 153-қурилиш трести бошқарувчиси Ҳамидов, Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг ёрдамчиси, генерал-майор Краснов сўз олиб, мени тухматчиликда айблашди ва обкомнинг янги составига киритмасликни таклиф қилишди. Шунда Тошкент тамаки фабрикаси касаба союз комитети раиси (!) Кравченко деган аёл сўз олиб, минбарга чиқди Унинг ҳаяжонланаётгани шундоқ билиниб турарди.

— Делегат ўртоқлар,— деди у.— Албатта, мен ўртоқ Усмоновни билмайман. Лекин бу ерда гапирган ўртоқларнинг нутқларини нотўғри ҳисоблайман. Бу танқидни бўғишдан бошқа нарса эмас. Уртоқ Усмонов тўғри ёки нотўғри гапирдим, ўртоқ Рашидовга тухмат қилдим — бу бошқа нарса. Лекин ҳозир шундай фикр пайдо бўлди: ҳамон у нотўғри танқид қилган экан, бу одамни тўғри йўлга солиш керак, тузалишига имкон бериш керак. Унинг номзодини яширин овоз бериш рўйхатига киритиш лозим.

Залдан:

— Тўғри! — деган товушлар ва қарсаклар янгради.

Шундан сўнг Рашидов ўрнидан туриб, шундай деди:

— Уртоқлар, ҳар бир коммунист ҳар қандай кишини танқид қилиш ҳуқуқига эга. Шу сабабли ўртоқ Усмоновнинг номзодини яширин овоз бериш рўйхатида қол-

дирилишини таклиф қиламан. Мен ҳам, у ҳам бу танқиддан хулоса чиқарамиз. (Қарсақлар). (Сухбатда номлари келтирилаган нотиқларнинг сўзлари область партия архивидаги стенографик ҳисоботдан олинди — ред.)

Шундан кейин мен рўйхатда қолдирилдим. Яширин овоз бериш пайтида 744 делегат мени ёқлаб, 88 делегат қарши овоз берди. Шундай қилиб яна обкомда ишлай бошладим.

— **Конференциядан кейин қандай воқеалар рўй берди!**

— Конференциядан сўнг уч кун ўтгач кўчада бораётгандим. Республика Госплани раиси бўлиб ишлайдиган С. Зиёдуллаев билан учрашиб қолдим. У табассум билан келиб қўл бериб: «Қойил! Қойил! Қойил!» деди. Ортиқ гап айтмади. Обком ходимларининг кўпчилиги эса мендан қоча бошладилар. Баъзилари иложи бўлса сўрашмасликка ҳаракат қилишарди. Секин-аста ошна-оғайниларим ҳам ўзларини тортишди.

1965 йил 16 сентябрда Тошкент шаҳрида республика партия активи йиғилиши бўлди. Шу йиғилишда Тошкент шаҳар партия комитети секретари Архангельский сўзлаб: «Тошкент область партия комитети ходими Усмонов бошдан-оёқ бўхтондан иборат нутқ сўзлаб, республикамизнинг ҳурматли партия ва совет раҳбар ходимларининг обрўсини тўқмоқчи бўлди,— деди.— Усмонов бундан қандай мақсадни кўзлаганлиги ва унинг ортида кимлар турганлиги ҳамон Тошкент шаҳар партия активига номаълум бўлиб қолаяпти». Шу партия активда Хоразм область партия комитети иккинчи секретари Доленко, Хоразм область Янгиариқ район партия комитети биринчи секретари Маткаримов актив президиумга «Тошкент область партия комитети Усмоновдек тўқматчи одамни нега шу пайтгача ишлатиб юрибди?» деган мазмунда хат чиқаришди.

Шундан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети иккинчи секретари Ломоносов Архангельскийнинг нутқи текстини ҳалиги икки киши ёзган хат билан қўшиб, «текшириб, чора кўриш учун» Тошкент область партия комитетига юборади.

Республика партия активи йиғилиши бўлиб ўтгач, эртаси куни Архангельскийнинг хузурида бўлиб, нутқи текстини беришни талаб қилдим. У эса: «Усмонов, мен шундай масъулиятли нутқни ўзимча сўзлай олармидим? Менга юқоридан шундай деб гапирасан, деб буйруқ беришди. Мен шу буйруқни бажардим. Нутқим текстини эса актив президиумида олиб қолишди», деди.

1965 йил 25 сентябрда Тошкент шаҳар партия комитети пленуми бўлди. Шу пленумда Ленин район партия комитети биринчи секретари Окунский нутқ сўзлаб, мен ҳақимда шундай деди: «Баъзи бир виждонсиз кишилар минбарга юлқиниб чиқиб, раҳбар партия ходимлари тўғрисида тўқмат гапларни айтишяпти, уларнинг устидан мағзава ағдаришяпти. Нега Тошкент область партия комитети ходимлари обком ходими Усмоновнинг ифвогарона нутқиға ўз муносабатларини билдиришмаяпти. Афтидан, обком ходимлари, асоссиз равишда, танқидни бўғувчилар деган номни олиб қолишларидан кўрқишаётган бўлишса керак».

1965 йил 14 декабрда Тошкент обкоми бюроси бўлиб, унда обкомнинг партиявий-ташкилий бўлими фаолияти муҳокама қилинди. Бу пайтда Малик Абдураззоқов бетоб эди. Бюро мажлисини обкомнинг иккинчи секретари Пономарев олиб борди. Бюрода бўлим бўш ишляпти, бюрога тез-тез пухта ишланмаган материалларни тақдим қилаяпти, мудир ўринбосари В. Усмонов командировкаларда кам бўлади, деган айбномалар айтилди. Менга қўйилган айбнома хусусида шуни айтишим керакки, область конференциясидан сўнг мени умуман ҳеч қачон чиқармай қўйишганди. Муҳокама сўнггида Пономарев айбномаларни яна бир санаб, мени ишдан озод қилишни таклиф этганида шартта ўрнимдан турдим-да: «Усмоновнинг ишдан бўшатилишининг бош сабаби, коммунистга хос иш қилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Рашидовни ошқора танқид қилганлигидир. У мана шунинг учун жазоланаяпти, деб бюро қарорига ёзиб қўйилсин», дедим. Бу гапимга ҳеч ким лом-лим демади.

Шундан кейин анча вақт уйда ишсиз ўтирдим. Кейин Куйбишев районидаги пахта заводига директор қилишди. Бу ерда тўққиз йил ишладим. Бу вақт мобайнида завод барча кўрсаткичлар бўйича илғорлар сафида бўлди. 1975 йилда мазкур завод тугатилди. Мени область пахта тайёрлаш трестига инженер қилиб ўтказишди. Бу ерда тўрт йил ишлаб, касалманд бўлиб қолганлигим сабабли пенсияга чиқдим.

Обкомдан кетганимдан кейин мени сиёсий ҳаётга умуман аралаштирмай қўйишди. Республика, шаҳар миқёсидаги йиғилишлар у ёқда турсин, ҳатто районда бўладиган мажлисларга ҳам таклиф этишмасди. Зарур бўлганда завод партия ташкilotи ёки касабасоюз ташкilotи раисини чақирарди. Ўринсиз камситишларни фақат менгина эмас, оила аъзоларим ҳам йигирма йилча бошдан кечирдик. Мен танқид учун таъқиб қилинганлигим тўғрисида КПСС Марказий Комитетига бир неча марта, партиянинг XXIV, XXV, XXVI съездларига, Ленинград қамали иштирокчиси сифатида, Ленинград обкоми биринчи секретари Романовга, 3-Белоруссия fronti ветерани сифатида Белоруссия Компартияси Марказий Комитети Биринчи секретари Машеровга мурожаат қилганман. Аммо бу хатларимнинг ҳаммаси кумга синган сувдай йўқ бўлиб кетди. Елғон бўлмасин, Машеровга ёзган хатимга жавоб олганман, унда мак-

тубимни текшириб, чора кўриш учун КПСС Марказий Комитетига юборилганлиги айтилганди. Лекин ҳеч бир амалий натижаси бўлмади.

Фақат КПСС XXVII съездига ёзган мактубимнинг натижаси бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети иккинчи секретари В. Анишчев мени ҳузурига чақириб, уч соатдан ортиқ суҳбатлашди. «Сизни қандай тирик қолганлигингиз мени ҳайрон қолдираяпти, — деди у. — Бахтли экансиз, ҳақ жойида қарор топганлигини ўз кўзингиз билан кўрдирингиз». Марказий Комитет кўмаги билан пенсия таъминотим бирмунча яхшиланди. Имкониятдан фойдаланиб, бунинг учун Марказий Комитет ходимларига миннатдорчилик билдираман.

— Рашидовга қарши шундай дадил бош кўтарганлигингиздан сўнг омон қолганлигингиз ёки қамалмаганлигингиз бизни ҳам таажоублантиради.

— Мен бу одамни катта йиғинда ошқора танқид қилганлигим ютуғим бўлган, деб биламан. Бу нутқимни кўпчилик эшитди ва ҳаммаёқда гап-сўз бўлиб кетди. Шундан кейин мени йўқ қилишга уриниш ўзини ўзи фош қилиш бўларди. Бу бир жиҳати. Иккинчи жиҳати, ниҳоятда сезгирлик билан юрганлигим, иродам мустаҳкамлиги иш берди. Бир куни тунда соат бир ярим-иккилар эди. Номаълум кишилар келиб, квартирамизнинг эшигидаги қулфни буза бошлашди. Биринчи қулфни бузиб, иккинчисига ўтишганда сезиб қолиб, шовқин кўтардик. Номаълум кишилар кетишга мажбур бўлишди. Квартирамиз иккинчи қаватда эди. Дарров балкондан ташқарига қарадим. Подъезддан беш йигит олдинма-кетин чиқиб кетди. Улар кайф эди. Уйимиздан узоқлашишаркан, менга қараб муштарини дўлайтириб: «Подшомизга тил текказган, сенинг онангни кўрсатамиз ҳали!» деб бақиршди.

1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан кейин шаҳарда ишчи кучлари етишмай қолди. Шунда заводга шаҳарда прописаси бўлмаган саккиз кишини ишга олишга мажбур бўлдим. Уша пайтда фақат бизнинг корхона эмас, балки шаҳардаги деярли барча завод ва фабрикалар шундай қилишга мажбур бўлишганди. Мени паспорт режимини бузганликда айблаб, прокуратурага чақиринди, устимдан иш қўзгамоқчи бўлишди. Мен бу ишни корхонада ишчи кучи етишмаганлиги учун ва давлат планини бажариш манфаатларини ўйлаб қилганлигимни, шаҳардаги бошқа корхоналарда ҳам аҳвол шундайлигини айтиб қутилдим.

Бир марта заводнинг пахта тайёрлаш пунктидаги ғарамга ўт қўйиб юборишди. Шунда ҳам бошимда анча вақт «қора булутлар» айланди...

— **Малик Абдураззоқовнинг ўлими ҳақида нима дея оласиз?**

— Малик Абдураззоқов соппа-соғ, ақли расо одам эди. Унинг Золариқ сувида оқиб ўлиши ҳеч ақл бовар қилмайдиган, нотабиий ҳодисадир. Менимча бу масалага қайтиш, Малик Абдураззоқов ҳақидаги ҳақиқатни кенг жамоатчилиikka маълум қилиш пайти келди.

— Қизиқ, конференциядаги нутқингиздан сўнг сизни тўхматчи деб атаган, обкомдан ишдан бўшатилишингизни талаб қилган кишиларнинг деярли ҳаммасининг юдузлари юксалгандан юксалиб, катта мансабларга, унвонларга сазовор бўлишган. Масалан, Архангельский «Правда Востока»га редактор, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудири, Окунский эса аввал Тошкент шаҳар ва Тошкент областлари партия комитетларининг иккинчи секретари, кейин у ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудири бўлди. Маткаримовнинг кўкрагига Социалистик Меҳнат Қахрамони Олтин медали тақилди ва ҳоказо.

— Рашидов ўзига шахсий садоқат кўрсатиб, сидқидилдан хизмат қиладиган одамларни сийлашни биларди. Албатта, бу сийловни ўз ҳамёнидан эмас, давлат, жамият ҳисобидан қиларди. Буёғини сўрасангиз, бу ҳам турғунлик йилларининг фожиаларидан биридир.

— Сиз бу нутқингизни ўз ташаббусингиз билан тайёрлаганмисиз ёки сизни танқид қилганлар айтганидек, «ортингизда одамларингиз бормиди»!

— Рашидов мендан қақшатғич зарбага учрагач, аламига чидолмай кўпгина бегуноҳ одамларга осилган. Уларнинг номини бу ерда санаб ўтишга ҳожат йўқ. Фақат шугина эмас, Тошкент областидаги бир қатор райком секретарларини бир-бир чақириб, нега конференцияда мени ҳимоя қилмадинг, деб дўқ ҳам қилган дейишади. Мен бу нутқни ўз ташаббусим билан сўзлаганман, бундан ҳеч кимнинг хабари бўлмаган. Мен шу конференциядан тўрт йил аввал — 1960 йил 12 июлда бўлган Тошкент шаҳар партия комитети пленумида ҳам республика Компартияси Марказий Комитети фаолиятини озгина танқид қилганман. Воқеа бундай бўлган. Ушанда мен Киров район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлардим. «Ўзбекбирлашув»нинг бошлиқлари давлат маблағларини сарфлаб, Киров районидаги қурилиш ташкилоти қурувчилари кучи билан ўз квартираларини ортиқча ҳашам билан ремонт қилдиришган. Бу ҳақда райкомга шикоят тушган. Текширишда мактубда айтилган фактлар тасдиқланди. Шундан кейин «Ўзбекбирлашув» республика миқёсидаги ташкилот бўлгани учун биз бу ҳақда республика Марказий Комитетига ёзма ахборот юбордик. Аммо орадан ярим йил ўтди ҳамки, бу хатимизга жавоб олмадик.

Шундан кейин мен Тошкент шаҳар партия комитетининг 1960 йил 12 июлда бўл-

ган, Рашидов иштирок этган пленумида бу ҳақда ётиғи билан гапириб, Марказий Комитетга олти ой бурун ушбу масалада юборган ахборотимиз ўртоқ Рашидовга маълуммикан, биз бу хатимизга ҳамон жавоб олганимиз йўқ, дедим.

Эртаси куни шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртозоев мени ҳузурига чақириб: «Кеча сиз пленумда яхши тайёрланмай сўзладингиз. Ўртоқ Рашидов нутқингиздан норози бўлди», деди.

1961 йил январь ойида бўлган Киров район партия конференциясидан кейин бўлган ташкилий пленумда мен район партия комитети биринчи секретарлигига тавсия қилинмадим. Райком аъзолари ҳайрон бўлишиб, бунинг сабабини сўрашди. Уларнинг ҳайрон бўлишганича ҳам бор эди. Районнинг ишлари яхши эди, район партия активи мени ҳурмат қиларди.

Шунда Қ. Муртозоев ўрнидан туриб, шундай деди:

— Биз ўртоқ Усмоновнинг фаолиятдан хурсандмиз. Область партия комитети бу кишини бошқа, юқорироқ лавозимга тавсия этмоқчи.

Шундан кейин делегатлар қаноат ҳосил қилгандай бўлишди. Кейин билсам шахсий деломга ва район партия конференцияси тўғрисида Марказий Комитетга юборилган ахборотга «Район партия ташкилотига юзаки раҳбарлик қилганлиги, шаънига айтиладиган танқидий мулоҳазаларга оғриниб муносабатда бўлганлиги учун вазифасидан озод қилинди», деб ёзиб қўйишди. Конференциядан сўнг бироз вақт ўтгач, мен Тошкент область партия комитетида партиявий-ташкилий бўлим мудирини ўринбосари бўлиб ишлаб бошладим.

Уша пайтда рашидовчилардан бундай ноҳақлик кўрган фақат мен эмасдим. Бу одам республика Компартияси Марказий Комитети Биринчи секретари бўлгач, ўзига ёқмаган ёки шахсий садоқатига шубҳаланган жуда кўп раҳбар ходимларни турли баҳоналар билан вазифасидан четлатган.

— Рашидовнинг Совет Ўзбекистони тарихида тутадиган ўрни тўғрисида нима дейсиз!

— Ўзбек халқи ва умуман бутун Шарқ халқлари одати бўйича марҳумлар ҳақида фақат яхши гаплар айтилади, мобода бунинг иложи бўлмаса, сукут сақланади. Бу жуда гўзал одат, марҳумларни тинч қўйиш керак, ҳар қанча айби бўлса тириклигида юзига айтиш лозим. Лекин мамлакатимизда Сталин ҳукмрон бўлган даврда ва шу даврнинг бевосита давоми бўлган турғунлик йилларида шундай бир вазият юзага келдики, Рашидовдай таниқли раҳбар ходимлар уёқда турсин, ҳатто ўн-ўн икки киши ишлайдиган ташкилотда ҳам бошлиққа тил текказиш оғир масала бўлиб қолди. Оқибатда жамиятда танқид йўқ бўлиб кетди, раҳбар ходимларнинг маънавий таназули бошланди. Шунинг учун ҳам ўтган даврнинг салбий ҳодисалари тўғрисида ҳозир гапиришга мажбур бўлаёلمиз.

Мен Рашидовнинг айбларини афтига ҳам айтганман. Шунинг учун у ҳақда ҳозир гапиришга истиҳола қилмайман. Агар гап истиҳола ҳақида борадиган бўлса, турғунлик йилларида Рашидовни, унинг атрофидагиларни роса мақтаб, ҳозир бўралаб сўкаётганлар, ўзларини турғунлик даврида жабр кўрган қилиб кўрсатиб, янги даврга мослашиб олишга интилаётганлар, ўтмишини унутганлар истиҳола қилиши керак.

Рашидовни пахтачиликдаги оммавий қўшиб ёзишлар ва оммавий порахўрликларни авж олдиришда, кадрларнинг маънавий таназулига шароит яратишда айбашнинг ўзи етарли эмас. Ўзбек пахтакори, унинг фарзандлари минг йиллардан бери ҳеч бир захарсиз деҳқончилик қилиб, моддий бойлик яратиб келаётган далалар устидан бутефос сепиш Рашидов даврида расм бўлди. Унинг даврида монокультура балоси пайдо бўлди, деҳқончиликнинг қонун-қоидалари оёқ ости қилиниб, миллионлаб гектар ерларни шўр босиб кетди. Энг даҳшатлиси, у ва унинг атрофидаги мансабпарастлар, орден-парастлар Оролни қуриштиди. Тарих бир халққа 20—25 йил мобайнида бу қадар ёмонликлар қилинганлигини билмайди. Ҳали бизга бу хатоларни тузатиш учун ўн йиллар керак бўлади.

— Ҳозир одамлар орасида юриб Рашидов ҳақида ҳар хил фикрларни эшитиш мумкин. Баъзибир кишилар уни мақташапти, Рашидов Тошкентни обод қилди-ку, дейишапти.

— Тошкент обод бўлганлиги учун Рашидовга эмас, зилзилага «раҳмат айтиш» керак. 1966 йилдаги Тошкент зилзиласи бўлмаганида, Совет ҳукумати раҳбарлари эртаси куниёқ Тошкентга етиб келишмаганида, зилзила маркази — Қашқар маҳалладан бошлаб, Пушкин боғигача бўлган маҳаллаларни пиёда айланиб, тўкилиб тамом бўлган эски гувала уларни кўришмаганда, Тошкентни қайта қуриш бўйича Бутуниттифоқ ҳашари ташкил этилмаганда қисқа даврда шаҳар қиёфасини ўзгаришини тасаввур этиб бўлмасди. Қолаверса, шундай бир давр бўлдики, аввал мамлакатнинг Европа қисмидаги урушда вайрон бўлган шаҳарлар қайта қурилди. Кейин Урта Осиё шаҳарларига навбат келди. Ҳозир Олмаота, Фрунзе ва Душанбе шаҳарларининг ҳам чиройда Тошкентдан қолишадиган жойи йўқ.

Бу борада ҳам бир нотўғри ишни алоҳида таъкидлаш керак. Турғунлик йилларида республикада маъмурий бинолар, маишатхоналар қурилишига зўр берилдию, лекин ма-

даният масканлари қурилишига дуруст эътибор берилмади. Мана, Тошкентдаги республикадаги энг йирик Навоий номидаги Давлат кутубхонасини олайлик. Бу кутубхонанинг ўз «тўнига» сиғмай қолганига кўп йиллар бўлди. Ҳозир унинг ўқув зали, каталоглар зали бошқа жойда — Ленин номидаги майдондаги маъмурий бинода жойлашган. Агар бу кутубхонага тушлиқдан кейин келиб, китобга буюртма берсангиз, эртаси куни оласиз. Сабаби, ҳамма буюртмалар йиғилади-да, асосий бинодан автомашинада олиб келинади. Шундай қилиб, анча йиллардан бери қимматли китоблар автомашинада «сайр қиляпти», оқибатда уриниб, йиртилмоқда, яроқсиз ҳолга келмоқда. Асосий бинода яхши шароит йўқлиги сабабли бир неча йил муқаддам ўт чиқиб, йиғирманчи йилларга дахлдор газета таҳламлирининг анча қисми ёниб кетди. Кутубхонада дуруст шароит йўқлиги бу ердаги ишнинг ташкил этилишига ҳам таъсир қилмоқда. Китобхонлар ўзларига зарур китоб ва газета-журналларни ҳа деганда топавермайдилар.

Аслида Навоий номидаги Давлат кутубхонаси бой китоб фондига эга. Унга ўтган асрда Туркистон ўлкасига келган илғор рус зиёлилари асос солишган. Хўш, бу кутубхона учун замонавий бино қуриш мумкин эмасми? Агар шундай қилинса, бу ер ажойиб маърифат саройига айланарди-ку. Аммо бу масалани тезроқ ҳал этиш илгари ҳам, ҳозир ҳам ҳеч кимни ташвишлантирмапти. Сиз Олмаота, Фрунзе шаҳарларидаги Давлат кутубхоналарини бир бориб кўринг. У ерлардаги ажойиб шароит, намунали хизмат ҳавасингизни келтиради.

Ёки Ҳамза номидаги театрни олинг. Бу халқимизнинг Октябрь инқилоби билан қарийб тенгдош бўлган, энг сеvimли театри-ку. Наҳотки, унга яхши бир бино қуриш мумкин эмасди. Аслида уни эски «Ватан» кинотеатрининг таъмирланган биносига жойлаб қўйишди.

Шубҳасиз, турғунлик йилларида ҳам кўпгина яхши ишлар бўлди. Аммо бу ишлар социалистик тузумнинг яратувчилик кучи, халқнинг фидокорона меҳнати туфайли амалга оширилди. Шунинг учун ҳам бу ҳақда гап борганида, «бу ишлар Рашидов туфайли эмас, балки рашидовдай кишилар бўлишига қарамай амалга оширилди», дейиш керак. Агар турғунлик йилларидаги салбий ҳодисалар бўлмаганида, биз янада кўпроқ ютуқларга эришардик, ҳозиргидан яхшироқ турмуш кечирардик.

Халқда яхши билан юрсанг етарсан муродга, ёмон билан юрсанг қоларсан уятга, деган мақол бор. Мана, Ленинни, унинг сафдошларини ўйлайлик. Ленин ўз сафдошларини ҳалол, халқ ишига садоқатли қилиб тарбиялаганди. Натижада бу кишиларнинг кўпчилиги мамлакатимиз тарихида муҳим ўрин эгаллаган мўътабар зотларга айланишди. Энди Рашидовни ва унга ихлос қўйиб, ортидан эргашган кишиларни кўз олдингизга келтиринг. Деярлик ҳаммасининг охири марраси қамоқхона бўлди-ку.

Ҳозир бизда турғунлик йилларидаги кўпгина салбий ҳодисаларга бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулини сабаб қилиб кўрсатишяпти. Мамлакатда халқ хўжалигини бошқаришнинг янгича усуллари жорий этилаяпти. Бу тўғри, албатта. Лекин турмушда кўп нарса раҳбарнинг ҳалоллигига, ҳақиқатгўйлигига, қаттиққўллигига ҳам боғлиқ. Ўзбекистондаги салбий ҳодисаларнинг кенг илдиришига Брежневнинг кўнгилчанлиги, Рашидовнинг нопоклиги қулай шароитлар яратди.

**Тошкент тамаки фабрикаси техника назорати бўлими
назоратчиси, партия ва меҳнат ветерани, Тошкент
область XIII партия конференцияси делегати
В. П. КРАВЧЕНКО шарҳи:**

— 1964 йил декабрь ойида бўлган Тошкент область партия конференцияси ва унда сўзлаган делегат Усмоновнинг нутқи кечагидек ёдимда. Бу одамнинг нутқи менда ва барча делегатларда катта таассурот қолдирган. Бунинг биринчи сабаби, менимча, ўша пайтда раҳбарларни, айниқса катта раҳбарларни ошқора танқид қилиш расм эмаслигидадир, деб биламан. Иккинчи сабаби, нотиқнинг барча сўзлари тўғри, асослидай туюлганлигидадир. Бундан ташқари у минбарда дадил туриб, рус тилида ширали, равон овоз билан сўзлади. Музокарада сўзловчилар учун ўн беш минут ажратилганди. Усмонов эса бу вақт мобайнида нутқини тамомлаб улгурмади, сабаби, унинг нутқи кўп марта қарсақ билан бўлинди. Раислик қилувчи ўрнидан туриб: «Вақтингиз тугади, ўртоқ Усмонов, нутқингизни тамомланг», деди. Шунда залда ўтирган делегатлар: «Гапирсин! Қўшимча вақт берилсин!» деб таклиф киритишди. Қўшимча вақт берилгач, нутқини яна давом этказди.

Кейин қарабсизки, одамлар бирин-бирин минбарга кўтарилиб, уни ёмонлаб кетишди. Шунда мени бир нарса таажжублантирди. Одамлар Усмоновнинг нутқига роса қарсақ чалишганди. Бир маҳал, унга қарши гапирётганларга ҳам қарсақ чала бошлашди. Ҳайрон бўлдим, қани бу ерда принцип?! Ахир бу ер цирк эмас, конференция-ку, муҳим масалалар муҳокама қилинапти-ку! Енимда Бўстонликдан келган бир делегат аёл ўтирди. У билан нотўғри иш бўлаётганлигини, танқидни бўғишаётганлигини секин-секин гаплашдик. Айниқса ҳарбий одам чиқиб гапирганидан кейин ўтиролмадим. Қўл


кўтариб, сўз сўраганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Бундай катта йиғинларда ҳеч гапирмагандим, шунинг учун жуда ҳаяжонландим. Сўзимни тамомлаб келиб, ўрнимга ўтирганимда, ёнимдаги аёл секин қўлимни қисиб: «Жасур аёл экансиз», деди.

Сайлов пайтида овоз бериш учун навбат билан бораётганимизда, бир зиёлибашара, басавлат одам олдимга келди-да: «Сиз кимсиз, қаерда ишлайсиз?» деди. Очиғи, юрагим шиф этиб кетди: «Валя, шўринг куриди, энди сени қамаб кўйишади», дедим ўзимга ўзим. Аммо таҳликага тушганлигимни билдирмасликка ҳаракат қилиб, исм-шарифимни, қаерда ишлашимни дадил айтдим. «Нутқингиз учун раҳмат!» деди ҳалиги одам ва мендан узоқлашди. Эртаси куни фабрикага келсам, конференцияда гапирганим кўпчиликка овоза бўлиб кетибди.

Мен Усмоновни танимасдим, ўтган даврда, ҳатто фамилияси ҳам ёдимдан кўтарилиб кетганди. Лекин уни жуда кўп ўйлардим. Яқинда ҳам ҳамкасбларимга у ҳақда гапиргандим. Конференциядан кейин бу бечора йигитнинг ҳоли нима кечди экан, ҳойнаҳой, Рашидов уни омон қўймагандир, дердим. Ҳатто бу ҳақда газетага ёзмоқчи ҳам бўлганман. Буни қарангки, у омон экан. Ҳаётнинг мураккаб сўқмоқларидан муваффақиятли ўтиб, юзага чиқибди. Бу хабарни эшитиб жуда хурсанд бўлдим.

Кези келганда мен бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Инсоннинг қизиқ табиати бор. У бор нарсанинг қадрига унча етмайди, лекин йўқ бўлса орзулайди. Усмонов ва унга ўхшаган ўнлаб кишиларнинг тақдирини бугунги ошкоралик, кенг демократия замонида ўзидан эришмаганлигимизнинг ёрқин исботидир. Шундай экан, бу имкониятнинг қадрига етишимиз, уни суиистеъмол қилмаслигимиз керак. Ошкоралик, демократия социализмга, кўп миллатли мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилиши зарур.

Суҳбатни **Алиазар ЭГАМНАЗАРОВ** ёзиб олди.



Стелла Ямонт

Ўзингда... ўзлигингни кашф этмоқ

Ҳурматли редакция! Мен яқинда бир спортчи билан ҳамсуҳбат бўлдим. У 1981 йилда Литвада бўлган олимпиада мусобақаларида иштирок этган экан. Шу йигитнинг айтишича, ўша мусобақалар пайтида Николаев шахрлик бир сеҳргар одам бетиним ёғайтган ёлғирни тўхтатиб, ўн беш кун мобайнида беш-олти километрлик радиусда қуёшли ҳавони тутиб турган экан. Шу гап ҳақиқатми? Агар рост бўлса, мана шу сеҳргар одам ҳақида журналингиз саҳифасида маълумот беришингизни истардим.

Шухрат АҲМЕДОВ,

Тошкент область, Калинин районидаги
Партия XXI съезди номли совхоз, 2-бўлим.

Кўзга кўринмас куч мени дам ўннга, дам чапга, дам олдинга, дам орқага тортарди. Бир маҳал кулаб тушаётганимни англаб, даҳшатга тушдим. Лекин хайрият, ағдарилаётганимда нимадир мени тутиб қолди. Сиртдан қараганда жуда ноқулай аҳволда қолганимни тасаввур этаман. Бу фикр миямга келганида кулгим қистайди. Шунда сирли куч мени яна тик ҳолатга келтиради.

— Сиз ҳозир биринчи марта фикрий сугестия — таъсир кўрсатишининг сўзсиз шаклини ҳис этдингиз, — дейди ортимда турган тажрибачи...

Менинг Бутуниттифоқ психологлар жамиятининг ҳақиқий аъзоси, «Сенинг имкониятларинг, инсон» психологик программасининг муаллифи ва ижрочиси Альберт Венедиктович Игнатенко билан танишувим шу воқеа билан бошланди. Шундан бери мен Игнатенконинг барча чиқишларида бўлишга ҳаракат қиламан. Мен ҳеч қандай мўъжизага ва ғайритабиий кучга ишонмаган ҳолда, изоҳлаб бўлмайдиган, демак, беихтиёр кишини жалб этадиган ҳодисага дуч келдим. Шубҳасиз, бу нарса ҳар бир кишида бўлиши мумкин. Мен Альберт Игнатенко сеанс ўтказайтганида менга нима бўлишини билишга ва тушунишга ҳаракат қилдим. Сал вақтдан кейин биз саҳна ортида учрашадиган бўлдик, суҳбатимиз ҳам ошқора тус олабошлади. Эндиликда Альберт Венедиктовичнинг психологик тажрибаларига бошқачароқ, ҳаяжонланмасдан қарайдиган бўлдим, гарчи ҳамон сир кўп жиҳатдан сирлигича қолаётган бўлса ҳам. Бахтимизга, бугунги кунда бу одатдагидек бўлмаган табиат ҳодисасини яқиндан ўргана бошладилар, лекин ҳозирча...

Биз нечта рақамни эслаб қолишимиз мумкин, агар бизга уни кўрсатмай айтиб турсалар? Бунинг устига анча тез — ҳар икки секундда икки ёки уч хонали рақамни айтсалар. Тажриба кўпи билан саккизта рақамни эслаб қолиш мумкинлигини кўрсатади. Игнатенко бир пайтда юздан ортиқ рақамни эслаб қолаолади ва уларни тескарисига ҳам янглишмай айтиб беради. Рақам тўлдирилган 25 катакли квадратдаги сонларни узунасига ва кўндалангига, диагоналига ёд айтиб бериш учун унга бир назар ташлашининг ўзи кифоя.

Бундай мисолларнинг кўпи маълум. Математик Леонард Эйлер, масалан, юзгача бўлган исталган рақамнинг олти даражасини ёд биларди. Академик Иоффе логарифмлар жадвалидан ҳеч қачон фойдаланмаган, бу жадвал унинг хотирасига муҳрланган эди. Менинг ўзим ҳам математик масалаларни ечишни, мураккаб ҳисоб-китобларни чиқаришни ҳисоблаш машиналаридан тезроқ бажарадиган кишиларни биламан. Бу нима ўзи, бундай қобилият инсонга, тақвадорлар айтганидай, худо томонидан берилганми? Эҳтимол, қисман шундайдир, қолган қисмига хотирани кучайтирадиган ва мустаҳкамлайдиган доимий машқ туфайли эришилади.

Альберт Игнатенко ўқувчилик пайтида, таниқли артист Адлеровнинг концертига тушади. У залдан ихтиёрий равишда чиққан томошабин тўлғазган 16 рақамли квадратни ёд «ўқиб» беради. Ешлар ўзларига ишонган бўлишади. Игнатенко бу томошани кўргач, худди шундай қилишга интилди. Лекин бунга қандай эришиш мумкинлигини билмай, тусмоллаб ҳаракат қилиб, ҳамма нарсани: рақамларни, сўзларни, кўчаларнинг номини, уйларнинг номерини қаторасига эслаб қола бошлади, ухлаш олдинда, тўшакка ётаркан, ўтган кун «лентасини» бураб, вазият, одамлар, гап-сўзлар, товушларни, ҳатто энг майда-чуйдаларигача кўз олдига келтиришга ҳаракат қилди... Бу ишини ўзи истаган нарсани эслайдиган бўлгунича бирнеча йил мобайнида давом этказди.

Ҳозир маълумки, инсон мияси кўп нарсага қодир. Таниқли математик ва кибернетик фон Нейманнинг фикрича, инсон мияси 10²⁰ бирликдаги ахборотни сиғдира олар экан. Яъни инсон мияси, масалан, бир китоб жавоннинг узунлиги 300 километрдан ортиқ бўлган В. И. Ленин номидаги

кутубхонадаги миллионлаб жилд китоблардаги барча ахборотни жойлашга қодир экан. Яқинда эса совет олими П. С. Гуревичнинг тадқиқотлари инсон миёси энг паст КПД (фойдали иш коэффициент) билан — ўз имкониятларининг 3—4 проценти даражасида ишлашни кўрсатди.

...Ёритилган саҳнага ўн беш совет ёзувчисининг портрети қўйилган. Унгадаги бурчакка турли рангдаги юзлаб доирачалари бўлган доска, чапга эса — оддий синф доскаси қўйилган. Уларнинг ёнидаги стулда Альберт Игнатенко ўтирибди, унинг бўйнига лаб гармошкиси осилди. Оқ қорғоз устида турган оёғининг бармоқларига қалам қистирилган, чап оёғининг бармоқлари эса — термен-вокс клавишларида. Альберт Венедиктович қўлида бўр тутиб турибди. Оёқ ва қўлларидан дисплейга уланган приборларга сим тортилган. Соқинлик. Лекин мана, Альберт Венедиктович портретлар галереясига разм соладида, юзини ўгириб шундай дейди:

— Тайёрман!

Залдаги кўнгилли ёрдамчилар унга саволларни ёғдириб ташлашади. Бири текстни ўқийди, Игнатенко уни доскага ёзади, иккинчиси дарҳол квадратга ёзиш учун икки хонали рақамни айтади, учинчиси ранг-баранг доиралари бўлган доскани айлантиради, Альберт Венедиктович шу заҳотиёқ санайди. Бир пайтнинг ўзида у оёқ бармоқларига қисдирилган қалам билан расм чизади, чап оёғининг бармоқлари билан чолғу асбоби клавишларини босиб оҳанг танлайди, қўли билан компас стрелкасини суради, фақат жавоб бериш учунгина тўхтаб, лаб гармошкасини чалишда давом этади. Булардан ташқари 10 минг йилгача бўлган даврдаги... ҳафтанинг исталган кунини ёд айтиб беради ва томошабинларнинг топширигига биноан ўзидаги қалам билан расм уришини сўсайтиради, тана ҳароратини, қон босимини кўтаради... Игнатенко бир пайтнинг ўзида 13 ҳаракатни бажаришига қарамай ҳаммасини янглишмасдан, ўзини ортиқча қийнамасдан қилади. Унга бир пайтда тинглаш, ўқиш ва суҳбатлашиш қобилиятига эга бўлган Юлий Цезарь ҳавас қилса арзийди. Эсимда, мен Игнатенко программасидаги бу номерни кўрганимда, томоша тугагунча зўр-базўр чидаб ўтирдим. Тугаганда эса саҳна ортига югургилаб ўтиб, ҳайрат билан:

— Альберт Венедиктович, наҳотки сиз ўз миёнгизнинг тўла ишлашини намойиш этдингиз? — дедим.

У кулди.

— Йўқ, албатта. Мен шунчаки бош миёнинг икки ярим шари билан ҳам ишладим. Буни одам бемалол қилаолиши мумкин.

Мен шунда ўйладим: нега бу одам ўзининг ғайритабиий имкониятларини томоша кўрсатишга сарфлаб юрибди, ҳаётини буткул илмий ишга бахшида қилиши мумкин-ку?

— Бу савол мени ҳам узоқ вақт қийнаган, — деди у менга жавобан, — эҳтимол бир кашфиёт қилмаганимда ҳаммаси бошқача бўларди. Бу ҳақда мен сизга гапириб беришим мумкин, фақат программани охиригача кўриб бўлганингиздан сўнг, камида бир ҳафта ўтгач...

Бу суҳбатимизни Игнатенко айтган мuddатидан анча кейин ва бошқа шароитда эслади.

— Хоҳлаганлар саҳнага чиқсин.

Одатда, Альберт Венедиктович залга шундай савол билан мурожаат қилганида, хоҳловчилар кўп топилади. Улар нима қилажакларини билишмайди, лекин афтидан иродаларидан ташқари бир нарсани қилишга мажбур бўлишларина фаҳмлашади. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши саҳнага чиқаётиб, ўз-ўзига сўз беради: артистнинг таъсирига берилмайман. Бир пайтлар мен ҳам шундай ўйлагандим, лекин...

Саҳнага йигит ва қизлар саф тортишади, уларнинг юзидан ҳайронликлари ва... диққат билан кутаётганликлари билиниб турибди. Бир маҳал Игнатенко ҳаммага энг оддий ва одатдаги саволни берди: «Сизнинг исмингиз нима?» — ва жавобни залдаги томошабинлар эшитсин учун ҳар бирининг олдига микрофон олиб боради. Мана, кўринишидан жиддий йигит шундай дейди:

— Людмила Зыкина, — ва, ўз жавобидан ўзи ҳайратга тушиб, хоҳлаб кулаётган залга қарайди. Саҳнада унинг ёнида турганлар ҳам қотиб-қотиб кулишади. Айниқса ўттиз ёшлардаги мўйловдор йигит қаттиқ кулади. Бир маҳал у чаноқдай очилиб, микрофон олдига келади:

— Тимсоҳ Гена. — Ва бирдан унинг юзи тундлашиб, кўзини юмади, оғзидан бу гап қандай чиқиб кетганлигини англамоқчи бўлади. Эҳтимол, тасодифан айтиб юборгандир? Ҳай майли, яна бир кўрайликчи.

— Қани, исмингиз нима?

— Феня хола...

Тажриба иштирокчилари бу гал кулишмади, бир-бирларига ҳайрон бўлиб тикилишди — уларни қандай куч бошқараяпти ўзи?

Альберт Венедиктович улардан беш нафарига саҳнадаги стулларга ўтиришни буюрди.

— Диққат, сиз ҳозир космик кемадасиз, номаълум планетага учасиз. Шундай қилиб. Беш, тўрт, уч, икки, бир — старт!

Ана, йигитлар осларидаги стулни маҳкам ушлаб олишди, ташвишли юзлари ортиқча зўриқаётганлиги натижасида қизара бошлади. Лекин мана, кема космик орбитага чиқади, ҳамма худди вазнсизлик ҳолатига тушгандай, қўл-оёқларини эркин қимирлатади.

— Тўхтанг! Парвоз тугади. Сиз нимани кўрдингиз?

Яна ҳар бир киши микрофон олдига келиб жавоб беради. Ҳамма беистисно, космик кемани бошқарганлигини таъкидлайди, чексиз космосга чиққанларида ва мовий ёки жигарранг шар шаклидаги номаълум планетани кўрганларида қандай кечинмаларни бошдан кечирганларини гапириб бердилар...

Бу сеҳргарлик эмас, киши ўзини ўзи унутиб, фақат сеҳргарнинг сўзларинигина эшитади. Альберт Игнатенко тажрибалари қатнашчилари фақат унигина кўриб ва эшитиб қолмай, балки ўзларини, бир-бирларини, залдаги томошабинларни ҳам эшитадилар ва ҳатто улар билан гаплашадилар.

У ҳолда бу нима? Сўзсиз таъсир кўрсатиш ҳақидаги фанни суггестология дейишади. Бироқ бундай ҳодиса механизмини ҳозирча олимлар изоҳлаб бераолмайдилар, гарчи психологларнинг Бутуниттифоқ VI съезди қатнашчилари, обрўли мутахассислар фикрий ахборот узатилиши фактини аниқланган ва тажрибада исботланган, деб тан олган бўлсалар ҳам.

Инсон ўз ҳаётида кўрган ва эшитган нарсаларнинг ҳаммаси, кодланган ахборот тарзида

тасавурида муҳрланиб қолади, лекин уларни тиклай олмайди, тиклай билмайди. Альберт Игнатенко ўз тажрибаларида тасаввурдан оннга ўзига хос дарча очгандай бўлади — ва фикрий буйруқ билан ундаги мутлақо «унитилгандай» бўлган фактларни тортиб олади. Уқувчи қай даражада қобилиятли бўлмасин, у ҳеч қачон дарсда эшитганларини сўзма-сўз эслаб қола олмайди. Лекин уқувчи Игнатенко билан «мулоқот» қилса, у ўқитувчи айтган гапларни тўла айтиб бераоладиган бўлади. Бундан ташқари, Альберт Игнатенко ўтказган тажрибалар шуни кўрсатдики, у бир минут давомида ишонтириш йўли билан кишини ўз-ўзини назорат қила оладиган ҳолатга солиб қўяди ва у ўз руҳиятини ўзи бошқара бошлайди. Агар кейин унга уч ой мобайнида кунига икки мартадан 2-3 минутлик маълум машраб бериб борилса, кишининг «сеҳргарлик» орқали олган хотирасида бир умрга муҳрланиб қолади.

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Игнатенко тажрибада постсуггестив ишонтириш ҳам мавжудлигини исботлади. 1986 йилда Кеременцда шундай тажриба ўтказилди. Игнатенко мактаблардан биридаги тўққизинчи синф ўқувчисини, чет тили имтиҳонида саккизинчи билетни олсан, деб ишонтирди. Кейин ўқувчининг ўзи айтишича, у имтиҳон билетлари ёйиб қўйилган стол ёнига келади ва унинг қўли улардан бири томон чўзилади — билет 8 номерли эканлиги маълум бўлади.

Наҳотки тасаввур «кўришга» ҳам қодир бўлса? Бу тажрибаларда қатнашган психологлар шундай гипотезани ҳам инкор этишмайди.

Альберт Венедиктович залдан хоҳловчиларни таклиф этиб, аввал ўзи билан ишлайдиганларни танлайди. У буни томошабинга сездирмасдан қилади, яъни — кишига тегмасдан, уни ўрнидан туриб, олдига келишга мажбур этади. Бу билан Игнатенко ҳар бир кишининг сеҳрлини даражасини синаб кўради. Бу нарса ҳар кимда ҳар хил бўлади. Мен Игнатенко шу пайтгача программасида бўлмаган номерни саҳнада кўрсатаётган кунда, ўзим учун буни кашф этдим. Бу, кейин билишимча, «қаратэ зарбаси» деб аталар ва фақат томошабинларнинг розилиги билан ижро этиларди.

...Саҳнада беш нафар кўнгилли. Бу гал Альберт Венедиктович тажриба қатнашчиларини олдингизда бир қадар бошқача вазиға турибди, деб огоҳлантирди: улардан бирини у бирнеча қадам наридан туриб уриши, бошқалар эса унинг ағдарилиб тушишига йўл қўймайди керак эди. Игнатенко саҳна четига борди ва жилмайиб турган йигитга томон қўлини енгил силкиди. Сўнгги дақиқада йигит букилди, кейин кўзга кўринмас куч уни полдан, кўтариб олиб, ҳавода умбалоқ ошириб ёборди. Эсанкираб қолган ёрдамчилар қулаётган йигитни аранг ушлаб қолишди.

Бу эксперимент эксперт-психологлар иштирокида бирнеча марта ўтказилди. Улар шундай хулоса қилишдики, «қаратэ зарбаси» Игнатенконинг ўз кучини йиғиб, жамлаб, масофага юборалишига асосланган.

— Мен ўзимда бундай имкониятни болалигимдаёқ кашф қилганман, — деди менга Игнатенко. — Ростини айтганда, бу тасодифий бўлган. Клубимизда сайёр сеҳргар томоша кўрсатди. Мен у одамларни қандай сеҳрлаб, дам бастакор, дам расом қобилиятини намойиш этишга ёки ўзини ҳаммомдаман, деб ишонишга мажбур қилаётганлигини кўрдим. Ёнимдаги ўртоғимга эса, бунинг ҳеч бир ҳайрон қоладиган жойи йўқ, бундан зурроқларини ҳам қилса бўлади, деб пичирладим. Табиийки, у менга ишонмади, бир минут ўтгач эса стулга сакраб чиқиб, қўрқалар оёқларини буклади. Буни қандай қилдим, ўзим ҳам билмайман, лекин шундай кўз ўнгимда томоша зали «сув босиб» кетганини кўрдим.

Кейин эса... Игнатенко ўқийдиган синфда ғалати ҳодисалар содир бўла бошлади. Дам доскага таклиф этилган синфдоши бирдан партага ёпишиб қолади, дам ўқитувчилардан кимдир биров бутун дарс мобайнида оғзини очолмайди, тили қирқилганми дейсиз... Ҳа, шубҳасиз, директор дарсни ким барбод қилаётганлигини билди. У Игнатенконинг хонасига таклиф қилиб, жиддий огоҳлантирди: «Агар яна шундай бир эксперимент ўтказсанг — мактабдан думингни тугаман». Шундай кейин фақат ўзида тажриба ўтказишга тўғри келди.

Альберт Венедиктович Николаевдаги педагогика институтига киргач, ўзидаги табиий қобилиятга жиддий қарай бошлади. Бу уни психология лабораториясига олиб келди, тез вақт ичида бу ердаги суггестология группасига бошчилик қила бошлади. У пайтларда сирли ҳодисаларни изоҳлашдан кўра, кўпроқ инкор этишарди. Бирнеча йилдан кейин Москвада ва Ленинградда биомайдонларни ўрганиш бўйича ишлар бошланганидан кейин «муз кўчди». СССР Фанлар академиясининг радиотехника ва электроника институтидаги Ю. В. Гуляев бошлиқ физиклар группаси ҳам шу масала билан шуғуллана бошлади. Улар ўз тадқиқотларида шундан келиб чиқишдики, институтда олис объектлардан улардан тараладиган нур орқали ахборот қабул қилиш методидан муваффақиятли фойдаланилаётган эди. Агар планеталар, юлдузлар ва галактикаларда уларнинг ҳолати ҳақидаги маълумотлар муҳрланган бўлса, у ҳолда тирик мавжудотларнинг нурланадиган биомайдонларида ҳам шундай маълумотлар бўлиши керак.

Тадқиқотчилар сеҳргарлар ишлаётганларида қўл бармоқлари атрофидаги физик майдонлар ўзгаришини аниқладилар: инфрақизил иссиқ нурланиш, оптик ёруғлик таралишининг ортиши юз берди, негаки, организмдаги биохимик реакция тезроқ юз беради; магнит майдони кучайди, шунингдек электр майдонининг паст частотали тебраниши юз берди. Гуляев группаси инсоннинг физиологик ҳолати тўғрисида ахборот олиш ва ҳатто унга масофадан таъсир кўрсатиш мумкин бўлган сенсор канални мавжудлигини исботлади.

Бирнеча йил муқаддам олимларимиз Москвада чех тадқиқотчиси Франтишек Ферда билан «узонки кўриш» бўйича тажриба ўтказдилар. Унга ўзи ҳеч қачон кўрмаган беморнинг исми ва ёшини айтдилар. Бирнеча минут ўтгач Ф. Ферда ўзи танимайдиган одамнинг томир уриши тезлигини, қон босими қандайлигини ва қонининг биохимик таркибини айтиб берди. Тажриба пайтида иштирок этган беморни даволовчи врач унинг жавоблари тўғри эканлигини тасдиқлади.

Мана шунинг учун ҳам, мен кейинроқ Николаевда бўлганимда врач Вячеслав Владимирович Павлов билан учрашмаслигим мумкин бўлмай қолди. Ҳатто сочининг табиий равишда тўқилишини ҳам даволовчи бу врачнинг «мўъжизалари» ҳақида илгари эшитгандим. Маълум бўлишича, у ўз муваффақиятлари учун биринчи навбатда биоэнергетика олдига қарздор экан. Биоэнергетика билан шуғулланишида ва ўзидаги энергетика имкониятларидан фойдаланишда унга Игнатенко

билан учрашуви ва Альберт Венедиктовичнинг суггестология борасидаги методларини эгаллаганлиги ёрдам берган. У суггестологияни медицинада жорий этишни — тадқиқотчилар диққат билан ўрганса арзийдиган муаммо деб билади.

Бироқ Игнатенконинг шоғирдлари орасида фақат врачларгина эмас, балки физиклар, психологлар ҳам бор... Альберт Венедиктович шунга аминки, суггестология иши катта қунтни талаб этадиган мутахассисларни тайёрлашни тубдан ўзгартириб юборади. Масалан, йирик электр станцияларнинг шчитлари операторлари, машинистлар, ҳайдовчилар ўзларига бериладиган жуда кўп ошиғич ахборотлардан фақат зарурини ажратиб, эслаб қолишлари керак. Суггестология эса кишига ўз ҳаракатларида автоматизмга эришишга ёрдам беради.

Бироқ, Игнатенконинг таъкидлашича, биоэнергияни бошқаришга қодир одамлар кўп эмас. Афтидан, ҳар бир кишидаги биоэнергиянинг қуввати ирсият бирлигида ҳосил бўлган ва белгиланган бўлади. Уни бошқариш мумкин, лекин шунини унитмаслик керакки, энергетика — тирик организм мавжудлигининг асоси ва уни тўғри ҳамда тўла ривожланишини таъминлаш учун сарфланган энергия ўрнини тўлдириб туриш керак.

Энергетика «ёкилғиси»ни озиқ-овқат, жисмоний ва ақлий машқ, хурсандчилик қилиш орқали олиш мумкин. Ўз руҳиятингизни бошқаришга ўрганиш жуда муҳим.

«Академик В. И. Вернадский шундай тахмин қилган: тирик организмда моддалар ва энергиядан ташқари, «қандайдир» тўла моддий бўлган, ҳаёт жараёнлари билан боғланган, «космик онг» деб аталадиган нарса ҳам бор, — деб ёзади Ю. А. Кривоногов ўзининг «Биоэнергия ва инсон» брошюрасида. — Бу тахмин олимимиз А. Н. Менделяновскийнинг илмий ишларида ўз тасдиғини топди. «Космик онг» деганда улар Ернинг органик ва органик бўлмаган табиати тўғрисидаги билимларнинг йиғиндиси бўлган энергия-ахборот майдонини тушунадилар»

Шундай қилиб, космик онгми? Альберт Игнатенко шунга аминки, бу ҳеч бир хаёлий нарса эмас.

Николаевда уч кундан бери шивалаб ёмғир ёғарди, менинг кайфиятим яхши эмасди. Балки бу бугун ўн учинчи число бўлгани учундир. Тоқатим тоқ бўлиб, келишилган вақтимиздан анча аввал Игнатенконинг олдига йўл олдим. Унинг олдига ўзимни бошқача ҳис қилдим, хотиржамроқ бўлиб қолдимми-ей.

Альберт Венедиктович, олдига кириб улгурмасимданоқ сўради:

— Кайфиятингизнинг мазаси йўқ-ку?

Бунга жавобан елкамни қисдим.

— Инсон коинот фарзанди, ҳаво айнигач, менинг ҳам мазам қочади-да.

Узоқ сукут сақланганидан кейин Альберт Венедиктович сўради:

— Москвадаги уйингизда нима бўлаётганлигини кўришни истайсизми?

Мен беихтиёр кулиб юбордим. Фақат шундагина кайфиятимнинг ёмонлиги уйимдаги бесаромжонлик туфайли эканлигини фаҳмладим. Бунинг сабаблари бор эди.

— Мана буёққа ўтиринг, — деб Игнатенко хона бурчагида стулни кўрсатди. Бир нуқтага тикилганча чуқур уйга чўмган кишида бўладиганидек, хаёлимда нарсалар кўрина бошлади. Фарқи шуки, мен ўз квартирамни аниқ ва равшан кўрдим. Ташвишланганимча бор экан: уйимда жанжал бўлаётган экан.

Москвадаги квартирамда қанча вақт «бўлдим» — ҳатто тасаввур қила олмайман. Ўзимга келгач, дарҳол телефонга ёпишдим ва бўлган гапни уларга айтдим. Оиламадигилар кўп куттиришмади: улардаги асабий ҳолатни экспериментчи Игнатенко «тугатди» — албатта масофадан туриб...

Бу воқеадан уч йил аввал Киев илмий-оммабоп фильмлар студияси биринчи марта телепатия сеанси тўғрисидаги лентасини кўрсатди, бунда Альберт Игнатенконинг ахборот қабул қилиши намойиш этилади. Аммо сирли, баҳсли нарсани билиш бошқая, уни ўзингда синаш мутлақо бошқа нарса.

Онгимда бирин-кетин хаёлий фикрлар пайдо бўла бошлади. Лекин ярим соат ўтгач, Альберт Венедиктович билан бирга кўчага чиққанамизда нима бўлишини билсам эди. Тан олиб айтаманки, кейин мени узоқ вақт куйидаги савол қийнади: мен кўриш бахтига муяссар бўлган фантастик ҳодиса ҳақида гапириш мумкинмикан? Ҳар ҳолда... Юз берган барча ҳодисага тадқиқотчи этиборига молик факт сифатида қарашни таълиф қиламан.

Юқорида айтганимдек, ёмғир севалаб ёғиб турарди. Игнатенко бирдан тўхтаб, қўлини олдинга чўзди-да, кафтини осмонга қилди ва бир неча минут тек туриб қолди. Шунда менинг кўз ўнгимда кўкдаги қора булут пардаси юпқалашиб, атроф ёришиди ва бирдан қуёш чарақлаб кетди...

— Ҳар ҳолда инсон мураккаб мавжудот, — ўзича гапирди Альберт Венедиктович.

— Агар киши шунини мақсад қилиб олса, ўз-ўзини умр бўйи кашф этиши мумкин, лекин барибир охиригача англаб етаолмайди. 1981 йилда Бриштонасдаги олимпиада базасида, Литвада, эшак эшувчилар командасида психолог бўлиб ишлардим. Мусобақа бўлиши керак эди, ҳаво эса айниб қолди. Биринчи, иккинчи, учинчи... кунлари ҳам ёмғир тинмай ёғаверди. Спортчилар ва тренерлар тобора асабийлаша бошладилар. Шунда мен булутларни тарқатиб юборишга ҳаракат қилдим. Ва ўн беш кун давомида беш-олти километр радиусда, айтиш мумкинки, кафтим билан очиқ, қуёшли ҳавони тутиб турдим. — У кулди ва изоҳлади:

— Биламанки, кафтимдан энергия таралади. Мен кафтимга тикиламан, милтираётган майда нуқталар ягона, йўғон нур бўлиб бирлашиб, булутлар томон, йўналади. Энергия дастасини мен, шу пайтда қуёш туриши керак бўлган жойга йўналтираман. Нур булутларга етиб борганида, у ерда юз бераётган реакцияни хаёлан тасаввур этаман. Секин-аста оғирликни ҳис этаман, худди қўлимда катта думалоқ тошни кўтариб тургандек бўламан. Кейин бироз тебраниш юз беради... Шу билан тамом!

Кейин Альберт Венедиктович бирдан мендан сўрайди:

— Энди ўзингизни қандай ҳис этаёсиз?

— Жуда ажойиб. — Мен ёлғон гапирмаган эдим.

— Биринчи сўхбатимизни эслайсизми? Сиз ўшанда нега ўз қобилиятингизни томоша

кўрсатишга сарфляяпсиз, деб сўраган эдингиз. Мана шунақа. Сиз ҳозир ўзингиз бунга қарийб жавоб бердингиз. Суггестолог билан мулоқот одамларга руҳий тетиклик бахш этади, программага «оқ йўл» тилайди. Мен бу ишни тиниқтириш деб атайман. Бунга катта аҳамият бераман. Сўнги пайтда мени Ерда юз бераётган табиий офатлар — зилзила, вулқонларнинг отилиши... кўп ташвишлантираёпти. Эҳтимол, бу сизга ғалати туюлса керак, лекин мен аминманки, ҳар қандай тажовуз-корона ҳаракат биосферага зиён келтиради. Вернадскийнинг материя эволюциясини биохимик ва бошқа табиий жараёнларнинг комплекси сифатида тасаввур этиши қонуний равишда кўпгина олимларни Онг ёки Олий Билимнинг пайдо бўлишига олиб келади. Айнан у барча ҳаётий жараёнларнинг бориши учун масъулиятни ўз зиммасига олиши керак, худди миллион йиллар илгари шундай масъулиятни органик ҳаёт ўз зиммасига олгани сингари.

— Ҳа, лекин бу яна инсоннинг имкониятлари билан боғлиқ.

— Инсон имкониятлари ҳадсиз-ҳисобсиз.

ОЛИМЛАР ШАРҲИ

А. Г. СПИРКИН, СССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси:

Инсон ва ҳайвон устида психологик тажрибалар ўтказиб, мен шуни тушундимки, психологик тажриба ўзининг «бююртма бўйича» такрорлаш мумкинлиги бўйича жуда қийин нарса ҳисобланади. Бу масалаларни тадқиқ этишнинг жуда катта тарихи билан танишиш менинг шу тахминимни тасдиқладики, биз ушбу ҳолда илмий баҳолаш жуда қийин бўлган психобиофизик ҳодисага дуч келиб турибмиз. Бу фактни назарий жиҳатдан изоҳлаш учун уринишда фикрлар бир-биридан кескин фарқ қилади. Баъзи чет эллик муаллифлар бундай ҳодисаларни илоҳийлаштиришди, уларни диний-идеалистик позицияда туриб тушунтиришга ҳаракат қилишди, бунинг натижасида, табиийки, олимлар менимча, шак-шубҳасиз бўлган, лекин бошқа соҳа кишиларига изоҳлаб бериб бўлмайдиган фактлар системасини қабул қилмадилар. Кибернетика, формаль генетика, космология, нина билан даволашнинг қисмати ҳам шундай бўлди.

Мен А. Игнатенконинг саҳнадаги чиқишларини бутун кеча давомида кузатиб, кейин у билан узок суҳбатлашиб, жуда зўр ва ибратли таассурот олдим. Тасаввур этишимча, А. Игнатенко одамларга масофадан энерго-информацион таъсир кўрсатиш ва одатдагидек бўлмаган каналлардан ахборот қабул қилишдан фавқулодда, бунинг устига юксак даражадаги қобилиятга эгаки, бу инсоннинг ноёб имкониятларини ўрганадиган фан учун ғоят даражада қизиқарлидир. Яна шуниси яхшики, бизнинг замонамизда бундай фактларга кундалик турмушдаги оддий ҳодиса деб эмас, балки илмий жиҳатдан қаралаёпти.

Л. А. ЛЕПИХОВА, Киев психология илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари, медицина фанлари кандидати:

А. Игнатенко шахсининг табиий психофизиологик ўзига хос томонлари машқлар мобайнида ўзида бир қатор қобилиятларни ривожлантириш имконини берганки, буларни ноёб деб тан олиш мумкин. Булар қаторига биринчи навбатда юксак ривожланган образли хотира ва юксак сезгини қўйиш керак... У оламни қабул қилинишини, инсон хулқ-атворини ўзгартириши мумкин... У саҳнада кўрсатадиган томошаларнинг ҳаммаси ажойиб, ҳаммаси кўришли, гарчи томошабинлар А. Игнатенконинг ҳар чиқиши — илмий эксперимент эканлигига шубҳаланмасалар ҳам.

А. В. ЖАЖКОВ, Николаев педагогика институти психологик ва социологик тадқиқотлар лабораторияси мудир:

Мен кўп йиллар Мессинг ва Куни сингари машҳур кишилар билан ишлашганман. Ун йил бурун лабораториямизда Альберт Игнатенко пайдо бўлди, биз у билан бир қатор илмий ишлар қилдик. Шубҳасиз, Игнатенконинг имкониятлари даражаси бирнеча баравар юқори.

А. А. ВОСТРИКОВ, Одессадаги суггестология ва суггестив педагогика илмий-тадқиқот лабораторияси мудир:

Игнатенко ўзининг одатдагидек бўлмаган ишчанлик қобилияти ва собитқадамлиги, ўзини юксак даражада жалб эта билиши билан киши эътиборини тортади. Образли ифодалаганда, бу киши ўзини мана шу «ғиштча»лардан курган. Агар мажозий ифодани давом эттирадиган бўлсак, суггестология синч вазифасини ўтаган. Игнатенко унинг имкониятларини намойиш этади.

«Вокруг света»нинг 1988 йил 11-сонидан таржима қилинди.



НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 550 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асари билан тазкирачилик жанрида халқчиллик ва реализм анъанасини бошлаб, бу соҳада ўзига хос мактаб яратди.

Буюк мутафаккир ижодидан илҳомланган тазкиранавислардан бири бухоролик Ҳасанхожа Нисорийдир. XVI асрда яшаб, ижод этган бу зуллисонийн шоир, адабиётшунос олим ўзининг «Музақкири аҳбоб» (1566) тазкирасини яратиш билан Урта Осиёда биринчи бўлиб, Навоий тазкирачилик анъанасини муваффақиятлик давом эттиришдек масъулиятли ишни ўз зиммасига олди ва кейинги асрларда етишиб чиқажаз тазкиранависларга журъат бағишлаб, қудай замин тайёрлаб берди.

Ҳасанхожа Нисорий ҳаёти ва ижодига совет даврида дастлаб С. Айний, А. Н. Болдирев ҳамда А. Мирзаев, К. Айний, Б. Аҳмедов, Н. Маллаев, Қ. Муниров, А. Иброҳимов, У. Каримов, М. Мирзааҳмедова, Б. Валихўжаев, У. Назиров, Р. Иномхўжаев, Р. Қобулова каби адабиётшунос ва манбашунос олимларимиз қизиқиб, қимматли фикрлар билдирганлар.

Шундай эсада, бу ижодкорнинг таржимаи ҳоли ва «Музақкири аҳбоб» тазкираси атрофлича ўрганилмаган ва ёритилган масалаларда айрим ноаниқликлар мавжуд.

Ҳасанхожа Нисорий 1513—16 йиллар оралигида ўзбек классик адабиёти намояндаси Подшоҳ-хожа (Хожа) оиласида дунёга келди. Нисорийнинг болалик ва тоғлиқ даври дастлаб Кармана сўнғроқ, Хожа Убайдуллоҳон (ваф. 1540 й.) ҳукумати хизматига ўтгач эса Бухорода кечади. Нисорий дастлаб адабиёт, математика, музикадан таҳсил кўради ва кейинчалик у астрономия, тиббиёт фанларини ҳам пухта эгаллайди.

Хожа 1529—30 йиллари Ҳиротда шайхулислом, 1530—34 йиллар орасида яна Бухорода садр ва 1534 йилдан то 1543 йилгача Балх ҳоқими Кистан Қаро бин Жонибек султон (вафоти 1544 й) ҳукуматида садри аъзам ва шайхулисломлик лавозимини бошқаради. Нисорий Балхда ҳам илм ўрганишни давом эттиради ва шу билан биргаликда Камалиддин Қўноқ (бу шахс Кистан Қаро давлатидаги нуфузли арбоблардан бўлиб, Балх шаҳрида бир неча масжид, касалхона, ҳаммом каби иморатлар қурдирган) мадарасасида Чағминий¹ математикаси бўйича дарс беради. Шайбоний ҳажмдорлари ўз давлат ишларини юргизишда Нисорийдек кўп соҳаларда билимдон кишилардан баҳонудил фойдаланардилар. Шу боисдан Нисорий 1545 (ёки 1547) йиллари давлат ишларига жалб этилиб, Бухорода Абдулазизхон ҳукумати (хонл. 1545—1550 й. й.) да садрлик лавозимини бошқаради. Хон вафотидан (1550 йили) сўнг у қисқа вақт Миёнкол ҳоқими бўлган Рустам бин Жонибек султон хизматига тақлиф этилади. 1554 йили тошкентлик султонларнинг Бухорога ҳужуми пайтида шу султон билан яна Балхга келади. Шундан сўнг Нисорий 1566 йилларгача Дўстум султон номи билан танилган Абулқуддус бин Искандар (кейинчалик Тошкент ҳоқими бўлган ва 1598 йили иниси Абдуллахон II нинг ўғли Абдулмўъмин томонидан қатл этилган) султон хизматида туради.

Нисорий давлат ишларида қатнашаркан шеърят билан шугулланишни ҳам қанда қилмайди. Бу соҳада шуҳрат қозониб, Искандар бин Жонибек султон (хонл. 1561—83 йй) ва унинг ўғли Абдуллахон II (расм. хонл. 1583—1598 й) даврида Бухоро «Малик-уш-шуаро»си унвонини олади.

Нисорий 1566 йиллардан кейин давлат ишларида иштирок этмайди. Мутрибийнинг ёзишича, Нисорийнинг уйида бир вақтнинг ўзида турли шахарлардан келган ўнлаб толиби илмлар аруз сирларидан воқиф бўлишган. Нисорий бошқа ўлкалардаги катта-кичик шоирларнинг адабиёт соҳасидаги ғойибона устози, маслаҳатчиси ҳам эди. Ҳиндистон, Қошғар, Хоразм, Марв, Бадахшон, Самарқанд, Тошкент, Фарғонада яшаб ижод қилувчи шеърят ихлосмандлари ўзларининг асарларини унинг назаридан ўтказиш учун Бухорога юборишар ва хат орқали Нисорий маслаҳатларидан баҳраманд бўлишарди. Нисорий саксон ёшдан ошиб ҳижрий 1005 (1597) йили вафот этади. Мутрибийнинг ёзишича, Нисорий қабри Баҳоуддин мақбарасида, савмаа эшигига яқин ерда жойлашган.

Нисорийнинг адабий меросини ҳали топилмаган ўзбек ва форс тожик тилида битилган ғазалларидан иборат битта девон ва кўп нусхаларда бизгача етиб келган форс-тожик тилидаги «Музақкири аҳбоб» тазкираси ташкил этади. Унинг шеърий меросидан биз Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро»си, Дарвеш Али Чангнийнинг «Тухфатус-сурур» рисоласи, Бадриддин Кашмирийнинг «Равзатур—ризвон» китоби ҳамда «Музақкири аҳбоб» орқали етиб келган «Бухоро мадҳи» қасидаси, бир неча ғазал, мувашшаҳ, байтлари билан танишмиз.

«Мажолис» темурийлар, асосан, Алишер Навоий жонқурлигида ривожланган адабий жараён вакиллари ҳақидаги маълумотларни қамраб олган бўлса, эндиликда, шайбонийлар даври Моварауннаҳр адабий ҳаётини акс эттирувчи ана шундай бир асар яратилиши зарурати ҳам туғилган эди. Бу ҳоли Нисорий «Музақкири аҳбоб»нинг муқаддима қисмида шундай изоҳлайди:

«Алисийратлик амир қабир Алишер... мазкур султон (Ҳусайн)нинг туғилиш юлдузи чиқиш замонидан то салтанат куёши ботишигача бўлган шуаронинг машхур исмлари ва номдор номлари-

¹ Маҳмуд бин Муҳаммад бин Умар ал-Чағминий ал-Хоразмий (ваф. 1221 й.) математика, геометрия, астрономия соҳасида трактатлар ёзган олим. Шарқда унинг асарларига кўплаб шарҳлар битилган.

ни яширин қўймай ва ёпиқ қолдирмай, йўқлов кемаси билан бедараклик денгизидан чиқариб, хотирлаш сарчашмасидан сероб этганлар ва уни «биз уларни ёд этдик» каримасига биноан яхши ёд-номага айлантирганлар. Туркий тил била тартиб топган қалбларни ром этгучи бу асар эндиликда салим таъълар ва мустақим ақлларнинг ёқтиргани турур ҳамда ундан келувчи манфаат юракда севинчлар ортишига боисдур...

Ой ҳаракатлик, Аторуд иззатлик доноларнинг ёруғ кўнгилларидан яширин қолмағайким, айрим вафолик инилар ва сафолик ўртоғлар бу йўқсил, ожиз каминига... шундай бир замонда мазкур амир (Алишер)нинг.. «Мажолис ун-нафоис»идан кейин зухурга келган барча фозилларнинг донгдор номларини бир битик қайдига киритиб ва уларнинг ёқимли нафаслари исини толибларининг жон димоғига етказиб, Сиз томондан... учинчи бир тазкира юзага келса, унинг мутолааси ҳар жиҳатдан тирилтириш асарли ва ўтганлар аҳволини билдирувчи илмга айлангусидир, деб буюрди-лар». (Таржималар ўзимизники).

Нисорий учун Навоий қаламга олган вилоят адаб аҳлини «Учинчи тазкира»га киритиш нечоғлик мушуқл иш бўлсада, у буюк устози принципига содиқ қолиб Моварауннахр шоирларидан ташқари Ҳиндистон адабий ҳаёт вакиллари ва Эрон Туркия, Кошғардаги, назм аҳли тўғрисидаги маълумотларни ҳам ёритишга интилади.

«Музақкири аҳбоб» хронологик, географик, династик, автобиографик принцип асосида тузилган бўлиб, (Мақола, Тўрт боб, Хотима) «Мажолис ун-нафоис»дан шаклан фарқ қилади. «Мажолис»даги темурийлар сулоласига ажратилган еттинчи мажлис «Музақкири аҳбоб»нинг Мақола қисмига чиқарилган, лекин у давр тақозосига кўра шайбонийлар ва XVI аср биринчи ярмидаёқ шайбонийлар билан дипломатик алоқалар ўрнатган бобурийлар сулоласидан етишиб чиққан шоирлар ҳақидадир.

Тазкиранинг биринчи ва иккинчи боблари эса худди «Мажолис»даги сингарин аввалги ва иккинчи мажлисларга, учинчи ҳамда тўртинчи боблари уч, тўрт ва бешинчи мажлисга тўғри келади. Навоий саккизинчи мажлисни яқин дўсти, шоир Ҳусайн Бойқарога бағишлаб, унинг фазилатлари ва шеъриятдаги иқтидорини васф этган бўлса, Нисорий шунга ўхшаш Хотима қисмини очиб, унда шеърят билан шуғулланган бобоси, отаси ва яқин қариндошлари ҳақида маълумот беради.

Мақола қисм ҳар бири икки фаслни ўзи ичига олувчи икки рукндан, бобларнинг ҳар бири эса тўрт фаслдан иборат бўлиб, тазкирада жами 286 нафар моварауннахрлик, ҳиндистонлик, эронлик ва туркиялик шеърят ихлосмандлари ҳақида фикр юритилади. Нисорий бу шоирларнинг кўпини шахсан танган, айримлари билан хат орқали алоқа ўрнатган ёки ишончли кишилар сўзи ва манбаларга таяниб гап юритганки, бу факт тазкиранинг Навоий асарига ҳамоҳангликда талқин этилганини кўрсатиб турибди. Албатта, бир мақолада асарнинг ана шундай барча фазилатлари хусусида тўхталиш анча мураккаб иш. Шунинг учун мазкур асарда характерли бўлган бир хусусият, яъни Нисорийнинг Навоийга бўлган миннатдорчилиқ, устозга меҳр-муҳаббат туйғулари ифодаси мавзуида тўхтаб ўтишни маъқул кўрдик.

Нисорий катта ва кичик замондошлари хотирасини абадийлаштиришга киришар экан, уни Навоий даври адабий ҳаёти жозибаси ўзига тортади ва муаллиф ўз асарида Алишер Навоий ҳамда «Мажолис»да номлари зикр этилган (Ҳусомий, Мир Ҳайдар, Нажмиддин Кавкабий, Бақоий каби) шоирлар ҳақида ҳам фикр юритмасдан ўта олмайди. Тўғри, автор буюк мутафаккир ҳақида махсус сўз юритиш масъулятини зиммага олмайди. Бу ишни у Навоийнинг қариндоши Мир Ҳайдарга бағишланган қисмда Жомийнинг Навоийга берган баҳосини келтириш билан адо этади. Чунки, Навоий шахсияти ва ижодиёти Нисорий учун муқаддас. Шу ерда муаллиф буюк устозга эҳтиромини бошқа яна бир восита — лирик чекинмиш орқали ҳам ифодалаб ўтмоқчи бўлади: Навоийнинг мўътабар сиймосини Нисорий тушида кўради. Навоий ундан, менинг шеърларимдан ёд биласанми, деб сўрайди. Нисорий Навоий ғазалидан мақтаё ўқиб, Навоий шеърятини мухлиси эканини намойиш қилади ва шундан сўнг буюк мутафаккир тилидан «оғир дамларда менинг руҳимдан мадад топгайсан» мазмундаги байтни келтириб, Навоий сиймосини барча ишларда ўзига кўмакчи, раҳнамо сифатида эътироф этади. Нисорий булар билан кифоялаиб қолмайди, у бутун асар давомида хоҳ истаб, хоҳ беихтиёр Навоий ҳақида бирон нарса айтиш, унинг мўътабар номини тилга олиб ўтишга интилади. Тазкирада Навоий ҳақидаги маълумотлар турли қисмларда ҳар хил муносабат билан гоҳ улғу ижодкор замондошлари томондан қилинган ҳикоялар заминиде, гоҳ бирор воқеа билан боғлаб келтирилади.

Нисорий ёзишича, «Мажолис»да номи зикр этилган шоир Бақоий унинг отаси Подшоҳхожа билан дўстона муносабатда бўлган ва ҳатто уларнинг Балхдаги уйида оламдан ўтган. Навоий назари тушган бу шоир ҳақида «Мажолис» дан ушбу сатрларни эслаймиз: «Мавлоно Бақоий камонгарликка машхур ва ўзини муаммойликка ҳам шуҳрат берди. Аммо фақир ҳаргиз андин муаммоки, нимага ярагай, эшитмадим. Сўнгра шеър айта бошлади. Аммо ғариб хаёллар қилур, аммо таркибини реш боғлар. Дерларки тирандозлик фанида соҳиби вуқуфдир, биз билмасбиз...»

Бақоий билан кўплаб суҳбатдош бўлган Нисорий эса шундай ёзади: «Мулло Фазоий амир кабир Алишер Навоий ўз тазкирасида камонгарликка нисбат берган мавлоно Бақоийнинг ўғлидир. Фақир Бақоийдан сўрадим: — Муллои замон не сабабдан бу касб соҳиби номини олмишлар?»

Деди: — Бу соҳада бизнинг санъатимиз йўқ. Бу шикастага мазкур лақабни мана бу сабабдан таққанлар. Бир пайтлар Музаффар барлос билан Ҳиротга борган эдик. Ушанда камонгарлик дўконига кириб, усталар орасида ўз камонимизга гўшагир қўяётган эдик ва шу ишлар билан бўлиб, амир кабир Алишернинг йўли шу ердан тушиб, кимё асар назарларини менга солажак ва маломат ўқиға дучор қилажакларини билмай қолибман. Зеро, ғафлат сабабли биздан беадаблик ўтган эди...»

Энди биз буюк адабиётшунос тазкирасига Бақоий ҳақидаги маълумот қай йўсинда кирганлигини яхши тасаввур қилаоламиз. Мазкур вазиятда рўй берган мулоқот ҳазил-мутойиба билан бошланиб, шу зайл тугагани аниқ. Кимдир Бақоийни камонгар ва тирандоз деб ҳам таништирган, Навоий ҳам худди шундай хабар беради. Лекин, синчков Навоийнинг назокат билан «биз билмасбиз» дейиши Бақоийни таништиришдаги юмор билан йўқрилган таъриф сирини шундоқ фох қилиб турибди.

Нисорийнинг математика фанида билимдон киши бўлганини айтган эдик. У таъкирада шу соҳага боғлиқ бир мунозара тафсилотини баён қиларкан бизга Навоий биографиясини ёритувчи яна бир қимматли маълумотни ҳавола қилади.

«Мавлоно Абулқосим ҳақим мавлоно Дарвиш Хусайн табибнинг ўғли ва амир кабир Алишернинг табиби бўлган мавлоно Дарвиш Алининг биродарзодасидир. Бир куни «табиблар ифтихори» мавлоно Султон Маҳмуд табибнинг уйида барча улуғлар йиғилган эдилар. Хуросон фозилларидан бўлмиш Мир Муллои Воиз деди: — Амир Алишер жомеъ масжиди биноси қурилишини поёнига етказгач, фозиллар иморат учун таърих айта бошладилар. Шунда мулло Дарвиш Али ушбу байтни ўқиди:

**Таърихи имораташ агар меҳоҳи,
Арқоми аносир асту сифру афлок.**

(Мазмуни: Агар қурилиши тарихини истасанг, унсурлару нолу фалаклар сонидир).

Ҳирот аҳли офаринлар айтишди ва шуларни иморат кошенига нақш қилдилар. Булардан 904 рақами ҳосил бўлади¹.

Фақир дедимки, ҳандаса фанида бошда айтилган нарса ёзилганда хат охирига тушади, чунки рақамларни чапдан ўнгга қараб ёзамиз-ку! Бинобарин, бу ерда 409 рақами ҳосил бўлади. Агар бошқача баҳрда, яъни, мана бундай — «арқоми афлоку сифру аносир» тарзида айтилса, тўри бўларди.

Баҳс бошланиб, анча тортишув бўлди. Олимларнинг кўпи бу фақир ёнини олишди. Бироқ айтивчи ўз сўздан қайтмади, фикрида қаттиқ турди...

Ахир гап бу ерда «Макоримул ахлоқ»нинг «Олтинчи мақсади»да қайта қурилиши баён этилган қадимий Ҳирот жомеъ масжиди ҳақида кетмапятими? Ҳақиқатан ҳам, буюк мутафаккир бошқош бўлиб ўз маблаг ивазига таъмирини 903 йил шаъбон (1498 йил 26 март — 23 апрель) ойда бошлатган ва 905 йил 14 шаъбон (1500 йил 13 март) куни очилиши шарафига катта тантана уюштирган. Жомеъ масжидининг қайта тикланиши Алишер Навоий маданий ёдгорликларни сақлаб қолиш бобидаги жонқуярлигининг олий намунаси бўлган эди.

Навоий уюштирган назм ва наво йиғинларида иқтидор, ёши, касби, тоифасидан қатъи назар шеърят муҳлисларининг барчаси қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Нисорий ҳам улуғ гуманистнинг халқ ичидан чиққан шоирлар ижодига жиддий эътибор беришидек буюк ижодкорларга ҳос фазилатини бир воқеа баҳонасида тасвирлаб ўтади.

«Мавлоно Ҳайдар Кулuch кучли шоирлардан бўлиб, асли касби кулuchапазликда ҳам ном қозонган пазанда киши эди. Бир куни ғазал битиб, амир кабир Алишер мажлисига олиб борибди. Бироқ, маъносини тушунтиришга ожизлик қилиб, узрида мана бу матлаъни айтган экан. Матлаъ:

**Чунон тути сифат ҳайрони он оинаруям
Ки мегуям сухан аммо намедонам че мегуям.**

(Мазмуни: Тўти каби ул ойна юзликка ҳайрон боқаман, чунки, сўзлайману нима деяётганимни ўзим билмайман).

Ва бу сайқал берувчи сўзлар билан мажлис аҳли кўнгил ойнасидаги ғуборни кетказибди. Хат ва саводдан беҳабар киши эди...»

Нисорий Навоий даҳосига зўр эҳтиром ва эъзоз билан қарар экан, бу буюклик моҳиятини теран англамаганлар устидан истеҳзоли кулади, нафратланади.

«Мавлоно Афсарий Кармана вилоятдандир. Узоқ вақтлар Убайдуллахон хизматида бўлиб, ўзини хонга яқинлар қаторига қўшганди. Шеърлар мўл. Амир Қосим (Анвар) девонига татаббуъ ва амир Шохий девонига эса жавоб битган. Мир Алишер Навоий наволари пайравига кўп тиришиб, ўзини иккинчи амир Алишер хаёл қилар ва шу хаёл орқасида ўзига Соний (иккинчи — И. Б.) деб тахаллус қўйиб олган эди. Мисраъ: Зи Каъба то сари куят ҳазор фарсанг аст. (Мазмуни: Каъба билан сен турган маҳалла орасида минг фарсанглик масофа бор; яъни Алишер Навоий қайси мақомда турибдию сен қайдасан).

Нисорийнинг Навоий анъанасига эътиқоди яна бир ўринда яққол кўзга ташланади, у туркий тилда ёзувчи шоирлар бўлса, ижодкорларнинг бу хусусиятини ҳам таъкидлаб кўрсатишда Навоий изидан боради. Таъкирада 36 нафар туркигўй шоир ҳақида гапирлиб, уларнинг кўпчилиги ижоддан намуналар келтирилади.

«Мавлоно Сурудий Ҳофиз Меросий хатибнинг фарзандидир. Илгари Убайдуллахоннинг воқеанависи (хроникачиси — И. Б.) бўлган ва мазкур вазифани ҳақиқатдан ҳам яхши адо этган. Яхши котиб ҳамдир. Иморатларга битиладиган китобларни шу кунларда ундан ўтказиб ёзадигани йўқ. Яхши хулқли ва хуш таъбли камтар киши, туркий ва форсий тилларда шеърлар айтади. Бу матлаъси чиройли, нафис чиққан бўлиб, тилларга тушган. Матлаъ:

**Дар фасли хазон гарчи зи гул ному нишон нист
Хуш рангийи авроқи хазон ҳам кам аз он нист.**

(Мазмуни: Куз фаслида гулдан ному нишон бўлмасада, хазон бўлган япроқларнинг чиройли ранги ҳам ундан кам эмас).

Ҳамиша мансаб тақазосига кўра хоннинг олдига кириб тураркан. Буни кўраолмаган ичи қоралар хонга арз қилиб, унинг хон ҳарамига яқин бўлган жойга кириб-чиқиши муносиб эмас, дебдилар. Шу сабабли мулло иш юзасидан хон олдига кириш пайтида кўп кутиб қоладиган бўлибди ва бу қитъани ёзиб ҳазрати хонга етказибди. Рубоий:

¹ Бу ерда одатдагидек абжад ҳисоби қўлланилмайди. Метафизиклар ақидасига кўра моддий олам ташкил топган элементлар — сув, ҳаво, тупроқ, олов — сон — 4, сифр (ноль) — 0, афсонага кўра 9 фалак мавжуд. Булар араб ёзувига биноан байт сўзлари тартибда жойлаштирилса 904 рақами ҳосил бўлади. Навоийга абжад ҳисоби ишлатилмай айтилган бу таърихнинг маъқул бўлиши унда фалсафий маъно борлиги билан боғлиқ. — И. Б.

**Хизмат қилайин деб кечалар қолурмен,
Хизматда ўзумни илгари солурмен.
Бу турфа ки, мутоб шогирдидек,
Турғон сайи(н) оллингда, кейин борурмен.**

Хон кўп ҳайратда қолиб дарҳол уни ҳузурига киритишларини буюрибди.
«Нодирбек садр кўнғирот жамоатидан бўлади. Фазилат эгаллиги ва қилган хизматлари туфайли садрлик лавозимига машарраф бўлган эди. Шеър фунунида ҳам сўз очиб, кўп яхши абёт айтган. Мана бу туркий матлаъни эса каминага ўқиб берган эди.

Матлаъ:

**Жамолинг сафҳасига мушкдин хатте ки тортибсен,
Хат эрмас, балки бу бадрузнинг бахтин қарортибсен.**

Мен ҳам унинг жавобида айтганман. Матлаъ:

**Зумурдгун хатти райҳон ки лаъл узра кўкортибсен,
Хатти Ёқутдурким хублар насхига тортибсен.**

(Хатти Ёқут — XIII асрда яшаган хаттот Ёқут Мустаъсимий яратган хат тури; насх тортмоқ — ўчирмоқ, йўққа чиқармоқ.)»

Хуллас, юқорида биз «Нисорий тазкиранависликда Навоий анъаналарини давом эттириб, буюк мутафаккир даҳосига бўлган чуқур эҳтиром, бениҳоя эъзозини намойиш этганлигининг гувоҳи бўлдик. Бироқ аллақачон (тўлиқ бўлмасада) Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкиратуш-шуаро»си ҳамда Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» тазкиралари китоб жавонларидан жой олиб, «юрақда севинчилар орттиришига боис» бўлган эсада, булардан сўнгги, «учинчи тазкира» ҳалигача ўзбек ёки рус тилларига таржима қилинмасдан келяпти.

**Исмоил БЕКЧОНОВ,
ТошДУ шарқ факультети ўқитувчиси.**

¹ (мутоб — жун арқон эшувчи).



ТАСВИРДАГИ ЗАМОН РУҲИ

Акмал Икромжонов 70-йилларнинг иккинчи ярмида тасвирий санъат оламига қадам қўйган мусаввирлар авлодига мансубдир. Унинг рассом сифатида шаклланишида кўп ёшларга хос изланиши, ўз тенгқурларининг умумий йўлига фаол ҳамнафаслигини кўриш мумкин. Бугунги санъатнинг ранг-баранг ва мураккаб поғонасига қадам қўйган ёш ижодкор шундай изланишда чиниқиб, ўзининг ижодий йўлини топиб олаётганлиги қувонарлидир.

Жавлон Умарбеков, Мақсуд Тўхтаев, Баҳодир Жалолов, Акмал Икромжонов, Муҳаммад Нуриддинов ҳамда Алишер Мирзаев каби рассомларнинг ўз ижодида янги, замонавий воқеликдан туғилган таассуротларини образли тасвирига кўрсатишга интилишида ёш авлодга хос кашфиётчилик нафаси яққол сезилади. Бу рассомлар ўзбек санъати учун анъанавий бўлган тема жанрларини ҳам янгича нуқтаи назардан ҳал қилиш асосида ўзига хос янги асарлар яратишга интилади. Ҳар қайсисининг рангтасвиридаги изланишлари ўзига хосдир. Бу эса халқ амалий санъатининг декоратив услуби, шарқ миниатюраси, 20—30 йиллардаги совет рассомларининг анъаналари, шунингдек, уйғониш рангтасвирининг пластиклигини ўзлаштиришга мойилликларига кўринади.

Ёш рассомларимизнинг услубий тақлидга берилмай, миллий маданиятимизнинг энг яхши, илғор ютуқларини ижодий ўзлаштиришга бўлган бундай интилиши киши қалбини қувонтиради. Ёш ўзбек рассомлари орасида Акмал Икромжонов ижоди бу жиҳатдан эътиборни тортувчи ва чуқур маънодор асарлари билан ўзбек совет санъатини бойитиб келмоқда.

Барча рассомларга хос ижод ва изланиш машаққатини Акмал Икромжонов ҳам чекди. У ёш бўлса-да, ўзининг босиб ўтган йўли бор. Рассомнинг ижодий ишлари ГДР, Испания, Македонияда бўлиб ўтган кўргазмаларда намойиш этилди. У ўқувчилик йилларидаёқ расм чизишга қизиқди. Бу қизиқиш уни В. И. Ленин номидаги пионерлар саройи ҳузуридаги тасвирий санъат тўғрисидаги етаклади. П. П. Беньков номидаги Республика бадиий билим юртининг рангтасвир бўлимига кириб таҳсил олиши ёш рассомнинг тасвирий санъат борасидаги тушунчасини кенгайтди, ранглар оламини англади. С. Д. Ивашкиннинг рус ва Ғарбий Европа санъати намоёндалари асарларидан берган таълими ижодий мушоҳадасини ўстирди.

Билим юртида ўқиб юрган талабалик йиллари Акмал ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. У Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаев билан танишишга муяссар бўлди. Рассомнинг ўзи ўша талабалик даврини эслар экан, фахр билан шундай дейди: «Мен Абдулҳақ ака уйда тез-тез бўлар, устоз асарларини, портрет ишлаш қоидаларини диққат билан кузатар эдим. У киши менда портрет асарлар яратишга муҳаббат уйғотди. Шу сабабли ҳақли равишда Абдулҳақ акани ҳурмат билан устозим дейман...

Лекин А. Икромжонов билим юрти таълими билан чегараланиб қолмади. У И. Е. Репин номидаги Ленинград рассомлик институтининг рангтасвир бўлимида ўқишни давом эттирди. У ерда ёш рассом А. Мыльниковдан рангтасвир, А. А. Королевдан қаламчилик сирларини ўрганди.

Етмишинчи йилларнинг ўрталарига келиб А. Икромжонов ижоди секин-аста шакллана бошлади. Ёш рассом мўйқаламидан замондошларимиз сиймолари ўз жилоларини топди. «Урол Тансиқбоев», «Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғани Аъзамов», «Баҳодир Жалолов», «Ҳарбий учувчи Булатов», «Травматолог К. Алимов», «Автопортрет — Аср садоси» каби қатор портретларини бирин-кетин яратди. Портретчи мусаввирнинг ютуғи шундаки, асарларига қаҳрамон қилиб танлаган замондошларимиз образларини уларнинг ҳар бирининг касбига ҳамда ёшига монанд, табиати ва фаолиятига мос композиция излаб топади, образлар моҳиятини тереңроқ очишга муваффақ бўлади. Замондошларимиз образини чизибгина қўя қолмайди, балки у ўз асарларига замон руҳи ва нафасини ҳам сингдиради. Фикримизни исботлаш, шу билан бир қаторда мусаввир ижодини яққолроқ кўз олдимишга келтириш мақсадида А. Икромжоновнинг бир неча портрет асарларини кўздан кечирайлик.

«Автопортрет — Аср садоси». Бу асардан биз томон илҳом оғушига синган ёш йигит — рассомнинг ўзи боқиб турибди. Портретда тасвирланган образ ҳамши, асар оҳанги, ранглар аниқлиги, мўйқаламнинг ёрқинлиги — буларнинг бари бир мақсадга бўйсундирилган: ёш йигитнинг буюк мақсад сари қатъият билан интилиши ифода этилади. Шунингдек, рассом портретга файласуфона ёндашади. Мусаввир асарда ёш рассом образи орқали санъатга хизмат қилиш зарурати кучли эканлигини акс эттиради, шу билан бирга ер юзида ҳамши тинчлик, инсоният доими тинч нафас олиши лозимлигини, инсоният гўзаллик, бахт-саодат, фан ва техника йўлида хизмат қилиши зарурлигини тасвирлайди. Агар асарга зехн солиб кузатилса, коинотнинг ғоят улғуворлиги ҳис этиб турилади, қалбни бепоёнлик қуршайди. Сўнгсиз коинотдан рассомнинг дунё таъшишларини ҳам уқиш мумкин, айни пайтда рассомнинг ҳаёт доим давом этиши зарур деган ғоясини ҳам илғаш осон. Бу асар шунинг учун ҳам республика, Бутуниттifoк, жаҳон кўргазмаларида намойиш этилди, томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди.

Мана, рассомнинг яна бир муваффақиятли асари: «Урол Тансиқбоев портрети». Унда мусавир ўзбек совет тасвирий санъатига улкан ҳисса қўшган табиат куйчиси Урол Тансиқбоевнинг образини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Муаллиф буюк рассомни гўзал табиат манзаралари кучоғида, илҳом оғушида ижодий мушоҳадалар дақиқасида тасвирлайди. Табиат манзарачисининг нигоҳи узоқ-узоқларга қадалган. Унинг атрофини қуршаб турган мана шу чексиз гўзалликда, она табиатнинг ўчмас лавҳасида, биз яшаётган бахтли замонанинг илҳомбахш лаҳзасида фақат табиат куйчиси тасвирланаётгани йўқ, унинг бу ҳолатини кузатаётган томошабин ҳам беихтиёр рассом руҳига киради. Асарнинг тасвирланаётган образ олами билан табиат ҳамда давр нафасининг уйғунлашиб кетиши, А. Икромжоновнинг образ руҳига чуқур кириб борганлигини тасдиқлайди.

Яна бир нарсага диққатни қаратиш керак. Ёш рассом ўз портретларида асосан, рассом, актёр, шоирлар образларини яратишга, уларни вақт нафаси қуршовида ҳамда ички кечинмалар жараёни пайтида тасвирлашга интилади. Биз кўриб ўтган иккала портрет асари ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Бундан ташқари рассом ҳар бир асарида каттами, кичикми асар моҳиятини очиб берувчи ҳаёт ҳодисаларини, ўзининг дунёқарашини, атрофидаги одамлар муносабатини ифода этишга ҳаракат қилар экан, уларни ўз мақсадига бўйсундиришга бутун иқтидори, қалб кўрини бағишлайди. Шу сабабли рассом яратган образлар доираси хилма-хил, ранг-баранг. Мусавирнинг томошабин эътиборини тортадиган, дилини равшанлаштирадиган яна бир фазилати бор. Бу ҳислат замондош образини тасвирлашда асарнинг ички яхлитлигини ҳамда чуқур мазмундорлигини очиб бериш мақсадида тинимсиз изланишлар олиб бораётганлигидир. Дарҳақиқат, А. Икромжонов образ ташқи кўринишларини томошабинга таништирар экан, композицияни қатъий аниқлаштиради, асар оҳангини белгилаб олади ва тўғри ўхшашликка интилади. Яъни образнинг ташқи қиёфаси, унинг хатти-ҳаракати, фаолияти тасвирланаётган шахс — инсоннинг ўзига ҳослигини очиб беришга хизмат қилади. Асарга бундай ёндошиш рассомнинг реалистлигини оширади, ҳаётга яқинлаштиради. Натижада мусавир ҳаётда юз бераётган ҳодисаларни ўзича идрок этишга, одамларнинг ўй ва ташвишлари билан яшашга, уларнинг дунёқарашлари билан қизиқишга одатланади, асарларида қалб призмасидан ўтган мана шу ҳаётий мушоҳадаларни акс эттиришга киришади.

Ёш рассом ижодий ишларининг асосий мавзу ижодкорлар образи талқинига бағишланишининг сабаби ҳам мана шунда. У ўз қалбига, ўз дунёқарашига яқин образлар галереясини яратишга уринади. Чунки уларда рассомнинг аниқ нуқтаи назари, ҳаётни тўлақонли тушуниши, ўзининг очиқ кўнгиллиги, самимияти ҳам уйғунлашиб кетади. Фикримизнинг далили тарзида «Чингиз Аҳмаров», «Баҳодир Жалолов» ва бошқа портретларини мисол келтириш мумкин.

Рассом ўз қобилиятини рангтасвирнинг турли жанрларида синаб кўраётир. Унинг табиат гўзалликларини мадҳ этувчи «Бойсун», «Ёз ёмғири», «Варнемунда», «ГДР ҳақида таассурот» каби манзаравий асарлари бу соҳада эришган ютуқларини кўрсатади. Зеро шоир ва ёзувчилар она диёрларининг сўлим табиатини, мислсиз чиройини сўз орқали тараннум этсалар, мусавирлар ранглар тили билан куйлайдилар. Ранглар қўшиғи кўз орқали юракда акс-садо беради.

Биз бу ёш рассомдан ҳақли равишда замонамиз, замондошимиз ва меҳнаткаш инсонларнинг қувонч ҳамда ташвишлари ҳақида ҳикоя қилувчи теран мазмунли, бадий юксак асарлар кутамиз.

Жамила САЙДАЛИЕВА



ФИКРЛАР ЖАНГИ

Тижорат — савро
савиш,
Коммерция

Утган йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Тошкентда тасаввурларимизни ағдар-тўнтар қилиб юборган, баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган одатдагидан бошқача — тижорат кўرғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазмада таниқли профессионал рассомлар билан бир қаторда институтни яқинда тамомлаган ёш рассомлар ҳам иштирок этди.

Мамлакатимиз бўйлаб ошкоралик ва демократиянинг эркин ҳавоси сузиб юрибди. Эндиликда одамлар дилидаги гапини илгаригидай пинҳона эмас, балки ошқора айтмоқда. Замон даъвати-ла онг ва тафаккурини қайта қуряпти. Қайта қуриш шарофати билан мумкин қадар ўзини ўзи илгаригидай алдамасликка, овутмасликка интиляпти. Ҳақиқатни қарор топтириш борасида фикрларини чўчимасдан, ҳайиқмасдан ўртага ташламоқда. Зеро ҳақиқат баҳсда туғилади. Ана шу ҳақиқатни қарор топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бугун озми-кўпми, ҳарқалай ўз мевасини бермоқда. Реал ҳаётнинг кўзига тик қарашимиз боис жамиятимиз ҳаётидаги иллатлар, камчиликлар тобора фош бўлиб бормоқда. Ҳа, қайта қуриш бизга берилган улуғ имкониятдир. Шу улуғ имкониятдан мулоҳаза билан, оқиллик билан фойдалансак ютуқ, муваффақият бизники бўлажак.

Қайта қуришнинг беҳад имкониятларидан ҳамма руҳланиб кетди. Одамлар ўзларини кўп йиллардан бери қайнаб келаётган туйғуларини давраларда, йиғинларда баралла айтишяпти. Дардларига шеригу ношерик одамлар чиқишяпти. Оқибатда фикрлар қураши, жанги қизгин тус олмақда. Аммо бу имкониятдан «турғунлик йилларининг қурбонлари»ю ҳозир ҳам омади чопмаётган одамлар кўпроқ фойдаланиб қолишга уринаётир. Улар фикрлар ранг-баранглиги шиори остида зимдан умум манфаатига зид, хилоф иш юритишаётир. Минбарларни эгаллаб олиб, ўз фикрини абсолют ҳақиқат санаб, меҳнатию сўзи билан қайта қуришнинг жонбоз тарафдорлари овозини бўғиб қўйишга уринмоқда. Бу хил типлар ҳаётда ҳали анча-мунча топилади. Кўрғазмага қўйилган асарларнинг бирида ана шундай кишиларнинг қиёфаси ёритилган эди. Замонасоз, бу одам бир қўлини кўтариб қайта қуриш даъватларига лаббай, деб турса-да, иккинчи қўли билан буткул қўшилмаслигини ифодалаб турибди. Буқаламун — замонасоздир. У ўз жонини сақлаш, кун кечириши учун шароитга тез мослашиб олади. Рассом бу асарида қироатгўй ва ваъзхонларнинг сатирик образини яратиб, одамларни ана шундай буқаламунлардан ҳушёр бўлишга ундаган.

Авалло шунга айтиб қўййликки, кўрғазмадан жой олган плакатлар биз ҳар куни кўча-кўйларда, ишхоналарда кўравериб ва охири бир қараб қўйиш ҳам малол келиб қолган плакатларга нисбатан анчайин ғайриоддий эди. Шунданми тез шов-шувга сабаб бўлди ва унинг мухлислари ҳам кўп бўлди. Мухлислар орасида ўқувчию ўқитувчиларни ҳам, қаламқашу санъаткорларни ҳам, ишчию деҳқонларни ҳам, олимю пенсионерларни ҳам — хуллас барча ёшдаги ва касбдаги кишиларни учратиш мумкин эди. Ростини айтсак, бундай кўрғазмани яқин йиллар орасида кўриш нари турсин, ҳатто хаёл ҳам қилмасдик. Гарчанд, рассомларнинг ифода йўсини хилма-хил бўлсада, уларнинг асарини бирлаштириб турган нарса — давр нафасининг, ҳаётнинг рўй-рост тасвирлангани эди. Назаримда, кўрғазманинг одамлар қалбига йўл топишию турлича фикрлар уйғотишига ҳам шулар сабаб бўлди.

Рассом А. Умаровнинг «Оқлар бошлайди ва... юта оладими?» асари шу куннинг долзарб масаласида. Биламизки, республикмизда пахта монокультурага айланма кетган. «Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади» деган чиройли шиор остида пахтакорларимиз зиммасига ҳар йили юксак мажбуриятлар юкланаверди. Пахта плантациялари шу қадар кенгайиб бордики, оқибатда яйловлар, боғроғлар қисқариб кетди, сабзавоту полиз маҳсулотлари етиштириш учун ер топилмай қолди. Маълум бўлишича, пахтаси фаҳри, ифтихори бўлган халқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳатто ўзини ўзи таъминлай олмас экан. Саховатли ўзбеклар замини ҳар хил пестицидларга тўлиб кетди, шўрланиб қолди. Заминини шўр босган халқнинг тақдирини ҳам шўр босар экан. Республикамиз аҳолиси озиқ-овқат моллари истеъмоли бўйича мамлакатимизда киши бошига тушадиган ўртача кўрсаткичдан анча кам миқдорда гўшт, сут, мева-чева тановул қилар экан. Оқибатда бошқа халқлардан таънаю маломатларга қоляпмиз. Бировнинг ҳисобига кун кечириш марғур халқ учун ниҳоятда уятлидир. Наҳотки, маҳсулдор заминини пахтазорлардан юлиб олиб, қолюқ тармоқларни ўртача даражага олиб чиқишнинг илоҳи топилмаётган бўлса?! Кўрғазмадаги асарлар орасида (аслида кўрғазмага қўйилган асарларнинг ҳар бирини вақтида урилган бонг дейишимиз керак) менда энг кўп мулоҳаза туғдиргани шу бўлди!

И. Резников ва С. Васильевнинг ҳамкорликда яратган «Диагноз: дефолиация» плакатини мажбур мавзунинг тадрижий давоми дейиш мумкин. Ғўза баргини тўкишда ишлатиладиган кимёвий препарат — бутифос инсон организми, умуман унинг атроф-муҳитга ўтказадиган таъсири нечоғли фожей экани эндиликда сизу бизга маълум. Бу машъум препарат туфайли республикмизда ирсий касалликлар кўпайди. Болалар ўлими бўйича юқори ўринга чиқиб олди. Бутифос сариқ касаллиги уришига манба бўлди. Бу ҳақда матбуотда қизгин фикрлар билдирилди ва тегишли идоралар томонидан бу препаратнинг қўлланилиши қатъиян тақиқланди. Аммо... ҳозирги пайтда бутифос ўрнида ишлатилаётган хлорат магний дефолианти ҳам дозадан ошиб кетса, инсон организмга қаттиқ

салбий таъсир кўрсатар экан. Рассомлар ўз асарларида дефолиациянинг фақат инсон организмга салбий таъсирини кўрсатган, десак бир томонлама фикрлаган бўламиз. Кенгроқ ўйлаб кўрилса, ижодкорлар бу мавзуга қўл уриб, жамоатчиликни ғўза баргини тўкишнинг бундан ҳам оқилона йўллари кидириб топшига ундаган. Бу деҳқон аҳлининг ҳам орзусидир, негаки улар олимлар томонидан ғўза барглари табиий йўсинда тўкиладиган навлар яратилишини кутишмоқда.

Қоғозбозлик — қайта қуриш режаларини тезроқ амалга оширишни кечиктиради. У бу улугвор имкониятнинг иложи бўлса пойдан тортади. Қоғозбозлик келтирадиган иллат нахотки шулар билан чекланиб қолса. Йўқ, у минглаб оддий одамларнинг асабини ишдан чиқаради, нахотки саломатлигига, ижодий кайфиятига, кўтаринки меҳнатига таъсирини кўрсатади. Рассом Х. Ҳасановнинг «Справка» плакати айнан шу хил фикрларни уйғотади кишида. Биргина мисол олайлик: ўтган йили мамлакатимизда қандан ва шакар қаҳатчилиги юз берди. Етмиш йил мобайнида биринчи мартаба шакар ва қанд одамларга лимит орқали тарқатилди. Ишлайдиган одамлар ишхонасидан, пенсионерлар эса турар жойларига яқин магазинлардан олишди. Икки килограмм шакар ёки қандни олиш учун иш жойидан, яшаш жойидан, болалари сони ҳақида ва соғлиги тўғрисида справкалар билан бир қаторда паспортини шахсан кўрсатиш талаб этилди. Биз худди шундай справкаларни, характеристикаларни бошқа жойларда ҳам муҳим бўлмаса-да, талаб қилишларини биламиз. Асар қоғозбозликларнинг кўзини мошдек очадиган асарга айланган, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Ёки А. Зияевнинг «Маъмурий-буйруқбозлик бошқариш системаси» асарини олайлик. Жим-жимадорликдан холи бу асарда бор-йўғи учта деталь бор. Рассом шугина деталлар асосида ҳозирги раҳбарларнинг одамлардаги шижоатни бўғадиган яроқсиз иш услубини, бошқаришни — буйруқ чиқариш деб тушунадиган савияси қолақ маъмурларнинг бор қиёфасини тасвирлашга эришган. Асарда кучли истеҳзо ҳам... бу услубни таг-томири билан йўқотишга даъват ҳам... мавжуд. Мен бундай асарлар сирасига Т. Островерхованинг «СССР Қизил китоби» плакати ҳам қўшишим мумкин.

Рассомлар фақатгина бугунги куннинг мавзуси билан чекланиб қолишмаган. Улар мамлакатимиз тарихининг келажак учун долзарб бўлган мавзуларига ҳам қўл уришган. Шулардан бири Ю. Зименковнинг «Мен одамлар бунчалик «эркин» нафас олаётган ўзга мамлакатни кўрмадим. 1937» асаридир. 1937 йил мамлакатимиз ҳаётидаги энг маъшум, қора йилдир. Худди шу йили миллион-миллион соғлом фикрли етук зиёлилар қатли омга учраган. Бу қатли омнинг бошида эса «халқлар отаси» — Сталин тургани бизга маълум бўлди... Унинг тарихда нечоғли ўрин тутгани эса бошқа плакатларда ҳам ўз аксини топган эди.

Биз мухтасар мақоламизда, кўргазмага қўйилган ҳар бир асар ҳақида батафсил тўхтаб ўтолмаймиз. Лекин шуни айтишимиз керакки, ошкоралик туфайли бўлиб ўтган бу кўргазма одамларда катта қизиқиш уйғотди. Кўргазманинг фикрлар ва мулоҳазалар дафтарини варақлай туриб, плакатларни мухлисларнинг қарийб тўқсон фойизи ижобий баҳолагани гувоҳи бўлдик. Ва одамлар ҳақиқатга ташна эканини сездик. Ҳар бир мухлис эса дафтарга ўз фикрини ёзиб қолдирган. Мана улардан намуналар: «Кўргазма-менга унчалик ёқмади, сизлар Сталин раҳбарлиги даврида яшамаган бўлсаларингиз қандай қилиб бу давр ҳақида фикр юрита оласизлар. Одамлар калтабин ва замонасоздир, сизлар шу пайтгача қаерда эдингизлар? Бурчакларда писини ётардиларинг! Мен барибир жанговар кўргазма дея олмайман, негаки, ҳозир ҳамма нарсани айтиш мумкин. 70—80-йилларда ҳаммаларингиз кўрқардинглар ва ўзларингизни ўраб турган муҳитга мослашган эдинглар. Энди эса барча нарса ҳақида фикрлашларингизни қандай тушунса бўлади. Булар янгилик эмас, булар 1985 йилга қадар оилавий дастурхон теварагида бўлиб ўтган гаплар. Насиб этса кўрамиз, Сталин даври қайтиб келса, қани қайси тарафга ўтар экансизлар? Доимо бир хил қиёфадаги одам бўлиш керак. Рассом В. Фирсов».

Фикрлар ва мулоҳазалар дафтарининг юқоридоғи сатрлари битилган саҳифасида бу рассомга ва бу хил фикрловчи одамларга зарба берилган:

«Ҳасадгўй! Бемани гап! Ҳали ҳам кўрқоқ экансиз чоғи! Боз устига савиянгиз ҳам паст экан... Номаълум киши».

«Танқид қилиш шартми? Буни ўрнига амалий ишга ўтиш керак».

«Плакатнинг кучи етмаса, қўлимизга темир тутқишлар олайлик».

«Йигитлар! Ҳаммаси кўнгилдагидай, лекин Сталинга тегманглар! А. Вдовин. Тошкент». Сал қўйида эса бу фикрни қўллаб-қувватловчи жумлаларга кўзимиз тушди: «Тасодифан кўриб қолган ёзувга қўшилиман. Бакланов чизган плакат шу куннинг ақли билан яратилган, аслида эса тарихий бемаънилик ва вульгарона масхаралашдир. Л. Беляков. Саяно-Шушенск.»

«Сталинчи, газеталарни ўқиб бориш керак!»

«Сен бу даврда яшамагансан. Фақат газета ўқишни ўрганибсанда».

Яна такрор айтаемиз, мухлислар кўпчилик овоз билан кўргазмани маъқуллаган. «Сизларни асарларингиздаги аниқлик билан табриклайман! Мен ниҳоятда ҳайрон қолдим, негаки, бунақанги кўргазмани кўриш хаёлимга келмаган эди. Арминда Фигейредо. Кабо-Верде республикаси». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Муҳаммаджонов таассуротларини қуйидагича баён этади: «9-синф ўқувчилари билан кўргазмада бўлдик. Уйлайманки, энди ўқувчилар билан келажак ҳақида нималарнидир гапласак бўлади... Баракалла! Мана бу кўргазма ошкораликнинг ёрқин намунасидир. Сиз ва сиз каби жанговар мўйқалам соҳиблари бор экан қайта қуриш тўхтаб қолмая-жак. Раҳмат!»

Биз кўргазманинг фикр ва мулоҳазалар дафтаридоғида бу хилдаги кўргазмалар тор хоналарда эмас, кўчаларда, майдонларда тез-тез ўтказиб турилишини, бошқа шаҳарларга ҳам «саёҳатга» бориши муҳимлиги ҳақидаги таклифларни кўп учратдик. Айрим асарларни мухлислар сотиб олиш истагини билдиришган. Яна кўплари кўргазмадаги асарларнинг алоҳида китобча-каталог қилинишини илтимос қилишган. Бу фикрларга биз ҳам қўшилаемиз ва бундан тегишли одамлар, идоралар тўғри хулоса чиқариб олади, деб умид қилаемиз.

Хуллас, кўргазма давом этган кунлар бонгли соат биноси хоналари фикр алмашувнинг қизгин марказига айланди. Кўргазма кўпларга ёқиб, кам сонли мухлисларга ёқмади. Аммо, энг муҳими асарлар мағзини, ҳаёт моҳиятини тушунишга бўлган уриниш сезилди.

Асқар ҲАЙДАРОВ



ҲАМЗА ТАВАЛЛУДИГА 100 ЙИЛ ТЎЛДИ

Иzzат Султон

ЯНГИ ҲАЁТ ҚЎШИҒИ

Ҳамза ўзбек адабиёти тарихида энг ёрқин сиймолардан биридир. Унинг ижодиётидаги мазмун ва шакллардаги туб ўзгаришлар орқали янги революцион воқеликнинг аҳамияти ва адабиёт тарихида субъектив фактор (ёзувчининг ўз ижодини халқ тақдири билан боғлашга бўлган интилиши каби шахсий фазилатлари, унинг софдиллиги, куч-ғайрати, сафарбарлиги ва шу сингарилар)нинг ролини кўриш мумкин. Янги революцион воқелик, социализм учун кураш ишига тортилган халқ оммасининг ҳаёти янги адабиётни яратиш учун ажойиб материал берди: социалистик революция кун сайин катта ижтимоий муаммоларни ҳал этиб турар, революция арафасида эса Ҳамза типидagi қатор ёзувчиларнинг фикри-зикри ана шундай проблемаларни ечишга қаратилган эди; революция халққа озодлик келтирди, Ҳамза айна шу озодликни орзиқиб кутган эди. Ҳамза ижодида социалистик реализмнинг туғилиши ва ривожланиши учун турмушнинг ўзи шу тариқа замин ҳозирлаб берди. Иккинчи томондан, ҳамиша халқ тақдири тўғрисида ўйлаган ва ўзини шу халқнинг фарзанди деб ҳис этган Ҳамза Октябрнинг тарихий аҳамиятини чуқур тушунди ва пролетар революциясининг дастлабки кунларидан бошлаб советлар учун, социализм учун актив курашчи бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам унинг ижоди ўзбек халқи тарихининг ўзига хос бадий йилномаси бўлиб қолганлиги ажабланарли эмас. Ҳамзанинг каттами-кичими, ҳар бир асари халқ ҳаётидаги бирон муҳим воқеанинг инъикоси, бутун совет мамлакати кишиларини ҳаяжонга солиб турган масалаларга ўзига хос жавобдир.

Шундай қилиб, социалистик революция, мамлакатимизда социализм қурилиши масалалари ҳамда манфаатлари, шунингдек бутун дунё меҳнаткашларининг капиталистик ва феодал зулмдан озод бўлиш учун кураши билан жуда яқиндан боғлиқлик Ҳамза ижодининг энг муҳим хислатидир. Ҳамза поэзияси ва драматургияси граждандлар урушининг бўронларида вужудга келди, пролетар революцияси ҳамда совет тузумини мустаҳкамлаш вазибаларига тамомила бўйсунди. Ҳамза ижодининг совет халқи ҳаёти билан бундай мустаҳкам боғлиқлиги бора-бора кучайди ва шoir асарларининг ижтимоий аҳамияти янада ортиб борди. Ҳамза асарлари бадий адабиёт воситалари билан коммунизм ғояларини тарғиб қилишнинг энг яхши намунаси бўлди, улар ҳар доим ўта актуал бўлиб, ғоявий-бадий камолотдан ташқари агитацион характерга ҳам эга эди. Ҳамза ўз ижодини социалистик реализм адабиётининг энг муҳим вазибаси — оммани коммунизм руҳида тарбиялашга бўйсундира олди.

Совет ҳокимияти тузилганининг биринчи ойларидаёқ Ҳамза қатъий равишда революцион халқ томонига ўтди, мураккаб тарихий пайтда довдираб қолганларга «бузма кўнглинг» (иккиланма) деб мурожаат этди ва «Яша, шўро!» шiorини ўз ижодининг бош мотиви қилиб олди:

**Бузма кўнглинг, боқ, бу Шўро
Берди мангу интибоҳ,
Томчи ҳар қонингга олдинг
Илму урфон, эрку жоҳ.**

**Яша Шўро, яша Шўро,
Сен яшайдиган замон,
Ишчи ўғли, шухратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!**

Ҳамза меҳнаткашларга ҳам интибоҳ (уйғониш), ҳам урфон (маърифат) ҳам жоҳ (юқори мартаба), ҳам эрк келтирган янги тузумнинг ўша халқ зиммасига янги, оғир, аммо фахрли тарихий вазибалар юклашини ҳам теран англаб етди:

**Ишла, ишлов вақти келди,
Етма, ғофил бандалар!
Битсин энди эски турмуш,
Ул қулоҳу жандалар!**

Ашула қилиб ёзилган ва ўзининг фақат шакли туфайлигина эмас, дастлаб мазмуни оғизларга тушиб, халқ гимни тусини олган бу шеър мотивлари Ҳамзанинг «Қалпоқ кийган қаҳрамон» каби кўплаб асарларида қайта-қайта тасдиқ топди:

**Қалпоқ кийган қаҳрамон,
Гавдали қоплон,
Темир панжанг билан тўк
Душманингдан қон.
Эй, жаҳонни қизартсин
Қонли санжоғинг.
Ғарба, Шарқда шодлансин,
Кўрсин, ўртоғинг.
Мангу қолсин оламда
Шонли байроғинг.**

Ҳамзанинг граждандар уруши ва интервентларга қарши кураш давридаги бутун поэзияси социалистик революция ютуқларини мудофаа қилиш ғояси билан соғорилгандир («Яша, Шўро!», «Ҳой ишчилар», «Уйғон», «Ҳой, ҳой, отамиз», «Қизил аскарларга», «Ишчи бобо» ва шу кабилар).

Ҳамзанинг ўзбек адабиётининг ҳамма тур ва жанрлари соҳасига қўшган улкан ҳиссаси ҳар бири алоҳида ва батафсил таҳлилини талаб этади. Шу сабабли, бу қисқа очерқда уларнинг қисқа ва умумий тавсифигина берилиши мумкин.

Ҳамзанинг совет давридаги шеърлигига тўхтаганда, унинг бир хусусиятини алоҳида таъкидлаш керак. Ҳамда социалистик революциянинг фақат эски дунёни рад этиш, бузиш йўлидаги ролинигина эмас, балки янги дунёни яратиш йўлидаги вазифаларини ҳам теран тушунади ва таъсирчан ифода этади. Ҳамза тушунчасида социалистик революциянинг бош вазифаси янги дунёни яратишдир, эски дунёни емириш эса фақат шу олижаноб вазифанинг муқаддимаси холос.

Ҳамзанинг машҳур «Яша, Шўро!» шеъри социалистик революцияни қутлаши ва қувватлаши билан тарихий аҳамиятга эга бўлди, чунки 1917 йилда жаҳон тарихи миқёсида худди шу масала — Советлар инсоният ҳаётида бурилиш ролини ўйнайдими, йўқми деган масала — кун тартибига қўйилган эди. Шоир (яна ҳам тўғрироғи, у яратган янги лирик қаҳрамон) бу масалани қатъий равишда ижобий ҳал этди. Социалистик революцияга, уни амалга оширган шўроларга шоирнинг муносабати жуда самимий ва оташин:

**Бузма кўнглинг, боқ бу Шўро,
Берди мангу интибоҳ.
Томчи ҳар қонингга олдинг
Илму урфон, эрку жоҳ.
Яша Шўро, яша шўро,
Сен яшайдиган замон.
Ишчи ўғли, шухратингдан
Балқисин рўйи жаҳон.**

Бу ерда икки нарсага эътибор бериш муҳимдир. Биринчидан, шоир фақат шўро учун онгли равишда ҳамда астойдил курашаётганларгагина эмас, балки «кўнгли бузилаётган»ларга, яъни улкан тарихий муаммони ҳал этишда иккиланаётганларга ҳам мурожаат этади, уларни революциянинг ҳаққонийлигига, ғалабасига ишончини йўқотмасликка чақиради. Иккинчидан, шу бир шеърнинг ўзидаёқ шоир шу ҳодисанинг энг муҳим ютуғи ва вазифасига ўқувчи диққатини тортади: инқилоб илму урфон, эрк ва ҳокимият ҳада этади.

Шоир «Ишчилар уйғон»да савод ва маданиятдан маҳрумлик натижасида янги ҳаётнинг маъносини ҳали ҳам тушуниб етмаётган оммага мурожаат этади, уни уйғотишга, кўзини очишга, янги ҳаётнинг фаол яратувчисига айлантиришга ҳаракат этади.

Советларнинг яратувчилик фаолиятига поэтик воситалар билан урғу қилиш Ҳамзанинг бундан бошқа шеърий асарларининг ҳам асосий пафоси бўлиб қолади:

**Тузамиз янги турмушни замон ичра,
Абадий сўнгра яшармиз жаҳон ичра.
«Яшангиз ишчи, деҳқонлар».**

Социализм учун курашга эътирос билан интилиш, меҳнатқаш халқ тақдири тўғрисида ўйлаш драматургия соҳасида ҳам Ҳамза ижодий изланишларининг асоси бўлди, сахна асарларининг ҳам руҳини белгилади. Ҳамза асарлари замондошлари томонидан ҳамшиша ҳаяжон ва завқ билан кутиб олинганлигига сабаб шу.

Ҳамза граждандар уруши даврида ёзган асарларининг кўпчилиги бизгача етиб келмаган. Уларнинг аксарияти тўғрисида Ҳамза яқин кишиларнинг хотиралари, газета тақризлари ва эълонлари ҳамда ўша вақтларда чиқарилган афишаларга кўра фикр юритишимиз мумкин. Масалан, «Иштирокиюн» газетаси 1920 йилда Ҳамзанинг бизгача етиб келмаган пьесаларидан бири «Лошмон фожеалари» тўғрисида хабар қилади. («Иштирокиюн» газетаси, 54, 1920 йил). Газета хабарига кўра, бу пьеса бир неча қисмдан иборат бўлиб, меҳнатқаш халқнинг революциядан илгариги оғир турмуши ҳамда маҳаллий феодаллар ва чор амалдорлари зулмига қарши 1916 йилги халқ кўзғолони даври воқеаларини кўрсатишга бағишланган. «Қизил байроқ» газетаси 1921 йилда Ҳамзанинг ғоявий душманларидан бири ёзган тақризни босиб чиқарган. («Қизил байроқ» газетаси, № 94, 1921 йил). Тақризчи Ҳамза пьесалари «ўзбек сахнасида бот-бот қўйилиб турганлигини» этироф этишга мажбур бўлган, бироқ Ҳамзанинг «Фарғона фожеалари» трилогияси, «Лошмон фожеалари» пьесаси ва умуман унинг асарларини ҳеч қандай асоссиз равишда ғайри бадийий деб айблади, у шундай даъво қилади-ю, Ҳамза асарларининг ўзбек сахнасида муваффақият билан қўйилаётганлиги сабабини изоҳлаб бермайди. Ҳамза ижодига бундай салбий муносабатнинг сабаби бу асарлар социалистик революциянинг барча душманларига қарши кескин йўналганлигидадир.

Ҳамзанинг «Ҳамза инқилоби» номли пьесаси ҳам бизгача етиб келмаган. Бу пьеса Хева меҳнаткашларини асрий зулмдан халос этган 1920 йилги революцион воқеаларнинг қайноқ таассуроти асосида ёзилган. Юқорида айтиб ўтилган пьесалар Ҳамзанинг граждандлар уруши йилларида ёзган ва сахнага қўйган асарларининг ҳаммаси эмас.

Ҳамзанинг Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида яратган энг яхши асарларидан бири «Бой ила хизматчи» (1918) трагедиясидир. Граждандлар уруши авжи қизиган пайтда Ҳамза бойлар ва чор золимларининг янгигина улқотириб ташланган икки тарафлама зулми манзараларини ёрқин бадиий образларда гавдалантириб, бу билан маҳаллий эксплуататорлар ҳамда уларнинг мафкурачилари ўзбек халқини ўтмишга қандай қайтармоқчи бўлганликларини эслатди.

Ҳамза ўз пьесаларида меҳнаткаш халқ билан эзувчилар орасида қандай чуқур жарлик борлигини кўрсатиб берди. «Бой ила хизматчи» пьесасининг бош қаҳрамони Ғофир босиб ўтган йўл ўз манфаатлари эзувчилар манфаатларига мутлақо мос келмаслигини тўла тушунган меҳнаткаш ўзбек халқи онгининг ўсиш йўлидир.

Ҳамза ўзбек халқига икки лагерни — икки синфнинг моҳиятини рўй-рост бадиий тадқиқ қилиб берди. Утмиш абадий йўқ бўлди ва у қайтиб келмайди — Ҳамза томошабинга ва китобхонга шундай, деб уқтирди.

Софдил ва зийрак реалист санъаткор Ҳамза ўзбек эзувчилари орасида биринчи бўлиб халқимизнинг революцион онги шаклланишида рус халқи ўйнаган раҳбарлик родини тўғри пайқайди, буни ўзининг «Бой ила хизматчи» пьесасида акс эттирди. Бу пьесанинг охири пардасида Ғофирнинг Сибирда унга асрий зулмдан қутулиш йўлини кўрсатган революционерлар билан яқинлашиш воқеаси кўрсатилади.¹ Бу — рус халқига унинг Шарқ халқларини озод қилишдаги олижаноб ва буюк тарихий хизматлари эвазига ўзбек адабиётида илк бор изҳор этилган ташаккур ифодаси эди.

«Лошмон фожеалари» пьесаси ва «Фарғона фожеалари» трилогиясининг мундарижасига келганда шунга айтиш керакки, «Иштирокиюн» газетасининг 54-сонида босилган мақола муаллифининг берган маълумотлари Ҳамза тузган театр труппасининг бир неча қатнашчиларининг хотиралари билан тасдиқланади. Масалан, Раҳимқул Бекмуродов «Лошмон фожеалари» ҳақиқатан ҳам ўзбек меҳнаткашларининг революциядан илгариги оғир аҳволини кўрсатишга бағишланганлигини эслайди. Яна шу кишининг сўзига кўра, «Фарғона фожиалари» трилогиясида босмачиларнинг Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларидаги ёвузликлари фош этилган. Бекмуродов эсдаликларининг тўғрилиги Ҳамзага яқин бўлган, кейинчалик Ўзбекистон маданиятининг йирик арбоби бўлиб етишган Т. Н. Қориниёзовнинг хотираси билан ҳам тасдиқланади. Қориниёзов ўзининг Ҳамза билан учрашуви ҳамда маданият ва театр ҳақида у билан қилган суҳбатини эслаб, Ҳамза айтган гапларни келтиради:

«Ҳа, турмушни акс эттирган театригина чин театр деса бўлади. Октябрь революциясидан аввал ўзбек халқи ҳаётида не-не хўрликлар, жабр-ситамлар ва ҳуқуқсизликлар бўлмади, мана энди унинг учун янги, эркин, ёрқин ҳаётнинг қандай кенг истиқболи очилмоқда! Бир-бирига асло ўхшамаган бундай ҳолатни бадиий шаклда акс эттириш қандай шарофли вазифа, қандай мароқли бир иш! Бунинг қандай асар бўлишини кўз олдингизга келтирасизми?»²

Ҳамзанинг сўзлари менга қаттиқ таъсир қилди. «Ахир сиз ишга киришсангиз бўлмайдими?» — дедим мен унга. «Бўлмасам-чи, — жавоб берди у, — мен ҳамма вақт шу тўғрида ўйлайман ва бош қотираман».

1918 йил сентябрида у Фарғонада «Ўлка сайёр драма труппаси» ташкил қилди. Бу труппанинг асосий қисми 1919 йилдан бошлаб Туркфронт сиёсий бошқармаси агитпоездининг коллективига қўшилиб, Закаспий фронтдага гастроль қилди. Ўша йилдаёқ Ҳамза «Фарғона фожеалари» номи остида бир қатор пьесалар ёзди. Ҳамза бу асарида ўзбек халқининг буржуа миллатчилари, реакциян руҳонийлар ва Британия империализмининг йиртқич малайлари бўлган босмачиларга қарши курашини кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.²

Ҳамза асарлари ва фаолиятининг ижтимоий ролини равшанроқ тасаввур этиш учун унинг асарлари яратилган ва сахнага қўйилган граждандлар уруши даври ва ундан кейинги даврдаги вазиятнинг қандай бўлганлигига эътибор бериш ўринли бўлади. Ҳамзани билган, унинг ўша пайтлардаги адабий фаолияти билан таниш бўлган кишиларнинг ҳаммаси унинг энг яхши асарлари оқопларда, қизил аскарларнинг казармаларида, жанговар операциялар олдида жангчилар билан суҳбатлашиб ўтириб, меҳнаткаш аҳоли билан учрашув пайтларида вужудга келганини қайд қилдилар. Масалан, юқорида номи тилга олинган Бекмуродов Ҳамзанинг Каспий ва Фарғона фронтлари ҳарбий қисмларида ишлаганини хотирлайди. Яна шу киши ўзбек совет адабиётининг энг яхши асарлари ўша вақтда жуда катта революционлаштирувчи роль ўйнаганини кўрсатадиган мисол келтиради. Бу мисол кейинчалик ўзбек совет сахнасининг классик асари бўлиб қолган «Бой ила хизматчи» пьесасининг муваффақияти ва ғоъий таъсирига тааллуқлидир.

Маълумки, «Бой ила хизматчи» пьесасининг матни сақланган эмас, театр афишаларида унинг мазмунини батафсил баён қилинган. Шу афишалар асарнинг сақланган суфлёрлик варианты ҳамда Ҳамзанинг бошқа асарлари асосида «Бой ила хизматчи»нинг бизнинг кунларимизда сахнада қўйилаётган варианты К. Яшин томонидан яратилган, яъни қайтадан, бугунги сахна талабларига мослашиб тикланган. Драманинг бу вариантнинг маъжудлиги унинг илк вариантнинг аҳамиятини пасайтирмайди, чунки асл вариант ўз вақтида катта ижобий роль ўйнаган.

Драманинг асл варианты К. Яшин тиклаган вариантдан унча узоқ эмаслигини 1919 йили чиққан афишадаги маълумотлар ҳам тўла тасдиқлайди:

«Бой ила хизматчи»

¹ «Иштирокиюн» газетасининг 51-сонида босилган (1920 йил) тақризнинг мазмунига қараганда, Ғофир Сибирда ўзбек инқилобчиси Султонов билан учрашади. Трагедиянинг бу пардаси бизга Ҳамзанинг ўзи 1919 йилда бостириб чиқарган театр афишасида баён этилган мазмундан ҳам маълум.

(Муаллиф).

² Т. Н. Қориниёзов. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1956, 329-330-бетлар.

Бу асар 4 пардалик фожиа бўлиб, эски, Николай вақтида хоин мустабид чиновниклари қўл кучи ила меҳнат қилувчи фақирларни оёғи остина топтаб, капиталистларга қилгон ёрдам ва ионаларини тасвир қилгон бир асардур.

Биринчи пардасида. Бир золим бой кичикликдан ўз ўғли қаторида хизмат ила катта бўлгон ҳалол бир хизматқорига ўзи хотун олуб беруб, ўзи яхши кўруб қолуб, хизматқоридан ажратуб ўзи олмоқ ҳаракатиға тушганини ва унга хоин қози, мулло ва эллиқбошилари бойнинг пулига сотилиб, йўл топуб берганина.

Иккинчи пардада. Шаҳар ҳокими бойнинг оқчасига сотулуб, бечора хизматқорни оз баҳона ва тухмат била катержний работға ҳукм қилгонини.

Учинчи пардада. Бечора хизматқорни хотунини бой кучлаб олуб ва унга қилгон муомаласини, бечора ҳалол хотун ўз куёвини ишқида ўзини дору еб ҳалок қилгонини.

Тўртинчи пардада. Сибирда хизматқори бир социалист ила ошно бўлуб, ишчилик ҳаққини тануб, социалист бўлғони. Катер золимлари тарафидин темир қамчилар била айна азоб еб тургон чоғда бирдан ҳуррият бўлуб, буларни банддан озод бўлуб кетувини тасвир қилинғондир.

Езувчи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий».

Ҳамзанинг бу пьесаси ўзбек томошабинлари орасида жуда катта муваффақият қозонди. Бу асарнинг таъсири Туркистоннинг ҳали амирлар, хоинлар ва бойлар ҳукмронлигидан ҳалос бўлмаган қисмларида аниққса зўр бўлган. Куйидаги мисоллардан Бухоро амирлиги аҳолиси бу пьесани қандай қарши олганлигини ёрқин тасаввур қилиш мумкин.

Р. Бекмуродовнинг хотирлашича, 1919 йилда, яъни ҳали Бухоро амирлиги мавжуд бўлган даврда, Ҳамза бошчилигидаги «Сайёр драмтруппаси» Каспий фронтига бораётиб, Бухоро яқинидаги Когон темир йўл станциясида, амир қароргоҳи яқинида кўниб ўтади. Ҳамза Бухорода спектакль кўрсатмоқчи бўлиб, афишалар ёпиштиради. Мутаассиб амир спектаклни ман этади. Шунда Ҳамза барибир спектаклни Бухорода эмас, балки Когонда кўйишини эълон қилади. Амирнинг қаттиқ ман этишига қарамай, ҳалқ Когонга келиб спектакль кўйиладиган карвонсарой ҳовлисига тирбанд бўлади. Дарғазаб бўлган амир Когондаги халойиқни тарқатиб, спектаклни барбод қилиш учун ўз қушбегисини юборади. Қушбеги келган пайт карвонсаройда спектакль бошланиб қолган эди. Амир ҳазратларини қушбегиси жуда моҳирлик билан ижро этилаётган спектаклга қизиқиб қолиб, анча вақтгача анграйиб, томоша қилишга мажбур бўлади. Бу ерда «Бой ила хизматчи» спектакли кўйилаётган эди. Артистлар ишонтирарли қилиб, берилиб, жуда мароқли ўйнаётган эдилар. Қушбеги пьеса қаҳрамони бой ва муллаларнинг башарасига ҳаққоният тўла аччиқ сўзларни айтаётган пайтдагина ўзига келади. Бошда залда аста кулги кўтарилади, тез орада бу кулги қаттиқ қаҳқаҳа ва гулдурос олқишларга айланади. Томошабинлар бу кулги билан бу ерда ҳозир бўлган қушбегига ишора қилаётган эдилар. Артистларнинг уйинига маҳлиё бўлган қушбеги халқ унинг устидан кулаётганини пайқамайди. Кейинчалик қушбеги аччиғи келиб бақириб, спектаклни тўхтатишни ва халойиқни тарқатиб юборишни талаб қилади. Парда ёпилгач, баланд қоматли Ҳамза саҳна олдиға чиқади. Ҳамза оташин нутқ сўзлаб, қонхўр амир ва унинг ёлланган малайларини ғазаб билан фош этиб, «халқ мактаби» бўлган театрнинг (бу унинг энг яхши кўрган таъбири эди) буюк роли тўғрисида, халқнинг озодлиги ва тараққиёти тўғрисида сўзлайди ва ўз навбатида: «Қушбеги Когондан жўнаб қолсин, чунки Когон амир шаҳри эмас, балки озод Совет шаҳридир. Халқ золимлари йўқолсин!» деб талаб қилади.

Воқеа содир бўлган ерға Қизил Армия қўмондонлигининг вакиллари етиб келадилар. Улар қушбегига қўшни давлат территориясида турганлигини тушунтирадилар. Қушбеги шаҳар ҳақиқатан Совет шаҳри бўлгани билан бу ердаги кишилар «амир фуқаролари» (у спектаклни кўргани Когонга келган бухороликларни шундай атаган эди) эканлигини айтиб, эътироз билдирмоқчи бўлади. Лекин шу нарса диққатга сазоворки, қушбегига ғазаб ва нафрат билдирган кишилар худди шу «амир фуқаролари» бўлиб, айна шу чоғ улар Ҳамзанинг томошабинлари эдилар. Утақаси ёрилган қушбеги ўзининг «дарғазаб» мулозимларини эргаштириб, орқасига қарамай жўнаб қолади. У амирнинг фармойишини бажаролмай қайтади.

Бу Ҳамза асарларининг жуда катта ижтимоий ролини кўрсатувчи кўпдан-кўп мисолларнинг биринасидир.

Ҳамзанинг драма ва қўшиқ жанрлариға (Ҳамза шеърларининг аксарияти қўшиқбоп қилиб ёзилган) мурожаат қилишининг ўзи ҳам шоирнинг тарихий вазиятни муайян даражада ҳисобга олганлиги ва айна вақтда социализм ғояларини тарғиб қилишда энг қулай жанрларға кўпроқ эътибор берганлигининг натижаси эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида саводсизлик ҳали битирилмаган бир шароитда, драма — ҳали саводсиз бўлган халққа саҳна орқали жонли сўз билан мурожаат қилиш ўта таъсирчан ва қулай усуллардан бири эди.

Шу нарсани таъкидлаш муҳимки, Ҳамза драма жанриға мурожаат қиларкан, тарихий инқилобий мавзу билангина чекланиб қолмайди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Ҳамза «Бой ила хизматчи», «Лошмон фожиалари», «Фарғона фожиалари» каби асарлар билан бир қаторда, «Тухматчилар жазоси» (1918) сингари маиший драмалар ҳам ёзди. Ҳамза «Тухматчилар жазоси» пьесасида биринчи бўлиб янги оилавий муносабатлар тўғрисидаги ҳаётни янгича қуришга халақат берадиган душманлар тўғрисидаги масалани кўтарди. 20-йилларнинг иккинчи ярмида Ҳамза ижодиётида маиший репертуар янада ривож топди. Ҳамзанинг катта сиёсий тарғиботчилик ва бадий туйғуси драманинг бу турини яратиш ва ривожлантиришда ҳам ўз самарасини кўрсатди. Чунки жаҳон драматургиясида ҳар доим катта ўрин эгаллаб келган маиший репертуар, маиший масалалар «Катта сиёсат» масалалари билан жуда чапишиб кетган Ўзбекистон шароитида жуда катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тинч қурилишға киришган пайтда Ҳамза янги ҳаётни куйловчи ва бу ҳаётни қуришға актив қатнашишга даъват этувчи шеърлар ёзади, у янги турмуш душманларини ҳамда эскилик сарқитларини ташувчиларни фош этади, унинг шеърларида янги совет кишии характеридаги айрим хислатлар ўз ифодасини топади. («Ўзбек хотин-қизларига», «Хужум» хоинларига»,

¹ Бу вақтда чегара шаҳри ва темир йўл станцияси бўлган Когон Туркистон совет Социалистик Республикасининг таркибида эди (Муаллиф).

«Муборак», «Турсуной марсияси», «Бу кун — 8 Март!», «Сайлов олдида», «Ер ислохоти» ва бошқа шеърлар.)

Ҳамзанинг меҳнаткаш халқ ҳаётига тааллуқли муҳим масалалар тўғрисида бош қотириши ёзувчининг диққат-эътиборини Ўзбекистонда жуда муҳим бўлган ижтимоий проблемалардан бирига тортди. Бу — хотин-қизларни озод қилиш масаласи эди. Бу муҳим мавзу доимо Ҳамза ижодий ва ижтимоий фаолияти марказида туради. Ҳамза ўзбек хотин-қизларини озод қилиш борасида инқилобгача ҳам кўп бош қотирган. Шунинг учун ҳам аёллар Ҳамзанинг аксарият пьесаларидаги асосий иштирок этувчилардир. Ҳатто «Бой ила хизматчи» драмасида ҳам Ҳамза хотин-қизларнинг бир қатор ажойиб образларини яратди.

Ҳамзанинг бошқа барча асарлари ўзбек халқи ҳаётидаги воқеалар билан мустақкам боғлиқ ҳолда вужудга келди. «Бурунги қозилар ёхуд Майсаранинг иши» пьесасининг ёзилишига бевосита сабаб бўлган нарса 1926 йилда биринчи марта ўтказилган халқ судларига сайловлар бўлди. Уша маҳалларда ҳали руҳонийларнинг таъсири анча кучли бўлган Ўзбекистонда кенг халқ оммасига бурунги қозиларнинг пасткашлиги, бузғунчилиги ва текинхўрлигини тушунтириш зарур эди. Революцияга қадар суд ишлари ўшаларнинг қўлида эди. Халқ оммаси олдида реакция руҳонийларнинг асл башарасини фош этиш муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам Ҳамза саҳна бадийи воситалари орқали бу вазифани бажаришга киришди. Хотин-қизларни амалда озод қилиш, жумладан, ўтмиш сарқити бўлган паранжини йўқотиш учун оммавий ҳаракат 1927 йилда Ўзбекистон ҳаётидаги жуда муҳим воқеалардан бири эди. Бу Совет Шарқининг озодлик олган хотин-қизларининг революция неъматларидан баҳраманд бўлишига ҳалақит бераётган барча эскилик сарқитларига қарши кураш эди. Бу ҳаракатни халқ «хужум» деб атади. Уша вақтларда кўп кишилар қатнашган митингларда гулхан ёқилиб, хотин-қизлар улқотирган лангати паранжи ўтга ташланар эди. «Хужум» авжи қизган пайтларда Ҳамза «Паранжи сирлари» пьесасини ёзиб, паранжи ўзбек хотин-қизлари бахтсиз қисматининг тимсоли эканлигини ҳамда бу бой, муллалар оиласида авж олган фаҳш ишларни яширадиган восита эканлигини кўрсатиб берди.

Ҳамза муллалар ва бойларнинг хотинлари ўртасидаги ахлоқий бузуқликни кўрсатар экан, паранжи ана шу бузуқликни пардалайдиган восита дебина қўя қолмайди. У масаланинг туб моҳиятини чуқур оқади ва бу фаҳшлиklar хотин-қизларни чидаб бўлмас оғир ҳамда аянчли аҳволга солган (кўп хотинлилик, эркакларнинг хотин-қизлар устидан зўравонлик қилиши, уларнинг ижтимоий ва маданий ҳаётда ҳар қандай ҳуқуқлардан маҳрумлиги ва шу қабилар) шарият қонунларининг бевосита оқибати эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, «Паранжи сирлари» пьесаси ўзбек хотин-қизларининг фожиавий ўтмишини гавдалантириш билан бирга, уларнинг тўла ҳуқуқли Совет граждандари бўлишига ҳалақит бериб турган ана шу ўтмиш сарқитларининг ҳаммасини тезроқ битиришга даъват этади. Ҳамзанинг ана шу мавзуда ёзилган, лекин замонавий материалга асосланган «Ойниса», «Женотдел», «Эл қузғунлари», «Ўзбек хотин-қизларига», «Хужум хонларига», «Бу кун — 8 Март!», «Турсуной марсияси» ва бошқа асарлари «Паранжи сирлари» пьесаси билан ҳамоҳандир.

Ҳамзанинг ҳаётдаги ҳодисалар моҳиятини реалистик идрок этиши, уқуви унга адабиётни талайгина характерлар ва образлар билан бойитиш имкониятини берди. Биз унинг пьесаларида меҳнаткаш халқ вакилларида тортди, бойлар, амалдорлар, руҳонийлар ва ҳоқоза энг хилма-хил ижтимоий табақадаги кишиларнинг конкрет сиймоларини кўрамаиз. Ҳамзанинг турли асарларида гарчи гоьлар ҳамда мавзулар бир-бирларига ўхшаб кетса ҳам образлар ва характерлар асло такрорланмайди. Масалан, хотин-қизлар образларини олайлик. Ҳамза ўзбек хотин-қизлари портретларининг бутун бир галереясини ниҳоятда хилма-хил ва ишонarli яратди. Булар орасида мавжуд адолатсизликка ҳар қайсиси ўзича норозилик билдирган ёрқин образлар: бой хонадонида қулларча ҳаёт кечиришдан ўлимни афзал кўрган Жамила ва Гулбахор («Бой ила хизматчи»), ўзининг нафрати ва ақл-фаросати билан «маънавий оталар»ни шармандаи шармисор қилган Майсара («Майсаранинг иши»), шафқатсиз қонунларга қарши бош кўтаришга журъат этган Тўлахон («Паранжи сирлари»)лар мавжуд. Ҳамза тафаккур ва характери ҳукмрон эксплуататор синф мафкураси таъсирида майиб бўлган хотин-қизлар (Пошшойим, Хонзода, Ҳожар, Мастура ва бошқалар) образларини чизар экан, буларнинг ҳар қайсисининг ўзига хослигини сира унутмади. Бу ҳол Ҳамза образларининг бадийи жиҳатдан ишонarli тадқиқ этилишини таъминлади. Солиҳбой, Қодирқул («Бой ила хизматчи»), қози ва унинг аълами («Майсаранинг иши») ва бошқалар тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин. Шу ўринда икки пьесадаги икки хизматчи — Холмат билан Мулладўстни таққосласа бўлади. Қарийб бир хил ижтимоий мавқеадаги бу персонажларнинг ҳар бири қанчалик ўзига хос!

Жуда зийрак, кузатувчан бўлган Ҳамза бир типнинг ўзга типдан фарқ этадиган белгиларини ўта сезгирлик билан пайқашга ва уларни саҳнада барча ўзига хос томонлари билан кўрсата билишга комил эди. Образ ва характерларнинг бойлиги — ёзувчи назари ҳаётни ҳар тарафлама қамраб олганлигини кўрсатувчи энг муҳим белги ҳамда турмушни ҳаққоний акс эттириш ва бадийи ишонтириш шартларидан биридир. Ҳамзанинг энг яхши пьесалари томошабинлар учун бадийи-таъвийимий қимматини ҳеч қачон йўқотмаслиги сирини ҳам шунда.

Ҳамза ўзининг энг яхши пьесаларида драматик коллизия яратиш ва уларни ечиш истеъдодини кўрсатди. Ҳамза пьесаларидаги персонажларнинг тили гоьтада ўзига хос ва ёрқиндир, у рус адабиёти билан яқиндан таниш бўлганлиги учун ўзбек адабиётида биринчи бўлиб персонажлар тилини индивидуаллаштириш ҳамда типиклаштириш принципларини тадқиқ қилди.

Юқорида айтиб ўтилганлар Ҳамзанинг ўзбек адабиётида социалистик реализм методининг шаклланишига қўшган ҳиссасини кўп жиҳатдан оидинлаштиради.

Воқеликнинг ўзида янги, илгор нарсаларнинг, «социалистик характердаги фактлар»нинг туғилиши ва тўхтовсиз ривожланиб боришини кўра билишлик ҳамда янги, революцион нарсаларни акс эттириш, қизгин маъқуллаш Ҳамза ижодининг характерли фазилатидир.

Ҳамза ижоди социалистик реализмнинг коммунистик партиявийлик каби энг муҳим принципининг, шунингдек етук реалистик адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари бўлган бадийлик, воқеликни образли идрок этиб акс эттириш тўғрисидаги талабларнинг ўзбек адабиётида вужудга келиши, қарор топишидан далолат беради.

Социалистик революциянинг дастлабки кунлариданоқ Ҳамза ўз ҳуқуқлари учун курашга олган меҳнаткаш омманинг революцион фаолиятини адабиётда акс эттириш, охир оқибатда тарихнинг ҳаракатлантирувчи кучини белгилайдиган ҳаётдаги янги нарсаларни типиклаштириш зарурлигини тушуниди («Бой ила хизматчи» ва бошқа драматик асарлари). Революциянинг дастлабки кунлариданоқ Ҳамза шеъриятининг лирик қаҳрамони революцион халқ хислатларини ўзида мужассамлаштириди. У замонавий мавзуда бир қатор асарлар ёзиб, кейинчалик тарихий тематикага мурожаат қилар экан, бу билан ёзувчи ижоднинг долзарблиги ҳамда партиявийлиги сусаймайди. Ҳозирги замон, ҳозирги совет воқелиги Ҳамзага ўтмишни тўғри, ёрқин ёритиб турувчи маёқ бўлиб хизмат қилди ва тарихий ўтмиш воқеаларига мурожаат қилишнинг ўзи ҳам замонавий совет воқелигини тасдиқлаш манфаатлари тақозоси билан юзга келди.

Ҳамза шундай совет ёзувчилари жумласиданки, унинг ижоди орқали меҳнаткаш халқ адабиётга марказий қаҳрамон бўлиб кирди. Унинг асарларида халқ турмушини ва меҳнаткаш омма орасидан чиққан кишиларни кўрсатиш асосий ўринни эгаллайди.

Ўзбек совет ёзувчиларининг қийинчилиги билан кечган муаммоларидан бири ижобий қаҳрамон проблемаси эди. Адабиётда меҳнаткаш халқнинг асосий қаҳрамон сифатида кўриниши бу масалани ҳал этиш йўлидаги катта ҳодиса бўлди. Бироқ совет адабиётининг қаҳрамон проблемаси адабиётда кимни кўрсатиш масаланинг ўзидангина иборат бўлган эмас ва бўлмайди ҳам. Бу қаҳрамонни (айни ҳолда халқни) қандай кўрсатиш, унинг қандай хислатларини бўрттириш, «ошириш», яъни асосий, белгиловчи, типик нарса сифатида кўрсата олиш масаласи ҳам муҳим, ҳам тўғри ечиш йўлини тушуниб етмаганликларини ўз асарларида кўрсатдилар: улар бу халқнинг ўтмишдаги турмуши манзарасини чизар эканлар, меҳнаткаш халқни эксплуататорлар зулмининг жабрини тортган заиф куч сифатидагина талқин қилдилар, тарихда омманинг фаол иштирокини тушуниб етмадилар.

Ҳамзанинг бадиий асарларида ижобий қаҳрамон масаласи тўғри ҳал этилди. Бунинг ижобий талқини «Бой ила хизматчи» пьесасидаёқ маълум бўлган эди. Бу драмада биз зулм ва адолатсизлик ҳукмронлигига қарши актив норозилик билдирган меҳнаткаш халқ вакилларини кўрамыз.

Фаоллик, ҳужумкорлик руҳи Ҳамзанинг йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмида ёзган асосий асарларидаги ижобий қаҳрамонларнинг ҳам характерли хусусиятидир. «Майсаранинг иши» комедиясининг асосий иштирок этувчиси ўзбеклар жамиятида энг «пассив» элемент ҳисобланган аёллар вакилидир, лекин айти шу шахс, «заиф жинс» вакили асарда энг ақлли, тadbиркор, довюрак ҳамда фаол шахсдир. У хотин-қизлар ҳеч нарсага қодир эмас, деган тасаввурнинг сохталлигини ўз тadbиркорлиги билан исботлайди, руҳонийлар халқни таҳқирлаганлиги, хотин-қизларга ноинсофлик билан муносабатда бўлганлиги учун ўз дўстларини улардан ўч олишга ўргатади. «Паранжи сирлари» драмасида Ҳамза, революциядан бурунги хотин-қизларнинг фожиавий тақдирини кўрсатиб, асардаги марказий қаҳрамон Тўлахон (Холисон) исмли қизнинг ўз юксак инсоний кадр-қимматини англаши, довюраклигини олдинги планга олиб чиқади. Ота-онанинг эгоистик истакларига ва «мардумнинг фикри»га қарши бориб, Тўлахон ўз уйини тарк этади, шариат қонунларига эмас, адолат ва эрк қонунларига амал қилиб, ўз севиқли кишиси билан турмуш қурмоқчи бўлади. Тўлахоннинг фожиавий тақдири ўша замон шароитида муқаррар эди, бундай фожиа қаҳрамоннинг ўйламай, тентакларча иш кўрганлигининг оқибати бўлмай, балки унинг характер йўналишини ҳамда эксплуататорлар ахлоқининг ғайри инсонийлигини алоҳида таъкидлаш натижасидир.

Совет замонаси ижобий қаҳрамонининг фазилатларини, унинг инсонпарварлиги, ватанпарварлиги, социализмнинг бутун дунёда ғалаба қилажагига ишончини ҳамда ҳужумкор руҳини Ҳамза ўз поэзиясида, шунингдек, «Жаҳон сармоясининг сўнги кунлари», «Ер ислоҳоти», «Сайлов олдида» каби драмалари ва бошқа асарларида ғоявий-бадиий тадқиқ этди. Ўзбек хотин-қизлари орасида чиққан дастлабки актрисалардан бирининг фожиавий равишда ҳалок бўлиши муносабати билан ёзилган «Турсуной марсияси» шеъри қаҳрамонининг чуқур оптимистик руҳи ҳам ижобий қаҳрамон масаласини Ҳамза тўғри ҳал қилганидан далолат беради.

Ҳамза асарларида ижобий қаҳрамон образини романтик, кўтаринки руҳда талқин қилишга интилиш бу масалани тўғри ҳал этишнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Масалан, «Бой ила хизматчи»даги батрак Ғофир бўрттирилган, ўтирлаштирилган образдир. Лекин уни кўтаринки руҳда талқин этишга интилиш Ҳамзани ясамаликка, образни ўз прототипларидан ўринсиз равишда узоклаштириб юборишга, уни етиштирган замондан ажратиб қўйишга олиб бормайди. Халқ вакиллари образларини драматург томонидан кўтаринки руҳда, романтик тарзда талқин этилиши турмуш ҳақиқатига путур етказмайди, аксинча уларга янада равшанлик бағишлайди ва ишонарли бўлишини таъминлайди.

Бугунги кунда ўзбек адабиётининг мазмунигина ўзгариб қолмай, унинг шаклларида ҳам талқинга янгиликлар юзга келди. Социалистик революция, Коммунистик партия кенг меҳнаткашлар оммасига сингадиган адабиёт яратиш, фақат халқ тўғрисидагина эмас, балки халқнинг ўзи учун ҳам адабиёт яратиш вазифасини қўйди. Адабиётда халқ образини пайдо бўлиши ва унинг халққа аталганлиги ўзбек адабиётида шу вақтгача мисли кўрилмаган демократик шаклларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Ҳамза ёзма адабиётда шеър тузилишининг анъанавий шакли — аруздан халқ шеър тузилишига ўтди, халқ шеърининг ифода арсенали образлигидан кенг фойдаланди. Ҳамза драмаларининг қаҳрамонлари — меҳнаткаш халқ вакиллари адабиётга халқнинг содда ҳамда ёрқин тилини олиб кирдилар. Вақт ўта бориши билан ёзувчининг халқ тили бойлигига, фольклорга яқинлиги тобора ўса борди. «Майсаранинг иши» комедияси Ҳамза томонидан юзани ижод анъаналарининг ижодий ўзлаштирилганлигига ёрқин мисолдир. Бу асарнинг бош ғояси ва сюжети халқ театри ҳамда оғзаки ижод мотивларига умуман яқиндир. Асарда халқ театрининг усулларида баракали равишда фойдаланилган, комедиянинг тили жуда ҳам раво, бадиий таъсирчан, айнақса ижобий қаҳрамонлар тилида халқ аскиясининг кўпгина элементлари учрайди. Шунинг ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, Ҳамза ижодида жуда кучли бўлган сатирик ва юмористик оқим ҳам ўзининг оғзаки ижод анъаналаридан иборат бўлган манбаига ҳамда революциягача бўлган ўзбек демократик ёзма адабиётининг ижодий таъсирига эгадир. Бу адабиётда халқни ёзувчиларга қарши қаратилган ҳажв ҳам кенг ривожланган эди. (Махмур, Муқимий ва бошқалар).

Ҳамза ўзбек адабиётида ўтмишдан мерос бўлиб қолган ғоявий-тематик торликни тугатишга дастлаб киришган ёзувчилардан бири эди. У ўз халқи ҳаётидаги ижтимоий масалаларни кенг акс эттириш билан бирга, адабиётга халқлар дўстлиги, пролетар интернационалиزمи ғояларини олиб кирди. (Бу ғоялар «Жаҳон сармоясининг сўнгги кунлари»да, айниқса ўзининг ёрқин ифодасини топган.)

Ҳамза биринчилардан бўлиб ўзбек адабиётини жанр жиҳатидан чеклаб қўйган биқикликни парчалаб ташлади. Ўзбек адабиётидаги революцион қўшиқ, шеърӣй фелъетон, драма, комедия, музикали драма, либретто жанрларининг ривожӣ Ҳамзадан бошланади.

Охиригача реалистик бўлган совет адабиётининг асосий хусусиятларидан бири бўлган ғоявий-тематик ҳамда жанр бойлиги Ҳамза ва бошқа ўзбек совет ёзувчиларининг ижодида Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидаёқ бунёдга кела бошлади, ўзбек совет адабиётининг бутун тарихи давомида тўхтовсиз ривожланди.

Ҳаёт ҳақиқатини чуқур англай билишлик, меҳнаткаш халқ билан чамбарчас алоқа, коммунизм ғояларига, пролетар интернационалиزمи, совет ватанпарварлиги ва халқлар дўстлигига садоқат, ўзбек халқининг тақдирида рус халқи ва маданиятининг ролининг теран тушуниш, адабиётнинг юксак коммунистик ғоявийлиги, юқори бадий савияси, ҳаётни акс эттиришдаги тасвир воситаларининг бойлиги ҳақида ғамхўрлик каби хусусиятлар истеъдодли ёзувчи ижодининг ўзбек совет адабиёти тарихидаги алоҳида ўрнини белгилайди.

Ҳамза ўзининг хизматлари қадрланганини ҳаётлигидаёқ кўриб, қувонган бахтиёр маданият арбобларидан биридир. Ўзбекистон ССР ҳукумати «Халқ ёзувчиси» деган фахрий унвонни таъсис этганида (1926) унга илк мартаба Ҳамза сазовор бўлди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси — «Қизил қалам»нинг 1930 йили чиққан мажмуасининг Ҳамзага бағишланishi ҳам буюк ёзувчининг ўзбек маданиятида тутган ўрнини аниқ тайин қилар эди. Шундан бери ўтган даврда Ҳамза фаолияти ва ижоди тўхтовсиз ўрганилди ва чуқурроқ тадқиқ этилган сари унинг аҳамиятини тушуниш ҳам орта борди. Улкан ўзбек ёзувчилари (Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин ва бошқалар) хотира ва мақолаларда Ҳамзани буюк устод тариқасида тилга олишади. Ҳамза кўпмиллатли совет адабиётининг намояндаси сифатида кенг танилди, чунки: «Унинг жўшқин овози ва қўшиқлари, шеър ва драмалари бахтли келажак учун олиб борилган курашда байроқ янглиғ юксалди, унинг ўзи эса барча замонлар ва халқларнинг муқаддас байроғи — Октябрь байроғига садоқат тимсоли бўлиб қолди»¹ (Н. С. Тихонов).

¹ «Шарқ юлдузи», 1969, № 3.

КЎЗГА НУР, ДИЛЛАРГА ШУУР УЛАШИБ

Ҳамза инқилобдан аввалги йилларда мактабларда ўқитувчилик қилишни маърифатпарварлик билан бевосита қўшиб олиб борди. У дарс бериш, дарслик китоблар ёзиш билан қаноатланиб қолмай, мактаб-маориф ва илм-фанни тарғиб қилувчи турли жанрдаги асарлар ёзиб, уларни халқ ўртасида тарқатади. Китобларни нашр қилдириш борасида эринмасдан катта сабот-матонат билан ҳаракат қилади. Мисолларга мурожаат этамиз:

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА БИЛАН МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ УРТАСИДАГИ ЁЗИШМАЛАРИ (1-МАКТУБ) 4—5 НОЯБРЬ 1915 Й.

«Биродари азизим Ҳамза афанди! Китобларингиз бундан бир неча ой муқаддам баним кўлимга тегмиш эса-да, тамом кўриб чиқиб бир фикр баён этмакка фурсат топа олмадигимдан тўла мактубларингизга жавоб ёзаолмагон эдим. Ҳозирда тамом кўриб чиқдим. Шеърларингиз ила «Феруза хоним»ингиз босилурлиқ. Фақат фикр ислоҳга муҳтож. Хусусан «Феруза хоним»нинг мавзуи бик яхши. Фақат ичиндаги «малъун», «бедин» каби адабдан хориж сўзларни чиқарилса, эшон ила бойни бедин ва малъунлиги сўз ила эмас, қилиқлари ва ёмон ишлари ила кўрсатилса, ҳамда: «Чойи кўлида, сўзи бўғизида қолгон Норбобо ўрнидан турди-да, дўконга кетди» каби жумлаларни «Норбобонинг чойи кўлида, сўзи бўғизида қолдида, ўрнидан туриб дўконга кетди» равишда ёзилса, даҳо очик ва сучукроқ бўлурди. Ҳамза Мансур ила Ферузанинг ёзишқон мактублари бироз қисқароқ бўлуб, суҳбатлари бироз узайтирилса муассир чиқарди. Шеърингиз яхши. Фақат «Марҳабо» каби баъзи шеърлари чиқарилуб ўрнига кичикроқ шеърлар аралаштирилса, яна яхшироқ бўлурди. «Турдикул» ила «Икки мактуб» китобингиз менимча мақбул кўрилмади. Агарда ислоҳ қилиб юборсангиз, шеър ила «Феруза хоним»ни Туркистон кутубхонаси нашр қилиб кўрадур.

Иккинчи таъбининг ихтиёри ўзингизга қолмак шартила, фақат биринчи таъбидан сизга ҳақ қалам ўлароқ юз дона китоб берадур. Рози ўлсангиз кўндурурсиз. Ҳозирда китобингиз менда. Олтимиш тийинлик марка юборсангиз «заказной бандероль» ила қайтарурман. Мухиббингиз Мунаввар қори». (Ҳамза фонди, 1227-ҳужжат.)

Ҳамзанинг Мунаввар қори билан бўлган биродарлиги Қорининг мактаб очиб ўқитувчилик қилган даврдан бошланган эди. Ҳамза Марғилон шаҳрида ўқитувчилик қилиб юрган вақтларидаёқ Мунаввар қори уни ўқувчилардан имтиҳон олиш учун Тошкентга бир неча марта таклиф қилган эди. Қуйида келтирган ҳужжатимиз бунинг далилидир:

Тошкентнинг Тарновбоши маҳалласидаги «Намуна» ва «Хония» мактабларининг мудирини Мунаввар қорининг Ҳамзага имтиҳонда иштирок этишини илтимос қилиб йўллаган ҳужжати:

ДАЪВАТНОМА

Мухтарам жаноби олийларина. Ушбу 1916 нчи йил 7-май (шанба)дан 12 май (паншанба)гача ҳар кун эрталаб соат 9 дан кеч соат 2 гача Тарновбоши маҳаллада Мирдода Ҳожиди ҳовлиларида «Намуна» ва «Хония» мактабларида ўқувчиларнинг синов имтиҳонлари бўладур. Сиз ҳурматлудан ўтунуб илтимос қиламизки, барча тавобеъларингиз ила марҳамат қилуб, зикр этилган кунларнинг ҳар бирида имтиҳон мажлиси ташриф буюруб муаллим ва шогирдларни сарафроз буюрсалар эди.

Мудир: Мунаввар қори.

Муаллимлар: Мулла Муродхўжа, Абдусамод қори, Эшонхўжа.

Матбааи «Илҳомия», Тошканд». (Ҳамза фонди, 684-ҳужжат.)

Уша даврларда Мунаввар қори ўқитувчи ва мактабда мудир бўлиши билан бирга, наشريётларда ҳам масъул ходим сифатида танилган эди. Ҳамза ўзининг ёзган асарларини унга юбориб, ундан маслаҳатлар олар ва нашр қилдиришда унинг кўмагидан фойдаланарди. Биз қуйида келтирган ҳужжатлар ана шу ҳамкорликка оиддир.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДАГА МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВНИНГ ҲАМЗА АСАРЛАРИНИНГ НАШРИГА ОИД МАКТУБИ:

«Биродари азизим Ҳамза афанди жанобларина!. Ушбу шеър китобингизни кўлимдан келгунча ислоҳ қилиб, баъзи сиёсий сўзларини чиқориб кутубхона тарафиндан бостиримоқ ниётидаман. Сизга верилажак қалам ҳақи эса, ҳар таъбидан юзар дона (мингдан эмас) бўлур. Зотан ўзи ҳам мингдан ортиқ бостирмакни кўтаролмайдур. «Феруза хоним» ила бошқа китобларингизни эса эртага почтадан иншооллоқ юборурман. Агарда «Феруза»ни ман айтконча, яъни: 1. Эшон ва

бойларнинг малъун ва аблаҳликларин очикдан-очик малъун, жоҳил, хоин, мажнун, палид, нобакор каби сўзлар ила эмас, қилгон ишларининг ёмонлиғи ила кўрсатилса.

2. Мансур ва Ферузахонимларнинг мактублари бир оз қисқартирилса, чунки бундай яширин мактуб қисқа ва маъноли бўлур.

3. Бир-бирлари ила кўрушқондаги ҳоллари бир оз узоқроқ тасвир қилинса, чунки романга руҳ киритадурғон ва ўқувчини қизиқсиндурадурғон ўринлар шул васл ҳоллари бўлур.

4. Аввал тавсифлар зикр қилинуб, сўнгра сифатлар зикр қилинса, яъни «Ҳар бир назир қилинмиш қизларни йигирма бир ёшига киргузиб, сўнгра никоҳина олувга одатланган нобакор «Тоҳир эшон» каби жумлаларни «Ул Тоҳир эшон ҳар бир назир қилинмиш қизни 21 ёшигача умрини ўтқориб, сўнгра никоҳига олишга одатланган эди», каби қисқароқ жумлаларга таҳвил қилинса.

Ислоҳ қилиб юборсангиз аввалги шарт ила буни ҳам бостуриб нашр этмоқ ниятидаман.

«Янги адабиёт»ингизга келонча намуналаридан маълум ўлдиғина кўра вазн жиҳатидан шогирдлар учун кўп яхши тартиб этилган кўринадир. Фақат тил, маъно ва мазмун жиҳатидан ҳам бир оз соддароқ ўлса, даҳо мувофиқроқ ўлурди. Чунки янгиғина адабиёт бошламиш ёш шогирдларга сув остида кезув, ҳавода учув, ҳамият, жасорат, миллат ва миллият каби мушуқ масалаларда ва қуруқ насаҳатлардан кўра, болаларни қизиқтирадурғон ва ҳисларини уйғотадурғон қизиқ-қизиқ ҳикоялардан, инсон ва ҳайвонларнинг ҳаракат ва суликотидан алҳосил болаларнинг қувваи фикрия ва ақлиялари етушадурғон масалалар топуб мумкин қадар енгил туркий сўзлар топуб, шеър қилиб бермоққ фойдалироқ ўлса керак. Тажриба ҳам кўрсатадики, шогирдларга ҳозирги шеър китобларимизнинг вазни эмас, луғат ва мазмунлари оғирлик қиладилар.

Боқий ихват дўстингиз Мунаввар қори. 1916 йил 1-январь (Ҳамза фонди. 1231-ҳужжат).

Мунаввар қорининг мактубидан маълум бўлишича Ҳамза каттароқ ёшдаги ўқувчилари ва бадий ижодга қизиқувчи ёш шогирдларига йўлланма берувчи қўлланма сифатида «Янги адабиёт» номли китоб ёзган. Тақризичи Мунаввар қорининг таъкидлашича, бу китоб яхши ва зарур қўлланма сифатида баҳоланган. Унинг бу китоб ҳақида «...вазн жиҳатидан шогирдлар учун яхши тартиб этилган кўрунадир...» дейиши бежиз эмас.

Афсуски, Ҳамзанинг бу ноёб китоби ҳозиргача топилган эмас.

Биз қуйида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг яна бир мактубини келтирамиз. Бу мактуб ҳам Ҳамзанинг асарларини нашр қилиниши ҳақидадир:

«Биродари азизим! Мактубларингизга вақтида жавоб ёза олмагонлигим хусусида афвингизни истирҳом қилурман. Китобларингизга вақтида жавоб ёза олмагонлигим хусусида афвингизни истирҳом қилурман. Китобларингизга вақтида жавоб ёза олмагонлигим хусусида афвингизни истирҳом қилурман. Яхши қоғозда 12 бет бўлиб, минг донаси 28 сўмларга тушди. Ҳозирда тахловчида. Баҳосини 6 тийин, почта ила 8 тийин қўйдим. Сензур-фензурлари 985 нусха китоб бўлса керак. Қоғоз ва бошқа масорифлари ширкат тарафидан тутулди. Эмдиликда ширкатга хизмат ҳақи учун неча нусха марҳамат қилсангиз матал-ташақкур, ортиб қолганини ўзингизга юборурмиз. Фақат 28 сўмни кутубхонага тезроқ перевод қилувингиз рижо ўлинув. Аввалги шеър китобингиз қоғоз қаҳатлиги сабабли босилмай турибдур. Иншоолло тездан они ҳам бостурмак ниятидамиз. «Енгил адабиёт»ингизни ширкат тарафидан бостурмакни аъзолар тарафидан мақбул кўрилмади. Агарда истасангиз ўз ҳисобингизга бостуриб берурмиз. Йўқса, нусхаси ўзингизга қайтарилир. «Феруза хоним»ни ҳозирда юбормай турингиз; чунки, эҳтимол яқин фурсатда ман ўзум хизматингизга боруб қолсам. Шунда кўрушуб қарор берурмиз. Ҳозирда ҳар ерда қоғоз қаҳатлиги ҳукм сурмақдадир. Биноан алайх, ҳануз майдонга чиққанларини эса алалхусус мактабларда жоҳум бўлгон китобларни бостирмак мумкин эмас. Шул сабабли ҳар қанча қиймат тушса ҳам бостурмақдамиз. «Миллий ашула»ингиз оз ва кичкина бўлгон сабабли бостирилди. Бошқа асарларингиз тўғрисида иншоолло кўрушуб сўйлашурмиз. Боқи ихват дўстингиз Мунаввар қори 17-февраль 1916 йил». (Ҳамза фонди, 1235-ҳужжат).

Ҳамза Марғилондалик вақтида ҳам Қўқон, Тошкент ва бошқа жойларда содир бўлган ва содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан дўстлари орқали хабардор бўлиб турарди. Шунингдек, у дўстлари ҳоли-аҳволдан, саломатликларидан ҳамма вақт воқиф бўлишни зарурий шарт деб ҳисобларди.

Буни биз қуйидаги ҳужжатлардан ҳам билишимиз мумкин.

Бўронбой томонидан Ҳамзага ёзилган мактуб:

«Аввал салом, баъдаз каломим сиз жаноби ҳурматлу, улуғ мартабалик, баланд даражалик, муҳтарам муаллим афандимизнинг ҳузурини шариф ва унсури латифаларига камина биродари мақоми, яъни мулла Бўронбойдин етиб андоғ маълумингиз бўлсинки, жанобингизга бу ҳафта ҳуб кўз тутдик келадурмиканлар деб, келмадилар. Чунки Обидулло махсум Намангоний ҳар рўз каминадин сўрамоқда эди. Ман анга бу ила жавоб деюв эдимки, икки ҳафтада бир марта келурлар деб жавоб бермоқда эдим. 14-нчи раби-ул охирда яна сўрадилар. Каминада бу тўғрида андак хижолатпазлик содир бўлди. Ва лекин ман андак хавотирманки, нотобландиларму... ёки бошқа бир иш воқий бўлдим дебман.

Лекин умид қилурманки ушбу мактубим етган замон сиҳату саломатликларингизни ирсол этмоқларини умиди қадар ўтинурман.

Боқий че сўзам. Ассалому алайкум. 15-нчи рабиъу-с-сонийда ёзилди, шанба куни соат 10 да. 6 февраль 1916 йил».

Ҳамза ташкил этган янги усулдаги халқ мактаблари таърифи 1916 йилнинг ўрталарига келиб, Тошкент ва Тошкент теваарак-атрофларига ҳам тарқалди. Ҳамза Ниёзийга Мирзохид Мирзиқилев томонидан ёзиб юборилган мактубда қуйидагилар айтилган:

«Шафқатли акам, падарим ҳузурини олиларига!

Салом. Баъданда ман бунда сиҳат-саломатдурман, Сизнинг сиҳат ва офиятмандликларингизни тангри-таоллодан сўраб турмоқдаман, илоҳе тезлик фурсатда дийдор кўрмакни насиб ва рузий қилғой, омин. Сўнгра арз шулким, падарим жумъа кун келмоқчи эканлар, келмадилар. Ҳамзахонни кўруб, ушбу сўзни етқуринг: Чиносдаги (Тошкент областига қарашли Чиноз — У. Ж.) Саидбек ҳожи бир одамдан айтиб юборганки, муаллим келадурларму, йўқми? Ман мактабни тайёрлаб

қўйдим, 70 адад болалар ул кишига қараб, махтал бўлуб турубдир. Агар келиб муаллимлик қиладургон бўлсалар, келсунлар ёхуд тезлик ила жавобини қайтарсунлар. Бизлар мунда кутуб турмайлик, деб айткан. Ҳамзахон тезлик билан мазкур жойга бормоқлари маржудур. Бўлмаса ул катта одам, ул кишининг қаршусинда шарманда бўлуб қолмасун.

Боқий салом, эҳтиром ила Мирзоҳид. 22.X.16 йил).

1917 йилнинг 1 январида Ҳамзани Олтиариқда мактаб очиб, ўқитувчилик қилишга таклиф қиладилар. Бу ҳақда Маҳмуджоннинг Ҳамзага илтимос қилиб ёзган мактубини келтирамиз:

«Муҳтарам, биродари азизим Ҳамзахон афанди!..

Жанобингизга саломларим баъданда арзи ожизонам шулки Мирзоҳид кетурларинда жанобингизга Олтиариққа муаллим сифатида бормоқингизни рижо этиб эрдум. Жанобингиз Тошкентдан мактубим жавобини кутуб баъда жавоб берурман деб эрдингиз.

Мен ҳам жумъа куни жуз олмақлигимни баён қилиб эрдим... 15 январда ман ҳам иншоолло Хўқанд борсам керак. Агарда боргунимча кутсангиз, албатта ўзим ҳамроҳ бўлиб олтиариқдагилар билан таништуруб ва мактаб бўладургон жойни кўрсатиб, хоҳишингиза ислоҳ қилмоққа буюруб баъда қайтур эрдук. Беш-ўн кунда тайёр бўлгондин кейин, ўзингиз борур эрдингиз.

Агарда то ман боргунча ўзингиз бориб кўриб қайтмоқни хоҳласангиз ҳам ушбу одамларга учрамоқингиз матлуб: 1-нчи Муллабой Назар ва иккинчи Хомиджон Тўхтасинбой ўғли (читфуруш дўкони, бевозор ҳам очик). 3-нчи Мулла Абдужаббор вагончи, буғдойфуруш. Ушбуларни сўрасангиз, машҳур одамлардан албатта, мактаб жойини сизга кўрсатиб, лозим вазифаларни улар қилурлар. Яна ўзингиз яхши соҳиби ихтиёрсиз. Агарда мани бормоқимни кутсангиз, иншоолло борган куним эртасинга сиз илан Олтиариғ борурман. Яна илтимоси ожизонам ман жанобингизни ишониб кўп одамларга тушунтириб ваъда қилиб эрдим. Эмди албатта кўлингиздан келгон даражада ташаббус этуб жаноби ҳақ муяссари муваффақ этса, мактуб насиб ўдса, албатта кўп самаралар ҳосил ўлур деб умид этурман. Саломатлигингизни тилаб ёзгучи Ихват Маҳмудов. 1 январь 1917 йил». (Ҳамза фонди, 697-ҳужжат.)

Ҳамза бу даврда Қўқон шаҳрида бўлган ва албатта дўстлари томонидан очилган мактабларнинг таълим-тарбия иши билан танишиб, уларга амалий ёрдам берган. Айни вақтда маърифатпарварлик руҳидаги асарлар ёзишни давом эттирган. У Олтиариққа бора олмади. Чунки уни Қўқон шаҳридаги 3-рус-тузем билим юртига ўқитувчиликка буйруқ билан расмийлаштириб қўйган эдилар.

Ҳамза айни ўша кунлари ниҳоятда иқтисодий тангликда ҳаёт кечирди. Туркистондаги дўсти Саидносирдан Ҳамза номига 75 сўм пулнинг юборилиши уни бу тангликдан бир қанча вақт халос этди. Мана ўша ҳужжат:

«Иззатлу Маҳмуд афанди!

Ушбу Сизга юборилгон ақчани Ҳамза афанди Ҳақимзода Жанобларина топширувингизни ўтинаман. Ул киши олгонини маълум қилурлар, яна эсларига солурсиз. Эҳтиром ила имзо. 22 февраль 1917 й. Туркистон». (Ҳамза фонди, 1260-ҳужжат).

Ҳамза шаҳардаги прогрессив мактаблар билан доимо алоқада бўлиб, педагогик маҳорат ва тажрибаларини ўртоқлашади. Шунингдек, улардан ҳам яхши тажриба ва илғор ўқитиш усулларини ўрганиб боради. Шу жиҳатдан Ҳамзани мактаб имтиҳонига таклиф қилиб, муаллим Мирза Ҳақим Мирза Алиев томонидан берилган ҳужжат муҳимдир.

«Фазоили мо ба адаби муҳтарам Мулла Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий жанобларина!

1917-йил 20 майда шанба куни «Мактаби Ҳақимия» талабаларининг охиринчи имтиҳонина ташриф буюриб, муаллимлик хизмат вазифасин адо этмакларина самимий ташаккур этармиз». (Ҳамза фонди, 571-ҳужжатлар).

Ҳамза шаҳар ўқитувчилари билан маслаҳатлашиб, «Кенгаш» номида журнал чиқаришни режалаштиради. Журнал ҳайъати тузилиб, унинг биринчи сони не-не машаққатлар билан босмадан чиқарилади. Афсуски, ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчилик туфайли журналга бўлган цензура назорати жуда кучайиб кетади. Бу ҳақда Ҳамза кейинчалик ўзи ташкил қилган «Хуррият» номли журналининг 1917 йил 1-сонидан берган редакцион мақоласида қуйидагиларни айтган эди: «Кенгаш» исмида бўлиб чиққан журналда муаллимлар нашри, камина мудар ва масъул муҳаррир эдим. Матассуф, бир номининг ўзидагина иттифоқ ўзгарди. Хуррият Камол вақтида тилимни сўздан, қаламимни ёзувдан тўхтатдилар. Туркийси мудирлик бори исмидагина қолди. Яна бундан ўзбекроғи шуки, эски ҳукумат вақтида ўнар турли газетага бир цензура қаровина қарши менинг бу беш кунлик журналим бирдан тўрт цензур тахт-назоратина олинди. Мана шунинг учун соф виждоним янгидан бўлган бу истибдодни ҳаргиз қабул этмаганда, дафъатан эшитишга айб бўлса ҳам мудар ва муҳаррирликка истеъфо бермоққа мажбур бўлдим», — деб «Кенгаш» журналидан кетган эди.

Ҳамза юқорида тилга олган «янгидан бўлган бу истибдод» деганда ўша пайтдаги Муваққат ҳукуматнинг сиёсий башарасини очиб беради. Адиб янги ҳукуматнинг чор ҳукуматига нисбатан ҳеч қандай афзалликка эга эмаслигини тезда пайқаб олди ва унга қарши кескин норозилик билдирди. У халқни озодликка чорлаб чинакам инқилобчи шоир ва маърифатпарвар сифатида майдонга чиқди.

Улуғ Октябрь инқилобидан кейин Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг маориф соҳасидаги орзу ва мақсадлари чинакамига амалга оша бошлади. Унинг эзгу ниятларидан бири ўзбек меҳнаткашлари фарзандларига мактабда билим бериш билан бирга рус тилини мукаммал ўргатиш эди. Бу ишга Ҳамза 1910—1911 йилларда киришган бўлса ҳам, бир тажриба сифатида эди.

Қўлимиздаги бир ҳужжат бу жиҳатдан характерлидир.

ҲАМЗАНИНГ РУСЧА-ЎЗБЕКЧА МАКТАБИДАГИ БИРИНЧИ СИНФ ТАЛАБАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҲУЖЖАТИ:

«1917 йил 11 декабрь. Русча-мусулмонча мактабдаги биринчи синф талабаларини айируб.

чиқаргоч 3 га бўлинув. 3-нчисина ҳафтада 5 кун русчадан дарс берилур. Қолган вақтларда мусулмонча дарс берилур» (Ҳамза фонди, 460-ҳужжат).

Турмушдан, ҳаётдан орқада қолмаслик учун, ўз билимини мустақил мутолаадан ташқари сабоқ олиш йўли билан ошириш ва рус тилини мукаммал ўрганиш мақсадида Ҳамза ўз ҳисобидан пул тўлаб ўқийди. Қуйидаги ҳужжат бу ҳақда маълумот беради.

Ҳамзанинг ўзи ўқий бошлаганлиги ҳақидаги маълумот:

«— 1918 йил 5 апрелдан эътиборан (шанба кун) Низомиддин уюсиндаги (уйидаги — Ж. У.) адмистрисда ўқув бошладим. Бердим 29 сўм, сабоҳ 3 сўмдан. Шох, Исматуллоҳ уюсиндаги адмистрисда ўқий бошладим, 10 апрель чоршанбадан, сабоҳ 3 сўмдан, 12 сўм бердим.

Учительница Марямхонимда русча ўқий бошладим. Ойига 20 сўм. 10-чоршанбадан, жумъа, якшанба дарс йўқ. Ойлик 25 сўм, 20 сўм бердим». (Ҳамза фонди, 463-ҳужжат.)

Ҳамза тажрибали ўқитувчилар кўлида ўқиб, билим ва педагогик маҳоратига сайқал бергандан сўнг, ўша йили Фарғонага жўнайди. Уни Фарғонага келишга ва у ерда очилган биринчи ўзбек совет мактабида ўқитувчи бўлиб ишлашга даъват этган киши Ҳамзанинг сафдоши, (академик) Қори-Ниёзий эди.

Ҳамза 1918 йил бир неча ой ўша мактабда дарс берди ва тўғарак ишларини олиб борди. Унинг қизгин фаолиятини хотирлаб, кейинчалик Т. Н. Қори-Ниёзий қуйидагиларни ёзди:

«Ёлғиз мактаб аудиторияси Ҳамзани қаноатлантирмас эди. Унинг туриш-турмуши, табиати ва фикри-зикри ҳамма вақт кенг аудиторияга, оммага қараб интилишдан иборат эди. Шунинг учун Ҳамза мактаб қошида «Театр тарафдорлари» тўғараги ташкил қилиб, улар воситаси билан май-донга, халқ олдига чиқар эди. Шунинг учун мактаб ўқитувчилари учун драматик парчалар, кичик-кичик пьесалар ёзар ва концерт учун программалар тузар эди. Мандолина орқали турли-туман оригинал куйларни ўргатар эди. Мен эса бу тўғаракка ёрдам тариқасида скрипкада қатнашар эдим.

Босмачиларнинг совет ўқитувчиларига нисбатан қилган ваҳшийликлари, уларни қийнашлар, ўлдиришлар ва совет мактаблари биоларига ўт қўйишлари одатдаги воқеа бўлиб қолган эди. Шунинг учун мактаб ўқитувчилари иштироки билан куролланган отряд кечалари мактабларни кўриқлаб чиқар эди...» (Т. Н. Қори-Ниёзий, «Матрифат тарғиботчиси», «Ўқитувчилар газетаси», 1954 й. 20 март).

Ҳамза мактабда ўқув, таълим-тарбия ва оммавий, ижтимоий-сиёсий ишларда актив қатнашди. Мактаб ўқувчиларинигина эмас, ҳатто уларнинг ота-оналари ўртасида ҳам фаол иш олиб борди. Мактаб теварак-атрофидаги аҳоли ва ота-оналарни мактабга тез-тез чақириб улар ўртасида турли мавзуларда суҳбатлар, лекциялар ўтказиб турди. Натижада мактабга келувчи болалар сони кундан-кун кўпайиб борарди. Реакцион руҳонийлар биринчи совет мактаблари тўғрисида турли-туман бўҳтон ва иғволарни тарқатаётган пайтда Ҳамзанинг халқ ўртасида бундай ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бориши жасорат эди.

Жўрахон УСМОНОВ,
педагогика фанлари кандидати


Бибиражаб Қўчқорова

Ҳамзага

Мен
Жамила бўлиб чиқсам саҳнага,
Марямхон сингари бўлсам вафодор,
Мағрур қарай олсам ноҳақ таънага —
Сенинг бу ишларда ҳиссанг улугвор.

Кескин курашларда
Эргашиб сенга,
Бўлолсам халққа-ю, ҳаётга мадор,
Толе кулиб боқса ўшанда менга —
Сенинг буларда ҳам ҳиссанг улугвор...

Хоразм области



МУҲАММАДШАРИФ СЎФИЗОДА

Биринчи Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммадшариф Сўфизода ўзбек совет адабиётида инқилоб, ҳуррият, коллективлаштириш, хотин-қизлар озодлиги каби мавзуларда самарали қалам тебратган, халқнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган машҳур шоир эди.

Сўфизода 1869 йил 29 январда ҳозирги Наманган областининг Чуст шаҳрида туғилди. Ёшлигидан меҳнатга ўрганиб, отаси — Эгамберди пичоқчига чарх тортиш ишларида ёрдам берди, шу билан бирга, эски мактабларда ўқиб савод чиқарди. Унда шеъриятга муҳаббат ёшлигидан бошланди. Машҳур шоирлар — Фирдавсий, Ҳофиз, Навоий асарларини қунт билан ўрганди. Шу тариқа у ўтган асрнинг 90-йилларидан адабиёт майдонига кириб келди. У халқчиллик, тараққийпарварлик руҳидаги шеърлари, ўтқир ҳажвиялари билан ном чиқара бошлади. У халқни маърифатга, маорифга чақирди, ўзи янги усулдаги мактаб очиб болаларга дунёвий илмларни ўргатди.

Шоир ноҳақликка, жабр-зулмга қарши ўз асарлари билан курашди, текинхўр амалдорлар, эшонларни ҳажв тиги остига олди. Шунинг учун ҳаётининг бир қисмини дарбадарликда — чет элларда ўтказди.

Сўфизода Октябрь инқилобидан кейин ўз юртига қайтиб келиб, ёш совет ҳукуматини мустақамлаш учун курашди. Чуста батрақлар Союзи ташкил этди, босмачиларга қарши курашларда қатнашди, мактаблар очиб, болаларни саводга ўргатди.

Шоир шеърларида инқилоб ва янги тузум душманлари аёвсиз ҳажв қилинди.

Сўфизода 1922 йилдан Наманган шаҳрида яшаб, қизғин ижодий иш билан шуғулланди. Унинг шеърлари республика журнал ва газеталарида мунтазам босилиб турди. Сўфизода Ўзбекистон Шўролар Жумҳурияти Марказий Ижрокомининг 1926 йил 28 февралдаги қарори билан «Ўзбекистон ССР халқ шоири» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Сўфизода мудҳиш шахсга сиғиниш йилларининг қурбони бўлди. 1937 йил 7 май куни бемор ётган шоирни касалхонадан олиб чиқиб, «халқ душмани» ёрлиғи билан ҳибсга олишди. У қамоқда ҳалок бўлди.

50-йиллардан кейин Сўфизода қайтадан оқланди. Адабиётшунос олим Тўлқин Расулов излашнилари туфайли 1968 йили шоирнинг «Тароналар» номли кичик бир шеърий тўплами нашр этилди. Шундан кейинги йилларда эса Сўфизода ҳаёти ва ижодини ўрганиш ишлари оқсаб қолди. Ҳамза Ҳакимзода билан ёнма-ён ижод этган, унинг яқин сафдоши, катта истеъдод эгаси, инқилоб куйчиси, ҳозиржавоб ва оташин ижодкор, биринчи Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммадшариф Сўфизода ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш — ҳозирги кунда адабиётшуносликнинг муҳим ишларидан бири бўлмоғи керак. Бу йил Сўфизода таваллудига 120 йил тўлди. Унинг 100 йиллик юбилейини нишонлаш унутилган эди. Энди бу йилги юбилейини ҳам унутиб юбормаслик керак. Шоир асарларини тўплаш, дарсликларга киритиш ва ўзбек совет адабиётидаги улкан мавқеини тиклаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Қуйида шоир ижодидан эълон қилинаётган шеърий намуналар Сўфизоданинг «Тароналар» (Тошкент, 1968) китобидан олинди.

Исмагулла АБДУЛЛАЕВ.
филология фанлари доктори, профессор

Озодлик байрами

Жийланингиз авуҳли байрами хотин-қизлар,
Қувониб, эркаланиб ўз тенги билан ўтар.
Кенг фазо, тоза ҳаво қўйнида яшнаб-яйрар,
Келгин сен ҳам шу улўғ кунда, париваш дилбар,
От-паранжингни, очил, дардисарингдир чодир,
Қора чиммат руҳи олингни қилибдир заъфар.

Ранги рухсоринг ўчиб, сояда сарвинг сўлган,
Ашк ёқути билан қора кўзинг лиқ тўлган,
Хабаринг борму, қоронғу кеча ойдин бўлган,
Йўлга туш, илгари бос, эски қароқчи ўлган,
Гарчи аввалда эдинг, уйда асири шавҳар,
Эмди эркинча юриш даврига бўлдинг мазҳар.

Шунча йил уйқуда бошингни кўтармай ётдинг,
Алла оҳангига ортиқча берилдинг, қотдинг,
Оч кўзингни қоқа, ғафлат чомуғига ботдинг,
Уйғониб чора қидир, сил касалига чотдинг,
Келди тонг илғори туйнук тепасига ҳулқар,
Тунни тасғирига азм этди ҳазонфар ховар.

Мақсадинг сорига ҳаргиз бўла олмас тўсқун,
Эмчи, полбин, парихон, лавҳачи, қучпоч, отун,
Мулла, эшон, сўфи, бой, дангаса, жоҳил, мажнун,
Муфти, аълам, яна бирмунча мунофиқ маймун,
Фирқа олдингда бу кун жамъи ҳумоюн раҳбар,
Соқчи орқангда, қизил шонли, музаффар аскар.

Яшасин барча хотин-қизларимиз дунёда,
Янги турмушга қадам қўйган учун омода,
Асар этган шекиллик нолайи Сўфизода,
Кучайбдир очилиш майли малак сиймода,
Шоири зорини маъюс муқтадил музтар,
Айрият қилмади эл ичра ул йўқсулпарвар.

Сайловга

Халойиқ ҳар маҳал сайловга ҳақлиқларни чорланглар,
Районлашмоқ учун ҳиммат самандини эгарланглар,
Яқин бўлсин улус шўрога, қишлоқни шаҳарланглар,
Хотин-қизларни ҳам мажлисга келгин, деб хабарланглар,
Курашмоқ чоғидир, бойларга қарши белни боғланглар,
Эзилган камбағал бечора деҳқонларни сайланглар.

Қурултойларда сайлаб, сайланишдан сўфилар маҳрум,
Ҳаромизода эшон қашқалиқ онлар каби маълум,
Муаззин эскидан ҳайвоний нотик, ҳайкали мавҳум,
Доғи масжид имоми энг зарарли сойиби машъум,
Бу аблаҳларни ҳаргиз маслаҳат базмига қўйманглар,
Тавозуъ қилса душман балки яхшиликка йўйманглар.

Шуларнинг синфидан айниқса зоҳидман деган бумлар,
Ҳиёнат маъдани руҳониларнинг пайрави, думлар,
Мулозимпешалик касбида бўлган саллалик хумлар,
Чунончи шунга ўхшаш тулки қуйруқ, фил хартумлар,
Сиёсий пеллардур, ёндошиб ёнида юрманглар,
Ҳазар айланг мабодо гаплашиб ёнида турманглар.

Районлашмоқда мақсад шулки, бўлсин мамлакат обод,
Уловсизлар узок марказга борди-келдидан озод,
Ҳукумат соридин йўқсулга етсун тезроқ имдод,
Йўқолсин ўрталикдан бир йўли таъсири истибод.
Васият қилди Ленин ҳарнаким эсдан чиқарманглар,
Қилиб сайлов вакили эски золимни юборманглар.

Яқони қутқаринглар бирлашиб асҳоб бидъатдан,
На ҳосил қилдингиз афсонаи ғулмони жаннатдан,
Бўлиб ҳамри жаҳолат кайфидан мадҳуш ётманглар,
Ғанимат бу замондур, ушбу фурсатни йўқотманглар.

Газета тўғрисида

Яшнатиб дил ғунчасин, фасли баҳор айлар газет,
Сув бериб кўнгул боғини сабзавор айлар газет.

Шарқдан Мағрибгача бўлгон ҳаводисни ёзиб,
Не гўзал марғуб хабарлар ошкор айлар газет.

Кўб ўқув бўлсанг, бўлурсен эл аро чун нуктадон,
Сўзлаганда сўзларингни беғубор айлар газет.

Гоҳи-гоҳи келмайин қолса, ўзининг дўстларин
Шавқида телмиртириб кўп интизор айлар газет.

Чиқса бир хурсандлик сафҳасида дарж ўлуб,
Фикри завқ-ла қалбни беихтиёр айлар газет.

Э нехушким халқимиз суймакда кун-кундан сени,
Бир вақт зарларни бошингдан нисор айлар газет.

Ноумид бўлма, чиқар бир кун ҳақиқий дўстларинг,
Ёрдам айлаб, муштарини бешумор айлар газет.

Йўқсул эл аҳволидан гар сен ёзиб берсанг хабар,
Дарж этиб бу йўлга жалби эътибор айлар газет.

Гар қорайғон дил, тўнук руҳларга бердикчи зиё,
Бўлгани жон доимо бошға тумор айлар газет.

Ўпай

Кел яқин, ороми жон, рухсори олингдан ўпай,
Гул юзинг устига кўнган эрка холингдан ўпай.

Бўса пешонангни қучган дуррадан мумкин эмас,
Анбарин зулфингни искаб, рўймолингдан ўпай.

Тишларинг дурдонаси янглиғ такаллум чоғида,
Ҳар замон лаъли лабинг маржон мисолидан ўпай.

Сурмасо гипноси кучлик кўзга ёндошмак маҳол,
Ўсма оғушида беркинган ҳилолингдан ўпай.

Орзу ҳажрингда хуржин бўлмасун, эй нозанин,
Лоақал бир дафъа дасти бемалолингдан ўпай.

УЛУҒ ҚЎБУЗЧИ

(Тарас Шевченко туғилган куннинг 175 йиллигига)

1964 йил... Февраль ойининг охирлари... Ҳаммаёқни момиқдай қор қоплаганига қарамай гўзаллиги шундай сезилиб турган фусункор Киев шаҳри. Бутун Украина, қолаверса мамлакат украин халқининг ифтихори, адабиётининг қуёши Тарас Шевченко туғилган куннинг 150 йиллигини нишонлаш тантаналари эндигина бошланган палла. Уша кунлар Бутуниттифоқ, Украина ССР «Билим» жамиятлари, Езувчилар союзларининг сай-ҳаракати билан Киевда шевченкошуносларнинг уч кунлик кенгаши давом этарди. Бошқа меҳмонлар қатори кенгашда менга ҳам сўз берилганда шоир шеъриятига муҳаббатимни, шеърсевар халқимизнинг Шевченкога ҳурмат ва эҳтиромини, унинг асарлари ҳар бир ўзбек хонадонининг сеvimли асарларига, қалб ардоғига айланганлигини айтдим, шоирнинг ўзбек тилида нашр этилган ва китоб магазинларидан топишнинг иложи бўлмаганлиги туфайли шахсий кутубхонамдан соvага келтирилган китобларни унинг ҳақиқий меросхўри — юртдошларига топширдим. Шунда залдагилар Шевченконинг «Васият» шеърини ўзбекча ўқиб беришимни илтимос қилишди. Шеър ўқиётганимда залдагилар уни дилларида такрорлаётгандай, барча уни ёд биладигандай туюлди. Шевченко бутун халқининг виждони, юраги, куйчисига айланиб кетганига имон келтирдим.

Шевченко фавқулодда талантининг беқиёс гуллаб-яшнаши, поэтик иқтидорининг етакчи манбаи, булоғи ҳам ана шу халқ мақсад-интилишлари, орзу-умидлари билан умр бўйи яшаганлиги, уни ўстириб, вояга етказган эли, юрти, она-Еридан алоқасини бир зум ҳам узмаганлиги бўлса ажаб эмас. Халқининг, ўзга халқларнинг дард-аламларини дил-дилидан ҳис этган, барча асарлари хоризмга нафрат туйғуси билан суғорилган шоир толеи забун меҳнат аҳлини озодлик учун курашга даъват этди.

Шевченко украин адабиётида биринчи бўлиб оддий меҳнаткашларни адабиётнинг бош қаҳрамони даражасига олиб чиқди, халқ ижодининг бутун бойлиги ва нафосатини умумлаштирди, ундан энг яхши дурдоналарни териб олиб, халқнинг чинакам қўбузчиси, куйчисига айланди. Халқ бошида маломатлар ёғдираётган хоризм ва крепостнойликка қарши кураш шоир ижодининг бош мавзуи, асосий лейтмотивига айланди. Унинг бадий ижодиёти украин миллий адабиёти, миллий тилининг шаклланишидагина эмас, балки унинг кейинги юксалишида ҳам йўлчи юлдуз бўлди. Шоир ижоди украин адабиётини жаҳон миқёсига олиб чиқди. Шевченко ўтган асрда озодлик ғоясини юксак поэтик мисраларда куйлаган ягона шоир эди дейиш ҳеч бир муболага бўлмас.

Бундан 175 йил муқаддам — 1814 йилнинг 9 мартида Киев губернясининг Моринци қишлоғида крепостной деҳқон оиласида туғилган Тараснинг бўлалиги ғоят аянчли кечди. У гўдакли-

гидаёқ аввал онаси, сўнг отасидан ажралиб етим қолади, етимликнинг барча жафоларини бошидан кечиради; бир бурда нон учун ҳар кимларнинг уйида хизматкорлик қилади:

Яшаш оғир, яшаш оғир

Бу дунёда етимга,

Аччиқ қайғу-аламлардан

Рози бўлар ўлимга!

Бошқа шеърда эса:

Кўз ёшимнинг сабабларин

Сўрар киши йўқ менда.

Дил истагин айтгани ҳам

Бирор киши йўқ менда, —

деб нола қилади.

Тарас бўлалигидаёқ ашула, халқ эртаклари, айниқса расм чизишга қаттиқ қизиқиб қолади. У бу ишга шу қадар эҳтирос ва иштиёқ билан бериладики, натижада ўспиринлигидаёқ расм чизиш техникасини бирмунча пухта эгаллаб дурустгина расм чиза бошлайди. Украинанинг оромбахш ва мафтункор табиати, манзаралари, нолакор халқ кўшиқлари бўлажак рассом ва шоир тарбиясида муҳим роль ўйнади.

Кўплаб крепостнойлар қатори Тараслар оиласи ҳам қарам бўлган помешчик П. Энгельгардт ўз хизматкорларини олиб аввал Вильно, кейинроқ Петербурга кўчиб кетади. Россиянинг сиёсий ва маданий маркази бўлган Петербургдаги жўшқин ҳаёт, революцион фикрли маданият арбоблари Тарас ижтимоий қарашларининг шаклланиши, маданий камолотига беқиёс таъсир кўрсатди. Рус ва украин маданиятининг машҳур намоёндалари К. Брюллов, В. Григорович, И. Сошенко, В. Жуковский, Е. Гребенюлар украин йигитидаги фавқулодда истеъдодни сезиб, уни крепостнойликдан озод қилиш, эркин ижод этишига йўл очиш учун оталарча ғамхўрлик қилдилар. К. Брюллов Жуковскийнинг портретини чизади, уни лотарей ўйинида катта маблағга сотишади. Улар шу йўл билан йигитнинг озодлиги учун помешчик томонидан қўйилган шарт — 2500 сўмни тўлаб, 1838 йилнинг 22 апрелида Шевченкони крепостнойликдан исканжасидан озод қилишади.

Крепостнойликдан қўтилган Тарас пойтахтдаги Бадий академияга ўқишга киради. У академияда замондошлари орасида «Бунок Карл» номи билан машҳур бўлган Карл Брюллов раҳбарлигида рассомлик санъатининг нозик сирларини ўрганади, устозининг энг сеvimли шогирдларидан бирига айланади. Уқишдаги катта ютуқлари учун уч марта кумуш медал билан тақдирланади. Тасвирий санъатга жон-дилдан берилиб кетган, муваффақиятларидан руҳланган Шевченко анча

вақтгача ўзидаги шеърй иқтидорни сезмади. Шу билан бирга жондан азиз Украинасига соғинчини тараннум этиш, бу ўлка тўғрисида болалигида ҳаяжонланиб тинглаган қўбучилардек ашулалар ёзиш истаги унга ҳаловат бермай қўйди. Шоирнинг илк шеърлари унга мўйқалам тутқазган Петербургнинг сеҳрли оқшомларида, 1837 йилдан майдонга кела бошлаган. Унинг дастлабки шеърлариёқ қўлдан-қўлга ўтиб халқ ўртасида машҳур бўлиб кетади. Шевченко санъатнинг икки муҳим соҳаси — тасвирий санъат ва бадий адабиётда янги, илғор ғоя ва қарашларни тараннум этувчи улкан санъаткорлик йўлига қадам қўяди.

1840 йилда Тарас Шевченконинг илк шеърй тўплами «Қўбучи» нашр этилиб, унинг автори таланти украин шоири сифатида кенг китобхонларга танилади. Саккизтагина асарни ўз ичига олган бу жажжи китобча жуда катта муваффақият қозонди, украин адабиёти тарихида янги давр очди. Кенг омма, илғор фикрли кишилар ёш шоир сиймосида халқ бахти ва озодлигининг курашчиси ва куйчисини топди. Чунки у ўз шеърларида меҳнаткашлар оммасининг интилишлари, орзу-ҳаваслари, ҳис-туйғулари ва фикрини ҳаққоний ифодалаган эди.

Тўпламга кирган барча асарларда ватан, шунингдек, халқ манфаатларининг куйчиси — қўбучи образи яратилган.

Шоир «Перебендя» асарида кекса қўбучи образини муҳаббат билан чизади. Куйчи ёлғиз ва бахтсиз, лекин унинг ўз халқига чексиз муҳаббатини ифодаловчи ҳароратли қўшиқлари мазмундор ва жозибали. «Тарас кечаси», «Основьяненкога», «Иван Подкова» асарларида халқнинг миллий озодлик ҳаракати тасвирланган. Шоирнинг илк ижодида «Катерина» поэмаси муҳим ўрин тутади. Поэмада украин адабиётида биринчи бўлиб крепостнойликка асосланган жамиятдаги хотин-қизлар эрксизлигининг социал фожиаи кўрсатилган.

«Қўбучи» — инқилобий шеърятининг янги манифести, граждандлик жасоратининг намунаси, инсон қалбига поэтик савъатнинг солномаси бўлди.

Шевченко яратган йирик полотнолардан жиро «Гайдамаклар» (1841) поэмасида Максим Билезняк ва Иван Гонга бошчилигида поляк феодалларга қарши олиб борилган халқ ҳаракати ҳаққоний тасвирланган. Омманинг инқилобий уйғонишида муҳим роль ўйнаган, халқ вакиллари асарнинг бош қаҳрамонлари қилиб кўрсатилган асарда шоир келажак авлодларга мурожаат қилиб шундай дейди:

**Қани юринг, авлодларим,
Одил судга, болаларим!
Учратмасам ўшани мен:
Аллақачон ғурбатларда
Қор тагида чирир эдим;
Кўмардилар ва дердилар:
«Бунинг кимга кераги бор».
Оғир, аччиқ, ҳеч сабабсиз
Умр бўйи чекмак озор,
Даҳшатли туш ўтиб кетди!..
Қанот қоқинг, лочинларим.**

Адабий жанрларнинг деярли барча турларида қалам тебратган Шевченко 1841 йилда озодлик ва ватанпарварлик ғоялари ифодаланган «Никита Гайдай» драмасини яратади. 1843 йилда эса рус тилида украин театрининг тараққиётида муҳим роль ўйнаган «Назар Стодоля» драмасини ёзди. Драма марказида юзбоши Хома Кичат билан камбағал Назар Стодоля ўртасидаги социал зиддият ётади.

Узоқ йиллик интизорликдан сўнг, ниҳоят 1843 йилда Шевченко жонажон Украинасига боради, болалиги ўтган қишлоқларни айланади. Меҳнат аҳли ҳасрат-надоматда, шафқатсиз зулм остида яшаётганини кўриб мавжуд тузумга нафрати янада кучаяди. Бир йилдан сўнг Петербургга қайтиб рус адабиёти илғор намоёндаларининг таъсирида революцион руҳ билан суғорилган «Кўр» («Банди»), «Даҳрий», «Туш» асарларини яратади. Улар орасида айниқса, «Туш» асари революцион фикрнинг ўткирлиги, мавжуд тузумни аёвсиз фож қилиши жиҳатидан ахамиятлидир. Революцион ғояларини эркин ифодалаш учун шоир туш формасидан фойдаланади. Шевченко шўрпешона Украинанинг аянчли аҳволини кўрсатар экан, халқни тўғридан-тўғри курашга чақиради:

**Мен туғилган эй она тупроқ!
Булутларга ғам-аламимни
Яширгайман, учаман, шу чоқ.
Сен эй, менинг тул Украинам,
Шўрпешона эй толеи паст!**

Шоир меҳнаткашлар золимлар томонидан беҳад эзилаётганини тасвирлаб:

**Қон ичувчи ушбу жаллодлар
Қачонгача дунёга ҳоким! —**

деган саволни қўяди. Шоир замондошларидан бири ёзишча, «Туш» — «Украинанинг жароҳатларини очувчи гениал сатира».

1845 йилда Тарас Шевченко Бадий академияни тамомлаб ўз ватанига қайтиб боради. У Киев археологик комиссиясининг топшириғига мувофиқ Украинанинг шаҳар ва қишлоқларини айланиб чиқади. Кишиларнинг ҳамон оғир аҳволда яшаётганлигини, уларда мавжуд тузумга қарши норозилик туйғуси кундан-кун кучайиб бораётганлигини ўз кўзи билан кўради. Омма ўртасида ўзининг таъқиқланган шеърларини ўқиб, самодержавиега қарши қандай курашиш лозимлигини гапириб беради.

1847 йилда шоир «Қўбучи» тўпамининг иккинчи нашрига сўзбоши ёзади. Сўзбоши украин реалистик санъатининг ажойиб декларацияси сифатида майдонга келади. 1844—47 йиллар шоир ва рассом ҳаёти, ижтимоий ва адабий фаолиятида бурилиш йиллари бўлиб, Шевченконинг революцион онги янада ўсади. Унинг «Даҳрий», «Кавказ», «Васият» номли ажойиб шеър ва поэмалари худди шу даврда яратилган.

1847 йилнинг апрелида Шевченко Черниговдан Киевга қайтаётганида қамоққа олинади. «Уч йил» шеърлар альбоми, жумладан «Туш» поэмаси қамашнинг асосий сабабларидан бири бўлади. Шахсан Николай I ўз қўли билан «Қатъиян назорат остига олинсин, ёзиши ҳам, расм чизиши ҳам ман қилинсин» деб буйруқ беради.

Шундан кейин Шевченко учун дарбадарлик ва азоб-уқубат йиллари, даҳшат ва изтиробларга тўла йиллар бошланади. Аммо унинг кураш ва озодликка бўлган интилишини, мустаҳкам иродасини ҳеч ким, ҳеч қандай куч сусайтира олмайди. «Қийноқда, азобда ёнаман, бироқ мен асло тавба қилмайман», деб ҳитоб қилади шоир. Подшонинг тақиқлашига қарамай, Тарас Шевченко сал имкон топиши билан ёзиш, расм чизишга тутунарди.

1848 йилнинг май ойида Орол денгизи соҳилларининг табиий шароитини ўрганиш юзасидан илмий экспедиция тузилади. Экспедиция бошлиги ажойиб ватанпарвар олим, жасур ва ақлли савъатчи, довюрак А. И. Бутаков Т. Шевченкони рассом сифатида ўзи билан олиб кетади.

Рассом бу сафар вақтида кўза ташланган табиат манзараларини, кишиларнинг ҳолатларини хотирада сақлаб қолиш учун кўрганларини қоғозга туширишга ошиқарди. У кишиларнинг сурати, жойларнинг кўриниши, плани ва харитасини олишда катта хизмат қилди.

Шоир Кўс-Оролда хаёлга келган, қалбига чўғ ташлаган баъзи мавзу ва туйғуларини кейинроқ Петербургда яшаётган даврида қоғозга кўчиради. «Подшоҳлар» достони, «На шуҳрат деб, на биров учун», «Хатто шодмон ўлкалар ичра», «Гоҳ туйқусдан тетикланиб чол» шеърлари ана шундай асарлардандир. Шевченко Оролдаги ижоди гоёат баракали бўлди. Бир йилдан сал ортиқроқ вақт ичида 70 га яқин бадий асар, 200 га яқин расм чизди. Орол экспедицияси даври Шевченко ижодида чуқур из қолдири. Реалист шоир, атоқли рассом бўлиб етишишда муҳим роль ўйнади. Экспедиция вақтидаги хизматлари учун Петербургга хат ёзиб унга енгиллик бериш сўралади. Лекин Шевченкони янада қаттиқроқ назорат остига олиш, ёзиш ва чизишни тақиқлаш тўғрисида буйруқ келади. Шундан кейин у қамоққа олиниб, аввал Орск, кейинроқ Қозоғистоннинг Манғишлоқ ярим оролидаги Новопетровск қалъасига сургун қилинади.

Новопетровскда ўтган етти йил давомида йигирмага яқин повесть ёзди. «Оқсоч», «Варнак», «Княгиня» повестлари шу номлардаги поэмалари асосида яратилган бўлса, «Музикачи», «Рассом», «Бахтсиз», «Капитан хоними», «Эгизаклар» оригинал сюжетга эга. Повестларда революцион гоёлар, крепостнойликка қарши кураш мотивлари кучли. Шевченконинг барча повестлари сингари катта тарихий, маърифий, бадий қимматга эга бўлган «Кундаликлар» асари рус тилида ёзилган. «Кундаликлар»да буюк ёзувчининг образи, сиёсий-фалсафий ва эстетик қарашлари, сургун йилларидаги сарсон-саргардонлиги ўз ифодасини топган.

Нихоят 1857 йилда Т. Шевченко тутқунликдан қутулиб Астраханга, ундан Нижний Новгородга жўнайди, бир йилдан сўнг эса Петербургга боради, машҳур декабристлар, революцион демократлар, адабиёт ва санъат арбоблари билан дўстлашади. Шоир «Неофитлар», «Мария» поэмаларини, «Синглимга», «Бир кун тунда мен Нева бўйлаб» сингари инқилобий руҳдаги асарларини ёзади. Шевченко халқнинг асоратда яшаш сабабларини қидиради, у келажакда муқаррар равишда озод замонларга етишишга ишонади, бунинг учун мамлакатни подшодан халос этишга чақиради:

**О, фақир одамлар! Соддасиз, эсиз
Нега керак ахир сизга подшоҳ!
Нега керак ахир итбозлар! Э воҳ!
Одамсиз-ку ахир, този эмассиз!
Золим подшолар ўз қилмишларига
Жазо тортадиган кун келармикан!
Ҳақиқат ҳам қарор топарми экан!
Топар албат, — ахир қуёш чиқажак,
Нурида ёвузлик эриб кетажак.**

Т. Г. Шевченконинг баракали ижоди ўзбек адабиётига ҳам порлоқ саҳифа бўлиб кирди. Чунки буюк санъаткор Туркистон меҳнатқашларининг ўтган асрнинг ўрталаридаги аянчли ах-

волини ўз кўзи билан кўрган, буни қатор поэтик ва прозаик асарларда, бадий полотноларда тасвирлаган эди. Шу тафайли буюк Шевченконинг номи ўзбек халқи учун ҳам яқин ва қадрдондир.

Ўзбек китобхонлари украин шоирининг ажойиб асарларидан фақатгина Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина баҳраманд бўлди (бунгача Шевченконинг фусункор поэзияси ўзбек тилига таржима қилинмаган эди).

1939 йилда — бутун мамлакатимиз Т. Г. Шевченко туғилган куннинг 125 йиллигини кенг нишонлаётган вақтда ўзбек шеърят ихлосмандлари буюк шоирнинг шеърлари ва поэмаларидан биринчи гулдаста — «Қўбузчи» тўпламини олдилар. Шу йили ўзбек ёзувчиларининг Шевченко ҳақидаги шеър, поэма, очерк ва ҳикояларини ўз ичига олган «Тарас Григорьевич Шевченко» китоби босилиб чиқди.

1962 йилда эса Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриёти шоирнинг энг гўзал, қайноқ лирикасидан энг ажойиб намуналарини тўплаган «Ўйларим, сиз менинг ўйларим» китобини босиб чиқди.

Шевченко поэзияси мушқавий ва жозибадор, содда ва халқ оғзаки ижодиётига жуда яқин бўлганлиги учун ҳам таржимада буларни сақлаб қолиш жуда мушкул иш эди. Шунга қарамай иқтидорли ўзбек шоирлари Шевченконинг ўзига хос овозини бера олганлар. Шевченко шеърларининг энг яхши таржимонларидан бири талантли ўзбек шоири Ҳамид Олимжон эди. Ҳамид Олимжон таржима қилган «Кичкина Марьянага», «Бир замонлар ўйнашиб ўсган», «Гар бўлмаса бир кулбахонанг...», «Музыка чалинар, чароғон ҳар ён...», «Орқасида тангри эшигин...» каби шеърларини автор услуби, овозини таржимада сақлаб қолишнинг юксак намуналари дейиш мумкин. Шевченконинг энг яхши шеърларидан бўлган «Васият» эса Ҳ. Олимжон таржимасида гўё ўзбек тилида яратилган оригинал асардек жаранглайди. Ҳ. Олимжон Шевченко асарларини таржима қилиш жараёнида унинг ижоди ва украин адабиётидан кучли таъсирланди. Шоирнинг «Роксананинг кўз ёшлари», «Жангчи Турсун» балладапарни ва қатор шеърлари ана шу таъсирни яққол кўрсатувчи далиллардир.

«Менинг ҳаёт тарихим, Ватаним тарихининг бир қисмини ташкил этади» деб ифтихор этган Шевченко «Васият» шеърида мамлакатимиз халқларининг ёрқин келажакга ишонган, ўзи ҳам ўшанда ёд этилишини башорат қилганди:

**Кўмингу қўзганг исён,
Кишанлар кул-кул бўлсин,
Эрк жангида душманнинг
Қора қони тўкилсин.
Сўнг улуг оилада
Бошлангиз эркин ҳаёт,
Секингина мени ҳам
Ёд этиб қилингиз шод.**

Шоир башорати бизнинг замонамизда ҳақиқатга айланди. Эрк куйчиси, улуг қўбузчи Тарас Шевченконинг номи ва ўлмас асарлари ҳамон тилларимиз ва дилларимизда.

**Раҳматилла ИНОҒОМОВ,
филология фанлари кандидати**

АЛПОМИШНИНГ ҚАНОТИ

Ўзбек фольклорида от образи алоҳида меҳр билан тасвирланади. Бу ҳол ажабланарли эмас. Чунки, халқимиз ҳаётида от қадимдан муҳим ўрин эгаллаб келган, қадр топган, ардоқланган. Кўшиқда:

**Қирқ кун боқсанг бир кун ярар,
Қайгудан бошинг қутқарар,
Отдир ҳам йигит йўлдоши...**

деб бежиз куйланмаган.

Ўзбек халқ дostonларидаги етакчи образларни тадқиқ этар эканмиз, қаҳрамонларнинг жанговар йўлдошлари — от образларига ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Зеро, бу отлар дostonларда бош қаҳрамон билан тенг тарзда ўз таржимаи ҳоллари, тақдирларига эга. Шу ўринда Гўрў-лининг Фиркўк, Алпомишнинг Бойчиборини эслаш kifоя.

Фольклоршунослигимизда от образи тадқиқ этилган яхши тадқиқотлар мавжуд. Хусусан, профессор Ҳ. Зарифнинг «Жанговар от образининг қадимий асосларига доир» мақоласида «Гўрўгли» ва «Алпомиш» дostonларида бош қаҳрамон даражасига кўтарилган Фиркўк ва Бойчибор образларининг табиий ва мифологик асослари, дostonларда тутган ўрни ҳамда от анжомлари хусусида атрофлича фикр юритилган. Фиркўк образи такомиллашувида халқнинг реал тажрибалари асос бўлганлиги ҳақидаги қарашлари айниқса муҳим. Шу билан бирга Бойчибор ва Фиркўк образларида қадим мифологик қанотли от ҳақидаги қараш ва тушунчалар мужассамлашганлиги ҳақидаги фикр ҳам диққатга сазовор.

Ҳ. Зариф ўз мақоласида фольклордаги жанговар от образини умумлаштирган ҳолда тадқиқ этган. Айни пайтда дostonлардаги ҳар бир от образини алоҳида-алоҳида, улардаги ўзига хос жиҳатларни кўрсатган тадқиқотлар ҳам керак. Биз шу мақсадда «Алпомиш» дostonининг асосий қаҳрамонларидан бири — Бойчибор хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Дostonда куйланишига кўра Бойчибор Алпомиш билан бир пайтда дунёга келади. Алпомиш Бойчиборнинг онаси Торлон бияни эмиб бўлажак оти билан эмиқдош-ширхўр бўлади. Ҳ. Зариф бу ҳолни «... қаҳрамоннинг маҳаллий бия билан фарзанд қатори боғлаш фақатгина отга бўлган қадимий эътиқоднинг тасвиридир. От тотем бўлганлиги учун унга қаҳрамонни эмгак сути томонидан боғлаш қаҳрамонга энгилмас куч ва қудрат бағишлайди деган эътиқоддан келиб чиққан» деб изоҳлайди. Чиндан ҳам туркий халқлар, хусусан, ўзбеклар ўртасида отга эътиқод билан қаралган. От асосий тотемистик ҳайвонлардан бири ҳисобланган.

Кўпчилик дostonларда бўлғуси жанговар от тарбият топгунга қадар, кўримсиз, фақат моҳир синчилар ажрата оладиган оддий отлар туси тасвирланади. Ҳатто кўпчилик бу отнинг тулпор эканлигига ҳам шубҳа қилдиради. Бу мотив ўзи-

га хос бадийий приём бўлиб, тингловчига бўлажак тулпорнинг янада ёрқинроқ эса қолиши учун ёрдам беради. «Алпомиш» дostonида ҳам ушбу мотивни кўрамыз. Алпомиш Қалмоқ юртига бориш учун от танлаб «Санам сариққа туш, ё олачипор тўриққа туш, шапоқнинг зўрига туш» деб кўриқ солганда, ҳар гал ҳам «ёли эшилган ипакдек, бир чибор отнинг...» бўйнига тушади. Алпомиш «тақдир шул экан-да», деб ўйланиб турганида сингилси — Қалдирғоч:

**Ўзи шундай келган экан човқар кўк,
Қуйруғидан берисида кири йўқ.
Минганларнинг бўлар экан кўнгли тўқ,
Буни минсанг, ака, сенга душман йўқ, —**

деб, отни эгарлаб Алпомишни йўлга солиб юборади. Ҳақиқатда ҳам Бойчиборнинг тенгсиз от эканлигини Қалмоқ синчисининг таърифидан билиш мумкин:

**Йилқичида ўзи келгансинлидир,
Товушқон туёқли, морол беллидир,
Арсат кўнида ажаб ҳоллидир
Қиммат баҳо экан ўзбекнинг оти,
Минганларнинг яқин етар мақсади,
Қўлтиғида тўрт ярим газ қаноти
Асл тулпор экан ўзбекнинг оти.**

Бойчиборнинг яна бир фазилати ақл-фаросатда одам билан тенглигидир. Жумладан, Алпомиш Қалмоқ юртига етиб, Муродтепага чиқиб, дам олаётганида кечган воқеалар тасвирини бахши бевосита отнинг назаридан ўтказиб берган ўринда — айни хусусиятни кўрамыз. «Қавдон еб ётиб, хоннинг Чибор оти шундай қаради: Қалмоқ тарафидан ўн тўрт қора отнинг кўзига кўринди. Бу қораларни кўриб, отнинг чайнаб ётган қавдонни ҳам томоғидан ўтмай қолди. Отнинг кўнглидан кечгани шул бўлди: «Бу келаётган отлар, тулпор бўлса, устига минган душман бўлса, Алпомиш мени миниб қочса, кейинимдан қувиб етса, бир шўрликининг ёлғиз ўғли ўладиган бўлди-да». Хоннинг оти тоза тикилиб қаради. Қараса ўн тўрти ҳам тайпанглаб йўртиб келаётир, туёғи ерни туртиб келаётир. Бу отларни кўриб, «қувсам етар эканман, қочсам қўтилиб кетар эканман, устига минган мардумни, чин ажал қамсаб келмаса, фалокатдан озод қилиб кетаман экан», — деб қарсиллатиб қавдонни ураверди». Ҳар қандай реалистик прозани бемалол безай оладиган бу психологик тасвир намунаси Бойчиборга хос фазилатларни очиш билан бирга, халқ дostonларида қаҳрамон руҳий олами-ни тасвирлаш биргина одамлар образи доирасида чекланиб қолмай, от образида ҳам кенг қўлланганлигини кўрсатади. Асрлар давомида бир қанча бахшилар авлоди атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовнинг Гулсарисидек Бойчибор образини ҳам

тўлақонли нодир от даражасида сайқал топтиришган.

«Алпомиш»да Барчиннинг тўрт шартидан бири Бобохон тоғида қўйилган (бошланган) пойга эди. Бу шарт бекорга киритилмаган бўлиб, ўша давр мезонига кўра ботирликнинг муҳим белгиларидан бири «алп оти»ни синаш билан боғлиқ. Чунки чинакам алп оти ҳам алп бўлиши талаб этилади. Пойгада Алпомиш ўрнига Қоражоннинг Бойчибор билан қатнашуви, Бойчибор учун қўшимча синов эди. Ҳақиқий тулпор шундай бўлиши керакки, у фақат моҳир чавондорнинг қўлида эмас, ҳар қандай бегона киши қўлида ҳам пойгада биринчи бўлиб кела олсин. Бойчибор шундай от бўлиб чиқди. Мабодо пойгада Алпомишнинг ўзи қатнашса тингловчи назарида Бойчиборнинг хизматлари маълум миқдорда Алпомиш номи, шуҳрати билан боғлиқ тушунилиши мумкин эди. Бахшилар бу ботиний психологик ўринни моҳирона асослаб ўтишган. Пойгада Бойчиборнинг Қоражонни биринчи қилиб олиб келиши орқали Алпомиш ягона алп от эгаси эканлигини ўз-ўзидан исботлаб берган.

Бойчибор оғир синовларни алп отларга муносиб, енгувчи тенгсиз тулпор.

Кўкалдош бошлиқ қалмоқ полвонлари Бойчиборнинг таърифини эшитгач, Қоражонни боғлаб, Бойчиборнинг оёқларига катта гулмихларни уриб, ўзлари пойгани бошлаб юборишади. Бойчибор ўзини ва Қоражонни бандиликдан холи қилиб, оёқларидаги михлар билан, бир ҳафта кеч пойгага киради.

**Энди жабр қилди отнинг жонига,
Қамчи урди Бойчиборнинг сонига,
Қолмади-ку Бойчиборнинг тоқати,
Езилгандир тўрт ярим газ қаноти.
Қамчи тортди Қоражондай зўравор,
Яшиндай бўп кўтарилди Бойчибор.
Балки булут билан бўлди баробар.
Кўзинг очиб қара Қоражон номдор,
Яшиндай бўп опкетибди Бойчибор...**

Бойчибор оёқларида миxlари билан маррага биринчи бўлиб етиб келди. Отнинг бу жасоратини Барчиной муносиб қадрлади:

**Пўлатни эритар қизларнинг дами,
Барчин ойм кўриб ўйлаб туради.
Урган миhi ялпоқ тизга боради.**

**Чорисин туюққа ёзиб олади.
Гул миxларни тишлаб сўғуриб олади.**

«Алпомиш»да Бойчибор образи билан боғлиқ сюжет линияси яқунловчи асосий сахналардан бири — Алпомишнинг зиндондан озод этилиш сахнаси дир. Алпомишни зиндондан қутқариш учун Қоражоннинг ҳаракати йўққа чиққач, Алпомишнинг ўзи халос бўлиш йўлларини ахтаради. У Қалмоқ шохининг қизи Товкага «махсус» тутатқи бериб, Бойчибор боғланган таблага бориб тутаттиришга муваффақ бўлади.

Тутатқи Бойчиборнинг димоғига етиб, от бандиликдан озод бўлиб, зиндоннинг бошига келади:


**Бекнинг оти бир ағанаб турибди,
От қуйруғи боз қирқ қулоч бўлибди.
От қуйруғин у зиндонга солибди.
Ҳакимбек белига боғлаб олибди.
Жонивор зўр уриб шу замон тортди,
Ҳакимбек бир зумда зиндондан чиқди.
Дунёни кўргандай бўлиб қолади,
Ҳакимбек отини тавоф қилади.
Иккови айрилиб етти йил ўтган...**

Бойчибор образи сингдирилган қадим мифологик хусусиятлар биргина қанот бўлмай, унинг тутатқи орқали ўз эгасига ёрдамга келиши (Эртакларда кенг тарқалган мотив), бир ағанаб қуйруғининг қирқ газ чўзилиши каби белгилар ҳамдир.

Умуман олганда, Бойчибор образи дostonда ҳар томонлама мукамал ишланган жанговар отларнинг типик намунаси ҳисобланиб, ўзбек фольклоридаги бетакрор қаҳрамонлар сирасига киради.

Улуғ адиб Максим Горький халқ бутун неъматларни яратувчи кучгина бўлмай, балки шу билан бирга маънавий бойликларнинг ягона ва битмас-тугамас манбаи ҳам, ер юзидаги барча улуғ дostonларни, барча фожиаларни ва буларнинг энг улуғи бўлган бутун дунё маданиятини яратган, ижоднинг гўзаллиги ва доҳийлиги жиҳатидан энг аввалги биринчи файласуф ва шоир ҳам шу халқдир, деб айтган эди. Бойчибор образи ана шу ижодкор халқ бадий камолотининг етук меваларидан биридир.

Хурсаной ЖУМАЕВА



НАВОИЙ МУРАББИЙЛИГИДАГИ МУТОЛАА

Навоийнинг нигоҳи тушган...
Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт
ва санъат нашриёти. Тошкент —
1988

Чашмалар бирлашиб анҳорни, анҳорлар бирлашиб дарёни ҳосил қиладилар. Улар бориб уммонни тўлдирадилар. Уша кичик чашмалар бўлмаганда уммон ҳам бўлмасди. Денгизнинг тагига шўнғиб, дуру гавҳарларини термоқчи бўлсанг, унга туташ чашмаларни ҳам билиш зарур.

Биз, кўпинча, Навоийнинг ҳамсанависликдаги салафлари тўғрисида гапирамиз. Бу борада бир қанча илмий ишлар амалга оширилган. Лекин Навоий учун умуман ижод мактаби бўлган ўзбек классик адабиёти, ундан Навоийнинг таҳсил олиб, ўз маҳоратини оширганлиги тўғрисида қилинажак ишлар олдинда. Шоир Муҳаммад Али, профессор Б. Қосимов ва Р. Нурматовалар тузган «Навоийнинг нигоҳи тушган...» баёз ҳам ана шу тарздаги тадқиқотларга асос бўлиши мумкин. Бу баёз — турли шоирлар асарларидан намуналар тўпламининг тузилиши ҳам ўзига хос. Унда Навоийгача яшаган ёки унга даврдош ўзбек адабиёти вакилларида Аҳмад Югнакий, Хоразмий, Мавлоно Лutfий, Юсуф Амирий, Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Саид Аҳмад, Гадоий, Яқиний, Муҳаммад Солиҳ кабиларнинг меросидан намуналар берилган. Муҳими шундаки, мазкур ижодкорларнинг асарларидан аввал эса, уларга Навоийнинг муносабати, баҳоси келтирилган. Хўш, бу адибларнинг асарлари қандай қимматга эга? Бу саволга Навоийнинг ўзи жавоб беради.

Масалан, Атойи шеърятидан намуналар берилган бўлим дастлаб Навоий диққатини жалб этган шоҳ байт билан очилади:

**Ул санамким, су(в) яқосинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуқлигиндин сўв била ютса бўлур.**

Сўнг Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис»да Атойига берилган баҳоси келтирилган: «Мавлоно Атойи Балхда бўлур эрди. Исмоил ота фарзандларидандир, дарвешваш ва хушхулқ мунбасит киши эрди. Туркигўй эрди. Ўз замонасида шеърӣ атроқ орасида кўп шуҳрат тутти»...

Қараңг, қанчалик қисқа, холис баҳо. Китобхон Навоийнинг назарида шоирнинг салоҳияти ҳақида маълумот олгач, сўнгра шу шоир меросини Навоий мураббийлигида «ўқийди». Китобхон истадидан қатъи назар бу адиблар мероси мутолааси мобайнида Навоий ҳам ғазалу дostonларни ёнма-ён кузатади. Навоийдек ишончли ҳамроҳи бор китобхоннинг баёздаги намуналарга муносабати теранлашади, ихлоси ортади. Тўпламининг бошқа баёз — мажмуалардан ажратиб турувчи асосий фазилатлардан бири ҳам худди

шу нуқтада яққол кўринади. Мажмуа «Навоийнинг нигоҳи тушган...» деб номланишиёқ адабий меросидан намуналар келтирилган шоирлар ижоди қадимда юксак баҳолангани, катта эътиборга сазовор бўлганлигини кўрсатади. Навоийки уларни назардан қочирмаган экан, демак, бунда бир ҳикмат бор дея китобни варақлаймиз. Аммо, афсуски, Навоий баҳо берган ҳамма ижодкорларнинг мероси бизгача етиб келмаган. Тўпламда келтирилган адиблар мероси биз ҳозиргача эга бўлган қўлёзмалар асосида нашр қилинган китоблардан олиб тузилган. Навоий тилга олган бошқа адибларнинг девонлари топилса «Навоийнинг нигоҳи тушган...» баёзи келажакда тўлдирилган ҳолда қайта нашр этилади, деб умид қиламиз.

Тўплам, бир вақтнинг ўзида, ҳам олимларга, ҳам кенг китобхонга Навоий ижоди сарчашмалари, унинг адабиётшуносликка доир айрим қарашлари борасида материал бера олади. Адабиётшунос олим бу шеърӣ тўплам воситасида Навоийнинг майдонга келишига замин яратиб берган туркий забон адабий заминни яққол кўради ва тадқиқот олиб бориши ҳам осон кечади. Кенг китобхонлар оммаси-чи? Мактабларимизда ўқиган замондошимиз Навоийгача бўлган даврдан Лutfийни таниса ва бир-иккита афсонани эсласа катта гап. Улар учун Навоийгача бўлган кенг адабий ҳаёт деярли қоронғу. Чунки мактабда бу давр ҳақида ғира-шира маълумот бериллади. Айнан шу мақсад — Навоийгача мавжуд адабий замин, мерос ва унинг Навоий талқинидаги баҳоси мажмуанинг вуҷудга келишига восита бўлган. Айни вақтда, тўпламни тузувчилар уни яратибди устоз шоир Ғафур Ғулломнинг ниятини амалга оширганлар. Ҳоди Зариф Навоий таваллудининг 500 йиллигига бағишлаб «Навоий замондошлари» баёзини чоп этган эди. Бу тўплам эса Навоийнинг 550 йиллиги арафасида қилинган эзгу бир ишдир. Хуллас, «Навоийнинг нигоҳи тушган...» мажмуасини аргизулик армуғон сифатида қабул қилиш мумкин.

Тўпламнинг кенг китобхонлар оммасига мўлжалланганлигидан келиб чиқиб, унинг сўнггида изоҳлар берилиши ўринлидир. Уларда адибларнинг таржимаи ҳоли, адабиётшуносликда ўрганилиши, тадқиқот — манбалар, матнлардаги айрим мураккаб ўринларга изоҳ, форсча мисоллар таржимаси келтирилган. Изоҳларнинг бундай тартибда тузилиши Навойдан аввалги адабий муҳитимиз ҳақидаги тасаввурни бойитишга хизмат этади. Баъзи қийин сўзлар қисқа луғатда изоҳини топган.

Китоб нашри ҳақида ҳам ижобий фикрлар айтиш мумкин. Китоб муқовасида чиройли қилиб, кичик миниатюра тасвири келтирилган. Баёз ичида ҳар бир шоирга бағишланган бўлим аввалида ҳам бир хил рангдаги миниатюралар берилган. Бошқа ўринларда ҳам миниатюралар келтирилган. Қанийди, «Ўзбек адабиёти бўстони» сериясида чоп этилаётган тўпламлардаги бири-бирдан хунук, шарқона услубдан маҳрум расмлар ҳам ана шу тарзда ишланган!..

Мажмуада Алишер Навоий назарига тушган замондош шоирларнинг асарларидан намуналар

берилгани ҳолда Ҳусайн Бойқаро шеърятини чет-лаб ўтилганлиги китобхон учун тушунарлиқдир. Шунга қарамай, мажмуа ўзбек классик адабиёти намуналарига янгича, ўзига хос ёндашув жиҳатидан аҳамиятлидир. «Навоийнинг нигоҳи тушган...» баёзига қараб туриб ўйлаиб қолдим, қанчалик бой адабиётимиз бор! Биз эндиликда «Ўзбек инқилобий шеърятини», «Ўзбек адабиётида утопия», «Ўзбек адиблари адабиёт ҳақида», «Навоий адабиёт ҳақида» тарзидаги тўплам, баёзлар яратишимиз зарур экан. Мажмуа олимларни ана шундай ишларни амалга оширишга рағбатлантиради.

Афтондил ЭРКИНОВ

ҚЎШИҚЛАРНИНГ КИФТИ КЕНГ БЎЛСА

Яҳё Тоға. Кўклам қалдирғочлари. Ўзбекистон
ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия»
нашриёти, Тошкент — 1988

Кейинги пайтларда адабиётимизда самимийлик ҳақида жуда кўп гаплар бўлаётди. Айниқса, бадий ижоддаги маънавий бағри кенглик, саҳийлик тўғрисида тўлиб-тошиб, очиқ-ошқоралик билан сўзланмоқда. Бунинг сабаби мамлакатимизда кечаётган қайта қуриш ва ошқораликнинг ҳамма соҳага кенг кулабда таъсир кўрсатаётганлигидир. Шундай бўлиши табиий ва қонуний. Ана шунинг учун ҳам кейинги йилларда яратилаётган асарларда, хусусан шеърини тўпламларимизда тўғри сўз айтишга интилиш кайфиятлари яққол кўринмоқда. Шунинг учун тўпламларга киритилган шеърларнинг кифтлари кенглиги билан кўзга ташланаётди. Рўҳий соддалик, эрк ва ҳуқуққа эътиқод, бағирнинг бутунлигига ишонч, уларни шундай тарзда кўз-кўз қилмоқда.

Табиий, бундай шеърлар қандай яралган ва яралаётди, уларнинг замини қаерда, деган саволлар туғилиши турган гап. Бизнинг назаримизда уларнинг асослари жуда олисларда. Олисда бўлишига қарамай ниҳоят даражада мустақкам. Улар халқ оғзаки ижодидир. Улар халқнинг минг йиллардан бери яратилган оғир ва қаттиқ синовларга дош бериб келган, не-не қирғинлардан омон қолган, не-не «зилзила»ларда йўқ бўлиб кетмаган, ҳаммича собит ва содиқ маънавиятидир. У асрларни асрларга туташтирган, авлодларни авлодларга таништириб, сенинг замининг шу, сенинг борлигинг бутунлигинг бир сўз билан айтганда чин инсонлигинг шу, деб ўқтириб келаётган адабиётдир, шеърятдир.

Яҳё Тоға шеърини тўпламини варақлаган киши беихтиёр ҳайратга тушади. Чунки унинг шеърлари юқорида айтганимиз бутун шеърятга — бутун маънавиятга туташиб тургандай. Шунинг учун у ўзига дарҳол жалб этади. Бу мафтун бўлишлик шунчаки ташқи ялтироқликка қараб мафтун бўлишлик эмас. Ўша манзарани қалбан ҳис этган, ундаги дарду аламларни ўзига сингдирилган одамнинг фарёд чекиши, ёқавайрон этиши турган гап:

**Кўзларингга босганинг
Рўмол чети хўл бўлди.
Тандир олдида туриб
Кўз тикканинг йўл бўлди.**

**Кўнглинг бузилди она,
Ичинг эзилди, она,**

**Соғинч шулди! Енгичанг
Қўлинггаёқ кул бўлди.**

Мунгли она! Ғариб она! Фарзанди хаёлида енгича туғул қўли куйганини ҳам сезмай қолади. Бу ўзбекнинг болалик хотиралари. Бу ўзбекнинг ёшлик даврларида кўрган таассуротлари.

Ростдан ҳам халқ шеърятинидаги қудратнинг худди ўзгинаси. Унда ортиқча тафсилотлар йўқ. Зўриқиб, қисиниб, қимтиниб турган сўзлар учрамайди. Ҳаммаси болалик каби эркин, ҳаммаси содда. Унда замину инсон бирлиги мавжуд. Шунинг учун ҳам сеҳрли беқиёс куч ўз-ўзини ошқор этади. Шу кучнинг сеҳри она бўлиб, она тупроқ — юрт бўлиб ва унга жалб этувчи соғинч бўлиб, кўксимиздаги хўрсиниқларга аралашиб кетади. Ким биров уф тортади, ким бировнинг юқорида айтганимиздек фарёд қилгиси келади.

Устоз, отахон шоиримиз Миртемир домла ҳаётлик пайтларида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги бир чиқишларида халқ оғзаки ижоди ва ундаги шеърини таърифи ваъталиб, етти ҳижоли шеърятнинг имкониятлари ҳали очилмаган кўриқ эканлигини, унинг жозиба қудрати, теранлик салоҳияти келажакниқилигини таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, Яҳё Тоғанинг ўша имкониятларни ишга сола олишга интилишлари ва бу борада эришган ибратли муваффақиятлари устоз башоратларининг ҳаққонийлигини исботловчи яққаю ягона далилки, бу далил олдиндан кўп синовлардан ўтмоғи муқаррар.

Манзара шеърятнинг жони деб келинган. Бусиз у ўлик бир нарса. Манзара бор жойда ҳақиқатдан ҳам ҳаёт жилваланади. Унинг ранглари кўзга ташланиб, оҳанглари қулоққа чалинади. Ҳамма-ҳаммаси сезилар ичига сингиб боради. Бу жойда ҳеч кимни алдаб бўлмайди. Нарсалар, одамлар, дунёқарашлар, ғоялар барибери кўриниб туради. Бу ҳам халқ томонидан узоқ даврлардан бери ишланган, сайқалланган бир услубки, бундай шеърининг ҳатто сатрлари ҳам ўлмаслигига гувоҳлик бериб туради.

Муаллифнинг «Саратон» шеъринидаги манзара янги бир руҳ билан суғорилган. Унда икки жиҳат бир-бирига қиёсланади. Бу қиёслаш одатдаги қиёслашлардан эмас. Шаҳару қишлоқ ҳолатларига чизгилар чизishi орқали катта бир ўйчан, салобатли хулосалар чиқарилади. Одамзода бор бўлган азалий рўҳий ҳамдардлик беихтиёр сизни ўйлантириб қўяди. Уйлаиб бу ростку, бу борку деб юборасиз. Тўғри, ҳаққоний, жонкуяр шеърят деб шуни айтсалар керак:

**Хўв олисда қишлоқда эса
Қийиқчасин танғиб бошига.
Отанг кетмон чопар ҳансираб
Олтмиш бешми, етмиш ёшида.**

Нимага энди, етмиш ёшида эмасу «олтмиш бешми, етмиш ёшида». Қаранг, шу сатрнинг туб-тубида халқоналик руҳи, халққа яқинлик, ҳамдардлик кайфияти сезилиб турибди. Шунинг учун ҳам у ким ўқишидан қатъи назар ҳаммининг шеърини. Бу Яҳё Тоға шеърларида мавжуд бўлган энг яхши фазилатлардан бири.

Тўпламдаги яна битта фазилат — шеърлар ўз қироатхони билан дардлашади. «Абен бободан сўраганларим»да ҳам, «Сўхбат»да ҳам, «Кўпқари»да ҳам, «Отан ҳақида дoston»да ҳам «Турсунали бобомнинг шеъри»да ҳам ўша ҳамдардлик сезилиб туради.

Халқоналикка хос бўлган хислатлардан яна бири ҳаммамизга маълум бўлган ва шуниси билан эътибор топган, сатрларнинг сиқиклиги, жумлалардаги мағизинг бутлиги. Халқ яратган

шеърларда сўзлар образларни, образлар эса сўзларни ҳеч қачон инкор этмаган. Улардаги мантикий бир бутунлик шунчаки айтилгандек қўйилиб кела берган. Гўё баҳор тошқинларидай шўх, сеҳрли ва ҳайратомиз. Унинг ички товуш овланишлари эса изҳор этилаётган фикрга бас-аланган мусиқадай гоҳ нолали, гоҳ қувноқ. Гашна қалбларга у бир қултум тип-тиниқ чашма сувидай роҳатбахш. «Кўклам яллеси» шеърдан ажратиб кўрсатаётганимиз — ушбу сатрларга эътибор қилинг-а!

**Боларининг болалари бол ола келсин,
Лолаларнинг лабларига хол сола келсин.
Расо гўлни суйган булбул косагул бўлиб,
Кабутарнинг даҳанида пиёла келсин.
Тилларида ялла билан терма ўйнасин,
Белларида икки илон — ўрма ўйнасин.**

Яхё Тоға шакл, мазмун уйғунлигини ўзбек тилининг сержилва бўёқларига маҳорат билан уйғунлаштира олади. Тилимиздаги оддий фонетик жараёнлардан усталик билан фойдаланади.

**Тўр торта-торта-торта
толдингизми отажон! каби,**

Тўғри, халқ оғзаки ижоди улкан бир уммонки, бу уммондан баҳра олганнинг юки енгил, қада-ли шаҳдам бўлишига шоирнинг шеърлари гувоҳлик бериб турибди. Унинг «Аскар акам», «Балиқчи», «Миртемир хотирасига», «Гавҳаройим», «Тўй» сингари шеърларидаги (агар таъбир жоиз бўлса) дилраболик муаллиф турган, у яшаётган маскан буюк халқ маънавиятига бойлигидан далолат бериб турибди. Шу маскан сувидан, шу

маскан ҳавосидан, шу масканнинг саҳий офтоби нурларидан баҳраманд бўлган Яхё Тоға ижодида сержилва, тубсиз маънилар қатлами, руҳият қудрати намоён бўлади. Шоир «Тарих дарсида» шеърда ёзади:

**Муаллим ёлғонни дўндирар, балки,
Бироқ, ул тарихни ёндира билмас.**

**Бу улуг чинордир, баргини юлиб,
Йиқита билмас у, ўлдирар билмас.**

Ёлғонлар халқ бошига ростдан ҳам кўп қулфатларни солиб келди. Ҳақиқат эса бир «улуг чинордир»ки уни йиқитиш, ўлдириш мушкулдир. Бу нарса бугунги кунда яна ҳам ошкор бўлиб қолди. Тарихнинг аччиқ аламли фожиалари энди бизга сир эмас. Муаллиф буни яхши тушунади. Шунинг учун «ёлғоннинг умри қисқа» деган халқ сўзининг тўғрилигига, оддий бир манзара, кичик бир киноя орқали ишора қилиб ўтади.

Яхё Тоға шеърларидаги ибратомиз фазилатлар ҳақида кўп яхши гапларни айтиш мумкин. Лекин бу дегани тўпلامдаги ҳамма шеърлар етук, намуна бўларли даражада дейилгани эмас. Айрим ҳолларда шоир фикрларини сиқик формаларга мажбуран йўналтиради. Натижада, соддалик меъёри йўқолиб ҳам шаклга, ҳам мазмунга путур етган ҳолатлар вужудга келади. Истардик, қулочни кенг ёзган тарзда, дўстимиз халқ кўшиқлари, ўланлари, ёр-ёрлари, айтишувларига қиёсан шеърларини кўпайтирса. Чунки халқ оғзаки ижодига яқин бўлган шеърятнинг кифти кенг, кўлами қудратли ва ўзи улуг бўлишига шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Фарид УСМОН



«ИСЛОВАТХОНА «МАЛИКА»ЛАРИ» МАКОЛАСИ (1988 ЙИЛ, № 11) ЖУРНАЛХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

Ўзбекистон ССР прокурорининг ёрдамчиси, юстиция катта маслаҳатчиси Файзулла Қиличевнинг «Исловатхона» «малика»лари мақоласининг «Шарқ юлдузи» журнали саҳифасида босилиб чиқишини қайта қуриш, ошкоралиқнинг яхши самараси сифатида баҳолаш керак. Журнал гоят долзарб масалани кўтариб чиқиб, савоб иш қилган.

Ҳақиқий аёл — она, меҳрибон мураббий, доно маслаҳатчи. Аёл зотининг гўзал ибоси ва вафодорлиги ҳақида хоҳлаганча гапириш мумкин. Ёш умрини урушда ҳалок бўлган ёрини интизорлик билан кутиб ўтказган аёлларга ҳар қанча таъзим қилсак оз. Лекин гуруч курмакисиз бўлмагани каби, ...учраб тураркан.

Ҳа, аёл — улуг зот. У ҳақда оғир гап айтиш ноқулай. Аммо фактлар қайсар бўлади. Мақола муаллифи келтирган мисоллар беихтиёр кишини ўйлашга мажбур қилади. Нима бўлаяпти, ўзи? Турғунлик йилларидаги алдамчилик, лоқайдлик «занжирли реакция» бериб, кўп «касалик»ларнинг уриб, кўпайишига сабаб бўлган экан-ку! Яхшиямки, мамлакатимизда қайта қуриш бошланди... Биз «ўшанақа» аёллар ҳақида илгарги фақат чет эл фильмлари, бадиий китоблар орқали билардик. Афсуски, бундай нусхалар «ривожланган социализмда» ҳам мавжуд экан. Ҳа, фактлар қайсар бўлади, кишини ўйлашга мажбур қилади.

XV асрда яшаган буюк ахлоқшунос, мутафаккир Хусайн Воиз Қошифийнинг «Ахлоқи Мухсиний» асаридagi қуйидаги сўзлар ёдга тушади: «Виждони, номуси, диёнати бўлмаган киши дунёда бўлган ҳамма ёмонликни қилишга тайёрдир». «Инсоннинг ахлоқсизлиги унинг ўзигагина эмас, балки ўзгаларга ҳам салбий таъсир қилади». «Нўширавон наригиз гули турган уйда, ҳаргиз хотунлари ва канизаклари билан бирла мушобарат қилмас эрди. Ва айтур эрдиким, «Наргис қараб турган кўзга ўшар, андин ибo қилурман. Аммо бу сувратким Нўширавондан воқеъ бўлиб эрди, дарҳақиқат ҳаё эрмас на учунким ҳаё имондин пайдо бўлур».

..Ақлнинг шарти будурки, то имкон борича фаришталик нисбатига қувват бергай ва ҳайвонот нисбатига майл қилмагай».

Қадимги аждодларимиз ҳаёни имондан вужудга келган, деб тўғри тушунишган. Шунинг учун бўлса керакки, қадимда «ўшанақа» аёллар жуда кам бўлган. Борларини ҳам аёвсиз жазолаганлар.

Ҳўш, ҳозирчи? Буюк зот деб эъвозланаётган баъзи аёлларимиз ўз жигарларидан пайдо бўлган қизларини бемалол пулга сотишаяпти. Қўни-қўшниси бунни кўриб туриб кўрмасликка олаятти. Бу бориб турган тубанлик эмасми? Мақола муаллифи тўғри таъкидлаганидек, инсон номига доғ тушираётган бундай аёллар учун ҳеч қандай жазо белгиланмаган. Бунни яхши билган «ўшанақа» аёллар жирканч ишни тирикчилик манбаига айлантириб олишган. Орган ходимлари нари борса огоҳлантирадилар, жарима соқадилар. Бунинг ҳар куни 200—300 сўм топадиган «нозанин»ларга чивин чаққанча ҳам таъсири бўлмайди. Тошкентдаги Навоий номидаги театр, «Тошкент», «Россия», «Дўстлик» меҳмонхоналари атрофида ҳар куни ўнлаб «ўшанақа» аёллар «сабаби тирикчилик» айланиб юришлари ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Бундай аёллар қишлоқ жойларда, микрорайонларда ҳам кўпайётганлиги ачинарлидир. Чунки, кичик, одамлар бир-бирини биладиган жойларда нотўғри хатти-ҳаракатлар тез кўзга чалинади. Аммо одамларимиздаги лоқайдлик бундай аёлларнинг, жойларнинг кўпайишига қўл келаяпти.

Яқинда Гулистон шаҳридан бир дўстим меҳмон бўлиб келди. Гап айланиб, журналдаги мақолага бориб тақалди. У ўз шаҳрида бўлган воқеани гапириб берди.

«Кеч соат ўн бирлар эди, биз қариндошимизникидан кетмоқчи бўлиб тургандик, — деди у. — Ташқарида бақир-чақир бўлиб қолди. Ҳаммамиз балконга чиқдик. Рўпарада ёш бир йигитча полос қоқарди. Қўшини уйнинг эшигига турган бир киши унга мурозаат қилди: «Кеч бўлди, болалар ухляпти. эртага қоқарсан». Йигитча кўнмади, полосни қоқаверди. Ҳалиги одам яна нимадир деди. Йигитча кўпол жавоб қайтарди. Ёши улуг одам газабланиб: «Онани кўриқласангчи, кеч бўлиб қолди», деди. Йигитча уни ҳақоратлади.

Маълум бўлишича, қўшини аёлнинг уйига ҳар куни тунда ўғли тенги йигитлар, бузуқ аёллар базм қилгани келиб туришаркан. Қўни-қўшнилари бу аёлдан нафратланиб, кириш-чиқини қилмай қўйишган экан. Кейинчалик эшитсанм, онасидан номус қилган ўғиллар қаёққадир бош олиб кетишибди. Бизнинг шаҳарда бундай суюқ аёқ аёллар кўп», деди дўстим гапининг охирида. Мен ўша аёлнинг ўғилларига ачиндим. У бечораларнинг гуноҳи нима?

Нега бугунги турмушимизда бузуқ аёллар кўпайиб кетаяпти? Менимча, бунинг қатор сабаблари бор. Биринчидан, кейинги пайтда оилада қиз бола тарбиясига эътиборсизлик билан қаралаятти. Кизи қаерда юрганини баъзибир ота-оналар суриштиришмайди. Иккинчидан, мактабларда ўқитилаётган «Оила этикаси» дарси талабга жавоб бермайди. Бу фан 9-синфда ҳафтагисига бир соат ўқитилади, холос. Бунни етарли деб бўлмайди. Бунинг устига бу дарсни ўқитиш дарс соати етмай қолган, ҳаётий тажрибаси бўлмаган ёш ўқитувчиларга топшириб қўйилаётганлиги ҳам сир эмас. Бу дарсни йигит ва қизларга алоҳида-алоҳида ўтиш, дарс соатларини кўпайтириш керак.

Ҳозирги даврда 14—17 ёшлардаги ўсмирлар ўртасида бузуқлик кўплиги таъкидланмоқда. Чунки, бу ўсмирлик даври — бола характери ўзгараётган, беқарор давр ҳисобланади. Бундай пайт-

да улардан ҳар нарсани қутутиш мумкин. Айниқса қиз болалар жуда таъсирчан, берилувчан бўладилар. Оддий қизиқишининг тубанликка айланиб кетиши эса ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам болаларнинг ўсмирлик чоғида ота-оналар жуда эҳтиёткор бўлишлари керак.

Фоҳишаларни жиноий жавобгарликка тортиш керак, деган фикрга тўлиқ қўйиламан. Бу ҳақда Ўзбекистон Жиноят Қодексига алоҳида бир банд киритилиши керак. Бу жазо жарима солишдан иборат бўлмай, қаттиқ режимдаги қамоқ жазоси ёки халойиқ ўртасида сазойи қилиш тарзида бўлгани маъқул.

Хусайн Воиз Кошифий шундай дейди: «Ҳаётнинг маъноси ёмон иш қилмоқдин уялмоқлик бўлур. Одамийга ҳаё шариф хислат ва маъбул сийрат бўлиши керак. Адабнинг маъноси ёмон сўздин ва забун ишдин нафси тиймоқ, ҳам ўзинг ва ҳам кишини иззатини сақламоқ, обрўйин тўқмаслик бўлур», — деган эди. Бу пурҳикмат сўзларни ҳар бир соф виждонли киши дастуриламал қилиб олиши керак. Шундагина имон, виждон, ор-номус йўқолмайди. Шоир Абдулла Орипов айтганидек:

Ҳаёни асрангиз, куймасин ҳаё,
Оташга дуч келган полапон мисол.

Р. МАҲМУДОВ

* * *

«Шарқ юлдузи» журналининг 1988 йил 2-сонида босилган «Авлодларга нима деймиз?» сарлавҳали мақолани ўқирканман, ҳозирги тиң, фаровон ҳаётимизда содир бўлаётган муаммолар мақола муаллифини гоаят таъсирчанлигини, изтиробга солаётганлигини ҳис этдим. Мақола бошдан оёқ халқ гамида йўғрилганлиги, халқ дилидан, халқ дарду-аламидан ўта синчковлик ва мардонворлик билан даллалар келтирилганлиги жиҳатидан диққатга сазовордир. Бежиз айтмайдиларда, адабиёт — ҳаётнинг ойнаси, ёзувчи — халқ виждони деб. Турғунлик йилларида содир бўлган салбий ҳодисалар ҳақида лом-лим дейилмади. Сабаби, уларни кўтариб чиқиш бефойда эди, сўз баҳя топмасди. Ана шу ҳолат нопок, фирибгар, ҳаромхўрларга қўл келди. Бундай кишилар қандай бўлмасин мол-дунё топиш, айшу-ишрат қилиш нияти билан яшадилар. Оқибатда ўғирлик, порахўрлик, фоҳишабозлик уриб, кенг томир ёйди. Донолар дейдиларки, қайси элда ҳалоллик, поклик ўрнини нопоклик, фирибгарлик эгалласа, ўша элда ташқи хавфдан ички хавф кучлироқ бўлади, турмушда инқироз бошланади. Жамиятимизда турғунлик йилларида юз берган салбий ҳодисалар бунинг яхши исботидир.

Тажрибали юрист Файзулла Қиличевнинг «Ислоатхона «малика»лари» сарлавҳали мақоласи «Авлодларга нима деймиз?» мақоласига ҳамоҳангдир. Ёзувчи У. Ҳошимов ўз мақоласида хўжаликни ташкил этишдаги, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги камчиликларни қаламга олса, Файзулла Қиличев маънавий ҳаётимиздаги салбий ҳодиса — фоҳишабозлик кенг илдиз отаётганлиги ҳақида сўз юртади. Мазкур мақола мени ларзага солди. Беихтиёр, оилавий ажралишларнинг, кўпчилиги, тирик етимларнинг кўпчилиги, туғруқхоналарга, кўча-кўйларга, ҳатто ахлатхоналарга ташлаб кетилаётган гўдакларнинг дод-фарёди айнан шу иллат туфайли эмасмикин, деб ўйладим. Тан олмасдан иложимиз йўқ, ҳаётимизда ҳалолу-пок эри, фарзандлари бўла туриб, онәдек муқаддас номга доғ тушириб, кўнғил хушлик кўчасига кириб кетаётган аёллар кўпаймоқда. Уғирлик, юлғичликни ўзига касб қилиб олган эркекларнинг чўнтагидаги ҳаром пулга, ҳаром зифатига маҳлиё бўлаётган бу аёллар ўз бахтларини тўрт кунлик кайф-сафога қурбон қилмоқдалар. Мақолада мамлакатимизда оилавий ажралишлар йил сайин кўпайиб бораётганлигини кўрсатувчи фактлар келтирилган. Бунга шунки қўшимча қилиш керакки аёллар ўртасида оммалашаётган ўзини осий, ўт қўйиш, транспорт остига ташлаш каби ҳодисалар ҳам у ёки бу дарадажа фоҳишабозлик билан боғлиқдир. Бундай аёлларнинг эрлари аксарият фоҳишабоз, кўча хандон, уй зиндон эркеклар бўлишади, оила аъзоларини қонига ташина қилиб юборишади.

Мақолада ҳозир республика шаҳар ва қишлоқларида 10 миндан ортиқ суяқ оёқ аёл борлиги, шундан 1248 нафари таносил касалига мубтало эканлиги айтилган. Булар фақат аниқланганлари... Ҳеч кимга тутқиқ бермай, «фаолиятини» хуфёна давом эттираётганлари қанча экан? Бундайлар ёшлари ўтиб, бозорлари қосод бўлгач, ёш, ҳаётий тажрибаси бўлмаган қиз ва жувонларни шу йўлга бошлаб, уларнинг ҳам умрларини хазон қиладилар.

Уғирлик, фоҳишабозлик, гийёҳандлик, ичкиликбозлик бир-бири билан етаклашиб юрадиган, «эгиз» иллатлардир. Шунинг учун бу иллатларга қарши курашда бир хилда қаттиқ қўл бўлиш керак. Нега киши ўғирлик қилса қамаладию, лекин шу жиноятчини ўғирликка ундаган фоҳиша сувдан қуриқ чиқиб юраверади? Қани бу ердаги социал аддат?

Ота-боболаримиз фоҳишаларга нисбатан ўта шафқатсиз бўлишган. Чунки, уни жамиятдаги кўпгина салбий ҳодисаларга замин яратадиган хавfli иллат эканлигини билишган. Утмишда айнан жазоси қаттиқ бўлгани учун ҳам бу иллат кенг ёйилмаган. Ҳозирги қонунларимизнинг бўйлиги, ортиқ даражада инсонпарварлик руҳидалиги фоҳишаларнинг кўпайишига шароит яратди, десак янглишмаган бўламиз. Ветънам Социалистик Республикасида бузуқлик қилиб қўлга тушган аёлларни очиқ суд қилиб, унга халойиқ кўз ўнгида тан жазоси бериларкан. Эҳтимол, шунга ўхшаш жазо чорасини бизда ҳам қўллаш мумкин бўлар. Агар шундай қилинса, эгри йўлга юриш ишқибозлари қадамларини ўйлаб босардилар.

Қонунийнос олимларимиз ҳозирги аҳволни ҳисобга олиб, қонунга ўзгартиришлар киритиш бўйича ўз таклифларини айтишлари керак. Бундан ташқари қонунни тайёрлашда ҳар бир республиканинг удумини, расм-русмини қатъий ҳисобга олиш лозим. Яна ёзувчиларимиз, олимларимиз инсон маънавий фожияси тўғрисида, ҳозирги дунёда Зухрорлар, Ширинлар муҳаббати олисдаги бир шарпадай бўлиб қолаётганлиги ҳақида кўпроқ ёзишларини истардим. Чунки, бусиз турмушимизни тубдан қайта қуришни тасаввур этиш мумкин эмас.

А. АБДУҚУНДУЗОВ

«Исловатхона «малика»лари» мақоласини ўқиб, анчадан бери кўнглимга тинчлик бермай келаятган баъзибир мулоҳазаларимни баён этишни лозим топдим. Файзулла Қиличев ниҳоятда долзарб масалага қўл урган ва унинг социал илдизларини кенг очишга ҳаракат қилган.

Маълумки, бизда ҳар бир иттифоқдош республиканинг ўз конституцияси ва қонунлар мажмуаси мавжуд. Лекин булар бир-биридан кам фарқ қилади. Худди бири ёзиб, иккинчиси таржима қилганми, дейсиз. Бу тўғри эмас-ку! Ҳар бир халқнинг минг йиллар давомида шаклланган урф-одатлари, миллий анъаналари бор-ку! Нега бу нарса яхши ҳисобга олинмайди? Масалан, илгари ўзбеклар бузуқлик қилган эркак ва аёлларни девор остига бостиришган. Мен бизда ҳозир ҳам шундай қилинсин, демоқчи эмасман. Лекин айтмоқчиманки, қонунлар мажмуамиздаги бу жиноятларга нисбатан белгиланган ғоят даражада бўш чоралар, эртадир-кечдир, халқнинг қонуний норозиликка сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, Америка Қўшма Штатларини олиб кўрайлик. Бу мамлакатда истиқомат қиладиган аҳолининг асосий қисми инглизлардан иборат. Аммо 48 та штатнинг ҳар бирида ўз конституцияси ва жиноят қонунлари кодекси мавжуд. Бир хил жиноят учун турли штатларда турлича жазо муддати белгиланган. Бизда бўлса, мамлакатимиз кўп миллатли бўлишига қарамай, қонунларимиз айтарли фарқ қилмайди. Менимча, ҳар бир иттифоқдош республиканинг жиноят қонунлари кодексида туб аҳолининг миллий урф-одатлари, анъаналари ўз аксини топмоғи лозим. Шундай қилинса, турмушимиздаги салбий ҳодисаларга, шу жумладан фоҳишабозликка қарши самарали кураш олиб бориш мумкин.

Ғ. КОМИЛОВ

Файзулла Қиличев ўз мақоласида фоҳишабозликнинг сабабларини атрофлича очиб беришга ҳаракат қилибди. Аммо бизнингча, бу иллатни бошқа сабаблари ҳам бор. Давлатимиз бузуқ аёлларни дурустгина рағбатлантиради ҳам. Яъни эри бўлган ёш болали аёлларга ойига 6 сўмдан, ёлғиз (эрсиз бола туққан) оналарга ойига 20 сўмдан нафақа берилади. Бу хоҳлаганча яшайвер, дегани эмасми?.. Тўғри, давлат бу ишни боланинг тақдирини йўлаб қилади. Лекин бу аёл болага оналик қилишга маънавий жиҳатдан ҳақлими ёки йўқми суриштирилмайди. Бу масала билан аёлнинг кўни-қўшнилари тегишли жойларга шикоят қилишгач, бола бир аҳволда бўлиб қолгач шугулланилади. Менимча бу йўлни тўғри деб бўлмайди.

И. ОТАХОНОВ

Фоҳишабозликни келтириб чиқараётган сабаблар кўп. Шулардан бири экранларда намоёни қилинаётган ҳар хил шарм-ҳаёсиз фильмлардир. Масалан, ўтган йили Тошкент кинотеатрларида «Ётоқхона деразаси», «Кичкина Вера» фильмлари намоёни қилинди. Бу фильмларни вояга етмаган болалар кўриши умуман мумкин эмас. Лекин болалар бемалол томоша қилишди. Илгари кинотеатрларнинг афишалари остида «16 ёшга тўлмаган болалар қўйилмайди», деган сўзларни ўқиш мумкин эди. Кейинги даврда афишаларда бундай сўзлар мутлақо кўринмай қолди. Шарм-ҳаёсиз фильмлар эса тобора кўпаймоқда.

Айниқса телевизор экранида фильм намоёни этишга эҳтиёт бўлиш керак. Чунки унинг миллионлаб томошабинлари бор. Бизда эса бу борада ҳам эътиборсизликлар бўлаяпти. Шунинг учун ҳам баъзида одамлар телевизорни «дилбузар» дейди.

С. ЙҮЛДОШЕВА



БУЛИМГА ҒАФУР ГУЛОМ АСОС СОЛГАН

АЛЕКСАНДР ДЮМАНИНГ ХИЗМАТЛАРИ ЕКИ ДЕПУТАТЛИК ОРЗУСИ

Александр Дюма 1841 йили депутат бўлишга аҳд қилибди. У ўзининг кимлигини ҳаммага кўрсатиб қўймоқчи бўлиб, қуйидаги варақни нашр эттирибди:

«Меҳнаткашлар!

Мен ҳам ўз номзодимни қўйдим. Каминага овоз беришларингизни сўрайман! Хизматларим ҳақида қуйидаги маълумотни билдираман.

Олти йил ўқишни, тўрт йил нотариалда ишлаганимни ва у ёқ, бу ёқ бўлиб кетган етти йилни ҳисобга олмаганда, йигирма йил давомида кунига ўн соатдан ишладим. Бу — ҳаммаси бўлиб етмиш уч минг соатни ташкил қилади. Йигирма йил ичида мен тўрт юзта китоб ва ўттиз бешта драма ёздим. Тўрт юзта китобнинг ҳар бирини беш минг тираждан ва баҳосини беш франкдан ҳисоблаганимизда, ўн бир миллион саккиз юз эллик уч минг олти юз франкни ташкил қилади. Бундан:

томларни тузувчиларга	— 264 000 франк,
прессловчиларга	— 525 000 франк,
брошюрачиларга	— 120 000 франк,
қоғоз тайёрловчиларга	— 683 600 франк,
ноширларга	— 2 400 000 франк,
даллолларга	— 1 000 000 франк,
рассомларга	— 28 000 франк,
адабий жамиятларга	— 4 580 000 франк,
корреспонденциялар учун	— 100 000 франк,
турли ишларга	— 1 600 000 франк тўланган.

Агар кунлик иш ҳақини уч франкдан ҳисоблаб, бир йилга уч юз иш куни ажратсак, менинг китобларим йигирма йил мобайнида бир минг олти юз тўқсон икки одамни боққан!

Ўттиз бешта драманинг ҳар бири эса тахминан юз мартадан ўйналган ва уларга жами 6 360 000 франк тўланган. Бундан:

директорларга	— 1 400 000 франк,
актёрларга	— 1 250 000 франк,
декораторларга	— 210 000 франк,
костюм танловчиларга	— 149 000 франк,
зал хўжайинларига	— 700 000 франк,
машшоқларга	— 157 000 франк,
камбағалларга	— 630 000 франк,
эълонлар учун	— 80 000 франк,
қоровул ва ўт ўчирувчиларга	— 70 000 франк,
тикувчиларга	— 50 000 франк,
фаррошларга	— 10 000 франк,
назоратчи ва хизматчиларга	— 140 000 франк,
машинистларга	— 180 000 франк,
сартарошларга	— 93 000 франк,
турли ишларга	— 1065 000 франк тўланган.

Шундай қилиб, менинг драмаларим Париждаги уч юз қирқ етти одамнинг тирикчилигини таъминлаган. Вилоятларни ҳисобга олганда эса бу рақамни учга кўпайтириш керак: у ҳолда, юқоридаги рақам бир минг қирқ бир одамни ташкил қилади. Яна бунга жами етмиш одамни бирлаштирган ишчи аёллар, актёрлар ва извошчиларни ҳам қўшиб ҳисобланг. Ҳаммаси бўлиб, бир минг тўрт юз эллик одам! Шундай қилиб, жаноблар, менинг драмаларим ва китобларим ўрта ҳисоб билан икки минг бир юз олти бир одамни иш билан таъминлаган. Бунга, албатта, чет эллик таржимонлар ва бельгиялик муттаҳамлар кирмайди.

Александр Дюма».

Ҳайратланарли ва таъсирчан ҳужжат! Лекин Дюма депутатликка сайланмади. Қуйидаги ҳужжатни эълон қилган Пол де Кок жуда жиддий рақиб чиқиб қолди.

«Мен сайланишга ва Ассамблея аъзоси бўлишга гражданин-Александр Дюмага нисбатан минг марта ҳақлироқман. У ўзининг ноширларига, қоғоз сотувчи ва лакерларига ўн икки миллион ишлаб олиш имконини бергани билан мақтанибди. Нақадар арзимаган гап?

Мен йигирма йил ичида олтмиш учта роман эълон қилдим. Ҳар бир роман учун тахминан бир миллиондан тўланган деб ҳисобласак, жами олтмиш уч миллионни ташкил этади.

Лекин менинг олтмиш уч миллионим оддий миллионлар эмас. Мен ўзимнинг бошқа фойдали томонларимни ҳам айтишим мумкин.

Мен Сен-Мартин хиёбонида яшайман ва ҳар куни юқори қават деразаси олдида кундуз соат тўртдан бешгача ўтираман. Буни бутун Франция билади! Йўл дафтарчасига Пол де Кокни ойна олдида ўтирадиган пайтида кўриши лозимлигини ёзиб қўймайдиган бирорта сайёҳ топилмаса керак... Табиийки, ҳар бир саёҳатчи менинг олдимга келиш учун омнибусга ўтиради. Бу унга олти суга тушади. Йигирма минг саёҳатчи ҳар йили юқоридаги суммани сарф қилади, бу ҳол йигирма йилдан бери давом этади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, транспорт эгалари бундан 4 800 000 су фойда кўришади.

Бундан ташқари, мени зиёрат қилиш учун мўмай харажатдан қайтмайдиган рус княгиняларини ҳам махфий равишда қабул қилиб тураман.

Булар ҳали ҳаммаси эмас, бутун бир аёллар гуруҳи (уларнинг исmlарини айтиб ўтирмайман, лекин ким хоҳласа адресларини бажонидил беришим мумкин) портретимни сўраб ялинишади. Деярли уч минг марта суратга тушиб, ўз мухлисларимга тарқатганман. Менинг асарларимни бундан ҳам кўпроқ севиб қолган яна бир аёллар гуруҳи эса дастхатимни ва соч толаларимни сўраб илтимос қиладилар. Бу дастхатлар ҳозир Буйон отелида ҳар бири эллик экю нарх билан сотилмоқда. Ҳаммаси бўлиб бундай дастхатлардан олти мингтаси тарқатилди. Ҳисоблаб кўринг-а, жаноблар, мамлакат мен туфайли нақадар кўп фойда кўрган.

Ва ниҳоят, охириг ҳамда жуда муҳим хизматларим: мен ноширлар ва извошчиларнинг бутун бир гуруҳини боқибгина қолмасдан, уч ёки тўрт миллион французни ўз асарларимдаги энг соғлом фалсафий ҳамда адабий концепцияларим билан таъмин этдим.

Шунинг учун, ҳурматли граждaнлар, сизлар айнан мени сайлайсиз, деб ишонаман ва мен Миллий Ассамблеяда ўтирганимда, қандайдир арзимаган ўн бир миллионлик маҳсулот тайёрлаган анови ромaннависга нисбатан анча кўркамроқ кўринаман»...

Русчадан **Ҳалим КАРИМОВ** таржимаси

ШЕЪРИЯТ

Гулчехра Нуруллаева. Кўнглим шундай бир мурод тилар	2
Зулфия Мўминова. Хотирада неча сувсиз сой қолган	25
Турсуной Содиқова. Табиат, тўзим бер тоқатларимга	44
Рўзи Қодирий. Яшаш завқи кезар жондаю танда	52
Чори Аваз. Сўқмоқда. Баллада	60
Севара Вафо. Шабнамдай бу олам, дардим сиғдирмас	72

НАСР

Суюн Шукуров. Сазойи. Қисса	8
Иброҳим Ғафуров. Мансурлар	29
Норқул Ҳайитқулов. Осмон пиёласи. Ҳикоя	47
Марва Жалолиддинова. Кўза синди. Ҳикоя	54
Жонрид Абдуллахонов. Икки ҳикоя	63
Эркин Самандар. Дарёсини йўқотган қирғоқ. Ромэн	75

МУШОИРА

Поклик тилайман юрагингизга. Авлиёхон Шукруллаев, Усмонжон Шукуров, Руфат Гумеров, Малик Эгамов, Исо Абдурахмон, Эргаш Ендош, Уктамхон Холдорова, Талъат Темиров, Бахшулла Ражаб шеърлари	139
---	-----

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

Орол бўлмаса биз ҳам бўлмаймиз. Давра суҳбати. П. Шермухамедов, С. Усмонов, С. Мирзаев, Ғ. Умаров, А. Пўлатов, Е. Березиков, А. Хоназаров, М. Салаев, Ғ. Ҳожибоева, Б. Камолов, Ж. Камол, Ғ. Нуруллаева, Ю. Ковалев, Н. Худойбергенов	147
---	-----

ТАРИХНИНГ «ОҚ ДОҒЛАРИ»

Вали Усмонов, Алиназар Эгамназаров. Воқеа бўлган нутқ	157
---	-----

ЖУРНАЛХОН ТАКЛИФ ҚИЛГАН МАВЗУ

Стелла Ямонт. Узингда... ўзлигингни кашф этмоқ	168
--	-----

НАВОИЙХОНЛИК

Исмоил Бекчонов. Эҳтиром рамзи	173
--------------------------------	-----

САНЪАТ

Жамила Сайдалиева. Тасвирдаги замон руҳи	177
Асқар Ҳайдаров. Фикрлар жанги	179

ҲАМЗАХОНЛИК

Иzzат Султон. Янги ҳаёт қўшиғи	181
Жўраҳон Усмонов. Кўзга нур, дилларга шуур улашиб	188
Бибиражаб Қўчқорова. Ҳамзага	191

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Муҳаммадшариф Сўфизода. Шеърлар	192
Раҳматилла Иноғомов. Улуғ қўбузчи	195

ЖАЖЖИ ТАДҚИҚОТ

Хурсаной Жумаева. Алпомишнинг қаноти	198
--------------------------------------	-----

ТАҚРИЗЛАР

Афтондил Эркинов. Навоий мураббийлигидаги мутолаа	200
Фарид Усмон. Қўшиқларнинг кифти кенг бўлса	201

АКС САДО

Гулқайчи	203
----------	-----

Александр Дюманинг хизматлари ёки депутатлик орзуси	206
---	-----

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

{Звезда Востока}

№ 3

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства

ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1989

Техник редактор А. Ҳайдаров.

Рассом Ғ. Алимов.

Корректор М. Имомов.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 13.01.89 й. Босишга рухсат этилди 16.03.89 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Р-11633. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Шартли босма листи 18,2+0,25 (зарварақ). Шартли-рангли босма. 19,95+0,25. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 149832. Бунортма 5102. Баҳоси 1 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41.